

ВАЛЕНТИН
РАСПУТИН

ир-дөсө

ОМОН БҮЛСАНГ, УНУТМА СҮНГГИ МУХЛАТ

Повестлар



ТОШКЕНТ

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1984

РЕДКОЛЛЕГИЯ

САРВАР АЗИМОВ (редколлегия раҳбари), ҲАФИЗ АБДУСАМАТОВ, ЗИЁД ЕСЕНБОЕВ, ЖУМАНИЕЗ ЖАББОРОВ, ВОҲИД ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, САҶДУЛЛА КАРОМАТОВ, МИРМУҲСИН, МУҲАММАД АЛИ, НАЗИР САҒАРОВ, ТУРОВ ТУЛА, АЛЕКСАНДР УДАЛОВ, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ, КОМИЛ ЯШИН, МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ.

САМИ РАҲИМ таржимаси

Распутин, Валентин.

Омон бўлсанг, унутма; Сўнгги муҳлат: Повестлар (Редкол.: С. Азимов ва бошқ.: С. Раҳим тарж.).— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.— 416 б.

Валентин Распутин ҳозирги замон рус совет прозасининг пешкаҳам вакилларидан бирийdir. Адибнинг барча асарлари кенг китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинди.

«Омон бўлсанг, унутма» повестида В. Распутин оддий қишлоқ аёлининг абллаҳ ари туфайли қандай фожиага учрашини тасвирласа, «Сўнгги муҳлат» повестида у иносиний бурч, оқибат ва садоқат тўғрисида фикр юритади.

Распутин, Валентин. Живи и помни; Последний срок: Повести.

4702010200 — 25
Р М 352 (04) — 84 — 99 — 84

© Издательство «Молодая гвардия», 1976 г.
© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й.
(Тарж.)

22/11/2022

102094

ОМОН БҮЛСАНГ, УНУТМА

1

Үрушнинг сўнгги йили — қирқ бейшинчи йилнинг қиши бу томонларда юмшоқроқ келса ҳам, аммо бари бир, чилла совуғи, одатдагидек, ҳақини қўймади, қирқ дара жадаи ошиб кетди. Даражат шохларида бир ҳафтадан бери ёнишиб ётган булдуруқ эриди-ю, ўрмон батамом караҳт бўлиб қолди, ердаги қор гозини йўқотиб, салга гарчиллар, уқаланиб кетар, эрталаблари чирсиллаб турган соvuқ ҳавода нафас олиш қийин бўларди. Кейин ҳаво бир оз шаштидан қайтди, шундан сўнг яна бир марта юмшади, натижада сайхонликлардаги қор бети юпца муз бойлаб, эрта қотиб қолди.

Шу совуқ кунларда Гусъковларнинг Ангара ёқасига туташ томорқаси этагидаги мўрчадан нарса йўқолди: Михеичнинг қулинг ўргилсин қадимий, дурадгорликка ишлатадиган болтаси ғойиб бўлди. Одатда бирон нарсани бегона кўздан яшириб қўйиш лозим бўлса, мўрча тоши ёнидаги қоқилмаган пол тахтаси тагига тиқиб қўйишаради, кекса Гусъков куни кеча тамаки түя туриб, болтани ўша ерга тиқиб қўйганини аниқ эсларди. Эртасига бориб қарасаки, болта йўқ, қидирмаган жойи қолмади — ерга кирдими, осмонга учдими, хуллас, болта ғойиб бўлганди. Шу баҳонада Михеич мўрчани остин-устин қилиб, болтадан бошқа нарсалар ҳам йўқолганини пайқади: кимдир бу ерни билганича титиб, токчага босиб қўйилган қўлбола тамакининг ярмини, даҳлиздаги эски чангини ҳам ола кетибди. Шундан кейин кекса Гусъков ўгри бу ерлик эмаслигини, болтасини қайтиб кўрмаслигини тушуниб етди. Чунки ўгри ўз қишлоғидан бўлганда, ҳеч қачон чангини олиб кетмасди.

Настена мўрчадан буюм йўқолганини кечиурун, ишдан қайтиб келганидан кейингина билди. Михеич кун бўйи ўзини қўярга жой тополмай юрди: уруш пайти бунақа болтани топиб бўларканми? Йўқ, сирайм тополмайди энди. Аттанг, ўзиям енгилгина, ўткир, худди ўйинчоқдек болта эди-да, шундоққина қўлга тушарди-қўярди. Настена қайнотасининг оҳ-воҳини эшитаркан, ҳоргинлик билан аллақандай бир парча темир деб шунчалик кўйиб-пишишнинг нима ҳожати бор, ахир бусиз ҳам дунё анчадан бери алғов-далғов бўлиб ётибди-ку, деб ўйлади. Фақатгина Настена ўринда аъзои бадани хиёл сирқираб ётаркан, миясига лоп этиб бир фикр келди-ю, юраги ҳаприқиб кетди: ҳа-я, пол остига қараш бегона одамнинг эсига қаёқдан келиб қолдийкин? Ногаҳон миясига келган бу фикрдан Настенанинг нафаси бўғилиб, уйқуси ўчиб кетди ва қоронгиликда узоқ вақт мижжа қоқмай ётди. У даҳшатли гумонини битта-яrimta сезиб қолишидан ҳадиксирагандай, қимирлашга ҳам қўрқар ва бу фикрни гоҳ ўзидан нари ҳайдар, гоҳ унга маҳкам ёпшиб олар эди.

Шу кечада Настена тунни бедор ўтказди, эрталаб эса, тоңг ёришар-ёришмас ўрнидан турди-да, ўзи бориб мўрчани кўрмоқчи бўлди. У қори топталган бузоқхона орқали эмас, балки ҳамма юрадиган йўлдан Ангара ёқасига тушди-да, ўнгга бурилди. Бу ердан баланд тик жар лабидаги тўсиқ ортидан мўрча томи кўриниб турарди. Настена пастда бир оз тўхтаб қолди, кейин зинанинг музлаган пиллапояларидан аста юқорига кўтарилди-да, эшикни ғижирлатмаслик мақсадида тўсиқни ошиб ўтди, ичкари киришга юраги бетламай, мўрча ёнида пича тараддулланиб турди, сўнг пастаккина эшикча тутқичини оҳиста тортиди. Аммо эшикча нам тортиб, музлаб қолганими, очилмади, шунинг учун Настена уни бор кучи билан силтаб тортиди. Йўқ, демак, ичкарида ҳеч ким йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Мўрча ичи қоп-қоронги эди. Анграга, гарбга қараган дарчадан эндигина бўзариб келаётган тоңгнинг гира-шира ёруғи тушиб турарди. Настена дарча остидаги скамейкага ўтирди ва янги, гайритабиий, лекин бир вақтлари ўзига таниш бўлган ҳидни сезишта уриниб, мўрча ичини дикқат билан исказ бошлади. Бироқ димогига музлаган чириндининг ўткир, ачимсиқ сассиғидан бошқа ҳид урилмади. «Мен тентак, қандай хаёлларга бориб юрибман-а», — Настена ўзига-ўзи таъна қилди ва бу ерга нима мақсадда келганини ҳам, бу ерда нима топмоқчи бўлганини ҳам тушуна олмай ўрнидан турди.

Кундузи Настена хирмондан колхоз саройига похол ташиди ва ҳар сафар тепаликдан тушаётганды, худди сеңрланғандай, мүрчага қараб-қараб қўярди. У ўзини койир, хуноби ошар эди-ю, лекин бари бир қорайиб кўриниб турган ўша бесўнақай мүрчага қайта-қайта нигоҳ ташларди. Похолни қор тагидан темир паншаха билан кавлаб олиб, чанага тутам-тутам қилиб ташлашга тўғри келди ва шу боисдан ҳар қандай оғир ишни кўрдим демайдиган Настена уч марта қатнаганидаёқ шу қадар ҳолдан тойдикӣ, пуф деса йиқилгудай бўлиб қолди. Бунинг устига кечаси ухламагани таъсир қилди шекилли, кечқурун Настена нари-бери тамадди қилди-ю, ўзини таппа ўринга ташлади. У ухлаб қолиб, кечаси тушига кириб чиққаниданми ёки ухлаб мияси тиниққаниданми, бунчалигини айтольмайди, ҳарқалай эрталаб уйғонганидан бундан бу ёғига нима иш қилишини у аниқ биларди. У қазноқдан катта бир думалоқ нонни олиб, тоза бўзга ўрадида, ҳеч кимга сездирмай, мүрчанинг бериги бурчагидаги скамейкага элтиб қўйди. У эсим жойидами-йўқми, дея бир оз ўйлаб ўтирди-да, афсун ўқиётгандай қандайдир сирли хўрсиниб, эшикчани ёпиб, чиқиб кетди.

Шундан кейин Настена икки қунгача эрталаб бориб мүрчани текшириди, аммо нонга ҳеч ким тегмади. Сўнгра у нонни янги ёпилган нон билан алмаштириб, буни ҳам яна ўша аввалги, кўринарли жойга қўйиб қўйди. Энди у ҳеч нимадан умид қилмай қўйганди, аммо юрагини босган қандайдир ваҳм сира тинчлик бермай, болта ўғирланшининг оқибати нима билан тугашини билишга уни мажбур этарди. Ахир, гўла остида қазноқ борлигини бегона одам билмайди-ку,— мана ўша гўла, бошқа гўлалар билан бир қаторда зилдай бўлиб ётибди, устида ўйин тушсанг ҳам қимири әтмайди. Ёки битта-яримта сезганмикин? Фақат нон, ҳа, нонгина ўша кимса кимлигини аниқлаб бериши мумкин. Инсон зоти нонни кўрса чидаб туролмайди.

Яна икки кундан кейин нон ғойиб бўлди. Ноннинг жойида йўқлигини кўриб, Настена қўрқиб кетди. У ҳолсизланиб, инграганича скамейкага ўтириб қолди ва бошини чайқади: йўқ, мумкин эмас. Бундай бўлиши мумкин эмас! Эҳтимол, қайнотасими ёки қайнонасими киргану бу ерда нон кўриб, уйга олиб кетгандир. Ҳа, шунаقا. Настена чўккалади, полда нон ушоқлар ётарди. Йўқ, бу ерга қайнотаси ҳам, қайнонаси ҳам эмас, бошқа бирор кирган. Настена мўрча печидаги совуқ кулни титкилаб, папирос қолдигини топди.

Шу дақиқадан эътиборан Настена гўё ўзини бошиқама бир оламда кўраётгандай эди: энди бу ёги нима бўларкин? У рўзгор юмушларини бажаар, колхоз ишига чиқар, одамлар ичидаги ўзини аввал қандай тутган бўлса, шундай тутарди-ю, тиқ этган товушдан чўчиб тушиб, чор атрофга алланг-жаланг қарап эди. Бирон нимани кутсангу, аммо нимани кутаётганингни ўзинг дурустгина билмасанг, юрагинг сиқилиб, тоқатинг тоқ бўлиб кетади. Шунинг учун Настена шанба куни мўрчани ёқди. Семёновна ҳаво совуқ-ку, нима қиласан, деб уни раъйидан қайтармоқчи бўлди, лекин Настена ўзим сув ташийман, ўзим иситаман, сизлар фақат чўмиласизлар, холос, деб гапида туриб олди.

Настена мўрчани бирпасда иситиши мумкин эди, бу қийин эмас, лекин у атайлаб шошилмади. У қарагай, секин-аста ёнадиган қайин ўтиналарни ёрди, мўрча тошига одатдагидан кечроқ олов ёқди. Қиши эндиғина шаштидан туша бошлигар бўлса ҳам, ҳали кун совуқ, аммо ҳаво очиқ ва осойишта эди. Настена Ангарадан сув олиб, тепага кўтарилар экан, ҳар сафар мўридан чиқаётган тутунга беихтиёр нигоҳ ташларди: қайнининг қоп-қора тутуни эпкинсиз ҳавода худди адл симёғочдай осмонга тик кўтарилар ва олис-олислардан ҳам кўзга ташланниб турар эди. Настена керагидан ортиқча бир тогора сув иситиб, пол ва токчаларни ювив-артди, трубани беркитди ва қош қорайганда чол билан кампирни айтгани берди, уларга чироққа керосин ола келинглар деб тайинлашни ҳам унутмади.

Настена гўё уйқусида юрган одамдай пайпаслаб юрар, куни билан қийналганини, чарчаганини сезмасди, аммо ҳамма ишни ўзи ўйлаб қўйганидек пухта бажаарди. Настена чол-кампирнинг ювициб келишини кутди, улар келгач, кийим-кечагини йиғди ва Семёновна ювинишга ким билан борасан, деб сўраганида, Надъка билан бораман деб ёлғон жавоб берди. Одатда Настена мўрчага тушадиган бўлса, қўшии аёллардан битта-яримтасини чақиравди: у ўзининг сўлиб бораётган баданига қараб туриб эзиларди, ўкинарди, кўзларига ёш оларди. Лекин у бугун бир ўзи ювинмоқчи эди. Настена мўрчага қоронги тушиб қолганда, зим-зие тун қора чодирини ёйиб кўройдин бошланмаган пайтда борди, дарчани ичидан латта билан тўёди ва тезгина ювиниб олмоқчи бўлиб, апил-тапил ечинди, чунки унинг ўйлаган нарсасига, наздида, ҳали вақт бор эди.

Настена ювиниб бўлгач, уйга қайтиб келди, чироқ

Брурида ойнага қараб, сочини таради ва кейин чой кампирга мурчага бирга тушган Настенаникага бориб, бирпас ўтириб келаман деди. Чиндан ҳам Настена Надъканикага борди, лекин у ерга йўлига, унинг кўзига кўриниб қўйиш учун борди. Шунинг учун бирпас ўтирган бўлди-ю, яна мурчага югургилаб қолди. У кечикмаган бўлсам гўргайди, деган кавотирда ўгринча қадам ташлаб, аста эшик тагига келди-да, ҳеч ким йўқмикин, дея секин ичкарига қулоқ солди, кейин эҳтиёткорлик билан мурчага кирди. Мурча ҳали илиқ эди, Настена терлаб кетмаслик учун остона ёнига ўтиреди. Борди-ю, битта-яримта келиб қолган тақдирда ҳам у дик этиб ўрнидан туриб, ўзини бир четга олишга улгуради, ҳозирча эса, кутиши керақ, холос.

Қишлоқдан турли овозлар, итларнинг акиллаши элас-элас келиб турарди, ниҳоят булар ҳам тиниб, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Ҳар замонда Ангарадан музнинг бўғиқ чирсиллаши қулоқса чалинарди, мурча ҳам буғлана-буғлана совий бошлади. Настена зимистонда ўтиракан, мурча дарчасини аранг кўради, у ўзини шу аҳволда эсанкираб қолган ночор оқудек ҳис этарди. У ўзини овутиш учун бирон нимани ўйлашга ёки бирон нимани хотирлашга уриниб кўрди, лекин бўлмади; одамлар орасида юрганда ҳаммаси жўнгина туюлиб, ўзини бемалол тутган бўлса, бу ерда калласига ҳеч нима келмаяпти.

Орадан хийла вақт ўтди, эшикдан гўриллаб совуқ кира бошлагандан кейин у скамейкага ўтиб ўтиреди.

Настенанинг кўзи илинди, қадам товушларини ёшитмай қолди. Ногаҳон эшик очилди, уни бир нима туртиб ўтиб, мурчага кирди. Настена сакраб ўрнидан турди.

— Вой худо! Бу ким, ким бу?! — қўрқувдан тош қотиб қичқирди у.

Қоп-қора, баҳайбат жусса эшик олдида бир лаҳза туриб қолди-да, кейин Настенага ташланди:

— Овозингни чиқарма, Настена. Бу мен, жим.

Қишлоқда итлар ҳам акиллай-акиллай тинчиб қолди.

2

Ангаранинг ўнг соҳилига жойлашган Атамановка бор-йўғи ўттиз ҳовлидан иборат бўлиб, уни қишлоқ өмас, овул деса бўларди. Қишлоқ ўзининг жарангдор

номига қарамай, бир атрофда бир ўзи мунгайиб ётар эди, устига устак, урушдан олдинроқ секин-аста, киши билмас файзи кета бошлаганди: бирваракайига беш уй — унақа-бунақа әмас, данғиллама уйлардан бештасининг җувиллаб қолганига, деразаларига тахта қоқиб ташлаганига ҳам анча вақт бўлиб қолган. Уруш вақтида-ку, қишлоқларда одамларнинг сийраклашиб қолганини изоҳлаб ўтирмаса ҳам бўлади, бу энди маълум, аммо Атамановкадан одамлар, айниқса рўзгор ташвиши бошига тушмаган ёшлар анча олдинроқ кета бошлаганди. Уларни гавжум, сершовқин, келажакда обод бўлиб кетадиган жойлар қизиқтиради, Атамановканинг эса истиқболи бунақа әмасди. Қишлоқ қачонлардир бир чеккада бунёдга келганди: Атамановка билан қишлоқ совети жойлашган энг яқин Карда қишлоғи орасидаги масофа йигирма чақиримдан ортиқ эди. Тўгри, Ангара-нинг нариги бетидаги Рибная қишлоғи унга анча яқин эди, лекин Рибнаядагилар борди-келдини қўйи оқимдаги қўшнилари билан қилишарди, чунки қишлоқ совети ҳам, магазинлар ҳам, бошлиқлар ҳам, борингки район маркази ҳам ўша ёқда эди. Ҳар қандай зарурат бўлса, ўша ёққа боришарди. Атамановкага эса дарёни кесиб, аҳён-аҳёндагина қадам ранжида қилишарди. Атамановка ёнидан сувни шалоплатиб пароходлар қатнар, ахборотлар ташир эди, аммо соҳилда нохуш сўппайиб турган қишлоқ бу ахборотлардан бехабар қолаверарди. Ҳатто уруш бошлангани тўгрисидаги хабар ҳам бу ерга эртасига етиб келганди.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, қишлоқ ҳамиша ҳам шу хилда аҳамиятсиз, назардан қолиб келган әмас. Қишлоқ Атамановка деб аталганига қадар бундан ҳам даҳшатлироқ Разбойниково (Қароқчи қишлоқ) номи билан довруги кетган. Эски замонларда бу ердаги әркаклар мاشаққатсиз фойдали ҳунардан — Ленадан олтин олиб келаётган тилла қидиувчиларни тўнашдан ор қилмаганлар. Тоғ тизмаси Ангара дарёсига деярли тақалиб келганидан ва қишлоқни четлаб ўтишнинг сира иложи йўқлигидан қишлоқ йўлтўсарлик қилиш учун жуда қулай эди, истасанг-истамасанг шу ердан ўтишинг керак эди. Дарё биқинидаги қишлоқ шоввозлари пойлаб туришарди-да, дуч келган Лена олтин изловчиларини тўнашарди. Бора-бора қишлоқ шу ном билан шуҳрат қозонди. Оғизда юрган «Разбойниково» номи ҳогозга ҳам кўчди, аммо совет ҳокимиияти ўрнатилмасидан олдинроқ бўлисдагилардан қайси бирининг назарида бу ном хунукдай

туюлади, шунинг учун маъноси ҳам деярли ўшандай эшитилар, эшитган қулоққа ҳам яхши, дея уни Атамановка деб ўзгартиришди. Дарвоҷе, маҳаллий халқ ўзгартирилган номга негадир кўнгли бўлмади, орадан шунча йиллар ўтган бўлишига қарамай, кардалик, рибнаялик ва бошқа қишлоқлардаги қариялар, худди тил биринтиргандай нуқул бир гапни такрорлагани-такрорлаган:

— Бутун қишлоқ қароқчилик билан ўгулланарди-ю, булар бўлса ҳамма айбни қандайдир бир атаманинг бўйнига ағдармоқчи бўлишяпти, э, йўқ, бунақа фирромлик кетмайди.

Настена тақдир тақозоси билан Атамановкага юқори Ангарадан келиб қолганди. Ўн олти яшар Настена ўттиз учинчи йилдаги очарчиликда волидай неъматини Иркутск яқинидаги киндик қони тўкилган қишлоғига дафи этиб, ўлимдан омон қолиш учун саккиз яшар сингилласи Катьканни етаклади-да, дарёнинг қўйи оқими томон бош олиб кетди. Ривоятларга қараганда, у ёқларда одамлар унчалик камбағал яшашмас экан. Настенанинг отасини илгари, колхозлар энди тузилаётган йили ўлдирив кетишган, айтишларича, душман бошқа кишини нишонга олиб, тасодифан унинг отасини отиб қўйган экан, аммо қотилни топишолмабди. Шундай қилиб, қизлар кимсасиз етим бўлиб қолишади. Бутун ёз бўйи Настена билан Катька қишлоқма-қишлоқ дайдиб, тоғ дастёрчилик билан, баъзи жойларда эса жажжи ва ширингина Катькага берилган хайр-садақалар билан кунларини ўтказиб юришади. Агар Катька бўлмагандা Настенанинг ҳолига маймунлар йиглаган бўлармиди. Унинг ўзи новча, озгин, қўллари, сёқлари ўқлогидай узун-узун, боши чўзинчоқ, юзи чиллаширдай бужмайган, таъбир жоиз бўлса, худди оч арвоҳнинг ўзгинаси эди. У Катькага она ўрнида она бўлиб қолганди. Фақат Катька туфайлигина Настена қимирлашга, бирорларнинг эшигига бориб, чўрилика олинг, деб ялинишга, бир бурда нон сўраб гадойчилик қилишга мажбур бўларди.

Кузга бориб опа-сингиллар бир амаллаб Настена эс-эс биладиган аммаларининг қишлоғи Рютина га етиб келишиди. Аммаси вайсаб-вайсаб бўлса ҳам қизларни бағрига олди. Настена сал ўзига келгандан кейин колхозга ишга чиқди. Катьканни эса мактабга берди. Бу пайтга келиб аҳвол анча яхши бўлиб қолган, полизларнинг ҳосили етилган, бугдойлар ҳам пишиб қолганди. Егулик бўлган жойда очлик ҳам чекинаркан, шунинг учун қишига бориб Настена ўзини анча тутиб олди. Келгуси йили ҳам

ҳосил шундай битдики, энди очлик қақида оғиз очишининг ўзи уят бўлиб қолди. Секин-аста Настенанинг чеҳрасига эрта тушган ажинлар йўқола борди, бадани тўлишиди, ёноқлари нақш олмадай қизариб, кўзларида шодлик йўнай бошлади. Яқингинада чўпдай бўлиб юрган Настена энди лобар қиз бўлиб қолганди. Икки йил ўтгацдан кейин Настенанинг худди мана шу Рютинада, қишлоқдан сал наридаги цистернадан ёнилғи олиб, солда ташиб юрадиган бир бегона, аммо эпчил, чаққон ва танти йигит Андрей Гуськов учратиб қолади. Улар дарров тил топишади, аммасиникида чўри бўлиб ишлаб, қадини дол қилиб юриш ҳам Настенанинг обдон жонига текканди. Андрей ёнилғи солинган бочкаларни МТСга олиб келди-да, имиллаб ўтирумасдан, пароходда орқасига қайтди ва Настенани ўз қишлоғи Атамановкага олиб кетди.

Настенанинг турмушга чиқиши худди томдан тара-
раша тушгандай бўлди, ҳеч нимани ортиқча мулоҳаза
қилиб ўтирумади: бари бир эрга тегиш керак, камдан-кам
одам бу дунёдан ёлғиз ўтади, шундай бўлгандан кейин
чўзисб нима қиласди? Шунинг учун у янги оиласда, бего-
на қишлоқда ҳоли нима кечишини яхши тасаввур қила
олмасди. Оқибатда шундай бўлиб чиқдики, қордан қуту-
либ, ёмғирга тутилди, яъни чўриликтан чўриликка бор-
ди. Фарқи шуки, рўзгор катта, талаби ҳам қаттиқроқ
бошқа хонадонга ўтди. Гуськовларнинг икки сигири,
қўй, чўчқалари, товуқлари бор эди, катта бир уйда уч-
киши истиқомат қиласди, Настена тўртинчи бўлиб келди.
Шунинг учун барча рўзгор юмуши Настенанинг гарда-
нига тушди. Семёновна кўпдан бери келин келса-ю, зора
юким енгиллашса, деб орзу қилиб юарди, мана келин
ҳам келди, аммо ўзининг тоби қочди-ю, оёқлари шишиб,
юрганда худди ўрдакка ўхшаб лапанглаб, у ёнидан бу
ёнига ташлаб юрадиган бўлиб қолди. Бари бир у рўзгор-
да бош-қош эди, Семёновна умр бўйи рўзгорни тебратиб
келди, мана энди унинг ўрнига рўзгорни бошқа қўллар
тебратяпти-ю, лекин ўзиники бўлмагани учун бу қўллар
назарida ношуддай, эринчоқдай туюларди. Семёновна
табиатан инжиқ хотин эди: гоҳо бирор раъйини қайтар-
са ёки ўзини оқлашга тушса, фигони фалакка чиқарди-
да, чакаги тинмай вайсарди, гоҳо жаҳли чиқиб, тумша-
йиб оларди-да, бирорга бир оғиз ҳам гапирмасди, у билан
жанжаллашмаслик, уришиб кетмаслик учун Настена
каби сабр-тоқатли ва тоғдай вазмин одам бўлиш керак
эди. Настена қайнонасининг инжиқликларига одатда
чурқ этмасди, у бунга Катъка билан Ангара қишлоқла-

рида тилянчилик қилиб юрган, эринмаган бандалар уни бенордан-бенор уришиб сўккан ёз фаслида ўрганиб қолгани эди. Албатта, у тубдан атамановкалик бўлиб, бу ерда бирои гап бўлгундай бўлса, дарров Настенанинг ёнини оладиган, уни хафа қилдириб қўймайдиган қариндоши уруглари бўлса-ку, унда Настенага нисбатан муносабат ҳам бошқача бўларди-я. Лекин Настена кимсасиз етим, қаёқдан келиб қолгани ҳам номаълум, бор-йўқ сепи эгнидаги биттагина бўз кўйлак эди. Ҳатто сонга киритиш учун кийим-кечакни шу ерда тиктириб, эгнига илишга тўғри келгач—индаб кўрсинг-чи, Семёновнанинг миясига ўрнашиб қолган фикрлар ана шундай эди, бу фикрлар, айниқса ҳаво айнигана пайтларда унинг оловига мой қуярди.

Дарвоҷе, йиллар ўтиши билан Семёновна Настенага кўнишиб қолди, у энди борган сари камроқ вайсар, роиши, қўл-оёқли келинга йўлиқдим, деб кўнглидан ўтказиб қўя бошлади. Настена колхоз ишига ҳам бориб-келар, рўзгор юмушларини ҳам деярли бир ўзи бажаарар эди. Эркаклар қишига ўтин, пичан гамлашни билишарди, холое. Ҳа, айтгандай, борди-ю, уйнинг томи тушиб кетса, уни ҳам эркаклар кўтаришарди, аммо Ангарадан сув ташиб келиш ёки оғилни тозалаш эркакка ярашмайдиган, уят иш ҳисобланарди. Семёновна шишиб кетган дардчил оёқлари билан узоққа бориб-келолмасди, ҳамма ерда Настена гирдикапалак эди. У бўлмаса, кампирнинг ҳолигавой эди, бу эса ноилож қайнотнанинг попугуни пасайтириб, ён беришга мажбур қиласарди. Кампир бир нарсани — Настенанинг боласи йўқлигини асло кечира олмасди. Кампир таъна қилишга-ку қиласади-я, у бу ҳар қандай хотиннинг ҳам иззат-нафсига тегишини яхши биларди, лекин кўнглининг бир чеккаси хира эди. Бунинг устига Андрей чол-кампирнинг уч бола ўрнига қолган ёлғиз фарзанди эди, чунки Андрейдан олдин дунёга келган икки қизлари турмаганди.

Боласизлик Настенани ҳамма хўрликларга чидашга мажбур этарди. У болалик чогидаёт ғарзандсиз хотин хотин эмас, қуруқ жасад, деб эшитганди. Шунинг учун Настена ўзида шундай нуқсон борлигини хаёлига ҳам келтирмади ва аёл қисматини олдиндан билгани учун индамай эрга тегиб кетаверди, ҳатто ўз ҳайтида катта ўзгариш бўлаётганидан қувонди, лекин кейинроқ, одатда бўладигандек, эсизгина, қизлигимда яна пича ўйнаб-кулиб олмадим-да, деб сал ачиниб қўйди. Андрей бўлса уни эркалатор, ардоқлар, жонимнинг малҳами дер эди.

Улар дастлабки пайтларда бола түғрисида ўйлашмади ҳам, шунчаки айшларини суреб, бир-бирининг атрофида парвона бўлиб юраверишди. Бола гўё уларниң бу бахтига ҳатто завол бўлиши мумкиндек туюларди. Аммо кейин, турмушда одат бўлиб қолган азалий тартиб-қоидаларга птуретиши, оила бузилиши хавфи пайдо бўла бошлиши билан қандайдир секин-аста зимдан ташвиш ҳам туғилди; илгари чўчиб, сақланишга ҳаракат қилиб юрган нарсаларини энди бўлармикин, бўлмасмикин, деб бўри қулоғи овда дегандай пойлашга тушишди. Ойлар ўтиб борарди, лекин ҳеч қандай ўзгаришдан дарак бўлмади, шундан кейин илҳақлик ўрнини сабрсизлик, кейин эса ваҳима эгаллади. Бир йил ичиди Андрейнинг Настенага нисбатан муносабати бутунлай ўзгариб кетди, инжиқлик қиласар, жеркар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ сўка бошларди, кейин эса тутиб олиб дўпослайдиган одат чиқарди. Настена ҳаммасига чидади: рус аёлларининг таомилига кўра, турмуш бир марта қурилади, шунинг учун бошга тушганини кўз кўтар, деган ақидага амал қиласарди. Ундан ташқари Настена бу кўргиликка ўзини айбдор деб ҳисобларди. Фақат бир марта, Андрей таъна қилиб, унинг ҳамиятига тегадиган қандайдир оғир бир гап айтганида, Настена алам қилганидан айб қайси биримизда— сендами ёки мендами, бу маълум эмас, чунки мен бошқа эркакларни ҳали синаб кўрганимча йўқ, деб жавоб қайтарди-ю, балога қолди. Андрей уни ўласи қилиб савалади.

Тўғри, урушдан олдинги йил улар анча тотув яшашди, гўё бир-бирига бошқатдан кўникаётгандай, бир-бирининг феъл-авторини тушунаётгандай бўлишиди. Энди улар қарс икки қўлдан чиқишини яхши билишар, қўшганинг билан қўша қари, деган эски нақлга амал қилишарди. Андрей Настенани илгаригидек ортиқ ардоқламасди, лекин ўзи анча тийилиб қолганди. Настена ҳали ёшмиз, бора-бора ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетармиз, деб шунисига ҳам шукур қиласарди. Ҳа, агар уруш бошланманганда-ку, балки ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетишармиди, аммо уруш бошланди-ю, не-не орзу-умидлар чил-чил бўлмади.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Андрейни олиб кетиди. Настена уввос тортиб йиглади, хўп куйиб-пишди, охири тақдирга тан берди. Ахир, бир у эмас, норасида гўдаклари билан қолган хотинларнинг ҳоли бунивидан беш баттар эди; чамаси, у эрга текканидан бери боласи йўқлигига биринчи марта суюниб, шукур қилди. У бекорга

қисматидан хафа бўлиб юрибди, қайтанга толеи баланд экан, ҳозир одамлар бошига тушган кулфатни анча узоқдан кўриб-билиб турган худо бунинг бошига ҳам шундай кун тушганида довдираб қолмасин, деб қўллаб юрган экан-ку. Кейин, тинчлик-омонлик бўлса, бола ҳам кўрар, ҳали кеч эмас, ишқилиб, Андрей қайтиб келса бас. Уруш кетаётгандан у ана шу орзу-умид билан яшади, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайдиган даҳшатли кунларда ана шу орзу-умид билан нафас олди.

Андрей узоқ вақтгача бинойидек жанг қилиб юрди, лекин қирқ тўртинчи йил ёзида тўсатдан дом-дараксиз бўлиб кетди. Фақат икки ойдан сўнг Новосибирскдан, госпиталдан ярадор бўлдим, тузалганимдан кейин уйга боришга бир неча кунга жавоб беришади, деб хат келди. Настена аввалига эрининг олдига бормоқчи ҳам бўлди, лекин Андрейнинг ваъдаси уни Новосибирскка бориш фикридан қайтарди. Агар жавоб беришса, уйда дийдор кўришгани маъқул — улар шуни мўлжаллашганди. Лекин Андрей янгилишди, кеч кузда у хафа бўлиб қисқагина хат ёзди, хатида: йўқ, бўлмади, госпиталдан жавоб беришяпти-ю, лекин уйга эмас, қайта фронтга жўнатишипти, деб ёзганди.

Андрей яна дом-дараксиз бўлиб кетди.

Рождестводан олдин Атамановкага Карда қишлоқ советининг раиси Коновалов билан чўтири, орқаваротдан одамлар Бардак¹ деб аташадиган участка милиционери Бурдак кириб келди. Улар Ангарадан ўтишгандан кейин отнинг бошини тўппа-тўғри Гуськовларнинг уйига қараб буришди. Настена уйда йўқ эди.

— Ўғлингиздан қанақа хат-хабар бор? — деб сўради Бурдак Михеичдан худди сўроқ қилаётгандай жиддий оҳангда.

Ўнга Андрейнинг охирги хатларини кўрсатишиди. Бурдак хатларни ўқиди-да, Коноваловга узатди, у ҳам ўқиб чиққач, хатни чўнтағига солиб қўйди.

— Ундан бошқа ҳеч нарса маълум қилмадими?

— Йўқ, — гангид қолган Михеич, ниҳоят, ўзига келди. — Ўнга бирон гап бўлибдими? Қаерда экан?

— Биз ҳам унинг қаерда эканлигини аниқламоқчи бўлиб юрибмиз-да. Ўғлингиз Андрей Гуськов гойиб бўлибди. Хат-хабар келса, бизга билдиринг. Тушундингизми?

— Тушундим.

¹ Бардак — бу ерда: бузғунчи маъносида.

Михеич ҳеч нимага түшүнмади. Нима гап бўлганига на ўзининг, на Семёновнанинг, на Настенанинг ақли бо вар қиласарди.

Қаҳратон қиши кунларининг бирида эса, Гусъковлар-нинг мурчаси поли остидан болта гойиб бўлганди.

3

— Овозингни чиқарма, Настена. Бу мен. Жим.

Бақувват, чайир қўллар уни елкасидан ушлаб, скамейкага босди. Оғриқ ва қўрқувдан Настена инграб юберди. Овоз хўрқироқ, бўғиқ бўлса ҳам, аммо равиши бояги боягидай эди, шунинг учун Настена уни дарров таниди.

— Андрей, сенмисан? Вой худойим! Қаёқдан келиб қолдинг?

— Анави ёқдан. Жим бўл. Менинг бу ердалигимни бирорга айтганинг йўқми?

— Йўқ. Ўзим ҳам билмасдим-да.

Настена қоронгиликда унинг юзини тузуккина кўра олмади, дарча пардасининг бир чети сал кўтариб қўйилгани учун ундан тушиб турган гира-шира ёруғликда қандайдир ҳайбатли паҳмоқ бир шарпа кўз олдида қорайиб турарди. У худди қаттиқ югуриб келган одамдай кўкрагини кериб пишиллар ва тез-тез нафас олар эди. Настена ҳам нафаси қисаётганини сезди, у қанчалик гумонсираб юрган бўлмасин, бу учрашув, худди томдан тараша тушгандек, дастлабки дақиқа ва сўздан бошлабоқ ўгринча ва ваҳимали бўлиб, ўтакани ёриб юборди.

Ниҳоят, Андрей қўлини олиб, сал орқасига тисарилди. У ҳамон энтикаркан, титраган овозда сўради:

— Мени қидиришдими?

— Яқинда милиционер келган экан, у билан Кардан Коновалов ҳам келибди. Отам билан гаплашишибди.

— Отам билан ойим мени пайқашгани йўқми?

— Йўқ. Отам болтани бошқа бирор олган, деб юрибди.

— Хўш, сен-чи, сен пайқабсан-да, а?

Настена жавоб беришга улгурмади.

— Нонни сен қўювдингми?

— Ҳа.

Андрей жим бўлиб қолди.

— Мана, дийдор ҳам кўришдик, Настена. Кўришдик, деяпман сенга,— деди у яна жаҳл билан, гўё Андрей Настенанинг бирон нима дейишини кутгану, аммо ундан садо чиқмагандай.— Ўз хотиним билан ёнма-ён турганинга сира ишонгим келмаяпти. Бу ерларда бирорнинг

күэзига күримасам яхни бўларди, аммо бир ўзим қишидан чиқишим қийин. Сен нон қўйиб, мени галладинг.— У яна Настенаиз елкасини қаттиқ қисди.— Нима қилиб бу ёқа келганимни лоаҳал сен тушунарсан, ахир? Тушунасан ёки йўқ?

— Тушунаман.

— Хўш, нима?

— Билмасам,— Настена ҳолсиз бошини чайқади.— Билмайман, Андрей, сўрама.

— Сўрама эмиш...— У яна энтикиб, нафас олиши тезлаша бошлади.— Сенга гапнинг пўскалласини айтиб қўя қелай, Настена. Менинг бу ердалигимни ит ҳам, бит ҳам билмаслиги керак. Бирорга чурқ этсанг, ўлдираман. Ўлдираман — вассалом, энди менга бари бир. Шуни билиб қўй. Ернинг тагидан бўлса ҳам топаман. Дийдам қотиб кетган, қўлим қалтирамайди.

— Вой худойим! Нималар деяпсан?!

— Мен сени қўрқитмоқчи эмасман, аммо нима деган бўлсан, эсингда тут. Гапимни икки қилмайман. Энди бирон бир бошимни тиқадиган ерим йўқ, шу ерда, сенинг атрофингда ўралашиб юраман. Мен сени деб келганиман. Мен отамни ҳам, онамни ҳам деб эмас, сени деб келдим. Шунинг учун, отам ҳам, онам ҳам келганимни билмаслиги лозим... Мен йўқман. Дом-дараксиз кетганман. Қаердадир йўлда ўлдирибми, ёндирибми кетишган, улар фарзандимиз итдай ўлиб кетган деб юраверишсин. Мен энди бирорвларнинг эмас, сенинг қўлингдаман, ҳа. Аммо агар бу ишдан иснодга қолишини истамасанг очигини айтавер.

— Намунча мени қийнайсан-а?!— деб ингради у.— Нима, мен сенга бегонамидим? Ё хотининг эмасманми?

Настена зўр-базўр ўзини қўлга олди. У шу топда нимани гапирган, нимани кўрган ва нимани эшитган бўлса, бунинг бари қандайдир қаттиқ эсанкираш, довдираб қолиш асносида воқе бўлган эди. Бундай ҳолда инсон боласининг бутун туйгулари карахт бўлиб, музлаб қолади, у ўзлигидан чиқиб, бир кўланкага айланади. Бундай ҳолларда кишида қўрқув, оғриқ, таажжуб, табассум ҳам кейинроқ пайдо бўлади, киши то ўзига келгунинга қадар унинг вужудида қандайдир ҳушёр, мустаҳкам, лекин деярли ҳиссиз бир ғайритабииш шуур, куч ҳокимлик қиласиди. Эси чиқиб кетиб, ҳеч нимага ақли етмай қолган Настена унинг гапига жавоб қайтараркан, қайси тил билан ҳеч нимани ифода этмайдиган бу тасодифий, тузени, сийқа сўзларни айтаётганига ўзи ҳам тушунарсан. Ахир эри исталган куни ажали етиб ўлиб кетиши мумкин бўл-

ган уч ярим йиллик айрилиқдан сўнг ўша ажалга чап бериб келиб, ногаҳон дийдор кўришиб қолишганда бу осонми?! Эрим билан қачон дийдор кўришар эканман, деб деярли ҳар куни тунни тонгга улаган Настена бирон бир иш қилиши — лоақал эрини қучоқлаши ва очилиб сочилиб кутиб олиши лозим бўлган бир пайтда қимиirlамай ўтириб қолганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Ундан шу нарса лозим эдик... Лекин у худди туш кўраётгандек ўтираверди, мурдадай қотиб қолганингдан кейин ўзингга ўзинг уни қил, буни қил, деб олмайсан-ку, бу ёғи нима бўларкин, деб қараб ўтираверасан-да! Иннайкейин, бу учрашув учрашув бўптими: ярим кечаси ҳеч кимга исини чиқармай, пинҳона кўришсанг, бир-бирингнинг юзингни тузуккина кўра олмай кўрга ўхшаб бир-бирингни тусмол қилсанг, ғам-алам ва деярли беҳудлик билан шивирлашсанг, сергакланиб, юрагингни ҳовучлаб турсанг. Бу шунчалик гайритабиий, ёмон туш кўриб алаҳсирашдай эди гўё, тонг отиши билан ҳаммаси барҳам еб кетадиганга ўхшарди. Бу учрашувнинг оғир асорати эрта ҳам, индин ҳам, борингки, бир умрга таъсир этиб, мана шу хилдаги азоб-уқубатли, юракни қон-зардобга тўлдирувчи учрашувларга сабаб бўлиши мумкин.

Андрей титроқ, залварли қўли билан Настенанинг бошини силади. Бу унинг эркалатмоқчи бўлиб биринчи марта қўл тегизиши эди. Настена чўчиб тушди ва ҳамон нима қилишини, нима дейишини билмай ғужанак бўлиб олди. Андрей қўлинини тортиб олиб сўради:

— Жилла қурса қандай кун кечирганларингдан гапирсанг-чи!

— Сени кутдик,— деди Настена.

— Мана, кутганларинг ҳам келди. Кел-ди. Қаҳрамон урушдан қайтиб келди, кутиб ол, хотин, мақтанавер, зиёфат чақир.

Бу гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Уларнинг бошига дабдурустдан шундай катта чигал иш тушган эдик, бирон нимани аниқлаб, уни ечиб олиш амримаҳол эди, бу иш ўралашиб, олдиларида тогдай бўлиб турганидан унинг қайси томонидан яқинлашсанг ҳам, жуда даҳшатли кўринар эди. Улар узоқ зақт индамай қолишли, кейин Настена эсига тушиб деди:

— Балки юваниб оларсан?

— Юваниш керак,— деди Андрей шоша-пиша, ҳатто хурсанд бўлгандай.— Биламан, ахир сен мўрчани менга иситиб қўйдинг-ку. Айт, менгами?

— Сенга.

— Қачон ювинганим ҳам эсимдан чиқиб кетган.
У мўрча тоши олдига бориб, катта тогорадаги сувни шалоплатиб кўрди.

— Совиб қолмабдими? — деб сўради Настена негадир.
— Бўлаверади.

Настена эрининг эшик ёнида ёғоч қозиқ борлигини эслаб, уни пайпаслаб топганини ва унга катта пўстинини илганини, оstonада пиймасини, кийимларини ечаётганини эшитиб ўтиради. Элас-элас кўзга ташланиб турган бесўнақай гавда Настенага яқинлашди.

— Қани, Настена, бир ўзим ювиолмайман. Ўрнингдан туриб бир орқамини ишқалаб юбор-чи.

У Настенани полга таппа босди. Настена юзига ботаётган эрининг соқолидан негадир қўй юнгининг ҳиди келаётганини тыйди, шунинг учун у беихтиёр юзини ундан олиб қочарди. Бу иш шунчалик тез бўлдики, соchlари тўзиган, эсанкираб қолган Настена пардаси туширилган дарча тагидаги скамейкага қандай бориб ўтирганини ўзи ҳам билмай қолди, бошқа скамейкада эса, яна эри ўрнида қабул қилгани — ҳалиги танишдек туюлган киши аста-секин пишқириб, сувни шалоплатарди. Настена на тасалли, на алам,— ҳеч нима ҳис этмади,— у шунчаки, бир вақтлардагидек, хиёл ажабланди, иннайкейин нима учунлигини ўзи ҳам яхши билмай, сал-пал уялди.

Андрей ювиниб бўлиб кийина бошлади.

— Сенга кўйлак-иштон олиб келсан бўларкан,— деди Настена ётсирамаслик учун гапиришга ўзини мажбур қилиб.

— Кўйлак-иштонни қўявер,— деди.— Менга биринчи навбатда нима кераклигини сенга ҳозир айтаман. Эртага дамингни ол, мириқиб ухла, индинга «тулка»¹мни олиб кел, тагин мени бўри-мўри еб кетмасин. Яхши турибди-ми?

— Ҳа.

— Уни, албатта, олиб кел. Гугурт, туз, нишириш-куйдиришга биронта идиш ҳам. Нима кераклигини ўзинг ўйлаб кўрарсан. Ўқни отамнинг дорисидан бир амалла, лекин сезилмайдиган бўлсин.

— Милтиқ тўғрисида унга нима дейин?

— Билмайман, нима десанг, деявер. Бир йўлини қиласан... Яна айтаман, шу ердалигимни бирор кини ҳам сезмасин. Ҳеч ким. Туя кўрдингми йўқ. Сен билсанг

¹ Овчилар орасида машҳур Тула ов милтифи. (Тарж. избр.)

бўлди... Ҳозирча у-бу келтириб, бир оз боқиб турмасанг бўлмайди. Милтиқни олиб келеанг, гўштни ўзим топаман, аммо ионни отиб олиб бўлмайди. Индинга кечроқ, шу маҳалда келаман. Вақтли келма, кўзингга қара, яна битта-яримта пойлаб келмасин. Энди ҳар бир қадамингни ён-верингга қараб босгин.

У хотиржам, бир маромда гапиради, өвози ҳам иссиқда анча мулойим тортиб қолганди, шундай бўлса-да, ҳар қалай гап оҳангидан пайтавасига қурт тушиб қолгани, зимидан ташвишланәётгани сезилиб турарди.

— Мана, исиб, ювиниб ҳам олдим, ҳатто хотинчам билан бирга бўлиб, муродимни ҳам ҳосил қилдим. Энди кетиши керак.

— Қаёққа борасан? — сўради Настена.

Андрей истеҳзоли кулиб қўйди:

— Қаёққа эмиш... Тугишган акам, бўри ёнига бораман-да. Демак, индинга, эсингдан чиқмайди, а?

— Чиқмайди.

— Мени шу ерда кут, қолган гапни ўшандада келишиб оламиз. Хўп, бўпти, мен кетдим. Сен бирпас тура тур, дарров кетимдан чиқма.

У калта пўстинини шитирлатиб жим бўлди.

— Эсон-омон келганимга қитдай бўлса ҳам хурсанд-мисан ишқилиб? — деб сўради у остонаяга етганда дабдурустдан.

— Бўлмаса-чи.

— Демак, киминг эканимни унутмабсан-да, а?

— Ҳа.

— Кимман?

— Эрим.

У писанда қилиб:

— Ҳа, баракалла, эрингман, — деди-да, ташқарига чиқди.

Настена нима гаплигига ақли етмай, кўнглига бир гап келдими, бирдан шу менинг эримми, деб ўйлаб қолди. Тагин у сеҳргар бўлмасин? Қоронгида билиб бўладими? Айтишларича, сеҳргарлар бировнинг қиёфасига киргундай бўлса, уни ўша одамдан ҳатто куппа-кундузи ҳам ажратиб бўлмасмиш. У қўлини тўғри олиб боролмай, чаракам-чатти чўқинди ва болалигига ўрганиб, эндиликда уннутилиб кетган дуонинг эсида қолган сўзларини пичирлаб айтиб, калима келтирди. Ногаҳон, чиндан ҳам бу сеҳргар бўлса, қайтангга яхши эмасми? — деган хиёнаткорона фикр хаёлига келди-ю, турган ерида қотиб қолди.

Андрей Гуськов тақдир уни боши берк күчага олиб күрганини, энди бу күчадан чиқиб кетишнинг сира иложи йўқлигини якши биларди. Қаршисида яна қандайдир бир йўл бор, бу йўл шунчалик қисқаки, сал югурсанг, бошинг дўқ этиб деворга тегади, орқага қайтиш эса, энди асло мумкин эмас... Энди фойдаси йўқ. Орқага қайтишнинг иложи йўқлиги уни ортиқча ўй-хаёллардан халос этганди. Энди нима бўлса бўлар, таваккал деб яшашдан ўзга чораси қолмаганди.

Ўз юртига келиб яшай бошлаган дастлабки кунларда бундан уч ярим йил бурун худди шу ердан фронтга жўнагани эсига тушавериб, уни жонидан безор қилиб юборди. Уруш ҳақида дастлабки хабар келганидан бошлаб то дивизия тузилётган Иркутскка етиб боргунига қадар ўтган деярли икки ҳафта ичида юз берган барча воқеалар гўё худди куни кечга бўлиб ўтгандай кўз ўнгида яққол гавдаланиб турганидан алланечук бўлиб кетарди. Ҳатто кечирган ҳис-туйғулари ҳам эсида сақланиб қолганди, чамаси, у бу туйғуларни яна бошидан кечираётгандек эди: йўлга чиқишдан олдин қандай аҳволда бўлса, ҳозир ҳам шундай гаранг, бундан буёги нима бўлишини ўйлаб кўришга қодир эмас, ўшанда қандай умидсизликка тушган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай аламзада, ёлғиз, газабнок эди, юрагини ўша-ўша совуқ, мудҳиш, бир дақиқа ҳам тарк этмайдиган қўрқув қамраб олган, ҳамма нарса, ҳатто ўткинчи кайфиятлар ҳам ҳамон ўшандай; фақат катта бир фарқи бор эди: гўё буларнинг бари аввал ичида бўлгану эндиликда сиртига тепиб, кўз ўнгида юз бераётганга ўхшарди, буни ҳозирги шаронти ҳам тасдиқларди. Мана у яна яшаган ва сафарга жўнаган ерида, аммо энди Ангаранинг ўнг соҳилида эмас, чап соҳилида турибди, ўша пайтда ёз эди, энди бўлса ҳаҳратон қиши. Ўша вақтда у урушга кетаётганди, энди бўлса қайтиб келди, ўшанда бир талай одам билан бирга жўнаганди, энди эса бир ўзи алоҳида йўл билан орқага қайтди. Тақдир уни юз кўйга солиб, яна ўзининг эски жойига бошлаб келди, аммо ўлим аввалгидек, ўша вақтдагидек бор бўйи билан унга соя солиб турар, аммо бу сафар ўлим, чап бериб кетмасин, ишончлироқ бўлсин, деб тағин унинг орқасидан келганди. Үмуман, ҳозир у қадамини қаёққа босишини билмай, аросатда қолган бўлиб, омонат ҳаёт кечирарди. Шу алпозда яшагач, хотира қолади дейсизми.

Биринчи чақириувда атамановкалик йигитлардан етти кишини армияга олишди, Гуськов ҳам шулар ичиде эди. Қишлоқдан бешта аравачада кетишиди, фронтовиклар қанча бўлса, кузатувчилар ҳам деярли шунча йигилган эди. Лекин Андрей ота-онаси, хотини билан уйда хайрлашиб қўя қолди: уларнинг кўз ёшлиарини оқиздириб, йиғлатиб-сиқтишишнинг нима ҳожати бор? Бунинг устига ўзининг ҳам юраги бекорга эзилиб кетади. Бир ишни қилиш керак бўлса, уни шартта қилиш лозим-да. Андрей ҳатто ажали етиб ўладиган бўлса, (бу ҳам энди яқинлашиб қолди шекилли) худди шу кўйи хом хаёлларга берилмасдан омонатини топшириб қўя қолишига умид боялаганди. У дарвоза олдida онаси, отаси ва Настена билан қучоқлашиб хайрлаши, сакраб аравачага ўтирида, отни чуҳлади, йўлга тушгандан кейин орқасига қарамасликка ҳаракат қилди, Атамановка яйлов ортида кўринмай қолгач, у жиловини тортди ва бир карвон бўлиб кетиш учун бошқаларни кутди.

Кардага боргач, улар мўлжалланган вақтдаги пароходга тушиб район марказига боришиди, бир кундан кейин эса, шу пароход орқага қайтишида районда тўпланган бутун командани олиб, Иркутскка жўнади. Пароход эрталаб барвақт Атамановка ёнидан ўтди. Атамановкага интиқ бўлиб ухламаган йигитлар анча олисданоқ бири олиб, бири қўйиб бақира бошлаши. Лекин улар нима деб бақиришаётганларини ҳам, энг муҳими, нимага бақиришларини ҳам ўзлари тушунмасдилар, лекин Андрей гамгин ҳолда, индамай қишлоққа тикилар ва негадир қишлоқни ташлаб кетишига мажбур бўлгани учун айбни урушга эмас, балки қишлоққа қўйгиси келарди. Бари бир йигитларнинг кўнглидаги бўлди: соҳилга бир тўда одамлар югуриб чиқди ва буларга жавобан улар ҳам бир нималар деб қичқиришиб, рўмолларини, фуражкаларини силкита бошлаши, аммо пароход қирғоқдан анча нари кетаётганидан улардан битта-яримтасини таниб ёки нима деганини англаб ҳам бўлмади. Андрей одамлар ичиде Настенани кўргандай бўлди: у ўша аёл Настена эканига аниқ ишонч ҳосил қилмади, лекин жаҳли чиқди: ахир бунақа майнавозчиликнинг нима ҳожати бор? Хайр-хўшлашгандан кейин тамом, бир-бирингга айтадиган гапингни айтдинг, бўлди-да, бундай қилган билан урушни қайтариб бўлармиди энди. Агар Настена деб гумон қилган ўша кимса чиндан ҳам Настена эканлигини билганида эди, у анча енгил тортган бўларди. Унинг газаби хуруж қилиб келаётганлигининг сабаби ҳам Настена

Эканлигини аниң билмаганида эди, албатта. Андрей ўрнида қолаётган барча нарсалардан, нималардан ажралиб қолаётганидан ва нималарни деб энди жанг қилишга мажбур бўлаётганидан беихтиёр ранжиди-ю, бу алам узоқ вақт кўнглидан кетмади, ана шу ранж, ана шу алам шунча йиллар мобайнида унутмаган ва эндиликда бегаразлик билан устидан чиққан ўша ваъдасини эсига туширди. У фақат ўша ваъда дебгина қайтиб келгани йўқ, асло, лекин аввал бошданоқ муқаррар бўлиб туюлган, ҳозир эса ушалган ўша орзу замирида Гуськов қисматини белгилашга ёрдам берувчи қандайдир жозибали, ишончли куч бордек эди.

Пароход оқимга қарши уч кун сузди, йигитлар тўплашишиб кайф-сафо қилишар, ўлганларининг кунидан тиржайиб, ҳазил-ҳузул қилишарди, чунки бу кунлар сўнгги эркин, хавф-хатарсиз кўнлар эканини улар яхши тушунишарди. Андрей ароқ ичишга одатланмаганидан уларга қўшилмади. У бортда қоққан қозиқдай узоқ-узоқ қақ-қайиб турагар ва сира тўғридан кўз узмасди. Авжи ёз эди, осмонда қуёш чаракларди, шўх Ангаранинг шовиллаган овози ҳавони тўлдирган, таниш соҳиллар, қишлоқлар, ороллар Андрейнинг олдидан сузуб ўтар ва ортда қолиб, кўздан фойиб бўлар эди. Гуськов буларни балки охирги марта кўришимдир, деб ўйлаганида юраги орқасига тортиб кетарди. Пастга тушиб, шерикларига қўшилиб олса,— ахир юраги эзилаётган бир бу эмас-ку, ёки қопини боши остига қўйиб, то команда бериб уйғотгунларича тош қотиб ухласа, барини унутса, яхши бўларди-я, лекин у бортдан нари кетмасди, руҳи эзилар, ич-этини ер ва ўзига ўзи ачиниб кетарди, яна шу азоблар ичра хаёл сурриб, олдинга қараб тураверарди. У қанчалик кўп тикилса, Ангара унга заррача эътибор бермай, шунчалик бемалол оқаётганини, ўз умрини ўтказган мана шу қалбга туташ соҳиллар унга сира ҳам назар-писанд қилмагандай, сирғаниб ўтиб бораётганини кўриб, юз ўқинса ҳам муддаоси ҳосил бўлмаслигини яққол ҳис этарди. Ҳа, соҳиллар энди бошқа ҳаётга, унинг ўрнига қоладиган бошқа кимсалар томон сирғаниб боряпти. Унинг дили ранжиди: намунча тез? Ҳали жўнашга улгурмасдан, ўз еридан оёғи узилмасдан бари — унинг борлиги ҳам, орзуумидлари ҳам — унтилса, қора ерга кўмилса: демак, энди кетавер, ўлсанг ўлавер, биз учун тамом бўлган одамсан, дейиш экан-да. Наҳотки, чиндан ҳам энди бари тугаган бўлса? У бутун вужудидан жўш уриб келган бир ёвуз қайсарлик билан ҳайқириб юборди:

— Ёлгон, мен ўлмайман. Мени әрта кўмапсизлар. Маңа кўрасиэлар: ўлмайман. Сиаларга бўлса-ку, жин ҳам урмайди — ўшанда салом бераман.

Фронтда у бу умидларини нари суреб қўйди. Дастребки жанглардаёқ у яраланди, аммо баҳтига, енгил яраланди, ўқ чап оёғининг болдирини тешиб ўтиб кетди, у бир сайдан кейин оқсоқланиб, яна қисмига қайтиб келди. Ўша вақтларда тирик қолишни ўйлашнинг ўзи бир бемаъниликтай туяларди. Бундай хаёл одамларнинг эсидан бутунлай чиқиб кетган, ҳамма ўлимни бўйнига олиб қўйган эди ва жонини ҳовучлаб турарди. Андрей ҳам худди шундай — у ён-верида тутдай тўкилаётган одамларни кўравериб, дийдаси қотиб кетди. Бугун бўлмаса — эртага бўлмаса — индинга менга ҳам навбат келади, ҳолим шу-да, дея тақдирига тан бериб қўйган эди.

Бу ерда, урушда тинчгина кун кечириш кимнинг чекига тушган бўлса, бу нарса, унинг назарида, абадийдек туяларди, бунинг дараҳатлар ёки тошларники сингари йил кетидан йил келиб, бир неча ўн йилларга чўзилиб кетишини ўйлаш ғалати кўринарди: вақтнинг бу ерда ўзгача ўлчови бор эди.

Андрей Гуськов пешонаси ярақлаган йигит экан, анчагача бир туки ҳам бежо бўлмай юрди, фақат бир марта, фронтдан жўнащдан олдин у эҳтиётсизлик қилиб бомбардимонда қолди ва қаттиқ контузияга учради. Портлаш садоси унинг қулогини чиппа битириб қўйди, деярли бир ҳафтагача ҳеч нимани эшитмади, кейин қулоги секин-аста эшита бошлади. Контузиядан у ҳам кулгили, ҳам аламли ҳолга тушиб қолди: лазаретда, қулоги эшитмай юрган кезларда, иштаҳаси оч бўриникидай ҳаккалас отиб юборди, овқат еган билан тўймаеди. У ҳар дақиқада овқат егиси келарди, овқат қидириб, турли кўнгилсиз воқеаларга ҳам дучор бўлди. У ўзи эшитмагани учун бошқаларни ҳам кар деб ўйларди, шунинг учун бирон егулик қидириб, ошхонага биқиниб кирганида қўлга тушиб қоларди. У берганига қаноат қилмай яна овқат сўраганида, ошпазлар тузалиб келаётган беморларга эрмак бўлсин учун оғизларига келганини қайтармасдилар. Андрей бўлса, уларга кўзи жовдираб қараб тураверарди.

Гуськов уч йил ичида чангичилар батальонида ҳам, разведкачилар ротасида ҳам, гаубица тўплари батареясида ҳам жанг қилишга улгурди. Бу даврда унинг боиндан нималар кечмади дейсиз. Танклар ҳужумини ҳам кўрди, немис пулемётларига ҳам ташланди, кечалари

чанғида рейдга ҳам чиқди, узоқ вағт силласи қуриб «тил» тутиш иайда юрди. Гуськов урушга кўнига олмади, кўнига олмасди ҳам, унинг худди ишга кетаётгандек, котиржам, бемалол жангга кириб кетаётган одамларга ҳаваси келарди, лекин у ҳам қўлидан келганича урушнинг ҳадисини олди, чунки бошқа чораси ҳам йўқ эди-да. У бошқалардан ўзиб кетмади, аммо бироннинг панасиға ҳам бекинмади — солдат шеригинг кўриб қолади-ю, дарров адабингни беради. Беш-олти кишидан иборат «тил» тутувчи группа немисларнинг ҳандақларига ташланганларида, умуман, муғамбирликка ўрин қолмайди — ё донгинг чиқади, ё чангинг, борди-ю, имилласанг, ё жонингни аясанг, ўзинг ҳам ҳалок бўласан, бошқаларни ҳам ҳалок қиласан. Разведкачилар ичиди Гуськов анча ишончли ҳисобланарди, жуда азамат йигитлар ҳам ўзларини эҳтиёт қилиш учун уни бирга шерик қилиб олиб кетишарди. У кўп қатори жанг қилди — жуда якши ҳам эмас, жуда ёмон ҳам эмас. Солдатлар унинг кучига тан беришарди, у калтабақай, чайир, бақувват эди, ҳушдан кетган ёки гапиришни истамаган «тил»ни даст елкасига ўнгарарди-да, бир дам олмай ўз окопларига кўтариб келарди.

Гуськов Москва остоналарида чанғичилар батальонида хизмат қилди, кўкламда Смоленск тупроғида разведкачилар ротасига тушиб қолди, батареяга эса, уни Стalingрадда, контузия бўлгандан кейин юбориши. Бу ерда узоқка отадиган артиллерияда хизмат қила бошлади. Энди ҳужумга ўтган пайтларда унга анча енгил бўлди.

Кириқ учинчи йил қишида урушнинг охири аниқравшан кўрина бошлади. Урушнинг кети яқинлашган сарри унда тирик қолиш умиди ҳам шунчалик кучаяверди — бу энди қадимгидай пинҳона умид бўлмай, балки ошкора ва безовта қиладиган бир умид эди. Урушнинг дастлабки кунидан бошлаб жангга кирган кишилар шунчалик машаққатларга, азоб-уқубатларга бардош бериб, шу ергача етиб келибдими, демак, қисмат ҳам уларни нима биландир тақдирлаши керак-да. Шунча замонлар ўлимга чаپ бериб келишган экан, ниҳоят ўлим ҳам улардан чекиниши лозим-да, ахир, дегинг келарди. Шу боисдан бу ерда, урушда ҳам қандайдир тирик қолиш муддати бордай туюларди: омон қолдингми, қандингни ур, яшайвер. Баъзан сал тинчиб, кўнгил жойига тушган дақиқаларда Гуськов энди менга жин ҳам урмайди, худди ҳозиргидек шошилмасдан, ҳовлиқмасдан, ўзини ўтга-чўйқа урмасдан азоб-уқубат билан ўтказилган, ўн баробар ҳис-

саси чиқарып олинган фурсатлар тамом бўлиб, галаба қозонилганини эълон қилишгач, уйга олиб кетишадиган ўша кунга етib бораман, деган ишончдан кўнгли ёришиб кетарди. Лекин мана шу қувончили дақиқалар бир лаҳзада ўтиб кетарди-ю, аста-секин юрагини ваҳима боса бошлиарди: ахир худди мана шу умид билан нафас олиб келаётган минг-минглаб кишилар кўзи олдида ҳар куни ҳалок бўляпти, ҳа, урушнинг сўнгги дақиқаларигача ҳам шундай бўлишини у жуда яхши тушунади. Агар тирикларни — уни ва унга ўхшаганларни жангга солишимса, одамни қаёқдан олишади? Шундай бўлгач, нимадан ҳам умид қиласан? Шу боисдан ваҳимага тушиб қолган Гуськов бундан буёғига иши ўнгидан келишига кўзи етмай, зимдан ярадор бўлиш пайига тушиб қолди — албатта, кор жойидан эмас, енгилгина жароҳатланса етарли,— вақт ўтса бўлди-да.

Аммо қирқ тўртинчи йил ёзида, батарея бошқа жойга кўчишга шайланиб, тўплар ғилофланиб қўйилган бир пайтда нақ бурунлари остидан немис танклари чиқиб қолди-ю, Гуськов яхшигина ярадор бўлди. У деярли бир кечакундуз ўзига келмади. У кўзини очиб, тирик қолишига ишонгач, кўнгли жойига тушди: мана, жанг ҳам қилиб бўлди. Энди бошқалар жанг қилсин. Уники етарли, у ўзига тегишилсини дўндириб қўйди. У ҳали-бери тузалмайди, оёққа тургандан кейин эса, уйига жавоб беришлари керак. Тамом — яхшими, ёмонми, ишқилиб, жони омон қолди.

Андрей Гуськов роппа-роса уч ой Новосибирск госпиталида ётди. Унинг кўкрагидан икки марта осколька олишди, лекин жароҳати анчагача тузалиб, битиб кетмади. Уйдан далда бўлсин деб икки марта посылка юборишиди. Настена борайми деб сўраганида, Андрей шундан-шунга сарсон бўлиб, бунинг устига бекорга харж қилиб нима қиласди, ҳадемай ўзим бориб қоламан-ку, деб ўйлади-да, келишига унамади. Палатада ётган шериклари ҳам унинг гапини маъқуллашди. Госпиталга аввалроқ тушганлар қандай ярадорнинг уйига бутунлай кетишини, кимнинг бир бориб келишини, ким фронтга қайтиши кераклигини яхши билар эдилар. «Камида ўн кунга жавоб беришади», деди улар Гуськовга. Ана, энди кутинглар. Кутгил, Настена! У энди арзимаган майдачийдаларни баҳона қилиб бир вақтлари Настенани хафа қилганларига сира ишонгиси келмасди: бу ёруг оламда унинг учун Настенадан яхши хотин йўқ-ку, ахир. Қайтиб борсин, улар шундай яшашадики, у ёғини асти қўя-

верасиз! Урушдан кейин дунё бошқача бўлади. Ҳамманинг, ҳа, ҳамманинг ҳаёти бутунлай ўзгача кечади, буларники эса, айниқса. Улар урушгача ҳеч нима ни тушунишмас экан, бир-бирларининг қадрларига етмай, бир-бирларини севмай яшашган экан — шунақаям яшарканми киши?!

Аммо ноябрда, госпиталдан жавоб берадиган кун етиб келганида, у шу кунни деб ўз жароҳатини ялбюлқашига сал қолган, сабрсизлик билан кутиб юрган фурсат етганида миясига бир туширгандай бўлишди: қисмга борасан, дейишди. Уйга эмас, қисмга. У уйига кетишига шунчалик қаттиқ ишонгандан қандайдир англашилмовчилик бўлган бўлса керак, деб ўйлади-да, анчагача ҳеч нимага ақли етмай қолди, кейин врачларга чопди, исботлашга тушди, қизиши, дағдаға қилди. Унинг гапига ҳеч кимнинг қулоқ солгиси келмади. Жанг қилишга яроқлисан — тамом, вассалом. Унинг кийимлари ни кийдирашди, қўлига солдатлик дафтарчаси ва озиқовқат варақасини тутқазиши-да, госпиталдан чиқариб юбориши. Қани, туёғингни шиқиллат, Андрей Гуськов, ўз батареянгга етиб ол, уруш ҳали тугагани йўқ.

Ҳали уруш кетаётганди.

У фронтга боришдан қўрқарди, аммо қўрқишдан кўра кўпроқ уйига бориб келишга қўймай, уни орқасига, урушга қайтараётган барча нарсалардан хафа бўларди, жаҳли чиқарди. У бутун вужуди билан, бор ўй-хаёли билан ўз жигаргўшалари — отаси, онаси, Настенани кўришга ошиққанди, шу ўй-хаёл билан яшаган, шу ўй-хаёл билан согайганди, нафас олганди, у фақат шунигина биларди. Ахир жон борича югуриб кетаётуб, бирданига орқага бурилолмайсан-ку, чунки бир ерингга шикаст етиши мумкин-да. Ахир ўз устингдан ўзинг сакраб ўтолмайсанку. Ўз юртингда, Сибирда, уйинг шундоқ қўл чўзса етгулик жойда туриб, қандай қилиб орқага қайтиб, яна ўзингни ўққа, ўлимга урасан? Ахир шу тўгрими, шу адолатданми? Жилла қурса бир кунгина уйига бориб, кўнгли таскин топса майлийди, кейин нима деса ҳаммасига тайёр эди-ку.

Аҳмоқ бўлмаса, Настена тайёр ўзи бориб кўрамав деганда йўқ дейдими? Шундай бўлишини илгарироқ билганида-ку, жўнайдиган кунлари чақираварди, кўрарди, енгил тортарди. Настена уни кузатиб ҳам қўярди, бирор кузатиб қўйса, киши хотиржамроқ бўлади: одамнинг қисматида кўзнинг ўрни бўлакча — сафар олдидан сенинг қайтиб келишингга мунтазир бўлиб қолувчи кишингни

у жуда яхши әслаб қолади. Ҳаммаси, жүрттага қилған-дай, чаппасига кетди. Агар бундан бу ёғи ҳам шундай кетаверса, бу оламда жонингдан умидинг қолмайди-ку, биринчи жангдаёқ ер тишлатишади.

У госпиталь бошлиқлари түғрисида бу бир худонинг балоси әкан, яшинни қайтариб ёки дўлни тўхтатиб бўлмагани каби буни ҳам бандаси йўлга сололмайди, деб ўйларди. Биттаси, ўша энг каттаси, ҳеч нимани суриштиrmай, масалани бир ўзи ҳал қилди-қўйди, бошқалари унинг гапига қўшилиши. Лекин у тирик инсон-ку, нога у билан ҳисоблашишмади? Тўғри, ҳеч ким унга ҳеч нима ваъда қилгани йўқ, у ўзини ўзи аллади. Аммо бошқаларга уйларига бориб-келгани жавоб беришди-ку, жавоб беришди. Жавоб беришганини ўз кўзи билан кўрди, билади — шундай бўлгач, бу ҳам умидвор бўлади-да!

Наҳотики, чиндан ҳам фронтга қайтиб кетса? Ахир қишлоғи шундоқ ёнида, қўлинин чўйса стади-я. Ҳаммасига қўй силтаб, шартта жўнайвериш керак. Ўзинг учун — ўл етим. Ҳа, ўзбошимчалик қилганларни ҳам эшитгани бор, лекин бари тўғри бўлиб кетган. Нега энди бунга қолганда тўғри келмас экан? Тўғри келмаса, ундан нарига, шартта жўнаб қолади. Ахир у темир эмас-ку. Уч йилдан ортиқ жанг қилди, урушда юриш ҳам шунчаликда!

У станцияга келиб бир составни, кейин иккинчи составни ўтказиб юборди... Гуськовнинг ўй-хаёллари аралашқуралаш бўлиб кетганди, нима қилишини билмасди. У бирор қарорга келолмасдан беҳуда вақт ўтказаётганига баттар жаҳли чиқарди. У озиқ-овқат варақасига паёгини олаёттиб, навбатда турган бир пакана, хушчақчақ, қўлтиқтаёқли танкчи билан гаплашиб қолди, танкчининг бошида шлём бўлиб, эгилган ўнг оёғи қалин қилиб ўралганди. Танкчи шарққа, Читага кетаётганди.

— Сен қаёққа кетяпсан? — деб сўраб қолди у Гуськовдан.

— Иркутскка, — деб жавоб берди Гуськов дабдурустдан.

— Бирга кетарканмиз, — деб суюнди танкчи.

Шундай қилиб, Гуськов сўнгги дақиқаларда янги ўртогини шарққа кетаётган поездга чиқарди-да, кетидан ўзи ҳам сакраб чиқиб олди. Бўлганича бўлар. Борди-ю, ушлаб олишса, Красноярскка, кейин Иркутскка иккичу кунга бориб келмоқчиман, деб айтади, қўрқинчли ери йўқ, бир йўлини қилиб қутулиб кетади. Баъзан Гуськов ўз қилмишини ўйлар экан, тутиб олиб қайтариб юбориши-

са ҳам майли эди, деб жүнглидан кечиради. Аммо бундай пайтларда кишининг иши ўнгидан келади: уни ҳеч ким тұхтатмади? Поездлар илгаригидек тирбанд әдіки, йұловчиларнинг аксарияти ҳеч нимадан тап тортмайдыған қарбийлар бўлиб, уларга яқин йўлаш осон эмасди.

Аммо Гуськов уч кундан ортиқроқ йўл босиб, Иркутскка етиб келди-ю, капалаги учиб кетди. У ёғига борадиган бўлеа, бир кунда ҳам етолмайди, икки кун ҳам камлик қилади — қиши, ахир. Ярим йўлдан қайтиб кетенмикин, унда манави ножӯя ишга қадам қўйишнинг, хуноб бўлиб, таваккалига иш тутиб, юзсизлик қилиб, бирорвларга исботлашга уриниб юришнинг нима кераги бор эди? Иннайкейин, қайтиб боришга ҳам вақт ўтмадимикан? Гуськов разведка ротасига эндиғина келган қирқ иккинчи йил баҳорида ибратли отишни кўрган эди, у шуни эслади. Ушанда ўрмон ичидаги кенг майдонга ўшаган яланглика полкни саф қилишиди-да, икки кишини олдинга олиб чиқиши: бири қирқ ёшлар чамасидаги боғланган қўлинни бўйнига осган мужик бўлиб, у ўзини ўзи отган экан, иккинчиси бўлса — ёш бола. Бу бола, айтишларича, эллик чақиримча наридаги қишлоғига, уйига бирров бориб келмоқчи бўлган экан. Бор-йўғи эллик чақирим-а. Бу бўлса, эҳ-ҳе, қаёқдан қочиб келатип-ю. Йўқ, кечиришмайди, ҳатто уни штраф батальонига ҳам жўнатишмайди. У ёш бола эмас, қандай ишга қўл урганини тушуниши керак.

У ушанда солдатлар ўзини ўзи отган кишига қанчалик жирканиб, нафрат билан қараб турганларини ҳам эслади. Болага ачинишди-ю, мужикка ачинишмади. «Аблаҳ! — деганди ушанда одамлар. — Вой аблаҳ-эй! Ҳаммамизни лақиллатмоқчи бўлибсан-да».

Хўш, у, Гуськов-чи, бошқалардан ортиқ ери борми? Одамлар, нега бошқалар жанг қилиши керак экан-у, бу у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб юраверар экан, деб ўйлайди, унга ана шунақа айб қўяди. Урушда кишининг инон-ихтиёри ўзида эмас, у бўлса, ўзига ўзи хўжайинлик қилди, энди, турган гапки, бу иш учун унинг бошини силашмайди.

У Иркутскда, вокзалда хаёли қочиб айланиб юарракан, кўзлари ола, учар хотинга дуч келиб қолди, хотин тунашига розилик бериб, уни шаҳардан анча олисдаги уйига олиб келди. Солдат ўзини қаёққа уришини билмаётганини шундоқ ҳам фаҳмлаган хотин эрталаб уни Тания деган ўрта ёшлардаги покизагина, силлиқиниа гунг хотинникига бошлаб борди. У Танияницида шартта

ўрнимдан туриб, бирон ёққа жүнаб қолсаммикин, деб кечгача эсанкираб, юраги пўкиллаб ўтиради, эртасига ҳам шу ўй-хаёл билан ўтираверди, кейин эса уйдагилар ҳам, фронтдагилар ҳам то бутунлай умидларини узгуналари-ча кутиш керак, деган андиша билан туриб қолди.

Гунг хотиннинг қишлоқ четида ўз уйи бор эди. Таня госпиталда фаррош бўлиб ишларди, кунига икки марта — тоинг билан ва кечқурун борарди, у ердан латтага ўраб қолдиқ нон, шиша банкада эса сарқит бўтқа ёки шўрва олиб келарди. Яхшиямки, унга бирон нимани тушунтиришнинг ҳожати йўқ эди, умуман, гаплапмаса бўлаверарди. Уни қарангки, худди буюриб қўйилганда, унга худо тилдан жудо қилган хотин ўнғайгина, осонгина йўлиқиб қолса-я. Ахир Гусъковнинг ўзига айтадиган гапи йўқ эди-ю. Баъзан у хаёлга ботиб ўтиаркан, бу ерга қандай келиб қолганини, уни бу ерга нима бошлаб келганини ўзи ҳам тушуна олмасди, кейин бирдан поезд томонга ташланган ҳар бир қадами, поездда ўтган ҳар бир соати шундоққина кўз олдига келиб, равшан кўриниб кетарди, ичидан қиринди ўта бошларди. У рўй берган воқеадан ҳали ҳам ўзига келолмаганди, шунинг учун гоҳо анчагача қимирламай бир нуқтага маъносиз тикилиб ўтирас, гоҳо дик этиб ўрнидан туарди-да, дард-ала-мини босиш учун одимлашга тушарди; унинг вазмин одимларидан ёғоч уй титраб кетарди, у эса уйнинг у бурчагидан бу бурчагига мокидай бориб-келарди-ю, лекин заррача таскин тополмасди. Энди ўзи тушиб қолган шу аҳволда ташвишлардан қутула олмаслигига кўзи етиб бирданига хуноби ошиб, ўзидан нафратланиб кетди.

Бу туйғудан, тўғрироғи, кайфиятдан, ўзининг ярамаслигидан, ношудлигидан узоқ вақтгача эзилиб юрди.

Таня жуда меҳрибон, жонкуяр аёл эди. У ўзининг гунглигидан заррача изтироб чекмасди, жаҳали чиқмасди, одамлардан ўзини олиб қочмасди: Гусъков қанча турган бўлса, шу вақт ичидан бирон марта унинг қовоғи солинганини ёки бирон нимадан хафа бўлганини кўрмади. Унинг чеҳраси қувноқ бўлмаса ҳам, аммо хотиржам, мулоийм бўлиб, ҳар бир дақиқада жилмайишга мойил эди. Гўё гунгликни унга худо жазо тариқасида эмас, балки гуноҳлардан фориғ яшаси учун ато қилган эди. Аввал бошданоқ Гусъков Таня мени мишимдан-сиримгача билади, билади-ю, аммо менга ачинади, деган туйғудан халос бўла олмади. Шунингдек, у назарида, гўё Таняни-кига ўз ихтиёри билан келмаган-у, балки кимдир раҳна-

молик қилиб, шу ёқни кўрсатган ва бошлаб келгандай эди. Аммо нимага — ёрдам беришгами ёки оҳиста, секинаста жонини олишгами?

Таня ишдан қайтиб келгач, банкачаси ва тугунчасидаги нарсаларни олиб, Гуськовнинг олдига қўярди-да, рўпарасига ўтириб, унинг қандай овқатланишини ҳарислик, синчковлик ва мамнунлик билан кузатарди. Овқатланиб бўлгач, Гуськов худди мужикнинг елкасига қоққандай, миннатдорона оҳиста унинг елкасига уриб қўярди. Унинг шу қўполроқ суюшидан севиниб, ийиб кетган Таня Гуськовнинг қўлини ушлаб олиб юзига босарди, кейин қандайдир имо-ишоралар қиласарди, аммо Андрей тушумасди. Таня қизишиб, бармоқларини тез-тез, шоша-пиша букиб-ёзар, кўрсатар эди. Гуськов эса бошини чайқаб, тескари қаарарди. Шундан кейин Таня уни тинчлантириш учун имо-ишораларини йиғишириб қўярди-да, гуноҳкорларча унга қўлини узатарди.

Вақт ўтиши билан Таня ўзининг кўпгина имо-ишораларини ҳар қалай Гуськовга уқдира олди. Болани қай тариқа меҳр, сабр-тоқат билан гапга ўргатилса, Таня ҳам ўз имо-ишораларини унга ана шу йўсинда уқдиради. Аммо бу имо-ишоралардан Гуськовнинг кўнгли кетарди, шунинг учун у иложи борича ўзини ундан олиб қочарди. Гуськовнинг бу ерда узоқ қолиш нияти йўқ эди. Кечалари Таня унга суйканганида Гуськов унинг заиф, киши ҳирсини қўзгатувчи пи chirлашини — бундай пайтда барча хотинлар оғзидан чиқадиган ўша сўзларни эшитгандай бўларди-да, капалаги учеб кетарди. У синаб, қимир этмай ётар ва янглишганига ишонч ҳосил қиласар эди, шундай бўлса ҳам, у Таня ўзини бировга ўхшатяпти-ю, аслида ундей әмас, деган нохуш туйғудан ҳар қалай қутула олмасди.

Аммо сирасини айтганда ўзининг ҳам энди кимлиги номаълум эди. Унинг бутун ўйлаганлари аралаш-қуралаш бўлди-ю, чапласига кетиб муаллақ осилди қолди. Учтўрт кунга келди-ю, бутунлай қолиб кетди. Настенани ўйлади-ю, Таняникига келиб қолди. Бошқа ишлар тўғрисида фикр юритишнинг ўзи даҳшатли эди. Ўзинг пиширган ош — айланиб ҳам ич, ўргилиб ҳам, энди юз пушаймон қилганинг билан фойдаси йўқ.

Бир ойдан кейин Андрей сира чираб туролмади. Ўлса ҳам бирон ёққа кетиши керак. Алламаҳалда, Таня госпитални супуриб-сидириб юрганда, у уйдан чиқиб, жўнаб қолди. Орқага қайтиш учун энди унга йўл йўқ эди, фақат биргина йўл — уйга қайтиш қолди.

У Иркутскдан иложи борича эхтиёт бўлиб йўлга тушди. Қундузи қишлоқларда қорасини кўрсатмасликка ҳаракат қилди: битта-яримта кўриб қолса нима бўлади? У ҳаробаларда, қишлоқларда, пичан ғарамларида беркиниб ўтирар, атрофга аланглар, ҳар бир шарпадан бир чўчиб тушиб, секингина сўкинар, совқотиб, ўзини лаънатларди, кечаси, ҳаммаёқ тинчигандан кейин оёғини қўлига олиб югуради. Хайриятки, кунлар қисқа, бир тутам эди.

Ниҳоят, у совуқ қирчиллатиб турган тунларнинг бирида Атамановкага етиб келди, қишлоқнинг юқори четиди тўхтади ва икки тарафга чўзилиб кетган уйларнинг оинпоқ томларига қор толиқтирган кўзлари билан назар ташлади. У ўз қишлоғини кўрганда юраги лоақал булк этмади, булк этишга ҳоли ҳам йўқ эди. У бирпас қараб турди-да, кейин Ангарага тушди ва муздан юриб, жарликдан қишлоқни ҳам кўрмай, судралиб ўз мўрчасига кетди. У ерда, мўрчага кириб, аранг эшикни ёпди-ю, ерга юзтубан чўзилди ва анчагача худди ўликдай қимирламай ётди.

Тонгга яқин у зўрга оёғини судраб, Ангаранинг нариги томонига жўнади. У елкасига чангини ташлаб олган, белига қистириглиқ болта эса ликилларди.

Андрей Гуськов Андреевскдан, дарё ёнидаги эски қишловидан бошпана топди. У кўпдан бери қўл текки-зилмаган печкан ёқди, манеркасида чой қайнатди ва ит кунини кўриб юрган шунча вақтдан бери биринчи марта ичига иссиқ кирди. Ярим соатдан кейин у ё кўпдан бери иссиқ нималигини билмаган вужуди бирданига шунчалик қизиб кетганиданми, ё бўлмаса асаблари та-ранглашиб, ҳар лаҳза кўзини йириб-йиртиб қарамасдан, қулогини динг қилмасдан, ниҳоят, яйраб дам оладиган шу онларни талай вақт **орзиқиб куттанданми**, дағ-дағ титрай бошлади, қўл ва оёқларига қараб туриб, нари бориб-бери келаётганини сезди.

У Иркутскда юрганидаёқ Атамановка атрофида қаерга бонг суқишини чамалаб, худди мана шу қишлоғини танлаган эди. Бу ер айни муддао эди, қишлоғ тоғ ортига бурилиб кетган чуқур жарликда бўлиб, кечасию қундузи ёққанинг билан тутун сира кўтарилемайди. Бундан ташқари, икки қадам нарида сой бор, ер музлаган пайларда ҳам из қолдирмай бу уйга етиб олса бўлади.

Нима ҳам қиласдинг, энди ҳаммасидан олдин шуни ўйлашибга тўғри келади. Бу ернинг Ангара ортидалиги жуда қулай, илгари ҳам бу ерларга аҳён-аҳёнда битта-

яримта келарди, ҳозир бўлса ҳеч ким қадам босмайди. Ҳатто оролча нарёгидағи бакенчининг* ҳам бу ерда иши йўқ: пароходлар дарёнинг кенг, ўнг тармоғидан қатнарди.

Атамановка ерлари, ўтлогу ўрмонлари азалдан ҳам ўша томонда бўлиб, бунақа жойлар у ерда ҳам кўп эди. Шундоқиниа ёnlарида ов қилишарди, балиқ тутишарди, бошқа ишлар учун ҳам узоққа боришмасди. Ленага тулашган ерларда овланадиган ҳайвонлар ҳам, ёнғоқ ҳам, мева-чева ҳам сероб эди, шунинг учун дарёнинг бу томонига камдан-кам сузиб ўтишарди. Тўғри, қишлоқ рўпарасидаги оролчанинг ўт-ничанларини ўриб, мева-чеваларини териб олишарди, шунинг учун ҳам оролчани Пичанзор деб аташарди.

Аммо япон урушидан олдин Атамановкага Расеядан Андрей Сивий деган киши икки ўғли билан кўчиб келган эди. У у ёқ-бу ёқни хўп яхшилаб кўрди, чамалади-да, музикларни таажжублантириб, ўз хўжалиги учун Ангаранинг шу ёғидан жой танлади. У бошқа одамлар қатори қишлоқда уй қурди, экин экишга эса, ерни бу ердан ажратди. У ўлиб-тирилиб кундаков қилгани ҳам йўқ, экинбоп яланглик, текис ерлар етарли эди.

У иккита қишлоқ қурди: бири дарё бўйида, пичанзорга яқин ерда, иккинчиси юқорироқда, биринчисидан икки километрча наридаги тик тепаликда эди. У хўжалигини шундай йўлга қўйдики, аста қўяверасиз!

Шундан бери бу томонларни Андрей Сивин номи билан атаб, Андреевск дейишади.

Андрей колхоз тузилмасидан анча олдин оламдан ўтиб кетди, бир ўғли герман урушидан қайтиб келмади, иккинчисини эса, ўттизинчи йилда қулоқ қилишиб, оиласи билан қаёққадир бадарга этишди. Шундай қилиб, муҳожир Андрей Сивий янги ерда илдиз отиб, палак ёзолмади.

Унинг ерларини, табиий, колхоз ўз ҳолига ташлаб қўйди. Тупканинг тубидаги бир неча гектар ерни деб баҳорда, ёзда, кузда одам олиб келиб-олиб кетишга арзирмикин? Ангарадан сеялка-ю, ўроқ машиналарни олиб ўтиш-чи? Шуни деб паром ҳам ясаш керакдир? Дарҳа-қиқат, арзирмикин?

Мана энди Андрей Гуськов ҳамма томонидан қулай, ишончли бошпана қолдириб кетган муҳожир Андрей

¹ Бакен — сув йўлларида хавфли жойларни белгилаш ва кемалар юра оладиган йўлни аниқлаш учун жаъгарга боғлаб қўйиладиган сузгич. (Тарж. изоҳи.)

Сивийдан миннатдор бўлиб, унинг ҳаққига дуо қилиши керак.

Борди-ю, у бу ерда кўпроқ турадиган бўлса, пастдаги қишлоғ фақат ёзгача иш беради. Кейин, агар бу ерга биронта балиқчими ёки тинниб-тинчимайдиган одамми ҳафсала қилиб келиб қолгудай бўлса,— ё юқорироққа, ё бирон бир бошқа жойга кўчишга тўғри келади.

Шунинг учун у әртагаёқ бориб, юқоридаги қишлоғнинг аҳволи қандайлигини кўриб келиш керак, деб кўнглига туғиб қўйди. Чанг бўлса — бор. Дарё ёқалаб юқорига кўтарилади, кейин чангиде айланиб бошқа томондан кириб боради. Агар яшашни истасанг, бир амаллаб саранжом топишинг, ниманг бору ниманг йўқ, нима билан янги ҳаётингни бошлишингни бир сидра кўздан кечириб қўйишинг керак. Қани, энди битта милтиқ бўлса, бошқа бирорга эмас, фақат Настенага келганини билдириб қўйиш лозим. Ўз кунинг ўзинингга қолишидан ёмони йўқ.

У шулар ҳақида бўшашиб хаёл сурисиб ўтиаркан, титроғи андак босилгандай бўлди, печкага яна ўтин ташлади-да, сўрига чиқиб чўзилди ва бир кечаю бир кундуз, то индинига эрталабгача донг қотиб ухлади.

5

Ҳар йилдагига қараганда бу йил заёмга ёзилиш жуда эрта бошланди, кечқурун Настена борди-да, шартта икки мингга ёзилди. Қишлоқда фақат Иннокентий Иванович шу раҳамга етиб борди, аммо Иннокентий Ивановичнинг пули ачиб ётганини ҳамма биларди, шунинг учун одамлар уни Иннокентий Кармонович деб атарди, лекин Настена нимасига, қайси давлатига ишониб шунақа қилганини ўзи ҳам тасаввур эта олмасди. Михеичнинг чиндан ҳам тоби йўқмиди ёки шунчаки баҳона қилдими, ҳар қалай мажлисга Настена борди, мажлис нима ҳақда, қайси масала юзасидан бўлишини олдинроқ айтишмаганди. Мана оқибати — Настена ўрнидан турди-ю, шартта айтди-қўйди. Вакил уни мақтади, одамлар эса, ёқа ушлади, Настена бўлса, дадил гапириб юборганидан ўзи қўрқиб кетди, аммо айтилган сўз — отилган ўқ, уни қайтариб бўлмайди. Энди чекинишга кечикканди. Қандайдир ички бир нидо тўғри қиляпсан, деб Настенага тасалли берарди. Модомики, айтдими, демак, нимадир уни шундай дейишга ундаған, бекорга оғзидан чиқиб кетмаганд-да. Балки эрининг гуноҳини облигация билан ювиб

кетмоқчи бўлгандир... чамаси, Настена шу пайтда эрини ўйламаганди шекилли, аммо Настена ўйламаса, ўрнига бошига бирор ўйлаши мумкин эди-ку, ахир.

Настена келиб, заём тўғрисида оғиз очиши билан, Михеич дарров сўради:

— Хўш, қанчага ёзилдинг?

— Иккى мингга.

Скамейкада ямоқчилик қилиб ўтирган Михеич бошини шартта кўтарди-да, ишонмай сўради:

— Нима дединг, ойим қизим, ҳазиллашяпсанми?

— Ҳазилмас...

— Ақлдан озганинг йўқми, ишқилиб? Ё шунча пуллинг борми? Балки туғиб қўйгандирсан?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, нега бунаقا хом хаёлга бординг? Бу пулни қаёқдан топиб бермоқчисан? Менданми ё ундан,— у печка устида ётган Семёновнага ишора қилди,— ё бизни бозорга солмоқчимисан? Ахир, бизни бирор тикинга олмайди-ку.

— Галаба учун охирги марта дейишди.

— Галаба учун...

Печка устида Семёновна ғимиirlаб, парда ортидан бошини чиқарди:

— Нима, нима деяпти?

— Жуда бойиб кетдик, деяпти. Пулимиз жуда кўпайиб кетганимиш. Шунчалик кўп эмишки, қўйгани жой тополмаётганишишимиз.

Настена илгари Андрей билан ётиб юрган каравоти ҳозир ҳам шу ерда турган чит парда орқасига ўтди, Настена Михеинчнинг вайсаб-вайсаб ҳовуридан тушиб қолипини, қайнонаси эса, гапининг паст-баландини билгандан кейин телба тўнини тескари кийиб, икки ойлаб-уч ойлаб тумшайиб юришини биларди. «Менга деса; ўлиб кетмайдими улар!»—деб дилидан ўтказди Настена. Бир амаллаб шу пулни тўлайди, кейин бир йўлини ўйлаб топади. Мажлис ҳам охиргиси эмас-ку, ахир... Аммо ана шу заёмга ёзилиш баҳонасида у Кардага бориб-келишига рухсат олди, ана шу икки минг унга дастак бўлди, агар шу бўлмаса, ҳеч иш чиқмасди, албатта.

У ҳаммасини тўғри жомчўт қилди. Мажлисадан кейин белгиланган рақамнинг пасаймасдан кўтарилганини кўрган колхоз раиси Несторнинг заёмга ёзилишидан хурсанд бўлганини сезган Настена мана кўрдингми, мен мана шунақаман, дегандай жилмайиб, пилдираб унинг олдига келди.

— Нестор Ильич,— деди у раисни сал ийдириш мақ-
садида хиёл баландпарвозлик билан мурожаат қилиб,—
әртага ўртоқ вакилни ким элтиб қўяди?

Нестор қувлик билан кўзини қисди-да:

— Ўртоқ вакил, ҳой ўртоқ вакил!— деб чақирди.—
Манави бизнинг бугунги зарборимиз әртага сен билан
Кардага бирга бормоқчи. Сен нима дейсан — қарши
эмасмисан?

Ҳаммаёғи шалайим, бошида бир тутамгина сочи қол-
ган, қилтиллаб турган вакил уларни олдига келди ва
Настенанинг кўзига тикилиб туриб тўнгиллади:

— Қайси эркак йўқ дөр экан? Мен ҳатто шундай но-
занин кузатиб боришини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

Нестор ўзиға яқин кўриб унинг елкасига қоқиб қўй-
ди-да:

— Боргандан /кейин яна қайтариб юбор,— деди ва
Настенага кўз қисиб қўйди.— Узоқ ушлаб турма, шусиз
ҳам бу ерда ишлайдиган одамимиз бармоқ билан санарли.

Әртага Настена Кардага боради. Бу янгиликни ҳали
Михеичга ҳам айтиш керак, яхшиси әрталаб айта қолсин,
буғунги икки минг машмашаси унга кифоя қиласди. Э ху-
дойим, энди бу ёғига у қандай кун кўради-я? Улар нима
бўлади?! Нима бўлади?!

...Настена биринчи учрашув вақтида келишиб қўйга-
нига мувофиқ ўша кеча Андрейга милтиқ элтиб берди.
Қидириб ўқ ҳам топди, аммо унга керакли дори Михе-
ичда йўқ экан, шу боисдан у йўқни йўндириб икки-
учта ўқча етарли дорини аранг эплади. Бу кам, албатта
Андрей шундай деди, аммо қишлоқдан йигишга Настена
қўрқарди: дарров қайнотасига етказишади, кейин у тў-
полон қиласди. Қишлоқ кичик, кеча ким кимникига туз
сўраб кирганини ҳам, то ион пишгунча ким кимдан бир
думалоқ бўлка ион олганини ҳам ҳамма билади. Тағин
денг, Настена Михеичга билдиримай омбор деворидан ус-
тига кийим-кечак ташлаб қўйилган милтиқни олди, чол
сезиб қолса — нима бўлиши маълум эмас. Ҳозирча бу
ҳақда ҳатто ўйлагиси ҳам келмасди.

Андрей бу сафар мўрчада ўзини бутунлай бошқача
тутди. Унга пўписа ҳам қилмади, тиқ этган товушдан
чўчиб ҳам тушмади, у гангид, ер билан яксон бўлган
одамга ўхшаб индамай ўтиради, ўтиради-ю, бирон ни-
ма дея олмасди. Настенанинг унга шунчалик раҳми кел-
дики, ўкраб йиглашига сал қолди. Андрей кетаётib ди-
линни ёрди:

— Иложини тополсанг, Андреевскка, қўйи қишлоғга

олдимга бор. Мен ўша ердаман.— Кейин титроқ овоз билан илтимос қилди:— Албатта бор, Настена, мен кутаман. Аммо әхтиёт бўл, биронта ђит исингни олмасин.

Вакилга бўла Несторнинг ўзи миниб юрадиган яхши от — Каръкани беришди. Настена уни раиснинг четан аравасига қўшди, аравага пичан ташлаб, Каръкани вакил тунаб қолган раиснинг уйига қараб ҳайдади. Раисникидагилар эса энди нонуштага ўтиришган экан, шу сабдан Настена қайтиб келиб юрмаслик учун биратўла йиғишириниш учун уйига жўнади.

Эрталаб, уйқудан туришгач, Михеич Настенанинг шаҳарга боришидан ҳатто хурсанд ҳам бўлди чоги. Уйда керосин тугаганди, Михеич отхонадан икки марта шиншага қўйиб, яширинча олиб ҳам келган эди, Настена ҳам бир марта лампани кўтариб Надъканикига борганди. Ҳа, гугурт ҳам, туз ҳам топиш керак. Совун топилиб қолармикин, деб умидвор бўлишарди ю, аммо топилиши амри маҳол эди, кўпдан бери совун йўқлигидан кирни ишқорда ювишарди. Йигирманчи йилда Атамановкада дўкони бор баққол хотин Симани партизан Афанасьевич муз устидаги ўйик — хуккidan чўжтириб юборгач, мих сотиб оладиган жой ҳам қолмаганди, ҳар сафар майда-чўйда лозим бўлса, Кардага боришга тўғри келарди.

Лекин ҳаммасидан Михеичнинг илтимоси қўл келди.

— Менга қара, ойим қизим, бир ҳафсала қилиб овчилар дўконидан ўқ дори билан сочманиям қара. Отишгаку, кўпдан бери отганим ҳам йўғ-а, аммо қўр бўлиб турса, чакки бўлмайди. Баҳорда кийик-илик полизга келиб қолса ҳам ажаб эмас.

У қазноқдаги керосин солиб юрадиган тунука баникани олиб чиқди-да, ўзининг ит терисидан тикилган пўстинини Настенанинг оёғи остига ташлади.

— Бугун қайтиб келасанми, йўқми?

— Билмайман, магазинлар очиқмикин, айланиб чиқа олармикинман.

— Ҳа, майли, бугун бўлмаса, эртага қайтарсан.— Кейин ўзини тутолмай кечаги гапни юзига солди.— Кеча каллаи сахарлаб кетганча даб бўлсанг кошкийди. Шунда бўйнимга анави икки минг тушмасмиди. Ҳазил гапми? А? Нега индамайсан, ойим қизим? Кеча жимгина ўтиранг ёки тилингни сал калтароқ қилсанг ўлармидинг, мана, бугун гаплаша берардик. Ҳай, майли, бора қол энди, бора қол. Иннайкейин, қишлоқ советига ҳам киргин, билгин-чи Андрей тўгрисида бирон янги хат-хабар бор-

микин. Почтага ҳам кириб ўт. Балки хатми ёки бирор қоғозми ётгандир.

Қачондан бери ўзининг гапини маъқуллаб печка устидан ётган Семёновна түнгиллаб деди:

— Бе, бизлай бегона эйкак билан бийга аявага тушармилик. Ҳечам-да! Яна шундай замонда-я. Эй худойим-эй! Кимга осилишниям билишмайди. Одамлар қутурриб кетяпти.— Семёновна сўзларнинг ярмини ямлаб юборарди.— Ахий бу боя-бойгунча аява кетидан югуйиб юймайди-ку, ахий у ёнма-ён ўтияди-ку.

— Бўпти, бўпти, кампир, бичиб тўқииверма,— деб унинг оғзига урди Михеич.— Ётганингдан кейин индамай ётавермайсанми, оғзингга келганини ганираверасанми? Зап қўрқадиган одамингни топибсан-да — Настенадан-а!

Михеич бағри кенг одам-да. Агар Михеич бўлмаганда шу йилларда Настенанинг ҳолига маймунлар йигларди. Семёновнага қолса-ку уни ўз эркига қўйиб қўймасди-я, ишдан, рўзгор юмушидан бир қадам нари жилдирмасди. Хўш, бу ерда кимга ҳам кўз сузардинг. Қишлоқда борйуғи битта эркак, у ҳам бўлса ўша Нестор, шу дарданинг орқасидан-ку уни урушга ҳам олишмади, бунинг устига хотини уни ер-кўкка ишонмайди. Михеичнинг ўзи Настенани жон-ҳолига қўймай, бор, бора қол, ойим қизим, хотин-халажларнинг олдига бориб, бирпас ўтириб кел, гаплашгин, ўйнаб-кулгин, сен ёшсан, биз қариялар билан бўғилиб ўтирасанми, деб ташқарига чиқариб юборарди.

Михеич хўп хушфeyл одам-да, аммо ҳадемай чол билан ҳам ораларида гап қочиб қоладиганга ўхшайди. У милтиқ ғойиб бўлганини билади-ю, кейин бошқа йўқолган нарсаларни қидириб қолади. Настена эса гиқ этолмай тураверади. Буни ўғриларга ағдариб бўлмайди; ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлади, сўраб-суринтиришади, тагига этишади, кейин бирдан битта-яримтанинг хаёлига: нега фақат Гусъковларнинг нарсасини ўтирашади? Шу атрофда юрган ўгри ўзларидан чиқмаганмикин, қаерда қанақа нарса турганини билиб, ўз нарсасини олиб кетмаяптимикин? — деган фикр келиб қолиши мумкин. Андрей зинҳор-базинҳор отамга сездира кўрма, деб тайинлаган. Ана унда қутулиб бўпсан, Семёновна яқинда бир юмалоқ нонни йўқотиб қўйди. Настена уни иккинчи учрапшуvida Андрейга элтиб берганди, шунинг учун у нонни Надъка қарага олиб кетди, деб баҳона қилди. Хўш, буёги нима бўлади?

Настенанинг Кардага бориб-келиши жуда ҳам зарур эди. У алоҳида тугунчада тўқима жун кофтасини, ҳар эҳтимолга қарши, борди-ю, ҳеч ким кофтамга қайрилиб қарамаса, деб қимматбаҳо, чиройли, кулранг Оренбург шолини ҳам олиб олганди, бу шолини Андрей турмуш қурган дастлабки йили олиб берганди. Настена буларни унга алмаштиришга олиб кетаётганди. Андрейга-ку амаллаб бир челак картошкага элтиб берди, аммо ун олишта қўрқди, яшикда бор-йўги икки қоримли ун қолибди. Уни бўлса, ҳар қалай эри қийналмайди: нон-пон пишириб еб юради. Биронтаси суриштириб қолса, у унни кўчиб келган Маруся учун алмаштиряпман деб қўя қолади. Карда катта қишлоқ, у ерда ҳар қандай ишнинг ҳидини чиқармай, гум қилиб юборса бўлади. Ҳақиқатан ҳам у ўтган қишида Марусяга егулик нарса бериб, кофтани алмаштириб олганди, шунинг учун рости қайси-ю, ёлгони қайси, ажратиш қийин эди. Маруся уруш бошлангандан бери латта-путтасини сотиб болаларини боқиб келаётганини бутун Карда биларди.

Улар қуёш кўтарилиб, чараклаб турган пайтда йўлга чиқишидӣ. Чилладаги қилиқларидан кейинроқ совуқ шаштидаи анча тушиб қолганди, эрталаб ҳаво аёз бўлса ҳам, аммо тиниқ, илийдиган авзойи бор эди, тушга бориб янада юмшали сезилиб турарди. Каръка қишлоқдан чиқиши билан илдам йўртиб кетди, четан чана, худди муз устида кетаётгандай қатқалоқ йўлда қаттиқ гижирлаб сирпаниб бораарди. Қор босган далалардан кўкиш буғ кўтарилаарди, уфқда эса оқиши нур устунлари муаллақ тургандай туюларди. Яланғоч қайниларда ўтирган ола қарғалар товуқларга ўхшаб қанотларини икки томонга ёзиб, жимгина тозалашарди. Борлиқ илиб, тўйиб-тўйиб, әркин нафас оларди. Ҳали анча эрта бўлишига қарамай, кўклам нафаси сезилиб турарди.

Настена пўстинни вакилнинг оёғига ташлади-да, олдинга ўтиб чўккалади. От туёқларидан сачраган қор юзига уриларди: Настена кўзларини қисарди-ю, аммо тескари қарамасди. Четан чанада шамолдай тез елиб бориш ҳам, гўё баҳор гиж-гижлаб, муддатидан олдин атайлаб унинг учун очилиб кетган кун ҳам Настенани ҳаяжонлантириб, ўжарлигини қўзитиб қўйганди, у ҳаммага, ҳатто ўзига ҳам ўчакишиб, бирон нима қилгиси келарди. Етар курк товуқдай, уйда ўтиргани ҳам—олга, Настена! Қўрқма, Настена — олга! Сенинг қувончиниг энди бошиқача қувонч бўлиши, сенинг қайғу-ғамлариниг одамларнинг ту-

шига ҳам кирмаслиги керак. Сен эса қўрқма, ҳайда, чухд
де, орқангга қарама.

Вакил уни гапга соларди, Настена эса истар-истамас жавоб берарди. Ахир шунақа әркаклар ҳам бор-ку: гўё ҳаммаёғи жойида-ю, аммо әркак бўлиб қаёққа бораиди дейсиз, өғизда, холос. Манави ҳам ўшандака — қўлидан хотин-қизларни заёмга ёздиришдан бошқа иш келмайди. Гап қаёқда, нуқул ҳиқиллайди, юзи ҳам чала ювилган чурук матога ўхшайди — умрида неча марта ювингтан бўлса, ҳаммаси шу матога ўтиришиб қолгану бу мато тешилай-тешилай деб турибди.

Далалар тугади, анҳордан ўтишлари билан икки томондан асрий арчазор бошланиб кетди. Бу ер сув сепгандек жимжит эди — на шабада гир этади, на ўзлари чурқ этишади, фақат Каръка туёғларини тап-туп уриб бораиди. Аҳён-аҳёндагина шохлардан қор тўзиб тушиб, йўл устида кўкка бўй чўзиб турган дараҳтларнинг бирбирига туташиб кетган ўткир учлари билинг-билинмас титраб қўяди — бу ергаги ҳаёт мана шу эди.

Лекин вакил шу ерга етганда тўсатдан дадил бўлиб қолди. Ўтирди-ўтирди-да, ногаҳон Настенанинг орқасидан оёғини ушлаб ўзига тортиди ва чўчқадай ҳур-ҳур қила бошлади. Настена чақонлик билан — шунчалик журъатим бор деб ўзи ҳам ўйламаганди, — унинг қўлидан чиқди-да, кўз очиб-юмгунча вакилни чанадан қорга ағдариб юборди; Каръка ҳуркиб, олиб қочди, Настена эса, унинг жиловини тортмади ҳам: ўртоқ вакил бир пиёда юриб, қўл-оёғини ёзсин, қизиб олсин. Уч ярим йилдан бери якранг, яхнасак тиззасини қўлтиқлаб ётди, ўшанда ҳам манавига ўхшаган хезларга ўлса ҳам қиё боқиб қарамаган бўларди. Энди эса, эри бор, бунинг тенги эмас, бир амаллаб тинчтади.

Вакил ҳарсиллаб югуриб келди ва ҳеч нимага тушунмай, Настенанинг қаршилигини ҳазилга йўйди-да, яна унга ёпишди. Унинг боплаб адабини беришга тўғри келди. У кўзини пирпиратиб, жим бўлиб қолди, ярим соатдан кейин эса, гўё ҳеч нима бўлмагандек, хотинини мақташга тушди, болалари ҳақида гапирди. Настена хотиржам тортиди — мана бу бошқа гап — шундан кейин у Каръкани жадаллатди.

Кардага қош қораймасдан етиб келишди, Настенанинг баҳтига магазинлар ҳали очиқ экан. Бу ерда ҳам унинг омади келди: керосин ҳам, ўқ дориси ҳам бор экан, энг муҳими, шулар билан Михеич олдида бошқа ишларни хаспўшлаб кетиши мумкин эди. Шу ондаёқ қайнота-

сига қиладиган баҳона ҳам топила қолди: биринчи куни керосин йўқ экан, олиб келишларини кутдим, дейди. Бундай сабабга эътиroz билдириб бўлмайди. Настена совун тополмади, албатта, аммо гугурт билан туз сотиб олди. Настена у ёқ-бу ёқни қараб, шам кўриб қолди-да, ундан беш дона олди — булар қаёқдан, қайси черкъсдан келиб қолгани бир худога аён. Настена эсини таниганидан бери сельпода шам сотилганини билмасди, бу ерда эса, худди буюриб қўйилгандек эски, қорайиб, эгилиб қолган шамлар хор бўлиб ётибди. Учтасини уйга олиб боради, иккитасини Андрейга олиб қўяди, керак бўлиб қолганда эри ёқади, кўнгли кўтарилади.

Ишинг бир юришиб кетса, юришаверади, деган гап ҳаққол рост. Настена кечқурун кофтасини яrim пуд унга осонгина алмаштириди, шолни кўрсатишга ҳожат ҳам қолмади. Бу уни шунчалик қувонтириб юбордики, кечаси бўлса ҳам уйига қайтиб кетмоқчи бўлди, аммо худога шукур, ниятидан қайтди. У эри урушда юрган бир таниш аёлницида ту nab қолди. Настена кечаси гоҳ кўзи илиниб, гоҳ уйқуси ўчиб ётаркан, девор ортида Каръканинг пичанини кўрсиллатётганини, совуқдан силкиниб, депсинаётганини эшишиб ётди. Настена тўлганиб ётди-ётди-да, оҳиста ўрнидан турди, бекага билдиurmай отни қўшди, чанага бир кунга етарли қилиб пичан ташлади ва йўлга тушди. Унинг кетидан на бирон ит ҳурди, на қаттиқ уйқудаги қишлоқдан бирон овоз эшитилди.

Настена сўнгги уйлардан ўтгач, отни ўнгга, Ангарага бурди. Каръка тушуммагандай тўхтади: ахир уйга элтадиган йўл тўғри кетади-ку. Настена жаҳли чиқиб, тизгин билан отни қарсиллатиб урди. Худди кечагига ўхшаб, яна унинг жони ичига сифмай қолди, шу боисдан безгак тутаётгандек аъзойи бадани қалтираб, қани энди чанадан тап этиб ўзимни ташласаму Каръканинг олдига тушиб югуриб кетаверсан, дерди. Тезроқ, тезроқ! Настена отни Ангарадан елдириб ўтиб бўлмаслигини биларди: бирон чуқурга тушиб кетади-ю, оёқсиз қолади,— шунга қарамай у отни қистади. У битта-яримта кўриб қолмасин, тоңг отмасдан Рибнаядан ўтиб олай, деб шошиларди. Юраги қинидан чиққудек бўлиб гурс-гурс урарди, Настена ҳам унинг таъсирида остига тўшалган пўстин устида сакраб тушар, ўзини ҳар маҳомга солар, жиловни силтаб, қандайдир тушуниб бўлмайдиган, ваҳимали сўзларни айтиб бақиради. Тезроқ, тезроқ...

Ҳаммаси, ҳозирги ишлар ҳам, кейин бўладиганлари ҳам — ҳаммаси тезроқ бўла қолсин!

Рибная орқада қолиб кетгандан кейингина Настена Каръканинг бошини тортиб, жиловни бўш қўйди. Энди яқин. Ховлиқиши ўзидан-ўзи босилиб, кўнгли ҳувиллаб қолди. Худди ичи тутунга тўлиб кетгандай, кўксининг қаеридир жизиллаб ачишарди, аммо нимаданлигини Настена билмасди.

Настена туннинг хиralашиб қолганидан ҳадемай тонг ота бошланини тушунди.

У йўлда бораркан, мана сен, Настена, ёлғон гапириши ни ҳам, ўғирлик қилишни ҳам ўрганиб олдинг, деб ўйларди. Аммо бу фақат бошланиши, холос — бундан бу ёғига ҳолинг нима кечади, Настена? Лекин у ҳар қалай гуноҳи борлигини ҳис этмасди, бўйнига олмасди, у кела-жакка шунчаки кўз қирини ташлаб қўйишини, бу ишлар нима билан тугашини кўришни истарди.

Настена Каръкани тўхтатганда тонг отган эди, у отни жиловидан ушлади-да, музламадан етаклаб, соҳилдан кўриниб турган айрилишга қараб юрди.

6

— Салом, ҳўш, ҳорма энди,— деди Настена ва оҳис-та жилмайиб қўйди.

Настена уни гафлатда қолдирди. У Настенанинг қандай келганини, шоша-пиша отни қантариб, дарё ёнида қолдирганини ва қишлоғга оҳиста яқинлашганини сезмай қолди. У бошига калта пўстинии тортиб ухлаб ётганди. Настена эшпикчани оча бошлаганида у худди портлаш тўлқини сўридан итқитиб юборгандай, оёғида зўрга турарди. Мана, энди у соchlари тўзиб, гангиг, унинг олдида тураркан, келган кимса Настена эканига ҳамон ақли бовар қилмай, шунчалик қўрқиб кетганидан хижжолат чекиб, мулзам бўлаётганди.

Ниҳоят, Настена уни тузукроқ кўра олди: букилиб, бесўнақай жуссасининг ўнг томонига сал чиқиб туриши ҳам ўша-ӯша, осиёвий ясси юзи ҳам, пучуқ бурни ҳам ўша-ӯша, муштлашиб қолган қора соқоли ўсиб кетибди. Қаърига тортган кўзлари еб юборгудек бўлиб тикиларди, ўткир кекирдаги жонсараклик билан худди мокидай чиқиб-тушиб турарди. Ориқлаб, юзлари сўлибди, чўкиб қолибди, аммо қадди букилмабди,— кўриниб турибди, ҳали ҳам бақувват, чайир, сал қўл тегизсанг бўлди, аъзойи бадани тортишиб, тош бўлиб кетади. У, Настена таниган, билган, жондан азиз киши, лекин ҳар қалай бе-

гона, ғалати эди, бу Настена нима дейишини, қандай сўрашини билган, бундан уч ярим йил олдин кузатиб қўйган ўша одам эмасди.

— Мана,— у айбдорлардек жилмайиб яна гап бошлиди,— ҳолингдан хабар олгани келдим. Ташишланма, ҳеч ким кўргани йўқ. Мен бугун тўғри Кардадан келдим, келсам ухлаб ётган экансан. Бирон қора кунингга яраб қолар, деб у-бу олиб келдим.

— Энди кунларимнинг ҳаммаси ҳам қора,— деди у нихоят тилга кириб.

Андрей пахтали шим ва жун пайпоқда эди. Унинг бир юзини совуқ олиб, ёноғи қорайиб қолганини Настена энди пайқади. Андрей секин-аста ўзига кела бошлади: оёгини пиймасига тиқиб, печкачани ёқишига киришди. Настена эшик томонга қадам ташлаган эди, аммо у тўхтатди:

— Қаёққа кетяпсан?

— Ахир, бориб нарсаларимни олиб келай, совуқда туриб нима қиласди.

— Ҳозир бирга борамиз.

Улар чанада керосин солинган банкани қолдиришди, бошқа ҳамма нарсани иссиқ қишлоғга олиб келишиди. Кейин Қаръкани дарёнинг юқорисига, муюлиш орқасига ҳайдаб боришиди-да, чанадан чиқаришиб, олдига пиҷан ташлаб қўйишиди. Улар ҳамон худди бегоналарга ўҳшаб гаплари қовушмасди, жуда зарур бўлиб қолганда-гина бир-бирига «ол» ё «бер» деб қўйишиарди. Настена унинг кўнглини қандай овлашини, унга нима дейишини ҳали ҳам билмасди. Андрей эса, ёки ҳамон эс-жүшини йиғишириб ололмаётганидан жаҳли чиқаётганди, ёки шунча йилдан бери уларни боғлаб турган риштани ўйлаб,— ким билади, бу муносабат сақланиб қолганими-йўқми,— аввалгидек оқибат қилишига бирданига журъат эта олмаётганди.

То отни тинчтиб келишгунча қишлоғ анча исиб қолганди, шунинг учун Настенанинг ечинишига тўғри келди. У оқ қарағай шохи тўшалган катга ўтириди-ю, яна дарров ўрнидан турди — йўқ, бирон иш қилиш керак, бирон нима билан ўзини ҳам, уни ҳам овутиши кера; арзимаган бирон нима билан топишшиб олиши керак. У ашқолдашқоллар уюлиб ётган эшик олдига келди-да, пўстин ичидан ун солинган ёстиқ жилдини олди ва мақтаниб деди:

— Мана, Кардадан сенга ун топиб келдим. Ноң қилиб ейсан.

Андрей унга жавобан шунчаки бош иргаб қўйди:

— Бу қанақа қилиқ? — Настена хафа бўлди. — Мени нега бунақа кутиб оляпсан-а? Бир оғиз гапирмайсан. Мен бўлсам ярим кечада йўлга чиқиб, учиб-қўниб олдингга келибман, курсанд бўлади, деб ўйлабман. Ё қайтиб кета қолганим маъқулмикин?

— Кетиб бўпсан!

Андрейнинг жаҳл билан чўрт кесиб, қатъият билан айтган гапидан Настена эри жўнатмаслигини, ўла қолса ҳам жавоб бермаслигини тушунди. Настена унга яқинлашди ва кўрларга ўхшаб тимирскиланиб, нозик қўлини олдинга чўзди ва унинг бошига тегизди.

Андрей бўздек оқариб кетган юзини унга буриб, деди:

— Наҳотки сен мени келганимга суюнмаяпти, деб ўйласанг? Хурсандман, Настена, курсанд бўлганда қандоқ! Энди менинг курсандлигим қаёққа борарди: энди у керакми, йўқми, энди уни айтиб ўтириш лозимми, лозим эмасми, шуни билин қолди, холос.

Настена бошини унинг кўксига қўйди.

— Э, худойим! Нималар деяпсан-а? Ахир мен сенга бегона эмасман-ку. Ахир биз тўрт йил бирга турдик-ку, ё бу сенга камми?

У Настенани қўлидан бир оз ушлаб турди-да, жавоб бермай, қўйиб юборди. Лекин у Андрейнинг бўшашиб, ҳовуридан тушаётганини кўриб турарди — мана, боши ҳам ликиллади-да, бир ёнига огиб, елкага тушди,— бу унинг эриётганидан далолат берувчи аниқ аломат, бу фақат Настенагагина маълум эди. У илгари ана шу аломатга қараб, эрининг авзойини билиб оларди: агар бошини ёнига оғдирса, оғзингга келганини қайтарма, хоҳлаганингча кул, шўклиқ қил — ҳаммасини кечиради, ўзи ҳам қўшилади, ўйин-кулгига берилиб кетади-ю, кейин қани ҳадеганда тинчиса, ўшанда ҳам истар-истамас бас қиласади. Йўқ, аввалги Андрейдан нимадир қолибди. Настена, сен-чи, сен кулмайсанми, дегандек сиполик билан мийигида кулди-да, деди:

— Мен ахир сени шу бугун энди тузуккина кўряпман-у, манави соколинг билан жуда ғалати кўринаркансан.

— Нега ғалати?

— Билмасам, қандайдир....— деб кулди ва шу заҳоти тилини тишлаб, кулгидан тўхтади.— Алвастига ўжшайсан. Мен мўрчада ким билан бўлганимни — сен биланми ё алвости билан, ўзим ҳам тушунмай қолувдим. Эримга асраб юриб-юриб, алвости билан ётдимми, деб ўйладим.

- Хўш, хўш, алвости қанақа экан?
- Чакки эмас. Лекин ўз эринг яхши-да.
- Жуда айёrsan-да. Йкковининг ҳам кўнглини олгансан. Кейинги сафар менга устара олиб кел, манави патакни йўқ қиласай.
- Нимага?
- Алвастига ўхшамаслик учун.— У шундай деди-ю, дарров фикридан қайтди.— Қўя қол, олмайман. Мени таниб қолмасликлари учун селкиллаб юраверсин. Алвастига ўхшаб юрганим тузук.
- Вой худойим! Нега эримнинг қорини ўйламабман-а,— Настена бирдан эслаб қолди.— Нима бало, гап сотгани келдимми.— У азбаройи шошиб қолганидан ҳали эр хотин икки оғиз гаплашишмаганини ҳам унутиб қўйди.— Хотин ҳалқи шу экан-да! Бирор дўппослаб турмаса, ўзидан кетиб қоларкан.

Андрей «ҳимм» деб Настенага диққат билан разм солди-да, деди:

- Бирор дўппослаб турмаса деяпсанми?
- Бўлмаса-чи.
- Соғиниб қолдингми?
- Бўлмаса-чи, ақлимни киритадиган одамнинг ўзи йўқ эди-да. Хўп, бўпти, ўтири, мен ҳозир.
- Лоақал чой қўйилса бўлармиди,— деб эслаб қолди Андрей.

— Нега ёғочдай қаққайиб турибсан, қўйгин-да. Нима бало, сувинг ҳам йўқми дейман?

Унга лоақал озгина бўлса ҳам ўзини бекадай ҳис этиш ва у-бу ишни буориб туриш ёқарди, ахир илгари бундай қилишга камдан-кам ҳадди сиғарди, бундан буён бунақа имконият бўладими-йўқми, номаълум эди. У Андрейни печкага ўтиш ташлашга ва гизиллаб бориб дарёдан сув олиб келишга мажбур қилди, кейин унинг кўзи олдида тугуనини ечиб, бир думалоқ жавдари нон ва катта бир бўлак чўчқа мойинни олиб қўйди. Чўчқа мойинни Семёновна куздаёқ Андрейга атаб, ана келиб қолади, мана келиб қолади, деб кутиб юришган пайтидаёқ яшириб олиб қўйган эди. Андрей келмади, аммо унга атаб тайёрлаб қўйилган нарсаларга қандайдир эски бидъатларга кўра тегишмаганди: аталган нарсага тегсанг ёмон бўлади. Бир ойча бурун Настена тасодифан омборда латтага ўралиб, токчанинг бир бурчагига тиқиб қўйилган мойга кўзи тушиб қолувди, мана, кечак шу мойнинг ярмини кесиб олди. Кимга асрар қўйилган бўлса, ўша одамга яраб қолади. Чанг босган чирпитдаги само-

ГОН ҲАМ ҚАЕРДАДИР ТУРГАН БҮЛСА КЕРАК, АНДРЕЙ ОТАСИННИГ ОСТОНАСИДАН ҲАТЛАШИНИ, УНИНГ УЧУН, АЗИЗ КИМСА УЧУН СТАКАНЛАР КҮТАРИЛАДИГАН СОАТ КЕЛИШИНИ КУТИБ ТУРИБДИ.

Настена урушдан олдин бир марта кинода (у ўзи ҳам бу мүъжизани бор-йўғи уч марта кўрган эди) шаҳарлик бир хотин жондан ортиқ севган кишисининг кўнглини қандай олишини билмай, унга худди ёш боладек овқатни едириб қўйганини кўрганди. Настена ҳозир илгари ўзи ўрганмаган тантиқлик билан ногаҳон бир парча мойни Андрейнинг оғзига тутишга жазм этди, аммо у унамади. У ўз қилиғидан ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолди, ҳам худди қандайдир юпқа муз устидан ўтиб олиб, ундан у ёғига бемалол кетаверса бўладиган одамдай енгил тортиб қувониб кетди. Аммо чойни бир идишдан — солдатлар манеркаси қопқоғидан ичишга тўғри келди. Улар қопқоқни бир-бирига узатиб чой ҳўплар эдилар. Настена қопқоқни Андреидан олиб, уни яна унга узататганда ҳам негадир ҳаяжонланиб кетар эди.

Ҳа, бу ердаги ҳамма нарса — ўз ҳолига ташлаб қўйилган, одамни ётиб юборай деб турган қишлоғ ҳам, иккига ёриб, пол ўрнига ерга палапартиш ташлаб қўйилган гўлалар ҳам, шифтдаги эгилиб қолган тахталар ҳам, бир текисда йўнилмаган ёғоч девордаги қоп-қора, қуруқ тўр ҳам, ташқарида тоғдан этакка томон улкан ўркач каби чўзилиб тушиб, офтобда ярақлаб турган, из тушмаган қор ҳам, энди кундузи ёруғда таниб, ёнида кўриб тургани, аммо бу билан ҳали яхши тушуниб етолмаётгани Андрей ҳам, ким билсин, қандай қилиб, нима учун бу олисдаги ташландиқ қишлоғга келиб қолган ўзининг хатти-ҳаракати ҳам Настенани ҳаяжонлантирас, айни чоқда қўрқитар ҳам эди. У хаёли чалғиди дегунча ҳар сафар ўз олдида Андреини кўриб турганидан ҳайратлашарди, шундан кейин зўр бериб унинг нима учун бу ерда юрганини эслашга уринарди. Фақат шундан кейингина барча кўрган-кечирганлари қандай бўлса, ўшандайича кўз олдига бирма-бир келарди-ю, шунчаки лип-лип қилиб турарди, булар шунчалик ҳақиқатдан узоқ, хаёлий, тушда кўринингандек эдики, вужудга келган вазият чатоқлашиб, расво бўлмаслиги учун доимо уни яхшилашга ҳарарат қилиш керак эди.

Настена худди ўзи билан ўзи бекинмачоқ ўйнаётган эди: гоҳ вақт ўтиши билан ҳаммаси, албатта, охири баҳайр бўлади, деб ишонарди, фақат кутиб туриш, чидаш керак, дерди, гоҳ юз берган бу воқеа тўятдан кўзига

ютиб юборадиган ўпқонга ўхшаб кўринарди-да, даҳшатдан нафаси ичига тушиб кетарди. Лекин у қўрқувини сездирмасди, ўзини хурсанд қилиб кўрсатарди. Эртаганима бўлиши ҳали номаълум, бугун эса, унинг айтгани айтган, бугун бир неча йилнинг ҳиссасини чиқариши, бутун борлитига әркинлик, дам бериши мумкин.

Настена чой маҳали Андрейнинг ризқини қиймаслик учун номигагина тамадди қилган бўлди, иссиқдан лоҳао бўлиб, эснаб қўйди.

— Уйдагилар мени Кардада деб ўйлашади, мен бўлсан сенинг олдингда ўтирибман,— Настена нима мақсадда шундай дегани маълум эмасди.— Билишса борми.

Андрей жавоб бермади.

У катга калта пўстинни ёзди, оёғидаги пиймасини ечиб ташлади-да, қўлларини ҳар икки томонга ёйиб чўзилди. Андрей стол ортидан унга кўз қирини ташлади — Настена унинг ҳавасини келтириш учун гўё уйқуга кетаётгандай кўзини юмди-да, жим бўлиб қолди. Лекин Андрей яқинлашиши билан у сапчиб туриб, чўккалаб олди, олдинга энгашиб, худди қизчалардек бидирлаб деди:

- Қоч, бошимни айлантирма, мен сени танимайман.
- Нима-нима?
- Қоч, бошимни айлантирма, мен сени танимайман.
- Гапингни қара-я!

У шўхлиги тутиб кетиб, бир сакраб Настенанинг ёнига чиқди, Настена чап берди, бир вақтлардаги, бирга турга бошлаган дастлабки йилдаги сингари тўполон бошланди. Ўзлари ҳам роса ўйнашишар эди-да, чанг бурқасиб кетарди. Настена нозикойимлардан эмасди, шунинг учун дарров унай қолмасди, шундай кунлар ҳам бўлардики, то у бўлди-бўлди, тан бердим, дегунича Андрей қора терга ботиб кетарди. Аммо Настена ҳозир негадир унинг кучини синаб кўришни истамай, қўлини туширди. Андрей эса буни ўзича тушуниб, худди ёш боладек шошилиб, ҳовлишиб қолди—шунда Настена уни хафа қилиб қўймаслик учун босиқлик билан:

— Секинроқ, Андрей, шошилма, кераги йўқ. Ахир, меҳр-муҳаббатим қаровсизликдан сўлиган гулга ўхшаб қолган. Унга щикаст етказма, уни уринтирма,

Андрей унинг гапига кирди ва Настенанинг билишича, илгари сира бунақа қимлаган одам биринчи марта унинг раъйига қараб, қитдай истагини ҳам бажо келтириб, сидқидилдан ардоқлади.

Настена ором олиб ётар экан, хижолат тортиб, ғалати

бир аҳволга тушди, назарида, гүё ўзи эри билан эмас-у, қандайdir хадди сиғмайдиган бошқа бир эркак билан ётгандай эди. Аммо бу туйгу тез ўтиб кетди. Унинг кўзи илина бошлади, шу ондаёқ қандайdir мўъжиза билан ўзини у бугун жуда олис ерда бирров кўриб қолди; у ерда нимадир бу ердагига қараганда бошқачароқ эди, лекин у ерда ҳам бир ўзи эмасди, ёнида кимдир бор эди, гарчи у, Настена, бу одам Андрейми ёки бошқа бир одамми, билолмади. Андрей бўлса керак, ахир Настена бошқа одамни бошига урадими.

Настена унга бирон нима дейишни, бирон бир яхши, юрагининг тубидан чиққан гапни айтишини истарди-ю, аммо дурустроқ гап тополмай, нимадан бошлашини билмай, ундан илтимос қилди:

— Қаерингдан жароҳатландинг, кўрсат-чи...

У кўйлагининг тугмасини ечиб, кўкрагидаги қизгиш чандиқни очиб кўрсатди. Настена чандиқни оҳиста силаб қўйди.

— Шўрлик... ўлдирмоқчи бўлишибди-да... битиб кетдими, оғримайдими?

— Ҳозир яхши, фақат сирқирайди. Айниқса, ҳаво айниса, бўлмаса йўқ, шунчаки доим халақит бериб турди, бир нима қадалиб турганга ўхшайди, ҳали кўнишканимча йўқ.

Бундан бир соатгина бурун Настена бу ерга қандай қилиб, нима учун келганини тушунолмай гаранг эди, ҳозир эса, назарида гүё бошқа ҳеч нимани кўрмагандай, билмагандай, бутун умри шу чордевор ичидан ўтгандай туюларди. Қандайdir ўзгача бир ҳаётдан эслали мумкин бўлган барча нарсалар лип этиб ўтиб кетувчи тушнинг тартибсиз, узуқ-юлуқ парчалари сингари ортда гира-шира кўринарди. Наҳотки қаердадир, анави ёқда ҳали ҳам одамлар, уруш, ўлим ва фалокат бўлса? Қачон шунақа бўлувди, умуман, шунақа воқеа юз берганми ўзи? Ичкарининг ҳавоси тутундан ачиб кетди, аллаловчи, сув қуйгандек жимжитлик ҳар қандай гам-гусса ва ташвишни хаспўшларди, Настена эркинлигидан, танҳолигидан маст бўлиб ётарди. Ором олган Настена ҳузур қилиб, ўзининг шу ердалигини бирор ҳаракати билан сездирмай, чурқ этмай фаромушхотир ётарди.

— Агар ухласам, жаҳлининг чиқмайдими? — заиф, мамнун овоз билан сўради у.

— Ухлайвер, ухлайвер.

Андрей Настенани яхшироқ кўриш учун тирсагига таяниб сал кўтарилиди. Настена ухлаб қолганди. Унинг

совуқдан қизарыб кетган кулча юзи мулойимлашиб, уй-қуда ҳам майин табассумдан ёришиб турарди. Бу йиллар ичида унинг юзи сал қотиб, дагаллашиб қолибди, унинг юзидан ҳамиша кўзга ташланиб турадиган: вой, жуда қизиқ экай-а, буёги нима бўлади? — дегандай қизларга хос сабрсизлик, таажжуб аломатлари бутунлай ғойиб бўлибди, — аслини олганда бу аломат Андрей шу ердалигида ғойиб бўла бошлаганди. Кўп ўтмай чўпчак ҳам ниҳоясига етди, барча сир-асор ошкора бўлди, борди-ю, баъзан яна бирон бир ажойиброқ иш эътибордан четда қолган бўлса, гўё ўтмишда, йўлда кетаётгандаридан шошилиб эсларидан чиқиб қолгандек, наридан-бери бажо келтириларди.

Настена қўлинни кўкрагига, кофтасининг тугмаси ечилган жойга қўйиб ётарди, бармоқлари сал қимиirlab, кўкраги билан бирга кўтарилиб тушарди. Андрей унинг қўллари ҳам дағаллашиб, йўгон тортганини пайқади — бу меҳнатнинг зўридан эди. Настенанинг бир текисда чуқур-чуқур олаётган нафасидан янги согилган сутга ўхшаш илиқ, ёқимли ҳид тараларди.

Андрей Настенанинг ёнгинасига сурилди-да, уни оҳиста қучоқлади ва унинг юраги қандай тепишига қулоқ солди. Юрак шундайгина қулоги остида дукиллаб, ҳар дукиллаганида унинг ноаниқ, аламли ташвишларини ортириарди. Бу ташвиш борган сари ортиб бораётганидан, у эса, бу ташвиш нимага алоқадорлигини билмаганидан ва оқибати нима билан тугашидан бехабарлигидан баттар безовта бўлар эди. У ортиқ ёта олмади, ўрнидан туриб, оҳиста катдан тушди ва худди ўғрига ўхшаб, ухлаб ётган Настенага елкаси оша ўгирилиб қаради. «Ухла, ухтайвер», — деди у пичирлаб, аммо у аслида Настенанинг уйғонишини истарди. У билан бирга бўлса-ю, унинг дилидагини сезмаса, у айтмоқчи бўлган гапларни, қилмоқчи бўлган ишларни билмаса, бунга тоқат қилиб бўладими ахир. Кўнгли музлаб, бирпаесда ҳувиллади-қолди, бирор нима қилишини, иллитадиган нарсани қўмсаб, гаш тортди.

У ташқарига чиқди-ю, бирдан келиб урган равшан нурга тоб беролмай беихтиёр кўзларини қисиб олди. Назарида, нақ тог устида турган қуёш бор нурини шу ерга сочаётгандек эди. Йилт-йилт қилаётган қордан ҳовур кўтариларди, ола-чалпоқ сояларда эса, қор кўкиш тусда товланиб кўринарди. Кун баҳордагидай илиқ бўлиб, ажиб бир ҳид анқирди. Қишлоғ томинанинг бурчакларидаги сумалаклар эрирди, қордан мөгор босган парча-парча

ерларда эса қора мевали буталар қаддини ростлаётган әди.

Андрей, гүё очиқ ҳавода бўғилиб кетаётгандек, энти-киб-энтикиб нафас олди. У отни сугоргани кетди, кейин бирор бегона одам бор-йўқлигини кўргани Ангарага тушди, аммо ташвиши аримади. Үнга, назарида, гүё ҳозир, худди шу лаҳзада ўзининг бемаънилиги туфайли жуда бир муҳим нарсадан, қайтариб бўлмайдиган, ўзига жуда зарур, кейин сира топиб бўлмайдиган нарсадан жудо бўлаётгандек туюлди.

У қишлоғга қайтиб келди, Настена ҳамон ухлаб ётарди. Андрей ўзини қўярга жой тополмай, яна Настенанинг пинжига тикилди ва бошини кўкрагига қўйди, аммо унинг яқинлигини ҳис этдию бўғилиб кетиб, нари сурилди. Настена уйқу аралаш қўлини чўзди-да, эрининг бошини пайпаслаб топиб, унинг сочини силади, Настенанинг қўли тегиши билан Андрей тўсатдан енгил тортид. Андрей кўзини юмди ва елкасида Настенанинг нажоткор қўли турганини сезиб, оҳиста айланиб, қандайдир юмшоқ ва кенг бўшлиққа ағдарилаётганини тасаввур қилдида,— бу унинг ухлаб қолишига ҳамиша ёрдам берарди,— кўп ўтмай ухлади-қолди.

Улар бир вақтда уйгонишди. Настена кўзини очиб, унга қаради, у ҳам бир чўчиб тушиб уйғонди. Настена унга қараб жилмайди.

Деразадан тушиб турган қўёш нури эшикнинг олдига бориб қолибди: ҳа, кун анча оғибди.

— Жудаим маза қилиб ухладим-да,— деди Настена.— Бу яқин орада шунақа ухлагалимни эслолмайман ҳам — тош қотибман. Сен ёнимда бўлганинг учун-да ҳаммаси. Сенга қарайману бу сен эканлигингга сира ишонмайман. Мана, кўриб турибсан-ку, уйқуда эса ишондим, эридим-кетдим. Шундоқ жоним кирди-я...

Ухлаб турганларидан кейин улар, гүё қайтадан учрашаётгандек, бир-бирларига таажжубланиб қарашар ва бир-биридан ниманидир умид қилишар әди. Настена ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо эри ушлаб қолди, эрининг бу ишидан суюнган Настена кулиб юборди.

Улар гарчи бўладиган гапдан қочиб қутула олмасликларини яхши тушунишса ҳам, бу гапни атайлаб пайсалга солаётган әдилар.

— Агар қайтиб борганимда, ўща ерда қолиб кетардим, бу турган гап әди. Шунчасига чидадим, тузалиб

кетиб жаңг қилдим, урушдим, бекиниб юрмадим, муғам-бирлик қилмадим, нима бўлди-ю, ўзимга ўзим қилиб, мана шу кўйга тушиб ўтирибман. Одамнинг боши айланса, шунача бўлади ўзи. Беҳуда бўлмайди бу. Ҳудами-бехудами — энди бўлар иш бўлди, вақт ўтди, энди бу ишни тузатиб бўлмайди.

У кўзини юмид ётарди — шунда гапириш осон эди — одатда одам кимга заҳрини сочишни билмаса, шу ҳолга тушади.

— Аммо қандай, қандай журъат этдинг? — деган гап Настенанинг оғзидан чиқиб кетди.— Ахир бу ҳазилакам гап эмас-ку. Қандай қилиб юрагинг дов берди-а?

— Билмайман,— Андрей дарров жавоб бермагани учун Настена эри ўзини гўлликка солмаётганини, ёлғон гапирмаётганини пайқади.— Сира тоқатим қолмади. Бўғилиб кегавердим — сизларни жуда кўргим келди. Фронтда бўлганимда қочиб келмасдим, албатта. Бу ер эса, бир қадам жойдек туюлди. Қаёқда яқин дейсан? Поездда келяпман, келяпман, қайтанга қисмимга тезроқ етиб борардим. Ахир атайлаб қочмадим мен. Кейин қарасам энди қайтганимда қаёққа ҳам борардим? Барибир отишади. Яхшиси шу ерда ўлай дедим. Энди нимасини ҳам гапирадим! Чўчқа барибир ўзини балчиққа уради.

— Уруш тугаса, балки кечиришар,— деди Настена гапига ўзи ишонмай.

— Йўқ, бу иш учун кечиришмайди. Бу иш учун агар қайта-қайта тирилтириб отишнинг иложи бўлса, бошқаларга ибрат бўлсин, деб ўлган жойингдан турғазиб қўйиб, уч марталаб отишади. Менинг қисматим тайин, энди уни ўйлаб, жон қуидириб юрмасам ҳам бўлади. Келаётib, бораман-у, Настенани кўраман, ёш умрингни хазон қилдим, тинчгина яшаш мумкин бўлган бир пайтда бўлар-бўлмасга зугум қилдим, деб узр сўрашни ўйладим. Рост-да, нега яшай олмасдик? Ёш, соғлом, худди атайлаб бир-биримизга яратилгандай, биримиз узук бўлсак, биримиз кўз эдик. Хоҳлаганча ўйнаб-кулсак бўларди. Йўқ, ноз қилибман, ҳукмимни ўтказаман дебман. Аҳмоқлик ҳам шунчалик-да. Аҳмоқлик қилганимни ўзим ҳам тушунардим, ахир мен ҳам жуда овсар эмасман-ку, у-бу нарсага ақлим етади, аммо ўзимни тўхтата олмасдим. Мен ҳали ёшмиз, сонга ҳам кирамиз, бир-биримизга тўямиз, ҳеҳ-ҳе, ҳали вақт кўп, деб ўйлабман. Мана, ҳаммасига улгуриб ҳам бўлдик. Бораману Настенага кўриниш бераман, хотирасида ёмонотлиқ бўлиб қолмаслик учун тавба қиласман, отам билан онамни олисдан

бир кўраману ўзимни ўлдираман, деб ўйловдим. Кейин ваҳший ҳайвонлар этимни еб, сугимни тозалаб қўйишиарди, албатта. Аммо сен билан манавиндача бирга бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, юрагим дов бермаганди. Бу қайси яхшилигим эвазига берилган мукофот бўлди экан? Биргина мана шунинг ўзи учун, агар калта ўйлик қилмаганимда, сени кафтимда кўтариб юришим керак эди.

— Вой сени, гапингни қара-я — деб гап бошлади Настена, аммо Андрей унинг гапини бўлди:

— Шошмай тур. Бошладимми, энди гапимни тугатай, кейин балки иложи бўлмас. Энди ичимдаги гапимни сақлаб юришимнинг ҳожати йўқ, ярамайди. Нима бўлса, ҳаммасини айтишим керак. Мана уч-тўрт кунга, деб келдим, узр сўрайман, хайрлашиб кетаман, деб ўйловдим, ҳозир бўлса, лоақал ёзгача қолай деган ниятим бор. Езниг қанақалигини охирги марта кўрмоқчиман. Кейин, майли ўлсам ҳам армоним йўқ. Бугун бўлса, сен илтиб қўйдинг, хурсандликдан дод десанг арзиди.— У ютинаётис қалқиб кетди-да, жим бўлди.— Мен сендан кўп нарса талаб қилмайман, Настена. Шундог ҳам менга кўп яхшилик қилдинг. Яна бир неча ойгина сабр қил, бирорга чурқ этма, кейин вақти келади, кўзингдан ғойиб бўламан. Аммо сабр қил. Зугумларимга хўп чидадинг, энди бунисига ҳам чида.

Настена шартта ўрнидан туриб, уни тузламоқчи ҳам бўлди-ю, аммо негадир қимирилашни истамади, бу вазиятда тилига калима келмади, шунинг учун у ишамади. Андрей шошилмай, бирпас кутиб тургач, гапида давом этди:

— Энди биз одамлар ичиди бир кун ҳам яшай олмаймиз. Қачон хоҳласанг, қачон менга ичинг ачиса, келавер. Мен эса сени келсин деб илтижо қиласман. Энди одамларга кўринишм мумкин эмас, ҳатто жоним узилаётган пайтда ҳам мумкин эмас. Бошқаси бўлганича бўлар, аммо буни охирига етказишга ҳаракат қиласман. Мен кейин одамлар сенга, отамга, онамга бармоқларини бигиз қилишларини, қандай яширинганимни фол боқиниларини, изимга тушишларини истамайман. Буниг устига ҳар хил гапларни бичиб-тўкиб, гийбат қилиниларига тоқатим йўқ. Хоҳламайман.— У қўзголиб, катда туриб ўтирди, унинг юзи чўзилиб, докадай оқариб кетганди.— Сен ҳам менинг келганимни бирорларга зинҳор айта кўрма. Йўқса, ўлсам ҳам тилингни сугуриб оламан.

— Нима бўлди сенга, Андрей?! Нималар деяпсан!?

Настена қүрқиб кетди-да, туриб ўтиради, энди иккови-
нинг тирсаги бир-бирига тегиб, ёнма-ён ўтиради, шунда
у Андрейнинг худди қудуқ ичидан қулдираб чиқаётган-
га ўшаган овозда оғир нафас олаётганини эшилди.

— Мен сени қўрқитаётганим йўқ. Сени қўрқитиб
нима қиласман, Настена?! Сен менинг ёруг жаҳонимсан-
ку. Аммо эсингда бўлсин, мен тирикманми, ўликманми,
барибир, сиримни авайла,— менга қаер иссиғу қаер со-
вуқ әканлиги доимо ёдингда турсин. Кейин, бу ишлар
туғаб кетгандан кейин сен яна турмушингни яхшилаб
оларсан. Яхшилаб олишинг керак, сенинг вақтинг бор.
Бир кунмас-бир кун шундай пайт келиб, ўзингни яхши
ҳис этганингда, азбаройи хурсандлигингдан кўнглингни
бутунлай бўшатгинг, ичингда нима бўлса, ҳаммасини
айтинг келиб қолади. Аммо бу ишдан оғиз оча кўрма.
Сен мен ҳақимдаги ҳақиқатни биладиган бирдан-бир
кишисан, бошқалар нима деб ўйласа, ўйлайверсин. Сен
уларга чўри эмассан.

— Мен сенга, Андрей, бирон нима дедимми, нега
мен билан бунаقا гаплашяпсан? — сўради Настена. У
ўзини йўқотиб қўйиб, нима дейишини ҳам билмай қол-
ди. Фақат хотинларнинггина тили учида турадиган бу
саволда хафа бўлишдан кўра кўпроқ илтижо оҳангиди
бор эди, ўз-ўзидан отилиб чиққан бу савол аянчли янг-
ради, аммо Андрей, чамаси, ҳатто бу саволдан хурсанд
бўлди, унинг итоатгўйлик билан айтилганидан кўнгли
бутунлай жойига тушди.

— Йўқ, ҳеч нима деганинг йўқ. Хафа бўлма, қўй.
Биламан, сен тушунасан, қандай бўлса, ҳаммасини шун-
дай тушунасан. Агар бошқа вақт бўлганида, эҳтимол, бу
гапларни сенга айтмасдим, энди эса, айтишга тўғри ке-
лади. Нима қилаётганимга, шу ишни нимага қилаётга-
нимга энди ўзимнинг ҳам ақлим етмай қолди. Менинг
суратим одам, гёё бирор ичимга кириб олиб, мени у ёқ-
дан-бу ёқса тентиратиб юрибди. Мен ўнгга бурилай де-
сам, у қўймайди — чапга судраб кетади! Ҳай, майли,
озгина қолди.

— Сен негадир нуқул ваҳимали гапларни гапиряп-
сан...

— Ыўріма. Мен сени эмас, ўзимни қўрқитяпман. Э,
энди ўзимни ҳам қўрқитиб нима қиласман: буидан даҳ-
шатлиси бўлмайди. Э, сенинг олдингда бир эриб кетдим-
да. Аммо нима лозим бўлса, ҳаммасини айтдим, ҳамма-
сидан огоҳлантириб қўйдим. Кўнглим анча бўшади.
Энди сен гапиргин.

— Мен ниманиям гапирадим...

— Ойым қалай, қимиirlаб юрибдими?

— Кейинги пайтларда печкадан деярли тушмай қўйди. Фақат қозон осгани тушади. Хамирга мени яқин йўлатмайди, ўзи қиласди. Бунақада қиёматда ҳам нон ёпишни ўрганолмайман-ку.

— Отам ҳалиям отбоқарлик қиляптими?

— Ҳа. Агар отам бўлмаганда, аллақачон отларнинг ҳаммаси қирилиб кетарди. Фақат отам қараб юрибди-да. Анча чўкиб қолди. Инқиллаб юрибди, дарров чарчаб қолади. Бунинг устига ўтган куни мен уни куйдирдим.

— Нима, нима?

— Заёмга ёзишувди. Мен аҳмоқлик қилиб, икки мингга ёзиламан, деб юборибман. Нимаси қийин, аяб нима қиламан дебман. Заёмга ёзадиган ҳам худо деб турган эканми, жуда хурсанд бўлиб кетди, мени мақтади, албатта.

Настена айбдорларча ҳахолаб кулди-да, Андрейга қаради.

— Ҳозирча қарияларни ўз ҳолига ташлаб қўйма,— деди Андрей ва яна тундлашиб, хаёлга чўмди.— Онам кўпга бормаса керак. Улардан кўз-қулоқ бўлиб, қараб туриш керак.

— Менга қара, Андрей, кейин нима қиламиз?— Чўчинқираб, ўз саволидан ўзи юраги увишиб сўради Настена.— Ахир улар кутишяпти, қаердалигини айтар, ёзар, деб умид қилиб юришибди. Уруш ҳам тугайди, кейин улар нима ўйлашади? Ахир, уларнинг ҳамма умиди сендан-ку!

— Умид... умид...— у сакраб ўрнидан тушди-да, у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади.— Энди улар умидларини бутунлай узаверишсин. Тамом, узишсин. Мен ҳозиргина шу ҳақда гапирдим-ку. Хўш, менинг қаерда юрганим тўғрисида гап очдинг, а? Бу ҳақда сенига шуни айтишим мумкин. Госпиталимизда бир капитан ётган эди. Уни даволаб тузатишди, ҳужжатларини қўлига беришиб, уни қисмга жўнатишди. Эртасига ўша ҳужжатлар почта қутисига ташланганлиги маълум бўлиб қолди. Капитандан эса дом-дарак йўқ. У қаерда? Унинг қаердалигини худонинг ўзиям билмайди. Ёки унинг кийим-кечаги, пули, паёгига кўз олайтириб, ўлдириб юборишган, ёки ўзи изини йўқотган. Бор эди — йўқ бўлди. Кимдан сўрайсан? Капитан нима эмиш, минглаб одамларни тополмай юришибди. Бирор осмонда, бирор ерда, бирор ёруғ оламда азоб тортияпти, бирор бекиниб юрибди, бирор

эса, ким эканини ўзи билмайди, ҳаммаси аралаш-қураш бўлиб кетган, бош-кетини топиб бўлмайди. Мана, мен ўзим ҳам, бор бўлиб бор эмасман, йўқ бўлиб йўқ эмасман. Нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Оз қолди, отам билан онам ҳам кутавериб кўзи тешилиб юрмайди. Нариги дунёда учрашамиз, гаплашамиз. Балки у ёқда уруш йўқдир. Бу дунёда эса, заиф бўлсанг ҳам, кучли бўлсанг ҳам, фақат ўз жонингга умид боғлайсан.

Настена эътиroz билдиришга журъат этмади, Андрей эса, бир оз жим тургандан кейин анча хотиржам гапира бошлади.

— Ҳали қайси бири яхши: ўғлинг ёки эринг ўлиб ётганини аниқ билганинг яхшими ёки ҳеч нимани билмаганинг маъқулми, бу маълум эмас. Хотинлар ўз баҳтарини топиб кетишлари учун билганлари маъқул бўлса керак. Бу тушунарли иш: ўзинг ўлганингдан кейин, қўй, хотининг кун кўрсинг-да. Унга халақит берма. Хўш, она-лар-чи? Уларнинг қанчадан-қанчаси фарзанди ўлганми, тирикми, буни билмай, умидини узмай худди кўзлари боғлаб қўйилгандек яшашга рози бўлмайди, дейсан. Она қорахат олса ҳамки, ишонгиси келмайди. Унга ўғли кўмилган жойни ҳам кўрсатишади, гўр қазган ошнаси ҳам ёзиб юборади, бари бир — кам. Майли, отамга ҳам, онамга ҳам кўришиш насиб этмаса-да, умид чироғи ўчмаса бас. Аҳволим шу бўлгандан кейин нима ҳам қилишарди.—У Настенага ўгирилди-да, шартта кесиб деди:—Хўп, бўпти, бу гапни бас қиласайлик. Туш, чой ичамиз. Ҳадемай кетишинг керак. Кетасанми, ёки... балки қоларсан?

— Қандай қилиб қоламан?

— Яна келасанми?

— Келаман, Андрей, келаман, учиб келаман. Йўлни энди билиб олдим.

— Оёгинг тортмаса, келма, ўзингни мажбур қилиб нима қиласан. Мен эса, чидайман, мана шу куннинг гашти анчагача етади.

Настена эсига тушиб деди:

— Вой, мен сенга ўқ дори олиб келувдим-а, сал бўлмаса қайтариб олиб кетарканман.—У дик этиб катдан сакраб тушди-да, бурчакда уюлиб ётган нарсалар ичидан порох билан сочма солинган иккита бўз халтачани қидириб топди.—Ярмини ол, ярмини мен отамга олиб бора-ман, отам тайинлаган эди.

— Менга бунинг ярми ҳам ўлгунимча етади,—деб Андрей суюнганидан халтачалар тепасида шошиб қолди.—Ҳа, энди жон сақлайман. Энди азроилдан ҳам

қўрқмайман. Сен менга катта яхшилик қилдинг. Катта яхшилик қилдинг. Сен, Настена, бебаҳо хотинсан-да!— Андрей Настенани маҳкам қучоқлаб ердан даст кўтарди, Настена эса, чинқириб оёқларини силқитарди, лекин Андрей шу ондаёқ хотинини оҳиста туширди ва бирдан қоворини уйиб, ўзига ўзи деди:— Бунака хотин билан эркин ўйиаб-кулиб яшасанг-да, манавиндақа кавакларда беркиниб юрмасанг.

— Э, қўйсанг-чи!— деди Настена ҳаяжонланиб, эрининг гапини эшиитмасдан.— Нақ ўтакамни ёрай дединг-а! Бунака қучоқлашлар ҳам эсимдан чиқиб кетибди.

— Тез-тез келиб турсанг, ўргатиб қўйман.

— Менга қолса-ку, ҳар кун жон-жон деб келардим-а.

— Хўш, келолмаслигинга сабаб нима?

Узоқ, бутун кун бўйи чўзилиб кетган бўлса-да, ўтринча бу учрашувга чек қўйиш вақти етганди. Қош қорайиб уй бурчакларидан чиринди ҳиди кучлироқ анқий бошлиди, шифтдаги салқи таҳталар нақ босиб қоладигандай вахимали осилиб турарди, ҳаммаёқ ҳувиллаб, кишини ташвишлантирас, юрагини шувиллатар эди. Суҳбат ҳам совиди.

Улар чойни наридан-бери ичишиди: Андрей хотинини қорнингни тўқлаб ол, деб қистади, шунинг учун Настена ноилож нон билан чўчқа мойни чайнай бошлиди, Андрей индамай Настенага қандайдир думалоқ, ялтироқ, нуқтлари ёниб турадиган нарсани узатганида хотини кийиниб бўлган эди. Настена секингина:

— Вой, бу нима бало экан?— деб қўйди.

— Олавер, Настена, бу соат. Немис офицеридан ечиб олгандим. Тиригидан, ўлигидан эмас. Энди менга кераги йўқ, сенга эса, бир кунингга яраб қолади. Агар сотсанг, арzon-гаров бериб қўйма: яхши соат, Швейцарияда ишланган. Икки мингдан камига сота кўрма.

— Вой, худойим-эй, олишгаем қўрқаман.

— Олавер, Сенга берадиган бошқа нарсам йўқ.

Андрей Настенани Ангарадан ўтадиган йўлгача кузатиб борди-да, чанада қучоқлаб, бир лаҳза қотиб турди, кейин Каръкага қамчи босиб, қорга сакраб тушди. Сўнг узоқлашиб кетаётган чана кетидан то кўздан йўқолгунча қараб турди. У қимир этмай, юзи тош қотиб қараб тураркан, мана шу экан-да, деб ўйлади-да, хаёллари тўзиб кетди...

...Настена йўлда кетар экан, ҳўнг-ҳўнг йигларди,— у шунчалик бўғилиб, сиқилаётган эдики, нега бунчалик

қаттиқ сиқилаётганини ўзи дарров тушушиб, тагига ета олмасди. Настенанинг дилидаги яралардан биронтаси пишиб етилмаганди, чунончи уларга қандай малҳам қўйишга ҳам ҳайрон эди, аъзойи баданини қандайдир ғам кемириб, жонини сўриб олаётгандек эди. Агар чойга шакар билан туз солиб, аралаштириб шартта ичиб юборсангиз, ичингизни шундай музлатиб, қотириб юборадики, асти қўяверасиз, ширинликнинг ҳам йўриги бошқа, аччиқликнинг ҳам. Озгина ширинлиқни сезасизу кейин бу таъмни шўр босиб, аъзойи баданингизни, ҳатто суюкларингизгача ачиширади.

Настенанинг шунча йилдан бери қишлоққа, уйига, ишга меҳр ришталари боғланганди, ўз ўрнини топганди, ўзини асрарди, чунки унинг ҳам нимагадир меҳнати сингган, ўзи ҳам сингишиб кетганди. Лекин энди уни боғлаб турган ана шу ришталар бирдан салқиланиб қолди, узилишга узилмади, аммо салқиланиб қолди. Энди ҳаддинг сиққанича, кучинг етганича нима қиласанг қиласвер, қаёққа борсанг боравер деган фикр миясига ўринашиб қолди. Хўш, қаёққа боради? Нима қиласди? У бўйнидаги бўйинтуруққа ўрганиб, кўникиб қолди, борди-ю, ҳатто кетишга жазм этганда ҳам, узоққа бора олмайди, борадиган ери ҳам йўқ. Шундай бўлгач, нега ҳам гангимасин киши? Йўқ, кўриниб турибди, кўнгил узиб, чиқиб кетолмайди, яхшиси сабр қилиб, бу ёғи нима бўлишини пойлаш керак. Пешонасига ёзилганидац қочиб қутула олмайди. Энди айланганда ҳам ўша доирада, аммо салгина нарироғидан беҳуда айланаверишга тўғри келади. Бошқаларнииг қандай яшаётганини кўрасану ўзинг бошқача, пинҳона яшайсан. Кўзингга қараб қадам қўясан, гапирганда тилингга эҳтиёт бўласан. Икки ҳисса ишлайсан-у, озгина мизғиб оласан. Қувлигинг, чап беришинг, ёлғон гапиришинг керак. Ҳамма бало эри подадан олдин чанг кўтариб, элбурутдан ўз жонини сақлаб қолишини ўйлаганидан бўляпти.

Хом сут эмган банда — озми-кўими гуноҳи бўлди. Аммо шунчалик гуноҳ қилиши керакми? Андрей бу гуноҳга чидолмаслиги, бардош беролмаслиги, яшолмаслиги кундай равшан, у бу хатосини ҳеч қачон тузата олмайди. Бу гуноҳ унга оғирлик қиласди. Үндай бўлса, нима қилиши керак энди — Настена Андрейдан қўлинни ювиб, қўлтиғига ура қолсинми? Эрига тупурсинми? Балки эрининг бу ерга келиб қолишига Настена ҳам сабаб бўлгандир, айби бўлмаса ҳам шунга сабабчидир? У ҳаммадан кўра кўпроқ шунинг илинжида уйига қараб

жўнаб қолмаганими ҳар? Настенани қайтиб сира кўролмайман, охирги гапимни айтольмай қоламаними, деб қўрқмаганими ҳар? У отасига ҳам, онасига ҳам дардини ёрмади, хотинига эса очиқ-оидин айтди. Балки хотини ёнида уч-тўрт кун бўлиш ниятида ўлимни галга солгандир. Хўш, шундай бўлса, энди Настена ундан қанақасига юз ўгирсан? Бундай қилишга одамда юрак бўлмаслиги керак, юрак ўрнида нима фойдали-ю, нима зарарлигини тошсиз тортадиган тарози бўлиши керак. Бундай пайтда бегона одамдан ҳам, ўтакетган галамисдан қўл силтаб кетавермайсану Андрей эса, ўзиники, қадрдони... Уларни худонинг ўзи қовуштирмаса ҳам қандай ҳодиса юз бермасин, қандай фалокат бошларига тушмасин, бирга бўлишлари учун ҳаётнинг ўзи қовуштирган.

Тириклар у ёқда, Андрей эса, бу ерда. Эй худо, нима қилиш керак, айтсанг-чи.

Настенанинг юрагига қил сиғмас, таш эди, аммо айни пайтда худди ўгри урган уй сингари бўш, ҳувиллаб қолганди. Энди ундоқ ҳам, бундоқ ҳам иш тутса бўлаверарди. У қаёққа қарамасин, ҳамма ерда унинг ўй-хаёлинин ўғирловчи, ваҳимага солувчи, ютиб юборувчи бир хил бўшлиқни кўрар, миясига келган ҳар бир фикр тушдагидай мавҳум туюларди.

8

Андрей Гуськов кундуз кунлари қишловда қолмасликка ҳаракат қиласарди. Бироннинг бу ерга келиши гумон эди, аммо у нима бўлса ҳам олди-кетини ўйларди. У ҳар сафар бирон ёққа чиқадиган бўлса, ўзининг озигина қақир-қуқурини сўри остига тиқар, кат устидаги шоҳ-шаббаларни йигиб, яхшилаб изини йўқотар ва елкасига милтигини ташлаб, дарё ёқалаб қатқалоқдан чанғи билан юқорига қараб кетар эди. У одатда дарёning ўнг тарафига, Рибнаяга яқин томонга бормасди-да, чапга, роса ўттиз чақиримча нари жойгача чўзилган кимсасиз ерларга бурилиб кетарди.

Ўрмонда тез югуриб бўлмасди, қор юмшоқлигидан киши ботиб кетарди, аммо ялангликка чиққач, Гуськов ердан сал кўтарилиган қорнинг қолган бетида тез ва бемалол ҳаракат қилганида суюниб, худди муз устидагидек елиб борарди, унинг бу ҳаракати қандайдир ёқимли ва қувончли туюлса ҳам, ўз-ўзини алдаш эди: олға, кенглик ва эркинлик сари олға, қўрқмасдан, яширинмасдан

юрадиган, ўз қиёфасига әга бўлган, шу қиёфаси билан bemalol яшайдиган олис ерларга қараб юр.

Тайгада — дараҳтлар устида ҳам, ерда ҳам қор бор эди, шохлардан тўкилган нинабарглар сочилиб, қорлар тўп-тўп бўлиб турарди. Тайга ҳали уйғонмаганди, оғир ўйга чўмиб турарди, аммо қарагайнинг шохлари юқорига интилиб қолганди, қипяланғоч қайинларга кўринишидан сув юргурганди, томирларнинг тахир ҳиди гупиллаб димоққа уриларди. Арчалар ҳам, тоғтераклар ҳам бунда бир хилда қорайиб кўринади — қиши пайтидаги гўё ягона бўлган, яққол кўзга ташланадиган оқ ва қора ранглар ҳаво яхшиланиши билан бир ҳафта ичидаги оқи оққа, қорраси қорага ажралди, ҳар бир ўнқир-чўнқир аник-таниқ мана ман деб турарди. Гувиллаб эсган шамол энди на дўнгликдаги, на чуқурликдаги қорни тўзитарди, қор энди эриб йўқ бўлиб кетадиган ерига маҳкам қапишиб қолганди. Ҳали бир эмас, иккни эмас, бир неча марта қор ёғади, албатта, аммо номигагина, шунда ҳам янги ёққани шу заҳоти эскисига маҳкам ёнишиб олади. Атрофи очиқ тўнкаларнинг ён-вери эрний бошлаганди.

Гуськов сердараҳт нишабликдан то кейинги айрилишга етгунча анча юрди ва ўша ердан Ангараға тушди. Дарё бу ерда ўнгга қайрилганди, соҳил ҳар йили ювила-верганидан жуда кенгайиб кетганди. Бу соҳилда мева-чева ҳам, ўт-ўлан ҳам, қўзиқорин ҳам кўп эди: бир замонларда, узунқулоқ гапларга қараганда, бу ерда татарларнинг қишлоғи бўлган экан, аммо ўзга юрт дарёси бўйидаги ерни ёқтириб қолган татарлар нима учун уйжойларига ўт қўйиб, кетиб қолишгани маълум эмас. Аслида шундай бўлганми-бўлмаганми, номаълум, аммо бир замонларда инсон бу ерда заҳмат чеккани ҳозир ҳам сезиларди: кертиклар, далалар, пичанзорлар кўриниб турарди.

Гуськов соҳил бўйлаб яна юрди, юрди эмас, Ангара-нинг юқорисига қараб қатқалоқда гизиллаб кетди.

Бу ерда беркиниб юрсанг юравер-у, аммо кўп ҳам юрагимгни ҳовучлайверма, бу ерлар оралиқ жой. Бир вилоят тугади, иккничиси ҳали бошлагани йўқ. Маъмурӣ экидатдан бошқа-бошқа бўлиб кетган вилоят одамлари ҳам бир-бирларини яхши билмайдилар. Отилган ўқ овози эшитилса, ҳар иккала томондагилар иккни хил ўйлар эди: юқори оқимдаги кишилар қуий оқимдагилар отди деса, қуий оқимдагилар юқори оқимдагилар отди дерди. Гуськов шу ерда, фақат шу ерда ов қилишга жазм этди.

У соҳилда туриб икки кунгача кийикларини диққат билан кузатді, икки кунгача уларнинг Каменний ороли орқали Ангарани қандай кесиб ўтганини кўрди. Андрей учинчи марта борганида оролга ўтди ва кийиклар кесиб ўтадиган буруннинг қуи нишаблигида пойлаб ётди, бу ердан нариги соҳил ҳам, бу соҳил ҳам кафтдек кўриниб турарди: чап соҳил яқинроқ, ўнг соҳил узоқроқ эди. Шу маънода бу ер жуда қулай бўлиб, чор атроф кафтдек кўриниб турарди, аммо ер багирлаб эсувчи аччиқ шамол учун ҳаддан ташқари очиқ эди. Гусъков шамолдан яшириниб, орол ўртасида, баҳайбат эски қабристонга ўхшаб қалашиб ётган тошлар ёнига борди ва ногаҳон дара ортида ғорни эслатувчи чуқур, ён томонга қараб чўзилиб кетган кемтикка дуч келиб қолди, кемтик ичидага гулкан излари бор эди. Гусъков у ёқ-бу ёқни кўздан кечирди да, таажжубланиб «ҳим» деб қўйди, кейин хурсанд бўлиб кулиб юборди: бунақа жой етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. У бу ер қанақалигини, нимага кераклигини ҳали ўзи ҳам билмасдан бир кунига яраб қолишига аниқ ишонди.

У олов ёқиб исинди. Исиниб олгач, агар бугун ови бароридан келмаса, қайтиб қиниловга бормасдан шу ерда тунаб қолмоқчи бўлди. Шунча олис ерга беҳуда оёғини қабартириб бориб юрадими! Энди оролда ҳам бошпанаси бор, бўлгандаям қулинг ўргилсин бошпана! Кечаси совуқ бўлади, албатта, аммо олов ёқса билиммайди. Қачонлардир бирор ҳам шу ерда яширинибди — ё ҳаво ёмонлигидан ё одамлардан. Аниқроги, одамлардан бекинган бўлса керак, уни нима, қандай зарурат бу ерга бошлаб келганийкин? Уни қаранг, шунча кул-а, аллақачон қорайиб, тошдай қотиб қолибди, ўша одам бу ерда анча турганга ўхшайди. Аммо бунга ҳам анча бўлган. Ўша одам кўп қора, хатарли кунларни бошидан кечирган кўринади.

Уни қаранг-а, Андрей нега илгари Каменнийга келмаган экан-а? Шундоқ ёнгинасида-ю, назардан четда қолибди. Неча марта қайиқда ёнгинасидан у ёқ-бу ёққа ўтди, кўзларини йириб-йиртиб қояларга тикилди, аммо сузиб, бу ерга ўтмаганди. Нотаниш, қирғоқлари тик кесиб тушган бу шумшук орол тошу тилоғочдан иборат эди. Бу орол бошқаларнинг эътиборидан қолган бўлса керак.

Андрей шу ерда тунагани қолди, қолдию гор ўртасида тошлар орасида ётгацидан, ҳеч ким уни безовта қила олмаслигидан гўё, ажаб бўпти дегандек, ўз ҳолидан кулиб ётди. Кеч кириши билан у қуруқ ўтиналарни ёқиб, ётар ерини иситди, одатдагидек ҳадиксирамасдан, доимо жонини ҳовучлаб юришдан — жон қайғуси энди уни

үйқусида ҳам тинч қўймасди — қутулиб, иссиқ, тинч ухлади.

У эрталаб бурунга анча кеч чиқди: то чой қайнатиб, оғзини куйдириб манеркадан ичгунича, то ўрнидан қўсголиб ташқарига, совуқса чиққунича кеч бўлиб қолди... Қуий томон жимжит эди, аммо шимол тарафдан секин, бир меъёрда аччиқ изгирин эсарди. Эрталаб ҳавонинг кўвоги солинган, хира эди, бундай пайтда ҳайвон ҳам одам ҳам ўзини эҳтиёт қиласди. Бундай айни, тутуруқсиз ҳавода эчкиларнинг шунча олис ерга келиши гумон. Тизма тог ёқалаб секингина орқасига қайтгани маъқул-микин, балки бирон ерда лоақаҳ олмахон учраб қолар.

У нима қилсан экан, деб бориши лозим бўлган чап қирғоққа ўгирилиб, хаёл сурисиб турганида ногаҳон жардан учта кийик олдинги оёқларини букиб пастга тушиб кетаётганини кўриб қолди. Вой жониворлар-эй, бормисанлар! Андрей тисарилиб, тилоғоч орқасига ўтди-да, елкасидан милтигини олди. Кийик аста-аста сакраб, туёқлари қаттиқ қорда ботиб-ботиб юриб келди. Сўнг сувнинг саёз еридан ўтди-да, тўғри унга қараб келаверди. Қизиқ, улар нега бу ёққа йўл олдийкин? Ё бир лаҳзаги на бўлса ҳам дарахтзорга кириб, ҳамма томони очиқ, ҳавфли ялангликка чиқишдан олдин ўзларига келиб олмоқчи бўлдимикин?

Улар изма-из юриб яқинлашиб келарди. Гуськов кийикларнинг қорин қулдирашига ўхшаш ўқтин-ўқтин ҳансираб нафас олишларини эшитиб турарди. Бурунгача кўпи билан юз метрлар қолганди, шунда нимадир уларни сергаклантириб қўйди, сўнг уларнинг олдинда йўл бошлаб келаётгани тўсатдан оролдан пастга қараб бурилди. Андрей кийикларнинг орқасидан қўшогизининг ҳар иккисини гумбурлатиб отди, энг охирида югуриб кетаётган кийик қоқилиб кетди-да, жон аччиғида осмонга, аммо бу сафар олдинга эмас, бир ёнига сапчиди-да, ағдарилиб тушди.

Гуськов югуриб стиб келганда кийик ҳали тирик эди. Кийик хириллаб, тепиниб, остидаги қорни титаётганди; қўзига қон қуайлган, бошини даст қўтарарди-да, ташлаб юборарди. Андрей уни бутунлай ўлдириши керак эди, аммо у унақа қилмади, аксинча, тепасида унинг бирор ҳаракатини кўздан қочирмасликка ҳаракат қилиб жон беряётган ҳайвоннинг қандай азоб чекишига, жимиб қолиб, яна тиришишига, калласини қорда у ёқ-бу ёққа ташлашига қараб турди. Кейин у ҳайвоннинг бошини кўтариб, қўзларига тикилди — кийикнинг қўзлари кенгайди,

шунда Андрей сўниб бораётган қорачиғларда иккита ўзига ўхшаган соchlари тўзиган, қўрқинчли иблис башарасини кўрди.

Андрей жон талвасаси кийик кўзларида қандай акс этишини эслаб қолиш учун унинг сўнгги ҳаракатини кутди-ю, аммо сезмай қолди. Унинг назарида кийик кўзлари шу лаҳзада ичкарига, ўзига қаратилгандек туулди.

Баъзан у юқори оқимдаги қишлоғга борарди. Бу қишлоғ қуийи оқимдагига қараганда шинамроқ, кенгроқ эди: тилоғочдан қурилган ва тепаликлар турган қишлоғ абадийдек тууларди. Унинг атрофидаги ерлар ташландиқ бўлиб, турли-туман ўт-ўланлар босиб ётарди, аммо сийрак тогтераклар қатори ёнида кенг-мўлгина майдон оқариб туради. Бир куни Гуськов хаёлга чўмиб, қазоси етса шу ерга, тогтераклар билан майдон ўртасидаги ерга кўмишларини истаб қолди. Бу ер қуруқ, шинам, дарахтларнинг япроқлари тушиб туради, гулларни кўриб қушлар учиб келади, хониш қилади, иморат эса, ваҳший ҳайвонларнинг йўлини тўсади.

Қишлоғда печка йўқ эди (қачондир бирор уни эринмай сув ёнига судраб бориб, олиб кетганди), қолаверса, бўлмагани ҳам маъқулга ўхшайди, ўзингни тия олмасдан олов ёқдингми, бўлди, тог ортидан буралиб тутунчиқиб Атамановкага кўринарди. Ҳаво исиб, бу ёққа кўчиб ўтишга тўғри келса, печканинг ҳожати йўқ, ҳозирча эса, фақат кундуз кунларигина бу ерга келарди ва соvuқ тушиши билан ўзини ҳаракатга келтириб, оловсиз исиниб оларди. Боз устига ҳаво юмшаб кундузлари шундай қиздирадики, ҳатто калта пўстини ҳам халақит бера бошлади.

Ҳадемай әрувгарчилик бошланиб, ҳаммаёқ шилтшилт бўлиб кетади, унда эса, на этик, на фуфайка бор.

Андрей негадир бу ерда ақлдан озаётганини, пастдагига илсбатан ўзини бутунлай бошқача ҳис этаётганини пайқарди. У ер тинчроқ, синаштароқ эди, бўлар-бўлмасга куйиб-нишмасди, нима қиласман, эртага қаерга бораман, уни-буни қаердан топаман, нима билан чанқоғимни босаман, деб бош қотиради-ю, тоғган-тутганига қаноат қилиб яшайверарди. У узоқ ўйламасди, ўтмишини эсламасликка ҳаракат қиласади, гоҳо ўзу ерда бошланган ишларгиша йилт этиб хаёлидан ўтиб қоларди, у мана шундай ит ётиш мирза туриш билан яшаб юрганига ҳам шукр қиласади. Бу ерда эса, талтайиб, эркаланиб кетди, миясига беҳуда ўй-хаёллар келадиган бўлиб қолди, бу ўй-хаёлларни начуватиб, на йигиштириб бўларди, бошини юз у ёқдан-бу

ёққа ургани билан дарди ичида қолаверарди, иш ўтгандан кейин аҳмоқона қилмишларидан пушаймон қиларди.

Әнди бундай хаёллар билан ич-этини ейишнинг нима кераги бор? Бурнинг яқин бўлгани билан уни тишлаб олмайсан-ку.

Бир куни у шу мақолни эслаб, бошқа қўли билан тирсагини ушлади-да, кучи борича бўйни чўзиб тишламоқчи бўлди — бирдан тишлаб қолса-я? — аммо бўйни оғригунча қийшайиб энгашди-ю, оғзи етмади, кейин тўғри айтишган экан, деб хурсанд бўлиб кулиб юборди. Демак, одамлар ундан олдин ҳам уриниб кўргану, аммо уддасидан чиқишишмаган.

Бу ерда у ўзидан ҳам нафратланарди, ҳам қўрқарди, қандай қилса ўзига баттарроқ алам ўтказади, ҳозирги-дан беш баттарроқ кунга тушади — шунинг уддасидан чиқолмай ўзини ўзи қийнар, ич әтини ер, ҳа, шошмай тур, ҳали вақт-соати келади! — деб ўзига пўписа қилар эди. Кейин бирдан ҳушёр тортиб, капалаги учиб кетарди: чиндан ҳам вақт-соати келади, кунингни кўрасан! Кўрганда қандоқ! Ағдарилиб тушасан-у, қайтиб ўзингга келмайсан.

Бу тентаклигига сабаб нималигини у билмасди. Узоқ вақтни мўлжаллаб қурилган қишлоғданми ё атрофида ястаниб ётган, дараҳтлар ортидан музлари қалашиб кетган Ангара, нариги соҳилдаги олис Атамановканинг бир чети кўриниб турадиган бу хушманзара янги ерларданми, ё яна бирон бошқа сабабданми — маълум эмасди. Аммо кишини андармон қилиб қўядиган жиҳатлари бор эди.

Худди бу ерда лаззатли, текин бир нима бордек, уни бу ёққа бошлаб келган нарса ҳам ана шу эди.

Биринчи овдан кейин бир ҳафта ўтгач, у худди ўша Каменнийда иккинчи кийикни ҳам отди-да, чангиде судраб, қуий қишлоғга олиб келди ва қоронги тушганида терисини шилиб, гўштларини нимталади. Гўштни то тонг отгунга қадар юқорига, томга ташлаб қўйди.

Гусъков эрта тонгда эшикни очиб ташқарига чиқди-ю, тахта бўлиб қолди: бир катта кўк ит эшик олдидан бир сакраб нарироққа борди-да, тишларини иржайтириб унга тикилди. Гусъков бу бўри эканини дарров фаҳмламади. Худди туллаётган пайтдагидек озгин, узун, ҳурпайган юнглари тутам-тутам осилиб турган бўри шундай қаҳрғазаб билан унга қарадики, Андрей юраги орқасига тортиб, милтиғига ёпишди. Аммо дарров эс-ҳушини йиғди-ю, отмади. Бўри қари, пихини ёрган экан: ўқталган мил-

тиққа чап бериб, тоққа қочди ва ўқ овозини әшитмагач, яна тұхтаб ириллади.

Шу-шу бўри кечалари қишлоғга келадиган бўлиб қолди. У Гусъковни увиллашга ўргатди.

Бўри қишлоқ орқасига ўтиб, ўтириб оларди-да, бир нафас олганича шиддат билан узундан-узоқ ваҳимали ули тортарди. Оламдаги барча овоз бунииг олдида ип эшолмасди — бу овоз қоронғи кечада шунақанги силлиқ, равон, мунгли янгрардики, киши ўпкаси тўлиб кетарди. Гусъков бўрини ҳеч нима билан қўрқита олмаслигидан изтироб чекиб, бир кечаси эшикни қия очди ва жаҳл билан унинг жигига тегиб, ўзича увиллаб жавоб қайтарди. Жавоб қайтарди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди: овози бўрининг овозига жуда ўхшаб кетганди. Хўш, нима қилибди, маңа сизга яна бир ҳақиқат: бўри билан яшасанг бўри бўлиб увлайсан. «Софдил одамларни қўрқитишга яраб қолади», — деб ўйлади Гусъков худбинлик ва аламзада бир гурур билан.

Гусъков бўрига қулоқ солиб турарди-да, ўзи ҳам қандайдир мамнунлик, эҳтирос ва сабрсизлик билан увиллай бошларди. Кейин у бўрининг овозига қараб, ўз камчилигини тўғрилаб оларди. Секин-аста, тундан-тунга Гусъков томогини қисиб, бошини орқага ташлаб, овозидаги ортичча хириллашни йўқотди ва осмонг`а баланд, тиниқ, бураб-бураб садо чиқаришни ўрганди.

Ахийири бўри тоқат қилолмасдан қишлоғни ташлаб кетди. Аммо Андрей энди усиз ҳам жуда дўндириб юборарди. У юраги жуда сиқилиб кетган пайтларда эшикни очарди-да, шўхлиги қўзгандай, эрмак учун тайгани бошига кўтариб, ҳафсала билан аянчли увилларди. Кейин у ўз овозидан олис-олис ерларгача ҳамма нарсанинг сув сепгандек жимжит бўлиб қолишига қулоқ соларди.

9

Март ойининг ўрталарида фронтга кетганлардан биринчи бўлиб, Максим Вологжин Атамановкага қайтиб келди. Агар Петр Луковниковни ҳисобга олинадиган бўлса, биринчи эмас: Петрга урушнинг иккинчи йилидаёқ уйига жавоб бериб юборишганди, аммо жон таслим қилиш учун жавоб беришган экан. У икки ой ўтдай ёниб, азоб чекиб ётди, деярли кўчага ҳам чиқолмади, дала ва полизлардаги экин-тикинлар йиғишириб олингандан кейиноқ ими-жимида жон берди. Шунисига ҳам шукр, ахир гўри ёт ўлкаларда эмас, ўз юртида.

Максим эса, гарчи ярадор бўлса ҳам ҳаёт кечиргани келди, келганда ҳам бутунлай, пок-покиза бўлиб келди. Атамановка шошиб, ҳовлиқиб қолди. Модомики ярадорларга уй-уйларига жавоб беришнибдими, демак, яни қолибди, демак ҳадемай унинг кетидан бошқалар ҳам кела бошлайди. Бу ишда муҳими, йўл очиб бориш керак, кейин бошқалар шу издан кетаверади. Аммо шунисен ҳам борки, бу издан юрадиган одам оз қолди. Ҳар бири ишда аниқ ҳисоб-китобни яхши кўрадиган Иннокентий Иванович Атамановка йигитларининг баракаси қандай учиб кетаётганини рақамларда кўрсатди: икки киши фни урушида қолиб кетди, ўн саккиз киши уруш даврида Фронтга жўнади. Бугунга қелиб аниқ тириги бир киши (Максим Вологжин) биттаси (Петр Луковников) гўрила ётгани ҳам рост, хотин-халажклардан ўнтасининг қўлида қорахат бор, қолганлари жанг қилияпти. Қишлоқ кичкина, одамларини бармоқ билан санаб чиқса бўлади.

Уша куни Настена, Надъка ва Йиза Вологжина омборда шамол машинада уруглик арпани тозалашаётган эди. Тушдан кейин Нестор Каръкасини чоптириб келди-да, жиловни тортиб, отни кейинги икки обғида тикка қилиб қичқирди:

— Қани, сакра, Лизавета, тезроқ отга мингаш, тезроқ, кимга айтяпман! Максим келди.

Лиза ундан ўзини четга олди, докадек оқариб кетди-ю, ҳўнграб юборди ва шу ҳўнграганича қишлоққа қараб югурди. Бу вақтда Атамановкадагилар типиричилаб қолганди. Омборлар турган тепаликдан қишлоқнинг юқори чеккасига, Вологжинларнинг уйига қараб болалар ва итларнинг чопиб кетаётганилари, қарияларнинг ҳам ҳовлиқиб, гаплашиб, ўша ёққа бораётганилари кўриниб турарди. Нестор эса, йўл-йўлакай миљтиқ отиб тўс-тўпонии кучайтириб, яна қаёққадир от қўйиб кетди. Одамлар ундан ўзларини четга оларди, Каръка эса, ўқ овозиндан ҳуркиб пишқиради, аммо энди Несторни тўхтатиб бўлмасди, у қишлоқнинг гоҳ нариги бошига, гоҳ бу бощига отини елдиаркан, ўқ узгани-узган эди.

— Ҳеч бўлмаса шунақа урушиб хуморидан чиқсин,— деди Надъка жаҳл билан.— Ана керак бўлса генерал!

У дон солинган қопга ўтириди ва секин-секин жаҳлидан тушиб, қайғу-ҳасрат билан деди:

— Ландавур эрим жонини асраб қололмади-я... Намунча менга тикилиб қолдинг? Нима, нотўғрими?— деди

у таажжубланиб қараб турган Настенага дағдаға қи-
либ.— Болаларни қаторлаштириб қўйиб... мардларча
ўлибди. Хўш, унинг мардларча ҳалок бўлганидан менга
нима фойда, энди мен нима қиласман? Аналарни бо-
манми ўшанга?— Надъка учта боласи қолган уй томонга
ишора қилди ва чанг босган юзига кўз ёшлигини суркаб
йиглади.— Бир этак бола билан энди мени ким ҳам
оларди? Энди йигирма еттига кирдим. Йигирма етти
ёшимда адойи тамом бўлдим. Э, қуриб кетсин-е ҳамма-
сиям.

Шу куни бошқа ишлашмади. Тозаланган арпани
йиришириб олишди-да, уй-уйларига кетишди, йўл-йўла-
кай омборчи хотинга омборларни беркитиб қўйишни та-
йинлашди.

Ўйда ҳатто Семёновна ҳам пеккасидан тушибди,
ихраб-сихраб, ҳар қадам қўйганда икки букилиб, қотиб
қолган оёқларини ёзарди. Ҳовлиқиб, гангид қолган
Михеич унинг ёнида гимиirlарди. У курсанд бўлиб Нас-
тенага деди:

— Эшитдингми, Максим Вологжин келибди?

— Эшитдим.

— Уша томонга ўтмадингми?

— Йўқ.

— Бориши керак эди... балки у Андрей тўғрисида
зорга бир нима билар.

— Ўзинг бойсанг бўлаймиди, чол,— деб ихради
Семёновна.— У-буни билиб келайдинг. Настена ёлчитиб
сўролмайди ҳам.

— Ниманиям сўрарди? Бирон гап бўлса, ўзи ҳам
айтади.

— Вой-ей, билганлайингни қилинглай.

Кейинги вақтларда, Айдрей дом-дараксиз бўлиб кет-
гандан кейин, Михеич ўзини одамлардан олиб қочиб
юришини Настена пайқаб қолган эди. Отхонада, албатта,
одамлардан қочиб қутуломасди, аммо уйга келгач,
ивирсиб юрарди, илгаригидек қариялар олдига чиқиб,
чекишмасди, гаплашмасди. Ҳатто, борди-ю, унинг олдига
битта-яримта кирганида ҳам, у кўпроқ жим ўтиради. У
гаплашиб ўтирганда ким нима деса, сеники маъқул де-
гандек бош қимирлатиш одатини чиқарди, аниқроғи,
ўзи кам гапириш учун шундай қиласарди. Гоҳо у бир ўзи
хайлга чўмиб, хира кўзлари билан бир нуқтага тикилиб
ўтирганида ҳам бошини иргаб қўйиши мумкин эди. Бун-
дай пайтда унинг бошини нима қотираётганини, у ёлғиз
ўтириб, нимани маъқуллаётганини ўзи ҳам билмасди,

аммо у қандайдир ҳали номаълум, яқин-орада рўй берадиган бир кўнгилсизликни ҳис этиб, ниманидир комил йишли билан кутарди.

Бу йил у роппа-роса олтмиш бешга кирди. Унинг урушдан олдин йигитларга ўхшаб юқорига бураб қўйилган мўйлови энди осилиб, сарғиш тусга кирганди. Боз устига Михеичнинг башараси ҳам жуда ҳоргин, ночор қўринарди, бундай пайтда на уйқу, на дам олиш фойда берарди. У юрганида бошини орқасига ташлаб, қаддини гоз тутиб юарди, кейинги йилларда у биринчи герман урушида ярадор бўлган оёғини ҳаддан ташқари судраб босадиган бўлиб қолганди, аммо Михеич ўтиридегунча дарров бошини қўйи соларди-да, кўзини юмарди, кейин ичини қурум босган катта қорнини шишириб, қаттиқ-қаттиқ йўталарди. Печка устида ётган Семёновна сабри тугаб, бас қилсанг-чи, деб бақираварди. Михеич эса, индамай йўталгани-йўталган эди, у шу йўталганича ҳовлига чиқиб кетарди-да, бирон ишга уриниб, секин-аста тинчиб қоларди, лекин анчагина кучаниб, ўпкаси гизиллаб нафас оларди. Кўпинча у йўталини яна шу тамаки билан босарди — бу абадий хуморбостига бир умр пона уриб, пона чиқаришга ўхшарди, вақт ўтган сари бу ҳол баттар авжига чиқарди, шундай қилмаса, чидаб туролмасди. Унинг овози бўғилиб, хаста бўлиб қолганди, кўзлари, гўё оғирликдан чўкиб кетгандай қисилганди, озгин юзининг суюклари янада туртиб чиққанди — Михеич бир йил ичида ўзини шунчалик олдириб қўйганди, Настена шуларни ўйлар экан, бўёғи нима бўларкин, деб юраги орқага тортиб кетарди.

— Бора қол, ойим қизим, бора қол,— деб у Настенани жўнатди.— Мен ҳали отхонага ҳам боришим керак.

Вологжинларникига бир ўзим бормайман, деб Настена гизиллаб Надъканникига кирди. Надъка, одатдагидек, болалари билан олишиб ётганди. Отаси урушга кетгандан кейин туғилган энг кичкина Лидка, чамаси ҳозиргина шапалоқ еган бўлса керак, полда ўтириб, бор овози билан чириллаб йирларди; каравот ёнида Петъка ҳиқиллаб турарди: энг каттаси Родъка деразага қараб ўгирилиб олганди. Надъка тор кутда¹ даранглатиб идиш-товоқларни иргитар, аҳён-аҳёнда томогини йиртиб, жим бўлинглар, деб болаларга ўшқираварди.

— Нонни бир амаллаб икки кунга етказай девдим, келиб қарасам, аллақачон еб ютишибди,— деб шикоят

¹ Куть — хонанинг ошхона вазифасини ўтовчи бурчаги.

қилишга тушди у Настенаға.— Қани, ўзинг айт, ахир булар южо әмасми; южо әмасми! Бу текинтомоқларнинг топиб олганини қара-я. Ейицга ебди, тиқилиб ҳам ўлмабди. Энди сизларга овқат бериб бўиман, энди уч кунгача увоқ ҳам бермасман сенларга. Бас қиласанми-йўқми?— деб бақирди у яна Лидкага.— Жонимни бўғзимга келтирдинг, бир адабингни бериб қўймасам, қараб тур ҳали. Нонни қорнига урган бу бўлсаю чириллаганига ўлайми, тагин айбдор мен эканман-да. Вой худойим-эй! Нега сенларни ер юта қолмайди-я! Энди мен сенларни нима билан боқаман, нима билан? Бор-йўги бир хамирлик уним қолган, кейин ҳаммамизни бир қопга тиқиб, Ангарага ташлаб юборса ҳам бўлади. Мен шу савил қолгур унни йиғлаб-сиқтаб юриб, икки марта ёздириб олувдим. Энди менга ким ҳам ун берарди. Қани энди бу зумрашалар сал тушунса. Ахир анави лапашанг, кичик әмас-ку,— Надъка қўли билан Родъка томонга ишора қилди,— сал ўйлаб кўрса бўлмайдими — йўқ, ҳозирию ҳузури, юта қолса, фақат онани алдаш пайида. Нима, мен уни ўзимга яшириб қўйибманми, ўзимга асрар қўйибманми? Сенларга асрар юрувдим, текинхўрлар, очкўзлар, эртага амал бўлар деб. Очликдан ўлиб қолманглар дебман. Шунаقا бўлса, энди ўлсаларнинг ўлаверинглар, сираям ачинмайман.

— Ҳадемай Ангарада муз эрийди, балиқ тутаман,— деди Родъка тўнгиллаб дераза олдидан.

— Сен унингни чиқармай тур: балиқ тутар эмиш-а. Утган йили тутган балиқларингни еб улгурмовдик, мана, ҳали ҳам еб ётибмиз. Суякларини қаерга қўйсак экан деб бош қотириб ётибман. Тек тур, овозингни эшитмай. Ҳе, сендача балиқ тутувчидан ўргилдим-е. Сен Ангарада әмас, қазноқда яхши балиқ тутасан.

Настена зўрга унинг гапини бўлди.

— Юр, Надъка, Максимни кўриб келамиз. Эркаклар қанақа бўлиб кетганини кўрамизу қайтамиз.

— Э, э, нимасини кўраман? Бекорга ярангни янги-лайсан. Бироннинг бахтидан менга нима, занги юқармиди.

— Нима, бормайсанми?

— Э, шошмай тур, бораман. Сал у ёқ-бу ёқни йигиштириб олай, манавилардан кўнглим тўқ бўлади. Қоққан қозиқдай тураверма у ерда,— деб қичқирди у Родъка-га.— Утин олиб келиб печкани ёқ. Кўзимни шамгалат қилиб қочишини хаёлингга келтирма. Вой-бўй, қовогини осилганини-я, бирон ёққа жуфтагини растлаб қолмоқчи-

да. Билиб қўй, уйдан бир қарич қимирламайсан. Бирон-танд ҳам орқамдан дум бўлма.

Лидка онаси кетаётганини фамқлади-да, ялинишга тушибди:

— Мен ҳам бораман. Мени ҳам олиб боринг, олиб боринг.

Онаси унга бурчакдан товани кўрсатди, шундан кейин Лидка тушунгандай жим бўлиб қолди.

— Кўрдингми? Ана шунача. Дамингни чиқармай, ўтирган ерингда ўтиравер. Мен билан борармиш-а. Бир ками бирорларнинг олдида сенлар билан бигиллашишим қолувди ўзи. Бошқаларнинг болалари бинойидек, бу расволар, билмадим, худонинг газаби. Булар ким бўлишаркин-а, ким бўлишаркин-а, биронта одам айтсайди менга.

Настена Лидкани полдан кўтарди-да, деярли унинг оғирлигини сезмай олиб бориб каравотга ётқизди. Лидка каравотда шу заҳоти ғужанак бўлиб олди-да, ҳиқиллаб, ҳиқиллашдан муштдеккина вужуди титраб, бугун ўйинкулги деган нарса сувга уриб кетганини ва энг яхшиси эрталабгача тош қотиб ухлаш эканини тушуниб, кўзини юмди. Настена қизчанинг бошини силади, лекин бу эркалашдан Лидка баттарроқ титрарди, шунинг учун Настена қизчанинг ёнидан нари кетди.

Надъканинг шанғилигини ёқлаб бўлмаганидек, уни қоралаш ҳам қийин эди. У урушдан олдин ҳам лафзи тез аёл эди, айниқса унинг инжиқ феълинин ёқтирумай қўйган қайнонаси у билан сира муроса қила олмади, шунинг учун Надъка билан Витя орадан кўп ўтмай рўзгорларини бошқа қилиб олишларига тўғри қелди. Надъканинг қариндош-уруглари қаердадир Ленада туришарди, Надъка бу ерда келгинди, бегона ҳисобланарди. У пешонаси ярақлаб Витяга йўлиқиб қолди: Витя меҳнаткаш, вазмин, хушфеъл йигит эди, Надъка юз жигибийрон бўлиб гапирса ҳам, у оч сарин сочини пешонасида осилтирганича кулимсираб тураверарди. Жуда жонига тегаверса, Надъкани маҳкам қучоқлаб оларди-да, ҳазиллашиб, белкуракдек кенг кафти билан нозик бир ерига уриб қўяди, шунда Надъка гул-гул очилиб кетарди. Умуман у ўзи жанжалкаш аёл эмасди, шунчаки, шўх, тўполончи эди: Надъка қаерда бўлса, албатта, ўша ерда шовқинсурон, ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба авжга чиқарди, бу ҳангома ҳаммадан кўпроқ Надъка туфайли бўларди, лекин у бўлмаса, бунача ҳангома бошланмасди ҳам. Агар уруш бўлмаганда-ку, у тезроқ ҳовуридан тушиб, бола-

лари билан Витяниң олдида ипакдай бўлиб қоларди-я, кейинги вақтларда ўзи ҳам анча қуишилб қолувди, аммо уруш бошланиб қолиб, қишдаёқ Витяниң ҳалок бўлиши Надъкани гангитиб, серзарда қилиб қўйди. Надъка Витяга шунчалик куйиб-пишдики, унинг дод-войидан юрақ қинидан чиқиб кетай дерди. У ўшандаги кўзи ёри ган эди. Надъка тоҳ ўрмонга, тоҳ соҳилга кетиб қолавер ганидан Атамановкадагилар Надъка ўзини бир бало қилиб қўймаса эди, деб қўрқиб, бориб қизчангга қара, дея уни уйига жўнатишарди. Аммо ҳаммаси ўтиб кетди: куюкуя куймай қўйган Надъка яна ишга чиқа бошлади, болаларни боқиши учун ўзини ўтга, чўқиқа урди. Суянадиган одами йўқ эди: қайноаси Надъкани ёмон кўрганидан набираларига ҳам рўйхуш бермасди. Надъка қанчалик елиб-югурмасин, топган-тутгани доим учма-уч эди. Ҳалок бўлган фронтовик оиласига ажратилган қўшимча дон-дунни Надъка қишдаёқ олиб бўларди-да, кейин ўзини минг ёқса уарди-ю, барибир на овқатга, на кийим-кечакка ёлчирди. Болаларниң ҳаммаси Витяга тортганди; соchlари оч сариқ, камгап, уруш ва асабийлашиб қолган Надъканиң феъл-атвори эса болаларни қўрқон, ювош қилиб қўйганди. Чамаси, болаларниң ўзлари ҳам омон қолишларига қўзлари етмасди. Учалови ҳам кўча эшик олдига чиқарди-да, оналарининг йўлини пойлаб, қўзлари тўрт бўларди, улар шунчалик ғариб, ғамзада эдиларки, киши юраги туздай ачишиб кетарди. Раҳмдил одамлар Родъкани чақириб, эргаштириб боришарди-да, қўлига бирон нима тутқазишарди. Родъка эса олмайман ҳам деб қўярди. Настена ҳам қўлидан келганича Надъканиң болаларини ардоқларди, айниқса қизчасини, аммо кейинги ҳафталарда ўз ғами билан бўлиб болаларни деярли унутиб юборганди, ҳозир эса, йиғлаётган Лидкани кўтариб, каравотга ётқизар экан, қизча олдида гуноҳкор эканлигини ҳис этди.

У Надъкани кутиб тураркан, қош ҳам қорайиб қолди, кундузи иссиқдан ғоваклашган қор қотиб, оёқ остида ёқимли гичирларди. Қишлоқнинг бутун қуи чеккаси гўё биёбон эди — на бирор овоз, на тиқ этган товуш эштиilarди, фақат уч-тўрт кампирнинг уйидагина чироқ хира милтиллаб турарди. Ҳатто итлар ҳам Вологжинларнига югуриб кетганди, ўша ердан уларниң эркаланиб акиллашлари қулоқса чалинарди. Болаларниң тўполони, бақириқ-чақириқлари ҳам ўша ерда эштиларди. Настена билан Надъка индамай қадамларини ростлаб, сиполик билан борар экан, умумий шодлик

ҳаяжони уларга ҳам таъсир қилганди. Бир одам билан бирга қолиш учун анави ёқдан, урушдан, жаҳаннам оташидан келди — барча эркаклар номидан чопар, хабарчи бўлиб келди: озгина сабр қилинглар, ҳадемай ҳаммаси узил-кесил маълум бўлади: бирорлар сўнгги умидини ҳам узиб, зор-зор йиглайди, бирорлар эса, суюнади, ҳаммаларинг эса, биргаликда янги ҳаётни бошлашларинг керак.

Вологжинларнида одам кўп, гала-ғовур эди: шифтга осилган иккита ўнинчи лампа катта меҳмонхонани чароғон қилиб юборганди. Стол бошида озиб, қорайиб кетган, сочи худди маҳбусларга ўхшатиб калта қирқилган, кўзлари катта-катта Максим курсандлигидан бўшашибгина ўтиради. Бинт ўралиб, дока билан тоғтиб қўйилган ўнг қўли бўйини оғритиб осилиб турарди. Ўнинг чап тиззасида отасининг гимнастёркасидағи медалларни жиринглатиб ўйнаб, Вологжинларнинг иккичи, кичик қизлари, олти яшар Верка ўтиради. Олдин Надъка келди, қўл бериб Максим билан сўрашди-да, кейин деди:

— Эсон-омон қайтганинг билан табриклайман!

Ундан кейин Настена ҳам:

— Эсон-омон қайтганинг билан табриклайман,—деди.

Жипслаб қўйилган икки стол атрофидаги скамейкаларда чоллар, хотин-халажлар ўтирганди; Максимнинг ёнида, ўнг томонида Максимнинг отаси Ефим бувани ўғлидан суриб, аллақачон кайфи тароқ бўлган ҳам дўст, ҳам оға Нестор тарвайиб ўтиради, чап томонда эса Лизага жой қолдиришганди, лекин у ўчоқбошидан меҳмонхонага, меҳмонхонадан ўчоқбошига югуриб аранг улгуарди. Одатда қонсиз, маъюс юзли Лизани таниб бўлмасди, у гул-гул очилиб кетганди, курсандликдан энтикар, кўзлари чақнарди, мовий кофточкаси остидаги чўйкак кўкси қайта тепчиб, яйраган эди. Лиза бутун борлиги билан кулар, яйрар, порлар эди. У Настена билан Надъкани ўтиргизди-да, чидаб туролмай, уларни қучоқлади, бағрига босиб, шивирлади:

— Эрталаб ҳеч гапдан хабарим йўқ эди. Ахир бирга арпа тозаладик-ку. Арпа...— у энтикиб қўйди-да, кулиб юборди ва қочиб кетди.

Максим кулимсираб, уларга — Настена билан Надъкага қаради. Иккала жувон столнинг бошқа томонида, ҳариги бошида шундоқ рўпарасида ўтирганди. Настена ерга қаради ва Максимнинг:

— Хўш, Настена, сен энди эрингни қачон кутиб оласан?— деб сўраганини эшитди.

Настена қисилиц, қизарыб кетди; у сөкин бошиниң жұтариб, иложи борича хотиржам жавоб берди:

— У билан дийдор иўришишга ҳам ақлим бовар қилмай қолди. Эрим негадир дом-дараксиз...

— Ним, Андрей дом-дараксиз?

— Ҳа, госпиталда ётувди... у ҳам ярадор эди. Госпиталдан кейин яна Фронтта жұнатишганди,— Настена гапирап экан, ҳаммадан ҳам Иннокентий Ивановичниң синчковлик билан тикилиб турғанини пайқади.— Шундан бери дом-дараксиз. Билмайман... Ҳеч нимадан ҳабарим йүк.

— Ғам ема, топилиб қолади.

— Ахир у... чиндан ҳам ном-нишонсиз,— деб тушунтира бошлади Иннокентий Иванович, Настенага қараб қўйиб.— Суриштириб келишди, сўрашди. Ҳужжатларга қараганда, ҳеч қаерда йўқ шекилли.

— Кетаётганда йўлда бошқа қисмга ўтказиб юборишиган бўлса керак. Бунақа ҳодиса жуда кўп бўлади. Хатларнинг ҳаммаси ҳам жой-жойига етиб боравермайди,— деди Максим комил ишонч билан, Настена ишонч билан айтилган бу гапдан шу заҳоти енгил торти, гўё у чиндан ҳам Андрейга нима бўлганини билмайдигандай эди.

Қизиқ: на умид қилган, на-да кутган Лиза бунча нарсаларни қаёқдан топа қолди — столнинг устида минг хил ноз-неъмат. Турган гапки, товуқни бугун сўйишгани, аммо тузланган тўш ҳойнаҳой ёздан бери сақланиб келаётгандир, бу тўш ҳам бир эмас, икки эмас, бир неча йилдан бери чирпигда интизор бўлиб турган самогон сингари атайлаб мана шунақа кунга асраб қўйилганди. Бироқ кимесасини кутаётган бошқа хотинлар ҳам ана шунақа: ўзи оч қолади, болаларини тузуккина тўйдирмайди-ю, аммо висол чорига ғамлаб қўяди. Бу аёллардан қанчадан-қанчаси кўз ёши тўкиб, яшириб қўйғанларини дастурхонга тортмади дейсиз! Ўтган йили кузда Агафья Сомова ўглидан қорахат олди, дастлабки кунлари дод-фарёд қилиб юрди-да, кейин хотин-халажларни йигди, уруш вақтида борлиги ҳам эсларидан чиқиб кетган спиртни олиб стол устига қўйди, қўймоқ, кисель билан бирга яна ҳар хил майда-чыйдалар ҳам тайёрлади, ўша спирт ўғлининг маъракасида ичилди. Ҳа, бундай кулфат биргина Агафьянинг бошига тушгани йўқ, энди бунақани санаб, саноғига етолмайсан, яна кимнинг қисматида бундай кулфат борлиги ҳали маълум эмас, Ҳозирча фақат Лизанинг оразуси ушалиб турибди.

Лиза меҳмонларга ароқ қўйгач, дастуркон атрофида-
тиларнинг ғала-ғовури авжга чиқди. Нестор ашула ай-
тишга тушди, аммо ҳеч ким унга жўр бўлмади, унга,
умуман, негадир ҳеч ким эътибор бермасди. Чоллардан
бальзи бирлари столдан турди-да, девор ёнига бориб чўн-
қайди ва тамаки ўраб чека бошлади: қариялар шу ёрда
Ўринларидан турмай, Лиза узатган стаканларни олар ва
уришириар әдилар. Иннакентий Иванович туриб, Мак-
симнинг ёнига ўтириди ва билағонлик қилиб Америка
тўғрисида, унинг қандай урушаётгани ва у ёрда қачон
революция бўлиши ҳақида жиддий гап бошлади. Мак-
сим истар-истамас жавоб қайтаарди — Иннакентий
Иванович бу ҳақда, айниқса революция хусусида кўп
нарсани билиши кўриниб турарди. Верка отасининг
тиззасида мудрай бошлади; Лиза уни олиб бориб ўрни-
га ётқизмоқчи эди, аммо Вера отасига ёпишиб олиб,
цириллади — уни ўз ҳолига қўйишга тўғри келди. Ким-
дир Максимдан қўли хусусида сўраб қолди, кейин Мак-
сим — биринчи марта бўлмаса керак, госпиталда қўли-
ни кесмоқчи бўлишганини, лекин у унамаганини,— чап
қўли бўлсаям майлийди-я, ахир асосийси ўнг қўли-ку,
у бўлмаса бутунлай ногирон бўлиб қолади-ку,— аммо
ҳали ҳам бу қўли кўп овора қилишини ганириб бера
бошлади. Бир стакан самогонни отиб олган Надъка
қизиқиб сўради:

- Уни... бир четга сурса бўладими?
- Бир четга? Нимага энди?
- Ахир кечаси ҳалақит бермайдими?

Максим кулиб юборди:

- Ҳалақит берса, Лиза кесиб ташлайди.
- Мен сени, Надъка, бунақа ганинг учун колхоздан
ҳайдайман,— деди Нестор ишишайиб.

— Овозингни ўчир. Ҳайдармиш-а. Ишқилиб ўзингни
думингни туғиб қўйишмасин тағин,— деди Надъка
баланддан келиб, аммо зарда қилмай, фақат узиб
олди.— Йигитлар келишса, қўлтиғингга сув пуркаб
қўйишади. Хўп зуғумингни ўтказдинг, шуниси ҳам етар.
Одамларни оёғингнинг уни билан кўрсатдинг. Пичо-
финг ҳамиша ҳам мой устида бўлавермайди.

— Мен сизларни оёғимнинг уни билан кўрсатдим-
ми?— деди хафа бўлиб Нестор,— А, хотинлар? Кеккай-
димми?

Аёллардан биронтаси миқ этмади.

— Унинг ганини қўявер,— деди йўғон, дўриллаган
овозда Василиса Рогова Несторнинг ёнини олиб. Семиз,

қўпол, уруш даврида заррача озмаган бу аёлни қишлоқ-дагилар Доно Василиса дейишарди.

— Нимасини қўяди? Нимани?! Нима, нотўр рими?

— Оғзингга келган гапларнинг ҳаммасини ҳам, Надежда, кўпчилик олдида айтиб бўлмайди,— гердайиб насиҳат қилди Доно Василиса.— Фронтовик ҳали осто-насидан ҳатлаб ўтмасидан бурун сен унга пичинг отяпсан.

— Қанақа пичинг экан? У, авваламбор тун бўйи сен билан менинг валақлаганимизга қулоқ солиб, Лиза эсига ҳам келмайди дейсанми? Аслини олганда, унинг битта қўлигина шикастланган, холос, бошқа ёқлари бинойидек.

Максим яна кулиб юборди, унинг кетидан чоллар йўтал аралаш хаҳолашиб кулишиди.

— Биламан,— деди Надъка унга ёпишиб,— сен, Василиса, мендан қўрқасан. Қўрқмасанг ҳам бўлмайдида: Гавриланг келса ҳаш-паш дегунча бошини айлантириб, ўзимга қаратиб оламан. Мен сендан анча ёшман, менга тенг келолмайсан.

— Гавриладан кўнглим тўқ,— деб жавоб берди Василиса истеҳзо билан.

— Қизиқ, нима сабабдан ундан кўнглинг тўқ-а? Нима, у авлиё эканми?

— Авлиёликка-ку авлиё эмас-а, аммо сен билан овора бўлиб юрмайди. Шундай яхши қушини ҳаккага алишириб нима қиласи? Сен бир ҳакка бўлсанг, шақашақа қилишдан бошқасини билмасанг.

— Вой, анавининг ўхшатишини қаранглар-а!— деди Надъка хурсанд бўлиб тез-тез.— Майли, мен ҳакка бўла-қолай, аммо сен қанақа яхши қуш экансан-а? Анави қагиллашдан бошқани билмайдиган қора қарға сен эмасмисан-а?

— Йўқ, Надежда,— қизгиш соқолини селкиллатиб, айёрлик билан жилмайганча, гапга аралашди Иннакентий Иванович.— Сен Василисанинг тагига етолмайсан, унинг таги мустаҳкам. Ахир Гаврила фронтдан посил-каларни сенга эмас, унга юборяпти-ку. Бу йил, чамада, бешта посилка олдинг шекилли, а?— у Василисага юзланди.— Ёки кўпроқми?

Василиса тутилиб:

— Санаганим йўқ,— деди.

— Василиса ҳатто уларни очгани ҳам йўқ,— деб кесатди Надъка.— Курси ўрнида ишлатиб юрибида.

— Нима қилсам қилавераман, бу сенинг ишинг эмас.

Аммо Надька қизишиб кетганди, энди уни түхтатиш осон эмасди.

— Сен, Лиза, қизил аскарингдан нечта посылка олдинг? — деб сүради Надька.

— Биттаям олганим йўқ.

— Агар мен бўлсан, шунаقا қилса уни остоная яқин йўлатмасдим. Нима бало, ўзинг ҳам ўлгудай лапашанг, ҳеч нимага тушунмайдиган овсармисан дейман? Яна оғзинг қулоғингда-я.

— Менга посылка-мосилкаси керак эмас,— хурсанд бўлиб кулиб юборди Лиза.— Мен бугун сигирни сўяйлик дедим. Ёлғон гапирсам, мана, дадам гувоҳ: зиёфат зиёфатдай бўлсин-да, келинглар, сигирни сўяйлик дедим! Улар мени авраб қўйишмади. Ундан бўлса, товуқларни битта қўймай сўйинглар, қайтиб турқини кўрмайин дедим. Улар товуқларга ҳам қайишишди. Худо хоҳласа, ҳаммасини топамиз, ишқилиб бирга бўлсанк бўлди. Бир ўзим икки букилиб тамом бўлдим, қайғу-ҳасратдан икки букилиб қолардим ё бўлмаса ўзимни бир бало қилиб қўярдим.

— Демак, икки букилиб қолардим дегин? — деб чўзib, имлаб чақириб қайта сўради Надька.

— Ҳа, икки букилиб қолардим.

— Ё бўлмаса ўзингни бир бало қилармидинг?

— Бўлмаса-чи.

— Намунча олиб қочмасанг-а, Лиза? — деб Надька муғамбирлик билан гап бошлади-ю, аммо чидаб туролмади, аламидан овози титраб, юрагидагини тўкиб солди: — Бу нима деганинг, демак, мен ҳам, манави Катерина, Вера, Капитолиналар ҳам ўзимизни бир бало қилишимиз керак экан-да, а? Шунақами? Нима, сен уни ҳаммадан кўра кўпроқ севардим, ҳаммадан кўра кўпроқ кутган эдим, демоқчимисан? Демак, сенингча, уларни биз ўзимиз йўқ қилган эканмиз-да? Сен, Лиза, биз кўрган кунни кўрганинг йўқ, шунинг учун бунаقا дема. Ўзимни нима қилсам ҳам менга ярашарди, хўш, болалар-чи, улар нима бўларди? Бу ёруг оламда ундан қолган нусхайи нишона ана шу болалар-ку, қанақасига уларни нобуд қилиб бўлади? Сен қаёқдан биласан, чала-дай тутаб тамом бўлдим, энди куядиган жойим ҳам қолмади, кул бўлган нарса эса, секин-аста учиб, тўзиб кетади. Мана, энди сен пошшо ойим бўлиб яшайвера-сан, қучоқлашасан, эркаланиб, тантиқланасан, хўш-

мен-чи, чўриман, нима иш бўлса, балогардондан, боқув-
чиман, энди мен ўзимни деб яшамайман. Агәр шунача
кунларга қолишимни билганимда олдинроқ маза қилиб
яшаган бўлардим, кейин лоақал кўрган кунларимни
эслаб юрадим, мен бўлсам, кейин бўлар, кейин бўлар
деб юраверибман, беками-кўст яшайин деб умримни ўт-
казиб юборибман, мана, оқибати. Энди ётганда ҳам,
турганда ҳам кўз олдимга уруш келади, буни ҳеч нима
билан эсадан чиқариб бўлмайди, қолганлари унугтилиб,
ўчиб кетди — йўқ энди.

Лиза дарров гуноҳини бўйнига олақолди.

— Вой, мени ёзғирманглар, хотинлар, оғзимдан чи-
қиб жетиби.

— Сени нима деб ҳам ёзғирардик. Модомики, толенинг
бор эканми, биз учун ҳам маза қилиб яшайвер. Аммо
кўзингни оч: агар ёмон яшасанг, ўзингдан кўр. Аяб
ўтирамаймиз — гапнинг пўскалласи ана шу сенга. Бирин-
чи бўлиб ўзим сенга чоҳ қазаман. Эркакларимизнинг у-
ерда ҳалок бўлиб кетишига биз айбдор эмасмиз. Тўгрими,
Максимушка, айбдор эмасмиз-а? Очигини айт бизга.

— Айбдор эмассизлар.

— Гап бундай бўпти. Пешонамиз шўрлигидан биз
жафа бўлсак арзиди. Энди бу алам ўла-ўлгунимизча
кўкрагимиздан кетмайди. Сенинг эса, Лиза, армонинг
йўқ. Энди сизлар фақат ўйнаб-кулиб яшашларинг ке-
рак, бу ёғи ҳаммаси ўзларингга боғлиқ. Агар бирор гап
бўлса, билиб қўй: мени, уни, анавини — ҳаммамизнинг
бошимизга тушган савдони элдан бурун сен бактинг
билан юзимизга соласан, агар пешонамизда бўлганда
ёди, бизнинг ҳам бахтимиз кулиб боқармиди. Биз эса,
бундан бенасиб бўлдик. Ортиқча гапга тоқатимиз йўқ —
тушунарлимис?

Тарақлаб эшик очилди-да, хонага болалар кириб
келди. Лиза уларни ҳайдаб чиқаришга отилди, лекин
улар бир овоздан чугиллади:

— Манавига беришмади — манавига.

— Бу ҳозир келди.

— Максим амаки, бунга беришмади.

Болалар Родъкани стол олдига итариб чиқарди. Надъ-
жа уни кўриб, бақириб берди:

— Сен қаёқдан келиб қолдинг бу ерга? Мен сенга
нима деган эдим-а? Мен сенга нима деган эдим. Қани,
дарров туёғингни шиқиллат-чи.

Родъка қимирламасдан эзилиб, кўзларини лўқ қилиб,
Максимга қараб турарди. Максим унинг мўлтиллаб бо-

қаётганини кўрди-ю, қизачасини сенин полга туширди-да, ўрнидан турди.

— Бу сенмисан, Родион? — деб у бўғиқ овозда секин сўради.

Родъка шоша-пиша бош иргади.

— Қани, бир сўрашиб қўяйлик бўлмаса,— деди Максим боланинг олдига келиб ва sog қўлини узатди.— Қара-я, ўсиб кетибсан, кап-катта йигит бўлиб қолибсан. Қандингни ур. Нега бунча кеч келдинг? — Максим точчадан бошқа болаларга ҳам берган гулдор думалоқ прянникдан олди-да, уни Родъкага узатди. Родъка прянникни олди.— Бор совға-саломим шу, бошқа ҳеч нимам йўқ. Бир маза қилиб егин, ука. Эртага кундузи вақтинг бўлса, кел, гаплашамиз. Бугун, ўзинг кўриб турибсан, вақти эмас. Эртага келасанми?

Родъка яна бошини иргади ва эшик томонга тисарилди. Болалар унинг кетидан уймалашиб, чугурлаганича ташқари чиқди.

— Қара-я, кап-катта бўлиб қолибди,— Максим қайтиб ўрнига ўтиараркан, ҳайрон бўлганича маъюс такрорлади.

— Ҳа, катта бўлишяпти,— деди Нестор дадил, у одати бўйича суҳбат жиловини ўз қўлига олишга шошилаётганди.— Уларга уруш ҳам писанд эмас.

— Ўша уруш яқин-орада тугай дейдими ўзи? — тўсатдан сўраб қолди Лиза.— Сен, Максимушка, ўша ёқдан келдинг, қани, айт-чи, ҳали яна кўп кутамиزم? —

— Сен учун уруш тугади,— деди Надъка секингина, аммо Лиза эшитиб қолиб, хафа бўлди:

— Нега энди мен учун тугар экан? Нима, сен эри келди, энди унинг бошқа нарса билан иши йўқ, деб ўйляяпсанми мени? Гапингни қара-я. Ҳаммага ёмон бўлса ҳам, менга яхши-ку; деб юрадиган бағри тошлардан эмасман. Бир овлоқ ерда яшаб, бурнининг остидан нарини кўрмайдиганлардан ҳам эмасман, эл ичидаман.

— Ҳадемай тугайди, хотинлар, оз қолди,— деб жавоб берди Максим.— Ўзларингиз биласизлар, бизникилар нақ Германиянинг ўзига кириб борган. Энди қолган-қутларини янчяпти.

— Орқага қайтаришмайдими, ишқилиб? Ахир, не мис ҳам Москва остоналарига келувди, аммо ҳайдаб юборишиди.

— Қайтаришмайдими дейсанми? — Максим кўзини қисди ва фақат бир ўзига маълум бўлган олис ерга тикилиб қарамоқчи бўлгандек, олдинга энгашди. Унинг

юзи хиёл буришиб кетди.— Иўқ, ҳайдаб юборишолмайди, Лиза. Мен бир қўл билан бўлса ҳам қайтиб бораман, бир оёғи йўқлар, майиб-майриқлар боради, аммо чекинишишмайди. Бас, етар, орқага қайтаришлари мумким эмас, йўл қўймаймиз. Ким билан ўйнашишганини кўрсатиб қўямиз.

— Тўрт йил-а, тағин ками бор әканми?— деб бош иргаб қўйди Доно Василиса.— Бу ёрда биз ҳам жуда адойи тамом бўлдик.

Надъка дарров унинг оғзига урди:

— Адойи тамом бўлганинг сезилмаяпти-ку.

— Уҳ, Надежда... Ким сенинг тилингни тийиб қўяркин-а? Жиддий гап кетяптию, у бўлса пичинг қилгани-қилган.

— Биз ҳам кўрадиганмизни кўрдик,— деб илиб кетди Лиза.— Тўғрими, хотинлар, кўрадиганимизни кўрдикми-йўқми? Эсласанг юрагинг орқага тортиб кетади. Колжоздаги иш майли-я, ўз ишимиз. Фаллани йиғишириб олдинг дегунча қор ёғади, ёғоч-тахта тайёрлаш бошланади. Бу ёғоч-тахта тайёрлашни ўлсам ҳам эсимдан чиқармайман. Иўл иўқ, отларнинг бўлса, тинка-мадори қуриган, тортолмайди. Ишдан бўйин товлаб бўлмайди: меҳнат фронти, жангдаги йигитларимизга ёрдам. Дастрлабки йилларда ёш болаликларни ишга ҳайдашмади. Ким боласиз бўлса ёки боласи каттароқ бўлса, уларга ёпишиб олишди, ҳайдашгани-ҳайдашган. Ана, Настена бир қиши ҳам ишдан қолмади. Ҳатто мен ҳам икки марта бордим, болаларни дадамга ташлаб кетдим. Ёғочни кесасан, кубометр қиласан, кейин чанага ташийсан. Бойловсиз бир ҳадам ҳам жилолмайди. Гоҳ қор уюмига кириб кетасан, гоҳ яна бирон ерга: қийналмаган, жон чекмаган хотин иўқ. Баъзи ердан осонгина чиқиб кетасан, баъзи ерда ботасан-қоласан. Мана, ёлғон гапирсам, Настена гувоҳ: бурноги йили қишида байталим жарликка думалаб кетди, уялаб қолиб, туролмади — чана ёнбошлаб қорга кириб кетди, байтални мажақлашига сал қолди. Шу уриндим, шу уриндим, бўлмади — эплолмадим. Ҳа дейишга ҳолим иўқ. Иўлга ўтириб йигладим. Орқадан Настена етиб келди. Мен бўлсам кўз ёшимни шашқатор қилиб, боладай йиглайман.— Лизанинг кўзларига ёш келди.— Настена кўмаклашди. Кўмаклашди, кейин бирга кетдик, мен бўлсам сира ўпкамни босиб ололмайди, йиглаганим-йиглаган.— Лиза хотираларга берилиб кетиб ҳиқиллаб йиглай бошлади.— Шу йиглайман-еј, қани энди ўзимни тутиб ололсам. Тутиб ололмайди.

— Лиза, Лиза! — деб чақириб уни тұхтатди Максим.
— Бұлди, Максимушка, бұлди, йиғламайман. Эсим
йүқлигидан йиғладим-да. Сизлар гаплашиб ўтириңлар,
йиғламайман.— У күтга кетди ва шу ондаёқ қайтиб, яна
аввалги жойига, стол чеккасига келиб турди.— Облига-
ция-чи? — деб әслади Лиза, у қаттиқ ҳаяжонланғанидан
энди үзини дарров босиб ололмаётганди.— Охирги кар-
тошкани күкламда Кардага, леспромхоздагиларга сот-
тани олиб бордик. Қанчага ёзилған бұлсақ түлайлик, иш-
қилиб фронтта ёрдам берайлик, дедик. Ҳаммамиз ҳам
фронтдагиларга сал енгил бұлсин деб ўйладик-да. Нима
бұлғандаям биз бу ердамиз, бизни ҳеч ким отаётгани,
ўлдираётгани йүқ. Анави отинг ўчгар фриц нариги дунё-
даям азобгинасими тортын-а. Бошимизга шунча кулфат
солгани учун илон, чаёнларга ем бұлсин-а.

— Тушунмай қолдим, қайси биримиз — менни ёки
сенми эрини кутиб олаётган? — деб сүради Надька Лиза-
га ўгирилиб.

— Мен, Надька, мен. Бұлди, энди ҳасрат құлмайман.

— Ҳамма ишимиз телба-тескари, — деди күзлари су-
зила бошлаган Нестор овозини гулдиратиб.— Қанақа
одамлар ўзи! Эркакларини урушга жүнатишаётганды
ашула айтишганди, кутиб олишга келганды ҳудди азада-
гидай. Надьканинг гапига қулоқ солганимиз ҳам етар
энди, келинглар, ашула айтамиз.

Надька бир құзғалиб қүйди-ю, аммо жавоб берішга
улгурмади. Настенанинг орқасида турған Лиза ҳаяжон
ва йиғидан сал титраётган овозини барадла қүйиб, «Ка-
тиюша»ни бошлади. Бошқалар унга жүр бұлди, қүшилған-
лар орасида Иннокентий Иванович ҳам бор эди. Фақат
девор ёнидаги чолларгина ўзаро секин гаплашиб ўтиради.
Доно Василиса ҳам, Максим ҳам ашула аитаётганди,
Нестор құлларини силкитаради. Бирпас туриб Надька
ҳам қүшилди-ю, бирдан тұхтаб, бошини столға қүйди-да,
вужуди титраб, ўксиб-ўксиб йиғлади. Орқасида турған
Лиза уни елкасидан құчоқлаб олди, «Катюша»ни яна ҳам
баландроқ айта бошлади, ашула ҳатто Надьканинг кети-
дан Вера Орлова қаттиқ ўкраб йиғлаб юборганидан кейин
ҳам бўлиниб қолмади. Надька столдан бошини күтарди,
да, Настенанинг олдида турған самогонли стакани олиб-
дам олмасдан ичиб юборди ва кўз ёшларини ҳам артмай,
яна ашула айта бошлади.

Настена индамасдан писиб ўтиради. У илгаригидек
биров билан гаплашолмасди, йиғлолмасди, бошқалар би-
лан бирга ичолмасди, бунга ҳақи йўқлигини ҳозир, бу

ерда аник тушунди. У нима қилмасин, ҳәммаси сокта бўлиб чиқади, риёкорлик бўлади. Үнинг ичидагини бирорга сездирмай, бошқалар диққатини ҳам ўзига жалб этмай, одамлар нима қилаётганини зимдан қузатишдан, нима дейтганига қулоқ солишдан ўзга чораси қолмаганди. У бу ерга келганига пушаймон ҳам бўлди, аммо энди котиш ҳам ўнғайсиз эди. Буларнинг ҳаммаси мана ман деб ўтирибди: бахтиёр, гул-гул очилган Лиза; ўз ўйиданигидан гангид қолгай, меҳрибонлари чекрасини кўришдан кўзлари тинган Максим; ўзини йўқотиб қўйган, бир кундаёқ ранги кетиб қолган Нестор; колхоз ҳисобчиси айёр саводхон-ҳисобдон, ҳамма нарсани бошқалардан олдинроқ билишга интилувчи Иннакентий Иванович; ўзига ишонган, ҳаётда дадил, вазмин қадам қўйиб келаётган Доно Василиса; содда-баёв, шўх Надъка — ҳаммаси қисинмай-қимтимай, бемалол ўтирибди, борди-ю, бирор нимани ичиди сақлаётган бўлса ҳам — бусиз одам яшамайди-ку,— фақат ўзларигагина тегишли бўлган нарсанинг озгинасини, кераклисини бекитяпти. Настена яшираётган нарса эса, ҳар бири бугун қандай ниятда бу ерга келган бўлмасин, шуларнинг ҳаммасига тааллуқли бўлиб, ҳаммасига — Надъкага қарши, Доно Василисага қарши, ҳатто Лизага ҳам қарши эди. Ана шу сир-асрор уларни бирлаштириб, бир-бирига боғлаб турарди. Настена-ни эса, улардан ажратиб қўйганди, одамлар ўрганиб қолганларидан уни ҳозир ҳам ўз одамимиз деб ўйлар эдилар, Настена эса алалқачон бегоналашиб, четлашиб қолганди, уларнинг кўз ёшларига ҳам, шодликларига ҳам шерик бўлолмасди, гапга ҳам, ашулага ҳам қўшила олмасди.

Витяни мен гумдон қилганим йўқ, у ўзи душман ўқидан ҳалок бўлди, деб Надъка қувлик қиляпти. Ўз айбини сезиб тургани учун ҳам у гапиряпти, бу ҳақда сўраб-суринтирияпти; ҳолбуки, ўша гуноқ нимадан иборатлигиги ўзи билмайди. Ўшанда Витяга қандай ёрдам бериши мумкин эканлигини тушунмайди, аммо сезиб, азоб чекяпти. Ё керагидан камроқ ибодат қилдимикин ёки камроқ изтироб чекиб, камроқ уни ўйладимикин? Нега Лиза ниятига етди-ю, бу етолмади? Нега Доно Василиса ҳали уруш тугамасдан туриб, Гавриласининг соғ-саломат келишига заррача шубҳа қилмайди? Келади ҳам — Дона Василиса билан Гаврилагага ўхшаганларга жин ҳам урмайди — ҳамма абжаги чиқиб, ўлиб кетади-ю, аммо бу иккалови соғ-саломат қолиб, тинчгина кун кўриб юраверади. Нега бунақа бўларкин-а? Йўқ, бу ерда бир гаҳ

бор, бир томони хотинларга ҳам бөлса керак. Азалдан хотинлар бу жумбоқдан қийналиб, уни ечишга уринган бүлсалар керак, ечишга күзлари етмаса ҳам, әр қалай бир ҳаракат қилишган: аерлардан асрларга ҳар бир хотин ўзининг кўр-кўрони, эҳтиросли сезгиси, шубҳали афеунлари билан яшаб келди, бордию унда ана шундай ишонч, умид бўлмаса, яна ўша гуноҳдан азоб чека бошларди.

Настена ҳам Андрей уйдан чиқиб кетган ўша вақтдан бошлаб унинг бошига тушган савдоларга қиттаккина бўлса ҳам аралашиб қолганига ишонарди. Ишонарди-ю, аммо фақат ўзимни деб яшадим, фақат ўзимни ўйладим, фақат менга керак, деб кутиб юрдим, дея қўрқиб кетарди. Мана, оқибати; ма, ол, Настена, ҳеч кимга кўрсата кўрма. Танҳо, одамлар ичиде бир ўзи-я: ҳеч кимга дардини ёролмайди, йиглолмайди, ҳаммасини ичиде сақлаши керак. Хўши, кейин-чи, бу ёғи нима бўлади? Уни бу фалокатдан қандай қутқарса бўларкин, ўзи қандай яшаса керакки, унга янглишимасдан, адашмасдан ёрдам бериш керак? Энди унга бирор кор-ҳол бўлса, у ҳам жавоб беради.

Настена сескингини столдан турди-да, киши билмас кўчага чиқди. Анча кеч бўлиб қолганди, болалар ҳам, итлар ҳам уй-уйига тарқаб кетганди. Қишлоқнинг қўйи чеккаси қоп-қоронги, жимжит әди. Настена Вологжинларнинг ашула эшитилиб турган ёруғ деразаси остида бирпас турди-да, кейин Ангарага қараб кетган тор кўчага бурилди. У одамлар йўқлигидан енгил тортди ва ўзидан гина қилиб, бошини чайқади: шу кунларга қолдими — илгари таскин топиш учун ўзини одамлар орасига уради, энди бўлса, аксинча, улардан қочиб юради. Ичидаги дард сал босилгандай бўлди, аммо негадир хўрсениб-хўрсениб қўярди. Настена кўкраганини тўлдириб, чуқур нафас олди-да, беихтиёр пайдо бўлган аламини босди ва қиргоқ ёқалаб, йўлида учраган ўйиқларни айланиб ўтиб, муздан пастга қараб кетди. Настена бораркан, нариги соҳилга, оролнинг орқасидан аранг кўзга чалинаётган, Андрей беркиниб ётган кимсасиз бурчакдан кўзини узмасди. У Андрей шундоқкина ёнида әканига гоҳ ишонарди, гоҳ ишонмасди; бир неча дақиқа хаёл уни олиб қочди, шунда, назарида, бир минут олдин ҳаммасини — Максимнинг тўғриликча, Андрейнинг қочиб келганини жаёлида ўзи тўқиб чиқаргандек бўлди, ҳатто бунинг қандай рўй бериши мумкинлигини кўз олдига келтириб, ишонди ҳам. Гўё Настена ҳозир Андреевска борса, у

ердан ҳеч кимни тополмайдигандек туюлди. Аммо шайтон васвасаси юрагида ғам, алам қолдириб ўтиб кетди, ҳақиқат эса шафқатсизлик билан унинг кўзи олдида яна ҳам яққолроқ намоён бўлди: ҳеч нимани тўқигани йўқ, аслида қандай бўлса, ҳаммаси шундай.

Настена ўзи кетаётган соҳилдан жарлик тепасига кўтарилиди ва Андреевск томонга сўнгги марта нигоҳ ташлади-да, оғир-оғир қадам босиб, уйига равона бўлди — Максим Андрей тўғрисида ҳеч нима билмас экан, деб ҳали Михеичга айтиши ҳам керак. Ўзидан бошқа ҳеч ким ҳеч нима билмайди, аммо бу ҳақда ҳатто ҳушидан кетиб ётганида ҳам бирорга чурқ этмаслиги керак.

10

Настена ёрталаб ҳам бирон ёққа бормоқчи эмасди, аммо тушга келиб ҳавонинг авзойи ўзгарди-да, бўралаб қор ёғадиганга ўхшаб қолди: Настена ёғоч бочкадаги сув таккинасида қолганини өслади-ю, ҳаво бутунлай айнимасидан туриб сув келтиргани Ангарага юурди. Ангарада шамол ҳайқиради, чирпирак бўлиб, шиддат билан пастга — дарёнинг юқори оқимига урилаётган ҳўл, ёпишқоқ қордан ҳаво хиралашиб кетган эди. Настена одати бўйича ҳозир тўс-тўполон ичидаги қолган нариги томондаги соҳилга қаради-да, мана ўша ёққа боришга айни фурсат, ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлади. Настена шунчаки бирров ҳаёлига келтириди, аммо бу фикрдан ичи пишиб, юраги ҳаприқиб кетди: агар чиндан ҳам физиллаб борса нима бўлади? Ҳаммасига қўл силтаса-ю, физиллаб бора-верса-чи? Бундай қулай фурсат яна қачон келади-ю, қачон йўқ? У сувни олиб, шоша-пиша орқасига қайтди-да, югуриб кетаётганини сезиб, ўзини қўлга олди. Кўз очиб юмгунча шундай қарорга келганидан у ўзини қўярга жой тополмай қолди, шер бўлиб кетди; агар ҳозир ким уни йўлдан қайтармоқчи бўлса ҳам, чап бериб, қочиб кетарди.

Аммо уни йўлдан қайтарадиган одам йўқ эди: Михеич отхонада, қайнонаси эса, одатдагидек, печка устида мудраб ётарди. Настена физиллаб ертўладан бир челяк картошка олиб чиқди, кечқурун қариялар қайнатмоқчи бўлса, қидириб-туртиниб юрмасин, деб устидан пича картошка олиб, чўян дегчага солиб қўйди, қолганини брезент сумкага ағдарди. Югуриб қазноққа бориб, илгари нўхат солиб яшириб қўйилган халтани олиб келди, ярим бухан-

ка нон кесиб олди. Нон сап-сариқ, нўҳатдан қилинганди — қишлоқда ҳозир нўҳат жуда расм бўлганди, кимни кўрсанг қорни қулдираиди: колхоз сахийлиги тутиб, яқинда колхозчиларга қарийб ўн центнер нўҳат берганди, шундан бери бўтқани ҳам нўҳатли нон билан ейшарди, ҳамманинг емиши нўҳат бўлиб қолган эди.

Настена кийимларини тезгина алмаштириб, эрталаб илиб олган бошмоғи ўрнига пиймасини, фуфайка ўрнига баҳмал нимчасини кийиб олди ва ўтиб кетаётib, уялибгина ойнага қаради. Фуфайкада Ангарадан ўтиш анча қуллай эди-ку, лекин у эрининг кўзига сал ясаниб кўришмоқчи бўлди. У-ку, балки ҳеч нимани пайқамас ҳам, Настенани солиштириб кўрадиган бошқа аёлнинг ўзи йўқ, аммо унинг ўзи оҳорли кийимда ёзилиб, ўзини енгил ҳис этарди, кийими билан бирга елкасидан оғир юқ тушгандай, аравадан чиқарилиб, абзали ечиб олинган отдай бўларди, ахир ишда ўзингнинг кимлигингни ҳам — хотинмисан, қизмисан, ёшмисан, қаримисан — кўнглингда нима бору нима йўқ унугиб қўясан, фақат «бўл, ҳа бўл-бўл, ҳа бўл» билан умринг ўтади. Шунинг учун Настена кечқурунлари ҳамма ишини саранжом-саришта қилиб бўлгандан кейин бирпас бўлса ҳам тоза кийимларини кийиб олишни яхши кўтарди, шунда бебаҳо бойлик — ёшлик ва гўзаллик гаштини суриш туйғуси пайдо бўларди, бу бойликни қанчалик узоқ яширасанг, шунчалик кам эслайсан, шунчалик тез сўлиб, хазон бўлади. Настена кийиниб бўлгач, гёё нимасигадир зиён етадигандай чўчиб, оҳиста қадам босарди, яна қандайдир ўзиникини, фақат ўзгагина тегишли сирни авайлаётгандай, меҳр билан илиқ жилмайиб қўярди, бу сирни ошкора этиш вақти ҳали етмаганди. Ана шундай дақиқаларда Настена урушни ҳам, муҳтоҷликни ҳам, ёлғизликни ҳам писанд қилмай, ўзини эҳтиётлаб, келажакдаги баҳтиёр ҳаётга тайёрланарди. Настена йиллар ўтиши билан секин-аста қарип боришини биларди, аммо кўнгил бемаҳал совиб, чўкиб қолиши мумкин — ҳаммасидан кўра кўпроқ ана шундан қўрқарди. Парвардигор томонидан ато этилган ўз ҳистуйғуларини бошқалар, кўпчилик ҳис-туйғусидан фарқ қилмайдиган соглом, бақувват кишилар озмунчами. Бундай одамлар гўшага кириб ётганларида ҳам фақат қорнини тўқлаш мақсадида дастурхонга ўтирувчи кишиларга хос иштиёқ билан ётадилар. Улар куладилар ҳам, йиғлайдилар ҳам, аммо йиғлаётганимиз, кулаётганимизни бошқалар кўряптими, әшитяптими, тағин беҳуда кўз ёши қилиб ўтирмайлик, деб атрофга аланглар эди. Булар

тамом бўлган одамлар: булар бошқача муомала қилсанг; тушуни майди, аке садо бермайди, кўнгил торларининг бирортаси ҳам жавобан сезгирилик билан титрамайди; вақт ўтган — сўниб, тошдек қотиб қолган, энди бу торлар бошқа бироннинг ҳам меҳрини товволмайди. Бунинг сабаби аниқ: бундайлар пайти билан ўзларига ўзлари ҳисоб беришнинг уддасидан чиқа олмаганлар, ҳисоб беришдан қочганлар, баръаке, мутлиқ эсга тушмайдиган, унун бўлиб кетиш даражасида ўзларини сондан чиқариб қўйганлар.

Ингиштирини шга Настенанинг ўн минутча вақти кетди, аммо азбаройи ошиққанидан бу ўн минут унга бир соатдек туюлди. Настена ниҳоят, сумкани олди-да, гизиллаб кўчага чиқиб, тўхтади, шоша-пиша атрофга аланглаб, шамолнинг ҳадисини олган бўлди. Ортиқча эҳтиёткорлик халақит бермайди, шунинг учун у бузоқхона орқали ўтди: борди-ю, битта-яримта фавқулодда кўриб қолса ҳам, шундай қаттиқ қор бўронда мўрчада бирон иши бордир-да, деб ўйлаши мумкин. Бу ерда мўрча атрофида қор шундай чапарастасига ураётган эдик, ҳатто яқин ўртадаги уйлар ҳам гира-шира кўринарди; Настена энди қўрқумасдан музда сирпаниб пастга тушди-да, ўнга, йўл дарёга бурилиб кетадиган томонга қараб юрди. Шундан кейингина у йўлни қор босиб қолган бўлиши мумкинлигини эслади, бундай ҳолда фақат таваккалига иш кўриш керак бўлади, бу эса жуда хатарли: бундай бўронда адашиб кетиши, қирғоқни йўқотиб қўйиши, худо кўрсатмасин, шамол бирон ёққа олиб кетиши ҳеч гап эмас, шамол шунағанги қутуриб, одамни суриб кетардики, қаёқ-қа кетаётганинг билолмасдинг. Аммо йўл, хайриятки, ҳали кўриниб турарди, уюлиб ётган музлар олдини қор босганди, умуман, шамол қорни йўлдан учирлиб кетганди.

Чапараста ураётган нам қорда нафаси қайтиб кетмаслиги учун Настена юзини беркитиб, букили броқ юришига тўғри келди. Шамол кучли бўлиб, тўхтовсиз, бир зайлда қутуриб эсарди, худди трубадан чиқаётгандек, тўхтовсиз гувилларди, аммо шу гувиллаш ичидан ҳам учиб келиб ураётган қорнинг шитир-шитири аниқ эшитилиб турарди. Гарчи теварак-атроф ёруғдай туюлса ҳам, уч қадам наридаги нарсани кўриб бўлмасди, аммо бу ёруғлик худди тумандагига ўхшаш оқиш бўлиб, сузиб, лишиллаб ўтиб кетарди-ю, ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Қаққайиб чиқиб турган музлар чирсилларди, қор уларга урилиб, атрофга сачарарди, шамол эса уларни илаштириб, олисларга учирлиб кетарди.

Бу бўрон қаёқда турган экан а? Настена шу яқин йилларда, бунаقا пайтда шундай бўрон бўлганини эсломайди. Мана сенга бақор — ҳа-я, март эшик қоқиб турибди-ку.

Настена йўлни йўқота бошлади, аммо бутунлай эмас, йўл ҳадеб чап томондан чиқиб қоларди: Настена қанчалик уринмасин, шамолга қараб ўзини ўнглаб олмасин, уни суриб, пастга оғдириб кетаётганди. Агар йўл бўлмаса, бўрон уни қаёққа адаштириб юборишини тасаввур қилиш мумкин. Аммо чана юриб силлиқлаб қўйган эски йўлни топиб олиш борган сари қийинлашаётган эди. Қор уюмлари катталашиб, бирбирига қўшилиб кетаётганди. Настена пичанзорда пичан ташиган вақтда тушиб, йўл четида музлаб ётган хашакларга қўзиқориндай дўмпайиб, қорайиб кўринадиган от гўнгига қараб-қараб бораради. У чарчаб қолди, аввалига бўри қувлагандай жонқолатда ошиқди, энди бирдан силласи қуриди, оғир сумка қўлинни узиб юборай дер, шамолдан нафаси қайтарди, дам-бадам қорга ботиб, пиймаси оғирлашиб кетганди, шол рўмоли билан нимчаси жиққа ҳўл бўлганди. Тўғри, шамол изғиринли эмасди, илиқ, жануб шамоли эди, аммо совуқ бўлмагани учун ҳам ҳаммаёқ ҳўл, шилта эди — қайси бири яхшилиги маълум эмасди.

Настена чап томонга тикила-тикила оролни қидирди; ишқилиб, ўша ерга етиб олса бўлгани — у ёғи осон, у ерда ирмоқ тор, тўппа-тўғри кесиб ўтса бўлади. Настена етиб боролмайман, деб қўрқмасди — етиб бормай жуда нимайди, аммо қирғоққа етиб боргандан кейин орол қаердайкин, деб сарсон бўлмаслик учун иложи борича айрилишга яқинроқ ердан чиқишни истарди. У шу бўронда овора бўлиб келаётганига заррача ачинмасди: унинг келиши учун бундан қулай фурсат борми, балки уни ўзгалар қўзидан яшириш учун ҳам бугун бўрон тургандир. Негадир у фақат иссиқ жойга етиб олишига, пиймасини ечиб ташлаб, сирқираётган оёгини узатадиган, кўзларини ҳузур қилиб юмиб ётадиган дақиқалар келишига ишонмасди — бу унга негадир жуда олисдек, сал бўлмаса әртакдагидек тулоларди.

Барибир ҳам у йўлини йўқотиб қўйди, уни қайтиб тополмади ҳам — оёғи остидаги ҳамма нарса бир-бирига қўшилиб, жимиirlаб турарди. Шундан кейин Настена қачон бўлса ҳам соҳилга чиқаман-ку, ирмоқ шу атрофда, ўнгроқда бўлиши керак, деб кўпроқ шамолга қарши юришга жазм этди, Шундай бўлса ҳам Настена йўлни

йүүкотиб қүйганидан хафа бўлди: у қўрқмаса ҳам хафа бўлганидан, тинкаси қуриганидан пиқиллаб йиғлади ва негадир қичқириб, Андрейни чақирди. Овозини битта яримта эшитади, деб умид қилиш тентаклик эди, албағта, шамол шу ондаёқ овозини юмалоқ-ясси қилиб пастга учирив кетаётганди.

Настена қаёққа кетаётганини аранг эслаб, яна кўп юрди, аммо бир маҳал бошини кўтарди-ю, ногаҳон дарров юзини беркитиб олмаётганини пайқади. Шамол анча бўшашиб қолгандай эди. У тўхтаб, атрофга аланглади: орқа томонда шамол ҳамон боягидек кучли эсаётганди, аммо бу ерда нимадир унга халақит бераётганди, рўпарасидан эсаётган шамол йўлда нимагадир урилиб, дами кесилаётган эди. Настена яна пича олдинга юрди-да, қирғоқни кўрди. Бу орол эмасди, у оролни пайқамасдан ўтиб кетиб қолибди — бу катта ер эди. Худога шукур, Ангарадан ўтибди, энди Андреевскни қидириш керак. Настена қирғоқнинг бурилиб кетганига қараб, орол ортидаги ўзи билган ўрмонли баланд бурун чап томонда қолганини тушунди, чамаси, шамолни тўсиб турган шу бурун эди. Демак, у ўзи чамалаганидек, қирғоқ ёқалаб қўйи томон юриши керак. Энди етиб олдим деса бўлади, энди олис эмас. Тепаликдаги қарағайзор бўғиқ шовилларди, тик кетган қирғоқ лабидаги энсиз ўтлоқда ялонгоч қайин ва тоғтераклар шамолда чайқаларди. Настена иложи борича ўнг томонга бурилмасликка ҳаракат қиласди, у ёқда ҳамон бўрон қутураган эди. Шамол Настенанинг орқасидан итараарди, шунинг учун у қадам босишга улгуролмай қоқилиб кетарди, бир марта йиқилиб ҳам тушди, сумкасидан икки дона картошка қорга думалаб кетди, аммо у негадир беихтиёр хўрлиги келиб, музлаб қолса қолаверсин, дегандек картошкаларни олгиси келмади.

Настена бораркан, билмай ирмоқдан ўтиб кетишига сал қолди, аммо биқинидан қор гупиллатиб уриб турганини ўз вақтида пайқади-ю, шартта тўхтади. Йўқса, Рибнаяга бориб қолиш ҳеч гап эмасди. Настена бугун иши ўнгидан келадими-йўқми, тушуна олмасди: Ангарадан, чамаси, кўнгилдагидек ўтиб олди, адашмади, бирон ерда қолиб кетмади, ҳеч нимани кўриб бўлмайдиган шундай ҳавода ортиқча йўл юрмади,— агар унинг ўрнида бошқа одам бўлганида ҳамма иши ўнгидан келаётганиниа хурсанд бўларди, унинг нимагадир назарида эса ҳаммаси аксинча бўляпти, ҳамма иши чаппасига кетяпти, кўнгилдагидай бўлмаяпти. У фақат чарчаганидан ав-

валбошдаёк адашиб, руҳи тушиб кетмаган эди, яна бир нима ҳам бор эди; у ана шу «бир нима» нохуш гаплигини олдиндан сезиб бу ҳақда ўйлашдан қўрқарди.

Кўп ўтмай Настена қишлоғга чиқиб борди.

Андрей шу ерда экан: томдаги трубадан тутун чиқиб тураради. Бир ками шунчча азоб чекиб, эски ҳаммому ёски тос деганларидаи, ҳувиллаб ётган қишлоғга келиши қолувдими әнди. Настена ўтган сафар эрининг капалагини учирив юборганини өслади-да, туйқусдан эшикни очиб кирмади. У нафасини ростлади, кафти билан ҳўл ўзини артди ва фақат шундан кейингина деразачани оҳиста тиқиллатиб чақирди:

— Андрей, бу мен! Андрей!

Андрей эшишиб, отилиб чиқди, уни елкасидан қучоқлаб, бир нималар деди-да, эшикка қараб итарди,— Настена ҳеч нарсани англамасди, ногаҳон бир лаҳзадаёк уни шундай даҳшатли ҳорғинлик босдики, қимирилашга маҷоли йўқ эди. У остононадан ўтаркан, қоқилиб, ағдарилиб тушишига сал қолди — бу эса шундоқ ҳам кўз ёши ғилтиллаб турган жувонни ўртаб юборди: у ортиқ ўзини тутиб туролмай йиглаб юборди. Андрей нима қилишини, ўзини қандай тутишини билмай, унинг ёнида оёғи куяган товуқдай питирларди, ҳа, у келган жувон чиндан ҳам Настена эканига ишонмаётганга ўхшарди.

— Йўлимга чиқсанг бўлмайдими,— деди Настена йиғи аралаш төрслиги қўзиб, жаҳл билан.— Етиб келомасман, деб ўйладим, бирон ерда йиқилиб қоламанми, деб ўйладим, бу бўлса ўтирибди, ўлсанг ҳам иши йўқ.

— Бугун келишингни мен қаёқдан билай, ахир?!

— Қаёқданмиш-а! Билиш керак эди! Қаёқданмиш!

Ниҳоят, Андрей унинг рўмоли билан нимчасини ечиб олиш кераклигини фаҳмлаб қолди, бўкиб, бир пуд бўлиб қолган пиймасини Настенанинг ўзи оёғини силтаб, жирканиб отиб юборди. Андрей пийма пойларини олиб, қўлларида оғирлигини салмоқлаб кўрди-да, таажжубланиб бошини чайқади ва қуритиш учун печка ёнига қўйди. Печка ёниб тураради, ичкари иссиқ, тинчгина эди, ёнаётган ўтинлар майин чирсиллаб, учқун сочарди, боз устига дарча ойнаси зирилларди — ташқарида нима ҳодиса юз бераетганини өслатиб турувчи бирдан-бир нарса шу дарча эди.

Андрей катга, Настенанинг ёнига ўтириди-да, оҳиста сўради:

— Нимага келдинг? Бирон ҳодиса юз бердими?

— Нимага келдинг? — деди яна Настена ўдагайлаб,

унинг жўғига тегиб.— Сенинг олдингга келдим — билдингми! Яна сўрайди-я! — кейин ҳовридан тушиб, бошқача овозда жавоб берди: — Ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Юрагингга балли-е: Сени бунақа оловлигингни билмовдим. Бугун йиртқич ҳайвонларни ҳам уриб инидан чиқаролмайсан, сен бўлсанг, юрак бетгаб келибсай.

— Сен, умуман, ҳеч балони билмайсан. Кўрсичқонга ўхшаб қоронги ерга кириб олиб ётибсан. Хотинингга ҳам тузуккина қарамайсан.

— Кўрсичқонга ўхшаб деганинг тўғри,— деб Андрей унинг фикрига қўшилди, аммо қувонч, хурсандликдан энтикиб, кайфиятини бузмади.— Оч қолган бўлсанг керак, а? Тушлик қиласизми? Ё кечки овқат маҳали бўлиб қолдими, мен ҳаммасини адаштириб. юбордим.

— Қизиқ, мени нима билан меҳмон қилмоқчисан ўзи? — Андрей шу ҳақда гап очиши билан Настена чиндан ҳам овқат егиси келаётганини сезди. У эрталабдан бери туз тотмаганди, ҳозир бўлса, кун кечга яқинлашиб бораётганди. Иннайкейин эри унинг кўнглини олишга ҳаракат қилаётганини, бирон нима билан ажаблантиromoқчи, ўзини хўжайиндек кўрсатмоқчи бўлаётганини кўриб тургани учун ҳам Настена йўқ дея олмасди.

— Балиқ шўрва қилсак ҳам бўлади. Мен унча-мунча балиқ тутиб турибман.

— Аммо мен энди ўлдирсанг ҳам ташқарига чиқмайман.

— Ўтиравер, ўзим қиласман.

У эшикни қия очди-да, останадан ҳатламай, чўзилиб, тепадан яхлаб қолган, уч килограммча келадиган яхшигина ўлжа — елимбалиқни олди-да, дўқиллатиб столга қўйди.

— Қараб турсам, бу ерда биздан яхшироқ яшаётгана ўхшайсан,— деди Настена таажжубланиб.

— Э, кеча омад бир келиб қолди-да. Атайлаб сенга тушди шекилли ўзиям. Бундан чиқди омадли экансан.

— Бўлмаса-чи, омадим келмай ҳам кўрсин-чи,— деди Настена унга жавобан тушуниб бўлмайдиган, босиқ оҳангда.

Андрей қандай қилиб балиқ тутаётгани тўғрисида оғиз очмади. У буни Настенага айти олмасди. У ҳали яқингинада ҳам бироннинг нарсасига кўз олайтириши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, мана, энди бўлса, шу даражага етиб борди. Рибнайдан бирор қишлоқдан олис оролча ёнидан жимгина оқадиган ирмоқнинг лойқали соҳилига қармоқлар қўйиб қўйган экан, у

бўлса бир куни кечаси қармоқларни кўриб қолди-ю, чи-
даб туролмади. У бу ерга ҳеч ким ҳар куни овора бўлиб
мисранг олиб келиб, олиб кетмаслигини биларди, шунинг
учун қидириб, уни буталар орасидан топди, ёнида сопи
калта белкураги ҳам бор эди — овчи, афтидан, ҳамма
нарсанинг шай бўлишини яхши кўрадиган одам экан.
Қармоқлар одатда эрталаб текшириларди, Гуськов эса, то
эрталабгача ўйинчалар яна музлаб улгурсин, деб қорон-
ғи тушгандан кейин қармоқларни кўздан кечириб чи-
қарди. У шу йўл билан тўртта елимбалиқ олди. У жуда
усталик билан ишларди, ўзидан кейин ҳеч қандай из
қолдирмасди; эгаси ҳам бирон нимадан шубҳаланиши
гумон эди, бунинг устига хўжайин кечаси, эҳтимол, энг
кўп тушган балиқни олиши мумкин эди.

«Ишларди» ўринли айтилган сўз-да, илгари бунақа
индан Андрейнинг ўзи ҳазар қиласарди.

Муҳтоҗлик, хиппа томогидан бўғиб оладиган муҳ-
тоҷлик уни шундай тубан ишга қўл уришга мажбур қи-
лаётган эмас эди. Унда ҳали гўшт бор эди, Настена до-
имо у-бу келтириб ташлаб кетарди. Маълумки, ортиқча
давлат бош ёрмайди, аммо бу ерда ўзидан ўқиниб, дили-
дан сақлаб юрган қаттиқ кек Гуськовни зимдан йўлга
солиб гижгижларди, ҳафсала билан яшириб, ҳар томонла-
ма никоблаб қўйилган бу истак ўзига ўхшамаган, очиқ-
ойдин яшаётган, бекинмасдан, қўрқмасдан юрган киши-
ларнинг йўлидан лоақал кесиб ўтиб, уларни пушаймон
едиришга ва шу билан гўё ўзини уларнинг таҳдирига
аралашиб қолгандек ҳис этишга ундарди: Наздида, ўзи
аралашмаса бошқача-ю, аралашса бошқача бўларди.
Уни кўришмаса ҳам, унинг тўғрисида эшитишмаса ҳам,
уни бор деб ўйлашмаса ҳам майли, аммо у тирик, унинг
борлиги ё у, ё бу хилда бошқаларга таъсир қилиши ке-
рак, йўқса у мурда, бир соя, аҳамиятсиз одам. Бу унга
ҳузур-ҳаловат бахш этмасди, роҳатланиш учун бирон
нима қилаётганингни билишинг керак, аммо негадир
унга ана шу кичик, арзимас иш ҳам хуш ёқарди, қандай-
дир кўнглини кўтарарди. Аммо у айнан нимадан енгил
тортишини, нима қилса осон бўлишини ижикилаб сурин-
тириб ўтирмасди, қайтанга буни билмагани маъқулроқ.

Иссиқ печкадаги балиқ шўрва бирпасда билқиляди,
шундан кейин улар овқатланишиди, дарвоҷе Настена учун
мана шунақа шодиёна кунга Андрей атайлаб ясаган ало-
ҳида чўп қошиқ ҳам топилди. Андрей секин-аста рўзго-
рининг кам-кўстини бут қилаётган эди, улар шўрвани
манерқада эмас, уч литрли дегчада пиширишди, бу дег-

чани ўтган сафар Настена фуфайка билан бирга мўрчага келтириб берганди.

Улар ўшанда бир-бирини кўришганди, аммо мўрчада бир-бирини пайпаслаб кўришганди. Ана шу учрашувлардан сўнг Настена ҳеч ниманинг фарқ-сарқига етмаслигидан, виждонсизлигидан жирканиб, дили сиёҳ бўлиб қоларди; гарчи у бирор билан сира ҳам дон олишмаганини яхши тушунса ҳам, аммо назарида бирор билан ётгандай, алдагандай бўлаверарди-ю, бунақа ишга ҳарқалай кўника олмасди, кўнгли жойига тушмасди: у Андрейнинг овозига қулоқ соларди — бу овоз ўшаникимикин? Андрейнинг феъл-авторидаги ўзгаришни изларди,— излаганингдан кейин топасан-да, албатта,— ва унинг хатти-ҳаракатидан илгари сира пайқамаган қилиқларни то-парди-ю, ўринисиз бўлса ҳам мияси ғовлаб, юраги орқасига тортиб кетарди. Аммо айниқса муздек, сурилиб кетаверадиган, ачимсиқ куйинди ҳиди анқиб турган хазон тўшалган баланд сўрида ётиш жуда нохуш эди, бу сўрига ҳам эмаклаб чиқишига тўғри келарди: Настенанинг назарида, бир зумда аъзойи баданидан ҳайвон юнги ўсиб чиққандай, агар истаса, худди ҳайвонга ўхшаб бўкириши мумкиндай туюлар эди.

Бу ерда эса бошқа гап. Улар бу ерда бир-бирининг кўзига қараши мумкин эди, у Андрейнинг юзига қараб, нимани ўйлаётганини пайқарди, уларнинг дон олишуви ҳам илгариги турмушлари туфайли айбга буюрилмасди, аммо шунчалик ғайритабиий, ажуба ва бир шароитда рўй бераётган бу яқинлик эса ташвишли, нотаниш, аммо бундай пайтлардаги оддий иш туйгуси чегарасидан ўтиб кетадиган ихтиёрий ҳаяжонини ошириб юборарди.

Эр хотин бўла туриб аҳён-аҳёнда яширинча учрашиб юрган шу аянчли аҳвол туфайли туғилган ранж, алам учун Настена ана шу учрашувларнинг ўзидан товоң олмоқчи бўларди; Настена бу учрашувларнинг ҳар бири бир неча йилларга татишини алоҳида мазмун, алоҳида бир куч-қудрат ва меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлишини истарди. Аммо унга қандай әришишни, турган гапки, Настена гасаввур қила олмасди; у эртанги кунни ўйлаб қўрқар, қийналар, азоб чекар экан, ўзи муяссар бўлиши мумкин бўлган қандайдир катта бир нарсанни орзу қиласди ва ҳарқалай, борди-ю, ўша орзуси ушалгудай бўлса, бармоғини тишлаб қолмаслигига сал-пал ишонарди,

Бир куни орзуси рўёбга чиққандай туюлди, аммо қачон, қайси учрашувида шунақа бўлганини ўзи билмасди, бу ҳам уни қийнарди: у қандай қилиб буни сезмай қол-

ди, а? Нима бало, ёғочга ўхшаб ҳеч нимани сезмайди-
ган бўлиб қолганми ўзи? Тўғри, Настена шундай ҳодиса
чиндан ҳам юз берганига уччалик ишонмасди, лекин
кўп нарсалар унга, ҳа, шунаقا бўлди, деб айтиб турар-
ди — шунинг учун ҳам у бугун ғоят ҳаяжонланиб, ган-
гиб қолган эди. Настена стол ёнидан турди-да, сирқираёт-
ган, зил-замбил бўлиб қолган оёқлари оқсоқланиб, катга
чиқди-ю, ётиб олди. Мана энди нима важдан келганини
Андрейга айтса бўлаверади.

— Биласанми, Андрей, нима гап?

— Нима?

Аммо Настена фикридан қайтди:

— Ҳа, майли, кейин.

Настена Андрейнинг ёнига келишини қутди. У ҳамон
стол ёнида ўтиради; Настена Андрей имиллаб овқат-
ланаётганини пайқади — афтидан, кейинги пайтларда
ҳеч қаёққа шошилмаслик одатини акси урганга ўхшарди.
Ниҳоят, у ўрнидан турди, аммо овқатдан терлаб кетгани
учун сал совиб олгани эшикни очди. Настенага музден
совуқ шамол гуп этиб урилди, шунинг учун у:

— Тезроқ эшикни ёп,— деб бақирди.

— Ёпдим, ёпдим. Шамол сал пасайганга ўхшайди.

— Ҳа, шунаقا шекилли.

Андрей, келиб, унинг ёнига чўнқайди.

— Нима бало, ҳали ҳам исимадингми?

— Исишга-ку исиб олдим-а, аммо ҳадемай қайтиб
кетишимни ўйласам, аъзойи баданим жимиirlаб кетяпти.
Бу ерга келгунча она сутим оғзимга келди.

— Пича тура тур, дамингни ол. Бир ўзинг кетмайсан,
мен кузатиб қўяман.

— Қандоқ қилиб қоламан, Андрей? Шипиллаб жўнаб
қолган бўлсам, ҳеч кимга индамаган бўлсам. Мени йўқо-
тиб қўйиб, ҳайрон бўлиб ўтиришгандир. Ярим кечада
борсам, кимнинг кўзига яхши кўринаман? Мен шундоқ
ҳам кечалари санқиб юрадиган бўлиб қолдим. Мана ке-
линимизнинг аҳволи... деб ўйлашади-да.— Настена бери
эшикни қандай тақиллатишини тасаввур қилди-да, кўз-
ларини юмди.

— Отам бу тўғрида бирон нима деб сўрамаяптими?

— Ҳозирча сўрагани йўқ. Жим. Шу чоққача мил-
тиқнинг ғойиб бўлганини пайқамаганига ҳайронман.
Ҳадемай ҳаммаси очилади.

— Сезиб қолса, нима дейишингни ўйлаб қўйдингми,
ахир?

— Ўйлашга-ку ўйлаб қўйдим-а...— Настена афтини бужмайтириди.

— Хўш, нима демоқчисан?

— Ёлғон-яшиқ гапларимни сенга айтиб нима қиласман? Айтмайман. Ўзим бир йўлини қиласман.

Андрей уқувсизлик билан унинг бошини силади:

— Қийналяпсанми, Настена?

— Э йўқ,— Настена кўзларини очиб жилмайди. Унинг шамолда қотиб қолган юзи иссиқда қизиб, аюор донасидаи қип-қизариб турарди, юзида кезган табассум беҳолгина эди.— Аммо сенга ичим ачийди.— У ўзи севгани нарсаларни уига гапириб ўтирмади, гапиришни истамади.— Менга жин уармиди? Шукур, отдайман, чидайвераман. Нима, сен мен йўғимда ялло қилиб юрган деб ўйлайсанми? Худонинг берган куни нима бўлдийкин, ўлиқмикин-тирикмикин, деб юрагингни ҳовучлаб юрасан. Бу ерда лоақал тириклигингни биламан-ку.

— Ё сен пича дам олгунингча беш-олти кун кўришмай турайлиқмикин, а? Ҳамма нарса бор, бир куним бўлса ўтади.

— Сен нега бунаقا дейсан? Дам ол, дейди-я. Сен аввал сўрагин-чи, мен дам олишни истармикиман! Ҳадемай Ангаранинг музи эрийди, то эрувгарчилик тугаб, йўл очилгунча дам олаверамиз, улгурамиз. Боз устига лоақал сени кўриб турмасам, бу ёруг оламда нима қилиб юрибман ўзи. Ҳеч нимани, ҳеч нимани билмайсан.— Настена хиёл жим бўлди, чуқур хўрсинди ва айтишга жазм этиб, шошилмай, оқиста, чўзиб, ўз сўзларига эътибор бермаётгандай деди:— Бўйимда бўлиб қолганга ўкшайди, Андрей.

— Нима?!— унинг оғзидан жўнгина «нима» эмас, «өх» ҳам қўшилиб чиқди.— Нимо-оҳ!— У ўрнида ўтиролмай сакраб кетди.— Шу гапинг ростми, рост айтишсанми?

— Ҳали ўзим ҳам аниқ билмайман. Аммо сира бунаقا бўлмасдим. Аниққа ўкшайди.— У аввалгидек шопшилмасдан, гўё эрининг бу гапига қанақа муносабатда бўлишини аниқлаш лаҳзасини атайлаб чўзаётгандай сқиста жавоб берди.

— Нега шу чоққача индамадинг?— деб иккиланиб гап бошлиди у. Оғзига келган шу сўзларни айтар экан, эриб кетди, рўй берган ҳодисанинг бутун маъноси Андрейнинг онгига етиб, аъзойи баданини қиздириб юборди.— Нас-те-на!— у секин, аммо сидқидилдан илтижо қилди ва бўшашиб, туриб ўтирди-да, Настенанинг қўли-

йи ушлади.— Мана бу ажойиб иш бўлибди! Қойил! Энди бунинг нималигини биласанми?! Тушунясанми? Тушунясанми, Настена? Ҳа, мана, мана... Биламан, энди билаб турибман. Настена: мен бу ерга бекорга, беҳуда келмаган эканман. Тақдир деганлари мана шу бўлади... Тақдир мени шу йўлга бошлабди, пешонамда бор экан. Ўзим ҳам билгандим, тушунасанми, билгандим. Ёнглим сезувди. Мен аҳмоқ бўлсам, қўрқиб юрибман. Ахир шуни деб...— У бақирмади, айни пайтда йўталиб, кулар экан, бу сўзлар ичидан тинкаси қуригандай қовжириб чиқарди, кўзлари ёниб, гўё деворни тешиб юбормоқчи бўлаётгандай олис-олисларга боқарди: гарчи у Настенага гапираётган бўлса ҳам, афтидан уни кўрмаётганди, пайқамаётганди — у ўзига гапириб, ўзини ишонтираётган эди.— Орзу-умидим шу эди — энди ҳеч қанақа важ-карсон иерак эмас. Ҳар қандай важ-карсон бунииг олдидан ўтаверсин. Агар шу тўғри экан, рост у меидан кейин қоладиган экан, энди нима бўлса бўлаверсин, эртага десанг ҳам қора ер қўйнига киришга розиман... Демак, энди менинг зурётим бор. Демак, уруғим тугамабди, қирон келмабди, қуриб кетмабди. Мен ҳам охиригиси эдим, ўлсам, наслимиз тугайди, деб ўйлаб юрувдим. Шунақа деб ўйлабман-а. Зурётим эса яшайди, ҳаёт риштасини давом эттиради. Гап ана шунақа, билдингми! Ана шунақа! Настена! Сен менинг Биби Марямимсан!— У катга отилди-да, Настенага ёпишиб, уни қучоқлади ва сочи тўзиб кетган катта бошини чайқаб, бир нималар деб шивирлади.

Аввалига унинг хурсанд бўлганидан суюнган Настена қулоқ солиб ётаркан: нега у нуқул ўзини ўйлайди? Мен-чи? Ҳаётда менинг ўрним борми-йўқми ўзи? Бор бўлса, қаерда? — деб хафа бўлди-да, ташвишга тушиб қолди.

Унинг ғам-ташвишлари ўзи билан бирга эди — шу сабдан дарров кўзга кўрина қолганди. Настена бир ҳафта олдин, илк бор вужудида янги бир ҳаёт куртаги ниш ура бошлаганини сезганида бир вақтлари рад этилган, таҳқирланган, кесак бўлиб ётган сезгилари энди уйғониб, ўзини оқлаганини пайқаганида хурсандлигидан бўйни қолаёзди: ё раҳматингдан, наҳотки! Наҳотки, у ҳам эл қатори она бўла олади? Наҳотки парвардигорнинг раҳми келиб, унга шундай бахтни ато этган бўлса? Наҳотки, шунча йил эр-хотин бўлиб юриб, шунчалик беҳуда хоҳиши, ҳаракат ва тоат-ибодатлардан кейин, энди, ҳамма орзу-умидлари пучга чиқай деб турганда қандайдир бир

мўъжиза билан ҳиммати қўзиб, тирноқ ато қилибдими, а? Нима бўлди, а? У кечаси ётмоқчи бўлиб лампани ўчирди, худди шу пайт ана шу «наҳотки» уни ҳангманг қилиб қўйди, у шоша-пиша ўрнидан турди-да, кейин ёғоч каравотнинг четига ўтири, сал нафасини ростлади, кейин эшик пардасини зичроқ қилиб тортиб қўйди, онасидан қандай туғилган бўлса, ана шундай қипялангоч бўлиб ечинди ва дераза олдига бориб, ўзини атайлаб паст сузаётгандай, тиниқ тўлин ой ёғдусига солди, жонсараклик билан ўзида бирор ўзгариш бўлган-бўлмаганини кўришга уриниб, синчиклаб у ёқ-бу ёғини қаради. Унинг кучли, қуйиб қўйилгандай ник, соғлом, тўла бадани иссиқ бўлиб, худди янги соғилган сутдек товланарди, ҳаяжон ва синчиклаб қарашибдан титрарди, аммо унга ҳеч нимадан дарак бермасди, шунда Настена кўқрагига дераза панжарасининг катта, ваҳимали хочга ўхшаш сояси тушиб турганини кўриб, бир чўчиб тушди ва нари кетди. У ўрнига бориб ётди, лекин икки қўлини икки ёнига ташлаб адёлнинг устида ётди ва хиёл кўзини юмди, заррача ҳам халал бермасин, деб нафасини ичига ютди, шундан кейин у ичининг қайси бир олис ерига яширинган нуқтага бутун вужуди билан қулоқ солди ва ўша нуқтани топди — топди-ю, бошқа жойларини қўйиб, ўша ерини силади, нуқта ҳам унга жавобан заифгина, билинар-билинмас жавоб берди: бор. Настенага шундай туюлди,— хаёлида ҳомиладорга ўхшади, кейин шу лаҳзадан эътиборан интизорлик торта бошлади: бўлгани ростмикин, алданиб қолмадимикин? Бордию рост бўлса, ўзини қандай тутиши, бундан буён нима қилиши керак?

Чиндан ҳам ўзини қандай тутиши, нима қилиши керак? Бахтликка баҳт-а — баҳт бундан ортиқ бўладими!— аммо бу баҳт шундай ноқулай вақтда боққан бўлса, ундан нима фойда? Ахир, кута-кута кўзлари тешилган бу баҳт илгари қаерда эди, нега энди келиб-келиб ҳозир кулиб боқди? Ахир у тул хотин әмас, аммо эрим бор деб ҳам айттолмайди, бугун ўзининг кимлиги маълум эмас, эртага қанақа хотин бўлиб қолиш ҳам номаълум. Настенанинг назарида ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди, ҳамма нарса изидан чиқиб, оёғи осмонда бўлиб қолди. Ахир, у умрида ўз эридан бошқа одам билан сира ётмаганини билмайди дейсизми, билади, аммо қишлоқда бошқа нарса маълум — у эри билан тўрт йилдан бери дийдор кўришмаганини бутун қишлоқдагилар билади. Хўш, бу баҳтни у кулга ағанаб топибдими? Кулга ағанаб топдим, деб қутуладиган бўлса, нур устига аъло нур,

аммо бунақа важ кетмайди-да, тирик одамни топиши керак. Аммо ўшандай одамни нега қидиради, нега бутун айбни гуноҳсиз ўша кишига ағдаради, ахир бундай одам, умуман, бўлмаган-ку? Асли бор одам тўғрисида эса, чурқ этуб оғиз очолмайсан.

Ҳаммаси, ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб, чалкашиб кетди, кейин бундан баттар чигаллашади.

Балки ҳеч гап йўқдир, эҳтимол, бекордан-бекорга ўз ёғига ўзи қоврилаётгандир, беҳуда ич-этини еяётгандир? Э, бу хотинларни билиб бўлармиди, турган гапки, ҳамиша ҳам бир мартада ушлаб қўя қолмайди. Шунинг учун Настена икки ўт орасида қолди — балки бу ташвиши ўринисиздир? Илгари бўлмовди, ҳозир ҳам йўқ. Кейин ҳам бўлмайди.

Қайси бири яхши — ҳозир бўлганими ёки умуман бўлмаганими? Агар танлашга тўғри келса, чиндан ҳам қайси бири маъқул? Ҳомиладор бўлганими ёки шундоқ ўтганими?

Настена ана шу чигалларни озгина бўлса ҳам ечиб олиш, бирор қарорга келиш, сал бўлса ҳам кўнгли жойига тушиши учун Андрейнинг олдига юргран эди. У энг охирги дамгача бу ҳақда оғиз очишини ҳам, ёки Андрейнинг ёнида исиб, эркаланиб, ўзини босиб, нафасини ростлаб ўзи аниқ ишонмагунча кутиб туришини ҳам билмасди. Унга кўп нарса керак эмас — у тақдири қўшилган кишининг ёнида бўлишни истарди, холос. Бу одам эса, уни әлдан ажратиб, тобора ўзига боғлаб қўяётганди. Боз устига Настена шунинг олдига бормаса, кимнинг олдига боради-ю, ким уни юпатади?

Аммо у юрагидагини ёрди, эрининг пала-партиши, азбаройи курсандлигидан пицирлашга тушиб қолган гапларини эшитиб, бекорга айтибман, деб ачинди. Андрей шундай маҳобат қилди, Настена бунақа гапларни хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Мен-чи? — деб сўради Настена катдан сал кўтарилиб. — Мен нима қиласман? Ахир, мен одамлар орасида яшайман-ку, ё буни унунтдингми? Қизиқ, мен уларга нима дейман? Онангга, отангга нима дейман? Ахир, улар бўлса-бўлмаса сўраб-суринтиришади-ку.

Бу савол шундоққина тил учиди айланиб турарди, аммо Андрей негадир буни кутмаганди. У ўрнидан турди-да, яна ўтирди, шошганидан ажабланиб, унга тикилди.

— Билмайман, — деди у елкасини учирив. — Қўйавер, ҳаммаси бир пул.

— Сенга айтишга осон, бу ерда бир ўзингсан.

— Нималар деяпсан-а, Настена? Нима, ўзинг курсанд эмасмисан?

— Нега курсанд бўлмасканман, энди бу ёғи нима бўлади деяпман? Қандай қилиб сездирмай юраман? Акир ҳадемай кўзга кўриниб, маълум бўлади-ку.

— Эсингдами, қанчалик кутгандик, қанчалик умид қилгандик? — Андрейнинг овозида ранжини оқанги бор эди, у аввалгидек ҳеч нимани тушунишни истамасди.

— Эсимда... нега эсимдан чиқаркан. Сен нега буна-қасан-а, Андрей? Нега мени авраяпсан? Сендан бола кўрсан, деб кечалари ибодат қилиб чиқсан мен эмасмидим. Менга ҳеч нима керак эмасди, фақат сенга туғиб берсаму фойдам тегса дердим. Ҳаммасидан ҳам бепушт деган ном олишдан ўлгудай қўрқиб юрган мен эмасмидим? Ҳамма айбни биронга эмас, менга қўйишишарди. Сен ҳам айбни менга қўярдинг. Сенга қараганда менга анча оғир эди. Мен ҳамма томондан ҳам алдоқчи, ўғрига ўхшаб қолгандим! Мен ҳам отам билан онамнинг тилаб олган фарзандлари бўлганман, мендан ҳам орзу-ҳавас кўришни ният қилганлар, сен ҳам умид билан мени олдинг, мен бўлсан чирқиллаб юриб, шарманда бўлиб қола-вердим. Назаримда, бироннинг ўрнини эталлаб олгандай, бироннинг баҳтига кўз олайтираётгандай бўлардим. Мен дунёга келганимдан минг-минг пушаймон бўлганимни билмайсан. Агар иложини топсан, аллақачон ими-жимида бирон гўрга бошимни олиб кетардим ё бўлмаса мендан қутулишинг учун ўзимни Ангараға ташлардим. Сен ўзинг қўймагансан. Кейин, манави уруш. Сен бўлсанг, эсингдами дейсан-а. Мен эсламасам, ким эсласин тарин? Ҳозир ким суюниши, курсандлигидан ким ўйинга тушиб, ким ашула айтиши керак? Мен, эҳтимол, онадан бешқатдан туғилгандекдирман. Э, худойим! Аммо сен йўқ-ку, акир! Сен йўқсан, Андрей, йўқ! — деб Настена ингради ва гўё рўпарасидаги сочлар тўзиган, бесўнақай арвоҳни ҳайдайтгандай қўлини силтади. — Менинг бу ердалигимни биронга айта кўрма, деб тайинлаб қўйиган бўлсанг. Демак, йўқмисан — йўқ-да, индамай юрибман, кейин ҳам оғиз очмайман. Буни тушунаман. Лекин бордию бола бўлса ҳам, у сенини бўлмайди-да. Битта-яримтасидан, дейишади-ю, аммо сендан дейишмайди. Чунки сен йўқсан, ўлик-тиригинг ҳам маълум эмас. Ё сен бўлмассанг ҳам болани этагимга солиб, кўтариб борсан, ота-онанг менга раҳмат дейишармикин? Ё одамларнинг раҳми келармикин? Ҳа-ҳа. Агар улар сени ўлганга чиқаргандайди, унда бир нави эди, акир битта-яримтаси тушунарди, бил-

май нетмай айбламасди. Лекин ҳозир, одамлар сени ана келади-мана келади деб юриди. Ҳүш, мен-чи, уларнинг назарида мен нималар қилиб юрибман сени кутиб? Унда ит ҳам, бит ҳам гапиради мени — гапирмай нима қилали? Тўғри-да, кўзингни очиб юр! Бу юким билан одамлар ичиди бир ўзим юришим қийин — эплолмайманми деб қўрқаман, Андрей.

Андрей индамай, бир бурчакка сўмрайиб тикилиб ўтиради. У анчагача миқ этмади, шунинг учун Настена аввалига ўнгайсизлана бошлади, кейин эса, ўз гапларидан қўрқиб кетди. Гапларидан туғмасам, деган маъно чиқиб қоларкан. Балки ҳозир айни бир ёқли бўладиган пайтдир, хиёл илиниб туриди — ё насл қолади-ю, давом этади, ё бутунлай бўғилиб ўлади. Йўқ десанг — ҳеч нима бўлмайди. Энди ҳаммаси ўзига боғлиқ. Бўлса ҳам бир бало, бўлмаса ҳам бир бало. Аммо у гумонасидан воз кечишни истамасди,— йўқ, бу даҳшат-ку, назарида бундай огириликни ўзига олиш ўз орзу-умидидан воз кечиш деган гап эди; у қани энди бирон иш ҳам менга боғлиқ бўлмай қўя қолса, дерди, анатви қорнидагини-ку энди ҳеч нима қилиб бўлмайди.

— Билолмай қолдим, Андрей,— Настена нажот истаб унга гапиракан, гуноҳкорлардек қўшиб қўйди.— Нима қилишимни билмайман. Бошим қотиб қолди.

— Пешонада борини кўрасан, Настена,— деди ниҳоят Андрей.— Ўзингни минг у ёқ-бу ёқقا урма, баригири бир пешонада бори бўлади.— У гўё бу ҳақда бошқалардан кўпроқ биладигандай маъқуллаб, маъюс кулимсиради, соқолини ўйнаб, бирпас жим ўтириди, кейин жаҳл билан дадилроқ гапирди:— Мени урушдан олиб, бу ёқса бошлаб келган ҳам ана шу тақдир, ҳа, тақдир. Ўлишидан олдин хотини билан дийдор кўришсан, деб раъйимга қарамасдан бошлаб келган бўлса ҳам ажаб эмас. Нима, сенингча, ўрмонда ваҳший ҳайвонга ўхшаб яшириниб ётиш менга осон эканми? А? Осонми? Улар у ёқда урушаётган, мен ҳам бу ерда эмас, ўша ёқларда юришим шарт бўлган бир пайтда-а? Мен бу ерда бўридай ули тортишни ўргандим. Кўрсатайми?— Андрей унинг розилигини кутиб ўтирамай, ўрнидан турди, вазмин қадам ташлаб, эшик олдига келди, уни ланг очиб, энгашиб бошини чиқарди-да, дарров бошламасдан, гўё керакли овозга тушиб олмоқчи бўлгандай, томогини қириб ҳиқиллай бошлади, кейин овозини мослаб, ингичка, узундан-узоқ, тирик жонни титратадиган, аянчли,

Вахимали ули тортди. Настена дашшатдан күкрагини ушлаб чўккалаб олди. Ногаҳон Андрей ули тортишдан тўхтаб, эшикни ёпди ва йўтала-йўтала қайтиб келди.— Ухшайдими?— деб сўради у ва ўзига ўзи жавоб берди:

— Ухшайди. Эшитган замонинг билгинки, бу мен. Бўриларни эса, бу ерлардан аллақачон қўрқитиб қочириб юборганиман, ҳаммаси сизларнинг қирғоқларингизга ўтиб кетган бўлса керак. Кўрдингми, қандай эрмак топганимни. Бекорчиликдан деяпсанми? Йўқ, Настена, бекорчиликдан эмас, бошқа важдан. Баҳузур яшаётганимдан. Нима, сен охирги орзу-умидимни ҳам пучга чиқармоқчимисан, нима, мен шунчаки кўнгилхушлик учун бу ерга келибманми? Нима, бекордан-бекорга шарманда бўлай деб келибманми? Кўрсатиб, юрагимга ўт ёкиб, энди мени ҳаммасидан бенасиб этмоқчисан. Энди мен ундан баттар бўламан. Агар тугиб берсанг, мен ўзимни оқлайман, бу менинг охирги умидим. Мен демоқчиманки, бу ягона орзум, ҳаётда кўрган-боққаним, ортирганим шу. Одамлар билмаса ҳам майли, аммо зурёдим менини эканлигини билади. Сен билан мени кейин фақат зурёдимиз эслайди.

— Балки ўша гумона ҳали йўқдир,— Настена бўшашиб эътиroz билдириди.— Мен сенга айтдим-ку, ҳали аниқ эмас деб. Кутиш керак.

— Йўққа товон ҳам йўқ. Агар бўлса, қўй, нобуд қилма, менга раҳминг келсин. Агар истасанг, эртагаёқ гойиб бўламану қайтиб сени ташвишга қўймайман, кейин ўз билганингча иш тутавер...

— Мен сенга гойиб бўл деяпманми, керак эмас! Нималар деяпсан ўзи?

— Тўрт йил бирга турдик. Яхшими-ёмонми, ишқилиб, бирга турдик. Устига яна тўрт йил уруш. Минг чақирим олисда бўлсак ҳам, кўнгил риштаси бир-бирига боғланган эди. Наҳотки, шу умримиз бекордан-бекорга, беҳуда ўтиб кетаверса-ю, биргаликда кечган ҳаётимиздан бирон нима ёдгорлик бўлиб қолмаса! Сен мендан кейин ҳам яшайверасан, ҳали ёшсан, чиройлисан, аммо шу ўтган умринг барибир қайтиб келмайди. Ўтгани ўтиб кетди. Мендан кейин турмушинг қандай бўлмасин, барибир, ҳаётингда мен ҳам бор эдим. Ахир, мендан кўз юма олмайсан-ку? Қанчадан-қанча хотинлар уруш туфайли гала-тала бола билан қолди, сен бўлсанг, биттасигаям йўқ деяпсан. Агар шу бола урушдан олдин бўлганида нима қилардинг?

— Нима, мен бола кўришни истамас эканманми, Андрей! Истамайманми?! Кўнглим тилайди. Нега ҳадеб мени белангига қилаверасан? Нега бунақасан?

— Сен урушдан қочиб келганимни кўриб ҳам мендан юз ўғирмадинг. Ҳайдаб юбормадинг, биронга сотмадинг, омон қолишумга шароит яратдинг, агар сен бўлмасанг, эҳтимол мен тамом бўлармидим. Сен ўз зимманга қандай оғирликни олаётганингни билардинг, шунга қарамай, шу оғирликни олдинг, қўрқмадинг. Энди оила барбод бўлган бир пайтда... Қанақа оила бўлди энди?.. Шунақа бўлади, деб ким ўйлабди дейсан... Сен унда зор, мен бунда зор, келиб-келиб шунақа пайтда бир марта эркаклигимни кўрсатибман умримда. Эркакман деб бекорга калла кўтариб юрмаган эканман. Нима ҳам дердим?! Илгари фақат у ёқдаги, Ангара-нинг ўнг томонидаги одамларни ўйлардинг, ҳозир бўлса икки томонни: одамлар билан мени ўйлайсан. Уларни бирлаштириб бўлмайди: бунинг учун Ангара қуриб қолиши керак. Албатта гапириш менга осон, чунки мен қорнимни қаппайтириб юрмайман. Мен бу ерда вақт-соатим етгунча яшириниб юраман.

— Бас қил, Андрей! Бўлди, бунақа дема.

Андрей шаштидан тушди-да, катға ўтирди ва нафасини ростлаб, чалқанча чўзилди. Аммо у ичидаги гапини айтиб тугатмаганди, шунинг учун бирпас жим ётдида, қолган-қутган алами гиж-гижлаганидан яна гап бошлади, аммо бу сафар энг муҳими айтилганини билиб, анча хотиржам, осон гапирди.

— Сен одамларнинг ғийбатидан қўрқяпсан... Улар билан нима ишинг бор? Одамлар итдай гап: битта-яримта сал мундоқ қадам қўйса, бўлди, дарров акиллайди. Акиллаб-акиллаб қолаверади — битта-яримтаси бирон иш қилиб қўярмикин, деб яна пойлайди. Турган гап, сени чайнашади — чайнамай иложлари йўқ. Гапириб-гапириб хумордан чиқадилар. Овқат ейишмаса ҳам, сенинг қорнингни ғийбат қиласидилар. Қўявер, ғийбат қиласа қиласлар, тилларининг қичигини босишади, тил қичиги ҳам одамларга теккан дард, албатта, битта-яримтани ғийбат қилмай туролмайдилар. Сен эса, индама, билиб ишингни қиласвер, уларнинг жигига тегма — шунда тезроқ тийилиб қолишади. Кейин яна битта-яримтасига ёпишишади, шундан кейин сен яна одамларга аралашиб кетасан. Нима, биринчи марта шунақа бўляптими? Уша ўзлари ғийбат қилган нарсалари учун кейин сени мақтай бошлийди.

лар. Одамлар... Агар шундай кўргилик ўзларининг бошига тушса, ким билади, ўзларни қандай тутишаркин. Одамларга эмас, виждонингга қулоқ сол. Нима бўлганини ўзинг биласан. Сен ҳеч кимнинг олдида гуноҳкор эмассан. Ота томондан суриштирганда ҳам ўз боланг, шу билан ўзингни ҳимоя қил, шу билан ўзингни қутқар, шу билан. Албатта, сенга осон бўлмайди. Нима, ҳозир осонми сенга?

— Нолиётганим йўқ-ку.

— Нолимасанг ҳам кўриниб турибди.

Улар дарча ойнасининг тисир-тисир қилиши тиниб қолганини, ичкари аввал бир ёришиб, кейин секин-аста қоронгилик босаётганини пайқамай қолишиди. Шамол ўтиб кетганди, аммо аҳён-аҳёнда қаердадир бир гувиллаб, ҳаммаёқни тўзитарди-да, гоҳ у, гоҳ бу деворга урилиб, тиниб қоларди. Ўтини ёниб бўлган печка ҳам қорај бошлиганди.

Андрей гапни бўлиб, ўрнидан турди, иссиқ чиқиб кетмасин, деб қопқоғи билан трубани беркитиб қўйди-да, дарчадан ташқарига қаради. Тор томонидан ҳам анчамунча қор уюлиб, дарчага етай деб қолган, нам қор дарахтларнинг таналарига ёпишган эди, шамол хиралашиб бораётган пастгина осмонда тарқалган қора булут парчаларини ҳамон ҳайдаб юрарди.

Настена бошини буриб, Андрейни кузатарди. Андрей қайтиб келиб, яна унинг ёнига ётди. Ҳеч нима ўзгаргани йўқ, аммо унинг заруратсиз ўрнидан туриши ҳар иккисига ҳам мана орадан шунча гап ўтди, энди яна чўзишининг ҳожати йўқ, деган маънони билдираш эди. Дарҳақиқат кутиб туриш керак. Тағин: қани энди менинг ҳам болам бўлса, қани энди тоби қочмаса эди... деб сайнаб йиғлаган хотинга ўхшаб қолишимасин. Керакли гапларнинг барини Андрей айтди, Настена эшилди — шу кифоя. Сабр қилиб туриш керак — яқинда ҳаммаси узилкесил маълум бўлади.

Настена енгил тортиб нафас олди ва увишган баданини ёзиш учун оҳиста керишиб қўйди. У ҳамиша ўзи шунақа: сал ҳаяжонланса, кўнгли гаш бўлса, назарида, салгинага зўриқиб кетадиган дарди сиртига тепади-ю, изтиробдан аъзойи бадани сирқирай бошлайди ва ҳадеганда тарқаб кетавермайди.

Настена ҳамон эрим билмай, эсидан кўтарилиб, бирбиrimизга индамай, ўзимизча қилган, шу боисдан ҳам омонат аҳду паймонимизни бир пул қилиб қўймасмикин, деб чўчиб, унинг оғзини пойларди.

Андрей қимирлагач, Настена қотиб қолди.

— Бир вақларда, икки йилча олдин, эсимда, сени бир туш күрүвдим,— деб түсатдан гап боылади у ва Настена хаёлини йигиб, гапга қулоқ солишини кутиб, индамай турди.— Ҳаммаси қандоқ бўлса, шундоққина кўз ўнгимда турибди — қаерда турганимиз ҳам, мен билан бирга жанг қилган одамлар ҳам, шундоққина ёнимда ётганлари ҳам — шуларни туш кўрибман. Мен ётган эмишман, қайин олдидан — нарироқда қайинлар бор эди — бир қиз менга қараб келаётганмиш. Бутуилай нотаниш эмиш. Кўйлаги тўзган, ўзи чўпдан озгин, оёқяланг — сираям сенга ўхшамайди, мен бўлсам, негадир буни сен дермишман.

— Уша мен эдим-да, ахир,— деди Настена таажжубланиб.— Сенга тегмасимдан олдин, унда сен мени танимасдинг ҳам. Сочлари ҳам ўғил болаларникига ўхшаб олинганимиди?

— Сочлари ҳам олинганди.

— Мен бўлганман.

— Нега сен бўларкансан? Мен сени бу аҳволда сира кўрмаган бўлсам, қанақасига менга шунаقا кўринасан?

— Унисини билмайман. Балки ўзим гапириб бергандирман. Аммо ўша мен бўлганман, мен.

— Мен ҳам айтапман-ку ахир, бу негадир сен эдинг деб. Уша қиз олдимга келди-да: «Нега бу ерда ивисиб қолдинг? Мен у ёқда болалар билан қийналиб кетяпман, сенинг бўлса парвойингга келмайди», — деди. Мен ундан: «Қанақа болалар, бу болаларни қаёқдан топдинг? Нималар деяпсан? Қайтиб бориб қара-чи, болаларинг борми-йўқми?» — деб сўрадим. Қиз кетди.

— Кетдими?

— Назаримда, гапимга кириб, кетди. Кейин яна турганиши. Яна худди биринчи марта дагидай соддалик билан: болалар билан қийналиб кетдим, дермиш... Мен унга сал пўписа қилиб: «Жўна, менга ҳадеб осилаверма, ҳеч қанақа болаларинг йўқ», — дермишман. Қиз бўлса бир нарсани тушунгандай хаёл суриб турди-да, қайтиб кетди. Туш ҳам ғалати бўлади-да: гўё тушимда ҳам ухламоқчи эмишман-у, ухлолмасмишман. Кўзимни юмдим дегунча ўша қайинлар ортидан ҳалиги қиз чиқиб келаётганини кўрармишман, шу туш ҳадеб такрорланаверар экан. Уша кеча қиз тинкамни жуда қуритди-да.

Ингакон Настенанинг бир нима лои этиб эсига келди, эсига келди-ю, у хиёл кўтарилиб, сўрашга уни нима маж-

бур этаётганини ҳали ўзи ҳам тушунмасдан, тез, шоша-пиша сўради:

— Охири нима бўлди? Охирида сен унга нима де-динг? Охирги марта?

— Эсимда йўқ. Ўша гапларни айтган бўлсам керак-да. Мен нимаям дейишим мумкин эди?

— Раҳм қилсанг, йўқ демасанг бўларди,— деб жавоб берди Настена шу ондаёқ нафаси ичига тушиб, қуруқ-қина.

— Нега энди?

— Нега бўларди? Шунча илтижо қилибди-ку.— Настена рўпарасидаги бир нимага диққат билан тикилди ва гўё кўрганини гапираётгандай деди:— Ўшандада олдиларингда тўплар ҳам турганди. Мен чиқиб борган пастлика-да эса, машиналар бор эди. Катта-катта, кўм-кўк. Сен терлик устида ухлаб ётган эдинг, шинелинг устидан брезент ёпиб ётган экансан. Сен четда ётгандинг, ёнинг-да эса, учтами-тўрттами ўртоғинг ётувди. Мен ўша сен ётган томондан борувдим...

Андрей тирсагига таяниб кўтарилилди-да, унга тикилиб сўради:

— Сен қаёқдан биласан?

— Мен ҳам шунақа туш кўрувдим. Аммо мен ўзим-ча туш кўрганман. Тавба, уни қара-я?!— Настена таажжубланиб жимиб қолди ва кўнглим буни очиқ айтавер ё айтма, дейдими-йўқми деб қулоқ солди. Икковининг туши бир хил, Настена шу ёшга кириб, бунақа тушни билмасди. Икковининг туши — бир хил, бу беҳуда эмас, бунда бир ҳикмат бор. Унинг таъбири нима деб бош қотирмаса ҳам бўлади, ҳаммаси шундоққина мана ман деб турибди. Биргина имодан нафаси ичига тушгудек бўлиб турган Настена эслаб, эҳтиёткорлик билан гап бошлиди:— Менга бир кампир ақл ўргатганди. Қанақа кампирлигини ўлдирсанг ҳам айттолмайман, эсимдан кўтарилибди. Ўша кампир эрингнинг олдига бориб, болаларни гапиргии, деди. **Бордик-ю, бўйнига олса, рози бўлса, ниятларингга етасанлар**, агар йўқ деса, тирноққа зор бўлиб ўтасанлар, деди. Бордим. Сен сира унамадинг. Мен кетиб, қайта-қайта олдингга бордим. Сен бўлсанг ҳеч нимага тушунмасдан нуқул йўқ дейсан. Мен шама қиласай дейман, у, гапиролмайман. Сен бўлсанг жаҳлинг чиқиб мени ҳайдаганинг-ҳайдаган. Аммо охирги марта борганим нима билан тамом бўлганини эслолмайман. Эсимда, бу сафар аввалгидек қизлигимча эмас, сенга таъсир қилиш учун хотининг бўлиб келибман. Олдинига шунақа бўлиб келув, димми?

- Келувдинг.
- Хўш, кейин менга нима дединг?
- Билмайман. Эсимда йўқ.
- Ахир бир нима дейишинг керак эди-ку?
- Шунаقا шекилли.
- Мана, кўрдингми! Энг муҳимини билмаганмиэ.— Настена ўзини тийиб туролмай гина қилди.— Нима, хўп десанг ёки жуда бўлмаса индамай қўя қолсанг, бир нима бўлармидинг? Энди ҳаммаси бошқача бўларди.

— Бир ками ҳар қанақа тушга ишониш қолувди ўзи,— иккиланиб эътиroz билдири у.

— Кўриб турибсан-ку, қанақа туш бу. Ахир икки ёқда бўлсак. Тағин бир кечада икковимиз ҳам туш кўрсак-а, тавба. Кўнглим сенга кетган бўлса керак-да. Тушимизнинг бир хиллиги ҳам шундан.— Настена ҳамон нимадандир умидвор бўлиб, сўраб-суриштираверди:— Ўшандан кейин бир мартаям, бир мартаям мени бола билан кўрмадингми? Яхшилаб эслаб кўр.

— Йўқ, бир мартаям.

— Балки эсингдан чиққандир? Манави уруш... кўп нарсани эсадан чиқариб юборади. Уруш ҳаммасини барбод қилди.

— Йўқ, бунақа нарсани эсадан чиқармаедим-ов. Мана, сенинг борганинг эсимда турибди-ку, ахир. Икки йилдан бери эсимда.

— Барибир охирини унутибсан-ку? Энди қаёқдан эслайсан уни?

— Ҳеч қанақа охири йўқ эди шекилли. Парвардигор пешонасидагини кўрсин деган-да. Тушда эмас, ўнгимизда кўрсатмоқчи бўлган-да. Мана, кўрсатди, кўрсатганига шукур қиласанми-йўқми, ихтиёринг.

— Нимагадир сен тақдирни кўп гапирадиган бўлиб қолдинг. Илгари бирон марта бўлсаям тилга олганингни билмайман.

— Бошингга тушса гапирасан-да...— у истеҳзоли кулиб, ўзини маъқуллаётгандай бошини қимиратиб қўйди.— Сен ҳам келиб-келиб шуни таъна қиляпсанми? Кўргилик шундай олдинда, оёғинг остида турганида гапиран-а. Энди бу кўргилик соядай эргашиб юради. Энди қочиб ҳам, тониб ҳам қутулиб бўпсан. Нима кўйга солса, ҳақ деб тураверасан.

— Таъна қилиш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Оғзимдан чиқиб кетди.

Аммо Настена Андрей бош иргаб кўрсатган оёқларга қаради.

— Энди шу кўргилик сени менга қўл-оёқларингни баттарроқ боғлаб берди.— Андрейнинг чўчиганини ҳам, ачинганини ҳам билиб бўлмасди.— Мундоқ қараб турсам, сен бир бало қилиб қутулиб кетмоқчига ўхшайсан.

— Қутулиб нима қиласман? Мен сен билан. Энди нима бўлсак, бирга бўламиш.

11

Ҳарқалай Настена анча енгил тортди. Кўнгли анча бўшашгандай эди. Елкасидан оғирлик тушмади — йўқ, бу оғирлик уни баттароқ эзаётганди, бу юқдан қутулишни ўйлашнинг ҳожати ҳам йўқ эди, аммо баъзи нарсалар равшанлашганди. У илгари ўзини адашиб, тинкаси қуриб мўлжалидан анча олислаб, ундан ҳам нарига, тўпконнинг тагига бориб қолгандек ҳис этарди, ҳозир эса у қаерга бориб қолганини, бу ердан қандай йўл топиб, қутулиб кетишини биладигандек эди. Аммо пешонаси-дагини бошдан кечириб, қутулиб кетишга кучи етадими-йўқми, бу бошқа гап, лекин қаёққа бориши, қайси йўлдан юриши энди унга маълум эди.

Бу нарса Настена учун типирчиламаслик, борйга шукр қилиб, тақдирга тан бериш керак, деган гап эди. Э, энди нима бўлса бўлар. У ҳали узил-кесил шундай қарорга келмаганди, аммо у энди ундан қочиб қутулиб бўлмаслигини аниқ тушунарди. Кўриниб турибди, бошига тушгац мусибатларга охиригача чидашга тўғри кела-ди. Баҳридан ўтолмайди, кечикди. Унинг ўзи ҳам баҳридан ўтмоқчи эмасди, бу эса Настена учун ўзидан ҳам кечиш деган гап эди, у Андрейга ҳам гаплари ярамга малҳам бўлармикин, деган умидда эътиroz билдира бошлаганди. Бу малҳамни кўпроқ қаердан қидирсинг? У Андрейни умидвор қилиб қўйди, энди шу умиднинг илин-жика юради, бу энди Андрейга худди сув билан ҳаводай бир гап эди. Андрейнинг нима дейишини олдиндан билиб олиш қийин эмасди.

Модомики, жилов қўлдан чиқдими, қўяверинг, от чар-чаб, ўзи тўхтагунча чопиб кетаверсин. Тўғри-да, энди у қанақа ҳам каромат кўрсатарди. Ахир, от айланиб қозигини топади деган гап бор-ку.

Ҳа, дарҳақиқат, кейин, вақти келганида от айланиб қозигини топади.

Ҳар ҳолда бир оз ташвиши ариб, кўнгли ёришди-ку. Таваккал, бўлганича бўлар. Настена кўп ишлар қилиб қўйган экан, кўп нарсадан қўрқиб-писиб юриши керак экан, шунинг учун, яхшиси, ҳеч нимадан тап тортмай,

рўйи рост юравериши керак. Пешонасида борлиги учунми ёки худонинг шунаقا суйган бандаси эканми, Настена ўзини гўё худонинг назари тушгандай, одамлар ичидаги ажралиб тургандай ҳис қиласр эди.— Бўлмаса бирданига бошига шунча кулфат қаёқдан қараб турувди. Бунинг учун кўриниб туриш керак экан. Албатта, ҳозир унга қийин, аммо ҳўл ўтиндай тутаб, умрини бекор ўтказгани, қисқа, ҳар қаерга олиб бормайдиган, ҳеч қандай муроди ҳосил бўлмайдиган йўлдан бориб-келавергани яхшими? Унга раҳм-шафқат қилишса керак, лозим бўлганда ёрдам ҳам беришар, кейин, нарироққа бориб, қарбсизки чеккан машаққатлари эвазига бардор-бардор қилишса ҳам ажаб эмас — жон чеккандан кейин мукофотини ҳам оласан-да. Борди-ю, рўшнолик кўриш пешонасига ёзилган бўлса, тош келса кемиради, сув келса симиради, аммо умрини беҳуда ўтказиб, ҳеч ниманинг уддасидан чиқолмайдиган хотин бўлиб юришга сира тоқати йўқ — ундан кўра ўлгани яхши.

Настена муштдайлигиданоқ бошқа одамлар қатори баҳтли бўлишни орзу қиласр, йил сайин бу баҳт ҳақидаги тасаввури ўзгариб бойиб бораради. Настенанинг қизлик вақтида баҳт қуши ҳам енгил, эркин қанот қоқиб, тепасида айланиб юради, истаган вақтида қайси томондан бўлса ҳам учиб келарди, баҳт қуши учун тўрт томони очиқ эди. У ширин хаёлларга бериларди: гўё ўзи ўртада турибди-ю, баҳт қуши ўйнаб, гоҳ чапдан, гоҳ ўнгдан учиб келади, ҳавасини келтириб, қанотлари билан бир тўқиниб, қитиқлаб ўтади, кетидан юришга чорлайди, яна келишга ваъда бериб, учиб кетади. Бу баҳт шунчалик мўл-кўл бўлиб, унда шунчалик жозиба, нашъаси татиб кўрилмаган шодлик, ишқ-муҳаббат, ҳузур-ҳаловат жилва қилиб турардик, ушу ондаёт ўзини бу уммонга отиб, чўмилавергиси, ўз баҳтига ўзи зомин бўлмаслиги учун оқбатини ўйламай, ҳар куни, ҳар соатда ўйнаб-кулавергиси келарди. Айни пайтда қандайдир ёқимли, юракни орзиқтирувчи бир орзу туфайли висол онини пайсалга солишини истарди, чунки бу учрашув барибир муқаррардек туюларди унга. Настена эрга тегаётганида ҳам нари-берисини ўйлаб ўтирамади, баҳтли бўлиш учун барча йўллар ичидан фақат биттасини танлаб олди-да, шу йўлга қадам босди, аммо у ҳозирча жуда кенг, бепоён йўлни танлаган бўлиб, бу йўлда яхшилик билан ёмонликка тўқиашмай ўтиб кетадиган жойлари ҳам бор эди. Турмуш унга саранжом-саришта, мустаҳкам, аммо серташвиш, иш кунлари тез ўтиб, байрамлар ҳам гаптли

бўладигандай, эри билан завқ-шавқиқа тўлиб, яйраб юрадигандай туюларди. Албатта, баъзан у бирон нимадан кўнгли тўлмай, таъби тирриқ бўлиши ҳам мумкин, ахир ҳамма вақт йўл бирдай равон бўлмайди-ку, аммо кейин ҳаммасини, албатта, уddeлаб кетади ва эри билан апоқ-чапоқ бўлиб яшайверади. Эри уни қанчалик суюши, меҳрибонлик қилишидан қатъий назар, Настена аввал бошданоқ эрини қаттиқроқ севишни, унинг атрофида парвона бўлишини орзу қиласади—шунинг учун ҳам у хотин-да, биргаликда кечадиган ҳаётда умр йўлдошининг оғирини енгил қилиши, жонига малҳам бўлиши керак, шунинг учун ҳам унга бир ажойиб куч-ғайрат ато этилганки, унинг бу куч-ғайратидан қанчалик кўп фойдаланилса, у шунчалик гаройиб, назокатли, гўзал бўлади. Настена ана шунаقا хотин бўлишига ишонарди, фақат ана шу хусусда у чамаси, янгишмади. Бахт эса... дастлабки пайтларда узоқдан имлаб, умидвор қилиб кўриниб турган бахт кейин тирноқиқа зор қилиб, сароб сингари қаёққадир чекинди, у бахтини ўша ёқлардан топиши керак эди, аммо улар топишиб олиши мумкин бўлган йўл энди аввалгисига қараганда икки баробар тор бўлиб, гарчи ҳали ҳам равшан кўриниб турган бўлса-да, сўқмоққа айланиб қолган эди.

Настена сира орқасига қайрилиб боқмас, ўтган ишга ачинмас, қачонлардир, қаердадир бу ёққа эмас, у ёққа бурилиш керак, деб ўйламас эди. Турмуш кийим эмаски, уни ўн мартараб кийиб кўраверсанг. Нимаики бўлса — ҳаммаси сеники, унинг нимасидан тонасан, энг ёмони бўлса ҳам майли, тониш ярамайди. Андрей билан Настенанинг бошига оғир кунлар тушди, аммо у шу кунларга ношукурчилик қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади; бундан бу ёгини эплаб-сеплаб юраверди-ю, аммо ҳозирию ҳузури деб бошқа бир эркак билан бирга бўлиш тушига ҳам кирмади. Унда кўнгли кўчасига кириб, ўзи ҳам бутунлай бошқача бўлиши керак, хўш, шундай қилишга ким йўл қўйиб қўяркан? Майли, бошқалар билганини қиласерсин, аммо у эса, битта йўлни тутдими — бўлди, шу йўлдан кетаверади, ўзини тўгри келган ёққа уравермайди. У ўз бахти кулиб боқишини истайди, бошқалар бахтига кўз олайтирумайди.

Айтишларича, ҳамма ҳам толели бўлавермасмиш, у кимга кулиб боқармишу кимга йўқмиш. Аммо бу ёруғ оламда Настена ўзини танҳо деб билганидан ўрнимни боса оладиган ҳеч ким йўқ деб ўйларди. Модомики, шундай экан, нега унга толе кулиб қарамаслиги керак?

Бахтни шунақа қилиб улашадиган ким экан? У бахтли бўлиб яшаш учун туғилган бўлса-ю, бу бахт унга насиб этмайдиган бўлса, унда нега унга жон ато этишди? Унинг бутун ҳаёти ўзига боғлиқ, унинг юраги, гайрат садоқати, вужудига боғлиқ, бошқа икир-чикирлар, гарчи шундоққина ёнида турган бўлса ҳам, аммо сал нарида, бир четда, бу икир-чикирлар у борлиги учун ҳам мавжуд, модомики шундай экан, унга аталган бахт қуши нега уни атайлаб четлаб ўтаркан-у, бошқа бир одам бошига қўнارкан? Йўқ, инсонга бундай муомала қилиш ярамайди. Қани энди инсон кўрмаганини кўриш учун иккинчи, учинчи марта туғилиб, яшаса, зўр бўларди-я, аммо қайта туғилиб ҳам, кўрмагани кўриб ҳам бўлмайди-да. Кўрадиганингни тириклигингда кўра қол, кейин кўраман, деб пайсалга солма — армонда қоласан.

Уруш Настенанинг бахтига узоқ вақт ғов бўлиб турди. аммо Настена уруш йилларида ҳам бир кунмас-бир кун бахти кулиб қолишига ишонарди. Уруш ҳам тугайди. Андрей ҳам келади ва шу йиллар ичидаги ўлда-жўлда бўлиб қолган барча нарса ўрнидан қўзгалиб, юришиб кетади. Настена ўз ҳаётини бошқача тасаввур эта олмасди ҳам. Аммо Андрей бемаврид, ғалабадан олдинроқ келиб қолди-ю, ҳаммасини чалкаштириб, чигаллаштириб, изидан чиқариб юборди — Настена бунақа бўлишини сезмаганди. Энди бахтни эмас, бошқа нарсани ўйлаш керак эди. Бахт эса, чўчиб, қаёққадир уриб кетди, келар йўли ҳам кўринмай, ҳеч қанақа умид ҳам қолмаганга ўхшайди.

Кун кундан баттар.

Наҳотки умрининг охиригача бахтсиз ўтса-я? Настена ҳеч қачон бундай даҳшатли аҳволга тушмаган эди. Бундан буёги қоп-қоронги зимистон, ҳеч қанақа рўшнолик йўқ. Дарҳақиқат, кун ўтган сайин баттарроқ бўлаверади, аҳволи бугун ёмон бўлса, эртага яхши бўлиб қолмайди. Аммо ҳозир унинг бутун ўй-хаёлида баттарроқ деб юргани — бола-ку, ахир, шунга зор бўлиб армонда эди-ку. Настена орзу қилган бахт, назарида, шу бола эди. Ахир Настена шундоққина бахтининг ёнида турибди, деган гап эмасми? Фақат бу бахт унга орқа ўгириб турибди, холос. Ё у бахтга орқа ўгириб турибди. Нима фарқи бор? Ишқилиб, ўшанга етишса, қуруққа чопиб қолмаса бўлгани.

Аммо ҳозир унга бу бахтдан қандай, қандай наф бор?

Йўқ, нимадир юз бериши ва унинг ҳаётини изга солиб юбориши керак, йўқса жинни бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Шундай воқеа юз берди ҳам: унинг бўйида бўлди. Демак, тақдирда бор экан — кун кўради. Боласи бўл-

тандан кейин унга яна нима керак? Бола эса қочиб кетмайды, туғилади, у қимирлаяпти, ой-куни яқинлашыпти.

Әнді Настена нима қилишини ва нима қымаслигиги-
ти ихши биларди. Ўз ҳолига қўйиб бериш, вассалом. Ети-
шолмаган, эришолмаганидан азоб-уқубат чеккан Насте-
нанинг ўз қонуний бахти уни қаердадир — яқиндами,
флисдами кутиб туриши керак-ку, ахир.

Мана, ўзи чўзилиб ётибди, бу вақтда эса жиловдан
чиқсан от чопиб борган сари олислаб кетарди.

Улар айтилган энг муҳим, нозик ва мурт нарсани
арзимас мулойим гаплар билан ўраб-чирмашаётгандай,
оризларига келганини қайтармай гаплашиб ётишарди.
Ётганингда шунақа гаплардан гаплашиш осон: кўзингни
юмиб оласан-да, юзига айтишга ботина олмаган гапингни
айтаверасан, уялмай-нетмай жимгина ётсанг ҳам, ўзингни
тийсанг ҳам, ўз ўй-хаёлларингга берилсанг ҳам бўлаве-
ради, кейин яна гапинг уланиб кетаверади.

Қош қорайган бўлса-да, чироқ ёқиши мади, гарчи ой
кўринмаса ҳам, ёқсан қорнинг сокин, совуқ ёргулиги дар-
чадан тушиб турарди. Андрей билан Настенанинг юзи бу
ёруғликда оппоқ кўринарди, гавдалари латтадай бўша-
шиб, жонсиздай, бошқа бир куч туфайли қимирлаб қўя-
ётгандай туюларди. Овозлари ҳам олислан бирорларни
кига ўхшаб эштиларди. Ҳатто Андрей ҳам, Настена
ҳам ушбу дилгир ва хилват соатда жисму жойлари ўз-
лариники эмасдай, бегонадай ҳис қыммоқда эди — шу қа-
дар юракни безиллатадиган жимжитлик ҳукмрон эдики,
атрофда ҳеч нима қилт этмай турган, хайрлашув олди-
дан ҳамма нарсани кечириш мумкин бўлган тафсилотга
бой бу кун ниҳоясига етаётганди. Улар ана шу жимжит-
лик тъсирига бериллиб, оҳиста, деярли шивирлашиб гап-
лашар эдилар. Суҳбат ҳам бирор хусусда бормай, эркин,
енгил-елпи бўлиб, бир мавзууда кўпроқ, батафсил сўзлан-
са, бошқасида калта-кўтоҳ, лўнда-лўнда гапирилар, ба-
мисоли хоҳлаган ерида туриб қоладиган ва яна у ёқ-бу
ёқса бориб келадиган соат капгирига ўхшар эди. Бир
вақт жим қолган дақиқалардан бирида Андрей томдан
тараша тушгандай:

— Сен, Настена, мендан нима истардинг? — деб сўраб
холди.

— Вой, бу нима деганинг? — у тушунмади.

— Мана мен, сендан нима истаётганимни биламан.
Буни ўзинг ҳам биласан. Бугун биз мириқиб гаплашдик,
шунинг учун ҳаммасини бошидан қайтариб ўтиromoқчи

эмасман. Аммо ҳали анавидан ташқари мени деб яна кўп иш қилишинг керак. Менга нон ҳам, кийим-кечак ҳам келтириб беряпсан. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси сенинг қўлингдан ўтган. Мен сени зулудек сўраверсаму, сўраверсаму эвазига ҳеч нима қайтармасам, уат-да, ахир. Ахир сал бўлсаям виждоним бор менинг. Мен бутунлай сени қарамоғингдаман, нонхўр бўлгандаям ўнталинг ўрнини босадиган нонхўрман. Ўнта нима эмиш, ундан ҳам кўп! Сен ана шу нонхўр туфайли одамлардан қўрқиб юришинг керак. Мен қўрқсам арзиди. Негаки, бунинг сабаби бор, аммо сен-чи? Хўш, сен нима деб бу ёруғ оламдан икки қўлинг тепангда кетади? Виламан, сен менга ачиндинг. Мана, бугун ҳам шунча гапларни гаплашдик, шунга ҳам ачинасан. Сен асли ўзи шунасан. Мана кўрасан, ҳали ҳеч иш қилмайсан. Мен сенга ҳеч нима демайман — йўқ, мен сени биламан. Борди-ю, ўзинг истаганингда ҳам, шундай қилолмайсан. Қўлингдан келмайди, Настена, шу гапларим эсингда бўлсин. Мен ҳамма ишни сенинг гарданингга ағдаряпман-у, аммо ўзим, нима бўлгандаям, бир четга чиқиб томоша қилиб турибман, бир ўзинг оғир юқ остида эзилиб ётишинг керак. Боя сен тўғри гапирдинг. Хўш, қўлимдан нима келарди? Нима келарди, Настена? Ўзинг ўйлаб кўр. Жон-жон деб сенга ёрдам берардиму, аммо иложим қанча? Ёрдам бергим келади, мен тайёрига айёр бўлишга ўрганмаганман, жон-таним билан бирон иш қилай дейман-у, аммо иложим йўқ. Хўш, шундай бўлгач, нима қилишим керак?

— Нима қилишим керак? Ҳеч нима керак эмас.

— Мана, кўрдингми, ҳеч нима керак эмас деяпсан, — деб илиб кетди у, гёё бошқача жавобни кутмагандек. — Мана, кўрдингми, менга керагу, сенга керак эмас. Мана шу аҳволга тушиб қолдим: мендан бирор нафи тегар, деб кутишнинг ҳожати йўқ. Буни ўзим ҳам билардим, аммо баъзи бир нарсалардан умид қилувдим. Ҳар ҳолда бирон нимани илтимос қилиб қолар деб ҳам ўйладим. Йўқ, бундай бўлмади. Лоақал бирон-бир арзимаган нарсани сўрар-ку, дедим, уни ҳам сўрамадинг. Демак, энди факат зиёним тегар экан, мен билан умринг азобда ўтаркан-да. Турган гап, энди мен тамом бўлган одамман, ҳамма учун ҳам тамом бўлганман. Мен буни билиб шу йўлга қадам қўйдим. Тўсатдан, балки сен учун ҳали тамом бўлмагандирман, дея ўйлаб қолдим. Шунда зорамора раҳм-шафқат қиласар, кўнглида мен учун лоақал заррадек жой топилар деб келдим. У қалби қаъридан оти-

либ чиқиб, аъзойи баданини ўртаётган дард-аламга қарамай, шошилмасдан, хотиржам гапираётган эди, назарида, у ўзини таҳқирласа, бу аламга чидаса, лаззатланаетган дай эди.— Бундан чиқди, сен менга фақат ачинар экансан. Албатта, бу ҳам жонимга ора киради, лекин фақат ачиниш билан узоқ жон сақлаб бўлмайди—бу ришта жуда ҳам ингичка, салга пирт этиб узилиб кетиши мумкин.

— Нималар деяпсан, Андрей?! Нима бўлди сенга?!

Настена қўрқиб кетиб, унинг гапини бўлди.— Мен сени шунчаки сўради қўйди-да, дебман, шунинг учун мен ҳам шунчаки айтдим, тавба, олиб қочганингни қара-я. Шунақаям бўларканми одам? Нега бунақасан-а? Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, роса олиб қочдинг-да, менинг ҳам миямни ғовлатиб юбординг. Қотмаган бошимни қотириб нима қиласан, кераги йўқ. Ҳали бир кунингга яраб қоларман. Агар истасанг, мен сенга ҳозир ҳам минг хил иш топиб бераман.

— Масалан, қанақа?

— Аввалига лоқал сал тилингни тийсанг. Айтсанг айтмасанг ҳадемай азобимни тортиб қоламан, бунинг устига яна сен ҳам ишонмасанг, унда ҳолим нима кечади?

— Турган гапки, агар мен бўлмасам, сенга анча яхши бўларди.

— Бўлмаса-чи! Албатта яхши бўларди,— деди Настена унинг галига қўшилиб.— Агар ўзим бўлмасам, ундан ҳам яхши бўларди. Ҳеч нимани билмасдим, кўрмасдим, эшитмасдим; ҳеч нимага куймасдим, азоб ҳам чекмасдим—оҳ-оҳ, шундоқ яхши, тинч бўлардик! Ғалатисан-а, агар мен манавидақа — қорним дўмпайиб турса, нима ҳам қиласман? Нега тағин сен мен бўлмасам, сенга яхши бўларди дейсан? Бунақа гапни эшитишни ҳам истамайман, билдингми? Сен мени ўзингдан ажратмай қўя қол, кераги йўқ.— Настена нафасини ростлаб олиб, давом этиди:— Энди нима бўлса, биргамиз. Сен у ёқда гуноҳ қилиб келибсанми, энди мен ҳам сен билан бирга гуноҳкорман. Бирга жавоб берамиз. Борди-ю, мен бўлмасам, балки шу гаплар бўлмасмиди. Шунинг учун сен ҳамма айбни бир ўзингга олаверма. Мен сен билан бирга бўлдим, наҳотки шуни кўрмаган бўлсанг? Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам ўша ердаман. Сен эса бу ерда мен билан бирга бўлдинг. Икковимиз ҳам бир хил туш кўрибмиз, бу бежиз эканми? Оҳ, Андрей, бу бежиз әмас. Сен истайсанми-истамайсанми, биз қаерда бўлсак ҳам бирга бўлганимиз, ярмимиз бу ерда, ярмимиз у ёқда. Нима, сен қаҳрамон бўлиб қайтиб келсанг, бунинг менга алоқаси

йўқмиди, сенингча шунақамиди? Нима, сен билан бирга хурсанд бўлишга ҳаққим йўқмиди? Э, қўйсанг-чи? Менинг эрим деб бошим осмонга етарди. Мана, қаранглар, хотинлар, ҳавасларинг келсин, мен мана шунақаман, мана, кимлигимни кўрсатиб қўйдим, деб қишлоқда керилиб юрардим!

— Э, сен бунақани әсламасдинг ҳам, фарқига ҳам бормасдинг...

— Нега энди? Нега фарқига бормасканман? Бошингга шундай кун тушибдими, демак, мен сени яхни эҳтиёт қилолмабман. Модомики чидолмабсанми, демак, ё сен менга ишонмагансан, ё шунча гидрикапалак бўлганим сенга камлик қилибди, ё яна бирон нима етишмаган. Сен мени оппоқ дема, бари бир ўз айбимни ўзим кўриб турибман. Масалан, дейлик, борди-ю, мен сени кутмасдан битта-яримтага тегсам-у ҳаммасини ташлаб, ўша билан бирон ёқларга ҳайё-ҳуй деб кетиворсам, унда бир мени айбдор деб ҳисоблармидинг?

— Бўлмаса кимни айблардим?

— Йўқ, ўшанда ҳам сен бу ишга аралашган бўласан. Нега энди сен бир чеккада туравераркансан? Шундай қилишимга сен ёрдамлашган бўласан. Бу иш анча олдин пишиб қолган бўлиши мумкин, қачон пишириб қўйганимизни ўзимиз унутиб юборгандирмиз ҳам, аммо бирга пиширган бўламиз, бир ўзим бунақа ишга ботина олмасдим. Эй худойим-еї, нималар деяпман-а. Мен зинҳор-базинҳор бунақа қилолмасдим, шунинг учун бу айб сенга, бу айб менга, деб бўлиб ўтиришнинг ҳожати йўқ демоқчиман. Сен билайн мен бирга яшаймиз, деб бир ёстиққа бош қўйганимиз. Тўрт мучалинг соғ бўлса, бирга туриш осон, бу худди тушга ўхшайди, ўйин-кулгинингни қилиб ўтаверасан. Бошга ёмон кун тушганда бирга бўлиш керак, ана шу мақсадда одамлар бир ёстиққа бош қўйишади. Мен сенга туғиб бермадим, аммо сен мени ҳайдаб юбормадинг-ку. Боримга кўниб юрдинг-ку, яхшироғини қидириб қолмадинг-ку. Хўш, қани айт-чи, сендан ажраб кетишимга ким қўйиб қўяркан мени? Қайтанга ўзим адойи тамом бўлардим, ўзимни ўзим ердим.

— Ёмон билан ёмоннинг фарқи бор, Настена. Мен жиноятчиман, қонуннинг ўзи менга қарши. Нима, сен ҳам менга қўшилиб, жиноятчи бўлишинг керакми?

— Энди сўрашининг ҳожати йўқ. Шу ишга қадам қўймасингдан олдин ўйлаб кўриш керак эди. Шу йўлга юрдингми, демак, мени ҳам ўзинг билан судраб кетдинг. Мен бошқача йўл тутолмайман. Ахир ўзинг кемага чиқ-

жанинг жони бир, деб айтгандинг-ку. Бу тўппа-тўғри, Аммо менга ишон, ишон, йўқса икковимизга ҳам ёмон бўлади, ўзимизни ўзимиз қийнаймиз.— Настена Андрей нима деб жавоб беришини кутиб жим бўлди, аммо Андрей ҳадеганда жавоб беравермади, шунинг учун Настена ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди:— Мен, эҳтимол, тақдирим бошқача бўлишини хоҳлардирман, аммо бошқача тақдир бошқаларнинг ўзига буюрсин, менинг кўз очиб кўрганим мана шу. Уни ҳеч кимга бермайман.— Настена яна жим бўлиб қолди, кейин яна қўшимча қилди:— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, Андрей. Яхши бўлмай иложи йўқ. Мана кўрасан ҳали.— Андрей бари бир жавоб бермади.

— Менга эса ҳозир ҳам яхши. Ахир ўзинг биласанку, менга кўп нарса керак эмас. Сен билан турғанимнинг ўзи менга катта давлат, бошқаси бунинг олдида бир пул. Нима бўлгани эсимда йўқ, кейин нима бўлиши билан ишмай ўқ. Яна бирон гап бўлишига ҳатто ишонгим ҳам келмайди. Бир умр шундоқ қолаҳи шекили: сену мен, икковимиз. Фақат шу соқолингни қириб ташласанг бўлармиди, бу соқолинг билан бирорларга ўхшайсан. Нима қилсанг ҳам мана шу соқолингга сира кўнига олмаяпман, вассалом.

Настена хиёл кўтарилиб, унга ўғирилди, шунинг учун Андрей уни кўрмаса ҳам нафас олишининг ўзгаришидан хотинининг жилмаяётганини сезди. Шунгача улар гёё бир-бирига эътибор бермаётгандай, гёё иккови ҳам ўзига ўзи гапираётгандай юқорига, шифтга қараб қимир этмай чалқанча ётарди. Андрей бошдан-оёқ кўзларини юмиб ётиб гапирарди — чиндан ҳам шу қулай экан. Аммо ҳозир у Настенанинг табассумига жавобан кўзини очди, унинг меҳрибонлик билан мулойим боқиб турган нигоҳларини кўрдию бу нигоҳларга тоб беролмай кўзларини олиб қочди.

— Нега илгари бирон марта ҳам мана шунаقا гаплашмабмиз-а? — деди у ва ўз гапини исботлаш учун ичидан зил кетиб, хотиржам бошини чайқади.— Ахир, ҳаммаси бошқача — тескариси бўлиши мумкин эди-ку. Ёки бу шунаقا туюлдимикин. Э, ким билибди дейсан! Аммо бунача гаплашганимиз йўқ, буниси аниқ, гаплашганимиз йўқ. Ён гаплашганимиз-у, ҳар куни қаёқдаги икир-чикирларни, кимнинг арзимас дарди бўлса, шуни гаплашганимиз. Ахир, шу тўрт йил ичидан бир-биримизнинг кўнглимиизга қўй солиб, ким нимани ўйлаётганини сўрашга, гаплашишга вақт бор эди-ку. Бундан чиқди, мен сени яхши билмасканман. Юзингга қараб

юраверибман. Борми бор, бўлди дебман, сенинг кўнглиингда нима бор, ўзимнинг дилимда нима борини билмабман. Қара-я, сенга қўл кўтарибман-а.

- Менга қўл кўтарганинг йўқ.
- Кўтарганинг йўқ?
- Йўқ.

— Демак, ёмонликни эслагинг йўқ экан-да. Ҳаймайли, эсламасанг эслама. Агар эсласанг, менга сал енгил бўлармиди девдим-да. Менга сендақа хотинни ким қўйибди? Сендан жуда катта қарздор бўламан, аммо қарзимни узишга, ўзинг кўриб турибсан, ҳеч нимам йўқ. Эҳ, Настена-Настена! Сен мени эмас, бошқа бирор нинг этагидан тутсанг бўларкан. Сен шунчаки айтди қўйди дема, жиддий гапирипман. Ахир, сен фариштасан-ку! Нима қилиб менга учраб қолдинг ўзи? Сира ақлим етмайди.

— Менга эса, сен яхшисан, бошқанинг кераги йўқ. Ҳали ҳам айтувдим. Шунинг учун бу ёғи билан ишинг бўлмасин.

- Яхши бўлмагандада ыима қилардинг энди...

— Ҳеч нимани тушунмайсан-ей, Андрей.— Настена ранжиб, алам билан хўрсиниб шивирлади ва бошини яна ёстиқ ўрнига думалоқлаб қўйилган нимчасига қўйди.— Гапларинг қизиқ-а, менга яхши-ёмонлигини нега билмас экансан, қаёқда эдинг?— Андрей жавоб бермади, унинг жавоб бериши шартмаслигини пайқаб, Настена гапида давом этди.— Сен мени бу ерга олиб келга: нингда, мен бу ергагилардан биттасиниям билмасдим, ҳаммаси, ҳаммаси бегона эди. Аслини сўрасанг, мен кўзимни чирт юмиб, сенга әргашиб келаверганман. Қаёққа олиб борсанг ҳам бари бир эди. Мен ҳатто ўзингни ҳам тузуккина билмасдим, нима энди, номигагина икки-уч марта учрашдик, яна номигагина ҳазил тариқа келишиб ҳам олдик. Мен охирги дақиқагача ҳам боришингга ишонмовдим. Нима, одам қўрқмайдими, ахир? Бутун ҳаётингни бошқатдан бошлайсан, илгариги ҳаётингдан ном-нишон қолмайди, бир ўзим, ўзимми ёки бошқами, ақлим етмай қолди. Ҳу эсингдами: пароходдан бирга тушдик, у ёқ-бу ёққа қарашга қўрқаман, текис ерда ҳам туртиниб кетаман. Эсингдами? Шунақа бўлувди: жардан чиқаётганимизда оёқларим чалишиб, йиқилиб тушувдим. Одамлар куларди, шундай изза бўлдимки, оёғим остидаги ерни кўрмасдим. Юрагим ёрилганини сездинг-у, қўлимдан ушлаб, етаклаб кетдинг. Уйга келдик, сен, мана, хотиним мана

шу, дединг. Отанг исминг нима, деб сўради. Настя, дедим. Отанг бошқача қилиб, Настена деди. Ўша-ӯша исмим Настена бўлиб кетди. Онанг бўлса чурқ этмай қараб туарди. Қарасам, онангга унча ёқмадим шекилли, балки онанг бошқачароқ келин келишини кутгандир. Сен буни сездинг. Сездинг-у, менинг тўғримда ганириб, бир ўзи, қовургаси қайишадиган одами йўқ, қўйинглар, хафа қилмайлик, дединг. Кулиб, ҳазил қилгандай бўлдинг, аслини олганда, ҳазилнинг ўрнимиди? Ана ўшанда сенга тегиб, панд еб қолмаслигимга ишонгандим, тақдир мени қаёққа улоқтиурсаям, барибир сен билан яхши туришимга амин эдим.

Ўша куни кечқурун сен мени одамларниги етаклаб бординг. Эсингдами? Витя Березкинниги, Максим Воложинниги ва бошқаларниги кирдик. Айтаман деб унутибман: яқинда Максим қайтиб келди. Қўлим қаттиқ шикастланди, дейди ҳозиргача ҳам боғлаб юрибди.— Андрей бу янгиликни эшитса ҳам, нафасини ичига ютиб, чурқ этмади, шунинг учун Настена давом этди:— Сен мени одамларга кўрсатиб, мақтаниш учун олиб юрмадинг, йўқ, мени тезроқ одамларни таниб олсии, буларнинг ичида бегонасираб юрмасин, деб олиб юрдинг. Ростдан ҳам эрталаб Витянинг Надъкасини учратиб қолдим, кўрдим-у, кўзларим косасидан чиқиб кетаёзди: менинг танишим бу ерга қаёқдан келиб қолди, деб ўйладим. Ахир мен уни биламан-ку, биламан-ку ахир, аммо қаерданлигини, кимлигини тополмайман. Кейин эса, ё тавба, ахир куни кеча танишдим-ку, деб ўйлаб қолдим, уларниги ўзинг олиб борувдинг, мен ақлсизнинг бўлса миям ачиб кетганди. Ўшани кўрдим-у, худди туғишганимни кўргандай хурсанд бўлиб кетдим. Ўшанда биз, эсимда, омборда тунаган эдик. Сен, шу ерда ётамиз, деб туриб олдинг, кейин ўша ерга ўрин қилиб беришди. Аввалига менга жуда ғалати туюлди, аммо омбор озода, саранжом-саришта эди — ҳу ҳовли томондаги кичиги. Аммо деразасиз, қоп-қоронги эди. Мана шунаقا кати бор эди, кейин ўша кат нима бўлди, ким уни бузиб олди? Ҳа, айтгандай, ўзинг бузувдинг. Тўғри, ўзинг бузувдинг: қандук қилиш керак бўлиб қолувди. Э, аттанг, жуда шинам кат эди-да. Худди зин-дондай қоронги эди-ю, аммо ёғоч-тахта, қиринди ҳиди анқиб туарди, отанг ўшангача дурадгорлик қилган эканми? Ҳозиргидай эсимда, ўшанда сендан ҳам қиринди ҳиди келарди. Сен мендан қўрқмайсанми, деб сўрадинг, мен эса, йўқ, сен бўлсанг қўрқмайман, дедим.

Шунда девор орқасидаги құндоқдан хүroz худди гапимизни әшитиб, синааб күрмөңчи бўлгандай жазаваси тутиб қичқирғанди. Менинг жон-поним чиқиб кетувди.— Настена оҳиста, майингина кулди-да, сўнг жимиб қолди. У енгил хўрсаниб қўйди.— Эрталаб эшикни зўрга қидириб топдим. Қайси томондалигини сира қидириб тополмайман. Сен бўлсанг, тушгача донг қотиб ётдинг, ёш хотиннингни ҳам эсингдан чиқариб юбординг. Мен Ангарага бориб, полизларни кўрдим — унисини ҳам, бунисини ҳам. Сенсиз ионуштага ўтирамадим, сени кутдим. Ойинг чида буролмасдан сени уйғотди. Эсимда, ҳаммамиз бирга — отанг, ойинг, сен, мен чой ичдик. Сен бўлсанг, гўё кечаси мен аллақаёқларда юргандай, киши билмас шилқимлик қилардинг, тегишардинг. Чойдан кейин сен, қани бўл, дединг. Мен қаёққа, десам, сен қаёққа бўларди, адирга-да, дединг. Кейин чиндан ҳам мени адирга, сайхонликка олиб кетдинг, экин ерларини, бекор ётган ерларни кўрсатдинг, ҳаммаёқни кўрсатдинг, гапириб бердинг, кечгача айланиб юрдик. Қайтиб келсақ, оғайниларинг ўтирган экан. Оғайниларинг, модомики, уйланган бўлсанг, қани тарасунни¹ келтир дейишиди. Ҳашанды Витя ҳам, Максим Вологжин ҳам бор эди. Витя ҳалок бўлди, билсанг керак? Биласан, ёзгандим-ку. Эри йўқлигида Надъканинг қиз кўрганини ёзган-ёзмаганим эсимда йўқ. Надъканинг боласи учта, шўринг қурғур қийналяпти, жуда қийналяпти. Иложи қанча?

Настена чапга, Андрей ётган томонга кўз қирини ташлаб қўйди. У ҳатто нафас олаётганини ҳам сездирмай, кесак бўлиб ётарди, шунинг учун Настена Витяни беҳуда тилга олганини пайқаб қолиб афсусланди. Андрей Витя билан оғайнини эди. Аммо Настена бирон нимани аралаشتриб, бу гапни бўлиб қўйишга шошилишни истамасди. Эҳтимол, у бунинг уддасидан чиқа олмас ҳам эди. Шодлик ва ташвиш билан тўла бу хотиралар бутун борлиги билан равшан гавдаланиб, мени ташлаб кетма, буёғини ҳам гапиравер, деб илтижо қилаётгандай кўзи олдида лишиллаб турарди. Настена қаерда тўхтаб қолса, ўша воқеа қалқиб, шундоққина кўз олдига келарди-да, гўё биз ҳам бормиз дерди-ю, уни қўлидан тутиб, әргаштириб кетарди. Чиндан ҳам ўша пайтлар жуда маза эдида, кунлари хуш-хурсандлик, ўйин-кулги билан ўтарди, келажакда бундан ҳам яхши бўладиганга ўхшарди! Шун-

¹ Тарасун — тозаланган қимиз ёки икки марта тортилган сутдан тайёрланган ароқ. (Тарж. изоҳи.)

дай бўлса ҳам Настена ҳарқалай хотираларга берилшини бас қилди: шуниси ҳам етарли. Настена кейинги пайтларда кўрган кунларини ўйлаб, авзойи ўзгарди ва кулимсизраб сўради:

— Сен ҳу анави курсда ўқиб юрганингда олдингга, районга борганим эсингдами?

Улар турмуш қурганларининг иккинчи йили қишда колхоз Андрейни ҳисобчилар курсига юборди. Ҳарқалай унинг олти синф ҳажмида маълумоти бор эди-да, шунинг учун гарчи у тракторчилар курсига боришни мўлжаллаб турган бўлса-да, айнитишиб, ҳисобчилар курсига юборишиди. Гарчи тракторчиликка ўхшамаса-да, бу ҳам ҳарқалай тузуккина, кўзга ташланадиган иш, аммо доимо уйда, бир ерда бўласан, бордию МТСга ўралашадиган бўлсанг, ойлаб бегона ерларда, бегона одамлар ичиди юрасан, касб танлашда худди мана шу жиҳати Андрейни тўхтағиб қолди.

Андрей янги йилда уйига келиб, то рождествогача турди, февралда эса, Настена унинг олдига боришга отланди. Район марказигача етмиш чақирик келарди, йўлда бир кеча ётиб бориларди. Бир чанани қўшиб, Иннакентий Иванович, нима иш биландир касалхонага бориши зарур бўлган Доно Василиса ва Настена жўнашди. Иннакентий Иванович билан Настена вақт ўтказиш мақсадида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб борарди, Иннакентий Иванович гапиришни яхши кўради. Доно Василисанинг эса, ҳар бир сўзи тилла эди, беҳуда гапирмасди. Улар эртанисига кечқурун районга етиб боришиди. Ишларни бир кунда битириб олишга келишишди-да, ҳар қаёққа тарқаб кетишиди. Настенанинг эса Андрейни кўришдан бошқа иши ҳам йўқ эди, бунақа ишга неча кун бўлса ҳам камлик қилади, албатта.

Андрей сой соҳилида, Ангарага қўйиладиган жойдан сал наридаги кўримсизгина уйда туради. Настена борганига уй эгаси — кампирнинг таъби тирриқ бўлиб кетди, Андрейнинг ҳамхонаси — ёши қайтган, бадқовоқ, чўтири, кўзойнак тақиб юрадиган мужикининг эса, ундан баттар диққати ошди, кўзойнагининг шишалари ҳам ҳар хил — бири очроқ, бири тўққора бўлиб, худди отларнинг кўзласига ўхшарди. У каравотда қўлда китоби билан ётганича ётаверди, ўрнидан ҳам турмади, лоақал кўнгил учун «келинг» ҳам демади. Андрей ҳовлиқиб, шошиб қолди ва тунаш учун Настенани Колхозчилар уйига олиб борди.

Настена илгари, ҳали эрининг олдига боришни ўйлаб юрган кезлари бир нимадан сал-пал умидвор бўларди,

бироқ бу илинжини чүчитиб юборишдан ўзи ҳам қўрқиб, уни сир сақларди. Андрейга-ку бу илинжини ўлса ҳам айтмасди, албатта. У уйимизда-ку иккиқат бўлолмадим, балки бу ерда бўларман деган андишада эди. Уйда улар бир-бирига ўрганиб, синашта бўлиб қолган, бу ерда эса, ишлар бошқача бўлади, бу таъсир этиши мумкин.

Қайтанга ҳаром-ҳариш юрсанг, беихтиёр дарров ушлайди, деб бекорга айтишмайди, бунақа пайтда бола бўлиб қолишини ҳам унугиб қўясан, кейин бир маҳал қарабсанки, салом-алайкум деб чиқиб турибди-да! Настена эса ҳалолу пок, иштиёқ билан бўлишини истайди, факат шуниси борки, уйидан олисда-да, шунда ҳам ноиложликдан. У бу хомхаёлдан бирон нима чиқишига ишонмасди, аммо қанчалик ишонмаса, ўзини синаб кўришга шунчалик қизиқиб, шунчалик ошиқарди.

— Эсингдами, ўша куни эрталаб сен ўқишингга бормадинг, мени олиб кетгани келдинг, кейин икковимиз яқингинадаги, йўлнинг нариги бетидаги чойхонага бордик. У ерда, стол устида каттакон самовар турган экан, мен умрим бино бўлиб бунақа самоварни кўрмовдим. Жўмраги бузук экан, сув оқиб турарди, шариллаб оқарди, тагига атайлаб чуқур ликопча қўйишибди. Нега уни тузатиб қўйишимаган экан, билмайман. Ўша чой дамлаб бераетган хола, шартта ликопчани олди-да, ўшандан сенга стаканга чой қўйди, сен сезиб қолдинг. Сен, йўқ, самовардан қўйинг, дединг. У бўлса баҳслашиб, ахир бу самовардан оққан-ку, деди. Сен бўлсанг, йўқ, томган, бу чой эмас, чайнинди, дединг. Хола бўлса, сираям чайнинди эмас, дейди, сен эса, чайнинди, дейсан. Ҳарқалай хола тан олди, самовардан қўйиб берди. Эсимда, сен менга қоғозли конфет ҳам олиб берувдинг, мен ўшани оққанд ўрнида кумир-кумир қилиб тишлаб, чой ичувдим. Конфетлар асалли эканми, жуда ҳидли, чўзиларди есанг, мазаси анчагача сганингизда қолади, кетмайди.— Настена, гўё ўша унугилмас хушбўй ширинлик таъми ҳамон оғзидан кетмагандай, тилини тақиллатиб, лабини ялаб қўйди.

— Кейин чойни ичиб, қоринни тўқлаб, яна сен турган уйга бордик. Шиshalари ҳар хил кўзойнак таққан анави мешқорин йўқ экан, кампир уйда экан. Унга ҳисобчиликка ўқишининг ҳожати йўқ эди — булар нима ишқилсак, шунга қараб ўтираверди. Ёмон кампир экан: биз қачон кетаркин, деб кутиб турганимизни кўриб турса ҳам жўрттага ўтириб олди. Шундан кейин сен уни жўнатишнинг йўлини топдинг: магазинга бориб, чорактаклик олиб келинг, деб пул бердинг. У бўлса, кейин ўзинг

айтиб берувдинг, пулни ўзи олишни яхши кўаркан, бу ишни бирорга ишонмас экан. Кампиримиз ғимиirlаб қолди, чоракталикка десанг, майли, чопқиллаб бориб келаман, аммо бошқа ишни буюрсанг, ўлсам ҳам ўрнимдан қўзғолмасдим, деди. Сен унга чопқиллаб нима қиласан, секин бориб келсанг ҳам бўлади, улгурасан, дединг. Кампир бўлса, мен-ку улгураман-а, аммо сен, қарогим, эшикнинг илгагини ҳарқалай илиб қўй, ман уйимга одамга ўхшаб келай, деди.

Настена илиқ, бадани силкинмасдан мулоийим кулди, гўё сув юзида кичиккина ҳалқача гилдираб, аста тойиб бўлди.

— Кейин икковимиз куни билан юравердик, юравердик — бормаган жойимиз қолмади,— у яна овозини пастлатиб, сўзларни чўзиб, шивирлаб гапираверди.— Сен мендан бир қадам ҳам нари жилмадинг, бирга юрганимиздан ҳатто хурсанд әдинг, хурсандлигингни шундоққина кўриб турадим. Мен бўлсам, эҳ, қанчалик хурсанд бўлганимни қўяверасан энди! Қиши совуқ бўлсаем, хурсандлигимдан қизиб кетувдим. Ёнингда кетяпман-у, юзим ловиллаб, қўлларим титраётганини сезиб боряпман. Ахир, мен аввалига нимага келдинг, деб сўрайсанми, деб қўрқиандим-да. Рост-да, нимага, ахир? Гап билан тушунтириб бўларканми, ахир? Аслини олганда, сенда ҳеч қанақа ишим ҳам йўқ әди-да, ўзи. Бордим, холос. Ҳолингдан бир хабар олай деб бордим! Бир ўйнаб келай дедим-да, сени ўқишдан қолдирдим. Кино кўрдик! — дея тўсатдан хитоб қилди Настена, деярли бақириб.— Эсингдами? Кино кўрувдик! Қара-я, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Хотирам ҳам ўлгудай сийқаланиб кетибди: энг муҳимлари эсимдан чиқиб қолади. Эртанисига, қайтиб келаётгани. мизда кўрган киномизни айтиб бера бошладим, шунда Доно Василисанинг ҳам тили чиқиб қолди. Сен билан мен энг охирги қаторда, кино кўрсатадиган дарча тагида ўтиргандик. Ниҳоят, сен менга энгашиб, эртага кетмасанг яна бирон кун қолсанг бўлармиди, деб шивирладинг. Мен бош чайқадим. Қўзимдан эса дув-дув ёш оқяпти. Ўзинг қол деяпсан, ўзинг. Юрагим қинидан чиқиб кетай дерди...

Хўш, кейин, кейин нима бўлгани эсингда борми, Андрей? У ёги жуда қизиқ бўлувди. Мени Колхозчилар уйига элтиб қўйишингдан олдин, яна сеникига кирдик. Кампир энди анча юмшаб қолганини билардик. Бордик, борсак, кампир қани қарогим, чоракталикка чўзиб қўйгин-у, шу ерда, ошхонамда қолавер, мен эса, ўртоғимни-

кига бориб ётаман, ўртоғим билан отамлашиб ўтирамиз, деди. Сен пул бердинг — кампирнинг илтимосини рад этиб бўларканми? Кампир чиқиб кетди, орадан кўп ўтмай, биз ҳали ётишни ўйлаб улгурмасимиданоқ қайтиб келди: магазин берк экан, чорактам бўлмаса, ўртоғимни книга бориб нима қиласман, деб қолди. Шундан кейинг ўзинг чопиб чиқиб кетдинг, қаёқдандир топиб келдинг, кампирни жўнатдинг. Кейин қарасак, анови қовоги солиқ мешқорининг ҳам келмади, бирон жойда тунаб қолди шекилли. Бутун бошли уйга ўзимиз бек, ўзимиз хон бўлиб қолавердик. Эҳ, Андрей! Сен бўлсанг, мендан хафа эмасмисан, деб сўраб юрибсан-а. Нималар деяпсан ўзи?! Эй худойим! Ўзинг ўйлаб кўр. Менга яна нима керак, ахир?

Аммо Андрей энди унинг гапларини эшитмас, тушунмас эди. У аввалига Настенанинг гапларига қулоқ солиб ётаркан, аъзойи бадани ёқимли живирлаётганини, бу живирлаш бора-бора кучайиб, юрагини орзиқтириб юборганини ҳис этди — шу ишлар чиндан ҳам бир вақтлари бўлгани учун юраги орзиқиб кетди, бу ишлар унинг ҳам эсида бор эди, аммо у буларнинг қандайдир юзаки, ғира-шира, эътибор бермай, шоша-пиша эсларди, гўё бу воқеалар унинг бошидан эмас, унгача бошқа бирорнинг бошидан ўтгандай, ўша киши ўз саргузаштини бунга бериб қўйгандай эди. Энди у бу хотиралардан гангид қолганди. Бу ишлар энди худди кечагидай кўз олдига келиб, аъзойи баданини ўртаб юборарди: ўтган куни билан ҳозирги куни сира бир-бирига ўҳшамасди. Бу хотиралар бир-бирига мутлақо зид эди, улар бир идиш ичида бутунлай бошқа-бошқа жойни әгаллаб, бир-бирига қўшилиб кетолмасди, белгиланган чегарадан ўта олмасди. Аммо Андрейнинг ўз хотираси даҳшатлироқ, кучлироқ эди, у истаган пайтида бошқасини босиб тушиши мумкин эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Настена сал ҳаяжонлануб гапиравди. Андрей эса, жавоб бермасдан эшитарди, баъзисини илғаб қоларди, баъзисини илғаб ололмасди, ўз саргузаштининг майда-чуйдасигача ўйлаб қоларди: гарчи у Настенага әргашиб, у очиб берган текис йўлдан кетаётган бўлса-да; барибир қийналиб, тез-тез қокилиб кетарди, у мени қаёққа бошлаб кетяптийкин, деб қўрқиб, атрофига алангларди. Ниҳоят ўз саргузашлари эсига тушганида у ажабланмади — шундай бўлиши керак эди, у гўё саргузашларига интиқ бўлиб тургандай, тортадиган азобини тортиб, бошига тушганини кўриб, яна тезроқ Настенанинг ёнига қайтишни умид қиласарди.

Бу, шу хотиралар ўз-ўзидан, аллақандай бир ўргим-чак тўридан бошланди шекилли, у әҳтиётсизлик қилиб, шу тўрни ўз йўлига ёзиб юборди, Андрейнинг йўлини тўсишга шунинг ўзи кифоя бўлди-қўйди, кейин эса, бошқа манзара пайдо бўлди. Бу манзара бугунги кунига жуда ўхшаб кетарди, ундан воз кечишига Андрейнинг кучи етмасди. Кейинги, урушга доир воқеалар ҳамиша тўсатдан эсига тушарди да, анчагача кўз олдидан кетмай, ҳар бир икир-чикиргача аниқ, равshan кўринарди-ю, уни шафқатсизлик билан эзиди, титратиб юборарди, Андрей Гуськов бир неча марта айнан бир нарсани бошидан қайта-қайта кечиришига мажбур бўларди. Аслида эса, ўшанда юз берган воқеа туфайли унинг ишлари чаппасига кетди: у аввал госпиталга тушди, кейин бу ёққа жўнаб қолди.

...Илиқ ёз оқшоми артиллерия тайёргарлиги вақтида яширин ўт очиш позициясидан огиша-отиша янги жойга кўчиб ўтмоқчи бўлишди. Қузатувчилар билан аллақачон алоқани тўхтатишганди, ўнг томондаги батарея ҳам кўчган эди, чап томондаги эса, ҳали ивирсиб юрганди. Унчалик шошилтиришмади ҳам. Андрей жанг қилаётган гаубица расчёти ҳар қалай прицелни олишга, станокни чиқариб, беркитишга улгуришганди, энди филофи билан овора бўлиб ётишганди. Дараҳтлари сийрак, ўркачсимон дўнглик орқасида бирин-кетин келаётган тягачларнинг моторлари гувилларди, шалоқ бўлиб кетган кузовлари чайқалаётган икки машина тўпларнинг олдига ўрмалаб келиб қолганди.

Тягачларнинг мотори, чамаси танкларнинг гувиллаган овозини босиб кетганди. Йигиштириш ва кўчиб ўтишга одамлар шунчалик бепарво қарашардики, уларнинг хавфхатарга нисбатан туйғулари шунчалик ўтмаслашиб қолган эдики, улар бегона, қуюқ гувиллаган овозни эшишиб, билиб ҳам бу овозга эътибор беришмади. Немис танклари рўпарадаги дўнглик устига чиқиб, бир лаҳза эсанкираб туриб қолди, сўнг физиллаб пастга туша бошлади, ана шунда ҳанг-манг бўлишини кўринг унинг! «Қаёқдан келиб қолди? Олдинда ўзимизни килар бор-ку! Қаёқдан келиб қолди?» Бир-икки батареяда қичқириқлар эшишилди, расчёtlар типирчилаб, филофларни ечишди, станокларни очишиди, тўпларнинг стволларини тушириб, буришди. Андрей (у ўқловчи эди) снарядлар яшигига қараб югорди, тўсатдан снаряд портлаб у гаранг бўлиб ерга ағдарилиб тушаётганида гўё юмуқ кўзлари билан ҳам қўшни гаубица фидирагининг оҳиста сузиди, айланиб, гоҳ юқорига кўтарилаётганини, гоҳ яна пастга тушаётганини кў-

раётгандай бўлди. Андрей тирик эканини сезгач, олдинга сакради ва яшикни кўтариб келди.

Танклар бешта эди. Аммо чапдаги биринчи батарея уришга улгурганди, бир танк ёнаётганди. Андрей турғаң томондаги иккинчи батарея эса ҳали биронта ҳам ўқузолмаганди. Командир бир нималар деб кучаниб, бўғилиб бақираварди, аммо нима иш қилиш кераклиги командасиз ҳам равшан эди. Танклар дўнгликдан ўрмалаб тушиб, бўлинди: иккитаси биринчи батареяга, иккитаси эса, иккинчи батареяга қараб юрди, аммо улар ўқчилар бир-бирини ўққа тутсин деб атайлаб батареялар ўртасидаги чизиққа чиққанди. Аммо буни ўйлаб ўтиришга вақт ўқ эди.

Батареядаги биринчи Андрей Гуськов ўқлаб бериб турган асосий гаубица биттагина тўп узишга улгурди.

Кейин ёнида бир нима қасирлади, бир лаҳза жаранг-журинг қилди, шундан кейин у, назаридан ўмбалоқ ошиб, бир четга бориб тушди.

Қаердандир олис-олисдан Настенанинг овози қулогига чалинарди. Мехрибонлик билан тўхтовсиз чорлаётган бу овоз сеҳрли оҳанг билан Андрейнинг баданини жи-мирлатиб юборди. Сўзларни у ажратолмади: чўянларнинг чўян билан қисқа, даҳшатли тўқнашувидан ҳосил бўлган гумбурлаш унинг қулогини қоматга келтириб турарди, ҳозир бу ерда одамларнинг зарурати ҳам йўқдек эди, унинг кўзлари олдидан жанг манзараси лип-лип ўтарди, аччиқ тутун бурқсирди, жанг авжига чиққан жойда қичқириқлар эшитиларди, мустаҳкамланмаган тўп тиргаклари ўйдим-чуқур қилиб ташлаган ер қоп-қорайиб ётарди, тягачлар шоша-пиша қайтиб ўзларини пана-нага олайтганди, тўп наводчиги Коротъко бошини кўта-риб, осколкадан дабдала бўлган қорнига қаарарди, снаряд портлаб, ствол гилофини осмонга учирив юборган — бу ҳаммаси шарақ-шурук қилаётган гусеницалар ваҳима солиб, юракни ёраётган вақтда содир бўлди.

Ногаҳон Настенанинг овози эшитилмай қолди. Андрей ҳали ўзига келмай, сўнгги жанг хотираларидан қутулмай туриб, оқиста ўгирилди ва Настенанинг кўзларида бутунлай бошқа нарсани кўрди — унинг кўзлари ўз саргузаштларидан илиқ боқиб турарди. Андрей оргиқ чидаб туролмай, бошини унинг кўксига қўйди-да, инграб юборди.

— Андрей, нима бўлди?! Нима бўлди?! Нима бўлди сенга?! — у қўрқиб кетди. Андрей сал бўлмаса йиглаб юборай деди-ю, аммо ўзини тутиб қолди.

— Ҳеч нима, ҳеч нима бўлгани йўқ, Настена. Сен шу ерда, ёнимдасан.

Лекин у ҳозиргина кўзига кўринган жанг шу лаҳзада ҳам давом этаётгандек ҳамон қўрқиб, атрофига аланглар эди.

— Нималарни ўйлаяпсан-а? — Настена әркалаб унинг бошини силади-ю, аммо ўзининг гапидан қолмади. — Вой тентаквойим-ей. Нималарни ўйлаб топасан-а. Балки мен Силан бўлганинг учун ҳам шу кўйга тушгандирсан, аммо мени қўявер. Мен эса, ҳамиша сендан миннатдорман, ҳамиша — шуни бир билиб қўй. Сен бўлмасанг, бу ёруғ оламни бошимга ураманми? Қанақасига сенсиз яшарканман? Шунча йилдан бери, ахир, сени кутдим, бошқа бирорвни эмас, сени кутдим. Этаётганимдаям ўзимча аввал сен билан бир гаплашиб олиб, кейин ётардим, эрталаб туроётганимдаям худди сен ёнимда ётибсан-у, сени бир сийпалаб қўймасдан, сенга нима бўлганини билмасдан ўрнимдан турмасдим. Мен чиндан ҳам сени кўриб тургандай бўлардим, аввалига ҳеч ким кўринмасди, худди шамолга ўхшаб гувиллаган овоз эшитиларди, кейин се-кин-аста пасайиб, тинчиб қоларди — демак, шу яқин ўтадасан, кейин ўзинг пайдо бўлардинг. Негадир доимо бир ўзинг кўринардинг. Солдатча энгил-бошингда ўтирадинг ё турардинг, шундай хомуш, қайгули, ёнингда ҳеч ким бўлмасди. Мен соғ-саломатлигингни кўрадим-у, орқамга қайтардим: тўхтаб туриш ё гаплашиш мумкин эмасди. Мана шунақа қилиб чидаб, кун ўтказдим. Мен, эҳтимол, ҳаддан ташқари кутгандирман, сени ўз ҳолинга қўймай, жанг қилишингга халақит бергандирман. Нимани қилиш мумкину нимани қилиш мумкин эмаслигини мен қаёқдан билай, қўлимдан келганини қилдим, тамом, ҳеч ким ўргатмади, айтмади. Сен ҳам индама-динг. Эҳ, Андрей, Андрей...

Андрей бошини чангллади-да, худди оғир юкни олиб ташламоқчи бўлгандай, сарак-сарак қилиб ингради:

— Эй, худо, мен нима қилиб қўйдим-а?! Нима қилиб қўйдим-а, Настена?! — кейин қўлларини тушириб, Настенага юзланди. — Энди менинг олдимга келма, келма — эшилдингми? Мен ҳам кетаман. Бутунлай кетаман. Бу аҳволда яшаб бўлмайди. Бас. Ўзимни ҳам, сени ҳам қийнаганим етар. Ортиқ тоқатим йўқ.

Настена гангигб, қотиб қолди.

— Э, йўқ, — деб уни тўхтатди Настена. — Сен-ку, кетарсан, мен-чи? Мен нима бўламан — ўйлаб кўрдингми? Гумонамни ортириб олиб, энди қаёққа бораман — одам-

лар ичидә қаппайтириб юриб бўларканми. Нима бўлсак, бирга бўламиз. Кутиб турайлик, Андрей, кутиб турайлик, шошилма. Ҳаммаси ўтиб кетади, ўтиб кетиши керак. Онам бир вақтларда кечирилмайдиган гуноҳ йўқ, деганди. Нима, улар одам эмасми? Уруш тугасин, кўрамиз. Ёки бориб тавба қилассан, ёки яна бирон йўли чиқиб қолар. Фақат сабр қил, кетма. Бир ўзинг гумдан бўласан. Мен ҳам гумдан бўламан, аммо аввал мен гумдан бўламан. Бу ерда лоақал сенинг қаердалигинги биламан. Борди-ю, бўйимда бўлиб қолгани рост бўлса-чи? Ўз боланг эканини, бирордан эмаслигини сендан бўлак ҳеч ким билмайди-ку, ахир. Ахир, мен дардимни кимга айтай, юрагимни кимга бўшатай? Ахир, мен энди одамларга аралашолмай қолдим. Қани, айт-чи, кетмайсанми?

Эри дарров жавоб бермаса ҳам, йўқ, кетмайман дегандай, бошини чайқаб қўйди.

— Мана бу ишинг маъқул, маъқул, кетишининг кераги йўқ,— Настена хўрсиниб қўйди ва хиёл жим тургач, деразага ўгирилиб, деди:— Вой-буй, жуда қоронги бўлиб қолибди-ку. Кетишим кераклигини ҳам унубиб қўйибман. Тур, Андрей, юр, кузатиб қўяман, деб айтдинг-ку, ахир! Юра қол — ҳарна яна бирпас бирга бўламиз. Ҳеч нимани хаёлингга келтирма. Сен ёлғиз эмассан. Агар бир ўзинг бўлсанг, билганингни қиласдинг.

Унинг кўз ёшлари юзларидан шашқатор бўлаётгани қоронгиликда кўринмас эди.

12

Шу учрашувдан кейин орадан уч кун ўтди, шамол учиреб келган қорлар камайиб, эскиси кўриниб қолгач, Андрей Гуськов Атамановкага отланди. У кўпдан бери қишлоқ ёнига боришга юраги тўкилиб турарди, аммо у бирор тасодиф туфайли ёки эҳтиётсизлик қилиб, ўзини сездириб қўйишдан қўрқиб, боришга ошиқмасди. Энди бўлса, Настена билан гаплашиб, бор гапни ундан билгач, ўзини тийиб туришга ортиқ тоқат қилолмади. Таажжуб: у бу ерда юришга аллақандай бир ҳақи бор одамдек, ўзини энди анча дадил ҳис этарди, камроқ қўрқарди, таҳдид қилиб турган хавф-хатар билан унчалик иши ҳам йўқ эди. Бунинг устига ҳаво ҳам илиб қолди, ҳаммаёқда баҳор нафаси кезарди, бу ҳам унга айни муддао бўлди, агар сал сусткашлиқ қиласа, кутиб турса, кечикиб қоларди.

Юлдузлар мусаффо осмонда чарақлаб турган, бўза-риб бораётган тонг палласида Гуськов Ангарадан ўтиб, қишлоқни қуийи четидан айланиб ўтди-да, тепаликка кў-тирилди. У қайтиб келганидан бери қишлоғини шу то-мондан кўрмаган эди, шунинг учун қишлоғи аввалгисига қараганда кўзига кичикроқ кўринди. У кўчаларнинг икки томонидаги гўё қаддини кўтаролмай, ётиб олганга ўхшаб турган пастаккина уйларга қаради. Чўкиб қолган уйларнинг деразалари ҳар хил бўлиб (баъзиларида дера-за қопқоғи бор эди, баъзиларида йўқ), шу паллада қу-роққа ўхшарди, уйларнинг томлари нақ ерга тегай деб турарди, бесўнақай деворлари турли томонга чўзилиб кетганди, шунинг учун у уйларни зўрга таниди. Гуськов кимнинг уйи қаердалигини ёддан биларди, аммо у ҳозир бу уйларга тикилиб қарапкан, деярли ҳар бир уй тўғри-сида бош қотирарди: ўшанга ўхшайдиям, ўхшамай-диям — жойига қараганда ўша, албатта, кўринишидан эса, билиб бўлмайди. Ёки бу тонг ҳали яхши ёришмагани-дан, ҳавонинг хира, гира-ширалигиданмикан ёки уруш даврида эркаклар йўқлигидан қишлоқ шунчалик хароб бўлиб қолганмикин?

У анчагача ўз уйига қарамади, унгача сал бўлса ҳам қишлоғимга кўнишиб олай, унинг яқинлигини ҳис этай, уни хаёлимда эмас, ўз кўзим билан кўриб турганимга ишонай, деб атайлаб нигоҳини ундан олиб қочди. Аммо кўришга жуда унақа орзиқиб тургани йўқ эди: у шунча йил умр кечирган, айниқса бир неча ой ёнма-ён яшаган Атамановкани энди эсингдан чиқар, деб ўзига-ўзи бу-юриб қўйганидан бу вақт ичидан қишлоқдан бегоналашиб ҳам қолганди. Илож қанчалик: қишлоқ ўрнида тураве-ради, у бўлса атрофда гирдикапалак бўлиб юришга маж-бур. Энди у қишлоқда яшай олмайди, ҳатто у ерга дафи ҳам этилмайди, демак, бекорга эзилиб, ич-этини еб, бе-фойда қайгуриб юришнинг ҳожати ҳам йўқ. Гоҳо Гусь-ковнинг кўзи Ангаранинг нариги томонидан кўриниб турган Атамановканинг бир четига тушиб қоларди-да, қандайдир эринчоқлик, пала-партишлик билан, ҳатто қандайдир ўзини масхара қилиб эслай бошлади: у ерда унга нима керак эди? Ахир бир вақтлари унга нимадир керак эди-ку, аммо нималиги эсидан чиқиб қолганди.

Ўзи туғилиб ўсган, бу ёруг оламдаги энг азиз кишилари яшаётган уй шундоққина рўпарасида, пастга қараб кет-ган кўчадаги уйлар қаторида эди. Ниҳоят, Гуськов шай-ланниб бутуни диққат-эътиборини тўплаб, уйга нигоҳ таш-

лади: тепаликка, унга қараган ўша учта дераза, уйнинг олд томондаги чап бурчаги (отаси, уй ҳам эгасига ўхшаб маймоқ, дерди) қийшайиб турибди, унга тақаб ёғочдан қурилган яхшигина, кенг-мўл даҳлиз ҳам ўшандогича, нишаби бир томонлама томи ашқол-дашқолларга тўлиб ётиби. Уй мустаҳкам эди, ҳали кўпга чидарди, лекин ўз вақтида қаралмагани учун бурчаги чўқди, худди ўша ёзда, уруш бошланадиган йили ўрим-ийғимдан сўнг муҗикларни ҳашарга чақириб, қазиб юрмай шартта бурчакни кўтариб, тузатиб қўйишмоқчи эди. «Хўб чақириши, хўб тузатиши!» Энди бўлса чол буни ўйламайди ҳам, албатта. Ё бутуилай қулаб тушмагунча, ё бирор дурустроқ хўжайинга учрамагунча мана шундоқ қийшайиб тураверади. Турмай нима қиласади? Отаси билан онасининг тўридан гўри яқин, Настена эса... Настенанинг бу ерда қолиши гумон, қолганда ҳам бир ўзи қолмайди.

Гусъков гўё уй ичиди нималар бўлаётганини кўрмоқчи бўлгандай, зўр бериб деразага тикиларди. Ўнг томондаги энг четки дераза — ошхонанини, дераза ёнида товуқхона бор, рўпарада кейинги пайтларда онаси кечасию кундузи тушмайдиган печь бор. Печни ҳали ёқишибди — тутун чиқмаяпти. Ҳа, мана, ҳозир туриб қолишади, онаси Настенани чақиради, у тутантириққа ёпишади. Настенанинг деразаси чапдан охиргиси, оғган бурчакда. Ҳозир у ухлаб ётиби, ҳадемай туради, ҳозир у оёқларини узатиб, қорнини ушлаб чалқанча ётиби — одати шунаقا, агар Настенанинг бўйида бўлгани рост бўлса, бу одати энди жуда ярашади. Уни қарангки, киши шу кунларни ўйлаб, анча аввал, бир неча йил олдиндан тайёргарлик кўриб келаркан-а. Настена урушдан олдин ҳам, худди тантиқлик қилаётгандай, бўлар-бўлмасга қорнини ушлаб ётиш одатини чиқарди — худодан фарзанд тилаб, илтижо қилгани эди бу. Орзу-умидлари чиппакка чиқишибчиқмаслигини Андрей бугун аниқ билиб олади. Настена бугун маълум қиласади. Агар бирон ўзгариш бўлмаса, у кечқурун мўрчани иситади. Аммо Настена унинг шу яқин-ўртада юрганини билмайди, шунинг учун у Андреини мўрчада кутмай кетиб қолади. Андрей унга Анграга чиқман, деб айтганди, холос.

У ҳозир Настенанинг ўринда ётганини кўз олдига келтирди: қимиirlамай, bemalol чўзилиб, иссиққина бўлиб ётиби, ичкӣйлагини қорни устидан суриб қўйган, юзи кечаси сал кўпчиб, оқаринқираган, ниманидир эслашга уринаётгандай сал титраб туриби, соchlарини ёзиб юборган. Андрей ҳозир Настенани эрталабки уйқуда тасав-

вур қилди-да, қотиб қолди ва ички бир хўрликдан томоғига ёш тиқилди. У оғир хўрсиниб қўйди-да, чап томонда бир қатор бўлиб турган омборларга нигоҳ ташлади, Настена биринчи кечада тунаганини эслаб, тилга олган ҳовли четида шу омбор бу ердан кўринмасди. Настенани қўрқитиб юборган хўрз ёмонлик аломати бўлиб туюлганини яширди, у анча вақтгача шу гапига маҳкам ёпишиб олиб юрди. «Ёмон, ёмон», — дерди у ҳадеб, Андрей эса, уни тинчтишига уриниб: «Хўрзларнинг қичқириғига кўпроқ қулоқ сол, уларга кўпроқ ишон, улар ҳар дақиқада қичқиради», — деганди.

Ниҳоят, бутунлай тонг отиб, ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлиб кетди, қишлоқ ҳам бор бўйича аниқ-равшан кўринди. Мўрконлардан тутун чиқиб, ҳали уйқусираган, заиф, ноаниқ товушлар эштила бошлади. Настена ҳам уйғонди: печка рўпарасидаги дераза аҳён-аҳёнда қизариб кўринарди. Эшик очилаётисиб, бир бурчаги кўриниб қолди, кимдир чиқди, аммо ким, Настенами ёки отаси? Кўришга девор халақит берарди. Настенанинг сигир соғишига борадиган вақти бўлди, у сигир соққунча отаси молга ем-хашак берса керак, балки бу иш ҳам энди Настенага қолгандир — бу ёгини худо билади. Борди-ю, бирдан онаси кўнглига ғулғула тушиб, иҳраб-сихраб кўчага чиқиб, гўё уни бирор бу ёққа чақиргандай, энди нима қилишини, қаёққа боришини билолмай кутиб турган бўлса-я? Наҳотки, онаси унинг шу ерда, ёнгинасида юрганини сира, лоақал заррачалик сезмаса-я?

У икки кўзини узмай қараб турар, ўтмишни кўз олдига келтиради, аммо сира таъсирланмас, ҳаяжонланмас, юраги жиз этмасди — ё унинг ҳис-туйгулари ҳали уйғонмаган, қўзғолмаган ёки у ҳаммасини сўндириб юборган эди. У тўрт йилдан бери жонажон қишлоғи билан биринчи марта юзма-юз бўлганини, бундан буён бошини у тошдан-бу тошга урса ҳам, эҳтимол, мана шундай қараб туриш насиб этмаслигини тушуниб турса ҳам ўзининг хотиржамлигига ҳатто ўзи ҳам ҳайрон-ҷоларди. У ёқда унинг ичидан ич қиринди ўтди, тортадиганини тортди, лоақал охирги марта, ҳеч бўлмаса ўз Атамановкасига бирров кўз ташлаш учун ҳамма нарсага тайёр эди, очиғини айтганда, шуни деб бу ёққа келди — мана, келди ҳам, аммо кўнгли ҳувиллаб турарди. Наҳотки, ҳаммаси ёниб битгани рост бўлса?

У ўзини синааб кўриш учун Москва остоналарида ҳалок бўлган ошинаси, тенгқури Витя Березкиннинг уйига назар солди. Таниш уй — у ердан ҳам тутун чиқяпти, ҳо-

зир ўша уйда Надъка болалари билан турибди, Витя рўзғорини онасидан бошқа қилгандан кейин Андрей унинг нарсаларини қишлоқнинг нариги чеккасидан бу ёққа ташишида ёрдамлашганди. Нимани ҳам ташишарди? Отни қўшишди, аравага икки-учта тугун, каравоту ёғоч катни ортишиди — бор рўзғор шу эди. Скамейка ва столни шу ерда ясашди, асбобларни Андрей уйидан олиб келди. Ўшандада улар ясаган нимадир Надъкага ёқмай қолди ва у шангиллайвериб иккаласининг миясини қоқиб қўлига берди. Кейин юз чириллашига, юлиб-юлқиннишига ҳам қарамасдан икковлашиб Надъкани томга тиқиб қўйишиди. Ўша ердан туриб унинг бутун қишлоқни бошига кўтариб ҳўнг-ҳўнг йиглашини томоша қилиб, роса кулишди. Агар яримта олиб берсанг, тушириб қўямиз дейишди, Надъка хўп деди. Надъканинг бошқа иложи қолмаганди — томдан сакрашга қўрқарди, нарвон эса йўқ эди.

Айниқса бу воқеа осонгина эсига келди, осон ва аниқтаниқ эслади — чунки барча хотиралари ичиде шуниси тез юзага қалқиб чиқди. Аммо Витянинг ҳозир жуда яқиндан аниқ кўриниб туриши уни сергаклантириб қўйди: юзи ҳам, овози ҳам, юришлари ҳам, имо-ишоралари ҳам—ҳаммаси. Гўё ҳозиргина ёнида эди-ю, бир минутги нарига кетгандай эди. «Қизиқ,— деб ўйлади Гуськов,— у йўқ, мен бўлсан уни худди тирикдай кўриб, эшитиб турибман. Шундай бўлишига Витянинг ўзи ҳаракат қилдимикин ёки хотирамда яхши сақланиб қолганмикин? Битта-яримта ҳам мени худди мана шунаقا яхши кўра олармикин? Мен борман, мен одамларга яхши кўринишим керак, тирикларга тирикдай! Йўқ, бу ерда гап бошқа нарсада шекилли,— деб ўзини ўзи тўхтатди у.— Витянинг паймонаси тўлди, ёшини яшаб бўлди, унга нима бўлганини ҳамма билади. Сенга нима бўлгани эса, ҳеч кимга маълум эмас. Одамлар ҳозирданоқ сени эсламасликка ҳаракат қиласпти, сени эслаб юришлари учун баҳона бўлгулик қароргоҳнинг йўқ, сен одамлар назарида, гарчи тирик бўлсанг ҳам, бултурги қордай эриб, йўқ бўлиб кетгансан. Иннайкейин, инсон тўғрисида одамларда қоладиган хотиранинг ҳам қадр-қиммати бўлса керак, шунинг учун ҳозир ўзинг қандай яшириниб юрган бўлсанг, одамлар ҳам сени эслашдан бир умр уялиб, ерга қараб юради. Умид қилма, тамагир бўлма — бу ерда ҳам ҳеч нима жонингга ора кирмайди».

У бирон нимани ўйласа ҳам куйиб-пишмасдан хотиржам ўйларди. Бўлмаса бўлмас-да. Ўлгандан кейин унга барибир, одамлар нима деса дейишаверсин. У ёқда бу

таплардан суюгинг сирқирамайди, ҳамма бир хилда бўлади. Гусъковнинг диққат-эътибори ҳамон ўз уйи билан банд бўлиб, ундан кўз узмасликка ҳаракат қиласади. Шунинг учун ҳам у дарров отасини кўрди. Назарида, ҳатто эшикнинг гийқиллаганини ҳам эшитгандай бўлди. Отаси эшикни ёпиб, бирпас турди, гўё Андрейнинг бу ерда турганини фаҳмлагандай, у турган тепаликка синчилаб тикилди, кейин одатдагидек, оқсаб-оқсаб кўчадан ўнг томонга қараб кетди, оғзидан ҳовурми ё тамаки тутуними чиқарди — олисан нималигини билиб бўлмасди. «Ана менинг отам,— деб ўйлади у ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашиб.— Бу ўша». У отасининг елкаларига қаради, отаси қарилкни бўйнига олмай, ҳамон қаддини ғоз тутиб бораркан, эсанкираш, ҳафсаласизлик ҳис-туйғуси борган сари Андрейни кўпроқ қуршаб ола бошлади. Отаси ярим йўлга етганда тўхтаб, икки букчайиб қолдиди, бошини силтади — уни йўтал тутди шекилли. Андрей, назарида, бу йўталишни эшитаётгандай, ваҳимали қаттиқ овоз қулогига етиб келаётгандай бўлди. Отаси сал ўзига келгач, оқсаб йўлида давом этди ва бирор минутлардан кейин қироатхона муюлишига етиб, кўздан ғойиб бўлди.

Андрей яна бирпас ерга шуурсиз тикилиб турди-да, ногаҳон эсига тушиб, худди юргургудай бўлиб шоша-пиша тоққа қараб жўнади, қишлоқ кўздан яширингандан кейин ўнгга бурилди ва ҳамон шоша-пиша, тез-тез одим отиб, то олдиндан йўл чиқмагунича ўрмон ичидан кетди. У йўл билан яна пастга, ёш қалин арчазор ёнига тушди, шу ерга келганда йўл арчазорни айланиб ўтарди. Андрей йўлни кесиб ўтди-да, тўғри кетаверди. У арчазор этагига етиб, иморатлар кўрина бошлагач, тўхтади — у юқори томондаги қўраси ўрмонга тақалиб келган отхона олдидан чиқиб қолган эди. У отасини шу ерда яқиндан кўрмоқчи эди.

Ота-боланинг бир-бирига муносабати ўртамиёна — на ёмон, на яхши эди, иккови ҳам ўз билганича яшарди, деса бўлади. Тўғри, Андрей болалигида отаси ундан кўз-қулоқ бўлиб юрди, аммо фақат кўз-қулоқ бўлиб юрди холос, унинг ишлари, ташвишларига деярли аралашмади. Қорни тўқ, усти бут — ҳеч нимадан камчилиги йўқ, отасининг қилгани шунчаликдир-да, акир, тирикчилик йўлини ўзи билиб олсин, ўз қалласи, қўл-оёғи бор. У ўғлига ақл ўргатмади, уни тарбияламади, иннайкейин, тарбия нималигини, уни ҳандай сингдирине кераклигини ўзи ҳам билмасди; у ҳаётнинг ўзи ҳам ҳар қандай одам-

ни ўргатади, тарбиялайди, феъл-хўйига яраша қилиб қўяди, деб ўйларди. Лозим бўлганда жиловини тортди, лозим бўлмаганда ўз ҳолига қўйиб қўйди. Борди-ю, Андрей бирон нимани сўраб қолгудай бўлса, у ўглим қизиқиб қолибди, деб суюниб, тушунтириб берарди, тушунтирганда ҳам, атрофлича, бамаъни қилиб тушунтиради, кўрсатиш, айтиб бериш эса унинг қўлидан келарди: агар у ўглининг бирон фойдали ишга уринганини кўрса, рагбатлантиради, қўлидан келганича кўрсатарди, аммо биронта ишни зўрлаб қилдирмасди, бунақа одати йўқ эди. Ўзи, ҳаммасини ўзи билиб олсин, ана ўшандага ўз ишига пишиқ-пухта бўлади. Андрейнинг эсида бор, отаси фақат бир марта яхши билан ёмонни ажратиб олишда унга ёрдам берганди: Андрей бир куни бемаъни иш қилиб қўйиб, айни қўшниен Мишкага ағдарганида, отаси илгакдан чарм жиловни олиб, индамай роса савалаганди — одам бўлиб ургани шу.

Шунинг учун отасининг йўриги бошқа эди. Отаси эркалатиб қўймасди ҳам, онасига ўхшаб фіғони фалакка чиқмасди, онаси баҳор ҳавосидай тез-тез ўзгариб қоларди: бугун бир хил бўлса, эртага бутунлай бошқача бўларди. Андрей хоҳлаган пайтда отасининг олдига бориб, дидагини дадил айтаверарди: аммо онасига рўпара бўладиган бўлса, аввал унинг авзойи қанақалигига қаради. Онаси асли сўзларни «й»лаб, «ш»лаб гапиришадиган Братск атрофидан эди. Ангарада атиги бир неча қишлоқ шу талаффузда гапиради, одамлари ҳам худди сарајлаш қўйгандай чиройли, баланд бўйли, меҳнаткаш бўлади — айниқса хотин-қизларини қўяверасиз,— бу тоифа эл бу ерда қаёқдан пайдо бўлиб қолганини ҳеч ким билмайди. Шу қишлоқларнинг юқорисида ҳам, қуйи томонларида ҳам бинойидек гапиришади, бу ердагилар эса негадир бошқача гаплашомлайдилар, гўё бу тил уларга алоҳида, маҳсус илаштириб қўйилгандай эди. Бу тил бошқа қулоқ-қа қандайдир галати, тушуниб бўлмайдигандай эшитиларди, албатта, бу тилга кўничиш керак эди. Атамановкада унинг онасини то қаригунча ҳам мазах қилиб кулишарди, онасининг эса жаҳли чиқарди, жаҳли чиққанини яшира олмасди ҳам, шунинг учун у ўзини одамлардан олиб қочиб юради, танҳо қолишга ҳаракат қиласарди. Аммо онасининг куйиб-пишишига бундан бошқа сабаблар ҳам бор эди: гражданлар уруши вақтида унинг уругаймоқлари тухумигача қуриб кетганди — отаси, онаси, уч ака-укаси — ҳаммаси. Бир вақтлари Колчакда хизмат қилган укаси партизанлардан жонини сақлаб қолиш

учун Атамановкага, опасиникига қочиб келувди, аммо бу ерда ҳам уни топиб олишиди. Андрей энди бешга қадам қўйганида дастлабки, биринчи марта гира-шира, узуқ-юлуқ эсида қолган нарсаси шу эди. Ўшанда бегона, серсоқол одамлар тоғасини яшириниб ётган жойидан судраб чиқиб олиб кетишганди. Кейин онаси укамни ажратиб оломладинг, деб отасига бир умр таъна қилиб юрди. Отаси ғиқ әтмасди: ўзи герман урушидан майиб бўлиб келгани учун қайтиб қўлига қурол олишини хаёлига ҳам келтирмасди. У колхозга кирган кунидан бошлаб отбоқарлик қилди.

Отаси отларни яхши кўради. Андрей бирор киши отаси каби отларга ачинишини, уларнинг қадрига етишини билмасди. У ўз оғилидан, агар той ҳам ҳисобга олинадиган бўлса,— учта отни жамоат отхонасига элтиб топширгани учун бошқа бирорнинг ёлчитиб қарашига ишонмаганидан отбоқар бўлишини ўзи илтимос қилган бўлса ҳам ажаб әмас. Агар гап хиёл отларга бориб тақаладиган бўлса, одатда вазмин, бўштоб бўлган отаси ҳеч кимни юз-хотир қилмасди. Бир куни, колхоз тузилган дастлабки вақтларда мужикларнинг кўзи олдида, ўша пайдаги тиркишчи, ҳозирги колхоз раиси Несторни роса тузлади-да. Ўшанда Нестор Чаўмоқ лақабли айғирни ўлгудай силласини қуритиб, ҳаммаёғини кўпиклатиб, лабарини қонатиб, аллақаёқдан елдириб келган эди, у Несторни шундай бопладики, Михеични тўхтатишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Аслини олганда айғир то колхоз тузилганига қадар Несторнинг акаси Ульянники эди (акаси кейинчалик фин урушида ҳалок бўлганди), шунинг учун Нестор айғирни ўзиники ҳисоблаб, шунчалик чоптирган бўлса керак, аммо отаси ҳеч нимани юз хотир қилмади. У от гўштини ейишдан ҳазар қилган ёдамлардан жаҳли чиқарди, барча ҳайвонлар гўштидан энг ҳалоли деб исботларди, аммо ўзи ҳам от гўштини емасди: ея олмасди. Отларни яхши кўрганидан, ҳатто ўлик бўлса ҳам уларга ачинганидан ея олмасди. У: «Ўлсан ўламан, аммо от гўши билан одам гўштини оғзимга олмайман», дерди. Андрей Сталинград остооналарида очликдан қутулиш учун от гўши ер экан, отасининг шу гапини тез-тез эсларди ва мен кўраётган кунларни отам кўргани йўқ, бўлмаса бунақа гапни айтишдан тилини тиярди, деган хулосага келган эди. Бир куни ўша ерда ҳаром ўлган отни майдалаб, пиширишга тўғри келганди — улар шунга ҳам хурсанд әдилар, шуни ҳам ўқлар дўлдай ёғиб турганда олиб чиқишганди.

Андрей арчазорда бекиниб, отам бўйинчалар турадиган хонадан қачон чиқаркин, деб кутиб турарди. Ҳовли ўртасида, эски жойида бутун ёғочдан йўнилган иккита узун охур турарди, улар таглик устига қўйилганди,— унинг ёнида сув ташийдиган арава бор эди, унинг шотиси худди Ангарани нишонга олаётган тўп сингари баланд кўтарилиганди. Чап томондаги қўра бўйлаб ҳичан ташийдиган ва енгил аравачаларниг шотилари кўтариб ё бօглаб қўйилганди, от ва арава ашёлари учун ҳозирлаб қўйилган қайин оғочлари ва тўғалар қалашиб ётарди, ўнгда, отхоналар орқасида отлар ҳайдаб қўйилладиган жой бошланиб кетарди, у ердан отларниг елкалари қимирлаб кўринарди. Шунча йилдан бери бу ерда ҳеч нима ўзгармабди, фақат эскирган бўлиши мумкин. Ҳовли пишан чирицдилари ва гўнгдан ифлосланиб саргайиб, юмшоқ бўлиб кетганди, эрталабданоқ совук заҳрини кесиб гўнг ва чириндининг қуюқ бадбўй ҳиди гуниплаб димоққа уриларди; Андрей нафас олди-ю, эсидан чиқарип юборгани учун дами қайтиб кетди, аммо дами қайтса ҳам ҳузур қилди, қувониб шу ҳиддан маст бўлгиси келди.

Ҳовлида қорнининг икки ёни қизғиш тимқора чиройли қулун ёлғиз айланиб юрарди, қулун бўлиққина, яхши парвариши қилинганди, ингичка оёқлари бақувват эди, тимқора сағриси йилтиради, ёли ва пешонасидағи кокили кесилганди. Андрей қулунни томоша қилас экан, буни ҳайф қилишмас, айғирликка олиб қолишса керак, деб кўнглидан кечирди. Қулун чиндан ҳам жуда чиройли эди. Аммо жуда сезгир экан: у Андрейниг шу ердаглигини сезди ва рўпарасидаги қўра олдига келиб, ёғочлар орасидан бошини суқди-да, таниб олмоқчи бўлгандай, узоқ тикилди. Андрей уни чўчитди, қулун орқасига бир сакради-да, шу ердамикин дегандай, отхонага қайрилиб қараб қўйди ва яна бегона, шубҳали одамга қаради. Шу-шу қулун нишхўрдларни титаркан, ҳар титгандан кейин қараб-қараб қўяверди.

Андрейниг хаёли паришон бўлиб, поён-поёнига ҳам етолмай, гангриб қолган эди, хотираси сусайиб кетганди. Гоҳо у нега ўрмонда яшириниб юрганини тушунолмасди, ахир бир неча қадам босса, шу қўрадан ошиб ўтса, ёргуликка чиқади-ку, нега шартта чиқавермайди — нимани кутяпти ўзи? Гоҳо у чиқиши зинҳор-базинҳор мумкин эмаслигини, чиқа олмаслигини эслаб қоларди-да, илгари ўзига таниш бўлган, бошидан кечирган, исланиб, қорайиб ётган ҳаёт бурчаги қандай қилиб унинг олдидан чиқиб

қолганига сира ақли етмасди, ахир у, Андрей күпдан бери бошқа оламда юрибди-ку. Қаёқдан келиб қолди? Ҳаёлида күріндими, сеңрлаб қўйдими? Нимага? Бунинг кимга кераги бор? Бунинг унга қандай алоқаси бор? У қандай қилиб бу ерга келиб қолди?

Андрей отасининг бўйинчалар сақланадиган хонадан чиққанини пайқамай қолди, бир маҳал қараса отаси бияни жиловидан тутиб, уни отхонадан олиб чиқяпти. Бия бўғоз бўлиб, ой-куни яқинлашиб қолганди, биқинлари чиқиб кетиб, қорни осилиб турарди, у оғир, секинаста оёқ босарди. Андрей аввал ана шу бияга эътибор берди, уни ҳаммадан кўра ана шу бия ҳайратга солган эди. Нимагалигини унинг ўзи ҳам: ё кўпдан бери бўғоз бияни кўрмагани, уларнинг қанақа бўлишини, ҳатто бу ёруг оламда уларнинг борлигини ҳам эсидан чиқариб қўйгани учунми, ё дарров кўзини йириб-йиртиб отасига қарамаслик, кўникиш ва учрашувга яхши ҳозирланиш учун кўз қирини ташлаб туришга қулай баҳона топилганига суюниб кетганиданми, буни тушунтириб беролмасди. Отаси бияни олиб чиқиб тўхтади, сайр қилдириш керакмикин, дегандай уни айланиб ўтди, кейин яна нўхтасидан ушлаб, етаклаб кетди. Отаси пастки қўра бўйлаб, бурчаккача борди-да, кейин тепаликка, Андрей турган томонга қараб юрди... Андрей шошиб, типирчилаб қолди, у ўрнида қолишини ҳам, арчазор ичкарисига кириб кетишни ҳам билмасди, аммо охири шохлар уни яхши пана қилишига ишониб, ўрнида қолди-ю, лекин ҳар эҳтимолга қарши чўнқайди.

Отаси уни фронтга жўнатаётганда сўнгги марта ҳайрлашаётib, титраб кетди. Ўзини тутолмай, беижтиёр: «Яна дийдор қўришиш насиб этармикин, насиб этармикин?» деб юборганди. Ўшанда отасининг назарида икки йўл бор эди холос: ё қачон бўлмасин бир-бири билан дийдор қўришади, ё абадий қўришмайди. Аммо шулардан бири иккинчисини қўришини-ю, иккинчию эса, биринчисини қўра олмаслигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Содда одамнинг калласига бў гап қаёқдан ҳам келарди, дейсиз. Ҳозир эса, худди ана шу ҳодиса рўй бериб турибди. Отаси яқинлашиб келарди; эгнида фуфайка, белини камар билан қисиб танғиб олибди, бошидаги қўлбола пахталик қулоқчинининг қулоқлари юқорига қайтариб қўйилган, оёғида чориқ. У секин, ҳоргин келарди; унинг ҳорғинлиги шалвыраб осилиб турган қўлларидан, оёғини сургаб аранг қадам ташлашидан, оқсаб қадам босганида гавдасининг қаттиқ

лапанглашидан сезилиб турарди — у ҳозир күпроқ таъқибга бардош беролмай бенхтиёр ҳаракат қилаётган ярадор қүшгә ўхшарди. Андрей энди ундан күзини узмасди. Отаси яқинлашиб келарди, у яқинлашиб келгани сари Андрей ҳам эхтиёткорликни унугиб, ўрнидан турди, қаддини ростлади, у ўрнидан тураркан, гүё тахта бўлиб ботин-ботинигача қотиб қолганга ўхшарди, кўз олдини қоронгилик босиб, яхши фикр юрита олмасди. Кўрага озгина қолганида отаси йўталиб, тўхтади. Орқасидан келаётган зийрак бия унга тушунгандай қараб турарди. У қўллари билан кўкрагини ушлаб олганича, юзини бир четта буриб, хириллаб, ўлкаси узилгудек бўлиб узоқ йўталди, тинчлангандан кейин эса бошини кўтариб, тўғри рўпарасига, Андреяга қаради. Уларнинг ораси йигирма қадамча келарди. Андрейнинг юраги орқасига тортиб кетди. Агар отаси яна бирпас шундай қараб турса, Андрей чидаб туролмасдан унинг олдига чиқсан бўларди, аммо отаси ерга қараб, отни етаклади. Андрей отаси ташлаган нигоҳдан кўзлари қамашиб, унинг юзини яхшилаб кўролмади, бу юзнинг қанчалик ўзгарганини пайқай олмади, у фақат бу юзни, отасининг опроқ мўйлови осилиб турган юзини кўра олди холос: кейин, узоқлашиб кетаётган отасига орқадан қарап экан, назарида, вужудида ҳар қанақа икирчикирни ҳам илгаб олишга қодир аллақандай бир туйғу уйғонгандай бўлди. Лекин бу туйғу кечикиб уйғонган эди. Отаси ён дарвозадан бияни отхонага олиб кириб, кўздан гойиб бўлди, беш минутлардан кейин Андрей отаси паншахада бир талай пичан кўтариб чиққанини бирров кўриб қолди. Кейин отасини кимдир чақириди. Андрей кетадиган вақти бўлганини пайқади.

13

У йўлга чиқиб олди-да, яширинмасдан, шошилмасдан юқорига қараб кетаверди. Қаёқقا? — Ўзи ҳам тасаввур қиломасди, шунчаки одамлардан узоқроқда, ҳозир кўриб-боққанларидан олисроқда бўлиш учун қадам ташлаб кетаяпти. Аммо у қўра олдига борганига ачингани йўқ, у отамни кўрай деб ҳаллослаб борди-ю, лекин отаси ҳам рўпарасига келиб туришини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ким билади, балки у ҳозиргидек бир сабаб билан кутилмаганда бехосдан учрашиб қолсак-а, деган умидда бугун бу ёққа югуриб келмадимикин, умуман Ангарадан ўтмадимикин? Турган гапки,

у таваккал қилди, аммо бунинг эвазига унинг тамом бўлай деб қолган юраги эзилмади, аксинча, энди янада кўпроқ тобланди — бу унга асқотади ҳали.

Э, нимасини айтасиз! У отасини, ўз отасини кўрди, бир вақти келганда бу ҳам ҳисобга олиниади. Бундан буёғига бехижил яшайди: битта қарзидан қутулди. У отасини кўриши шарт эди: ўлим олдидан фарзанд отага бир нима деб кетадиган удум бор. шекилли. У бугун эрталаб рози-ризочилик сўраб, унинг рўпарасида турди-ку, шунаقا қонда бўлиши керак. Отаси ҳам рози бўлади. Отаси нега уни пайқамадийкин-а? Ахир нақ кўзларига қараб турди-ку. Балки кўргандир ҳам, аммо тан олгиси келмагандир, ўзини бўшлиқча қараб тургандек қилиб кўрсатгандир. Йўқ, пайқамади. Бўлмаса сўрардику-я. «У-ку сўрарди-я, аммо сен нима дердинг? Шундан кейин сен нима қиласдингу қаерга борардинг? Ўз юкингга, яхшиси, бировни шерик қилмай қўя қол, бир ўзинг кўтаравер. Мана, Настена ёрдамлашяпти, шунинг учун ҳам юки икки ҳисса оғир. Чамаси, энди секин-аста Настенани ҳам бу юқдан ҳалос қилиш керак бўлар. Ўзи, фақат ўзи кўтариши керак. Настенасиз-а? Елғон, Настена бўлмаса ўласан. Настена сенга ҳаёт бахш этяпти, балки бу ҳаёт бундан кейин ҳам узоқ вақт, ҳатто сен ўлгандан кейин ҳам давом этиши мумкин».

У қуёшнинг чиққанини ҳам сезмай қолди, баландликда, атрофидаги дараҳтлари кесилиб, йўл очилган ўрмонда қуёш нақ кўзига тушди, Гуськов эса кўзини қисди, шу заҳоти бутун атроф тўсатдан ҳаракатга келди — ҳо-зирча заиф, оқиста, аммо тез ёйилиб кетадиганга ўхшайди. Кун яхши бўлиб, жаранглайди чамаси, осмон очиқ, тиниқ эди, ҳаво қуёш тафтидан юмшаб, йўлдаги муз эрий бошлади. Ўрмонда ҳали қор бор эди, аммо энди ўюпқалашиб, айрим жойларда бултурги буталар қақ-қайиб чиқиб турарди, ер олачалпоқ бўлиб қолганди. Ҳали бутунлай уйғонмаган дараҳтлар баданларига сув югуриб, ўзларини ростлаб, исиб, секин-аста-гимирилаб қолишганди. Кечаги эрувгарчиликдан пайдо бўлган ҳид кўтарилиб кетмаганидан ҳаво тахир эди. Қуёш нури гўё ерга етмаса-да, ер бетига узунасига ёйилганга ўхшарди, аммо боргани сари пастга қия бўлиб бораради.

Гуськов қишлоқдан тезроқ кетиш учун шошилиши керак эди, лекин шошилишни истамасди. Шу сабабдан у латтадай бўшашиб, каловланиб қадам босарди. Отаси билан учрашув унга таъсир қилмай қолмади: Андрейни

лоқайдлык туйғуси чулғаб олди. Қаерга, нимага боряпти, бу ердан нима қидиряпти? Үз инида жимгина ўтиравергани, бу ёқларда тентиб юрмай, иссиқ ўрнини советмагани яхши әмасмиди, ахир. У ўша инида анча күникиб қолганди, тинчланиб қолганди, бу томонларга келиб, фаяқат ярасига туз сепишини олдиндан билар эди-ку. Э, йўқ, шундай қилиши керак эди, шарт эди — кейинчалик ўзиға осон бўлади. Уй ҳайвонлари бўрлигини кўрмасдан туриб, ўзингни чинакамига ваҳший ҳайвон ҳис этолмайсан, эски киндингии кесиб ташламасдан туриб, янги ҳаётни бошлолмайсан, ўша эски киндик эса, Андрей уни яширишга қанчалик уринмасин, ликиллаб халақит бериб юрибди. У яқиндан ўз кўзи билан кўриб, жонажон уйига энди сира қайтиб келолмаслигига, отаси, онаси билан гаплашолмаслигига, анави ерларни ҳайдолмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун бу ерга келиши керак эди. Шунинг учун у *аччиқни аччиқ кесади, деган қадимиий ақидага амал қилиб, бу ерга келди. Энди у бу томонларга келиш учун унга йўл йўқлигини узил-кесил тушунади. У эртами-кечми бошига шундай кулфат тушишини сезарди, сезарди-ю, олдиндан олиб орқасига ташларди, энди эса азобини тортиб юраверади.

Отаси билан учрашув, унинг назаридаги, ичидаги яшириниб, қулай пайт келишини кутиб ётган дард-аламини янгилаб, аъзойи баданини бошқатдан шиддат билан сирқиратиб юборадигандек эди. У ортиқча ўртаниб юрмаганини пайқарди. Энди бу учрашув худди лип этиб эсга келадиган туш сингари унинг кўзи олдида турарди, турганида ҳам ҳар дақиқада қаққайиб мана ман деб, юришга, ўйлашга халақит берарди. У дам-бадам шу учрашувни эсларди, эсларди-ю, отасини шунчалик яқиндан кўрганига таажжубланиб қотиб қолар, гоҳ отам мени кўриб қолиши мумкин эди-ку, деган ваҳимадан титраб кетарди, лекин у бу учрашувни эсласа, баттар изтироб чекишидан чўчиб, ўзини авайлаб, чалғитиб, оҳиста, эҳтиёт бўлиб қайта хотирларди. Бугун изтиробларнинг ўрни эмас: у бегона жойда. Бегона жойда? Гусъков ишшайиб, ўз фикрига қўшилди: ҳа, бегона жойда — бу ерларда қулоқни динг қилиш керак, ҳиссиятга берилсанг қимматга тушиб кетади.

Негадир унинг эсига ҳу анавинда, Иркутскда уйида беркиниб турган гунг хотин Таня тушиб кетди, бирон-бир туртки сабаб бўлмаса ҳам шундоқ әслаб қолди. Таняниң юзи, бир нимани сўрамоқчи бўлаётгандай қимирлаб турган лаблари шунчаки кўз олдидан бирров ўтди, шундан

кейин ногоҳ Гусъковнинг яна ўша ерга боргиси келиб қолди. Ўша ерга борса-ю, Таняни олиб, дунёниг бир чеккасига, одамлар йўқ жойга жуфтагини ростлаб қолса, гаплашишини унутса, Таняни таҳқирлаб, ўч олса-ю, хумордан чиқса, кейин унга ачинса-ю, яна уни хўрласа — Таня ҳаммасига чидайди, уни бахтиёр қилиш учун кўп нарсанинг кераги йўқ. Гунгларнинг юзи жуда ғалати бўлади-да: жилмайса, кўзлари совуқ, лоқайд босиб тураверади; лабларидан бошқа ҳеч ери қилт этмайди, без бўлиб тураверади. У, албатта, Таняга ҳам муносиб эмас, лекин у шундай гуноҳ қилишдан тап тортмасди. Таня шундоқ ҳам аламзада, шунинг учун уни бундан бўёғига ҳам ранжитса бўлаверади. Айтайлик, учрашиб қолдинг, хўш, уни нимага хафа қилишинг керак экан, деб сўради Андрей ўзидан. Шунинг учунки, гуноҳ қилган кишининг яна гуноҳ қилгиси келади, яъни ялангоч сувдан тоймайди. У, эҳтимол, бундан бошқача йўл тута олмаса ҳам керак, унинг ўзининг шу кўйга тушиб қолганини тасдиқловчи далил доимо керак. Ана шунда у ўзини анча дадил ҳис этарди.

Гусъков далага чиқиб, ўнгга, олисдаги сайхонликка томон бурилди, у кунни шу ерда ўтказмоқчи эди. Буна-қа пайтларда у ерда одамларнинг қиладиган ишлари йўқ эди: омонлик-сомонлик йилларида ҳам одамлар, у ерга гўнг ташимасди, ҳозир бўлса, яна шундай пилчарамада сира ҳам келмайди. Бирорта тинчимаган одамнинг ҳам келиши гумон: ўрмондан бирон нима керак бўлса, ўша қишлоқ ёнидагидан олиши мумкин. Борди-ю, битта-яrimда адашиб келиб қолса, келаверсин, қўрқинчли ери йўқ, одамлар энди ундан қўрқсин, у бугун қўрқиб-писиб юрмоқчи эмас. «Ундей одамни таниб оладиган даражада яzioni йўлатмайди ҳам, узоқдан эса, хоҳлаганча қарайверсин, ким экан деб бош қотираверсин, Андрейнинг парвойига келмайди. Унинг бу ерларда хўжайнинг айланиб юришга ҳақи бор, у мана шу далаларда эл қатори ишлаган, уларнинг қанчадан ери борлигини, урушдан олдин қаерга нима экилганини, қанчадан ҳосил олинганини ёддан билади. Бу ерларнинг тўқай бўлиб кетмай, ҳали ҳам бугдой беришида унинг ҳам ҳиссаси бор — ҳозир эмас, илгари меҳнат қилиб қўйган, албатта. У бу ерда бегона эмас, йўқ. Унинг топилиб, ерларнинг ёнидан ўтиб кетаётганини ҳаводан ҳам билса бўлади, ерлар ҳам уни таниб, ястаниб, қотиб ётиби, энди у фақат ана шундай хотирага ишонарди. Одамлар бир-бирларини эслай олмайди, оқим уларни жуда тез олиб кетади; одамлар ўзлари яшаган

ерларни эслashi керак. Ер эса, одамга нима бўлганини билолмайди, ер учун одам покиза мавжудотдир.

Қуёш борган сари баланд кўтарилиб, қиздиради, шунинг учун йўлда томчилар йилтираб, қўшилиб, қисқа-қисқа сизиб оқа бошлаганди. Атрофда кўкиш товзанаётган қор бўкиб, оғирлашиб бораётганди, ҳаво ҳам секин-аста нам тортиб, оғирлашаётганди. Гусъков пиймада бораётганди (унинг бошқа пойафзалий ўй ёди, Настена кейинги марта учрашганида унга эски, ташландиқ чоригини келтириб беришга ваъда қилганди), ҳаммасидан ҳам ҳозир шу пийма Гусъковнинг жонига тегаётганди. Пиймалар уни сездириб қўяётганди, ўз одами бўлиб кўринишига қўймаётганди: пийманинг бемаврид кийилиши, беўхшовлиги, яроқсизлиги гўё юриб бораётган ердан уни ажратиб турарди. Ҳозирданоқ пиймада юриш қийин бўлиб қолганди, у уч-тўрт соатдан кейин кун обдон қизиса, қандай ҳаракат қилишини тасаввур этолмасди. Чамаси, бирон ерда писиб ўтиришга тўғри келади, шекилли; охиригай хонлиқдаги жига бўйида қишлоғ бор, ўша ерда ўтириса бўлади. Йўқ, у бугун қишлоғда писиб ўтиришни сира хоҳламаяпти, жонига тегиб кетди, бу ёқча бекинаман, деб келмаган-ку, ахир. Зўр келса пиймасини ечиб олиб, оёқ яланг шалоп-шулун қилиб кетаверади, атрофга қанчада кўп нафаси тегса шунча яхши, қайтиб шунақа кунларни кўрмаслиги ҳам мумкин.

Андрейнинг эсига кўрган-кечирганлари — далалар, уватлар, экин ери ўртасида қаққайиб турган қари, ғадир будир тилоғоч, энсиз ўрмондаги арча остидан чиқиб турган булоқча, ҳатто ўрмон ортидан шу ернинг қиёсда тенги ўй ёси осмони бирин-сирин кела бошлади, аммо Гусъков саргузаштлардан қўрқиб, улардан тонарди, ўзига юқтири масликка ҳаракат қиласиди, шунинг учун улар бошланарди-ю, шу заҳоти узилиб, қаёққадир паастга қараб тўзизиб кетарди. Хотираларга асло берила кўрма, берилдингми, тамом, кейин қутула олмайсан. Ҳозир ҳеч нимани ўзгартириб бўлмагандан кейин бу хотиралар, бу қийноқнинг нима ҳожати бор? Афсус, хотира бунақа нарсани тушунмайди-да. Уни қарангки, бир-бирига етти ёт бегона бўлган икки одамнинг хотираси бир хил, қани энди шу хотирани иккига тақсимлаб бўлса, бўлмайди. Қани энди у илгари кўрган-боққанларини ўй ёлиб ташласа, бутунлай унубиб юбора олса, анча енгил бўларди-я, аммо иложи ўй ёда: ўша илгариги одам ҳали бор, эзилиб, эрксиз бўлиб юраверади, узоқ яшайди — ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Шунинг учун у, Гусъков, тинчлик нималигини

бilmайди, озодлик юзини кўрмайди, умрининг охиригача сарсон-саргардан бўлиб юраверади.

У шу фикрга қўниб, ўзини шунга ишонтириб кетаётганини пайқаб қолди-ю, бирдан ҳаммасига ўчакишиб, яна нимадандир умид қила бошлади: қитдек умид индамай қалбининг чуқур бир ерида шундай яшириниб ётардики, тоғо унинг ўзи ҳам бу умидни пайқолмай қоларди, аммо бу умид бор эди, нафас олаётганди, аҳён-аҳёнда унинг ҳадиксираб оҳиста қимирлаб қўйганини эшитарди. Аммо умид қиладиган нарса йўқ, ҳеч нимадан умид қилиб бўлмайди, ҳеч қандай мўъжиза юз бермайди, ҳамаси, Гусъковнинг ҳақиқий айби биринчи марта қандай бўлса, шундоққина кўзи олдида шафқатсизлик билан очиқ-ойдин намоён бўлди. Назарида у ҳақиқатни жисман ҳис этаётганди, гёё, у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетгандай эди: у бу ҳақиқат совуғидан титраб кетди. У нега бундай аҳволга тушганини ўзи ҳам билмасди. Олдин ҳам, кейин ҳам сира бунақа бўлмаганди; фақат шу тобда, қадрдон, дилига жо бўлиб қолган ерларга кўтарилаётган пайтда шунақа бўлди, тўхта-тўхта, уни ўлимга маҳкум этган айнан шу ерлар эмасмикин? Гусъков атрофга кўз қирини ташлади ва ўзини қаттиқ койиб, заҳархандалик билан кулиб қўйди. Сабр қил, мана ҳозир бир қушча учиб келади-ю, одамдек гапириб, ҳа, тўғри топдинг — сени маҳкум этган ўшалар дейди. Гусъков ўзини тетик тутишга ҳаракат қилар, лекин ичиди бир нимадир пайдо бўлаётганди, тушуниб бўлмайдиган ёқимсиз бир нима ўсиб-улгаяётганди, гарчи у шошилса ҳам, катта-катта қадам ташлашга уринса ҳам, оёқлари чалишиб, нафас олиши тезлашиб, ҳансирай бошлади. «Қушча,— деган фикр ногаҳон миясига келди.— Мен ўзим бу ерларда эркин қушдай яшагандим. Яна нима керак эди менга? Нима?»

Шундан кейин қулф, тамба, қатагон бўлиб, қўл-оёқларини бойлаб турган барча туйгулар чилпарчин бўлди. Энди ўзини босишга, тинчтишга қодир эмасди.

«Агар шу уруш бўлмаганда, шу лаънати уруш бўлмаганда,— деб ўзини ўзи оқлади у,— илгаригидай яшайверардим, илгаригидек ишлайверардим. Нечага кирибман жуда, бор-йўги ўттизга, лоақал умримнинг ярми ҳам эмас. Ҳали умримнинг ярмини ҳам яшамабман-у, аллақачон ҳаммаси тугади, тамом. Нега фақат мен шунақаман? Бу ёруғ оламда озмунча одам борми... Мен худога нима ёмонлик қилибман, нега у мени шу қўйга солиб қўйди, гуноҳим нима?— у инграб, қаерга

Үтирсам бўларкин, деб жой қидира бошлади, оёқлари қимирламай қолди. Олдинда, йўл ёнида ифлос, ҳўл ғўла думалаб ётарди, у шу ғўлага ўтирди.— Ахир мен ҳам эл қатори яшашим мумжин эдий-ку,— у миасига келган шу фикрга ёпишиб олди,— ишлардим, ахир мен яхши ходим эдим-ку, ҳамма биларди-ку. Ҳозир бирон иш билан бу ерга келардим... Мана, ҳозиргидек келардим, мана шундай ўтирадиму маза қилиб чекардим, кейин ишларни битириб, қишлоққа қайтиб кетардим...— Бу имконият шунчалик яқин, шунчалик амалга ошадигандек туюлдики, у эсанкираб, ўзини йўқотиб, шундаймикин деб ўйлади ва чинга йўйиб, нима иш билан бу ерга келган бўлсам, тезроқ шу ишни тугатай-да, кейин қишлоққа қайтай, деб атрофига чўзилиб қаради. Йўқ, олам тескари бўлмабди, ҳаммаси жой-жойида турибди. Бу ширин уйқудан уйғониш әмасди, бу ҳар куни унинг мавжудлигини, ким бўлиб қолганлигини таъкидловчи талай-талай ҳодисалардан бири эди, холос: бу ҳақиқат, айниқса, ҳозир жуда аччиқ ва даҳшатли бўлиб туюлаётганди, шунча вақтдан бери аранг тиклаган мудофаа истеҳкоми бир зумда қаёққадир гойиб бўлди, энди у ҳимоясиз қолди; бир мулойим, ёқимсиз лоҳаслик унинг аъзойи баданини қамраб олди, ҳатто ўзига пўписа қилиб қўйишига ҳам унинг ҳоли келмасди, у негадир бу лоҳасликдан хурсанд ҳам эди, чунки у бу лоҳасликни енгишга қодир әмасди.— Ҳаммасига уруш айбдор, ҳаммаси уруш туфайли,— у яна ўзини ўзи оқлашга, аврашга тушди.— Унга шунча ўлиб кетганлар, майиб-майриқ бўлганлар камлик қилибди шекилли, яна менга ўшаганлар ҳам керак бўлиб қолибди. Бу уруш қаёқдан чиқди ўзи? Бирдан ҳамманинг бошига тушди-я! Даҳшатли, ғоят даҳшатли жазо. Мени ҳам, мени ҳам ўша ёққа, жаҳаннам оловига юборишиди, бир ойга эмас, икки ойга эмас, бир неча йилга-я. Буёғига ҳам чидаш учун сабр-тоқатни қаёқдан оласан? Кучим етганича чидалим, ахир дарров жуфтакни ростлаб қолмадим-ку, фойдам тегди. Нега мени бошқаларга, ёмонлик қилишдан бошқа нарсани билмаган ашаддийларга тенглаштиришади? Нега ҳаммамизга бир хилда жазо берилар экан? Ҳатто уларга осонроқ, лоқал уларнинг жони азоб чекмайди-ку, менинг жоним качон энди ҳеч нимани ҳис қилмай қўяди, тинчийди... Мана, қишлоқ ёнига келдим дегунча юрак бўлганича бўлди, шалвилладим-қолдим. Ахир, мен ўз одамларимизга қарши борган бирон-бир власовчи әмасдим-ку, мен

ўлимдан чекиндим. Наҳотки, ҳисобга олинимаса? Ўлимдан чекиндим,— деб такрорлади ўринли сўз топганидан қувениб ва бирдан ўзига қойил қолди:— Қара-я, шундай даҳшатли уруш-а! Мен эса боплаб жуфтакни ростлаб қолдим. Буни ҳам эплаш керак-да, қойил-е!»

У бошини кўтариб, ўзи ўтиб келган далалар устидан қаёққадир қаради-да, ўчакишгандек қаттиқ-қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди.

У шу алпозда ўзича алланималарни узоқ пичирлаб ўтирди, ит кунига тушганидан инграгиси келган пайтларда латтадай бўшашиб кетарди-да, жонини сугуриб олаётган оғриқдан тахта бўлиб қоларди, азоб чекиб, ўзига келгач, то қайғу-ҳасрат уни яна ўз гирдобига тортунича қандайдир умидсизликка тушиб, гараз ва истеҳзо билан ўзидан-ўзи куларди.

Кейин у бу азоб-уқубатлар ҳаммаси ҳаракат қилмасликдан, ҳеч иш билан шуёулланмасликдан келиб чиқяпти, деб ўйлади-да, ўрнидан турди, ўзи ўтирган гўлани эса, битта-яримта четга олиб қўйсин, деб думалатиб йўлга чиқарди. Атрофга бир сидра кўз югуртириб Гусъков йўлида давом этди, кўнгли муздай, ғаш эди, аммо у тез-тез одим отиб кетаётгани учун чиндан ҳам ўй-хаёлларга берила олмади, ўй-хаёллари ортда қолиб кетди.

Эрталабки қуёш ҳам астойдил қиздира бошлади, ёриган қор сувлари унсизгина, зўр-базўр бир-бирига қўшилиб, оқа бошлади: тоғ этагидаги далалар тепасида ҳаво тўлқинланиб, жимиirlарди, унинг ортидаги ўрмон эса, офтобда оқариб, айлантириб-айлантириб тортилган узун чизиқиа ўхшарди. Қишлоқдан эса, ташқарига чиқарилган хўрозларнинг мастона, тантанавор қичқириқлари эшишиларди: учиб кетаётган қаргалар жонга тегиб, қаттиқ-қаттиқ қагилларди, майин шабада ер бетида айланниб эсади, Гусъковнинг юзи шабададан эмас, офтобдан ачишаётганди, шабада эса фақатгина қувлашмачоқ ўйнаётгандек гоҳ югуриб кетар, гоҳ тўхтаб қоларди. Қишлоқ олдидаги хирмонда ифлос, хурпайган чумчуқлар чирқиллашиб, иккита ёввойи капитар ғугулашиб тўпонни титишарди, Гусъков яқинлашиб келгач, паррандалар гур этиб кўтарилиди-да, шувиллаб унинг ёнидан ўтиб кетди.

Гусъков хирмон ёнида тўхтаб, чумчуқларни кузата бошлади. Андреевскда, одамлардан олис ерда чумчуқлар йўқ эди. У ўзидан чумчуқлар неча йил умр кўраркан, деб сўради ва шу оч, жонсарак қушлар галаси ичида

мен шу ердалигимда учиб юрган чумчуқлардан ҳам бормикин, деб күнглидан кечирди. Лекин у чумчуқларнинг қанча умр кўришини билмасди, илғари бунақа беҳуда нарсалар уни қизиқтирумасди, шунинг учун унга яна адам қилиб кетди. У чумчуқларни чўчитиб юбориб, қишиловга келди ва қор-намдан шишиб қолган эшикни аранг очди. Ичкари совуқ, ҳувиллаган эди; Гуськов тирикчиликка ярайдиган бирон нима бормикин, деб у ёқ-бу ёқни қаради, лекин ҳеч нима тополмай, қайтиб чиқди. Уни нимадир толиқтираётганди, овқатлангиси келяптими ёки уйқуси келяптими, буни ўзи ҳам билмасди. У ўзи билан озгина овқат олиб олганди, аммо уни кейинроқ ейишга асраб қўйиш керак эди. У нимагадир шу ердан, гарчи бу ердан топишнинг сира иложи бўлмаса ҳам, бирон егулик топаман, деб умид қилган эди: ахир, у тиланиб қишилоққа бормайди-ку, қишилоқдан бошқа жойда эса, бу пайтда ҳеч нима ўсмайди, сақланмайди.

У нима қилишини билмай, анчагача каловланиб турди, кейин, қаерга жойлашишини чамалаб, синаб кўрмоқчи бўлгандай, тоф томондан офтоб тушиб турган қишилов орқасига ўтди ва у ердаги ғулага ўтириб, деворга суюнди. У бир вақтларда, ўттиз учинчи йилдаги очарчиликдан сўнг шу сайхонликдан ер очганди, нақ унинг рўпарасида ўзи ҳайдаган икки ярим гектарлик дала ястаниб ётарди. Гуськов кераксиз хотираларга берилешдан қўрқиб, ҳадиксираб, пастки томондан қорая бошлаган, чўгиrtаклари қаққайиб қолган анғизга қаради, аммо рўпарасида дала уни очиқ чехра билан кутиб олиб, тасалли бераётгандай туюлди: Гуськов офтобда исиниб, бўшашиб, чиндан ҳам мудради. Гоҳо-гоҳо оғир қовоқлари очиларди; фақат унинг кўзларигина ҳеч нимадан ташвишланмай, бирон ерда бегона шарпа пайдо бўлмадимикин, деб одатдагидек кузатарди. Ҳаммаёқ тинч эди.

Гуськовнинг кўзи илиниб қисқа, узуқ-юлуқ, бир-бирига боғланмаган, пойнтар-сойинтар туш кўрди. Тушига разведкачилар ротасининг командири капитан Лебедев кирди. У взводни қидиришга жўнатаётib, негадир унга, Гуськовга, агар немислар томонига қочиб ўтсанг, сени генералга алмаштираман, аммо отиб ташламайман, йўқ, бу сен учун жуда катта шараф!— лекин уч кечаю уч кундуз жазолайман. Шундай жазолайманки, асти қўявер!— деб писанда қиласмиш. Яна тушига Смоленскдаги бетараф минтақа кирибди-ю, ногаҳон Атамановканинг

тегирмонини кўрибди, у шу тегирмонга ишга тайинланганмиш. Иккала томондан ҳам унга аёвсиз ўқ ёғдиармиллар, фақат у туфайли уруш давом этаётганмиш, қайси томон уни отиб қулатса, ўша томон енгармиш. Кейин у ўзини Новосибирск госпиталида кўрди. Шопмўйлов хирург, медицина подполковниги уни ўз кабинетига чақириб, спирт ичишни таклиф қилибди, у спирт ичаётганида подполковник унга ҳозиргина қазо қилган зўр полковник ўрнида ишлашни таклиф этганмиш. У яна фронтга бориб қолганмиш, энди гаубица батареясида хизмат қиласмиш: у прицел¹ солинган яшикчани йўқотиб қўйганмиш-у, уни трибуналга беришганмиш. Прожекторларнинг равшан нуридан ёп-ёруг бўлиб турган узундан-узоқ, торгина дала бор эмиш: у шу даладан кетаётганмиш, иссиқдан нафаси қайтармиш, нур эса борган сари қиздирмиш, секин-аста кўкиш тусга кириб, ловиллаб ёнармиш.

У уйғонди, лекин анчагача бу бетайин, ёмон тушлардан эзилиб, ўз ёғига ўзи қовирилиб, қимирламай ўтири. Бу тушларнинг биронтаси ҳақиқатга тўғри келмасди, ҳеч қаочон уни бирор ёмон деб ўйламаганди. Аммо унинг сўнгги қадами бутун умрини хазон қилди: ҳатто унинг тушлари ҳам алоқ-чалоқ бўлиб кетди, ҳатто ўзи кўраётган тушлар ҳам унинг ўзига қарши чиқаётган эди. Хўш, бошқалардан нима гина?

Тушига кирган тегирмон унда ўша ёққа бориш фикрини туғдирди. Тегирмон олис эди, аммо Гуськов учун ҳам кун энди бошланганди. Бўлса-бўлмаса тегирмонда ҳозир ҳеч ким йўқ, тегирмон тортадиган вақт эмас. У негадир чумчуқларни ёмон кўриб қолди-ю, яна уларни тўпондан учирив юборди ва дала четидан пастга ўрлай бошлади, сўнгра, дала тамом бўлгач, шартта ойга қараб бурилди. Ўрмондаги қор деярли эримаганди, бу ерда ва очиқ жойларда офтобнинг тафти сайхонликдагига қаранганди кучсиз эди, ўрмон яланглигидаги дараҳтларнинг ерга тушиб турган соялари гўё сиқиб чиқарилган, очилиб қолгандек аниқ-тиниқ эди. Гуськов бу ерда пиймаси ботиб кетавёрмаганидан яна дадилланиб қолди. У аввалиги йиллардагидек яна ҳаяжонлана бошлади — у бир вақтлар тегирмонга келишни яхши кўрарди. Ким ёмон кўярар-

¹ Прицел — мўлжал асбоби, тўпчилар уни эҳтиётлаб қутичада олиб юришади. Жанговар ҳолат чоригида тўпдан мўлжалга олиш учун ишлатилади. (Ред.)

ди дейсиз? Ахир, тегирмон тортиш, бу — бир байрам, хурсандлик, мәҳнат самараси-ку. Йигим-теримдан кейин одамлар бу ерга келардилар, навбат кутардилар, жон-жон деб тунағани қолардилар, лекин ухламасдилар, чоллар чекиб, гурунглашиб ўтирадилар, бўйдоқлар ва ёшлар эса, ўйин-кулги қиласдилар, буталар орасидан қизларнинг чинқириқлари эшитиларди, ҳар хил эрмак ўйлаб топардилар, гуриллаб турган гулханда кетма-кет чой қайнатиларди, тегирмон тоши эса, гув-тув этиб айланга-ни-айланган, оғзи очиб қўйилган қопларга эса иссиққина, янги тортилган ун тушгани-тушган эди.

Бу хотиралар Гуськовнинг чеҳрасини очди, у жилмайиб қўйди, назарида, кўнгли ҳам анча илиб, ёришгандай бўлди. Аммо унинг бу кайфияти узоққа чўзилмади: у тегирмонга яқинлашиб келаркан, сергакланиб, қулогини динг қилди ва олдинга энгашиб тўхтади-да, ўзига ўзи ҳушёр бўл деб, оҳиста лабларини қимтиди. Одам зотининг арвоҳи ҳам йўққа ўхшарди: юқоридаги эшик ҳам, пастдаги эшик ҳам қулфлоглиқ. Галла олиб чиқиладиган зинада эса, қор бор эди. Гуськов шошилмаслик учун яна бирпас ўзини тийиб турди, кейин яқинидаги самбиттол буталари олдидан эшикка қараб юрди. Эшикдаги қулф илгаригидек номигагина осиб қўйилганди: Гуськов бир тортган эди, қулф очилиб кетди. Шуниси маъқул, йўқса Андрей зулфини билан сугириб оларди, ё бўлмаса, ромни кўчирарди, аммо шаштидан қайтмасди.

Ичкари совуқ, чанг босган эди, полда пиймаларнинг оқ излари қоларди. Гуськов аввал тегирмончининг ҳужрасини қаради, у ердаги токчадан катта, сирланган кружка, икки бош саримсоқниёз, ярим қути туз топди, деворда дастарра осиғлиқ турарди. У буларнинг ҳаммасини скамейка остида ётган чиپта қопга тиқди, кейин тегирмоннинг ҳаммаёгини бирма-бир кўздан кечиришга тушди. У юқорига икки марта чиқди, барча тешик-туйнукларни қаради, лекин яна бир қопу муқоваси йиртилган китобдан бўлак фойдали нарса тополмади. Андрей уларни ҳам олди: яраб қолар.

У ташқарига чиқиб, яна эшикка қулфни илиб қўйида, атрофга кўз югуртириди, ногаҳон уни тегирмонга ўт қўйиб юбораман, деган тийиксиз, даҳшатли истак қамраб олди. Нима, қийин эканми, ана, анави ерда қайнин пўстлоги ётибди, гугурт бўлса бор, қурилганига анча бўлган, жангиллаб турибди, бирпасда лов этиб ёниб кетади. Бироқ ўз ҳоли ўзига маълум эди, ёндириб юбориш мумкин эмас эди ва пировардида ўт қўйишга қодир эмасли-

гини тушунди, аммо ўзидан бир мудхиш хотира қолдириш истаги шунчалик кучли әдикі, у ўз иродасига ортиқча ишонмай, ақли бовар қилмай, қопини күтариб, гуноңдан узоқроқ юриш учун тезроқ тегирмондан жұнаб қолишга шошилди. У ҳовуз олдига етгандагина тоза, күкиш музнинг ойнадай ярақлаб турганини күриб, бир лаңза тұхтади, муз остида киши күзини ўйнатиб, ҳаваси ни келтириб сув жимирлаб туарди. Гуськов чүг-чалаларнинг учеб келиб музга тушиши, уни ифлос қилиши ва писиллаб туташини күз олдига келтирди, унинг дилида бир шунақа қилмайсанми, деб яна нимадир тиқилинч қила бошлади, шундан кейин у яна тоққа, далалар томонға қараб кетди.

У күн бўйи гоҳ очиқ ерга чиқиб, гоҳ ўрмонга беркиниб сайхонликларда дайдиб юрди, баъзан шундай бир иштиёқ билан ёнар, шундай жазаваси тутар әдикі, у одамларни кўрсам, одамлар ҳам мени кўрсин, кўрсин-у, бу ким экан, деб ташвишлансин дерди, кейин ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ ваҳимага тушарди-да, қимирлашга ҳам юраги бетламай бир ерда узоқ туриб қоларди. Сувлар жилдираб оқарди, офтоб тушиб турган ерлардан буг кўтарилади, маст қилувчи ўткир ҳидлар бошни айлантиради. Шунданми ёки яна бошқа нарсаданми, Гуськов жинни бўлаётди: тушдан кейин куннинг икки-уч соатлик катта бир бўлаги бекордан-бекорга ўтиб кетди; кейинчалик у ана шу вақтда қаерларга боргани, нималар қилганини эслаб кўришга уринди-ю, аммо эсига ҳеч нима келмади, ана шу беҳуш бўлиб юрган дамлардан эсида фақат қишлоқда қичқирган хўрзларнинг унинг юрагини тимдаловчи товуши-ю, жилдираган сувлар қолибди. Унинг пиймаси шунчали шилта бўлиб кетган әдикі, сиқиб ташласа ҳам бўларди, оёқлари пилч-пилч қилиб зирқиради, у эса йўл танламай, қаер қаттиғу қаер қуруқлигини суриштиромай ҳамон тайинсиз кетиб борарди.

Кечқурун у вақтта ҳам қарамади, қош қорайиб қолгана қишлоққа тушиб келди. Теваракдаги нарсаларни, биноларни ҳали кўрса бўларди; у синчиклаб қараб, ўз мўрчасини қидириб топди, аммо тутунни кўрмади. Гуськовнинг аъзойи бадани музлаб кетди: у куни билан негадир тутунни кўраман деб сира шубҳа қилмаганди, ҳатто мана ҳозир Настена сув ташияпти, ҳозир у мўрча печини ёқди, деб жуда ишонч билан тахмин ҳам қилганди... Нашотки, умиди чиппакка чиққан бўлса? Чамаси, Гуськов сарсонлик-саргардонликка тушгандан бери биринчи марта: «Э, парвардигор, бенасиб этма. Эй, худоё худовандо,

шундай қилки, мүрча исиган бўлсин, қўлингдан келади, ҳали ҳам кеч эмас. Фақат бир сафар марҳаматингни дариг тутма, кейин мени нима қилсанг қилавер, ҳаммасига розиман», — деб худога илтижо қилди. Тўсатдан унинг аъзойи бадани дағ-дағ титрай бошлади, обдон абжагини чиқариб, гўё унга бир нимани уқтиргандек, яна кутилмаганда титроги босилди; шундан кейин унинг ҳаммаёғи сирқираб, латтадай бўшашиб кетди. Гуськов дуч келган тўнкага ўтириб, тунни кута бошлади.

Итлар ҳам акиллаб-акиллаб жимиб қолди, одамларнинг юмуш билан у ёқ-бу ёққа юргандаги қадам товушлари, гоҳ-гоҳ уларнинг овозлари қулоққа чалинарди, лекин буларнинг ҳаммаси Гуськовга негадир элас-элас, узуқ-юлуқ, заиф етиб келаётганди. У яна худди азоидагидай муз-муз бўлиб қолди, уни энг муҳими: Настенага нима бўлди, деган ўй қийнаётганди. Аймо деразалардан тушиб турган ёргулик уни ҳарқалай ҳајжонлантиради. У стол устида турган самоварни, ёниб турган камини, оловнинг деворга тушиб турган шуъласини, каравотдаги шишириб қўйилган ёстиқларни, яланг оёқлар остидаги пойандозни кўз олдига келтирди — ҳаммасидан таниш ҳид келиб туарди, бундан Гуськовнинг юраги орзиқиб, ночор симиллади, сирқиради, яна симиллади ва бир нарсадан таскин топгандай яна босилди. Гуськов чироқлардан юз ўғириб, кўзларини юмди, у қуюқлашаётган қоронгиликда тўнгакка ўхшарди.

Қишлоқ жимжит бўлиб қолгандан кейин у мўлжаллаб қўйган лаҳзасида шартта ўрнидан турди-да, қўлини қимирлатмасдан бошини қисқа-қисқа чайқаб, чўқиниб олди ва настга, Ангарага қараб тушиб кетди. У муз устидан юриб, мүрча олдигача келди, тирмашиб жардан юқорига чиқди, у эҳтиёткорликдан эмас, қадамининг муҳимлигини ўйлаб, панжара олдида тўхтади, кейин синч остидан ўтди. У эшик олдидалигидәёқ ичкари иссиқлигини сезди.

У мўрчага кирди-да, кетидан эшикни ёпиб, шошилмасдан оғир, жиққа ҳўл, куни билан жонидан безор қилган шиймаларни ечди ва шундан кейингина ўзини ўнглаб, жаҳл билан голибона томоқ қириб, кулди. У ҳаммаёқни тўстўполонга солмаслик учун шовқин-сурон кўтаришдан, бақиришдан, ашула айтиб юборишдан — қувончи ичига сиғмаётганини ошкора этишдан ўзини аранг тийиб туарди.

Бу ерда у Настена билан ўзини ёнма-ён ҳис қилганиданми, у эсига келгани ҳам йўқ, мурчанинг иссиқ бўлиши унга кифоя эди.

14

...Тамом, бошланди энди, Настена қанчалик әҳтиёткорлик қилиб, қанчалик тайёргарлик кўриб юрмасин, тўсатдан бошланиб қолди.

Апрелда, ердан қор кетиши билан Михеич Настенани ёнига олиб, иккови ўтин тайёрлашга кириши. Улар бўш вақтлари бир пайтга тўғри келган кезларда гизиллаб бориб, бир соатми, икки соатми арра тортишиб, баҳоли қудрат ўтин тайёрлаб қайтиб келиш учун қишлоққа яқин ердан ўтин кесишайтганди. Ўтин ёришга кўпинча Михеичнинг бир ўзи бораради. Кейин Настена бир борганида ёрилган ўтиналарни тахлаб келарди. Аммо энди ўтин арралаш анча оғир кўчаётганди, Михеич ҳар қачонгидан ҳам тез чарчаб қоларди ва ҳар бир тўладан кейин дам оларди. Илгарилари ҳам кундаларсиз иш битмасди, энди эса, чамаси, келгуси қишида ҳамма умид шу кундадардан эди.

Михеич милтиқни ўзи билан олиб кетмасди, милтиқнинг бу ерда, қишлоқдан бир чақирим нарида сира кераги йўқ эди. Аммо ўрмондаги иш ҳарқалай овга ишқибоз Михеичнинг кўнглига ғулгула солиб қўйди шекилли: у ўқ тайёрлашга тушди, милтигини тозалади, кейин бир куни ўрмонга чиқиш олдидан омбор ичидан анча ги-вирлади, сўнг эшигини беркита туриб, ногаҳон сўраб қолди:

— Менга қара, ойим қизим, мабодо Андрейнинг «Тулка»сига кўзинг тушмадими? Ҳаммаёқни қидирдим, жуди ер ютгандай, йўқ.

Кетишга шай бўлиб, қайнотасини кутиб турган Настена қўлда арра билан қўр ўртасида қотиб қолди. У мудом шу саволдан қўрқарди, унга қандай жавоб беришни ўйлаб қўйганди, шундай бўлса ҳам у шошиб қолди. Афсуски, ҳозир қайнотаси билан гапни очди қилиб оладиган фурсат эмасди-да, эҳ аттанг, бошқа сафар бўлса ҳам майлийди, ҳозир жуда ноқулай пайт.

— Ҳеч қаерда кўрмадингми? — қайта сўради Михеич ундан нари кетишга чоғланиб.

— Кўрдим,— деб тан олди Настена гангиб, бемаънилик билан жилмаяр экан, у қаттиқ гапирмаслик учун Михеичга яқин келди.— Мен уни сотганман, дада.—

Айрим пайтларда у Андрей сингари Михеични дада дерди.

— Сотдим? Қачон сотдинг, кимга?

— Анча бўлди. Сизга айтишга қўрқиб юрувдим, уришиб берасиз деб қўрқувдим. Вакилни Кардага олиб борганимда... Ўшанда облигация туфайли мендан жаҳлингиз чиққанди, кейин рост-а, шунча пулни қаёқдан оламан, деб ўйлаб қолдим. Ахир эсим йўқлик қилиб лақиллаб қўйибман, шунча пулни қаёқдан оламан? Ўша одам милтиқни кўрди, унга жуда ёкиб қолди. Кейин сот-чи деб ёпишиб олди. Кейин сотдим-да... бир амаллаб кўндириди.

— Сен, ойим қизим, нималар деяпсан ўзи? Ким кўрди? Ким кўндириди? Ҳеч нимага ақлим етмаяпти.

— Кардадаги бир одам-да. Мен уни танимайман. Фақат ҳарбий шинелдалиги эсимда бор. Аммо Катя Хлистова, Афанасий Хлистовнинг келини уни билади, улар ўзларича бир нималарни гаплашишди. Унинг қимлигини суриштиришга уялдим. Келишдик — бўлди-да.

— Нима, сен уни, милтиқни, ўзинг билан олиб кетганимидинг?

— Ҳа. Борди-ю, қайтишда қоронғида қолсам, керак бўлар, деб ўйладим-да... киши қўрқади-да.

— Кейин сотдим дегин?

— Сотдим.

Бу янгиликни омбор олдидаги супада туриб эшитган Михеичнинг азбаройи танг бўлганидан юзи тиришиб, бедаво бўлиб кетганди, оғзи очилиб, боши олдинга, Настена томонга чўзилганди, ҳеч нимага тушунмай, кўзлари пирпиради.

— Сен, Настена, менга ҳазиллашаётганинг йўқми? Рост айтаяпсанми? — ҳамон унинг ишониси келмасди.

— Рост айтаяпман. Дарров айтишим керак эди-ю... қўрқиб пайсалга солдим.

— Хўш, сен, нима, Андрей келса, милтиқни сотганинг учун бизга раҳмат айтади, деб ўйлаяпсанми? Е индамайди деяпсанми?

— Келса, топиб берармиз. Бир амаллаб қутулай, дебман-да. Узим учун қилмадим-ку, ахир.

— Топиб берамиз эмиш-а,— деб такрорлади Михеич ва Настенанинг гапига қўшилишдан кўра кўпроқ ўзининг миясига келган қандайдир нохуш фикрдан бошини лиқиллатди. У бу фикрини пухта ўйлаб, тагига етиб олгунига қадар индамай турди, кейин эсига тушиб, хиёл

юзини бурди, яхши эшитиш учун қулогини тутди-да, сўради: — Хўш, кейин... қанчага сотдинг?

Энди бу воқеанинг энг диққатга сазовор, энг қалтис жойи бошланганди.

— Ҳозир,— деди Настена ва уйга қараб юрди, токчадан латтага ўралган, бир вақтда Андрей унга берган соатни олди. Настена қайтиб келганида Михеич супадан тушиб, зинада ўтиради.— Мана,— деди Настена соатни унга узатиб.

Қайнота ўзини соатдан олиб қочиб, ўрнидан турди.

— Бу... нима ўзи?— сўради у шоша-пиша, астойдил тикилганидан унинг юзи баттар тиришиб кетди.

— Соат. Бу соат,— шоша-пиша тушунтириди Настена.— Мен уни, милтиқни пулга сотмагандим, мана шүнга сотганман, алмаштиридм ҳисоби. Соатни эса, сотиш осон, ўша одамнинг гапига қараганда, бу бошқача, чет элники әмиш, бозори чаққон әмиш. Қаранг аввал, учта стрелкаси бор.— Настена чамаси, илгари ҳам соатни бир неча бор қўлига олган бўлса керак, дарров дам берадиган мурватини буради-да, Михеичнинг қўлига тутқазди.— Қаранг: анави узун, ингичкаси кўз олдингизда югуриб кетяпти, шундай дик-дик сакрайдики, асти қўйверасиз. Умрим бино бўлиб бунақасини кўрганиман. Вой тавба, шунаقا нарсаларни ҳам ўйлаб топишибди-я, бирам чиройлики... ҳамиша тўғри кўрсатади, алдамайди.— Михеич худди бомбадан қўрқандай капалаги учиб, бир кафти билан иккинчи кафтини ушлаб, соатни қўлида айлантириди-да, сўнг қайтиб берди.— Қоронгида манави нуқтачалари худди оловга ўхшаб ёниб туради, ҳам маси кўринади,— деб қўшиб қўйди Настена бу тасодифдан тараддуланиб ва жим бўлиб қолди.

— Милтиқни соатга, ўйинчоққа,— деди қайнота ўзига келиб.— Ҳай ат-танг...

— Соатни сотиш осон... Бу ерда ҳаммада милтиқ бор, соат эса... яна бунақаси... кўрсатсанг, қўлингдан юлқиб олади.

— Шунинг учун, ойим қизим, бунинг эвазига бирон дурустроқ нарса олсанг бўларди. Билмай ҳар нарсага ёнишибдан кўра, озгина ўйлашинг керак эди. Уни кимга сотасан, ким оларди уни?! Ана, қуёш бор. «Қоронгида ёниб туради»,— деди у жаҳл билан Настена соатнинг шу жиҳатини пеш қилганини эслаб ва ерга тупурди.— Унинг ёритишини бошимга ураманми? Нима, ёругида бит бошармидим?

— Иннакентий Иванович олади,— деди Настена бўш

келмасдан.— Биламан, соат унга ёқади, у бунақа нарсаны яхши күради, күрсатсанг, бас. Ҳу мен әлтиб қўйган вакил шу соатга икки минг бераман, деб ялинганди,— деб қўйди у ишончли бўлиши учун.— Шундай ялиндики...

- Қанча, қанча?
- Икки минг.
- Шундай аҳмоқ топилганда нега бера қолмадинг?
- Балки ундан қимматроқ турар.

— Кўп берадиганини топиб бўнсан. Қўраман, қандай топаркинсан. Икки минг сўм-а!!! Ӯша, сен айтган вакил, сени бир лақиллатмоқчи бўлган, сен бўлсанг, ишониб юрибсан. Ҳўп, бўпти,— деб Михеич гапни бўлди,— кетдик. Сенинг соатинг деб шунча вақтимиз кетди. Мени жуда хурсанд қилдинг, шуниси ҳам кифоя. Қўзимдан нари қил, нари қил, жудо хайрингни бергур.

Улар йўлга тушдилар. Лекин Настена гап шу билан тугамаганини, Михеич чидаб туролмай яна шу мавзуга қайтишини олдиндан сезиб турарди — энди улар анчагача иккови ёлғиз қолади, тутақкан одамнинг эса, шундан кейин бошқа хусусда гапириши амримаҳол. Настена гарчи бугун энг даҳшатлиси ўтиб кетди, деб умид қилаётган бўлса-да, барни бир қўрқарди, энди энг муҳими айтган гапида туриш, адашиб кетмаслик, ўзини боягидай калтафаҳм қилиб кўрсатиш эди. Аммо тинкани қуритиб, андармон қилиб, қийнаб юрган нарса ҳақида гап очилди, йўқолган нарсага яхшими-ёмонми важ топилди, агар бундан бўёғига ҳам сир очилмай бораверса, ишлар енгил кўчаверади, бу албатта, то ўша нозик пайт— йўқолган нарса учун эмас, балки ортириб олгани — гумонасига важ-карсон топиши лозим бўлган пайтгача давом этади. Аммо ҳали ҳозирча ўша қунга узоқ, энди бунга асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Улар ўтин кесадиган ерга етиб боргач, иккиланиб ўтирмай, илгари белгилаб қўйилган қарагайни афдаришга киришдилар. Михеич қарагай оғиб турган томондан тагига болта уриб чопди, кейин нариги ёғидан арра солинди. Дарахт йўғон эмасди — осонроғи танланганди, аммо арра негадир жуда оғир бориб-келиб, кучни кўп олиб қўяётганди: сал ўтмай Михеичнинг нафаси тикилиб, йўтала бошлади. Настена Михеичнинг тинчишини кутиб, ерга чўнқайди ва ногаҳон бултурги ўтлар орасидан униб келаётган кўкиш майсани кўриб қолди, майса бир кўринди-ю, яна йўқолиб қолди, аммо Настена энгашиб, уни яна топди, унинг ёнида бошқалари ҳам кўрин-

бўлиб юришини пайқаб олиш қийин эмасди. Гарчи чол ҳозир Настенанинг гапига ишонғандек бўлса ҳам, уни беихтиёр кузатиб юради, чунки киши шубҳадан осонлик билан қутула олмайди: шубҳа пайдо бўлдими у мустақил яшайверади, кейин бора-бора киши шубҳасини жиловлаш ўрнига ўзи унинг таъсирига берилиб қолади. Энди икки баравар, уч баравар эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир қадамингни ҳисоблаб босишга тўгри келади. Хўш, энди, икки ойлардан кейин қорнинг дўппайиб турса, қанақасига эҳтиёткор бўласан, қанақасига қадамингни ҳисоблаб босасан? Милтиққа важ топган бўлсанг ҳам, бунга важ тополмайсан, бу соат тўхтамасдан қаттиқ чиқиллаб туради. Настена қандай кунларга қолишини кўз олдига келтиролмасди, ўйлаб ўйига етолмасди; унинг бошига тушадиган ишни ҳеч нимага қиёслаб бўлмасди, унга нима бўлгани то элга ошкора бўлмагунча, ҳеч ким унга бармоғини бигиз қилмагунча ва суринги тирмагунча бирон иш қилмай, тақдирга таън бериб кутиш керак,— ошкора бўлгандан кейин эса бу шармандалиқ ботқоғидан фақат ўз кучи билан, урина-урина чиқиб олиши керак, чунки ҳеч ким унга ёрдам бермайди,— ҳа, фақат ўз кучига ишониши керак, чунки бир ўзи уч кишини қутқариб қолиши лозим. Қурби етармикин, буни ҳали унинг ўзи ҳам билмасди, олдиндан бу ҳақда бош қотиришни истамасди ҳам. Ҳарқалай у ўзини заифлардан эмасман, деб ўйларди-ю, айни пайтда куч ва сабртоқатдан бошқа яна бирон нарса ҳам талаб қилинар, эҳтимол, ўша нарса менда йўқдир, деб чўчирди ҳам. Ҳар қандай шармандалика чидаш мумкиндир-у, аммо бор ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон билмасин, деб барча одамларни, бутун оламни бирваракайига алдаш мумкинми? Шундай қилиши учун бир одам, гарчи у жуда қув, устамон бўлиб, ҳамма ишни дўндириб ташласа ҳам камлик қилмасмикин? У ўз зиммасига гуноҳи азимни олмаяптимикин? Бу гуноҳ унинг ўзига ҳам, қолган умри илтижо билан ўтадиган ҳаётга ҳам кўплек қиласди.

Бир қулай фурсат келганда Настена ҳомиладорлигини қайнотасига айтмоқчи, шу билан келгусида бундан, юрагини ҳовучлаб шармандаи-шармисор бўлишдан қўрқиб юришдан ҳам биратўла қутулмоқчи бўлди. Бу ҳам бир таваккал-да. Қайнотаси ҳам майли, унга ҳам оғир, секин-аста кўниксин, аммо охир-оқибатда бунга кўни-кади,— унда Настенанинг кўнгли анча тинчирди, бошқа барча ғам-ғурбатларга чидарди. Лекин Настена Михеичга ачинди. У ҳали дилидагини айтмасдан бурун қайнотаси

чүчиб, қотиб қолишини, оғир, қайгули ўй-хаёлларга ботиб, бошини қуий солишини, бундай пайтларда билиши лозим бўлган нарсани сўрашга журъат этолмаслигини кўз олдига келтирди,— йўқ, бугунча унга шу милтиқ машмашаси ҳам етарли, ўзига эса, шу гапларнинг ўзи ҳам кифоя. У ҳомиладорлигини бўйнига олиб, қайнотаси баттар шубҳага солмаслиги керак, эҳтимол қайнотаси фақат гумон қилиб юрган бўлиши мумкин, у шу гумонни ростга чиқариб, ишонтириб қўймаслиги лозим. Настена Михеич мени ҳаммадан кўра яхшироқ билади, ҳар қанақа бемаъни баҳоналаримга ишонавермайди, деб қўрқарди. Унда ҳамма гап бир-бирига боғланади-ю, тўппа-тўғри бориб, Андрейга тақалади — Настенанинг бундай қилишга ҳаққи йўқ: ҳар қандай шама, ҳар қандай эҳтиётсизлик унинг учун тақиқланган.

Улар қарагайни арралаб бўлиб, қайтиш тараддудига тушдилар: вақт кетиб қолганди. Қуёш оғир, анча пастга инганди; осмоннинг икки бурчагида қуёш билан ой кўриниб туарди, ингичка ой ўроғи қуёшнинг хира ёруғида ўжарлик билан милтиради. Настена ҳар сафар уларни бирга кўрганида нимагадир қўрқарди ва нима учун уларнинг одатдагидек ажраб кета олмаётганига тушуна олмасди. Шунинг учун у ҳозир ҳам алланечук бўлиб кетди. У кўзларини қисмай, катта-катта очиб қуёшга қаради ва назарида ойнинг тикандек қадалувчи соёвук нурлари унга тушаётганини сезгандай бўлди.

Кетиши олдидан Михеич ғўлага ўтириди, шунинг учун Настена Михеич яна Андрей ҳақида гап очишидан ҳадиксираб, сергакланди. Аммо бир ўзи кетишга юраги дов бермади; Настена қайнотаси мендан ўзини олиб қочяпти, деб ўйлашини истамади. Чол чекиб, бир-икки минут тутатиб ўтириди-да, сўнг ўрнидан турди; Настена қайнотаси йўл юриб чекишини ёқтираслигини эслади. Улар иккови ҳам ичидағи ёқимсиз дардини ёрмай, индамасдан қишлоққа қайтиб келдилар.

Кечқурун рўзгор юмушлари билан ғимиirlab юрган Настена бугун Михеични адаштирмоқчи бўлган бир одам уни адаштиришдан кўра кўпроқ сергаклантириб қўйганини бир неча бор пайқади-ю, чўчиб, шошиб қолди,— ўйласанг юрагинг орқага тортиб кетадиган, келажаги шу яқин ойлар ичида бутунлай барбод бўладиган ўша одам нима бўлишини билади-ю, ўзини ҳалок этиш учун, худди атайлаб қилгандек кетма-кет бемаънилик қилали, бугуни эса ҳар хил, бутунлай бир-бирига ўхшамайдиган бўлакларга ажралиб кетган ўша одам худди ана

шу Настенанинг ўзи эди. Уни ваҳима босди, бу уни ўтга ҳам, сувга ҳам ташлайдиган, гўё узоқ муддатга чўзиладиган ва беқарор ваҳима эди: исталган пайтда бу ваҳима ҳали қонуний вақтимга бор дегандек босилиб қоларди, кейин яна бопқатдан қўзиб, қийнарди-ю, дилини сиёҳ қилиб, яна тийиларди. Настенанинг ташвиши ортиб, борган сари шу билан ўралишиб қолаётганди. У ҳаётида юз бериши лозим бўлган нарса борасида бугун кескин ўзгариш бўлганини кўриб туради; фақат ўзигина билиши лозим бўлган сир бошқалар кўзи олдида йилт этиб қўйганга ўхшайди. Энди хотиржам юриб бўлмайди. Бунинг учун Настена ўзидан гина қила бошлади: демак, дурустгина баҳона тополмабди, бошқачароқ гапириб қўйибди, жуда авайлаб, эҳтиёт қилиб сақлаши лозим бўлган нарсани яхшилаб беркитолмабди, ўзининг ҳамон ўша очиқ кўнгил, итоаткор келин эканлигига Михеични ишонтира олмабди...

Ўзини қўйишга жой тополмай қолган Настена қайнотасининг ишдан қайтишини сабрсизлик билан кута бошлади, қани кўрсин-чи, қайнотаси унга нисбатан ўзини қандай тутади-ю, нима дейди, Настена унинг ёнида бўлиши зарур бирон дилсиёҳлик бўлса ҳам майли, шунда ҳам у енгил тортади, тушуниб олади, мияси ачиб, бекордан-бекорга ҳадиксираб юрмайди. У агар Михеичнинг кўнглида бирон гапи бўлса, чидаб туролмасдан айтади, борди-ю, айтмаса ҳам бирон нима билан сездириб қўйди, деб ишонарди. У ичимдан топ дейдиган одамлардан эмас, қувликни билмайди, бор гапни тўкиб солишни күш кўради.

Лекин Настена Михеичнинг отхонадан кеч, қоронги тушгандан кейин келишини биларди — шунинг учун у беҳуда тентираб юрмаслик, ўзини бирон нима билан банд қилиш учун рўзгор юмушларини саранжом-саришта қилиб бўлгач, Надъканникига жўнади.

Надъкаларницида овқатланишаётганди, тўғрироғи, энди овқатланишга ўтиришаётганди. Столда болаларнинг ҳар бири олдида ёшига қараб тақсимланган картошка турарди: энг кичиги Лидка олдида тўрт дона, Петъка олдида бешта, Родъка билан онаси олдида олтитадан картошка, бир бурдадан нон бор эди. Настенани ҳам дастурхонга таклиф этишди, у овқат емайман, деди-ю, аммо ўзига чой қўйиб олиб, Лидканинг ёнига ўтирди. Лидкани кўрган кишининг юраги туздай ачишиб кетарди, у ҳаш-паш дегунча ўз нонини ютиб бўлди-да, картошкага ёпишди, картошка ер экан, акаларининг нон-

ларига очкүзлик билан тез-тез қарапарди. Надька тағин тиқилиб ўлма, деб унга ўшқирди. Настена Лидкани кузатиб ўтиаркан, одатдаги оғир ўй-хаёлдан тинкаси қуриётганини ҳис этди: бу ҳол қачон тугаркан? Қачон бирорларнинг қандайдир зуғумидан, қандайдир жаҳнам оташидан қутулиб, киши ихтиёри ўзида бўладиган яхши кўнларга етишаркин-а? Лоақал болалар тўйиб-тўйиб овқат ейдиган кунлар ҳам келармикин? Бу болаларнинг гуноҳи нима?

Лидка шоша-пиша картошкани ҳам тушириб бўлдида, олдида ейдиган бошқа нарса тополмай, қўлини кўтарганича ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди ва атрофга суклик билан кўзини жовдиратди.

Ҳеч ким унинг гангиг қолганига эътибор бермасди: шунинг учун ҳам она фақат ўз улушингни бил, бошқашарнидан тама қилма, деб тақсимлаб берган-да.

— Чойингни ичгину бориб ётгин,— деб туртиб қўйди онаси, қизалоқ итоаткорлик билан стакани олди.

Настена чида буролмай, ўрнидан турди-да, эртага олиб қўйилган бир думалоқ нон сочиқ остида дўппайиб турганини сезиб, кутга борди, гарчи у Надьканинг шовқин солишини билса ҳам, таваккал қилиб ноннинг бир четидан озгина кесиб олди-да, келтириб Лидкага берди, Лидка шу нон билан тўймаса ҳам ичини таталаётган очликни ҳарқалай алдарди. Надька индамади. Аммо кейинроқ, Настена Лидкани тиззасига олиб, унинг титраб турган озгин гавдасини бағрига босганида Надька хафа бўлиб, қитмирлик билан деди:

— Шуни асраб олмайсанми?

— Сенинг болангни олиб нима қиласман? Эҳтимол, ҳадемай ўзим ҳам туғиб қоларман — сен билиб ўтирибсанми.

У шундай деб жавоб берди-ю, пушаймон еди: нега оғиздан туллаб ўтириби? Кейинчалик Надька бирон ишқални сезиб қолса, дарров бу сўзларни эслайди, бу сўзлар шу ишқални ҳаммадан олдин яхшилаб билиб олишига жуда қўл келади-да. Ҳа, ҳозир ҳам овозидан, орият қилиб, комил ишонч билан берган жавобидан бу шунчаки бир баҳона эмаслигини, унда бир гап борлигини пайқаб қолмадимикин?

— Бўлмаса нега илгари тутмадинг? — жўяли қилиб сўради Надька.

— Хоҳламагандим.

— Сени қара-ю, хоҳламаган эмиш-а. Урушнинг тугашини кутгандирсан-да, шундайми? Мундоқ қарасам, ҳам-

манглар ҳам ўлгудек айёр әкансизлар. Агар уруш бўлишини менга ҳам шипшитиб қўйганларингда, мен ҳам қарабсанки, ҳар сафар қорнимни кажавадай қилиб юрмасдим, ўзимни тиярдим.

Настена Надъкани урушдан олдин беш йил, уруш бошланганидан бери бу ёғи тўрт йил ҳеч кимни — на Витяни, на бошқа бирони йўлатмай юришини кўз олдига келтирди-да, кулиб юборди. Буни Надъкага айтган эди, у ҳам хаҳолаб кулиб юборди.

— Вой гапингни қара-я,— деди у Настенанинг фикрига қўшилиб.— Мунақасига чидаб бўларканми! Агар ўзимга қўйишса, йилда тұғсам дейман. Кейингисига яна уч ой вақт қоларди. Пуштим жуда зўр-да, бир марта даёқ шаппа ушлайди. Бизники доим тайёр, баъзи биронларни кига ўхшамайди,— у чидаб тиролмасдан Настенани бир узиб олди.— Агар ўзимни эҳтиёт қилмасам, ҳали бир этак бола туғиб ташлардим—фақат боқиб олсанг бўлди. Менга ҳеч қанақа ҳарам ҳам бас келолмасди. Ҳарам деганини эшитганмисан? Менга Витя ҳарам тўгрисида қайси бир китобдан ўқиб айтиб берганди. Қанақа хотинлар экан, билиб бўлмайди, бир эркакка шунча хотинининг нима кераги бор? Ўша одам хўрозга ўхшаб хотинлар олдида айланиб юрармиш-да, истасам сенга чопаман, истамасам, зор бўлиб юраверасан дермиш. Қани энди ўша хўроздимга келиб, қанотини қоқса, мен унинг суробини тўғрилаб қўярдим, мен уни, ўша хотинбоз капиталистнинг адабини берардим. Тўғри-да, нима энди, бола кўпайтираман деб хотинларни галалаштириб юрадими? Мен бир ўзим ҳаммасини йўлда қолдириб кетардим.— Надъка ўзини маломат қилиб, ўзидан ўзи кулди, аммо ўзини таҳқиқларди-ю, фахрланарди: у хотинлик бурчини адо этди, бу жиҳатдан унга ҳеч нима дея олмайсан. Илгари балки, Надъканинг мақтанчоқлиги Настенанинг иззат-нафси га теккан бўлармиди, аммо ҳозир бу гаплар ҳатто унга күш ёқарди.

Лидка Настенага эркаланиб ухлаб қолди: Настена ухлаб ётган қизалоқни кўтариб ўтириб ҳам ҳузур қилаётганди, назаридা ҳомиласи рапш қилиб, ўзининг борлигидан далолат бериб, шу лаҳзада ҳар вақтдагидан ҳам тез-тез қимирлаб қўяётгандай эди.

Настена уйга қайтиб келди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди: Михеич Семёновнани қўлтиқтаёқда юришга ўргатаётган эди: у буни сира кутмаганди. Михеич қўлтиқтаёқни аллақачон тайёрлаб қўйган эди-ю, аммо Семёновна ўламан саттор қўлтиқтаёқда юрмайман деганди, лекин Михеич

қандайдир бир мүъжиза билан бугун кампирига ғапини ўтказганди. Семёновна қийналаётганди: у құлтиқтаёқни құлтиғига қисиб олиб, худди кишанланғандай, оёқларини түп эткізіб олдинга ташлар ва йиқилиб кетмаслик учун оғирлигини дардчил, узилиб кетай деб турган оёқларига солар әди, соларди-ю, құллари билан дуч келган нарсани ушларди ва ох-воҳ қилиб саннашга тушарди.

— Сен оёқларингни галма-гал қимирлат,— деб ўргатарди Михеич.— Намунча ношуд бўлмасанг-а? Сакрама, обдан сакраб бўлгансан, шу ҳам етарли. Одамлар оёқсиз ҳам юрибди, сенинг бўлса, оёқларинг бор, озгина машқ қилсанг бўлади. Сен аввал битта-битталаб қадам босишни ўрганиб ол, кейин тез-тез босасан.

— Э, худойим-эй!— деб ингради Семёновна.— Кайиған чогимда намунча мени кийнайсан-а? Лоақал шени яҳминг кешин Биби Майям. Манави мияши айниган чолга тушунтий, гўйимга буни құлтиқтаёқлайишиз ҳам бояман. Лоақал шен бу зой колгуйлайні тобутимга шолма,— деб кампир Михеичга ёпишди,— мени шайманда қилма. Топган ишингни кая-я: печкадан тушийиб юй дейди-я, қаёққа юй? Қаёққа юй?

— Бўпти, ўтири, ўтири,— Михеич уни катга ўтиргизди.— Дамингни ол, чарчаган бўлсанг. Оёқларинг оғримаётими?

— Нега оғиймашкан? Нега оғиймашкан? Ловиллаб сняпти. Эй худойим-эй... оғиймайлтими, дейди-я.

Настена самоварни печка ёнига қўйди, карнай тирсагини мўрконга, тўғрилади ва лампани ёқмоқчи бўлди, лекин Михеич керосин тугаялти, эҳтиёт қилиш керак, деб уни чироқ ёққани қўймади. Михеич каминни ёқди. Настенанинг дили ранжиди, назариди, агар у чироқ ёқмаганида қайнотаси бирпасдан кейин уни ўзи ёққан бўларди, ҳозир бўлса, Настенага ўчакишиб, атайлаб шундай қилаётгандай туюлди. Камин эса, мана, рост бир ой бўлди, ёқилгани йўқ, қайнонаси бўлса, бугун каминни эслаб қолди, мум олиб келгани борди, тихирлик қилмаяптими ўзи, миқ этмайди — нима бало, шунчалик ичикиб қолганмикин?

Самовар шигиллади, камин гувиллади, оловнинг узунузун фусункор шуъласи деворларга, деразаларга тушиб турарди, хона ичи исиб, жон кириб қолди. Семёновна юзини бир четга буриб, ичимдан топ деб ўтирас, энгашиб, заиф қўллари билан оёқларини уқалар эди.

— Хўш, кампир, яна юрамизми?— деди унга Михеич.

— Нима, мени ўлдиймоқчимишан? — зарда қилиб, йигламсираб деди у.

— Ха.

— Ўлдийшанг ўлдия қол. Шия ачинма.

У жаҳл билан ўзини зўрлаб ўрнидан туришга ҳаракат қилди. У аввал катдан хиёл кўтарилиди, унинг оёқлари ўтирганида қандай бўлса, шундай букланиб турарди, кейин қўлларини тиззаларига тираб, оқиста қаддини ростлай бошлади. Михеич яна унинг қўлтиғига қўлтиқтаёқни тиқди. Настена қайнонасини суяш учун унинг бошқа томонидан ёнига кирди. Аммо таажжубки, ҳаш-паш дегунча Семёновна бу сафар ўзи учун янгича бўлган бу юришда қандай қадам босиши билиб олди: у битта қўлтиқтаёқса суюниб, иккинчи оёғини беўхшов олдинга ташларди-да, оғирлигини ўша оёғига соларди. Кампир энди гина йўлга, кирган болага ўхшаб ғуурланиб, сабрсизлик билан инжиқланиб деди:

— Қани, қочинглай-чи, ушламанглай, ўжим.

Семёновна меҳмонхонанинг у бурчагидан бу бурчагига борди, анча овора бўлиб, инқиллаб-синқиллаб бурилди, орқасига қайтиб, катга келди ва курсанд бўлганидан уҳ тортиб ўтирди. Михеич уни қузатар экан, овозини чиқармасдан куларди, унинг елкалари силкиниб, мўйлови ликилларди. Семёновна унга қарамасдан ҳорғицнлик билан маъқуллади:

— Чакки әмаш, оёқлайим юйишга яйайди. Юйганда бошшам бўлади энди.

— Мана кўрдингми, — деди Михеич курсанд бўлиб. — Йўқса икковимизга битта менинг оёғим нима бўларди, бу оёқ билан икковимиз қаёққа ҳам бораардик? Энди ишнимиз-чакки бўлмайди: учта соғ оёқ, мундоқ қарасам, иккитасини тузатса бўлади, биттаси керак бўлганда ишлатилади.

— Эҳ, қани энди қўлтиқтаёқда юйишмни Андюшка бий кўйша эди, яшо кулайди-да... Эҳ, йошт-да, бийов кулади, бийов йиглайди.

— Энди, кампир, сен билан менга печкага чиқиб олиб ётиш асло тўғри келмайди, — деди Михеич меҳри товланиб, шу билан бирга қандайдир комил ишонч билан, бу гап Настенага тасодифий әмасдек туюлди. — Қўлтиқтаёқда бўлса ҳам майли, аммо қимирлаб туриш керак.

Настена бу гап замираидаги бир маъно борлигини пайқадиу уни бугун бўлиб ўтган гапга тақади. Йўқ, бугунги гап қайнотасининг у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқиб кетавермаган экан, қайнотаси ниманидир пайқабди,

қандайдир қарорга келибди, модомики, пайсалга солмай Семёновнага қўлтиқтаёқ бериб, уни юришга мажбур этяптими, демак, бир гап бор. Чол яқин орада Настенанинг қош-қовоғидан қутулиб қўя қолиш учун кампирни юришга ўргатмаяптимикин? Хўш, нега? Нега?

— Мана кўрасан, ёз келса, оёқларинг бинойидек бўлиб, йўргалаб қоласан ҳали,— деб далда берди у кампира.

Кампир ҳам чолнинг фикрига қўшилиб деди:

— Кошкӣди, эҳ, умиймнинг охийида яхши бўлайди.

— Ҳў, эсингдами, илгари ҳаммадан олдин сайхонликка югуриб чиқардинг?

— Эшимда... нега эшимда бўлмашкан... Шен, Федой, эшимга шолмашанг, яйамга туз шепмашанг бўлайди.

Настена титраб кетди, қариялар кўпдан бери бирбирининг исмини айтиб гапиришмасди, шунинг учун у қайнотасининг исми Федорлигини ҳам унубиб қўйганди. Бу исм ўтиб кетган қувноқ ёшликларининг тасодифий акс садосидек эшитилди. Настена қарияларга разм солди, улар ўз хотираларига берилиб, индамай ўтиришди.

Ногаҳон Настенанинг дили қандайдир беихтиёр, сабабини ўзи ҳам билмай ғаш бўлди-ю, ўзини шунчалик ёлғиз, шунчалик баттол, бахтсиз, беҳуда нобуд қилинган, алданган, бегона ҳис этдики, шу заҳоти томоғига бир нима тиқилиб, бўға бошлади ва ҳаммаёқни бошига кўтариб, аччиқ-аччиқ ўкраб йиғлагиси келди. Аммо у ўзини босди: йиғлаши мумкин эмас, унинг учун ҳатто кўнглини бўшатиб олиш ҳам тақиқланган эди. У қулай фурсат келишини кутиб турди, Михеич кутга кириши билан Настена кетидан ғизиллаб борди-да, шоша-пиша шивирлаб сўради:

— Дада, милтиқ учун мендан жаҳлингиз чиқмаяптими ишқилиб? Жаҳлингиз чиқаётганий йўқми, а?

— Милтиққами?— у ҳали-ҳаёлан бошқа оламда эди, шунинг учун Настенанинг нима ҳақда гапираётганини ҳам дарров тушунмади.— Э, йўқ, қизим, жаҳлим чиққани йўқ. Э, гап милтиқда эканми...

Охиригача айтилмаган бу гап ҳам Настенанинг адашган қалбини баттар ташвишга солиб қўйди.

Гуськов мўрчага охирги марта апрелнинг ўрталарида омонат, лиқиллаб турган муз устидан ўтиб борганди. У полка остидан пайпаслаб каттагина қопни топиб олди-

да, орқалаб қишлоға олиб кетди. Қопда картошка, бир неча бош пиёз, икки дона турп бор эди, ёстиқ жилдига эса, аввалгидек озгина нұхат уни солинганди, ун ичиде эса үнтача тухум, бўзга ўралган думалоқ нон, пайтавага мўлжалланган бошқа дагал бўз халтада эса эски чориқ бор эди; чориқ ичига бир парча чарм, мумланган ип, жуволдиз солинганди; бундан ташқари қопда кирчил кўйлак, занглаған юнг қайчи, калтагинә сансар қалам, озгина туз, пича тамаки барги, қора олқинди, яна Андрейни ҳайратга солган чоракта самогон ҳам бор эди. Андрей мана шу нарсалар билан неча кун яшапши номаълум эди, аммо то музлар кетиб, Настена қайиқда сузиб келмагунича лоақал бир ой кун кўриши керак эди. Андрей қопни бўшатаётганида нарсалар кўзига анча кўп, етиб ортадигандай кўринганди, аммо уч кундан кейин эса ҳар бир дона картошка, ҳар бир чимдим унини ҳисобга олишга тўғри келиб қолди! Тамакини йўсин билан тенгма-тенг қилиб аралаштириб олди, аммо шу ярамас нарсани ҳам тежаб кунига уч марта, кейинроқ эса, кунига икки марта — эрталаб ва кечқурун ўраб чекишга аҳд қилиб қўйди.

Қишки Ангарадан бутунлай файз кетганди, музлар хунук қўкариб турарди, фақат қирғоқларни эмас, қирғоқлардан бошқа жойларни ҳам кўлмаклар босиб кетганди. Ангара орқали ўтган йўлнинг икки томони эриб, йўл қорайиб, кўзга яққол ташланиб турарди, қаргалар домангирлик билан қағиллаб йўлда ивирсиб юрарди. Оролчадаги қинғир-қийшиқ тилоғочлар мусаффо баҳор ҳавосида гўё бирор атайлаб гараздан шунаقا қилиб қўйгандай ҳазин, хунук қўринарди, ҳолбуки доимо шамол ҳувиллаб турадиган бу ерда дараҳтлар силлиқ, бежирим ўсиши маҳол эканлигини тушуниш қийин эмасди. Дарвоқе, ҳамма ерда ҳам, ҳатто оппоқ бўлиб турадиган ҳар қандай қайнозорда ҳам энг мунгли, файзсиз пайт бу, маълумки, қор кетиб, ҳали ҳеч нима уйғонмаган, яшил либосяга бурканмаган пайт бўлади. Бундай пайтда инсон туйғуси ўткирлашиб, ниманидир қўмсайди, нимагадир ташна бўлади ва ҳувиллаб ётган, қорайиб, бўрсиб кетган нарсаларга кўника олмайди, кузда эса бунақа бўлмайди.

Гуськов, ниҳоят, меъдасига тегиб кетган пиймалари ни ечиб ташлаб сёқ учун қулай бўлган енгил чориқларни кийиб олди-да, обдон юрди, унинг учун энг яхши, энг катта давлат — бу юриш, дуч келган томонга бориши эди. Юрганда ҳам ортиқча бош қотирмайсан, йўлда учра-

ган нарсаларни ўйлаб кетаверишинг мумкин. У милтиғи-
ни олиб олғанды, аммо ҳали ўқ чиқармаганды, қолаверса,
отадиган нарсанынг ўзи йўқ эди: ҳайвонлар апрель-май
ойларида ўзларини жуда эҳтиёт қиласди, қарқур қўналга-
си бу яқин атрофда йўқ эди, қушлар, умуман экинзори
бўлмаган бу ерлардан аҳён-аҳёндагина учиб ўтарди.

Ёз яқинлашиб, ҳаволар исий бошлаган сари Гусъков-
да овлоқ, соя-салқин жойларда ҳали ҳам сақланиб қол-
ган қиши қолдиги — қорни қидириб тоғиш иштиёқи шун-
чалик ортиб борар эди. У ифлос, юпқа, эриб увадага ўх-
шаб қолган қорни топарди-да, унинг олдида тўхтарди,
қимирламай, оғир хаёлларга чўмарди ва қайтиб янги қор-
ни кўрмаслигига амин бўлиб видолашиб жўнаб қоларди.
У сўнгги марта сайр қиласётганига, бу сайр қилишлар
ҳам ҳадемай ниҳоясига етишига ўзини кўниқтираётган
эди: у сўнгти куз, сўнгти қишини ўтказди, мана, сўнг-
ти баҳор ҳам ўтиб боряпти, бу ёғи эса, сўнгти ёз. Гусъ-
ков эриб тугаётган қорга қааркан, ораларида қандайдир
ўхшашлик борлигини ҳис этарди: улар бир пайтда бор
эди, қор ҳам, муз ҳам — булар ҳам охиргиси, буларни
кўриб қолиш пешонасида бор экан, бошқа барчаси эса,
ундан кейин қолади. У ўзича сўнгги бурилиш муддатини
ҳам белгилаб қўйди, шундан кейин эса озгина умрининг
охирги кунлари бошланади. У ана шу бурилиш муддати
қилиб Ангарада шовуш бошланадиган кунни белгилади,
шунда у юқори оқимдаги қишлоғга бориб олади. У қиши-
ловни шунга тайёрлаб, энди бу ерда унга керак бўлмай-
диган баъзи қақир-қуқурларини элтиб ҳам қўйганди, шох-
шаббаларни ҳам қурисин, қачон синдирилганини битта-
яримта пайқаб қолмасин деб кат устига ташлаганди.
Шовуш бошланishiдан олдин Гусъков ўзига ўзи шу кун-
ни — кўчиб ўтадиган кунни зинҳор-базинҳор ўйлама деб
қўйган эди, худди шу куни, дарёда шовуш бошланган ва
бутун атрофида ҳаёт қайнаган пайтда у ўзининг сўнгти
бошпанасига киради, васвағага тушган кўнглига бир
муштлайди-да, бу ерларга қочиб келиб, яшаб юрган кез-
ларидаги сўнгги армони—тошқин сувларни юқоридан ту-
риб кўради. Бу нияти қанчалик олисадай туюлган эди-я,
мана ҳаш-паշ дегуича шу кунлар ҳам етиб келди-я!
Гусъковнинг бошқа нияти йўқ эди. Унинг назарида то
ёз келгунча вақт ҳали жуда кўпдек эди, мана, ўша вақт
ғир этиб ўтди-кетди, мана ёз ҳам келиб қолди, хўш, энди
нима қиласди? У Настена қопга солиб қўйган чоракталик
самогонни олади ва орзуси ушалганига гувоҳ сифатида
музлари кетиб, ҳайқириб оқаётган Ангарага қарайди-

да, ичади. Ичади-ю, бир ўзи кайф қиласы, қизишиб, алам ва шармандаликини, ҳузур-халоват ва орзу-умидларини, ғам-ғурбат ва құрқувларини аралаш-қуралаш қилиб юборади, аралаштиради-ю, оміхта ҳис-туйғулари билан юрагини жиғанак қиласы, кейин унда: мен борман, эртага нима бўлишидан қатъий назар, бугун мен борман, деган бирдан-бир оддийгина, салгина равшан этувчи бир туйғу пайдо бўлади. У шундай бўлишини олдиндан биларди, шунинг учун шу кундан бир қўрқиб, бир хурсанд бўлиб, албатта шундай кун келади, деб номигагина ажабланиб кутарди.

Энди у онда-сонда ухларди. Сутдай ойдин кечалар уни безовта қиласы, у бекордан-бекорга қаттиқ ташвишга тушиб уйгонарди-да, қишлоғдан чиқиб кетарди. Ана шундай пайларда жароҳатланган кўкраги одатдагидан қаттиқроқ оғрий бошларди. Ой қанчалик чараклаб турса, шунчалик безовталаниб, бўғилиб кетаверарди. У нариги дунёда нима бўлишини кўз олдига келтиради, назарида у пастгина, худди шифтга ўхшаш ясси осмонда ҳеч адо бўлмайдиган, чиқмайдиган ҳам, ботмайдиган, негадир қўтанлаган, қимирламайдиган тўлин ойни кўраётгандай бўларди.

У одатда Ангара соҳилига борарди-да, ўтириб, бехуда ўжарлик қилаётган музга ҳавас ва завқ билан узоқ тикиларди. Ҳатто кечаси сув яхлаганда ҳам энди муз дош беролмасди: остидан сув ялаб ўтиб, музни сурарди, сурарди, устма-уст мингашиб ётган музлар парчаланиб тўкиларди, чарсиллаб, қисирлаб дарз кетарди, муз устидаги кўлмаклар бетини қоплаган юпқа шовуш чайқалиб, қисир-қисир қиласы. Гусъков худди йиртқич ҳайвон сингари ҳар бир овозга, ҳаётнинг ҳар нафас олишига ҳушёрлик билан қулоқ солиб, қотиб қоларди. У барча ҳис-туйғусини фақат бир туйғуга бўйсундириб, инсон илғаб ололмайдиган нарсани илғаб олишни ўрганди: назарида у музга тушиб турган ой нури узоқ, енгил, жарангдор куйни шошилмай, қайта-қайта чалаётганини эшитгандай бўларди. Ёки, астойдил тикилиб, устини кўкини товланувчи муз қоплаган Ангаранинг шувиллаб оқаётган сувини кўтарди, ҳатто кейинги лаҳзада қаерга силжиши мумкин бўлган бирон-бир нарсани ҳам илғаб оларди. У ана шунақа тунги соатларда фақат сезги билангина яшарди, ҳеч нимани ўйламасди, сезги эса, уни тонготарга яқин яна қишлоғга бошлаб келарди, шундан кейин у уйқуга тушарди.

Қолган уйқусини у кундузи олишни ўрганганди, ўр-

моннинг бирон ерига, офтобрўяга жойлашиб оларди-да, ухлайверарди. У бир неча минут осмонга қараб ётарди, кўп ўтмай унинг ёп-ёруғ, бепоён мовий бўшлиғига қарашдан тинкаси қуриб, ухлаб қоларди, кейин эса, со-вуқ еб, оч қолиб уйғонарди-да, домангирлик билан атрофга алангларди: энди қаёқقا? Бу савол мудом унинг олдидага кўндаланг туради, кўпинча Гуськов бу саволга жавоб тополмасди-да, боши оққан томонга қараб кетарди, ишқилиб судралиб юрса бўлди эди.

Ү юриб борар экан, ҳавони ҳидлаб кўрарди, ҳар бир нарсага тикилиб қаарди, атрофга алангларди, баъзан кимдан бекинаётганини ўзи ҳам билмай яширинишга ҳаракат қиларкан, ҳатто болалардан ошиб тушиб, шунчаки бирор бематъни, хаёлий эрмак ўйлаб тонарди: назарида у гўё бировнинг кетидан изма-из бораётгандай ёки аксинча, таъқибдан қочиб қутулиб кетмоқчи бўлгандай, эҳтиёткорлик билан қадам қўярди, очиқ ерларни айланиб ўтарди, арчазоргә беркинарди, кейин эса, ўйнаб бўлгач, ўз устидан ўзи куларди, думбуллик билан очиқдан-очиқ, қаттиқ, аччиқ-аччиқ куларди. Бундай лаҳзаларда гўё миясьи суюлиб қоларди-ю, у урушда бўлганига, одамлар орасида яшаганига ишонмай қўярди, назарида доимо мана шу хилда бир ўзи, худди иши йўқ, мажбурияти йўқ, пешонасига азалдан шунақа битилиб, тентираб юравергандай бўларди.

Нуқул унинг овқат егиси келарди, шунинг учун атрофидаги барча нарса кўзига ўзига ўхшаб оч, ютоққан кўринарди. Уни ҳатто юракни әзувчи, қўргошиндай ҳаво ҳам тинкасини қуритарди, бир кишига бу ҳаво жуда ҳам кўплик қиласи. У бу ҳаводан энтикиб, нафаси тикилиб қоларди, Гуськов ҳаддан ташқари кучаниб нафас оларкан, бор кучи ҳам тугаётганини ҳис этарди.

Май арафасида у Ангаранинг юқори қисмига чиқиб, ов қилиш мумкин бўлган жойларни айланиб келишга отланди. У керакли нарсаларнинг барини: милтиқдан ташқари болтани, ҳар эҳтимолга қарши қопни олди, тунаб қоладиган бўлса, униси ҳам, буниси ҳам керак бўлади. Айланиб келишга бир кун етмаслигини чамалаб кўрди, унинг қишлоққа яқин бирон ерда дайдиб юргиси, одамларни қўргиси келарди, қишлоққача эса, ўттиз чақиримча юриш керак эди. У қишлоққа яқин боришини аниқ билмасди, аммо боришга юраги тўкилиб турарди, қандайдир тийиб бўлмайдиган гижгижловчи муддат яқинлашиб, одамларнинг жиғига тегишга, агар иложини топса, уларни ташвишга солишга қистарди. Балки уларни

безовта қилишнинг ҳожати ҳам йўқdir, шунчаки бир четда туриб уларни кўриш, одамларнинг овозини эшитиш, нималар ҳақида гаплашаётганларини, тирикчиликларі қалайлигини билиш етарлидир, шу билан ҳувиллаб таталанаётган, безовта бўлаётган кўнгли ҳам тўлиб, қайтиб кетар. Рибнаяга боришга юраги дов бермади, борса, у ёрдагилар кўриб, таниб қолишилари мумкин, бунинг учун энг яхшиси биронта бегона қишлоққа боргани маъқул. Ҳеч гап бўлмайди, деб бўладими, ахир?!

У әрталаб барвақт, тонг ёриша бошлиши билан йўлга тушди ва тушга қолмай Камений сроли рўпарасидаги қирғоққа, қишида эчки овлаган ерига етиб борди. Офтобдан ва сув ялашидан юпқаланиб, кўкиш товланиб турган муз ўртасидаги орол ҳозир жуда ялангоч, хунук кўринарди, аммо Гуськовнинг имилламай, шу ондаёқ оролга боргиси келди, у ов қилиб юрган пайтида тунаган, ови бароридан келишига сабаб бўлган ўша горни деб боргиси келди. Агар у шу ғорда қолмаганида иши ўнгидан келармиди ёки келмасмиди, номаълум эди. Унга ўхшаб ўз сири ўзи билан бўлган ғор уни қандай бир бошқача, зимдан имлаб чорлади, имлаганда ҳам сирлашгани имларди, бу сирни шу ерда ошкора этиш ҳам, шу ерга яшириш ҳам мумкин эди. Гуськов то ҳануз бу ғор кўзимга бежиз учрагани йўқ, деб ишониб юради, мен худонинг иродаси билан бу ғорга дуч келдим дерди. Умуман, кейинги вақтларда ўрмонда учраган барча хилват жойлар, ҳатто энг кичик, бефойда жойлар ҳам унинг диққатини торта бошлиганди. Масалан, у тўсатдан сичқон ини олдида тўхтарди-да, унинг нимага яраб қолишини мўлжаллаб, таёғи билан титкиларди, агар чоққина чуқурча кўриниб қолса, ичига тушиб, чўнқайиб ўтиарди-да, яширийни мумкинми-йўқми, текширади: агар ичидаги сув бетида қор сузиг юрган ҳақиқий чуқурликни кўриб қолса, анчагача кетолмай, унинг тик тушган четини томоша қиласарди, чуқурлигини чамалаб кўрарди; у бўш турган айиқ уясини топиш орзусида ағдарилган дараҳтларнинг илдизлари остига синчиклаб қаарди; у жарликларда юришни, тинчгина одим отиб кетаётib бирдан ўзини дараҳт панасига олишни, атрофга алангашни, хилват ҷакалакзорга уриб кетишни хуш кўрарди — гўё у кўзга кўринмайдиган одам бўлиш ниятида ўзини қисмларга бўлиб-бўлиб, у ёқ-бу ёққа яширилаётгандек эди. Шунинг учун кимсасиз, ташландиқ оролдаги ғор унга маъқул келиб қолганди, у қидириб, қиттак-қиттак топаётган имкониятларнинг ҳаммаси бу ерда жудди кўнгилдагидек муҳайёэ эди.

Орол рўпарасидаги соҳил кенг, яйдоқ бўлиб, намчиллиги кетган ердан янги, ҳарир оч-яшил рангдаги барра майсалар чиқиб турарди. Ангарадан музларнинг бўғиқ торс-торс қилиб ёрилаётгани эшитиларди. Тез кунда, ҳадемай, шу яқин кунларда музлар кўчади-да, бир-бирини туртиб-суреб, пастга оқиб кетади — қасир-қусур қиласиган ана шу фурсатнинг яқин қолгани бутун атрофдан сезилиб турарди. Ҳамма нарса ана шу фурсатни сабрсизлик билан кутаётганди: гўё Ангара шовиллаб, ҳайқириб оқа бошлиши билан ёз ҳам бирдан, имилламай, бир зумда бошланади-ю, ҳамма ёқ чараклаб, ловиллаб кетадигандай эди — буни ҳеч нима билан тўхтатиш, тутиб туриш мумкин эмас. Шундан кейиноқ қандайдир янги, бошқача кунлар бошланади. Гусъков ҳам тўсатдан ўзининг жонсараж бўлиб қолганини ҳис этди: бирон иш қилиши, қаёққадир ошиқиши, бирон нима билан шуғулланиши керак эди. У наридан-бери тамадди қилиб олдида, муз устида қилқиллаб турган ҳалқобдан ҳовучлаб сув олиб ичди ва йўлига қараб кетди.

У йўл-йўлакай булдуруқни отиб олди. Унга ўқ сарфлаш ҳайф эди, албатта, аммо Гусъков кечга бориб тинкамадори қуришини, эртага эса, яна қанча йўл юриши, шунинг учун тузукроқ овқатланиб олиши кераклигини биларди.

У кундузи Ангара қайрилишидаги қишлоқни кўриб қўйган эди-ю, аммо унга яқин келмади, аксинча, орқасига қайтиб, тепалик томонга кетди, у қанчалик чарчаган, қийналган бўлмасин, нарироқ кетишга ўзини мажбур қиласиди. У кўпдан бери йиртқич ҳайвонлардан қўрқмай қўйганди, аммо одамларга ўз қорасини кўрсатишни истамасди. Шунинг учун у эрталаб уйларга қараб бораракан, тепаликлардА анча наридан юриб, қишлоқни юқори томонидан айланиб ўтди.

У яна хўрозларнинг қичқиришини, ҳар бир қишлоқдан келадиган ноаниқ, тушуниб, ажратиб бўлмайдиган, мужмал, ўқтин-ўқтин шангиллаб, гувуллайдиган ўша овозни эшитди. Қизиқ, бу ердаги хўрозлар Атамановладаги хўрозларга қарагандибошқача, ажойиб қичқириар экан, ўз қишлоғидаги хўрозлар эса зўр бериб кекирдакларини йиртарди. Бошқа район шунака бўларкан-да. У гарбда, фронт йўлларида хўрозларнинг қичқириқларини эшитганида, ҳар сафар бу ерлардаги хўрозлар Ангарадаги хўрозларга қараганда заифроқ, пишиқроқ, босиқроқ, айёрроқ экан, деб кўнглидан ўтказарди, аммо

әнди билсаки, Ангарада ҳам хўроздар ҳар хил қичқи-
паркан.

Гусъков тогдан тушгач, яйловга дуч келди, яйловнинг
юқори томонидаги ғов паст-баланд, қингир-қийшиқ бў-
либ, қайинзор оралаб кетганди. Бу ғовни хотин-халажлар
қилганга ўхшайди. Уруш даврида қилинган шекилли,
ёғочлар пала-партиш тўсилганди: баъзи ерида устуни
бўлса, баъзи ерида ийӯқ, шундоқ ерга қоқилган ёки да-
рактга боғлаб қўйилган, шунинг учун қийшайиб, осилиб
ётарди, уни тузатишга ҳали қўл тегмаган чоғи. Буғдой-
ни экиб бўлгандан кейин тузатишга тўғри келади. Гусъ-
ков бўйинни чўзив, чапга, бир чақирикми ёки ундан кўп-
роқми нарида турган чекка уй томонга қаради ва қандай
қилиб қишилоққа яқинроқ бориш ва у ерда нималар бўла-
ётганини кўриш тўғрисида хаёл суреб қолди. У ҳам қўр-
қарди, ҳам ўзини хавф-хатарга қўйиб таваккал қилишга,
бирон каромат кўрсатишга, ўзининг ҳам, бошқаларнинг
ҳам капалагини учиришга кўнгли жиқиллаб турарди.
Унинг баданида йигилиб қолган ҳаром қони қизиб, но-
аниқ, телба-тескари истаклари хуруж қила бошлади. У
ниман сабабдан ўттиз чақирим йўл босиб бу ерга келгани-
ни ўзи ҳам билмасди — ғов олдида мана шундоқ қақ-
айиб туриб-туриб, кейин қайтиб кетгани келмагандир,
ахир. Йўқ, у нима мақсадда шунча йўлдан овора бўлиб
келган бўлса, ўша нарсани топиши керак.

Нарироқда шоҳ қисирлади, Гусъков сесканиб кетди.
Шундагина у яйловда, шумурт бутаси ортидаги катта-
кatta қора холли ёки аксинча, катта-катта оқ холли ола
сигирни кўриб қолди. Ола-була қайнин орқасида турган
Гусъков сигир ҳам қайнинг ўхшаб ола-була бўлгани учун
уни олдин пайқамаган эди. Сигирнинг ёнида онаси син-
гари ола, ҳали ёшига етмаган, уч ойли ёки тўрт ойли
бузоқ ўтлаб юрарди. Иш топилганидан курсанд бўлган
Гусъков ҳайвонларни кузата бошлади. Сигир бўйинни
чўзиб, ердан ниманидир қидиарди, ҳолбуки майсалар
ҳали тузуккина чиқмаган бундай пайтда ўтга эмас, шуд-
рингга қорин тўйдиради, холос. Бузоқ буни онасидан кў-
ра яхшироқ тушунарди шекилли, онасининг елинига ёпи-
шиб, тумшуғини нуқиб-нуқиб қўярди, бироқ сигир эм-
гани қўймасдан секин юриб, нари кетарди. Бузоқ яна
ёпишарди, шунда онаси ўгирилиб, шохсиз боши билан
бузоқни туртиб ташларди.

Гусъков бундан бир ой илгари отасини пойлаб тур-
ганида отхона қўрасидаги қулунни қандай кузатган бўл-
са, у буларни ҳам ана шунақа дигистат билан кузатди,

энди унинг кўзи яна ҳам ўткирлашган, қулоги динг бўлган эди, чамаси, бу беҳуда эмасди; у гёё бундан буён инсон учун фойдали бўлган уй ҳайвонига иши тушмаслигини сезаётганди, шунинг учун ҳам уй ҳайвонларини согиниб қолган Гуськов уларга қанчалик узоқ қараб турса, юраги шунчалик қаттиқ орзиқаётган эди. Бошқа жудоликларга қараганда бу муҳим бўлмаса ҳам, аммо негадир галати туюлиб, наша қилаётганидан, у бунга қандайдир кўнига олмаётганди.

Сигир бир бало бўлгану боласини ҳовлидан әргаштириб келган, албатта: биронта бека ҳам әмадиган бузоқни бундай маҳалда далага чиқариб юбормайди. Сигир боласини ҳар қанча сузмасин, шарталамасин, бугун у уйга сутсиз қайтади. Гуськов хурсанд бўлиб кулимсиради, назаридан бошқа бирор эмас, худди ўзи бузоқни уйдан қочириб юборгандай эди. Агар у келмаганида бузоқ ҳам уйда қолавериши мумкин эди. Энди, модомики қочиб келибсанми, бўш келма бузоқча, уни эмавер, эмавер, сўнгги томчисигача сўриб ол — кечқурун бекангга гап топилади.

Лекин секингина қишлоққа борадиган пайт ҳам бўлиб қолганди, қишлоқда унга ҳозирча ўзига ҳам маълум бўлмаган, аммо шуни деб келган қандайдир иш маҳтал бўлиб турган эди. Бироқ уни йўқламаган ерга кун ботгандан кейин кириб борса яхши бўлармиди, аммо у кутишни истамасди, аввалгидек юраги орзиқиб, сабри чидалаётганди, бу иштиёқ борган сари безовта қилиб, ичэтини еяётганди. Гуськов ўзини ўтга урмаслигини, аҳмоқона ишлар ҳам қилмаслигини биларди, агар иш чаппасига кетгудай бўлса, қочиб бекинишга кўзи етарди. Қуруқ қўл билан уни тутиб бўпсан.

У қўра ёқалаб эҳтиёткорлик билан бораркан, тез-тез тўхтаб, атрофга алангларди. Кўп ўтмай қишлоқ четига келиб қолди, қишлоқ кўриниши билан гармонь овози әштилди. Гуськов шоша-пиша бугун оддий кун эмас, балки байрам — Биринчи Май эканини эслади. Уни қаранг-а: демак, байрам қилишяпти экан. Үруш кетаётган бўлса ҳам байрам қилишяпти, ўйнаб-кулишяпти, ҳу ана, қизил байроқ осиб қўйишибди, асраб қўйган гармонни топишибди, кечқурун тўда-тўда бўлишиб, уйма-уй юришади, ашула айтишади, ўйни тушишади, кўнгилларида борини чиқариб, ёзилишади, йўқ, кўриниб турибди, халқ руҳини ҳеч нима билан сўндириб бўлмас экан. Ҳозир Атамановкада ҳам ўйин-кулги қилишяпти. Гуськов ғам ҳам емади, хафа ҳам бўлмади — энди нимагаям хафа

бўларди! У қайтанга шубҳаланиб, ажабланди: байрам килишяпти-я. Худди урушдан олдингидаи, худди уруш бўлмагандай. Улар Гусъковнинг шу яқин-ўртада тентираб юргани билан ишлари ҳам йўқ, улар учун бу ерда у йўқ.

Бузоқнинг қандай қилиб қўрадан чиқиб кетгани энди маълум бўлди. Ҳамма ўйин-кулги билан банд. Бугун майда-чўйда ишларга ҳеч ким қарамайди: одамлар байрам қиласпти. Гусъков қайрилиб орқасига қаради: ўтлаб, секин-аста қайнзорга қараб кетаётган сигир боя Гусъков турган ердан сал нарида эди. У нарироққа юрди, ногаҳон миясига даҳшатли бир фикр келди-да, яна орқасига ўғирилиб, бузоққа тикилди. Бузоқ, худди бир нима чаққандек ёки туртгандек, тепинди-да, шаталоқ отиб, ўзини бир томонга олди ва кўп ўтмай тинчиб, эринчоқлик билан думини силкитди. Гусъков ўғирилиб энди қишлоққа қаради.— яйловга олиб келадиган йўл кимсасиз эди, шунинг учун у шартта орқасига қайтди.

Қуёш баланд кўтарилиган эди, жазира маусаффи ҳавода қуёшдан таралиб, борлиқни тўлдираётган енгил, шодиёна наво янграрди. Қишлоқ кўздан гойиб бўлиши билан гармонь овози ҳам тинди-да, барча товушлар бирбирига қўшилиб, кенг, бепоён, чексиз оқимга айланиб кетди. Гусъков ўзини тийишга уриниб, ошиб ўтмоқчи бўлган гов олдида бирпас туриб қолди, яна бир оз қулоқ солиб, атрофига кўз югуртириди ва шоша-пиша, айни пайтда эс-ҳушини йигиштириб олишдан қўрқиб, паст говдан ошиб ўтди. Гусъков йўл-йўлакай қуруқ хипчин топиб олди-да, пастликдан юриб, сигирнинг орқа томонидан борди, сигир уни тайқаб, бошини бурди ва каттакатта шилниқ кўзларини унга тикди, сигирнинг кўзлари шунчалик шилниқ, маъсум әдики, ҳатто Гусъковнинг кўзларига ёш келди. У сигирни хипчин билан уриб, говнинг тог томонга қараган тешигига ҳайдади, сигир итоат қилиб йўлга тушди. Бузоқ — калта-калта тўмтоқ шохли новвосча онасининг пинжига тиқилди. Аммо сигир қўрадан чиққач, тўсатдан ўзини чапга, қишлоққа қараб урди, яхши ҳамки сигир қайнзорда тез чополмади, Гусъков уни қайтаришга улгурди. Сигир тўхтаб, жонжаҳди билан маъради, новвосча ўзини у ёқдан-бу ёққа ура бошлади, шундан кейин Гусъков ташвишланиб, баттар шошилди.

Гусъков сигир билан бузоқни эрталаб ўзи тушиб келган сой томонга ҳайдади. Андрей у ерда, хилват жойда бугун ҳеч кимни учратмаслигини биларди. Аммо сигир

худди шу томонга қараб юришни сира истамасди, у одамдан қутулиб, орқага қайтиш учун ўзини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга уради: новвосча ҳам иш чатоқлигини сезиб, она-сидан қолмасди. Сигир оғир-оғир нафас оларкан, икки биқини чиқиб кетар, лабларидан сўлак оқар әди. Гуськов ҳам ҳансираф қолди, елкасидағи милтиғи халақит бераверганидан уни қўлига олди. Бу уч тирик жон ўрмонда ярим соатдан бери у ёқдан-бу ёққа югардид-ю, аммо сой ҳади олис әди.

Бир-бирини алдашга уриниб, ҳар тўхтаганида сигир билан инсон бир-бирига нафрят билан қаради: сигир ҳорғин маърарди, унинг оқ холларидан тер сиза бошлигани кўринди.

Обдан тинкаси қуриган Гуськов бошқача йўл тутиши кераклигини тушуниб қолди. У белидан камарини ечиб олди-да, сигирни ўз ҳолига қўйиб, новвосча кетидан писиб кела бошлади. Бу ишни қишлоқдан олисроқда қилса яхши бўларди, албатта, аммо унинг бошқа иложи йўқ әди. Лекин новвосча ҳам тутқич бермади, охирги дақиқа шаталоқ отиб қочиб қолди. Гуськов камар ҳалқани бузоққа ташлаб, кетидан сакради, лекин улгурмади. Унинг жони ҳиқилдоғига келди, у чўзилиб кетган бу аҳмоқона овни биратўла тугатиб қўя қолиш учун милтиқ тепкисидан қўрқиб, бу шаштидан қайтди.

Ҳарқалай омади келди: ниҳоят, у новвосчани чакалакзорга ҳайдаб кирди, новвосча буталар орасида тиқилиб қолганида Гуськов камарини унинг бўйнига ташлади. Новвосча чўккалаб қолди, иргиб ўрнидан турди-да, сакради, чиқиб кетиш учун ўзини у ёқ-бу ёққа урди, аммо одам бундай пайтда қандай иш тутишини билади: Андрей иккинчи қўли билан бузоқнинг думидан ушлаб, буталар орасидан сургаб чиқди. Новвосча азбаройи қўриқанидан бўкириб юборди. Одам уни ўзига келишга қўймай, югуртириб сой томонга судраб кетди. Сигир маъраб, боласининг кетидан югорди. Новвосча энди аянчли маърарди, маҳкам қисилган томогидан миёвлашга ўхшаш хириллаган, бўғиқ овоз чиқарди.

Гуськов нафасини ростлаш учун сой олдида тўхтади, у жуда ҳансираф қолганди. У бузоқни тоғтерак ниҳолига боғлади-да, сигирни ҳайдаб юборишга уринди, аммо сигир кетмади, у сал нарига қочарди-да, тўхтарди, кейин Гуськов бир неча қадам нари кетини билан сигир яна боласи олдига келиб уни ҳидлар, ялар ва ҳозир ҳам ғанимат, камарни узиб қочиб қолиш керак, деб уни йўлга сола-

ётгандай боши билан туртади. Онаси қўрқа-писа эркалаётганча дилдираб турарди: уринавериб ҳолдан тойган, тинкаси қуриганди, эси чиқиб кетганди, ҳеч нимани англамасди, сезмасди — у бутунлай адою тамом бўлганди.

Гусъков нафасини ростлаб олгач, яна бузоқни ечиб, судраб кетди. У муз сигирни тўхтатиб қолса деган умидда сойдан ўтиб кетмоқчи бўлди, йўқ, бундай бўлмади: сигир заррача ўйламай, улар кетидан музга тушди, оёқлари сирнанди — унинг олдинги оёқлари икки томонга уқувсизлик билан йирилиб кетиб йиқилиб тушди, туришга кўп уринди-ю, туролмади, шундан кейин тиззалари сурилди, сурилди эмас, нариги қирғоққа сирганиб борди. Гусъков яқин йўлатмай унга қўндоқ билан ўқталди, сигир жон-жаҳди билан олдинга ташланиб, қирғоққа чиқиб олди.

Энди Андрей қишлоқдан кам деганда уч чақиримча олисда эди. Гусъков ҳар эҳтимолга қарши бузоқни яна пича тоққа қараб судради, қуруқроқ, аммо панароқ жой тонди-да, новвосчани яна дарактга боғлади. Сигир нарида туриб, инсоннинг ҳар бир ҳаракатини кузатар эди. Ногаҳон Гусъков тутақиб, белидан болтани суғуриб олдида, сигирга қараб югуриб қолди. Сигир пишиллаб оқсаб, оёқлари чалишиб, шохларни синдириб қочди, аммо Гусъков тўхтани билан у ҳам тўхтади. Сигирдан қутулишининг сира иложи йўқ эди. Одам қайтиб келиб бузоқнинг ётганини кўрди, у шунчалик ҳолдан кетган эдикни, ҳатто оёғида тура олмаганди. У қўрқиб, яқинлашиб келаётган одамга бошини бурди, одам болта муҳраси билан унинг пешонасига шундай тез ва аниқ туширдики, бузоқ хиёл «ҳим»лади-ю, боши шилқ этиб тушиб, тасмада осилиб қолди. Худди шу лаҳзада орқадан сигир бўкирди. Бутунлай қутуриб кетган Гусъков сигирни ҳам тинчитиш маҳсадида унга қараб юрди, аммо сигирнинг ундан қочмаётганини кўриб, тўхтади. Бугун биттасини ўлдиргани ҳам этар унга, йўқса тиқилиб ўлиши мумкин.

У бузоқ терисини шилаётган пайтда сигир турган ерида одамдан кўзини узмас, ўз навбатида у ҳам одамии чўчиб кузатишга мажбур этар ва аҳён-аҳён запиф, аянчли маърарди. Бўғи чиқиб турган, учиб-учиб қўяётган гўштдан Гусъковнинг кўнгли беҳузур бўлди. У бузоқнинг икки сонини, яна бир парча лаҳм жойидан кесиб олди-да, ҳаммасини қопга тиқди, қолганини эса, айиққа ўхшаб, бултурги хазон ичига кўмди ва устидан эски-тускиларни ташлаб қўйди. Гусъков кетиш олдидан сигирга сўнгги марта қаради. Сигир бошини сал энгаштириб, боягидай

қимирламай тикилиб турарди, у сигирнинг кўзлари даҳшат билан боқиб турганини кўрди, бу сигирнинг дўқпўписаси бўлмай, қандайдир бошқача, шу яқин орада юз берадиган фалокат эди. Гусъков жўнашга шошилди.

Гусъков қайтиб келаётib, Камений ороли рўпарасидаги ўрмонда тунади. Бу жой негадир Гусъковнинг юрагини жиғиллатиб, шу томонга тортиб турарди; кечга бориб Гусъков рамақдажон бўлиб қолди-да, бир амаллаб судралиб, бу ерга етиб олди. У ярим кечада Ангара томондан эшитилаётган муттасил гувиллашдан уйғониб кетди: музлар ёрилаётганди. Гусъков ҳайрон ҳам бўлмади, курсанд ҳам: қопда ётган манави нарса гўё унинг жонини суғуриб олгандек эди. У ҳозир ҳам фақат гўшт деб бузоқни ўлдирдими ёки бу ерларга келганидан бери кўнглига маҳкам туғиб қўйган бирон-бир мақсадда шундай қилдими, ўзи ҳам билмасди.

Юқори оқимдаги қишлоққа кўчиб ўтган Гусъков бир ҳафтадан кейин бир куни туш пайтида Атамановка томондан тез-тез узилаётган пала-партиш ўқ овозларини эшитди. У уруш тугаганини тушунди.

16

Уруш тугади.

Кардадан чопар келди-ю, шу сўзларни қичқириб айтиб, узоқ кутилган хушхабарни бутун қишлоққа етказди. Кейин қишлоқ тўс-тўполонга тушиб қолди.

Биринчи бўлиб, одатдагидек, Нестор милтирига ёпишиди, унга бошқалар ҳам қўшилди — қасира-қусир бошланди, Атамановка бино бўлиб бунақасини кўрмаганди; хотин-халажлар бир-бирларига ёпишиб, шангиллар, ув тортиб йиглашар, бир лаҳзадаёқ сабр-тоқатлари тугаб, юракларидағи қувончлари, дард-аламларини одамларга тўкиб солардилар, болалар шу пайтгача бошларидан ке-чирганларига қараганда анча катта бўлган бу янгиликни ичларига сифдира олмай гангиб қолиб, у ёқдан-бу ёққа югурап, бирининг кетидан бири келар, бу хушхабарга жавобан нима қилишни, уни қаёққа етказишни билмас эдилар. Аммо шу пайтгача унча-мунча нарсага парво қўлмайдиган катталар ҳам бу сафар ўзларини тутолмай, гангиб қолган эдилар. Даастлабки дақиқаларда йиглаб-сиқташган, қучоқлашишган, бир-бирларини силкитишган одамлар, гўё бахтга бардош беролмаётгандек, эс-ҳушларидан айрилиб, бекордан-бекорга у ёқдан-бу ёққа юри-

шарди, тарқалиб кетишарди, яна тўпланишарди, нимагадир, қандайдир команда берилишини кутишарди. Қаёқдандир Нестор етиб келиб, байроқлар осишни буорди. Гарчи Нестор бир ой бурун ўзининг раислик ўрнини Максим Вологжинга бўшатиб берган, энди ҳеч қандай амал бўлмаса ҳам, аммо одамлар унга бўйсуниб, қизил мато қидиришга тушиб қолган әдилар. Бирор топди, бирор йўқ, аммо қишлоқ баҳоли қудрат ясатилди, одамлар йиллар бўйи асрар келган яхши кийимларини топиб кийдилар, болалар у ер-бу ерга — дарвозалар, уйлар устига ўзлари ясаган байроқчаларни осиб қўйдилар. Агафья Сомова ўтган йили кузда ҳалок бўлган ўғлидан қолган, аммо ҳали яхши, ўнгмаган қизил кўйлакни ходага боғлаб қўйди; отини елдириб келган Нестор унга очиб ол, деб бақирди, аммо Агафья эшитишни ҳам истамади, ўзи йўқлигига ёчиб олмасликлари учун эшик олдида пойлаб турди.

Эрталаб ҳўмрайиб турган ҳаво ҳам очилиб кетди: осмондаги булутлар тарқади, қуёш чарақлаб, ердаги барча нарсани оромбахш, хуррам нури билан мунаввар этиб қиздира бошлади.

Қишлоқдан варанглаб ўқ овозлари эшитилганда Настена Доно Василиса билан бирга яқиндаги сайхонликда олдинма-кетин қўш солиб, нўхатлик ерни ҳайдаётганди. Доно Василиса биринчи бўлиб нима гаплигини пайқадида, шоша-пиша отларни қўшдан чиқара бошлади, унинг кетидан Настена ҳам отларни чиқарди. Улар Атамановка айни қозондай қайнаб турган бир пайтда отларини елдириб келиб қолишиди. Тутақиб кетган, ҳарсиллаётган Настена отларни дарвоза олдида қўйиб юборди, югуриб келиб уйга ўқдай отилиб кирди-да, қарияларнинг капалатини учирив юборди: скамейкада ўтирган Семёновна қўрқиб, унга пешваз турди, дераза олдида турган Михеич кескин ўгирилди — бу хушхабардан ҳаяжонга тушган қариялар, бощқа хабарни кутишаётганди. Остона олдидаётқ Настенанинг нафаси ичига тушиб кетди: у қаёққа югурапти, уларга нима демоқчи ўзи?

— Уқ узишаётгандарини эшитиб қолдик, — деб тушунира бошлади у, шундоқ ҳам маълум бўлган нарсани. Кейин зўрға, таваккалига, гёё бирор гапини бўлиб қўйгандек тугатди — Фаҳмлаб қолдик.

— Эй худойим! — деб илтижо қилди Семёновна ва бутга қараб чўкиниб қўйди. — Наҳотки, шундай кунлайга ҳам етган бўлшак-а? Энди Андюшкамиз каейдалигини айтишай, ахий?

- Айтишади, кампир, айтишади,— деди Михеич, секингина Настенага қараб қўйиб.
- Энди ҳаммашини уй-уйига... оналайи, хотинлайи олдига жавоб бейиб юбойишади...
- Бирдан ҳаммага жавоб бериб бўлмайди.
- Нега бўлмайди?
- Нега эмиш... Ким билади нима бўлишини. Қўшиңиз қолиб бўлмайди.
- Анави уюшда ҳеч ким омонлик-сомонлик деб эълон қилмаганди,— деди Семёновна бир оз жим тургач, эслаб.— Тугаған-тугамаганлигини ҳеч ким билмовди... Гейманлайни ташлаб ўзайо бўгишишганда, э, ундан ҳам баттай эди. Мундоқ тинчлик куннинг ўзи йўқ эди. Коммуна деб уюшишди, колхоз деб уюшишди. Бийон кун тинчлик йўқ эди ўжи.

Настена ён томондан хонасига ўтди-да, кийимини алмаштириди. Унинг ўша даладаёқ тогдай кўтарилиган, шодликка тўлган кўнгли ҳовлиқиб, одамлар ичига ундарди, аммо нимадир уни шаштидан қайтариб, бу сенинг куннинг эмас, бу сенинг галабанг эмас, галабага сенинг ҳеч қандай алоқанг йўқ, деб писанда қилиб турарди. Ҳамма-ҳамманинг алоқаси бор-у, битта Настенанинг алоқаси йўқ. Настена ўзини қаёққа уришини билмай, каравотнинг четига ёнбошлиди ва одатдагидек қорнини сийпалади, аммо меҳри товланиб эмас, балки довдираб, хаёли қочиб сийпалади — қўли шунчаки ўз ўрнини топдида, жим бўлиб қолди. Қўчадан шовқин-сурон эшитиларди, қимдир тасира-тусир от чоптириб ўтди, бир нотаниш эркакча овоз дона-дона қилиб хиргойи қилди:

Пўлат отларда биз
Бутун далани кезамиз —
Ҳам ҳайдаб, ҳам экиб, йигамиз — қолмас хору
хас.

Настена сакраб туриб, деразадан қаради: наҳотки, битта-яримта бугун урушдан қайтиб келган бўлса? Қўча ўртасида, болалар қуршовида Настенага нотаниш бир новча, қотма, фуфайкасининг олди очиқ, бош яланг мўжик оёқлари чалишиб кетиб борарди. Настена меҳмонхонада Михеичнинг Семёновнага шундай деб тушунираётганини эшитиб қолди:

— Кардадан... хабар олиб келган шу-да. Одамлар суюниб, нақ бурнидан чиққунча ичирибди. Узи ҳам нағсини тиймабди, йўқ... кўрар кун бор экан-ку...

— О-о-дам-лар! — ҳалиги мужик ўзини тутиб туриш учун қўлларини икки томонга ёзib тўхтаркан, тўсатдан қичқирди.— Ҳамманглар намо-йиш-га чиқинглар! Гитлер қалпут! — у охирги сўзга монанд болохонадор қилиб сўкинди ва гўё бақиришдан қутулгандаи, бошини чайқаб, гандираклади-да ашуласини давом эттирди:

Қадамимиз мусти маҳкам,
Ҳеч қаҷон душман ҳам,
Республикамида сайр этолмас.

Бу мужикнинг бақириши ҳам, бугунги кунга ярапшмайдиган, вақти ўтган ашуласи ҳам Настенанинг юрагини баттар тилка-пора қилди; унинг ёниб, зирқираётган, изтиробга тўла юраги ўз хатосини тўсатдан пайқаб, қаёқ-қадир талпинарди, қафасдаги қушдай типирларди. Настена гов олдига борди ва бошини тўсиқ орасидан чиқариб, кўчанинг юқори чеккасида бирор юрганини пайқади, аммо юрган одам ким экан, деб қараб ўтирамади-да, орқасига, уйга қайтди. У бирров Андрейни эслади-ю, тўсатдан жаҳли чиқиб кетди: ҳа, ўшанинг касофатидан Настена эл қатори ғалаба нашъасини сурешга ҳақи йўқ. Кейин Настена агар у урушнинг тугаганини эшишса, юраги баттар сиқилишини — ўзини ўйлаб юраги сиқилишини кўнглидан ўtkазди ва дарҳол ҳушини йигиб олди, шаҳдидан тушди, лекин ҳарқалай у алам билан афсусланниб, эрига ачинди, кейин бирдан бирга бўлиш учун унинг олдига боргиси келиб қолди. Улар бугун бирга бўлиши керак, албатта: эр-хотин қўш ҳўқиз, барча одамлардан, уларнинг оламшумул байрамларидан икковигина бир четда қолибди. «Ҳеч ҳам четда эмасман-да,— деди у хафа бўларкан, ўзининг тарафини олиб ва ўзини одамлар ичida тасаввур қилиб.— Нима, мен уруш йилларида ишламабманми; ҳаракат қилмабманми? Шундай кун келиши учун бошқаларга қараганда кам тер тўкибманми? Мана, ҳозир шартта боравераман-да. Боравераман». У ўрнидан жилмай тураркан, ўзини ўзи ундарди, гўё у бирорнинг ўрнидан тургазиб, одамлар ичига жўнатиш учун қаттиқ туртиб юборишини кутаётгандаи ёди.

Чиндан ҳам унинг кутгани бўлди. Отнинг дўпир-дўпирли, дераза остида так-таклаган овоз эшишилди, ҳамон аввалгидек тиниб-тинчимайдиган, гулдур Нестор эгардан осилиб, ойнани қаттиқ-қаттиқ тақиллатди-да, жон-жаҳди билан бақирди:

— Ҳой, тирикмисанлар, ўлиkmисанлар? Ҳамма қироатхонага, мажлисга! Йиғилиш-мажлис-нишонлашга! Михеич! Қаёқdasan! Настена!

— Ҳов, сал секинроқ,— деди Михеич, шошилмасдан дерааза олдига келар экан.— Намунча бақирасан?

— Йиғилиш-мажлис-нишонлашга. Ғалаба муносабати билан. Шошилинч буйруқ бор. Ниманг бору ниманг ўйқы — ҳаммасини ўзларинг билан қироатхонага олиб боринглар. Тўкмага. Таrasундан олиб бор, Михеич, аяма. Таrasундан олиб бор деяпман сенга, тушундингми?

— Тушундим, тушундим,— деб тўнгиллади Михеич.— Сенга таrasун бўлса бас. Бошқа ҳеч нима керак эмасми? Нуқул ичкилик бўлса сенга.

Аммо Нестор энди унинг гапини эшита олмасди, у аллақачон отини елдириб кетганди.

— Вой, яйамаш-ей,— Семёновна чўчиб, томогини тақиллатар экан, бошини чайқаб қўйди.— Улай, Агаповлайнинг ҳаммашиям жай шолишни яхши қўяди, аммо манавиниси гийт тентак.

— Борақол, Настена,— деди Михеич, осилган мўйловини қимирлатиб ғамгин, хаёл сурин жилмаиркан.— Таrasун ҳам бор. Бора қол,— деди у яна бошини кўтариб дадилроқ.— Мен ҳам кейинроқ бораман. Бугун уйда ўтириш гуноҳ. Таrasун бўлса, ергўлада, ўнг қўлдаги тахта орқасида, ола қол. Бир байрам қилишисин. Сен ҳам байрам қил. Борақол.

— Тайашунни-ку бериб юбояпшан, Айдошка келша, нима қилашсан?— деб гапга аралашди Семёновна.

— Андрюшка келса— топамиз. У қачон келадио қачон ўйқ? Бунақа кун бошқа қайтиб келмайди. Бор, Настена, ола қол!

Бу урушдан олдин бугдой яхши бўлган йилларда тайёрланган оддий самогон эди, аммо уни бу ерларда қадидан бурятча сўз билан «таrasун» деб аташарди. Настена самогоннинг қаерда туришини биларди: у эрта баҳорда картошка олаётуб, ердан худди пиликка ўҳшаб чиқиб турган тикинни кўриб қолиб, пайпаслаб чирпит кўмиб қўйилганини пайқаган эди. Чирпитни ундан, Настенадан ҳам, бошқа бирордан ҳам яшириб қўйишмаганди албатта, шунчаки то вақт соат келгунча кўзга ташланиб, бекорга киши нафсини койитмасин деб яшириб қўйишганди. Кейинчалик Настена чирпитдан чоракталик шишага қўйиб олиб, Андрейнинг қопига тиқишистирган эди: нариси билан биринки соат эрини овутади, далда беради,

күзини жимирлаштиради. Ахир у бу ғам-ғурбат, кулфатлардан бошини қаёққа урсин-у, қандай қилиб ўйни чалғитсин? Уззукун ёлғиз. Ҳафталаар, ойлар мобайнинда якка ўзи. Настена эса, мана, ҳозир әл ичига боради. Нима, боришга ҳаққи йўқми? Ахир қўл қовуштириб тургани йўқ-ку, бунинг ҳам меҳнати сингган!

Семёновна ҳар қалай айтганини қилдирди; тўла бўлмаган чирпитдан ярмини банкага қўйиб, яшириб қўйишиди, қолган ярмини эса, чирпитда кўтариб бориб, уялиб қолмаслик учун Настена уни бидончага ағдарди. Настена бидончани кўтариб кўчага чиқди-да, тўхтади, сал дадилланиб, худди кампирлар сингари секингина кўчанинг у томонига ҳам, бу томонига ҳам қаради.

Кўча кўпдан бери бунчалик гала-ғовур бўлмаганди. Қироатхона қишлоқ ўртасида, Гусъковларнинг уйидан уч ҳовли нарида эди, ўша ердан қаттиқ-қаттиқ ҳовлиқсан овозлар эшитилиб турар, тутун буралар эди. Одамларнинг тўс-тўполонга тушиб қолганини кўрган итлар қутуриб, у ёқдан-бу ёққа югуриб акиллар эди, хўроздар қанотини қоқиб қичқираарди, товуқлар қақагларди, чўчқа болалари чийилларди, эшиклар тарақлаб очилиб-ёпиларди, кўча эшиклар гижирларди, тўда-тўда бўлиб югуриб юрган болалар дупур-дупур қиласарди. Аммо бу беҳуда тўполон, қий-чувлардан ташқари яна қандайдир бир ўзгача ёқимили, тиниқ, шодиёна, Настенага яхши таниш бўлган, аммо унуганми ёки ҳеч ким эътибор бермай қўйганми, бир овоз жараглаб, турланиб ёйилаётган эди. Настена бу овоз қаёқдан келаётганини қидириб, бошини кўтарди — сарой томида учта қалдирғоч қатор бўлиб ўтирас ва вижир-вижир қилиб, шўх-шўх сайрас эди. Булар ҳам вақтида учиб келибди. Билганини қаранг; кеча ҳам эмас, эртага ҳам эмас, айнан бугун-а. Жониворлар, учиб келибди, ёзни ўтказиш, ин қуриб, тухум босиш, бола очиш учун ўз ватанларига қайтиб келибди. Мана, тинчлигига раҳна солинган жонажон ерларда осойишта ҳаёт ҳам бошланяпти, бу дабдала қилинган, алғов-далғов бўлган, аламдийда ҳаёт бўлса-да, чиндан ҳам омонлик-сомонлик-дир энди. Кишининг ишонгиси келмайди: юракларни **ЖОН ЗАРДОБ, ВАҲИМА** босиб қолганидан бундай осойиш ҳаёт одамларнинг эсидан чиқиб кетган экан. Қалдирғочлар вижир-вижир қиляпти, нималарнидир ваъда қилиб, нимадандир миннатдор бўлиб, ўзларининг нозик биллур жомларини чаляпти, аммо анави хабарни, уруш тугаганини эса, билмаса ҳам керак. Эҳтимол, билар ҳам, эҳтимол, одамлар овозимизни эшитиб, бошларини кўтариб қара-

син-у, тамом, бугун барча қайғу-ҳасрат битганлигини тушунсиси, деб атайлаб шошилиб учеб келгандир.

Шу пайтдан бошлаб, Настена юраги сув бўлиб, эриб кетаётгандек ҳис этди ўзини. Уни қандайдир қувончли, бемаъни ҳоргинлик, қандайдир ҳузур-ҳаловат, кўринган нарсадан таажжубланиш, ҳатто шу қалдиргочлардан ҳам ҳайратланиш туйғуси, ҳаммасидан ҳам кўпроқ — ўзини бошқалардан кам эмаслигини ва ҳеч нимадан қўрқмаслигини кўрсатиб қўйиш истаги вужудини қамраб олди.

Иннакентий Ивановичнинг беш қанотли, томи тик, баланд, кўркам уйи ўндоққина қироатхона ёнида эди, ўйнинг ярмида қариялар — Иннакентий Иванович билан кампири Домна, иккинчи ярмида эса асрандилари Васька (уларнинг ўз болалари йўқ эди) турарди, ўйнинг Васька турган қисми улгайиб қолган Васьканни фронтга олиб кетилгандан бўён, икки баҳордан бери бўш эди. Уй бўш турса ҳам, кўриниши аввалгидек бўлиб, вақтида олов ёқилиб, қараб туриларди, дераза токчаларида гул ўстирилган туваклар турарди, деразаларнинг икки ёнида эса, пардалар кўзга ташланарди. Ҳозир қариялар ўйнинг қайси қисмida туришини ҳам билиш қийин эди: Иннакентий Иванович ўзига тўқ турса ҳам, ейиш-ичишдан кам бўлмаса ҳам, беш-ўнта одамни кутишга қурби етса ҳам, меҳмон кутишга унинг ҳуши йўқ эди, шунинг учун бўлса керак, одамлар униқига камдан-кам кирди-чиқди қиласиди. У ҳамиша ҳам ўзига тўқ эди. У мана шунача фаровон ҳаёт учун тугилганди: худди баланд бўйли, норғул кишига ёш боланинг кийими тўғри келмагани сингари, унга ҳам бошқача ҳаёт тўғри келмасди.

Настена ўтиб кетаётганида дарвоза лўқидони шарақлади-ю, дарвоза кенг очилиб, Иннакентий Иванович кўринди. У анча яшарган, ясаниб олган эди, тўқ кўк френчининг катта-катта металл тугмалари ялтиради, френчи остидан бўйнида ёнёқаси кўриниб турарди, шими ҳам худди шунача тўқ кўк бўлиб, сал уринган, аммо ҳали бақувват, почаси яхши, ёш сигир терисидан тикилган, қатрон билан қалин мойланганидан хушбўй ҳид келиб турган этиги қўнжига тиқилган эди. Настена Иннакентий Ивановични худди ўз қариндошидай кўриб севиниб кетди-да, унинг башанглигига ҳаваси келиб жилмайиб, унга томон бир неча қадам босди.

— Иннакентий Иванович, шу кунларга ҳам етиб келдик-а! — деб қичқирди у.

— Ҳа, етиб келдик, — деб сиполик билан жавоб берди у ва сўради: — Сеникидан ҳеч қандай хат-хабар йўқми?

— Йўқ,— Настена хаколаб унинг кўзига тик қарап-кан, жавоб берди.— Йўқ, Иннакентий Иванович. Ҳеч қанақа хат-хабар йўқ.

Настена ўйлаб турди-да, кейин қўшиб қўйди:

— Унинг қаердалигини балки сен биларсан, айта қол?

Иннакентий Иванович ўзини орқага ташлади.

— Мен қаёқдан билай?— деб таажжубланди у.— Сен, хотин, қаёқдаги куракда турмайдиган гапларни гапирасан-а.

— Бирон нимани билсанг — айтавер, Иннакентий Иванович, яширма,— деб яна қўшиб қўйди у ҳамон ўшандайича шубҳали хаколаб.— Агар бирон нимани билсам — сенга айтаман. Бундан хотиринг жам бўлсин, Иннакентий Иванович.

Қироатхона жойлашган ҳовлида оловлар ёқилиб, икки катта қозонда шўрва қайнаб турарди. Артелнинг янги раиси Максим Вологжин ғалаба муносабати билан колхоз қўйидан сўйдиртирган экан. Ғўлалар устига жойлашиб олган хотин-халажлар картошка артарди. Ҳовлига одам тиқилиб кетганди: бутун қишлоқ шу ерда әди. Бино ичига бир қатор стол қўйилиб, устини ким нима олиб келган бўлса, шу билан ясатилганди. Оз-оздан бўлса ҳам талай нарса йигилганди: чуқур товоқларда карам, бодринг, ҳурмачаларда сузма, тарақ, янги тутилган балиқ, қирилганд турп, калаҷ нонлар, булка нонлар, тухум, шумурт солинган яримта пирог — ҳеч ким ҳеч нимасини аямай, бор топган-тутганини кўтариб келган әди. Борди-ю, олиб келинганд ичимлик етмай қолса, қуйиб ўтиришга яраб қолади, деб майдароқ болалардан бир гуруҳини қайин шарбатидан олиб келишга жўнатилганди; улардан тикроқ бир гуруҳ болалар Ангара лабида балиқ тутиб ўтиради. Тутилган ҳар бир елимбалиқ, тошибош, ҳаммадан ҳам хариус дегани шу заҳоти тириклигича келтириб столга қўйиларди, балиқчалар сакраб-сакраб гоҳ идишлар ичига, гоҳ полга тушарди. Деразалар ланг очиб қўйилганди, дераза токчасидаги патефон овози борича бақириб ашула айтарди, унинг ёнида Надъканинг Лидкаси патефон зеҳига кўксини босиб тик турарди. Надъка ҳам картошка артаётганди. Настена унинг олдига келди-да, чўнқайиб ўтириди ва Надъканинг қўлидан ушлади.

— Шу кунларга етганимиз ростмикин-а, Надъка?— деб кўзлари ёш овлаб турган Настена тантикланиб сўради. Надъка жавоб бермай кўзларини олиб қочди.

Настена Лиза Вологжинани топиб, уни қучоқлади.

— Қалайсан, Настена, қалайсан,— деди қозон олдида оловдан юзлари қизарган Лиза Настенага ўгирилар әкан, хотиржамлик билан.— Хурсандмисан ишқилиб?

— Хурсандман.

— Андрейингни кутяпсанми?

— Кутяпман.

Настена одамлар олдида Максимнинг бўйнидан маҳкам қучоқлади-да, ўпиб олди, гангид қолган, мамнун бўлган Максим:

— Яна ким? Лиза ийиб турганида келиб қолинглар,— деб қичқириди.

— Ийишимни кўрсатиб қўяман сенга!— деди Лиза ярим ҳазил, ярим чин қилиб.— Мен фақат Настенага индамадим-да. Шунда ҳам то Андрей келгунча дедим, аммо бошқалар тўғрисида оғиз оча кўрма.

Настена овози титраб, ялтоқланиб одамлар орасига суқилиб кирав, сал хижолат чекиб, гуноҳкорлардай жилмаяр ёки худди эси пастлардек ҳихилаб, сўрабми ёки эслатибми: «Шундай кунга етдикми, а?» деб шивирлар эди. У бундан ортиқ ҳеч нима дея олмас эди. Лекин бугун ҳаммаси айни муддао эди. У бирорни қўлтиқлар, бошқалар эса, уни қучоқлар эди, у қўз ёши қиласарди, унга жавобан бошқалар ҳам қўз ёши тўкар эди; агар кулгудек бўлса, бошқалар унга қўшиларди. Настена аҳён-аҳёндагина юз берадиган руҳий хасталиқдан лол бўлиб, эси киравчиқарли бўлиб қолган эди. Унинг гоҳ йиғлаб-сиқташга, гоҳ шарақлаб кулишга, гоҳ гул-гул очилишга, гоҳ даҳшат ва қўрқувга солувчи оддий, тушунарли, зўр талаб, умри югуриб-елиш билан ўтадиган ҳаётга кўникиб қолган, бугун эса, умуман, гангид, безиллаб қолган ҳис-туйгулари унга бўйсунмай қўйган эди. Шунинг учун одатда вазмин, кейинги вакътларда жуда әхтиёткор бўлиб қолган, фақат жавоб беришни билиб, савол беришдан ўзини ғолиб қочиб юрадиган Настена дил амрига қулоқ солиб, у бошлаган ерга келди. Бир оздан кейин у хотин-қизларга ёрдам беришга ақли етмаёт, тайёрига айёр бўлиб қолганидан ўзини ўнгайсиз сеза бошлади. Унинг назарида, бугунги кун одамлар билан бирга бўладиган охирги кун эди, эртага эса, бир ўзи, кишини ютиб юборадиган жимжит зулмат ичида танҳо қоларди.

Ҳамма столга ўтириди. Максим Вологжин фронтовик сифатида ҳам, раис сифатида ҳам тўрга чиқди. Унинг бир томонига Нестор жойлашди, албатта, бошқа томонига эса, Кардадан келган чопар — аҳён-аҳёнда кўзла-

рини юмиб, қалқиб кетаётган, аммо яна силкиб-силкиб бошини күтараётган киши жойлашди. Максим медалларини жиринглатиб, ўрнидан турди.

— Қадрдонлар! — деб у ингичка, худди ичиде туриб қолган бир овозда гап бошлади, ҳамма сув сепгандек жим бўлиб қолди. — Қадрдонлар! Мен гапга чечан эмасман, ҳозир бошқа бироннинг гапини эшитсан бўларди. Қолаверса, нимани ҳам гапираман! Галаба қозонгандан кейин нимани ҳам гапиради киши! Бундай кунда айтиладиган гап ҳали ўйлаб топилганича йўқ. Бардош бердик, ёпирилиб бордик, йиртқич ҳайвоннинг, лаънати Гитлернинг умуртқасини синдиридик. Мен у ерда бўлганман, нималар бўлганини биламан. Юрагинг тошиб кетади... — Максим қўярғанин тўлдириб нафас олди ва титраб нафасини чиқарди. — Ҳаммангиз биласиз. Ҳозир менинг барча ўртоқларим, омон қолган жангчиларнинг ҳаммаси бундан бўёнги ҳаётимизни изга солиш учун уйига ошиқяпти. Қўрган талафотимиз кўп. Уруш бўлган жойларда ерлар қабрлардан дўмнайиб кетган. Ер кўпайди-ю, аммо ишлайдиган одам кам. Нимасини ҳам гапирай?! Агар сизлар, бу ерда қолганлар бўлмаганларингизда, биз сира-сира бардош беролмаган бўлардик. Чунки мужик жанг қиласди, аёл эса, уни едириб-кийдиради, мужик қаҳру ғазаб билан душманга ташланади, аёл эса, мужикнинг юраги тош бўлиб кетмаслиги учун минг чақирим беридан туриб, ўзи, оиласи биргаликда қалб қўри билан унинг юрагини илитиб, юмшатиб турди. Агар сизлар бўлмаганларингда, бизлар ҳеч ниманинг уддасидан чиқа олмасдик, унда ҳозир манави кун ҳам бўлмасди. Мамлакатимиз улуг, бепоён мамлакат, аммо бизнинг Атамановка ҳам қараб тургани йўқ. Бизлар у ерда жанг қилган бўлсак, сизлар бу ерда ёрдам бериб турдинглар. Үриналарингдан туринглар, қадрдонлар, шу буғунги кунимизга яхшилаб қарайлигу бир умрга эслаб қолайлик. Бунақа уруш шу чоққача бўлган эмас, демак, бунақа галаба ҳам бўлган эмас. Шуни нишонлайлик, ҳалойиқ.

Стол атрофидагилар ўринларидан турдилар, стаканлар жиринглади, ҳамма оҳ тортиб, хўрсинаш, индамай жойига ўтириди. Настена стаканинни уриштириш учун ёнида ўтирган Надъкага чўзилган эди, аммо Надъка ҳаммадан олдин ичидан бўлибди. Ҳайрон қоларлиси шу эдики, бу сафар у чурқ этмай ўтиради, гап-сўзларга арапашмасди ва гўё азоб-уқубатли, аммо қўнишиб кетилган ҳаёт тартиби нега бузилдийкин, деб бўладиган воқеани

тушунмаётгандай, атрофига диққат билан разм соларди. Бошқа ҳар қандай ҳаёт сингари унинг учун ҳам тинчлик керак эди, аммо шу тинчлик куни етиб келганида Надъка ташвишга тушиб, бирорларнинг бахтли-ю, бирорларнинг бахтсизлиги энди шундоққина аниқ-равшан бўлиб қолади, деб ўйлаётган эди.

Кардалик чопар отиб олгач, яна хиргойи қилинга тушди:

Қадамимиз мустаҳкам,
Ҳеч қачон душман ҳам
Республикамизда сайр этолмас,

Кимдир ҳазил йўсинида таъна қилиб дёди:

— Ҳой, яхши одам! У уйига қандоқ кетаркин энди?

— У тағин уруш тугади, деган гапни ўзи тўқиган бўлмасин? Ахир гирт маст-ку. Кайфда хаёлига ҳар нима келиши мумкин.

— Мен тўқибманми?!— деди чопар эшитиб қолиб ва ўрнидан туро бошлади, аранг қаддини ростлади, кейин кўзларида ёш йилтиради.— Мен тўқибманми?— деб сўради у ҳаммага бирма-бир маъюс, илтижо ва жаҳл билан қарап экан.— Нималар деяпсизлар ўзи? Нималар деяпсизлар?!— қаттиқроқ бақирди у ва нафаси тикилиб, ҳадеганда овози чиқавермади.— Бичиб-тўқишига кимнинг ҳадди сигаркан! Нималар деяётгандарингни ўйлаб кўряпсизларми ўзи?! Мен... билиб қўйинглар деб отимни қора терга ботириб келдим. Ўз халқим номидан от чоптириб келдим. Э, раҳмат-е... Қайси ифлос шунаقا дейди, ахир? Нималар деяпсизлар-а?!

Одамлар уни тинчтишига тушди:

— Э, йўқ, йўқ, ким тўқиган деяпти ахир... Нима, ўзимиз кўрмаяпмизми?

— Тўғри-да, шунақа дейишга кимнинг тили боради?

— Ахир, у келганида ҳушёр эди. Кейин шу ерда битта-яримтаси хурсандлигидан қўйиб бергандир-да.

— Бекорга одамни маломат қиласверасизларми... Йигирма чақирим ердан от чоптириб келиш ҳазилми.

— Қўйинглар унга, бир маза қилиб иссин, биз уятсизларни кечирсии. Тўғри-да, шарм-ҳаё йўқ ўзи бизда...

Шундан кейин чопар бир стаканин сипқорди-да, одамларнинг узрини қабул қилди, сўнг ғалаба тўғрисидаги гапни қандай эшитгани ва Атамановкага келинга қандай рози бўлганини айтиб берди.

— Одамларимизнинг ҳаммаси ҳам бу гапдан хабар-дорми-йўқми? — деб баланд овозда сўради Максим, чунки, ғала-ғовур кучайиб кетган эди.

— Ҳам-ма-си — ҳеч ким қолгани йўқ!

— Шундоқ қасир-қусур қилиб отишдики, ҳатто ўликлар ҳам эшитди.

— Бобо-чи? — деди ногаҳон эсига тушиб қолган Лиза. — Степан бобо-чи? У кечадан бери тегирмоннинг бир балосини тузатяпти. Бобонинг хабари йўқ-ку ахир!

— Ўқ овозларини эшитгандир, ахир?

— Эшитгандирмиш-а! Бутунлай кар-ку.

— Яхши эмас, унга одам юбориш керак.

— Вой, бобо, рост, ҳозиргача урушиб ётиби.

Чопар «энг охирги одам — бобогача хабар қилиб, ўз бурчини адо этиш» мақсадида тегирмонга бориц учун ўрнидан қўзгалди, аммо уни ўрнига ўтқазиб қўйишиди, қолишга кўндиришди. Нестор сакраб ўрнидан турди, унинг куни билан у ёқдан-бу ёққа чоптириб юрган оти ҳовлида ҳамон эгарлоқлик турарди, унинг кетидан икки йигит ҳам отилиб чиқди. Хотин-халажлар бошларини деразадан чиқариб, уларнинг кетидан кичқириди:

— Унга ҳеч нима деманглар. Тўғри бу ёққа олиб келинглар.

— Қўл-оёгини боғлаб олиб келаверинглар.

— Боглаб-нетиб юрманглар, тагин ўлиб қолмасин.

Яна столга ўтирилди, яна ароқлар қуйилди, аммо бу сафар Йиннакентий Ивановичнинг уйидан олиб келинган суслодан¹ қуйилди. Ҳамманинг ичидан битта у ичкилик олиб келмаганди, у қулай фурсат келишини кутиб, суслоси борлигини эълон қилди. Одамлар Йиннакентий Ивановичнинг суслоси эканини билиб қўйишишн-да, ахир. Аммо сусло чиндан ҳам аъло экан, у ютуми яхши, мазаликкина, кайфи ўткир. Хотин-халажлар оҳо қилиб, лабларини чапиллатарди. Кейин урушдан олдин уни қандай тайёрлашларини, байрамларнинг қандай тўкин-сочин бўлишини, ўйин-кулги кимнинг уйидан бошланишини эслашга тушиб кетишиди.

— Ҳали кўп ўйнаб-куламиш, сулувлар, ўйнаб-куламиш, — деб қичқириди хушчақчақлик билан юзлари қип-қизил Максим, ярадор қўлини кўтариб қўйиб. — Одамларимиз қаерларда қолиб кетмади дейсиз! Ҳаммаси бўлади. Ҳадемай мужиклар келади...

— Кимники келаркин-а? — деб оҳиста, аммо аниқ-

¹ Дон ёки картошкадан тайёрланадиган ичимлик. (Тарж. изоҳи.)

таниқ, ҳаммага әшитиладиган қилиб сүради бир ўғил-
часи билан бева қолган ёшгина Вера Орлова.

— Ахир... — Максимнинг тили курмакланиб қол-
ди, — битта-яримтаси келади-да...

— Менинг билишимча,— деди ўрнидан туриб Инна-
кентий Иванович,— олти киши келиши керак.— У кўз
югуртириб Настенани қидириб топди.— Дом-дараксиз
кетган Андрей Гуськов билан бирга.

— Яна кимлар?

— Нима, ўзимиз билмас эканмизми? Сўраб нима
қиласизлар!

Аммо Иннокентий Иванович санашга тушди.

— Меникини нега санамадинг? — деб бирдан жаҳл
билан сўраб қолди Надъка, Иннокентий Иванович санаб
бўлгач.— Ёки у ёгини санашни билмайсанми, ҳисобчи
ходим?

— Чунки сен қорахат олгансан,— Иннокентий Ива-
новични гангитиб қўйиш осон әмасди, у нима деб жавоб
беришини биларди.

— Хўш, олган бўлсам нима қипти? Сен эса, уни
саноққа қўш. У келади. Мен сенга айтяпман: у кела-
ди,— деди Надъка иддао билан ҳаммага қаараркан, қизи-
шиб кетиб.— Мана кўрасизлар. Келмайди деб ўйламай
қўя қолинглар. Бир куни келади-ю, ҳисобингни чиппак-
ка чиқаради. Шунинг учун ҳозирдан ҳисобга кирита-
вер. Олти киши әмас, етти киши — ана шундоқ деб айт.

— Унда меники ҳам келади,— деди секин Вера
Орлова ҳеч кимга қарамай.

— Сеникини билмайман, аммо меники келади.

Хотин-халажлар ўнгайсизланиб, бирин-сирин гапира
бошлади:

— Ажаб әмас — шунақаси ҳам бўлади. Кардадаги
қудам Настасъянинг...

— Айтишларича, Братекда бир хотиннинг эридан
икки марта қорахат келибди, хатлар икки жойдан әмисш,
бирида ундан ўлди, дейилган бўлса, бирида бундай ўлди
дейилганмиш. Эри бўлса, худди осмондан туцгандай,
кириб келганиш... Ана, энди ишонавер.

Шу пайт тегирмончи Степан бобони олиб келиб қо-
лишди. Нестор қўли орқасига боғланган бобони миљтиқ
билан олдига солиб олиб кирди. Кимдир ўйламасдан
гапириб юборган эди, у ҳам тентаклик билан шунақа
қилибди. Бобо оstonада қоқилиб кетди, қуюқ қалин
қошлиари остидаги кичик кўзлағини лоқайдлик билан
стол атрофида ўтирганларга югуртирди, унинг кўзлари

дан на таажжуб, на қўрқувни билиб бўларди, у гўё бу ердагиларни ҳозир бораману ўшаларни кўраман, деб келган кишига ўхшарди.

Нестор бошини кўтариб, йигилган халойиқдан кўра кўпроқ девордаги портретларга қараб жекирди:

— Хабарсиз унсур сизларнинг буйруқларингизга биноан олиб келинди. Тегирмонга беркиниб олган экан.

— Сенга сира ақл кирмади-да, Нестор,— деди биринчи бўлиб эс-ҳушини йиғиштириб олган Надъка,— тагин ҳам шунақа аҳмоқ билан бош кўтариб юрибмизми-а?

— Бобожон!— деди бир неча киши бирваракайига.

Одамлар югуриб қелиб, бобонинг қўлларини ечди-да, кўтариб олиб бориб ўтқазди. Улар бир-бирларининг гапларини бўлиб, оғизларини қариянинг қулогига яқин қилиб қичқирадилар:

— Бобожон, уруш тугади!

— Ўргилай бобожонимиздан, қаерларда юрибсиз?

— Биз сизсиз бу ерда ўйин-кулги қиляпмиз, сизни эсимиздан чиқариб қўйибмиз, тагин жаҳлингиз чиқмасин. Ҳаммамизнинг ҳам эсимиз огиб қолибди.

— Шу дегин, ўтирибмиз-у, қарасак, кимдир йўқ-да. Ким йўқ деб қолдик-ку. Қарасак, бобожонимиз етишмай турибди-да. Эй худо!

Қария индамай, хотиржамлик билан сочи ҳурпайган бошини у ёқ-бу ёққа буриб, тушуняпман, гуноҳларингдан ўтаман дегандай, шошилмай, маънодор иргаб қўярди. Қўзлари ёш овлаб турган хотин-халажлар унга қарап экан, бирдан ўзларини тутолмай йиғлаб юбордилар. Фақат, ҳозир, Атамановкадаги охирги киши ҳам улардан нима бўлганини билгач, ниҳоят ўзлари ҳам уруш тугаганига ишондилар.

17

Ҳамма қайигини сувга тушириб, у ёқ-бу ёққа бориб келиб турарди, аммо Михеич, худди атайлаб қилаётгандай, сира шошилмас эди. Унинг қайиги ҳали ҳатто мойланмасдан ёлғиз ўзи қирғоққа тўнкарилиб ётарди. Настена оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолган бўлса ҳам қайнотасини қисташга юраги дов бермас эди: қайиқ унга нима учундир зарур бўлиб қолганини чолга билдириши мумкин эмасди. Аммо энди, эрининг олдига бориб келишга йўл очилган пайтда, Андрейнинг ҳоли нима кечаетганидан бехабар ўтираверишга, индамай юраверишга унинг ортиқ тоқати қолмаган эди.

Настенанинг назарида модомики уруш тугадими, энди, шу яқин орада эрининг тақдири бир ёқли бўладигандай эди, демак, унинг ҳам, Настенанинг ҳам тақдирида бирон ўзгариш бўлади,— шунинг учун у зудлик билан эрини кўриши, унинг авзойини, ўзини қаёққа уришини билиши керак эди. Ана шу, эри билан учрашмай юрган, ҳар бири бир йилдай туюлган узоқ ҳафталарда Настена бир неча марта эрини тинчтиб, ўзи ҳам тинчиши учун унинг олдига учиб боришга ҳам тайёр эди: Настенанинг хаёлида энди, ёз ўзининг бутун кўркини кўз-кўз қилиб турган, ердан ўтлар ўсиб чиқиб, ўрмонлар яшил либосга бурканган, Ангара ҳам музлари кетиб, ўз ҳаракати, мовийлиги билан мафтун этиб, ўзига чорлаётган пайтда, инсон қалби ҳар қачонгига қараганда ҳозир, сал нарсага ҳам таъсирланиб, ийиб кетадиган пайтда Андрей чидолмасдан ўзини-ӯзи бир бало қилиб қўядигандай эди. Настенанинг тушлари ҳам алоқчалоқ, пойнтар-сойинтар, мужмал эди: гоҳо номаълум, кўзга кўринмайдиган бирор қитиқлармиш, у эса шарақлаб кулиб, шоҳ ташлаб, оёғини қўлига олиб, кўрпа остига кириб беркиниш учун ўрнига қараб югурамиши: гоҳо Майка деган сигир билан сўзлашармиш, сигир унга бамаъни, пухта жавоб берармиш; гоҳо у ўзини, Иркутск ёнида болалиги кечган дамларни туш кўрарди, тушшида у катта қиз эмишу турмушга чиқиб, Ангарада сузишни ўзига ўзи ўргатармиш; яна бир балолар. Настена бу тушлардан юраги дук-дук уриб уйғониб кетарди-да, қимирлашга қўрқиб, Андрейни ўйлаганича анчагача жим ётар, эрини севганидан гоҳ ғам-аламга ботар, гоҳ унга меҳри товланаэр эди. Настена раҳми келганидан уни севарди, севганидан раҳми келарди — бу икки туйғу бир-бирига омикхта бўлиб кетганди. Шу боисдан Настена ўзини ҳеч нима қила олмасди. У Андрейни, айниқса, ҳозир, уруш тамом бўлгандан кейин қоралай бошлади, унинг назарида, бошқа омон қолганлар қаторида Андрей ҳам зиён-заҳматсиз қоладигандек туюлгани учун ҳам қораларди, аммо у гоҳо эридан жаҳли чиқиб, нафрлатаниб, ғазабланиб қораларди-ю, яна ахир мен унинг хотиниман-ку, деб ҳовуридан тушарди. Модомики шундай экан, ё мен сен айтган одам эмасман, мени ҳеч қандай гуноҳим йўқ, деб бутунлай ундан юз ўгириб, бир четга чиқиб туриш керак, ё охиригача, ҳатто ўлимга ҳам бирга бориши керак. Ҳа, ўхшатмаса учратмас, деб бекиз айтишмаган. Унга минг чандон оғир, унинг тепасида энг расво, шармандали ўлим қанот ёзиб айланиб

юрибди, бунинг устига ўзидан ёмон ном қолдирмаслик учун ҳеч кимга, бирон кишининг ҳам кўзига кўринмасдан юрганини айтмайсизми. Гуноҳкор, ким айтади уни гуноҳкор эмас деб! Асли ҳолига қайтиш учун у куч, иродани қаёқдан олади энди, ахир у қош қўяман деб кўз чиқарип қўйди-да. Шунача куч, ирома учун ҳеч нимасини аямасди-ю, аммо уни қаёқдан олсин?

Йўқ, тезроқ Андрейни кўриш, нималарни ўйлаб юрганини билиш керак.

Настенанинг қорни анчагина чиқиб қолганди, у ке-
часи ухлаш олдиdan қорнини очиб қаради, бинойидек
дўппайиб қолгани сезилиб турарди. Настена қорнини
секин, оҳиста силаб қотиб қолди, кейин шу кўйи сал
нафасини ростлаб олди-ю, баттар қотиб қолди. Настена
хаёлан жимгина қаёққадир, арши аълога чиқиб кетган-
дай, қандайдир гаройиб, сокин бўшлиқда танҳо юргандай
ва бу ёруғ оламдаги барча нарсани уннутиб, ўзининг ҳар
бир қатрасини кўриб, ҳис этаётгандай бўлар эди. Шунинг
учун у секин-аста болага айланиб бораётган ҳомила-
сини ҳам кўриб турарди: ҳомиласи билан боғлиқ бўлган
туйғуси ҳаммасини — ҳомиланинг қандай ётганини,
қандай ялқовлик ва муттасил талабчанлик билан она-
лик шарбатини сўраётганини очиқ-оидин айтиб турарди.
Ҳомиласи Андрейнинг кўнглига боқиб ўғил эди, шунинг
учун Настена бир оз чўчиди: агар қиз бўлганда эди,
ака-укалар, опа-сингиллар туғилиб, ўзидан кўпайиб
кетади, деб умид қиласа бўларди, ўғил ёлғиз ўзи қолиши
мумкин. Аммо у бу тўғрида сезирлик билан қорнига
қулоқ солиб, қотиб қолгандан кейин, гўё ўзини ўзи бир
четда туриб кузатган, арши аълодан пастга тушиб,
қаердалигини, ўзига нима бўлаётганини гира-шира анг-
лагандан кейин хаёл сурис қоларди. У иккицатлиги
сезилиб қоладиган кун келишидан қўрқарди, қўрқар-
ди-ю, ўша куннинг тезроқ келишини истарди, унда қор-
нини танғиб, қисиниб-қимтиниб юрмасди, бир ўзи эмасли-
гини, қорнида боласи борлигини битта-яримта кузатиб,
кўриб қолмадимикин, деб атрофга олазарак бўлмасди. Ха,
ўша куннинг келишини кутиш ҳам Настенани қийнаёт-
ган эди. Настена ҳозир тўлишиб кетган, нариси билан
бир ой-бир ярим ой пайқашмайди, кейин ҳамма бирдан
ёқа ушлаб қолади. Настена кўпинча, назарида, тақдир
уни қандайдир тор кавакка зўрлаб киритаётгандай, то
нафас ололмай қолгунича шу кавакка итараётгандай,
кейин эса, эзилиб, бўғилиб, чалажон бўлиб қолган охир-
ги дақиқада қаёққадир олиб чиқаётгандай бўларди.

Настена ана шу янги ҳаёт қандай бўлишини билмасди, бу ҳаёт унинг учун номаълум, гурдай қоп-қоронги эди.

Ангаранинг у ёғига ўтиш учун бир баҳона топиш керак эди, шунинг учун Настена бакенчи Матвей бува олдига жўнади. Унинг будкаси қишлоқнинг юқори четидан ярим чақирик наридаги баланд, тик жарликда эди. Матвей бува Иннакентий Ивановичнинг туғишган акаси эди, аммо ака-укаларнинг борди-келдиси унчалик эмасди. Ҳаммага мальум, машҳур Иннакентий Ивановични ҳурмат қилишарди, уни саводи бор эди, сиёсатни тушунарди, урушдан олдин у қаёққадир олис-олисларга бир неча марта бориб, нима гаплигини кўриб ҳам келган эди, аммо Матвей бувани исм-шариfini айтиб чақиришга эса ҳеч кимнинг тили бормасди, у шунчалик тўпори, содда, оддий эди, Матвей бува Атамановкадан наридаги Кардадан бошқа ерни кўрмаганди. У колхоздан алоҳида, мустақил яшарди, аммо дала ишлари қизиб кетган пайтда ҳамиша колхозчиларга ёрдамга келарди, айниқса, мужиклар ёқтирмайдиган нўжатни ўриб-йиғишни, пичан ўриб, гарам босишини яхши кўпарди.

Настена Матвей буванинг олдига борди, кеча бува Максим Вологжиндан бир кунгинага одам бергин, бакенларни ёзги хизматга тайёрлаб, сувга тушириб, қўйялиқ, деб илтимос қилгани Настенанинг эсига тушиб қолганди.

— Энди бутунлай кучдан қолибман,— деди у.— Бир ўзим эплолмаяман. Сўрамасдан битта-яримтани олиб кетсанг яхши эмас. Ҳозир экиш-тикиш ишларинг авжиди. Мен ҳам, худо хоҳласа, ўрим-йиғимга қарашиб юборардим. Менда ҳам қолиб кетмасди.

Настена бу гапга эътибор бермаганди, энди бўлса, бирдан эсига келиб қолди: Матвей бувага мен қарашиб юборай бўлмаса, дейиши керак экан, шунда бир йўли топилиб қолармиди. Нега дарров эсига шу гап келмади-я? Тўгри, Настена сувда сузишни билмасди, шунинг учун сувда ишлашдан қўрқарди, аммо бир кунгинага амал-тақал қилиб чидаса бўларди-ку, ахир. Ҳозир шундан қўрқиб ўтирадиган пайт эканми?

У будкага кечки пайт, қуёш Ангара ортига, Андреевск қишлоғи жойлашган уфқадаги яланглик нишабига ўтиб кетгандан кейин келди. Дарёнинг ярмигача юпқа, билинар-билинмас соя тушиб турарди, аммо у ерда оқим дарёнинг қуёш нури тушиб турган ярмига қараганда тез,

кучлига ўхшарди. Қуёш нури тушеб турган ерда эса, сув ярақлаб кўзни қамаштиради, ялт-юлт қилиб ўйнарди, гўё сув чалғиб айланиб, ошиқмаётгандай эди. Балиқлар — жон-жаҳди билан кетма-кет бир неча марта осмонга сакраб, ортларидан сув бетида доиралар ҳосил қилаётган майдаларидан тортиб, то қаердадир олисларда сувни салобат билан ёриб, мамнун шалопплатаётган катталаригача — қандайдир ўзларича завқланиб, шувиллаб сузуб юрарди. Тик жарлик остида ҳали муз бор эди, ейилиб, четлари ўткир бўлиб қолган, тешилган, ифлос музлар ёриб, қум ва тошлар орасида жилдираб оқарди. Соҳилда жонсарак, йўрга, абжир, ингичка думи узун қушчалар учиб юрарди, бу қушчаларни Настена туғилиб-ўсган ерларда синчалак, бу ерда эса жиблажибон дейишарди. Шунингдек, қирғоққа яқин ерларда майдада балиқлар гала-гала бўлиб сузуб юрарди, буларни у ерда малёқ, бу ерда эса уларни Ангарада учрамайдиган машҳур Байкал омулининг шарафига омулча атар эдилар. Омулчалар Настенанинг қадам товушларини эшитиб, сувни шапир-шупур қилганича ўзларини сув остига урди, улар бир айланиб, пича оқим билан сузди-да, одамни ўтказиб юборгач, яна қирғоққа ошиқди. Настенанинг тепасидан шувиллаб узунқанотлар учиб ўтди, ўткир рутубат нафасни бўғарди; ўз-ўзидан пайдо бўлган тўлқинлар оҳиста чўлпилларди, чунки ҳаво тинч, сокин эди: олислар, Покосний оролининг юқори бурнидан сувнинг шовиллаши эштиларди. Соя узайиб келарди, унинг ҳаракати кўзга ҳам ташланиб турарди. Қуёш ботиши билан ёруелик бетига ниқоб тортилгандай бўлди-ю, шабада ҳам тинди. Энди Ангара у соҳилдан тортиб бу соҳилгача тез оқа бошлади; Настена бир қаричлик вақтидан бери сув ёруғ вайтдагига қараганда қоронгида тез, кучли оқади, деб ишониб келарди.

Матвей бува қайицлар атрофида ғимирлаб юрарди, унинг бакенчи сифатида тўртта қайиги бор эди, буларнинг ҳаммасини ўзи ясаган эди. Бакенлар соҳил тошлотигида сузишга тайёр қилиб қўйилганди, ҳаммаси — учта қизил, иккита оқ бакен янги мойланганидан ярақлаб турарди. Настена худди зинага ўхшатиб ўйилиб, тахта ҳоқиб қўйилган погоналардан пастга тушди ва Матвей бува билан сўрашди, бакенларни астойдил қизиқиб томша қилди.

— Хўш, буважон,— деб дарров сўради у,— Максим сизга ёрдамлаштани кимни берди?

— Кимни берди эмиш-а...— Бува шошилмай қўлини

сувда чайиб олди-да, иштонига артиб, қайиқдан бу ёққа чиқди.— Максим жуда қув йигит, кимни күндирансанг, ўшани олиб кетавер, менинг эса, бунақа ишга одам тайинлашга ҳақим йўқ дейди.— Бува иңциллаб энгашдида, оёғи тагидан бир нимани қидира бошлади.— Пиликни йўқотиб қўйганга ўхшайман,— деб тушунтириди у.— Қара-чи, сенинг кўзинг ўткирроқ. Энли пиликлар йўқ энди, уларни ҳеч ердан топиб бўлмайди. Ҳозирги на қўлимдан ушлаб турувдим-а, қаёққа гойиб бўлди бу сабил?

— Пилик қайиқ ичида, ўриндиқ остидан топилди. Бува уни чўнтағига солиб қўйди.

— Менга иккитасинигина тушириб олишга ёрдамлашишса бўлгани, қолганларини ўзим ҳам эплайман. Шерик бўлмаса, манави иккитасини тушириб бўлмайди. Биттаси орол ёнида, у ернинг суви, худо кўрсатмасин, жуда чатоқ, эплаб бўлмайди. Бошқа биттаси, у ҳам оқ қишлоқнинг нариги ёғидаги тепалик қаршисида, тақир бурунда. Ўтган йили уларнинг қаерда турганини билсанг керак, ахир. Қизилларини эса, бир ўзим ҳам сеқин эплайвераман. Бориб, битта-яримтани авраб олиб келмасам бўлмайди, чоғи, йўқса бугун бўлмаса эртага катер келади-ю, текшириб қолади. Бонқаларникидан ёмон бўлиши яхши эмас-да, ахир.

— Мени ола кетинг, буважон. Қўлимдан келганича қарашаман,— деди Настена ва яна бакенларга қараб қўйди, у энди юраги орқага тортиб, энг оғир оқ бакенларни ажратиб олган эди.

— Аммо,— деди бува секингина ва Настенага ишониш-ишонмаслигини билолмай жимиб қолди.— Агар ҳазиллашмаган бўлсанг, нега олиб кетмас эканман. Бошқа кимни ҳам олиб борарадим. Сен ростдан ҳам бормоқчимисан?

— Рост, буважон. Аммо кечқурун қайиқни бериб турасиз-да. Оролдан пича тол кесмоқчиман. Ўзимизнинг қайифимиз ҳали ҳам мойланмасдан туриби.

— Э, тол керак бўлса, ўзим ҳам кесиб беравераман — шу ҳам иш бўптими!

— Йўқ, йўқ, буважон,— Настенанинг капалаги учуб кетди.— Ўзим шошмай кесавераман.— У қўрқанимни чол сезиб қолмасин деб қўшиб қўйди:— Майли, бир гап бўлар...

— Ихтиёринг. Хўп десанг, кесиб бераман, бунинг нимаси қийин. Худо сени менга қаёқдан етказди-я, қизим?— қоплари, киприклари ўнгиб, оқариб қолган Мат-

вей бува кутилмаганда иши ўнгидан келиб қолганидан хира кўзларини қисиб, курсанд бўлганича пишиллади.— Мен бўлсам, энди кимга бориб ялинаман-а, деб бошим қотиб турувдим. Ҳеч ким ўзидан ортмайди. Аммо борадиган бўлсак, вақтлироқ борганимиз маъқул. Тағин ухлаб қолмагин. Ростдан келасаними, алдамайсанми?

— Келаман, буважон, келамаң. Кун тиги уриши билан шу ерда бўламан, ундан ҳам барвақтроқ кела-ман. Аммо сиз тағин Максимга ўзи бораман деди деб юрманг. Бир амаллақ кўндиридим денг. Эртага яна анави ер ҳайдапга сира боргим йўқ, жонимгаям тегиб кетди, сал дам олай.

— Э, ҳа, шунаقا де. Ҳа, турган гап, албатта. Нима дессанг шу-да.

Настена бутун кунни дарёда ўтказди. Улар тонг сал ёришиши билан ўйлга отландилар, ҳаво муздай, салқин, жимжит, мудраётган эди, фақат олисдан ёйилиб оқаётган жойдан сувнинг шовиллашию оқимнинг сезилар-сезилмас чўлп-чўлпни әштиilarди, холос. Ангара қоп-қора, қуюқ кўринарди, соҳил жимиirlарди, икки қиргоқ ўртасида сув ёйилиб, худди мойга ўхшаб ярақлаб оқарди. Улар баркасга ўхшаш катта, оғир қайиқда кетишаётганди, аммо қайиқни ҳайдаш, кетидан оғир, бесёнақай бакенни судраш кўп куч талаб қиласарди. Аввалига қайиққа арқон боғлаб юқори оқимга қараб тортишди, кейин Настена парракни бошқара бошлиди. Матвей бува эса, қуйрудаги эшкакни эшди. Улар қиргоқдан бурилдилар, шундан кейин Настена сувга қарамасликка ҳаракат қилди, у кўзларини оёқлари остига тикканича ҳали замон ўрнидан туришга, бирон иш қилишга, Матвей бувага қарашнита тўғри келишини ўйлашдан қўрқиб ўтиради.

Шу биринчи бакен билан улар анча овора бўлдилар. Улар сузиб борар экан, озгина янгилишдилару керакли жойга етиб олиш ўрнига пастроқда қолишиди, дарё ўртасидан оқимга қарши сузиб, юқорироққа чиқиб олишга уринишлар эса, ҳеч қандай натижа бермади. Юқорига чиқишдан ўмидвор бўлиш ҳам кулгили эди, албатта. Бу ерда оқим жуда кучли эди, шовиллаётган сув сачраб, қайиқ четидан ошиб тушаётганди. Матвей бува аҳмоқлик қилгани учун ўзини койиб қаттиқ пушаймон қилди. Улар қайиқни соҳилга, энди яқинроқдаги чап соҳилга қараб ҳайдадилар. Настена ҳаммасидан ҳам ана шу соҳилга етиб олишга ошиқаётганди, аммо бакен билан ҳам, бобо билан ҳам бирга бормоқчи әмасди, албатта. Шундай бўлса ҳам улар соҳилга етиб олгач, Настена би-

рон баҳона топиб қолишига, мени кечга яқин келиб, олиб кетарсизлар, деб Матвей бувани күндиришга юраги жуда жуда орзиқиб кетди, шунда манави лаънати бакенни ҳам бемалол ўрнатишарди. Лекин Настена бундай қилиш мумкин эмаслигини биларди. Улар нафасларини ростлагач, яна юқорига қараб суздилар, аммо бу сафар анча юқорига суздилар-да, орқага қайтдилар, йўл-йўлакай олд томонга тутиб турадиган лангар тош ташлаши, шу сабабдан дам-бадам уни оқиздириб кетиши учун силташга тўғри келарди. Настенанинг қиласидан иши эшикак эшишу буванинг буйругига мувофиқ қайиқни бошқариб борищдан иборат эди. Бакенни кўнгилдагидек ўрнатишгач, Матвей бува енгил нафас олди ва чекди.

— Энг оғири мана шуниси,— деб тан олди бува.— Буни ёқиш ва ўчириш учун ҳаммасидан олдин сузид келаман. Кўрдингми, сув қандай қутуриб оқяпти. Ўзиям бир сўрса, сира тутиб бўлмайди.

Чиндан ҳам иккинчи бакенни осонгина ўрнатишди. Настена учинчисини ҳам ўрнатишга рози эди, ҳали вақт бор эди, аммо бува унамасдан унга жавоб берди.

— Бўлди. Иккитасига келишиб олувдик,— деди ичиди иккита бакен ўрнатилганидан хурсанд бўлган қария хушчақчақлик билан.— Анавиларидан бўлса-ку, ташвиш тортмасам бўлаверади. Мен ўзим уларни эртага секин олиб бориб ўрнатавераман. Энди борадиган ерингга боравер, ҳали вақт бор. Элтиб қўяйми ё ўзинг борасами?

— Ўзим боравераман, буважон, ўзим.

— Ундаи бўлса, ихтиёering.

Матвей бува унга енгил, чаққон шитикни¹ тайинлади, аммо Настена ўша қайиқда қолди: у кун бўйи шу қайиқ-ка ўрганиб қолганидан энди камроқ қўрқарди. Ихчам, енгил, сал тўлқин ва шабадага ҳам лопиллайверадиган шитикда бориш қўрқинчлироқ эди: ногаҳон ер бағирлаб эсадиган шамол туриб қолса ёки бирон бошқа фалокат рўй бериб қолса, тамом-да, гумдон бўлади. Тез борган жойга секин борса ҳам бўлади. Инсон ётган ўрнида ҳам, юриб кетаётганида ҳам тасодифан, қувиб келган ажалдан ўлиб қолиши мумкин, лекин албатта, ерда, оёгинг остида мустаҳкам замин бўлганида, ўпканг билан нафас олиб турганда жон беришинг керак. Настена фақат бир марта, урундан анча олдин, сувга чўкиб ўлган одамни кўрган эди. Шу-шу ўша воқеа эсига тушса, альзойи бадани живирлашиб кетарди.

¹ Кичик дарё кемачаси (тарж. изоҳи).

Настена бобони будка олдида туширди-да, чойга ҳам қарамасдан Ангарадан ўтиш ҳаракатига тушди. У энди бир ўзи қолгач, ниҳоят, турли гаплар гапириб (аслида битта ҳам түғриси бўлмасди) деярли икки ой жудоликда яшагандан сўнг Андрей билан дийдор кўришиш онлари яқинлашгач, тараддуланиб қолди, шу лаҳзани киши билмас чўзиш, ҳаммасини аввал қандай бўлса, шу ҳолиша қолдириш истаги тугилди. Ҳозир у Андрейга нима дейди? Уруш тугади, қишлоққа яна битта фронтовик, собиқ партизан, камгар, ёши ўтиб қолган, олдинга отлиқ аскарликка олинган ва бутун уруш давомида от ёнидан жилмаган — аравакаш бўлиб хизмат қилган Лука Смолин келди, дейди-да. Михеич бундан уч кун аввал Андрейнинг қисматини сўраб, қидирув бўлимига хат ёзишга Настенани мажбур қилган эди, Михеичнинг ўзи у хатни почтальонга берганди. Семёновна ҳозир анча яхши, ҳатто қўлтиқтаёқсиз юрадиган бўлиб қолганди, ким билсин, ҳаволар исиб кетгани ёрдам бердимикин? Ҳампирнинг ўзи юриши яхши, албатта, аммо Настена кампирнинг юриб кетишида қандайдир бир бошқача, ноҳу什 аломат борлигини сезаётгандай эди. Тағин нима? Қорни... Қорники Андрейнинг ўзи ҳам кўради. Ҳа, айтгандай, яқинда ҳарқалай юрак бетлаб соатни Иннакентий Ивановичга сотди, турган гап, арzon-гаровга сотди, Иннакентий Иванович қанча берган бўлса, Настена ҳаммасини облигацияга тўлади: тўлов муддати келган эди, ундан қочиб қутулиб бўларканми.

Хўш, Андрей бу гапларга нима деркин-а? Унга ўзи нима дейди? Настена уни кўради-ю, учрашмай юрган пайтларида Андрейнинг ҳоли не кечганини, ичиди нималарни ўйлаб юрганини — ҳаммасини гап-сўзсиз шундоқ ҳам тушуниб олаверади. Энди бу аҳвол узоққа чўзишлиши мумкин эмас, ниманидир ҳал қилиш, бирон ердан бош суқадиган жой топиш керак. Хўш, қандай, қаердан?.. Яқин қолди, одамларми, худоми ёки ўзими, бир ёқли қиладиган кун яқин қолди, аммо шу кун яқин. Бу ёруғ бламда ҳеч бир иш шундоқ қолиб кетмайди.

Қуёш ҳали тиккада бўлса ҳам, аммо сув анча салқин эди, шимолдан шабада эсарди. Настена доимо ёзда шамол қанақа қилиб оқимга қарши эсаркан, деб ҳайрон бўларди, хаёлида, кенг ёйилиб оқаётган сув қудратли ҳаракати билан ҳавони ҳам ўз кетидан әргаштириши керак эди.

Настена шошилмай эшкак эшарди, оғир кураклар бир кундаёқ одатланмаган кишига кор қилди: унинг қўл-

лари ловилларди, бир хилдаги узлуксиз ҳаракатдан елка-лари қотиб қолиб, сирқирап, жимиirlар эди. Қулогига сувнинг шовиллаши ёқимли урилар, гүё чалингган кичик қўнгироқчаларниг тиниб бораётган майин, оҳанрабо жингиллашига ўхшарди. Иккинчи овоз оғир эди, ғижирловчи бу кучли овоз ичдан сувни сураётган кураклардан чиқаёттан эди. Дарё ўртасида эса, узоқ-узоқ ерларгача ҳамма нарса худди кафтдагидек кўриниб турарди, уйлар, ўрмон, осмон, адирлардаги экинзорлар, соҳил — ҳаммаси чайқалиб, сузив ўтиб кетарди, уларниг ҳаммаси омонатга, ҳаммасининг ости ўпирилиб, дарё қаърига кириб кетадиганга ўхшарди. Ангаранинг баланд мовий осмонида кичик бир нуқта сингари қарчигай парвоз қилар ва нимагадир тикилиб, нимагадир жазм этарди. Шунинг учун Настена умрида биринчи марта негадир бу йиртқич қушга ачинди: қуш ҳам осонлик билан овқат топиб емайди, ахир. Настена, умуман, кейинги пайтларда бирон нимани — инсонни ҳам, ҳайвонни ҳам, қушни ҳам қоралашга ҳаққи йўқдек ҳис этарди ўзини, ахир ҳар жонивор ўз кунини ўзи кўради, кўради-ку лекин зинҳор-базинҳор ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир эмасди.

Настена оролнинг қўйи соҳилини ёқалаб, бошқа томондан, қишлоққа кўринмайдиган томондан яна юқорига сузив борди-да, ниҳоят қайиқ тумшугини қирғоққа тиради. Энди ирмоқдан ўтиш қолганди, холос, бу эса, сузив келган йўлига қараганда уч ҳисса кам эди. У тўхтади, аммо унинг тўхташи ҳорғинликдан эмасди. Настенанинг вужудини бир нарса — руҳий тушкунлик қамраб олаётганди. Настена ўй-хаёллари ҳам, ҳис-туйғулари ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетганини сезарди, шу сабабдан у ҳозир бир Андрейни кўришдан қувонса, бир бу учрашувдан, зулматдай қоронги бўлган келажагига нигоҳ ташлашдан қўрқарди. У сал ўзини қўлга олиб, эпақага келиши, шундан кейингина у ёғига бориши керак эди. Настена шуурсизлик билан сувга тикилиб ўтиаркан, зўр-зўраки жилмайди, шу жилмайиш билан бирга безовта кўнглига тасалли худди қуюқ мойдай қуйилиб келиши керак эди. Аммо у истаган тасалли қуйилиб келмади, пайдо бўлмади, шунинг учун унинг безовталиги босилмади. Настена энди жилмайиб эмас, балки афти бужмайиб, Иннакентий Ивановичга соатни қандай сотганини ёслаб ўтиарди. Бошқа ҳар қандай нарса унга таскин бериши мумкин эди-ю, аммо бу хотира уни сира овунтира олмасди.

Иннакентий Иванович соатни қўлида узоқ айлантириб кўрди, қулогига тутди, кўзига яқин олиб келиб қаради, Настенага синчковлик билан тикилди. Кўринишдан соат унга ёқсанга ўхшарди, аммо Иннакентий Ивановични соатни сотиб олиш истагидан кўра кўпроқ соатнинг сир-асорини билиш, унинг қандай қилиб, кимлар орқали бу ерга келиб қолганини аниқлаш истаги қийнаётган эди. У бирон нимани билдирадиган, равшанлаштирадиган бирон из-ёзуви ёки белги қолганмикин, шуни яхшироқ кўриш мақсадида кўзига яқин олиб келган эди. Аммо йўқ, ҳеч қандай из қолмабди. У ҳовлиқиб қолганини яшириш учун бирпас индамай турди, ўзи ҳам кутди, Настенани ҳам интизор қилди ва ниҳоят, гўё шунчаки, йўлига сўради:

— Бу сенга қаёқдан келиб қолди? Нима, Андрей юбордими?

Жавобини Настена олдиндан тайёрлаб қўйганди, шунинг учун ҳам у Иннакентий Иванович билан бекинмачоқ ўйнаётгандай деди:

— Қаёқда Андрей... Мен унга, Андрейга деб ўтган иили Кардада сотиб олгандим. Мана, энди сотишга тўғри келяпти. Облигацияга тўлайдиган ҳеч вақо йўқ. Келса, ўзи топиб олар. Олганимгаям юз пушаймон бўлдим ўзим ҳам.

— Ҳай, қанчага олувдинг?

— Икки мингга.


Настена унга, худди Михеичга айтганидек, бу соатни милтиққа алмаштиридим дейишга қўрқар эди: бунга ишнинг учини кўрсатиб қўйсанг бас, ҳаммасини чуватиб олади.


— Э, йўқ, менда бунақа пул нима қиласди,— деб бошини чайқади Иннакентий Иванович.— Вой, сени қара-ю, тагин нуқул ўзларингни камбағалликка соласизлар. Икки минг-а! Шунча пулни топиб, худди икки сўм бергандай берибсан-қўйибсан-а. Кардада буни сенга ким сотди?

— Мен у одами ўзи ҳам тузуккина билмайман. Бир ҳарбий одам эди шекилли, шинелда эди. Соат менга жуда ёқиб қолди, маҳкам ёпишиб олдим, кофтамни, шол рўмолимни сотдим, пул тўпладим,— деди ёлгон гапириб таваккалига Настена ва пинагини бузмай Иннакентий Ивановичнинг юзига қаради.— Ҳозир бўлса оларнидим буни?

— Менда икки минг йўқ. Сенга ўхшаган бадавлат эмасман.— Иннакентий Иванович чамалаб ўзини гўл-

















ликка солди ва боягидай диққат билан Настенани кузатди.— Мингни, эҳтимол, бир амаллаб топарман, аммо бошқасига кучим етмайди.

Настена ўйланниб қўйди:

— Хайр, майли, минг бера қолинг. Ҳозир буни кимгаям сотардим бу ерда? Кардага бориб-келишга бир кун, бир кун ҳам гапми: икки кун кетади. Ҳозир бунаقا ишга қўл тегармиди.

Иннакентий Иванович минг сўм санаб берди, лекин у Настенага ишонмади, ишонмаганини Настена ҳам кўрди. Унинг олдига бормаслик керак эди, аммо бундан бошқа кимнинг ҳам олдига борарди: Атамановкада фақат шунда пул бор эди. Бундан ташқари нимадир изм-иктиёрига бўйсунмай, Настенани фақат ўшанинг олдига боришига қистаб турарди. Иннакентий Иванович ўзгалар изини искашни, дуч келган нарса тўғрисида бошқаларга қараганда кўпроқ; олдинроқ билишни жуда яхши кўрарди: мана, керак бўлса, ол, исказивер, ҳиди анқиб турган бу луқмани ўзим сенга беряпман. Ўша узун бурнинг билан хоҳлаганингча ҳидлайвер, ҳадемай, яна бир далил топиб бераман — қўрқмайман.

Аммо қўрқиши керак эди: Настена фаришта бўлтими. Бинобарин, унинг қилаётган ҳар бир иши кўнгилдагидек чиқмаётган эди.

18

Андрейнинг ҳозир юқори қишловда бўлиши Настенанинг эсидан чиқмаган эди, аммо у қайиқни нима қилишини билмасди: ё пастга тушиб, уни анҳорчага яшириб қўйиши, ё орол қархисидаги қирроқ остида қолдириши керак эди. Нариги томондан кўринмайди, бу томондан эса борди-ю, битта-яримта келиб қолса, барибир яшириб бўлмайди. Шунинг учун яширмагани ҳам маъқул. Ангаранинг бу томонига ўтишига баҳона кам дейсизми! Тўқиши учун қайнотасига хивич кесиб боради, вассалом. Тол хивичлари эса, бу ерда мўл-кўл. Бир куни Михеич ҳам оролга бориб новда кесиб келинса, ёмон бўлмасди, деб айтганди, тўғри, у оролга деганди, соҳилга эмас, аммо ҳар икки жойнинг узоқ-яқинлиги деярли бир хил эди. Михеичга оролдан хивич кесдим дейди, у ажабланади-ю, аммо бир нима деб эътиroz билдира олмайди: ҳа, тўғри-да, ўзи айтганди, Настена эса, шу ишни қилибди. Агар Настена кўнгилдаги ишни қилиб борса, у нима деб ҳам эътиroz билдиради — Настенага, назарида, қаерга

борса, ҳатто овлоң ерларда ҳам, едамлар ишенимдайтган дай, зымдан разм өсолаётгандай туоларди.

Аммо бу сафар уни кузатиштаётган экан. Настена ёзаб келиб, қайиқ түмшугини қуруқликка тортиб чиқарғач, атрофга бирров күз югуртириб, пастгина қиргоқца чиңа бошлиши билан ўнг тарафда сув устига гуж бўлиб осилиб турган буталар орасидан бир киши чиқиб келди. Настена унинг қандай чиқиб келганини пайқамади, факат орқа томонда шагалнинг гижирлаганини эшитиб, чўчиб орқасига ўгирилди-да, қайиқ устига энгашганича кучаниб, уни тошлоқча силжитаётган кишини кўрди. Настена қичқириб юборди.

— Қайиқни нега шу аҳволда қолдирасан? Ахир, сув олиб кетади-ку,— деди у ва хиёл энгашиб, Настена томонга қараб юрди.

Бу Андрей эди. Қўрқув ва қувончдан ўтакаси ёрилган Настена даг-даг титраб, оҳ-воҳ қилиб унга отилди, аммо Андрей уни қучоқлагани қўймади-да, тезроқ буталар орқасига олиб ўтди, бу ер Ангарадан кўринимас эди, буталар ортига ўтгач, унинг ўзи Настенани қаттиқ қисиб қуноқлади, оғир-оғир нафас олиб, юзига тикилди.

— Бугун келишингни билгандим, эрталаб билгандим,— у шунчалик яқиндан қўриб тургани учун кўзларини қисиб қарап ва ҳансирағ ғўлдирап эди.— Эрталаб ирмоқда одамларнинг овозини эшитдим, сенинг овозингни танидим. Келишингни пайқадим. Шунинг учун куни билан пойлаб ўтиредим. Кейин қарасам, сузуб келяпсан.

У Настенани яна ҳам маҳкамроқ бағрига боеди.

— Секинроқ, айиқполвон,— деб Настена ундан ўзини тортди ва қорнини олдинга чиқарди.— Эзаб қўясан. Нима, кўрмаяпсанми?

— Борми?— Қисқа қилиб сўради Андрей бу хушхабардан маст бўлиб.

— Нима, бўтқа билан шишиб кетган деяпсанми мени?

Кулишни ҳам унута бошлаган Андрей ўҳҳўлаб узуқюлуқ, беўхшов кулди ва қорининг таранглигини текшириб, уни куракдай келадиган кенг кафти билан оҳиста сийналади. Унинг сийпаллаши Настенага хуш ёқарди, у эркаланиб, чуқур тин олди.

— Ҳали ҳеч нима маълум эмас-ку,— деди Андрей.

— Маълум эмасмиш-а...

У Андрейнинг кафтини бола нимаси биландир тиранниб, дўлияя бошлаган жойга олиб бориб қўйди.

— Маълумми?

— Бир нима борга ўхнайди.

— Ўкшайди эмиш... Ўзинг ўкшайсан. Бор бўлганда қандоқ. Мен аниқ биламан; бу ўғина.

— Биламан эмиш,— деди Андрей ҳиқилаб.— Сен қаёқдан биласан?

— Гаров ўйнаймизми, қиз эмас, ўғил бу!

— Аввал буни туғиб ол.

— Туғаман ҳам. Нега тұгмас эканман? Ҳали ҳеч кимнинг боласи ичидә қолиб кетгани йўқ.— Бу сўзлари Настенанинг ўзига ҳам қизиқ туюлиб, кулиб юборди.

Аммо у Андрейга яхшилаб зеҳн солар экан, ҳовуридан тушди-қолди ва кутылмаганда тез, белгиланган муддатдан олдин дийдор кўришишдан қувониб, ҳаяжонлашиши босила бошлади. Андрейнинг юзи жуда чўзилиб, фақат бурни қолибди, ёноқларининг халта бўлиб қолгани ҳатто соқоллари орасида ҳам кўриниб турарди. Кўзлари киртайиб, косаси ичидан дард-алам билан тикиларди. Соқоли ҳам энди қора эмас, балки ирkit, мош-гуруч бўлиб, чигаллашиб кетганидан баттар хунук кўринарди. У бопшини ҳам сал энгашиб, худди доимо рўпарасига қараб ёки бир нимага қулоқ солиб тургандек, олдинга чўзиб турарди. Ҳа, худди шунаقا эди. Сочини яқинда олибди, пийпасланиб олганидан сочи тутам-тутам бўлиб, нотекис осилиб қолганди. Кўзларини қўрқитаётгани ана шу кўзлар эди: ўша охириги марта учрашганларидан бери бу кўзлар шуичалик ўзгариб, гам-гуссадан қаърига тортиб кетган эдики, улардан сергакликдан бошқа ҳеч қандай маънени уқиб бўлмасди... Андрей Настенанинг юз азоб-уқубат билан қараб турганини пайқади-да, титраб кетди:

— Нима, ёқмаяпманми?

— Андрей...— Настена жавоб бермаслик мақсадида бопшини унинг қўксига қўйди ва ўзи энг муҳим деб ўйлаган гапини бўгилиб, пичирлаб айтди:— Андрей, ҳали хабаринг йўқ: уруш тугади.

— Биламан,— деди у хотиржамлик билан.

Настена ўзини орқага ташлади:

— Қаёқдан биласан? Ким айтди?

— Салютларингни эшиштдим.

— Ҳа-а, ўқ отишганди... тўғри.

— Энди қўзим билан қулоғим шунаقا бўлиб қолган... у-зоқ-дан кўраман, у-зоқ-дан эшиштаман.— У ё гапни чалғитмоқчи бўлди, ё чиндан ҳам мақтангиси келди.— Ўзимга-ўзимнинг ҳавасим келади. Эрталаб сизлар ҳали катта Ангарада эшкак эшшётганларингдаёқ сузив

келаётгандарингни билганман. Тағин ҳу анави ердан, төгдан, қишлоғдан эшилдим. Ирмоққа чиққандарингдан кейин сени танидим.

— Мен бўлсам, сенга тишга босгулик деярли ҳеч нима олиб келмадим ҳам,— деди Настена бошқа нарса тўғрисида ўйларкан, секин, бегонасираб,— озгира нону тухум олиб келдим, холос. Сезиб қолишмасин деб қўрқдим.

— Менга ҳеч нима керак эмас, энди очдан ўлмайман, тайга боқаверади. Менга чивиндан сақлайдиган тўр бўлса бас, Настена. Ҳадемай чивинлар ғужгон ўйнайди. Тўр бўлмаса, мени еб қўяди.

— Тўр... Рост-а, келиб-келиб тўрни эсимдан чиқарганимни айтмайсанми?

— Янаги сафар олиб келарсан.

— Олиб келаман...

Наётена энди тўрни қаёқдан топсам бўларкин, деб ўйлай бошлади. Унинг, Андрейнинг от думидан қилинган эски тўри аллақачон титилиб кетганди, уйда ортиқ-часи йўқ эди. Қаердан бўлса ҳам топиш керак: чивинлар йиртқич ҳайвонлардан ҳам баттар, у эса бу ерда бир ўзи, чивинларнинг ҳаммаси шунга ёширилади.

Улар ҳамон бўйлари баравар келадиган, барг ёза бошлаган ёш қайин ниҳоллари ёнида, бир-бири билан бақамти тик оёқда туришарди. Қайинларнинг пиндиқ ёриб чиққан найчасимон барглари ёзила бошлаганди, аммо улар ҳали кичик, буришиқлари чуқур бўлиб, қуёшда оқиши товланарди.

Қайин ниҳоллари орасидан Ангара кўринарди. Қишлоқни орол тўёшиб турарди; қуёш оғиб, у ерга қия нур сочарди. Бу ерда соҳил кенг, чиройли эди — одам кўзидан пана, кимсасиз, сув томон хиёл нишаблиги бор жимжит майсазорларнинг у ер-бу ерида шумуртлар, қайинлар тарвақайлаб ўсиб ётарди. Ўтлар ичида елкаси бурундуқларникига ўхшаган йўл-йўл, бўйни узун қандайдир майда қушчалар чуғурламасдан пир-пир этиб, учиб-қўниб юрарди. Фақат олисда, аммо шу қирғоқнинг қаериададир какку анчадан бери бир зайлда «кук-ку, кук-ку» деб сайрарди. Настена ҳали сувда сузиб келаётганидаётқаккунинг сайрашини санамоқчи ҳам бўлди, аммо қўрқди, мана, энди унинг сайраши икки юзтага этиб қолди, истасанг, шунча йил яшайвер¹.

¹ Русларда какку неча марта сайраса одам шунча йил умр кўради деган ақида бор. Бу ерда шунга ишора қилингани (Ред. изоҳи).

— Хүш, энди қишлоға борамизми-йўқми? — деб сўради Андрей негадир атрофга аланглаб.

— Анча олис-да,— деди Настена тутилиб.— Қайиқни қолдирив кетсам, битта-яримта ҳайдаб кетиб қоладими.

— Бу ерда ким ҳам...

Настена қайиқнинг олдига тушиб, унинг тумшуғидан озиқ-овқат ўралган тугунчасини олди. Лекин улар ҳарқалай қишлоға бормадилар; шу ерда ўтириш учун жой қидирдилар, улар ўрмоннинг хилват яланглигида ётган гўлага дуч келдилар, гўла суюк сингари оппоқ бўлиб, тарам-тарам ёрилган, аммо қаттиқ эди. Улар шу гўлага ўтиридилар. Настена тугунчани Андрейга берди; Андрей қаергадир олисга қараб, тугунчани ечди, аммо нонни кўрди-ю, ўзини тутиб туролмай нонга ёпишди. Настена унинг очкўзлик билан нон ейишига қарамасликка ҳаракат қиласди, шунинг учун у сирғаниб, гўладан ерга тушди ва қайиқда қотиб қолган оёқларини бемалол узатди, аммо у дам-бадам бошини кўтариб, зимдан Андрейга кўз қирини ташларди, у Андрейдан ҳам, унинг оч қолганидан ҳам ҳайратланиб, ҳанг-манг бўлаётгани йўқ эди, у ҳозир соқолига илашган нон увоқларини териб оғзига солаётган ана шу жулдуровоқи, озиз-тўзиб кетган кимсани деб тунларни бедор ўтказганига, кучи борича унга талпинганига ҳайрон бўлаётган эди. Ё раббий, инсон туйғуси ҳам шунчалик инжиқ, муросасиз бўладими! Қаранг, у нақадар талабчан, нақадар ўзгарувчан! Ҳали Настена мана шуни деб, шу одамни деб сузиб келдими, шуни деб изтироб чекдими, гаҳ деса қўлига қўндирадиган қилиб, олган одам шуми ҳали? Ишониб бўлмайди. Настена хаёлларини жиловлади. Андрей ҳам фронтдан келиб, уни биринчи марта кўрганда: мен кимни деб қочиб келдим, кимни деб шу номаъқулчиликни қилдим, деб сўрамаганмикин? Ахир, Ангарадан эмас, ундан даҳшатлироқ нарсалардан кечиб ўтишга тўғри келди-ку. Настенанинг юраги бедаво қайғу-ҳасратдан сиқиларди: инсон ўзи тўғрисида ҳеч нима билмайди. Шунинг учун у ўзига-ўзи ишонмайди, ўзидан-ўзи қўрқади.

Какку эса, овозини ўзгартирмай, дарахтлар, дарё, тошлар, сизларға қанча умр керак? — деб бир зайлда сайрагани-сайраган эди. Оролга бош уриб оқаётган сув шовилларди: анча пастлаган қуёшнинг ён томондан тушаётган нурида дарахтларда эрта баҳордаги ўргимчак инлари йилтиарди. Кўкаламзорлар, яшил либосяга ўранган дарахтлар кўзларни хумор қилиб сузилтиарди, нам, ўткир ҳидлар гупиллаб димоққа уриларди. Тепадан ялангликка

капалак учиб тушди вә қални буталарга урилиб, анчагача учиб чиқиб кетолмади. Аммо шохлар орасидан Ангара, ҳатто соҳилдаги қайиқ қўйруги ҳам яққол кўриниб туарди, шунинг учун Настена тез-тез ўша ёққа қараб қараб қўярди, у қайиқдан хавотир олиб эмас, умуман нимадандир қўрқиб, қандайдир мұқаррар бир нимани кутиб қаради!

Андрей овқатланиб бўлди, шунинг учун Настена гап чалгиб кетмасин, деб дарров сўради:

— Уруш-ку тугади, энди нима қиласмиш, а, Андрей?

— Билмасам,— деди у елкасини қисиб, бундан Настенаники жуда тутиб кетди, унинг назарида, Андрей «бilmасам»ни жуда хотиржамлик билан айтгандай, у бирон нимани билишни истамаётгандай туюлди.

— Хўш, биз билмасак, ким билади? Ахир бирон нима қилиш керак-да, Андрей.

— Хўш, мени нима қил демоқчисан ўзи?

— Нега мен унақа дерканман... Мен эмас... Аммо... ё ҳеч нима қилмайликми, ёки бирон йўли борми? Айтда, ахир.

У Настенага ўгирилди ва бирнас жим тургач, оғзига келганини қайтармай, дабдурустдан деди:

— Нима қилиш керак дейсанми? Сен туғишинг керак — сенинг қиладиган ишинг ана шу. Ўлсанг ҳам түқин, бизнинг ҳаётимиз, биздан қоладигани ана шу. Сенинг ихтиёринг ўзингда, аммо билиб қўй, сен туғишинг керак. Ана шунинг ғамида бўл.— У гапни дабдурустдан, ҳатто бир оз кескин бошлади, лекин овози бўгилиб қолди, Настена, умуман, унинг овози тез-тез ўзгариб туришини — ёки доимо бир ўзи индамай юраверганиданми, ёки бошқа бир сабабданми, гоҳ керагидан ортиқ қаҳрли, гоҳ шу ондаёқ худди йиғлаётгандга ўхшаш аянчли бўлиб қолишини пайқади. Андрей йўталиб бўлиб, давом этди: — Хўш, мен-чи? Мен нима қилардим? Билсам-билмасам, сен эрим ўша ёқларда юрганида жин ҳам урмасди, деб хўп ўйлагансан. Йўқ дема, ўйлагансан, биламан. Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман. Мана энди, уруш тугагандан иейин ўйлаб ҳайрон қоласан, киши. Ростдан ҳам ҳеч бало урмасмиди, омон қолиб қайтиб келармидим.— У Настенага энгашиб, юзини яқин олиб келди, кўзларини одатдагидан кўпроқ қисиб, яшириб, ваҳимали, бўгиқ овозда хириллаб пичирлади: — Борди-ю, бирон кор-ҳол бўлганида, сен билан ҳозир мана шунақа ўтиармидим? Ҳеч ким айтольмайди. Мана, мен эса, ёнингда ўтирибман. Шунинг учун мендан ҳеч нимани сўрама, мени бирон ишга ундама. Қў-

түмдан фақат бир иш келади.— У қаддини ростлаб, құли-
ки силтади.— Шошма, ганимни бўлма. Биламан, сенга
ишонаман. Ҳў ўшанда сенга ёзгача дегандим. Мана ўша
ёз ҳам келди. Ҳали яқингинада эди, олдимга қор-чапқин-
да келувдинг, бугун бўлса, мана, сувдан келдинг. Үлим,
Настена, бу буюм эмас, бари бир пешонангда боридан қо-
чиб қутулолмайсан. Мана шу ердаги тўрт ой менга қирқ
йилдай ўтди, устига яна ўзимнинг ўттиз ёшим. Мен сенга
айтипман, ўлим бу буюм эмас, аммо мен умрим беҳуда
ўтмаганини билишим керак. Мен ҳали сенга керак бўли-
шингга жуда-жуда ишонгим келади. Кўнглумнинг чига-
лини ёзай дейсан.

— Мен ҳозир ҳам кимни деб келганимни билмай-
ман,— деб тан олди Настена.

— Ҳеч нарсага парво қилма, ҳаммасини олдингдан
олиб орқангга ташла-ю, туғавер. Ягона нажотимиз—бала.
Бу ишинга сен ҳам анча-мунча аралашиб қолдинг. Аммо—
сен виждонли, шунинг учун безовта бўляпсан. Туссанг—
енгил тортасаң. Бала сени мусибатдан сақлаб қолади. Бу
ёргу оламда боламиз ювиб кета олмайдиган гуноҳ борми-
кин ўзи? Бунақа гуноҳ йўқ, Настена. Шуни билиб қўй.
Ҳозирлик кўр, деб айтиш учун сени кутдим, ҳар соатда
кутдим. Юрагингни тош қил-у, ҳеч нарса кўрмагандай,
билимандай юравер, одамлар нима дейишса деявериш-
син. Биламан, бош кўтариб юришинг қийин... аммо
чида, Настена. Аммо болангга зиён-заҳмат етказма.
Жуда тўлиб кетсанг, гизиллаб кел, келавер. Ҳамиша
кўзим йўлингда. Мен сени деб яшайман, бу ерда бошқа
қиладиган ишими йўқ. Агар жуда тинкангни қуритади-
ган бўлишса — ҳаммасини ўлдираман, ҳаммасига ўт
қўяман, туққан онамни ҳам аямайман...

У титраб-қақшаб, бежо кўзларини Ангаранинг нариги
томонига тикар экан, бошини ичига торгди.

— Андрей! Андрей!— Настена қўрқиб кетди.

У паришонлик билан Настенага қаради ва симилләб
бўғувчи ғазабидан тушиб, сал ўзига келди-да, анчагача
миқ этмай ўтириди. Настена ҳам нима дейишини бил-
масди. У ўзи эмасу бошқа бирёвга ўхшаб новда кесгани
келганини, аммо кесишга ҳеч нимаси йўқлигини тўсат-
дан заҳархандалик билан эслади: на пичоқ олиби, на
болта. Йўқ, уларнинг ҳар бири елкасида қўл-оёқли одам-
лардан биттадан эмас, бир нечтадан ўтирибди, шунинг
учун бу одамлар уни турли томонга қараб тортишади,
то гўрга элтиб тиқмагунча бурда-бурда қилиб юбориша-

ди. Бу бечора бўлса, гўё ўз кўнглини салгина ғилган дай, яна одамнинг оласи ичиди дейди-я.

Настена тагидан совуқ ўта бошлади, шунинг учун у ўрнидан туриб, ғўлага ўтириди. Андрей унга яқинроқ сурилди, аммо Настена кутганидай уни қучоқламади, балки олдинга хиёл әгилиб-әгилиб тебрана бошлади. Офтоб ялангликдан кетиб, дарёга етиб қолганди. Қайик қўйруғида синчалак думини ликиллатиб, сакрарди — у учуб кетиб кўздан ғойиб бўлди-ю, яна шу заҳоти қайтиб келиб, бўйинни чўзиб, тез-тез сувга қарай бошлади. Шарқда, кунчиқар томонда оппоқ момиқ булутлар пайдо бўлди, шунинг учун Настена ҳаво айниб қолмасайди, деб ташвишга тушди.

— Балки Ленага бориб келарман,— деди ногаҳон Андрей.

— Ленага? — ҳайрон бўлди Настена.— Нега?

— Уша ерда бирга жанг қилган бир ошнам бор, Коля Тихонов.— У худди томоғига бир нима тиқилган-дек қалқиб кетди-да, такрорлади:— Коля Тихонов. Тўгри, биз бошқа-бошқа взводда әдик: мен биринчида, у учинчида. Взводлар эса, разведкага навбатма-навбат борарди. Аҳён-аҳён учрашиб қолардик. Фурсат топилди де-гунча, ҳаммамиз бирга бўлардик. У пайтда у ҳали бўйдоқ әди... Ундан яхши мужик чиқарди. Хушфеъл, содда йигит әди. Уддабурро, қўлидан келмаган иш йўқ. Кийиб турган кийимини ҳам, еб турган нонини ҳам аямасди. Юзидағи чандиги ўзига ярашарди, кулдиргичга ўхшарди. Ёшлигига муштлашганда биттаси паншаха санчган экан. Биз ўша билан биттамиз ўлсак, омон қолганимиз бориб айтамиз, деб келишиб қўйгандик. У Ленадан, мен Ангарадан— ҳамиортмиз, орамиз олис эмас. У сал ғалатироқ әди. Мен унга икковимизни ҳам ўлдиришса-чи, кейин нима бўлади, десам, у менга икковимизни ўлдиришолмайди, бундай бўлиши учун Ангара билан Ленанинг суви қўшилиб кетиши керак, деганди.— Андрей бир ҳиҳилаб қўйди-ю, чўзиб, узоқ тин олди.— Мен билағонлик қилиб, унга айтсанг-айтмасанг дengизга қуйилиб қўшилиб кетади дедим. У бўлса дengиз — бу ўлим, дейди. Дарёлар ўз ўзанидан оқиб тургандагина мавжуд бўлади, дengизга қуйилдими — тамом, ўлди деявер. Ўлгандан кейин биз ҳам бирлашиб кетамиз деганди. Бир куни тонгга яқин «қидирув»дан қайтиб келсак, менга Колянинг ўлигини олиб келишибди, деб айтишибди. Бориб шуни айтсаммикин деяпман-да,— деб тўхтамасдан гапида давом этди.— Қаерга кўмилганини биламан, эсим-

да бор, ўзим кўмганман. Баъдага вафо қилиш керак-да...

— Қанақа қилиб борасан?--- оҳиста сўради Настена.

— Ўзимни олисдан келган одам қилиб кўрсатаман. Унинг қишлоғи кичкинагина. Бирпас ўтираману гаплашиб, қайтиб келаман. Кўмганимизда йигламадим, у ерда бунақа одат йўқ. Яқинда эсимга тушиб қолди, шунда кўз ёши қилдим. Ахир, юрагим тош әмас-ку, Настена. Агар тош бўлса, яхшироқ бўларди, ҳеч ниманинг қайғусини қилмасдим. Ўйлайвериб-ўйлайвериб жинни бўлиб кетасан, миянгта келган фикрлар бир-биридан баттар... Узиб олади, ҳа, узиб олади... Баъзан борайину таслим бўлай деб ўйлаб қоламан, қилмишингга ярашасини ола-вер, қанча кўп бўлса, шунча яхши. Қилғилиқни қилдингми — жазонгни е! Ўзимга-ўзим қўйл кўтаргандан кўра, тиқиб қўйишгани ҳам дуруст, кимга шу иш топширилса, ўша унимни ўчиради қўяди. Улар ҳам тинч, мен ҳам.— Настена бирон сўзни эшитмай қолмасликка ҳаракат қилиб, қотиб қолди, аммо Андрей шартта бошини кўтарди-да, қаттиқ-қаттиқ чайқади.— Йўқ, бормайман. Мен ўзимдан қўрқаётганим йўқ, ўзимга қолса-ку, кўксимни жон-жон деб ўққа тутардим-а. У ерда лоқал кўмишади-ку, бу ерда эса, кўмадиган одамнинг ўзи йўқ. Сизларни иснодга қўйишни истамайман. Агар боланинг мендан бўлганини билишса, сени тириклийин ейишади. Мени қўявер, менинг йўриғим бошқа, хўш, сенинг эса нима гуноҳинг бор? Мана, туғасан ҳам, аммо бора қолади, бир умр таънадан қутулмайди. Йўқ, бормайман. Сен бўлсанг, нима қилай дейсан. Нима, мен ҳам ўзимни нима қилай деб қийнамаяпманми? Сабр қилиб турамиз— маълум бўлиши керак. Ёки чиндан ҳам Ленага бориб келарман. Ёки қўрқсам, бормай қўя қоларман. Сендан узоққа кетишни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади, мен фақат сенинг ён-верингдагина тирикман. Эрталаб ўйғонаману ҳозир Настена турдимикин-йўқмикин, деб ўйлайман. Кундуз кунлари дайдиб юриб, ҳозир Настена қаердайкин, деб ўйлайман. Настена мени яхши деб эслармикин, ё ёмон деб эслармикин, дейман. Кейин ўзимча сабр қил, Настена, сабр қил. Бирорвга индама. Яна, худо кўрсатмасин, оғзингдан гуллаб қўйма, дейман. Аслини олганда сен менга хотин ҳам әмассан, киши хотини билан уйида яшайди, сен менинг ёргу жаҳонимсан, сен менинг бору йўғимсан. Сени мендан жудо қилиб бўлмайди.

— Унақа дема, Андрей, нега бунақа дейсан? — у Андрейнинг пинжига тиқиңлди ва адашиб эрталабми ёки кеч-курунлигини ажратолмай қолган одам сингари юраги хижил қилувчи, ташвишли бир қувонч билан тепа бошлиди.

— Гапим ичимда йиғилиб қолгаи, бўшатмасам бўлмайди. Эсингдами, Ильин куни¹ анҳорнинг нариги ёнидаги дўнгликдан пичан ўргани борган эдик? Ўз пичанзоримизда ўт камдек эди, шунинг учун ўша ёққа борувдик. Иссиқ эди, ўргимчак инлари тинкани қуритарди, қулочкашлаб чалғи тортиб бўлмасди, текис ер йўқ. Энг ёмони — ўриши ҳам, ўрмасликни ҳам билмасдик. Байрам эди, чоги. Одамлар ўйин-кулги қилмасди, аммо ишламасди ҳам. Шу куни чақмоқ чақай-чақай деб турарди. Эсингдами?

— Эсимда, нега эсимдан чиқаркан? Урушдан олдинги йили ёзда эди-да. Сен ўша ёзда ҳисобчиликдан кетувдинг, Иннинакентий Иванович сенинг ўрнингга ишга кируди.

— Ҳа-а, бир-биримизга ўқрайиб юардик. Нима сабабдан, қайси важдан ўқрайишиб юришимизни ўзимиз ҳам билмасдик. Ушанда сенга қараб бир нима дейину дилингни сиёҳ қилиб, бир йиғлатай деб ўйловдим. Агар йиғласанг, яна бир нима деб кўнгилдаги чигилимни ёзардим. Қарасам, сен ҳам лабингни қимтиб, кўз қирингни ташлайсан. Бундан, кел, қўй, шу жин ургур ишни ташлайлигу қишлоққа кетайлик, деган маъниони уқиб олса бўларди. Йўқ, дилимиздагини сиртимизга чиқармадик, пишиллаб-пишиллаб қўйисак ҳам бир-биримизга индамадик. Шу пайт ногаҳон, худди томдан тараша тушгандек, момақалдироқ гулдираши ўрнига ёмғир ёди. Шундай ёқимли, илиққина эдик, асти қўявер. Қаёқдан ёқанини билиб бўлмасди, ахир осмонда биронта ҳам булат йўқ эди-да. Осмонни кейин булат босди, унгача ойнадай тиниқ эди. Биз тўхтаб бир-биримизга қарадик. Эсингдами? Ушанда ёмғир ёқанини жуда яхши, зўр бўлди-да, икковгинамиз бўлсак ҳам ишқилиб гижиллашиб қолмадик. Гёё биз олдин келганимизда бошқа эдигу ҳозир бир-биримизни энди кўриб тургандаймиз. Биттамиз ҳам эмас, иккаламиз ҳам бирдан ўзгариб кетдик. Шуни нимага йўйиш, қандай изоҳлаш мумкин? Ҳаммаси шу ёмғир туфайли, иш туфайли бўлувдими?

¹ 20 июль. (Тарж. изоҳи.)

— Сүнг нұхатта кетдик...

— Нұхатта кейириоқ бордик. Қалғини ташлаб, бирбіримізге илашиб кетдік. Емгір ҳам қандайдыр галати зди, тушилтию йүқ бўлиб кетяпти. Жудди туман ёки қандайдыр оби раҳматтага ўшарди. Ё уша ёмгир бизни сеҳрлаб қўйдими ўзи. Нұхатта эса сен юр дединг, ўшанда дунёнинг нариги чеккасига десанг ҳам кетингдан кетаверардим. Мана шулар эсимга тушиб кетди-да, ахир...

— Ҳозир ўтирган шу ўзимизми, Андрей? Ё анавилар, ўт ўргани борган бошқаларми?

У бошини ёнига ташлади-да, оғир, чуқур хаёлга чўмди.

— Ейлмайман, улар ҳам, булар ҳам эмас, яна бошқалари бўлса керак. Уруш бўлди... Ҳаммаси бўлди. Йўқ,— деди ногаҳон бир сесканиб.— Бу ўзимиз, ўзимиз, Настена! Ҳозир ўзимиз. Бўлмаса, мен эсламасдим. Бу ўзимиз. Бу бутунлай йўқолиб кетгани йўқ. Ахир, фақат ёмонлик эмас, яхшиликларни ҳам кўрганмиз — тўгрими, кўргандикми?

— Ёмонликни эслаб нима қиласан?

— Ҳаммасини эслаш керак, Настена. Ҳаммасини эслаш керак, аммо ёмонлик уятли жойдай гап, уни бўлар-бўлмасга кўрсатмаслик керак.

— Эслайсанми?..

Қалб торларини ғамза билан чертиб ўтган хотира-лардан сеҳрланган ва кўнгли тоғдек кўтарилиган Настена энди ҳеч нимани: унинг кийимлари дабдала бўлиб ўзи өзиб-тўзиб кетганини ҳам, кирягир юрганини ҳам пайқамасди. Бу унинг Андрейи, кўз очиб кўргани, қувончли ҳаёт кечирган ўзининг меҳрибон кишиси зди. У шунчалик баҳтиёр экан-а! Настена қуёш ботиш олди-дан ўрмоннинг нариги ёғида тарам-тарам нур сочиб, ҳаво қуюқлашиб, қорайиб, ўт-ўланлар совиб қолган пайтда ўзига келди. Настенанинг кўзи олдида қаёқдан-дир пайдо бўлиб қолган тилогоч шохи қимирлаб турарди, сўгалга ўхшаган ғадир-будир, хунук куртаклардан чиройли нинабарг попуги ёриб чиқаётганди. Ёнида Андрей ҳоргин пишиллаб ўтиради. Настена ўзига келдию қўрқиб кетди:

— Вой худойим, уйга новдасиз боролмайман-ку! Енингда лоақал пичогинг борми?

— Бор.

— Тезроқ юр.

Андрей уни кузатаётиб:

— Менга айт-чи, Настена, мен бу ерга келганимдан кейин қишлоқдагилардан битта-яримтаси ўлмадими? Қорахат келмадими? — деб сўраганда Настена эътибор бермади, бу гапнинг фаҳмига кейингина етди.

— Мен келганимдан кейин дейсанми?

— Ҳа.

— Чамамда йўқ, йўқ, ҳеч қим. Охиргиси Володя Сомов эди. Кузда қорахат келганди.

— Шунаقا де.

У ўз гуноҳини енгиллатиш йўлини қидира бошладанди. Шундан кейин Настена нега, нима учун, деб ўйланиб қолди. Буни ўзи учун сўраяптими ёки кўнглида бошقا бир гап борми?

19

Бир неча кундан кейин Настена яна келди, аммо бу сафар у, ниҳоят, Михеич сувга туширган ўзларининг шитигида келди. Эрталабдан эзиз майда, совуқ ёмғир ёга бошлади, шунинг учун далада иш тўхтаб қолди. У ўз томорқасида ер чопиб, бодрингга жўяқ тортмоқчи бўлди, аммо ёмғир бунга ҳам қўймади, у бекорга ивиб, таъби хира бўлди. Шунинг учун у кун бекор ўтмасин деб аранг топган тўрини, чивинга қарши ишлатиладиган бир шиша қатронни эрига элтиб беришга, яна бир ташвишдан қутулишга жазм этди. У Михеич уйда йўқлигидан курсанд бўлди, энди унга баҳона ҳам қидириб ўтирамайди, Семёновнага эса, балиқ овига бораман, деб қўя қолди — кампир анчадан бери, «мана, одамлай бинойидек, балик тутяпти, биж бўлсак, бу Ангаядаги омулнинг думини ҳам кўйганимиж йўқ», деб ҳиқиллаб юрган эди. Настена пиёда борадими ёки қайиқда сузуб борадими, тушуниб бўлмайдиган қилиб бораман деди, ахир унисининг ҳам, бунисининг ҳам маъноси бориш-да. Семёновна жавоб беришга ҳам, уни тўхтатишга ҳам, рухсат этишга ҳам улгуролмади, Настена эса, гизиллаб ташқарига чиқди-да, тез-тез одим отиб, Ангарага жўнади. Эшкаклар мўрча даҳлизида сақланарди, ёғоч қозиқларга ўралган балиқ овлайдиган эски перемётлар¹ ҳам шу ерда ётарди. Настена уларни олди-да, шоша-пиша соҳилга тушиб, қайиқни итарди. У юқорига қараб сузиш ўрнига қаттиқ-қаттиқ эшкак эшиб, шитикни пастга, оқимга қа-

¹ Перемёт — осма қармоқ, бир неча ўнлаб қармоқ осилгандан узун ип бўлиб, бир учидан қозиқ қоқиб, иккинчи учига тош боғлаб, дарёга ташлаб қўйилади. (Ред. изоҳи.)

раб ҳайдаб кетди. Беш минутлардан кейин, шивалаб ёға-
ётган ёмғир худди парда сингари қишлоқни түсиб қўй-
гач, у қайиқни дарё кўндалангига қараб бурди.

Ёмғир сувга шовиллаб келиб уриларди; дарё сур-
ранг, хира эди. Орол ювилганга, хиёл бўртиб чиққанга
ўхшарди, шу туришида паст булутни, ифлос доғни эслатарди. Осмон ҳам ювилган эди, тўғрироғи, осмон, уму-
ман, йўқ эди, худди қуёш ботиб кетгандай, у ҳам қаёқ-
қадир гойиб бўлганди, энди шу ер қорайиб турарди. Настена мартди, қутурган ва серёмғир бўронда қаерда-
дир шу ерларда муз устида югуриб борганди: вақт
ўтиб боряпти, унинг ҳаётида эса, ҳеч қандай ўзгариш
бўлмаяпти, қишда ҳам, ёзда ҳам ўша ерга, унинг олди-
га бориш учун ҳавонинг айнашини кутишга тўғри кела-
ди. Настена резинали ёмғирпўшда эди, кофтаси устидан
ташлаб олганди, лекин аллақачон ёмғирпўшнинг путу-
ри кетганди, шунинг учун ёмғирдан сақлаб қололмади,
ёқимсиз сув елкасида тўпланиб, илиб, ичига сизиб ту-
шарди. Ҳўл кофтаси куракларига ёпишиб, ғашини кел-
тиради; Настена дам-бадам елкаларини қимирлатиб,
баданига ёпишган кофтасини ижирганиб кўчиришга
уринарди-да, эшак эшиш маромини бузарди.

У Ангарадан ўтди-да, анҳорни қидириб топиб,
шитикни ўша ерга ҳайдаб кирди ва юқорига қараб анча
ергача итариб борди, кейин битта-яримтанинг кўзи туш-
масин, ёмғирда қолиб кетмасин, деб қайиқни анҳор
устига энгашиб турган, тарвақайлаган қайин остига
қўйиб қўйди. У перемётдан биттасини олиб, иккинчиси-
ни қайиқда қолдирди ва қиргоқча чиқиб, ҳорғинлик
 билан нафас олди: уйдан қочиб чиқиб, мана, етиб ҳам
келди, гўё кўз очиб-юмгунча етиб келгандай эди. Аммо
у қайтиб кетиши кераклигини эсдан чиқармаслик учун
ҳам перемётни олиб олди. Ҳозир уларнинг ҳамма иши
ҳам телба-тескари эди: одатда одам олдинга қайтиб кела-
ди, уларники эса, аксинча. Қани энди Андрей ўз оёғига
ўзи болта урган ерга қайтиб борсин-чи, боролмайди!
Қани энди Настена ҳам бундан ярим йил олдинги Нас-
тена бўлсин-чи, бўлолмайди! Бугун яна қайтиб кетиши
унга жуда оғир, ўша Ангара кўзига беш баравар кенг
кўринади, эшқаклар ҳам ўша бўлса-да, жуда оғир бўла-
ди, сув ҳам ўша, аммо даҳшатли, чуқур. Қани энди қай-
тиб кетмаса-ю, шу ерда, тегишли жойда, тегишли одам
 билан қолса, айёрлик ҳам қилмасди, ёлгон ҳам
гапирмасди, борига шукр қилиб, бемалол яшайверарди.

Настена қайтиб Ангараға түшди вә сув тез, түғрі
оқиб кетаётган тошлоққа перемётни тортды. Перемёт
билан шу күнларда балиқ тутса бұлади, бир-иккі қаф-
тадан кейин сув тиниб, одатдаги меъёрига тушганида,
бу перемёт ярамайды. Үтган йили Настена муз кетгайдан
кейин бир неча марта ўз қиргогига перемёт тортиб,
ель ва хариуслардан тутиб келганды. Михеич эса, кек-
саларга хос камтарлық билан фақат мордани¹ тан өлар-
ди, балиқ тушишнинг бошқа усулларини сира назар-
писанд қилмасди. Үнга, Настенага эса, хұжакүрсинга
bugун очидан ўлган энг майда ель балиқчалар бұлса
ҳам кифоя қиласынан. Энг муҳими, гапдан қутулиш учун
далыл керак, бошқалар ишонадими-ишонмайдими, унга
бир пул. Үндай бұлса ҳам, бундай бұлса ҳам иш ҳар қа-
лай ниҳоясига етапты. Настена қоп-қорайиб турған жар-
дан, илдизларидан новдалар ўсиб чиққан тұнкаларни,
юмшоқ ерни ағдариб чувалчанг терди, уларни қармоққа
тиқиб, перемётнинг бир учи боғлаб қоййилған тошни сув-
га ташлади. Илин, балиқжон, катта бұлсанғ ҳам, кичик
бұлсанғ ҳам, ишқилиб илингин-да. Настена кетар экан,
агар ҳеч нима илинмаса, лоақал қармоқда қолған чу-
валчангни олиб ташламаслик керак, чиндан ҳам қармоқ-
қа чувалчанг тиққаним, ростдан ҳам балиқ овлаганим,
бошқа иш билан шуғулланмаганим күрениб турсин-да,
деб ўйлаб борди. Михеич бадгумон одам, күнглиға ҳар
хил гап келиши мүмкін.

Әмгир әзіб ёққани-ёққан әди; Настена, назаридан
чўзиқ, қаттиқ гижирлаган нарсанинг ерга тушганини
әшитгандай бўлди. Ӯша нарса ҳали ўсиб, яхши етилма-
ган майса ичига шовқинсиз түшди, дарахтларнинг
барглари совуқ егандай титраб турарди, Ангара устини,
худди куздагидек, ёмғир аралаш қалин туман босған
әди. Осмонда билинар-билинмас ҳаракат бошланғанға
ўхшарди, ё бу ҳам шундай туюлиб, бўшлиқни ёқтири-
майдиган кўзлари олдидан сузив ўта бошладимикин?
Настена юқори қишлоғга бормаган әди, шунинг учун
тусмол билан кетаверди — у аввалига қирғоқ бўйидаги
өски, ташландиқ сўқмоқдан юрди, тақир сўқмоқнинг
икки ёнида ўтлар ўсиб ётарди, кейин тоққа бурилди.
Назаридан, у илгари ишлов берилған ерларни дарров
топиб оладигандек әди, аммо нишабликда оқарыб тур-
ған парча-парча ерлар кўп әди, бу ерлар ўзи азалдан

¹ Балиқ тутадиган сават. (Тарж. изоҳи.)

шұнақами ёки ташландиқ әкін ерими, билиб бўлмасди: у бир ердан иккінчисига, иккінчиидан учинчисига ўтиб, борған еари юқорига күтарилади, аммо бинодан эса ҳамон даран йўқ әди. Ёмғирда узоқни кўриб бўлмасди, у то булоққа дуч келгунича яна анча адашиб-улоқиб юрди, булоқни кўргач, пастга тушиши лозимлигини фахмлади ва қаршисидаги сийрак төгтераклар ичидаги шунловнинг вақт ўтиши ва қор-ёмғирдан қорайиб кетган тарам-тарам тахтали томини кўрди. Настена бир вақтлардаги сингари яна дөразачани тиқиллатди ва шу ондаёт Андрей овозимни танисин, қўрқиб кетмасин, деб чақирди. Андрей яна ўшандагидай югуриб чиқдида, уни ичкарига олиб кирди ва ҳўл кийимларини ечишда ёрдамлашди. Аммо гап бу сафар Настена биринчи марта қайиқда сузисиб келиб, улар қиргоқда учрашган вақтларидагига қараганда бошқача бўлди.

Бунга Настенанинг ўзи айбдор әди. У Андрейнинг гапларига қулоқ солар экан, унинг тальсирига тушиб, у нима деяётган бўлса, ҳаммаси тўғри, унинг бу ерда яшириниб юриши-ю, менинг эса, у ёқдан бирорвга оғиз очмай юрганим маъқул, бундан бўлак чорамиз ҳам йўқ деб унга ишонди. Ҳа, у тишини-тишига қўйиб чидаши, индамаслиги керак, худди учи ўткир, қирралি тошлар ораеидан ўтаётгандек, ҳар кўнни юз азобда ўтказиши керак, қандайдир ҳали номаълум, ноаниқ нажот йўлига чиқиб олмоги лозим. Аммо у ёлгиз қолди дегунча умидсизликка, ваҳимага тушиб, азоб-уқубатдан қон-зардоб ютарди: ахир улар нима иш қиласпти ўзи? Нима қиласпти, нимага ишоняпти? Ҳақиқат — у тошлар орасидан, Ангаранинг ўртасидан, сув жуда тез оқадиган, чуқур жойдан галирувчи дарахт бўлиб ўсиб чиқади. Ҳеч қандай куч уни яшира олмайди. Ҳарқалай Андрей бекиниб юрган еридан чиқиб, айбига иқрор бўлиб борса яхши бўлмасмикин? Ахир, эгилган бошни қилич кесмас дейишади-ку. Ахир, одамлар ҳам шундай гуноҳи азим қилған киши қайтиб бирон гуноҳ қилишга қодир эмаслигини тушунишлари керак-да. Шунинг учун у яна ўз олдида Андрейнинг соқоли патак бўлиб, халтадай осилган юзини, азоб-уқубатдан қаърига тортган тийрак кўзларини, ёйдек букилган, кир-чир кийимдаги эпчил гавдасини, ёмғирдан сўнг зах, қоронғи, ҳавоси тахир, диққинафас қишлоғини кўриб, ҳис этиб, алами янгиланди-да, титраб кетди.

— Печка ёўмайсан шекилли, а? — деб сўради у газабини бөссолмаедан.

— Бу ерда печка йўқ,— деб у оҳиста жавоб берди Настенанинг авзойини сезиб.

Настенани шундай қайгу-ҳасрат босдики, юраги қонга тўлди, аъзойи бадани латтадай бўшашиб, боши лўқ-лўқ қила бошлади, у инқилаб деди:

— Андрей, балки кераги йўқдир, а? Бунаقا қилиб юрмай, чиққанимиз дурустмиди? Мен сен билан қаёққа бўлса ҳам, дунёнинг нариги чеккасига десанг ҳам кетавардим, сен қаерда бўлсанг, мен ҳам ўша ерда бўлардим. Бундан ортиқ чидолмайман. Сен ҳам чидолмайсан, ўзингта бир қара, қай аҳволдасан, ўзингни ўзинг нима қилиб қўйдинг? Отиб ташлашади, деб сенга ким айтди? Уруш тугади... ахир, шундай ҳам ўлиб бўлдик-ку...

Настена шоша-пиша гапирав экан, Андрейнинг узоқлашаётганини, бақрайиб, заҳархандалик билан бужмайиб кетаётганини кўриб турарди. Андрей шундай деди:

— Мендан қутулгинг келиб қолдими? Хўш, хўш, майли.

— Андрей! — Настена қўрқиб кетди.

— Қутуласан, Настена, қутулиб қоласан,— у овозинигоҳ кўтариб, гоҳ тўхтаб-тўхтаб, гоҳ овутувчи бир оҳангда пасайтириб давом этди.— Гапинг тўғри—тинканг қуриб кетди, қачонгача чидаш мумкин, ахир? Киши ўз иззат-ҳурматини ҳам билиши керак. Ўзим тушуниб олишим керак. Қутулиб қоласан, Настена, аммо сен ўйлаганингдек эмас. Сен билан кетавераман деяпсанми? — у аввалгисидан ҳам баттароқ юракни сиқиб кулади-да, овозини баландлатди: — Ахир сени менинг ёнимга тургазиб, отиб ташламасликларини ўзинг ҳам биласан-ку. Сенга раҳмлари келади. Мени эса, отишади. Сенга ҳеч бўлмаса қорнингдаги боланг туфали раҳм қилишади. Кейин, жонгинам, бир ўзинг кетаверасан, шу билан виждонинг ҳам пок бўлади. Ҳа, чакки эмас.

— Бас қил, Андрей, бас қил деяпман сенга. Шундай дейишга уялмайсанми, а?

— Мен сени, Настена, ўзим қутқазиб қўяман. Ҳадемай, шу яқин орада, кўн куттириб қўймайман. Мен сени бир умр мана шунаقا сарсон қилиб қўймоқчи эмасман. Модомики, гап шунаقا бўлса, эртагаёқ ёки истасанг, ҳозироқ қутуласан, Ангара ёнгинамда. Кўмаман деб овора бўлиб ҳам юрмайсан. Арқончам ҳам бор, ҳӯ музлама пайтида тегирмонга кирудим, ўша ердан арқонча топиб олувдим. Бақувват — беш кишини кўтаради. Сенинг қайифингдан сакрайман, сен эса, то чўкиб кетгунимча қараб турасан. Ахир сен, барибир Ангарадан

кетишиңг керак-ку, мени эса йүл-йүлакай ташлаб кетасан, ярим йүчча сенга қарашиб, эшкагингни эшаман.

Настена, гүё ўзини ҳимоя қилаётгандек, құлини күксіра босиб, әшитмаслик, тушунмаслик учун бошини сарак-сарап қилиб ялина бошлади:

— Мени нега бунча қийнайсан, нега? Мен сенга нима қилдим? Мен шуниси маъқулмикін дегандим... Ахир, мен сени йўлдан ураётганим йўқ-ку, мен ўзим ҳам билмайман. Миамга келганини айтдим-қўйдим-да. Сен бўлсанг, гапингни қара-я? Нега унақа дейсан?

— Менга ақл ўргатмай қўя қол, ўзим биламан. Мен сенга ўша дастлабки куниёқ дангал йўқ деб айтганман. Шунинг учун сен мени йўлимдан қайтаролмайсан, ҳарарат қилмай қўя қол. Ҳеч иш чиқмайди! — Андрей бақириб, ўзини тутиб туролмай, шундай қаҳр-ғазаб билан унга ёпишиб кетдики, Настена эсанкираб қолди. — Вой сендақа меҳрибондан ўргилдим, яхшилик қилмоқчи бўлибдилар-а. Биламан, мақсадинг нима. Қанақасига гумдон қилиш йўлини топибсан-да. Чамаси, кечаси билан ухламай, ўйлаб чиққанга ўхшайсан. Бундан дуруст йўлини тополмабсан-да! Қўл-оёғимни боғлашганида чивин чақмасин, деб яна тўр ҳам топиб келибди-я. Ўзим эвини қиласман. Тўрингсиз ҳам эвини қиласман. Энди менга ҳеч нима керак әмас, ташийвериб жуда қийналиб кетдинг. Бас энди. Шунча ташиганинг ҳам етар, дамингни ол. Энди бу ерда қорангни кўрсатма, барибир мени кўролмайсан. Бу ҳам тўғри: хотинга боқим бўлиш — оғир! Аммо сенга яна эслатиб қўяй: менинг шу ердалигимни бирорвга айтсанг, барибир топиб оламан. Ул сам ҳам қўлим ёқангда бўлади. Шуни унутма, Настена.

Настена уни гапдан тўхтатиш, ҳовуридан тушириш мақсадида унга томон қадам ташлади. Андрей жиркан-гандек, зумда афти буришиб кетди-да, бошини елкаси ичига тортди.

— Менга қара, Андрей,— деди у мулоиймлик билан илтижо қилиб.— Менга қара. Йўқ, қарагин, юзингни ўгирма. Аввал қарагину кейин ўша сен айтган одамга ўхшайманми-йўқми, айтгин. Тепангда худо бор, Андрей, нималарни валдираяпсан? Қани, айт: ўхшайманми?

— Балки сендан узр ҳам сўрашим керакдир ҳали? Оёғингга бош уриб, сени бекорга айблабман дейинми? Е бошқа муддаонг бўлса, айт, қилайнин.

— Узр сўрашингнинг кераги йўқ. Оёғингга эса, ўзим бош ураман, фақат бунақа дема. Айтган гапларингга ишонма, ўзингни-ўзинг алдама. Менинг раъйимга қара-

майди, деган фикр миянгта қаёқдан келиб қолди, ўзи, а? Вой тавба, гапингни қара-я, Андрей! Унаца дема, қўй, кераги йўқ... Сен яхшилаб қара, менга қара, мен шунაқами-йўқми? Нажотки кўрмайтган бўлсанг?

Кейин у кўзини Андрейдан узмай, йиглаб юбормаслик учун лабини тишлади, ўнкаси тўлиб, гурнираб келаётган бўзлашдан ўзини аранг тутиб, қалт-қалт титрай бошлиди.

— Демак, ўзимга ишонмайину ўнга ишонай... Жуда соз,— деб тўнгиллади у гангид тескари қааркан. У ҳамма нарсадан, атрофдаги барча нарсадан жаҳли чиқиб, ўринеиз зарда қиласади.

Улар анчагача чурқ этишмади, ниҳоят Настена кетиши учун ўрнидан турди, аммо у эса, жойидан қимирламади, қандай турган бўлеа, шундай тураверди — куватгани бормади.

Настена бор-йўғи уч кунгина чида б юрди. Кейин имконият туғилиши билан ҳеч кимга ҳеч нима демай, қайиқни сувга туширди-да, сузив кетди, Андрейнинг шу ердами-йўқлигидан, тирик-ўликлигидан бехабар юришга унинг ортиқ тоқати йўқ эди. Шунинг учун кечаси қоронгига Настена унинг дарласини тиқиллатганида Андрей чиққач, қувончдан ўзини йўқотиб бўйнига осилиб олди, Настена Андрейнинг шу ердалигини, тириклигини кўриб, бутун дард-аламини, қаҳр-газабини унутганди. Учрашувдан йиглаб юборишига сал қолган Андрей уни ёркараб ўтиаркан, пушаймон қиласади, ўзини аҳмоқ дерди, хафа бўлма, айтган гапларимга ишонма, агар сен келмаганингда биронта қайиқ топардиму сени пойлаб юардим, кечирим сўардим, деди. Бу гаплардан баттар ийиб, эриб кетган Настена шундай деди:

— Агар сен ўзингни бирон нима қиласанг, мен ҳам ўзимни бир бало қиласаён, шуни бир билиб қўй.

20

Кейинги ишлар ҳаммаси худди томдан тараша тушгандай рўй берди-қўйди.

Настена ѡанба куни мўрчани иситди, эшикларини ёпди, Семёновнанинг аввал бўлиб чўмилмаслигини билгани учун улардан олдин мўрчага кетди. У эндиғина бошига совун сурганида (Лиза Вологжина қаердандири бир кулча қора совун топиб, ўшанинг ярмини ўнга берган эди) кимдир келиб, даҳлизда ечина бешлади; Настена қотиб, таниш ижраин-сихрашдан қайнонаси

жакинин билиб олди. Настена Семёновна кириши билай мен ювениб бўлдим деб чиқиб кетиш учун наридан-бери бошини чайиб олишга югурди, аммо кейин ўйлаб кўриб, бу ниятидан қайтди: модомики қайноаси бир ўзи келибдими, демак, уни барибир кетказмайди. Йўқ, эди бошга тушганини кўз кўрар. Бу кампири тушмагур нега келдийкин-а, ахир сира бирга ювенишмаган эди-куф Аксига олиб, худди билганда-я, ахир унга бу ерда ҳеч кимнинг кўзи учиб турмаганди-ку. Балки, чиндан ҳам атай-лаб келгандир, чиндан ҳам билгандир: илгари кузатиб юрган бўлса, пойлаб келиб текшириб кўрмоқчи бўлгандир. Агар шунача бўлса, ҳозир майна бўлади-да, Настена мўрчанинг бурчагига борди-да, шайка¹ билан ўзини тўсиб, қорнини ичига тортишга уриниб кўрди — дўппашаб чиқиб тургандан кейин уни қаёққаям тортардингу қанақасига ҳам яширадинг? Юз қилсанг ҳам кўриниб турибди-ку, кўриниб турибди-ку ахир.

Аммо таажжубланадиган ери шундаки, бу сафар ҳамма иш силлиққина ўтиб кетди. Семёновна ё ҳеч нимани пайқамади, ё пайқаган бўлса ҳам ишонмади, унинг сабабини бошقا нарсага, келинининг қорин қўйганига йўйди, чори. Шундай бўлса ҳам чўмилишаётганди Настена кампирнинг икки-уч марта тикилиб-тикилиб қараб қўйганини пайқаб қолди, ана шунда у қорнини ичига шунчалик тортиб, шунчалик қисиниб-қимтиндик, кучанишдан ёноқлари тортишиб кетди. Кейин, кийиниб ташқарига чиққач, Настена афсусланди: яшириб нима қиласди? Жуда қулай, айни пайти эди, аксинча, у ўзининг бор гўзаллигини кўз-кўз қилиши, агар сўраса, бор деб айтиши керак эди. Ҳатто қайнанаси бошقا одамлардан эмас, ундан, Настенанинг ўзидан эшитганида, қайтанта яхши бўларди. Ҳарқалай қайноқ сув сепиб юбормасди, аммо бақириб-чақиради, жигибирион бўларди — майли эди-да, аммо Настена ниҳоят уззукун кутиб юришдан, қўрқувдан қутуларди-қўярди, ахир бу қанча чўзилса, шунчалик даҳшатли, чидаб бўлмайдиган бўлади-ку.

Аммо мўрчага тушишнинг оқибати Настена учун ҳарқалай яхши бўлмади. Шундан кейин Семёновна уни қандайдир кўзини қисиб, зимдан зеҳи солиб кузатиб юрадиган бўлиб қолди, унинг бу қилиги яхшиликдан дарак бермаслигини Настена биларди. Демак, кампир

¹ Егоч ёки металлдан ишланган тогорага ўкшаш идиш. (Тарж, изоҳи.)

бир нимани пайқабди, бўлмаса бунақа қилмасди. Қайнона астойдил келиннинг пайига тушганди: кампир бир кунда йигирма мартараб қаққайиб туриб оларди-да, қаёққа, қаерга кўз ташлаётганини ҳам яширмай, унга зеҳи соларди, Настена эса, бекинарди ёки қисиниб-қимтиниб ёни билан лип этиб ўтиб кетарди, ё бўлмаса қўли билан қорнини пана қиласади, Андрейнинг кенг-мўл камзулини кийиб ўраниб оларди, ёки сал олдинга энгашиб, кўкрагини чиқариб юради. Қорни эса, кейинги пайтларда ошган хамирдай кўтарилаётганди, энди уни ҳеч қандай қувлик, айёлрик билан яшириб бўлмасди.

Бир куни кечки пайт, Настена билан Семёновна ёлиз ўзлари қолишиди, иккovi ҳам рўзгор юмуши билан — Настена ҳовлидаги, Семёновна эса уйдаги юмушлар билан ғимирлаб юришганда Семёновна, гёё Настенанинг қорни дўппайиб қолганини биринчи марта кўраётгандек, шартта сўради:

— Шен, кижалогим, ҳомиладой эмашмишан? Нега бунчалик тайвайиб кетдинг?

Настенанинг юраги шув этиб кетди: мана сенга керак бўлса! Ҷард устига бу чипқонни кўр. Бўш келма, Настена. Энди тона олмайсан, яшириб юролмайсан. Шунинг учун ҳам Настена чўрт кесиб, ўша сўзнинг ўзи билан жавоб бериб қўя қолди:

— Ҳомиладорман.

— Вой ўрай! — деди чўзиб Семёновна таажжубланиб, у ҳатто шубҳаси бежиз әмаслигидан қувонди ва ногаҳон дардчил оёқлари билан ғизиллаб унинг олдига келди-да, жони чиқиб кетганидан бўғилиб, нафаси тикилиб, бақириб юборди, у анчагача бир оғиз ҳам гапиролмай фақат бошини силкитди.

— Каншиғ! — деб қичқирди у кейин, шунинг учун Настена бу «қанжиқ» эканини дарров тушуна олмади. Илгари қайноаси сира койимасди. — Каншиғ! Вой шў-ўйи-им! — у бошини чангллаб, ув тортиб йиглашга тушкиди. — Ана шаймандалигу мана шаймандалик! Эй худо! Муқаддаш Биби Майям! Ўжинг жазошини бей, туйган ейида жазола. Айланишибди. Кутиб туёлматти! Тагин мик этмай юйганини-я бу каншиғни! Андюшканинг келишига бу манжалаки туғиб ўтийади... шайм-ҳаёнг кани шени? Ой-номушинг кани, нима килдинг уни? Кани энди ичингдаги бола бўлмай, куйт-кумушка бўлша эди! Кани энди бий умй тўғашшанг эди! Қандай яхши бўлайди-я, қандай яхши бўлайди-я! — Семёновна ўз қарғишларидан ўзи қўрқиб кетди-да, тўхтади, томоғига

бир нима тиқилғандек йүталди ва сүнгги умид билан сүради:— Балки ёлғон гапийаётгандийшан-а? Балки ҳеч нима йўқдий?

— Бор,— деди Настена юрак ютиб ночор, у бундан бошқача жавоб бериш мумкин эмаслигини биларди, шунинг учун беихтиёр қорники дўппайтириб олдинга чиқарди.

— Бой эмиш-а,— Семёновна иҳраб-сиҳради.— Бой дейди-я. Гўё шунака бўлиши кейакдай. Шайм-хаёши колмабди — йўқ. Мабодо мушук эмашмишан? Шайманда, ҳаёшиз мушук эмашмишан ўши?— У янги сўз топди ва худди мушукка бақиргандек қўли билан эшикни кўрсатиб қичқирди:— Пишт! Кет уйдан, шайманда! Нахш бошган туйкингни кўймайин бу ейда. Ҳожийоқ туёғингни шикиллат! Каєйда ойттийган бўлшанг, ўша ейга жўна. Андюшқа келша, биж унга нима деймиж? Кимни олиб юйибмиз-а? Ишнодга колиб, кимни аллада ажиж қилиб юйибмиж-а? Ахий, кишлоқда ҳамма билади-ку, кишлоқдагилай билади-ку, эй худойим! Мен, шен кижни, ўша келган кунингдаёқ йажм шолиб, билиб олувдим, канакалигинги дайлов пайковдим. Мана, айланишдингу ойттийиб келдинг! Нимани кутиб туйибшан, оташкуюак билан тушириб колмашимдан жўнаб кол. Бу ейдан койангни ўчий.

Настена қанақа кийимда бўлса, шу кўйи ташқарига чиқди. Зинада челякни олди, бу челякда бузоққа ардоб олиб бориб берганди-ю, шошилинчда эсидан чиқариб зинада қолдирганди, у челякни элтиб скамейкага қўйди. Уй ичидан кампирнинг шанғиллаб қарғаши эшитилиб турарди; Настена бу қарғишлиар ўзига тегишли эканини, чиндан ҳам уни уйдан ҳайдаганларига гўё тушунолмай, ишонмай бирпас турди, кейин нимагадир имирсилаб, ниманидир кутиб, бўшашибгина эшикни очди. Нарироқдаги майдонда болалар бақай ўйнашаётганди, Родъка ҳам ўшалар ичиди эди. Настена ундан ойинг уйдами деб сўради, у ҳам уйда бўлса керак, деб жавоб берди. Бошқа борадиган жой йўқ эди — Настена Надъканинига кетди.

У Семёновнадан хафа бўлмади, рост-да, унинг нимасидан ҳам хафа бўларди? Шунака бўлиши турган гап эди. Аммо Настена охирги дақиқагача ҳам ўзини гуноҳсиз деб ишонар ва модомики айбим бўлмаса, ҳақ жойида қарор топди-ю, мени бундай жазодан сақлаб қолади, деб юрар эди. Настена адолат ҳам қидиргани йўқ — ҳозир нима адолатли-ю, нима адолатсизлигини ҳам тушу-

киб бўлмайди, унинг ўзи ҳам жўлдан бери иккى жаҳон овораси бўлиб юрибди, аммо аслини олганда қайнонаси озина ачинеа бўларди, индамай юриб; бола бўлиб қолганини фаҳмлади-ю, тўполон кўтарди, ахир бу бола улга бегона эмас-ку. Наҳотки, ўз қони қулогига пич этиб қўймаган ёки юрагини бир жиз этказмаган бўлса. Унда одамлардан нима умид? Мана ўша чиңон, кўлдан бери йиринглаб, унинг сабр-тоқатини битирди, силласини қуритди-ю, ниҳоят ёрилди, энди бу ярага қўядиган ҳеч нима йўқ. Ўзини ўзи авраб юрган билан бирон наф кўрармиди, қандайдир бир нимани деб чидаш керак, кейин ҳаммаси кўрмагандай бўлиб кетади, деб тасалли топишдан бошқа нима бор? Жўш, кейин қанақа яхши кунлар келади? Йўқ, кутишдан фойда йўқ.

Настананинг кўнгли шу чўкканича чўқди-ю, қайтиб кўтарилимади, юраги номаълум бир жойдан заифгина телиб турарди. Ёки у ичидаги боласининг юрати билан яшаётганимикин? Ўзи билан унинг заррача иши йўқ эди, фақат уни, болани қутқарив қолса, бошига тушган қайту-кулфатдан нобуд қилиб қўймаса, ёруғ олам юзини кўрадиган вақт-соати келгунча эсон-омон кўтариб юрса, бас эди. Эҳтимол, одамлар болани кўргач, кўрадиган эрмак топилгач, раҳмлари келар, уни ҳозир ўз уйидан ҳайдаб чиқаришгандек қувиб юбориши мас ахир. Ўз уйи бўлиб қолувди, саккиз йил умр ўтди. Шунака бўлганига хафа эмас, йўқ, хафа эмас, фақат уятли бўлди; у ўзидан сира уялмайди, ўз йўлини билади, бу йўлга кўнишиб қолган, шунинг учун шундай воқеъ юз бердики, бу йўл тунаб туришга одамлардан бошпана сўраш даражасига олиб келди. Унинг бирон ерга кетиши мумкин эмас, қўл-оёги икки қават қилиб бөглаб қўйилган, қолаверса борадиган ери ҳам йўқ. Ёлғиз ўзи, бутунлай ёлғиз.

У Надъканикига келди-да, бутун оғирлиги билан эшик кесакисига суюнди, то уй эгаси кир демагунича ичикарига. ўтишга юраги дов бермади. Ким билсин, эҳтимол, Надъка кирма дер: энди ҳар бир одамни бошқатдан билиб олиш керак; одамлар кўришга одатланниб қолган ерингдан жилишинг билан дарров сенга нисбатан ўзгариб қолади, сени бошқача ном билан чақиришга жон-жон дейди! Надъка бозиллаган печка олдида гимирларкан, сўради:

— Нега серрайиб турибсан?

— Уч-тўрт кун туришга йўқ демайсанми? — гапни

чўзид, чайналиб ўтиришга тоқати қолмаган Настена шундай деб гап бошлади.

— Кимга — сенгами?

— Менга.

Ҳўл силтамоқчи бўлган Надъка диққат билан унга разм солди:

— Нима гап ўзи?

— Ҳайдаб юборишиди.

— Сени-я?

Настена қорини кўрсатди.

— Кўряпсанми?

— Вой-вой-й-й,— деди Надъка ўзига хос бўлмаган овоз билан ва оҳ-воҳ қилди:— Ростданми? Уни қаёқдан ертиридинг? Шошмай тур, шошмай тур,— Надъка гизиллаб унинг олдига келди, уни ёғоч каравотга ўтиризди, ўзи эса энгашиб рўпарасида турди.— Бу ёруғ оламда нималар бўлянти ўзи? Ҳа, мана ман деб турибди. Ҳеч ким ҳеч нима... Кимдан орттиридинг, а? Боплаб қўйибсан-ку? Аломат гап бўпти-да ўзи! Бошинг балога қопти! Сен ҳам ўзингга етганчасан! Сени ким йўлдан урди?

— Арвоҳ,— деди Настена. У бирор бирон нимани сўраб-суриштириб, жонидан безор қилмаслиги, ўз ҳолига қўйиншлари учун ҳеч нимани аямасди. Меъдага тегиб кетганди.

— Арвоҳ бўлса бордир,— деди Надъка унинг ёнига келиб.— Одамнинг билгиси келади-да, ахир. Агар сир бўлса, айтмай қўя қол. Назаримда, биронта ҳам эркак айланнишмаган эди шекилли. Йўқ, сен менга гапни айлантиримай, пўскалласини айт. Борди-ю, ўша арвоҳни ўзим суриштириб тагига етсам-чи?

— Етолмайсан, Надъка,— Настена фақат шу Надъка га айтса бас, бошқа бирорга тушунтириб юришга ҳожат қолмаслигига ақли етди-ю, айтишга жазм этди. Қандай жирканчли-я, аммо на чора, бир нима дейиш керак-да. Бу унинг биринчи ҳам, охирги ҳам гуноҳи бўлмаса керак.— Ҳу анави келган вакил эсингдами?— сўради у.— Келиб облигацияга ёзdirган эди-ку?

— Хўш?

— Мана сенга хўш!— Настенанинг жаҳли чиқди.— Чанани қўшиб кетдик, кейин.. Орттириб келдим. Эпчил одамга гап эканими?

— Ҳеч гапмас, ҳеч гапмас, биламан,— Надъка шонашиша унинг гапига қўшилди.— Бирраслик ишу кейин жазонгни тортиб юраверасан. Оббо Настена-еий! Ўзингни шундай ювощ, қобил қилиб кўрсатардинг-а, бирор гапир-

са, қизариб кетардинг-а. Мана сенга ювош одам. Ҳўш, энди нима қилмоқчисан? Борди-ю, Андрей келиб қолса-чи? У ўлдиради-ку, ахир сени.

— Ўлдирса-ўлдирар. Нега ҳадеб нима қиласан деб сўрайверасан? Мен қаёқдан билай?! Ундан кўра айт, уйингда уч-тўрт кун турсам бўладими-йўқми? Қўясанми-йўқми?

— Ҳа, турсанг-туравер. Қаёққа борардинг. Бирон гап бўлса, бирлашиб ўзимизни ҳимоя қиласиз. Қампир сенга ачинмайди, албатта. Ҳозир унинг кўзига балодай кўринасан. Ҳароми набира туғиб берасану яхши кўринасанми,— Надъка чидаб туролмай ҳихилаб кулди.— Эртаю кеч сендан кўз-қулоқ бўлиб юрарди. Э, хотин кишини пойлаб эплаб бўларканми? Хотин киши бошқалар у ёқда турсин, ўзини-ўзи алдайди-ю. Мана, ким сени шунақа деб ўйлабди? Оббо, Настена-е! Жуда қалтиссан-да, қалтис, ҳали кўп азоб чекасан. Ҳечқиси йўқ, биргалашиб азоб чекамиз. Мен ўрганиб қолганман. Сен икки қўлингни бурнингга тиқиб келаверган бўлсанг керак, а? Ҳеч нима олмадингми? Бориб нарсаларингни йиғиштириб келаймикин, а?

— Кераги йўқ. Кейин ўзим олиб келарман.

— Ўзим эмиш. Ўзим-ўзим деб этиб келган еринг шу бўлди. Э, ғам ема, ғам ема, бир кунинг бўлса ўтади. Бундан бешбаттарлари ҳам бўлган. Қадимда ит бўри билан яшаган экан. Бир кунимизни кўрармиз. Шунинг учун ҳам номимиз хотинд-а. Йўқ, сен аввал туғиб ол, туғиб ол, у ёғини ўшанда кўрамиз. Унинг исми нима?

— Кимни?

— Кимни эмиш... Яна кимни бўларди? Анавингни, сени заёмга ёзган одамни? Жуда уддабурро әкан! Ҳеч бўлмаса исмини сўраганимидинг?

— Йўқ.

— Исмини сўрамовдингми? Тентаксан, Настена. Ахир бола кимнингдир номига ўтиши керак-ку. Туғиб кўрмансан-да, билмайсан. Ахир гувоҳномага отасининг исмини ёзиш керак, у ерда сўрашади-ку. Ҳа, қўявер, топамиз. Иш шунга бориб тақалса, болангга энг яхши ота топиб берамиз.

Надъка яна анчагача оҳ-воҳ қилди-ю, лип этиб ўзини ташқарига урди. Барибир қишлоқ билади — биринчи бўлиб гап тарқатиш имкониятини қўлдан чиқариб бўларканми! Настена эса ёлғиз қолгач, ўзини каравотга ташлади, кўзларини юмди, нафаси тиқилиб, томоги жазиллаб ачиштиради. У йиғлаб ҳам юборгиси келди — чек-

сиз бемаъни дард-аламларга тўлиб қолган ичини бўшатиб олиш учун шунчалик ҳўнграб йиглагиси келарди-ю, аммо кўз ёшлари болага зиён қилишидан қўрқарди. У анчагача аъзойи бадани тортишиб инграб, каравотда ўзини у ёқдан-бу ёқса ташлаб ётди — гоҳ туриб ўтирди, гоҳ яна ётиб олди, аммо заррачалик енгил тортмади, тинчимади, азоб чеккан кўнгли ором олмади.

Алламаҳалда Михеич келди, Родъка орқали Настена ни ғов олдига чақиртирди. У серкўз, болта билан ўйдимчукур қилинган тўнкага ўтирди. Настена ғов олдиди тураверди. У оёғида аранг туради, аммо бир жойда тек ўтира олмасди, тик турганда оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиши, қимирилаши мумкин эди, қимириламаслик эса уни эзib юбораётганди. Михеич ғадир-будир, титроқ бармоқлари билан трубкасига тамаки босди, анча овора бўлиб, чақмоқтош билан ёндириб чекди. У тутунни ютди-ю, тикилиб, йўталди, тескари ўгирилиб, ерга энгашди, ичаги узилгудек бўлиб узоқ йўталди, анчадан кейингина нафасини ростлади. Настена кутиб туради. Михеич нафасини ростлагач, тинчланиш учун яна бир неча марта тортди, ёшовлаган кўзларини Настенага тикиди ва ҳорғинлик билан, хиёл пўписа қилиб деди:

— У шу ерда, Настена. Йўқ, дема, биламан. Ҳеч кимга оғиз очма, фақат ўзимга айт. Айта қол, Настена, менга раҳминг келсин. Ахир мен отасиман-ку.

Настена бошини сарак-сарак қилди.

— Айта қол, умримнинг охирида бир мартагина кўриб қолай. Худо ҳақи, ёлбораман, Настена, айта қол. Агар мендан яширсанг, худо ҳам кечирмайди сени... Мен ундан нимадан умид қилаётганини сўрайман, холос. Хўш, у сенга айтмадими? Авлодимизда ҳар хил одамлар ўтган, аммо биронтаси бунчалик... Аблаҳлик қилибди-қилибди, майли. Ўзини-ўзи расво қилибди... Бизни юзлаштир, Настена,— деб талаб қилди у деярли дағдага билан.— Худо ҳаққи, илтижо қиласман, юзлаштир. Бутунлай мурдор бўлмасидан уни қайтариш керак. Ўзинг кўриб турибсан, бундан ортиқ ўйнашиб бўлмайди. Шуниси ҳам етарли. Менга раҳминг келсин, Настена, ёрдам бер. Ўзинг ҳам енгил тортасан.— Унинг ялиниб-ёлборишларидан ийиб, хаёлга чўмиб қолган Настена яна бошини чайқади:

— Нималар деяпсиз, ота? Мен сизга нимани айтай, ахир. Айтадиган гапнинг ўзи йўқ. Ҳеч ким йўқ, ўзингиз ўйлаб чиқаргансиз. Йўқ, ахир.

— Ёлғон гапирма, Настена,— Михеич ўрнидан турди

ва трубкасими оёргига уриб қўйди.— Кимга ёлғон гапиравсан? Мен сен билан якнилижасига ташлашмоқчидим. Анави, қорнингдаги, ўшандан-ку, ахир! Йўқса кимдам бўларди?! Худди мен сени билмаганда-я, сенинг қанақалигинги мен билмас эканманми? Сен кампирга, бошқа аёлларга айтгин бу гапингни, аммо менга эмас. Милтиқни ҳам ўшангга элтиб бергансан, бошқа кўп нарсаларни ҳам ўшангта ташидинг. Мана, сенга исботи,— у трубкасими Настенанинг қорнига тегизай деди-ю, яна төртиб олди.— Буни қанақасига яширасан? Қанақасига? Мен сендан сўрайлпман!

Настена гарчи айтмаслиги лозимлигини тушунса ҳам, аммо бошқа гап тополмай, ортиқ бир нима дейишини билмай, тезроқ гапни бўлиш, тугатишга, тезроқ кетиб, бориб, яна ўзини каравотга ташлашга ҳаракат қиласкан, сохта, куракда турмайдиган, жирканч важ кўрсатди:

— Андрейингиз билан тўрут йил бирга турдим, ҳеч нима бўлмади. Сиз эса, мана далили дейсиз.

Михеич тахта бўлиб қолди, унга тикиларкан, қўрқиб кўзларини пирпиратди ва бурилиб, дарвозача томон оғир қадам ташлади. Шу пайт, чамаси, кимдир кўчадан ўтиб қолди; Михеич дарвозачани очди, орқасига қараб бир сиятанди-ю, ўзини зўрлаб чиқиб кетди.

21

Настена то Надъка ва болалари тинчигунча кутиб, алламахалгача ўзини уйқуга солиб ётди, битта-яримтаси уйғоқ бўлса-я, деган андиша билан яна пича тишини-тишига қўйиб чидади, шундан кейингина у оҳиста ўридан турди, кўйлаги, фуфайкаси ва бошморини қўлига олдида, оёқ учида юриб, уйдан чиқди. У ялангdevor остидаги пиллапояда кийиниб олди. Кийиниб олган, аммо бош яланг Настена юқориги зинада сал хижолат чекди, дадиллашиб, шу ўйлаган ишимни қиласаммикин-қилмасаммикин, ё ҳеч қаёққа жилмасдан, яна кириб ўрнимга ётсаму ниҳоят танама тақдир қўйиб, оз бўлса ҳам айни муддаодек бир ухлаб олсан, яхши эмасмикин, деб ўзини синааб кўрди.

Тун ваҳимали эди — нам, жимжит, ҳаддан ташқари қоп-қоронки эди. Ўтган куни кечаси ёмғир ёғди, эрталаб ҳам ўқтин-ўқтин йирик-йирик томчилаб турди, булутлар ташлаган сўнгги томчилар худди шамол дарахтларни силкитганда сачраб кетадиган томчиларга ўхшарди,

аммо қайтиб ёмгир ёғмаган бўлса ҳам кун бўйи ҳаво қовғини солиб, тунарилиб турди, ҳозир эса қоронгилик баттар қуюқлашиб кетганга ўшарди. Қоп-қоронги тунда иморатлар деярли кўринмаеди, шу яқин-ўртадаги уйларни кўриш, ҳатто кўриш учун ҳам эмас, шунчаки қайси уй ҳаерда турганини билиб қўйиш учун ҳам астойдил тикилиб, кўзни йириб-йиртиб қарашга тўғри келарди. Оғирлашган осмон шунчалик наст осилгандики, унинг ердагига қараганда бошқачароқ совуқ нами, ҳавонинг қандайдир бошқача, айланиб-буралиб ўтаётгани сезилиб турди. Агар қоронгиликнинг бунчалик қуюқ, ваҳимали эканлигидан Настена қўрқмаганида-ку, тун бекиниш учун айни муддао эди-я, у ерда, Ангарада тун бундан баттар қўрқинчли бўлади.

Настена пиллапоядан қўзголганида Ангарага боришни ўйлаб қўйганди, кечаси, айниқса ҳаво айнаган пайтларда у одамлардан беркиниб юриб, кўпдан бери фақат бир йўлни билиб олганди. Настена бирон нимага қоқилиб кетмаслик, бирон ерини майиб қилиб олмаслик учун майда, тез-тез қадам босиб, бузоқхона орқали уч кун бурун ўзиники деб юрган мўрчага ўтди ва пийпасланиб, курак билан ходачани топди. Настена бир қўл билан ишлайдиган эшкакка тегмади, буни қанақа исплатишни у ҳали тузуккина ўрганиб олмаганди. Настена энди, Гусъковларникидан кетганидан бери Михеичнинг қайигидан сўроқсиз фойдаланиш ўғирликка ўшарди, аммо унинг бошқа иложи йўқ эди. Бутунлай бегона одамларникини олиб бўладими, ахир? Ё итларини олкишлashedи, ё қўнгилларига бошқа ёмон гап келади. Бошига тушган бу савдо унга етйб-ортади. Худди унинг қўрққанини сезгандай, қишлоқ ўртасида нима сабабдандир бир ит тўсатдан вовиллаб қолди, унга бошқаси ҳам қўшилди — Настена қўрқиб кетди-да, юраги гуп-гуп уриб, итларнинг тинчишини кутиб, гов ёнига чўнқайди. Бугун у ҳамма нарсадан: унга жуда қўл келган қоронгиликдан ҳам, ҳар қачонгига қараганда жимжит, тиқ этган товуш эшитиладиган сокинликдан ҳам, манави бекордан-бекорға ҳуриган итнинг (ит—ит-да) акиллашидан ҳам — чунки тезгина овози ўчиб қолди,— қўрқарди, буларнинг ҳаммасида унга қандайдир бир гараз, ҳийла-макр, ёмонлик аломати бордек туюларди. Настена оҳиста, нақ эмаклагудай бўлиб, ҳар қадамда энгашиб, қулоқ солиб, жарлик остига тушди, аммо тошлоқда оёғи остидаги шағалнинг тижирлаши қулогини қоматга келтираётгандай бўлди, сувга итарилаётган шитикнинг шиқир-шиқири ҳам қат-

тиң, кар қиладигандай эшитиларди. Настена қайиқни сувга суріб, ичига ошиб түшди-да, әнгашиб тек ўтириб қолди, оқим шитикни қишлоқ орқасига қараб олиб кетди.

Бу ерда, Ангарада тун у қадар зим-зиё әмасди; дарёдан, сув ичидан хира ёруғлик мильтираб күтарилиб туарди, сув гүё буралиб, пастга тушиб кетгандай шу ёруғлик да йилтираб ғойиб бўларди. Үндан юқорироқдаги хира нур чизиги устида бошқа, ундан ҳам хирароқ, қаёқдан пайдо бўлаётгани маълум бўлмаган заиф, тарам-тарам ёруғлик кўринарди; ундан у ёғи эса зим-зиё эди. Настена кўз югуртириб, оқ бакеннинг чирогини қидириб топди, бу Настена Матвей бувага қаравиб ўрнатган бакеннинг иккинчиси эди, шунинг учун Настена бакеннинг шу ердалигидан, ғойиб бўлмаганидан, ўчиб қолмаганидан, йўқолиб кетмаганидан сал енгил тортди. Сувнинг шовқини саёз ерда кечаси бўғиқроқ, пастроқдай эди, аммо шўх, ўйноқлаб бир маромда шилдирарди, сувнинг майин шилдираши ҳозир жуда яхши эшитиларди. Субҳидам шабадаси ўқтин-ўқтин айланиб, гур-гур эсарди-да, яна сусайиб қоларди...

Энди эшкакларни ишлатса бўларди, қанчалик зим-зиё бўлмасин, ёз туни барибир қисқа. Настена аввалига тоңг отмасдан қайиқни жойига элтиб қўйишини мўлжаллаганди, аммо энди улгурмаслигини тушунарди. Ўрнида узоқ чўзилиб ётди, пиллапояда анча ўтири, хийлагина эшкак эшмади, сув оқиздиришини кутиб тек ўтири, вақт эса кутиб турмади. Кун ёришганда ҳам қайтиб борса ёмон бўлмайди, аммо ўшанда ҳам то одамлар ўринларидан туриб дарёга чиққунларича бориш керак, ҳамманинг кўзи олдидা бориб қайиқдан тушсанг, ортиқча гап-сўзга, гийбатга баҳона топиб берасан. Эҳтимол, бу охириги марта келишидир, бундан кейин керак бўлмас ҳам. Бундан бу ёғига таваккал қилиб бўлмайди — шуниси ҳам кифоя. Чамаси у, Настена, шусиз ҳам қаердадир, қачонлардир бир янглишганга ўхшайди, бирон нимани керагидан ортиқча кўрсатиб қўйиши шекилли — қаерда, қачон, нимани? Энди суриштириб ўтиришнинг нима кераги бор? Бундан ҳеч иш чиқмайди. Ишқилиб Андрейни огоҳлантиришга, у билан гапни бир ерга қўйишига улгурса бўлди, кейин нима бўлса бўлар. У ўзини шундай қаттиқ чарчаган, жонида жон қолмаган ҳис этдики, нарироққача қайиқни ҳайдаб боргач, эшкакни қўйиб, чўзилишни, кўзларини юмишни истарди — майли, қаёққа оқиздириб кетса кетаверсин, бундан баттари бўлмайди.

Семёновна уйдан ҳайдаб чиқаргандан бери орадан уч

кун ўтган бўлса ҳам Настена ҳамон қаердадир одамлар орасида яшаетганига, илгаригидек ўз хонасига ўтиб, кийимини алмаштиришига, ёғоч каравотига ўтириб, ётиш олдиdan ийманиб қорнини силаши мумкин эмаслигига сира ишонгиси келмасди. Энди, ҳомиладорлигини яшириб юришнинг ҳожати қолмагандан кейин, унинг сири ошкор бўлиб, эринмаган ҳар қандай одам худди ширин нарсани ичib, ҳузур қилгандек, кўзини лўқ қилиб турадиган бўлгандан сўнг, унинг борлигини тўлдириб, ҳаяжонга солиб, титратиб турган сезгири ҳис-туйғуси ич-этини кемиришга тушгач, болага меҳри ҳам сўна бошлади. Унда қўрқувдан бўлак нарса қолмади: нима бўларкин? Узакун одамларнинг айбситиб, тешиб юборгудек бўлиб тикилишларига ҳам чидаш осон эмас-да, ахир қарашганда ҳам синчковлик, шубҳа, нафрат билан қарайдилар; Настена бошига тушган бу ишлар ҳақиқат эканини тушунишга қодир бўлмаганидек, бошқалар ҳам бу ўша ўзлари билган Настена эканига ишона олмасдилар ва ҳар сафар Андрей шу ердамикин, қорни пучайиб қолмадимикин, ғойиб бўлмадимикин деб, мишишларнинг далилини қидиришарди. Ҳеч ким, биронта одам ҳам, ҳатто тенгқури Лиза Вологжина ҳам лоақал, қўявер, бардам бўл, гап-сўзларга қулоқ солма, тугадиган боланг ўзингники, биронники эмас, шунинг учун авайлашинг керак, одамлар эса, вақти келиб, тинчиб қолади, деб кўнглини кўтариб қўймади. Агар сал вақт тўғри келганд-ку, Лиза ҳам Максим уникига кириб-чиқиб юрмаганимикин, деб шубҳаланиб ўқрайиб юради-я. Балки энди ўйланиб қолгандир, ҳисоблаб чиққандир — ким билади дейсиз уни? Анави Катерина, Несторнинг хотини озмунча жаҳли чиқиб, олайиб, сасиб юрдими, ахир унинг олдига бориб, ўзингни бос, бунга сенинг Несторингнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб тушунтиrolмайсан-ку.

Ҳар ким ҳам Настенанинг вакил тўғрисидаги чўпчагига ишонмасди — шунаقا бўлиши турган гап эди, аммо Настена бу важ-карсондан сира енгил тортмасди. Хотин-халажлар майли, уларга-ку бир йўлинни қиласар, у хотин-халажлар олдида гуноҳкор эмаслигини, лоақал улар бунга тақишиган айни қилмаганлигини билар эди, шунинг учун Настена уларга уялмай-нетмай қаарарди: аммо ҳақиқатга яқинроқ гапга шама қилишганидан ноқулай аҳволга тушиб қоларди. Настенанинг гуноҳи маълум бўлиб қолган куни биринчи учрашувдаёқ Иннокентий Иванович айёр, суллоҳ қўзларини қисиб, тушунаман дегандай бош чайқаб, азмойиш олиб деди:

— Менга қара, ҳой хотин, сени бунақа медаль билан
ким тақдирлаганини ҳали аниқлаш керак. Түгрими?

У шундай деди-ю, бутун вужуди күз-қуллока айлаңып,
бирон ери қылт этармикин, сездириб қўймасмикин, тасо-
дифан оғзидан гуллаб қолмасмикин, дегандай унга
тиклиди.

— Аниқлайверинг, суриншираверинг, Иннакентий
Иванович,— деди кейинги пайтларда унга тап тортмай
муомала қиласиган Настена Иннакентий Ивановичга
сал ён бериб.— Аммо мен ҳозирча бола Иннакентий
Ивановичга ўхшайди деб тураман.

— Туф-е, туф-е, мараз!— деб тупурди Иннакентий
Иванович ва кетаётиб дағдага қилди:— Ҳечқиси йўқ,
аниқлаймиз, у кимга ўхшаркин.

Бу гап Настенанинг ўтакасини ёриб юборди, энди
нима қилишини у ҳатто тасаввур ҳам эта олмасди. У
умуман нима қилиши кераклигини заррача кўз олдига
келтиролмасди, тузўкроқ ўйлаб кўриб, бирор қарорга
келишга қодир эмасди: биринчи куни Семёновна қичқир-
ганида у қандай каракт бўлиб қолган бўлса, бу каракт-
лик ҳамон ёзилмаганди. Атрофдаги барча нарса кўзига
кунук кўринарди, бегонадек, унга қарши қаратилгандек
туюларди, унинг ҳар бир қадамини кузатишашётгандек,
кўнглига келган ҳар бир гапни билиб туришгандек бўлар-
ди. У тахта бўлиб қолмаслик, ҳушидан айрилмаслик
учун қимирлаб юради, ишга чиқарди, бирон нимани
сўрашса, бир нималар дерди, аммо нимани гапирганини,
ниманаш қилганини, қаерга борганини дарров эсидан
чиқариб қўярди. Кечалари у бирон најот йўлини топол-
май қолган кезларида аччиқ дард-аламдан тўлғониб
деярли ухламасди, ёруғда эса, эрта билан кечни ажра-
толмасди ва адашиб, боши айлануб, бутунлай ўралашиб
қолганди. Надъка уни гоҳ столга, гоҳ ўринга, гоҳ дала-
га туртиб олиб борарди, бақириб-чақириарди, Настена ни-
ма талаб этилса, шуни бажаарди ва итоаткорлик билан
ҳаракат қиларди, яна аввалгидек каракт бўлиб, тинкаси
қуриб, рўпарасига шуурсизлик билан тикилиб ўтираве-
рарди. У негадир юраги орзиқиб, бугун-эрта бошланади-
ган пичан ўримини кутарди: негадир у хушчақчақ, ил-
гари жон-дилидан яхшى кўрадиган ўрим даврида бир
ўзгариш бўлишига, азоб-уқубатли, ўралиб чигаллашиб
кетган ишларидан қандайдир натижага чиқишига ишо-
нарди. Бас-да, қанча чидаш мумкин?!

У бугун Андрейнинг олдига бормоқчи эмасди, аммо
кечқурун Надъка ўтиришдан келди-ю, шундай деди:

— Менга қара, Настена, одамлар сенинг түгрингда өмілар дейишаётганини биласамың узи... Одамлар сени бирордан змас, ўз эридан ҳомиладор бўлган деяпти. Настена аъзойи баданидан олов чиқиб кетганини сезди.

— Уз эримдан қандай ҳомиладор бўлар эканман, а?..— у ўзини зўрлаб ҳиҳилади.— Ахир, тўрт йил — ҳомила учун бу кўплек қўйламасмикан?

— Менимча, Иннакентий Иванович тусмол билан шунақа деялти шекилли. Ҳамма гап ўшандан чиқяпти, чамамда,— деб тушунтириди Надъка.— Бу алжиган чол сира тинч юрмади-юрмади-да. Ўзи-ку хотинларга асқотмайди. Шунинг учун бирон қизиқроқ гап топиб, одамларнииг бошини айлантириб юрибида-да.

— Эримдан бўлса, эримдандир-да,— деди Настена нима десанглар деяверинглар, менга нима, демоқчи бўлгандек унинг фикрига қўшилиб.

Шу гапдан кейин Настенанинг юраги орқасига тортиб кетди: тагига етади, бу искович, тагига етади. Бу ёргуғ оламда Иннакентий Ивановичга ўхшаган одам йўқ. Бир изига тушдими, бўлди, то тагига етмагунча кавлашиберади, қўймайди. Ҳа, районга боради, вакилни қидириб топади-да, унга ҳадемай Атамановкадаги ўйнашинг туғиб беради, деб шама қилади. У эса, турган гап, тонади, газабланади, ана шундан кейин гап катта бўлади. Йўқ, Андрей кетиши керак — қаёққа бўлса ҳам, ҳайси томонга бўлса ҳам майли, аммо кетиши керак. Еки келиб таслим бўлиши керак: ўз ихтиёри билан бўлса, шафқат қилишлари мумкин. Эй худойим-ей, калава қанчалик чийралиб, чалкашиб кетган бўлмасин, бир кун уни чиқади-да. Жуда чакки иш қилди-да, жуда чакки иш қилди... нима кераги бор эди! Борди-ю, у бирон ёққа кетиб, гўё умуман йўқдек умрбод гумдан бўлиб кетгандаям,— Настенанинг ўзи ҳам нима истаётганини билмай қолганди!— барибир бола шундан кейин бадном бўлиб қолаверади, Андрей эса, ҳаммасидан ҳам, ишиклиб, боланинг отаси урушдан жуфтакни ростлагб қолган бир қочоқ эди, деган гап-сўзларга қолмасин, дерди. Кейин бу доғни ҳеч нима билан кетказиб бўлмайди; инсон табиати ўзи шунақа, агар унга фалончи шайтондан туғилган десанг, у ишонадими-ишонмайдими, аммо ҳарқалай у шайтонни эсидан чиқармайди, ҳатто ўшандай, шайтондан бўлган деб юзлаб далил-исбот топади. Демак, туғилган бола ҳам иснодга қолар экан, кейин умрбод бу исноддан қутулолмай юрар экан. Йўқ, бундан ҳам

ҳеч иш чиқмас экан, уларнинг ўйлаганларидек чиқмас экан. Ота-онанинг даҳшатли, аянчли касофати болага ҳам урар экан — бу гуноҳ билан у ёққа қочиб қутуларди? Бола ҳам кечирмайди, ота-онасидан домандир бўлиб юраверади — қилмишларига яраша-да.

Зулмат, атроф шунчалик қоп-қоронғи, зим-зиё! Осмон бор оғирлиги билан елкасидан босиб турибди; қирғоқлар ҳам кўринмайди — фақат сув, бу сув тўхтамасдан исталган пайтда ёйилиб, яна йигилаверади. Бакеннинг милтиллаб турган чироги яна ёнармикин, ўчиб қолмадимикин — сира тушуниб бўлмайди, гоҳ йилт этиб қолади, гоҳ йўқолади. Кечаси сувда кетаётганингда атроф жуда бефайз, руҳсиё бўлади, худди сув босиб кетган эски қабристонга ўхшайди, томоғинг худди бўрсиган тахир нарсадан чақа бўлгандай ачишиб-қичишиб туради, юрагинг ҳам орқага тортиб, ноаниқ унлардан яшириниб, бир бурчакда қапишиб тураверади; назаринингда, ичингдан қандайдир бир овоз чиқади-ю, қандайдир бир мудҳиш ҳақиқатни айтгандай бўлади, шундан кейин у ёғига сузиб боргинг ҳам келмай қолади.

Настена эшкакларни оҳиста, шалоплатмасдан сувга туширди ва уларни эҳтиёткорлик билан ўзига тортиб, шитикни олдинга сурди. Назарида, у жимгини сузиб бораётгандек эди, ҳар бир овозга — дарё шовқинига ҳам, бошқа товушларга ҳам, дарёнинг нариги томонидаги садоларга ҳам — ҳаммасига сезгирилик билан қулоқ солиб, ҳар ишга шай бўлиб бораётганди. Шунинг учун қирғоқда худди ёғочни тахлашгандек қисқа бир тўқ этган овоз эшитилганда, Настена шу заҳоти бу овозни илғади-ю, қотиб қолди. У шу ондаёқ қайиқни тошлоқдан сувга итариб туширилаётган пайтда чиқадиган таниш фижирлашни эшитди. Сув шалоплади, кейин ҳаммаёқ жим бўлиб қолди, аммо кўп ўтмай Настенанинг қулоғига бир маромда эшилаётган бир қўлли эшкакнинг чўлп-чўлни чалинди.

Шубҳаланмаса ҳам бўларди: кимдир кетидан сузиб келяпти. Кимдир пойлаб, то Настена сал нарига кетгунча кутиб турган-да, кейин кетидан йўлга тушган. Ким — Михеичми ёки бошқами? Жарлик остида бирбирига яқин яна иккита — Иннокентий Иванович билан Агафья Сомованинг қайиги турувди — қайси бирини олса бўлаверарди, икковиям қулфланмаганди. Настена қимир этмади: сув унинг шитигини буриб суриб кетди, икки томондаги эшкаклар сувни тилиб бораради. Ундан

у ёғига боришни ўйлашнинг ҳожати қолмаганди: у эшилдими, демак, уни ҳам эшишишади. Мана, сузуб ҳам борди, огоҳлантириб ҳам бўлди! Орқага қайтиш керак. Михеич бўлса-ку, майли-я, қўрқинчли ери йўқ, борди-ю, бошқа одам бўлса-чи? Ким бўлса ҳам Настена унга ўзини билдириб қўйди.

Настенани йўқотиб қўйгач, анави қайиқ ҳам жим бўлиб қолди, кейин яна қуйруқдаги эшкакнинг эшилгани эшитилди. Настена ўша қайиқ овозига қараб эшкак эшиб, қўрғоққа чиқиш кераклигини англаб қолди. Соҳил анча олис эди, аммо Ангаранинг анча қуий оқимида сув ичига суқулиб кирган тепалик бор эди, ўша ерда сув тошларга урилиб шовиллаб оқарди. Ишқилиб ўша ерга етиб олса, бас — қўрқмасдан эшкак эшаверсан, тақиллатмасанг бўлгани. Нарёқдаги эшкакнинг бир текис билинار-билинмас шилпиллаши Настенанинг тўғрисига келди-да, ёнидан ўтиб кетди, нарироқ бориб жим бўлди; Настена ўзини сездириб қўярмикин деб кутиб туришди, кейин ҳеч нима эшиитмагач, яна йўлларига қараб кетишиди.

Настенанинг назарида тонг ёришаётганга ўхшади; ҳавода хира, қўнғир тусдаги тарам-тарам ёруглик пайдо бўлди. Тонгга яқин совуқ тушиб, шабада кучайди-да, орқадан эса бошлади, шитикнинг ён-берида сув айланиб жимириларди. Настена ҳамон биқиниб, ниҳоят тепаликка етиб келди ва ёғоч билан итариб, шитикни соҳилга сурди. Мана, энди эҳтиёткорлик қилмаса ҳам бўларди, аксинча, анави кетидан пойлаб юрган одамга мен Ангарадан ўтмоқчи эмасдим, ўзим уйқусизликдан шунчаки соҳидан узоқлашмай айланмоқчи, ғам-туссамии ёзмоқчи бўлувдим, ҳа, шуни билиб қўй, дегандай тарақ-туруқ қилиши керак эди. У чарчаганди, бўлиб ўтган ишлар уни чарчатганди. Қаттиқ ҳолдан тойган эди. Тезроқ бир ёқли бўла қолсайди; ахир бунақа ҳаётдан ё у ёқлик, ёбу ёқлик бўлгани яхши-да. Унинг уйқуси келарди, аммо иши юришмаганидан, Андреевскага бора олмаганидан у ухлай олмаслигини тушунарди. Фақат ишни расво қилди: Ангарани бой бериб қўйди.

У соҳилга чиқиб, нима сабабдандир тирмасиб жардан кўтарилиди. Чиндан ҳам тонг ёришиб қолибди: қоронги осмонда тоғ томондан тушаётган хира ёруғлик кўринарди. Тун чодирини йигиштираётганди, ҳаво ҳам жўнашиб кетганга ўхшайди, тушга бориб, осмондаги хўмрайган булутлар ҳам тарқаб кетса ажаб эмас. Қўрқинчли, машъум тун, бундай кечада юраги тоза одам-

лар ҳам қийналиб кетади, унинг Настенанинг эса, әзилган, бебош юраги адою тамом бўлганди, у сирқирагани сирқираган эди, нуқул нолаю фарёд қиласди-ю, ҳеч нарсага умид боғлаётмас эди.

Настена тўсатдан ўзини орқага ташлаб, қийшайиб қолган хочни ушлаганча бақириб юборди. Э худоёх худовандо, қаерга келиб қолди? Қаерга келиб қолди?! Ахир, бу сувга чўкиб ўлганлар қабристони-ку. Қўрқанидан аъзойи бадани музлаб, оёқлари латтадай бўшашиб, ўзиға бўйсунмай қолди. Настена эмаклаб ўпирилган қабрдан чиқди ва сирғаниб пастга, қайиқ ёнига туҳди. Эй худо, раҳм қил! Қандай гап ахир бу?! Нимага, нима сабабдан? Ўзининг жонини ҳовучлаб юргани етмасми? У битта-яримта эшигиб қолади деб ўйлаб ўтирасдан шартта ёғочни олди-да, бу расво, ваҳимали жойдан кучи борича қайиқни юқори оқимга қараб ҳайдаб кетди. Бу қабристон ёзда, Мишка батрак келгандан кейин пайдо бўлди, у уруш бошларидаёт болалар уйидан Атамановкага келган бўлиб, ҳозир каттагина йигитча бўлиб қолганди.

Ҳозир сув гарқ бўлганларни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ оқизиб келарди — сабаби нимайикин? Урушу тугади, умид кўпайди ёки ҳаёт кескин оғиб кетди-ю, бурилишда ҳамма ҳам тоб беролмай, заифлари Ангара-га қулаб тушантимикин? Ким билади дейсиз... Шу ерда ишлаб, қўл учида кун кўриб келаётгани учун батрак лақабини олган Мишка мурдаларни тутиб олиб кўмишдан ҳазар қилмасди, ҳар бир қабр учун қишлоқ советидан ўн сўмдан пул оларди. Пул топиши унинг ўзига ёқиб қолганди, Мишка батрак кун бўйи дарёда йўқ бўлиб кетарди-да, қирғийникига ўхшаган ўткир кўзлари билан ўлжасини қидиради, у ҳозир мурдалардан тўртасини пастдаги ўтлоқча кўмган эди, кўмганда ҳам пала-партиш, ҳафсаласизлик билан кўмганди, справкани колхоз тасдиқлаб берса бўлди-да, шу справка бўйича қишлоқ совети пул тўлайверади.

Шунинг учун Настена қайиқни ҳайдаб бораркан, бора-боргунча дағ-дағ қалтираб кетди. Ахир, эсида-ку, эсида-ку, кундузи бир чақирим наридан айланаб ўтарди, ўша томонга қарашга юраги бетламасди, кечаси бўлса келиб қолганини-я. Тўппа-тўғри қабр ичига тувиб кетибди-я — бу нима деган гап ўзи?! У даҳшат ва нафротдан қалт-қалт титраркан, энди ўзидан қўрқа бошлиди, роса қовун тушириди-да. Шундан кейин у қўлнини қайта-қайта ювди, ахир у шу қўллари билан қабрининг

ёпишқоқ тупрогини ушлади-ку, аммо барибир ҳамон қўлидан хамиртурушга ўхшаган бир ниманинг ҳиди келарди.

Аммо у текшириб кўришни ҳам унутмади: кетидан сузиб келаётган киши Агафья Сомованинг қайигини олган экан.

22

Эрталаб Настена ишга чиқмади. Надъка ҳам ишга бормади, бунинг бирон ёмон ери йўқ эди: эртага ўримга кетишлари керак, охирги кун эса кимга керак бўлса, одатда у ёқ-бу ёғини йигиштиришга рухсат бериларди. Мана, ниҳоят, Настена пичан ўримига чиқадиган кунга ҳам ётиб келди, гарчи бу куннинг унга қандай нафи тегишини аниқ-равshan билмаса ҳам, аммо шу кундан қандайдир унинг умиди катта эди. Аммо бу пичан ўриш-ку, ахир... У доимо мана шунаقا пайтларда ўзини гул-гул очилган, шод-хуррам ҳис этарди, ўрим-йигим пайтидаги ҳар қандай ишга жон-жон деб ёпишарди. Яна у қуёш тиф тортмасдан бурун, шудрингда, далага чиқиши, чекига тушган пичанзор четида чалғисини ерга тираб туришни ва синаб кўриш учун чалғисини илк дафъя қулочкашлаб пичанга солиб, дам олмай тортишни яхши кўрарди, кейин бутун вужуди билан ўрилаётган шира-дор ўтларнинг ширт-ширт этишини ҳис этиб, қулочкашлагани-қулочкашлаган эди. У яна тушдан кейин, иссиқнинг тафти қайтмаган, қўллар безиллаб турса ҳам ўжарлик билан бориб-келаётган пайтда ўрилаётган ўтларнинг нола чекаётгандек бир меъёрда ширт-ширт қилишини яхши кўрарди, қўллар бориб-келар экан, қизиб кетарди, киши маҳлиё бўлиб, қўллари ишлаётганини, эрмак учун бориб-келмаётганини биларди; қалб хушчақчақ, жўшқин эҳтирос билан ёнади, ана шунда ўзингни ҳам унуссан, ҳазил-ҳазил билан ишга киришиб кетиб, ўт ўтаркансан, худди қандайдир әсингдан чиқариб яшириб қўйган қимматли нарсангга санчаётгандек кетма-кет қулочкашлаб чалғи солаверасан. У ҳатто жазирамада йигиштираётган пичанларнинг чирс-чирс қилишини, турли-туман бўлиқ ўтларнинг маст қилувчи ўткир ҳиди гупиллаб туришини ҳам яхши кўрарди; у кечгача, то ўрилган пичанлар гарам босилгунча баҳслашгандай осмонга қараб-қараб қўйиб ишлашни ёқтиради; у ҳар бир ишнинг бошланишидан — бошидан то охиригача, дастлабки кундан сўнгги кунгача жон-жаҳди билан югуриб-елишни севарди.

Аммо бу бошқа Настена эди. У бошқа Настена эди, ўша пайтларда у, гүё бутун тақдирли шу билан ҳал бўладигандек, пичан ўримини сабрсизлик, қандайдир бир орзу-умид, кўркўона ишонч билан орзиқиб кутарди. Бу ҳам тўғри: назарида, пичан ўрим-йигими пайтида унинг қаерда бўлиши, ким билан яшashi, кимдан жаҳли чиқиши-ю, кимга ялиниши — ҳаммаси аниқ-равshan бўладигандек туюларди. Шунинг учун у қўёш чиқмасдан бурун бир ўзи далада бўлишни, белга урадиган ўтлар орасидаги марзада туришни ва то нариги бошига йўл очиб чиққунича тўхтамасдан, ўчакишиб, ўжарлик билан қулочкашлаб чалғи тортишни истарди. Ана шунда у орасига қайрилиб қаарди-ю, эркин нафас оларди. Ахир одамлар: иш одамни гўрга тиқади, аммо у, шу иш уни то гўргача тўйдиради, асрайди, деб бекорга айтишмаган. Энг муҳими ҳам шуда — асрайди.

Аммо бу гаплар кеча бўлган эди, бугун эса, тундан кейин, уни Андрей билан қўришишга қўймаганларидан сўнг у бутунлай гангид қолди; ҳоргинлик айни муддаотга айланиб, кекини кучайтирди. Энди у ҳеч нимани истамасди, ҳеч нимадан умид қилмасди, ичи ҳувуллаб, кўнглини нохуш қоронгилик босди. Кеча, назарида, иложи бордек, умид қилса бўладигандек туолган барча нарсалар бугун қалин девор билан ўралиб қолди. У кечаси билан мижжа қоқмади, илгарилари оғрийдиган боши ҳам энди оғримай қўйди, балки мияси муттасил азоб-уқубатдан отилиб кетаётгандай эди. Негадир ичи, бола турган ери тиқилиб, сирқирарди, шунинг учун у аслида ўзи шунаقا бўлиши керакми ёки унга зиён етказиб қўйдими, билмасди. «Ҳа, не-не ниятларни қилиб юрувдинг,— деб ўзини койиди у ва хаёли қочиб кетди. — Энди азобингни торт».

У ҳеч бир ишга қўл урмади, бирон юмушга тутинимади ҳам, у ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, гүё бир нимани қидираётгандай, бир нимани кутаётгандай, уйнинг у бурчагидан бу бурчагига бориб-келар, уйдан кўчага, кўчадан уйга кириб-чиқар эди-ю, аммо излаган нарсасини тополмасди, кутгани бўлмасди. У Лидкани тутиб олиб, бағрига босиб, эркалатаверганидан Лидка безор бўлди. Лидка энди уни кўрса бекинадиган бўлиб қолди.

— Нима бало, жинни-пинни бўлиб қолдингми? — деб ўшқирди унга Надъка.— Кечаси қаёқларда санқиб юрдинг ўзи?

Настена таажжубланмади ҳам, чўчимади ҳам, тўғрида, санқиб юрди, нега сўрамасин энди?

— Эримнинг олдига бормоқчи әдим, фикримдан қайтдим,— деб жавоб берди у. Тўғри гапни айтсанг, осонлик билан ишонишмайди. Ҳақиқатни айтиш эса, унга осон. Алдаш ҳам жонига тегди. Ҳаммаси ҳам жонига тегди.

— Ақлдан озибсан,— деди Надъка.— Жин урсин сени, мундоқ одамнинг гапини тушунмасанг. Тезроқ туғиб олгин-у, ҳадеб ўзингни қийнама. Бола туғасан-ку, кучук әмас-ку, ахир.

Тағин ҳам Надъкага раҳмат, ахир қувлаб юбормаяпти-ку. Настенанинг бошқа суянадиган одами ҳам йўқда. Нима, келиб-келиб одамлардан унга шикоят қилиснми? Ахир, унинг ўзи одамларга қўшилмай қўйди-ку. Шундай очиқ кўнгил билан муомала қилаётган Надъкага ҳам Настена худди ашаддий душманларга муомала қилгандек ёлғон гапирияпти-я. Надъка содда, ишонади, аммо у ҳам бир кунмас-бир кун уни лақиллатганларини билиб қолади, бунинг учун ундан миннатдор бўлмайди. Йўлдан озди, борадиган ери йўқ.

Тушга яқин Михеич хилват ерлардан юриб келди-да, Настенани яна ғов олдига чақирди. У шошиб турганидан Настенага тик қаради-да, ямланиб ўтирумай, сира юз-хотир қилмасдан, ачинмасдан шартта-шартта шундай деди:

— Менга қара, ҳой қиз. Агар у шу ерда бўлса, тезроқ қорасини ўчирсин, бўлмаса тутиб олишади. Мужиклар бир балони ўйлаб юрибди. Уларга Иннакентий Иванович комиссарлик қиляпти. Нестор бугун Кардага кетди. Бу бежиз әмас...

Настена чурқ этмади. Михеич кетмоқчи бўлиб тескари бурилар экан, боягидай қуруқ зарда билан қўшиб қўйди:

— Сен, қизни, ўғлим билан юзлаштирганинг учун доойибад қилардим-ку, аммо сен шундоқ ҳам худонинг ғазабига учрайсан. Бунга сен гуноҳкорсан, бу гуноҳингдан қочиб қутулолмайсан,— кейин ичидаги аччиқ дард-аламини яширолмай ошкорасига деди.— У ҳам одам әмас экан ўзи: отаси билан гаплашгани қўрқди-я. Э-э, сенларни...

Михеич шундай деди-ю, қайтиб девордан ошиб ўтди ва маймоқланиб, оқсоқ оёгини галати тарзда судраб кетди.

Настена эса, қўра ўртасида анчагача қимир этмай қаққайиб туриб қолди, у бирор йўлини топиш, муҳим, зарур қарорга келишга уринар эди-ю, аммо мужмал фикрлардан мияси ғовлаб, бир фикрга келолмас эди.

Ҳаммаси тамом бўлди, кейинги пушаймон ўзингга душман. Ҳа, энди нимаям қиласардинг? Кечикдинг.

Энди у ҳеч нимага — Михеичнинг келиб-кетганига ҳам, кечаси Ангарада кимдир — кетидан тушганига ҳам ишонмасди. Назарида, у буларнинг ҳаммасини мияси айниб қолганда ўзи тўқигандай, тўқиганини унутиб қўйгандай эди. У илгари ўзини бошига қизиқ воқеалар тушган киши қилиб тасаввур этишини яхши кўрарди, кейин у тасавуридаги бу воқеага шундай қизиқиб, берилиб кетардики, баъзан қайси тўғри-ю, қайси нотўғрилигини зўрга ажратадарди. Ҳозир ҳам шунаقا бўлди шекилли. Боши чиндан ҳам тарс ёрилай дерди. Настена ҳозир ўз терисини шилиб олишга ҳам тайёр эди. У камроқ ўйлашга, қимиirlашга ҳаракат қиласарди — ҳеч нимани ўйламаслик, ҳеч қаёққа қимиirlамаслик керак. Еттар шу.

Кечқурун Надъка янги хабар топиб келди; Бурдак деган милиционер келибди. Настена ичида шубҳаланди: балки келгандир, балки йўқ. Ҳеч ким аниқ билмайди. Уларга ишонсанг, валдирайверишади. Хўп, келди ҳам дейлик, хўш, нимаси қўрқинчли? Атамановкада бирон иши бордирки, келгандирда? Масалан, балиқ тутишгами ёки солиқ тўламаганларга амалини кўрсатиб, пўписа қилиб қўйгани келган бўлиши ҳам мумкин. Атамановка ўшанинг участкаси, у ҳар куни шу ерда ўралашиб юрса ҳам ихтиёри ўзида. Келган бўлса келибдида, хўш, нима бўпти?

Настена Надъканинг болалари гимирлаб юрганига ҳам қарамай барвақт ётди, у дард-дунёси қоронги бўлиб ухлаб қолди. Худди мўлжаллаган вақтда уни кимдир туртиб уйғоттандай бўлди. У ўзини анча тиниққан, тетик ҳис қилди, боши ҳам лўқилламасди. Настена туннинг қанчаси ўтганлигини билолмади — девордаги тоши осилиб турган соат тўхтаб қолганди, аммо Настена — кечикиб қолмаганига, ундан олдин ҳеч ким жўнамаганига ишонарди. У bemalol кийинди, шунингдек bemalol ташқарига чиқиб, кетидан эшикни маҳкам ёпди. Қайтанга яширинмасанг, қисиниб-қимтимасанг, ишининг бароридан келади, бу сафар эса ишининг бароридан келиши унга жуда зарур эди.

Фақат ҳозиргина Настена ҳавонинг сал-пал очилганини, энди осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаб турганини пайқади. Тун жимжит, қоронги эди, аммо гира-ширада ҳарқалай атрофдаги нарсалар тузукни кўриниб турарди, узун, кенг йўлакни эслатувчи Ан-

гарада эса, аҳвол бундан ҳам яхши эди. Настена соҳилдан қайиқни олиб, уни сувга итариб тушириди-да, шу заҳоти эшкакни сувга урди. Етиб бориш керак, эрини огоҳлантириши керак. Видолашни керак. Умрбодга ви-долашиб керак, қиёматгача бўлса ҳам ажаб эмас.

Номус... нега Андрейнинг олдида ҳам, одамларнинг олдида ҳам, ўз олдида ҳам номусдан ўрай-ўрай дейди? Уни шунчалик ерга қаратиб қўйган гуноҳни у қаёқдан ортириди экан?

Бактиёр кунларда маза қилиб яшаш қанчалик осону, бошингга кулфат тушганда кўрган кунинг қанчалик заҳар-заққум, қора бўлади-я! Нега инсонга ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш учун эзгуликдан кўпроқ ато этмаганийкин? Нега яхшилик билан ёмонлик ўртасида доимо зиддият бор? Эй инсон, сенинг қисматинг шу деб пешонангга ёзаётганларида сен қаерда эдинг, қайси қўғирчоқларни ўйнаётган эдинг? Нега тақдирга тан бердинг? Нега сен, фалокатдан эмаклаб эмас, учиб қочиб кетиш лозим бўлган пайтда ўйламасдан энг зарур бўлган қанотларингни кесиб ташлашларига йўл қўйиб қўйдинг?

Настена юз бераётган воқеаларни ўйларкан, пешонасига ёзилганига тан бериб, кўниб, эшкак эшарди: ҳа, кўриниб турибди, шунаقا бўлиши керак, қилмишига яраша-да... Ношуд одамга ишонганинг билан барibir у — ўлиб қайта туғилса ҳам, кўзи очилмайди, яшашни билмайди. Осмон шунчалик жимжит, сокин-а, тавба. Кечак кечаси жуда ваҳимали эди: қоронғида кўзинг ҳеч нимани ажратолмагандан кейин юрагинг орқага тортиб кетади-да, назарингда ҳозир бир бало бўладиганга ўхшайверади. Юлдузлар турган ерида пастда бўладиган ишларни анча олдиндан кўради дейишади, шу гап ростмикин? Уни, Настенани кечаси кўриб-билиб турган юлдузлар қаердайикин, улар нимани сезишдийкин? Бугун юлдузлар зўрга милтиллаб турибди, қаёқдан ҳам башорат қиласади? У мулзам бўлиб, гайритабии, оғир, бехуда ўй-хаёлларга ботиб эшкак эшаркан, кўнгли шу ўй-хаёлларига жавоб беришга уринаётганидан ажабланарди.

Негадир унинг кўнгли ҳам худди қадимий чўзиқ ашулани эшитиб, бу овоз кимники — ҳозир яшаб турган одамникими ёки бундан юз йил, икки юз йил олдин ўтгани одамнинг овозими, деб гангид қолгандай эди. Хор жимиб қолади, иккинчиси бошлайди... Кейин учинчиси чўзади...

Йўқ, яшаш ҳам лаззатли, ҳам даҳшатли, ҳам иснод.

У шу ўй-хаёлларга ботиб бораркан, ногаҳон ашула-даги овозлардан бошқа, бутунлай бошқа овозлар қуло-тига чалинди. У ажабланиб қайрилиб қаради-да, соҳил-да одамларнинг қорасини кўрди.

— Ана у, ана! — деб қичқирди Нестор. Сувда ким гапиргани ҳам, нима дегани ҳам яхши эштиларди. Нестор болохонадор қилиб сўкинди, Настена Нестор уни сўкаёттанини фаҳмлади. — Вой юмшоқ супурги-ей, биздан олдин жўнаб қолмоқчи экан-да. Бориб бўпсан, вой begunoҳ-ей, бориб бўпсан. Етиб оламиз.

— Иккинчи қайиқни тушир,— бу энди Иниакентий Ивановичнинг овози эди. — Тезроқ, нега имиллайсан?

— Етиб ола-а-миз!

Настена юраги ёрилганидан кучи борича эшкакни эшмоқчи бўлди-ю, аммо шу заҳоти эшкакларни туширди. Қаёққа? Нимага? У шусиз ҳам кераклича сузив келди, у ёғига сузишнинг ҳожати йўқ эди.

У жуда чарчаганди. Қани энди бирон киши унинг қанчалик чарчаганини, қанчалик дам олгиси келаёттанини билса эди! Қўрқмаслик, уялмаслик керак, эртанги кунни юрагингни ҳовучлаб кутмаслик керак, бир умр ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам эсламасдан эркин бўлишинг керак, бошингга тушганларнинг заррачасини ҳам эсламаслик керак. Мана сенга, сен кутган, юз азобуқубат билан эришган баҳт — нега у бунга илгари ишонмаган эди-я? У нимани излади, нимага эришди? Беҳуда, ҳаммаси беҳуда экан.

Номус... Агар сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганда, яхшироқ яшави мумкин бўлган пайтда сенинг щундай яшашинг шармандалик эканини ҳамма ҳам тушунармикин? Шундан кейин ҳам одамларнинг кўзларига қараб бўларканми... Аммо номусдан ҳам ном-нишон қолмайди, номус унугилади, ундан қутулади...

У ўрнидан туриб, Андреевск томонга қаради. Аммо у ёқ, Андреевск томон-қоронги эди...

Қайиқлар яқинлашиб келаёттанди. Мана, ҳозир, ҳозир ҳам кечикяпти.

Настена қўйруқ томонга қадам ташлади-да, сувга қаради. Сувнинг қаъридан худди ваҳимали, гаройиб эртаклардагидек бир нима милт-милт этарди — осмон акси тушиб жимиirlарди. Қанчадан-қанча одам сув қаърига кетишга жазм этган, ҳали яна қанчаси жазм этади!

Антаранинг кўндалангига қараб кенг соя сузив борар-

ди: тун чодирини йигиштираётганди. Унинг қулоғига тиниқ, эркаловчи, ундовчи шовуллаш чалинди, бу овоз ўнлаб, юзлаб, минглаб қўнғироқчаларнинг жиринглashinga ўхшарди... Ўша қўнғироқчалар кимнидир ўйин-кулгига чорларди. Настенанинг назарида уйқу элитаётгандай бўлди. У қайиқ четига чўккалаб, борган сари пастроқ энгашди, у бундан кейинги бир неча йилларни яққол кўриб турган кўзларини йириб-йириб, сув қаърига тикилди ва тубида гугуртнинг чирт этиб ёнганини кўрди.

— Настена, эсингни йиф, тентаклик қилма! Насте-
е-о-на! — у яна Максим Вологжиннинг жонҳолатда шун-
дай деб қичқирганини эшилди. Бу у эшилган сўнгти ган
эди, шундан кейин у оҳиста сувга думалаб тушди.

Ангара шалоплади, шитик лопиллади, туннинг хира ёруғлигига доиралар ҳосил бўлиб, ҳар томонга ёйилиб кетди. Аммо Ангара тез оқиб, бу доираларни ғижим-
лади-да, йўқ қилиб юборди. — у ерда эса, ҳатто оқим уриладиган чуқурча ҳам қолмади.

...Фақат тўртинчи куни сув Настенани Кардадан нарироқдаги қирғоққа чиқариб ташлади. Атамановкага хабар қилишди, аммо бу пайтда Михеич ўлар ҳолатда ётганди, шунинг учун Настенанинг жасадини олиб келишга Мишка батракни юборишиди. У Настенани қайиқда олиб келди, олиб келгач, ўз билганича уни гарқ бўлганлар мозорига кўммоқчи бўлди. Аммо хотин-халажлар унамади. Шундан кейин Настенани қишлоқ мозорининг чеккароғига, қийшайиб қолган панжара ёнига дағи этишди.

Дафндан сўнг хотин-халажлар Надъканикига маъра-
кага йигилдилар ва Настена жувонмарг кетди, деб кўз ёши қилдилар.

СҮНГТИ МУҲЛАТ

I

Анна кампир печка ёнидаги энсиз темир каравотда ўлнимини кутиб ётарди. Унинг назарида вақт-соати етгандай эди: кампир саксонга яқинлашиб қолганди. Кампир узоқ вақт кексалигини бўйнига олмай қимирлаб юрди, аммо уч йил бурун бутунлай кучдан қолгач, ноилож ётиб қолди. Ёзда у ўзини анча тузук ҳис этарди, шунинг учун у ўрмалаб ҳовлига чиқарди, офтобда исинарди, баъзан дам олиб-дам олиб бўлса ҳам кўчани кесиб ўтиб, Мирониха кампирниги чиқарди, аммо кузга бориб, дастлабки қордан олдинроқ жуда ўзини олдириб қўйди, шунинг учун у ҳатто эрталаблари набираси Нинкадан қолган тувагини ҳам ташқарига чиқариб қўйишга ярамай қолганди. Айниқса, кампир пиллапояда икки-уч марта йиқилиб тушгандан кейин унга умуман ўрнингиздан қўзгалмайсиз деб тайинлашди, энди унинг умри каравотида туриб ўтириб, оёгини осилтиришу яна ўрнига ётиш билан ўтарди.

Кампир умрида анча-мунча фарзанд кўрди, аммо ҳозир шулардан фақат бештаси бор эди. Бунинг сабаби шу эдикি, аввало уларнинг оиласидан ўлим худди тозуқхонадаги товуқларнинг додини бераётган сассиқ-кузанга ўхшаб бирин-сирин болаларни олиб кетди, кейин эса уруш бошланиб қолди. Аммо шундай бўлса ҳам бештаси омон қолди: уч қизу икки ўғил. Бир қиз районда, иккинчиси шаҳарда, учинчиси бўлса жуда олисда — Киевда яшарди. Армиядан кейин шимолнинг ҳаериадидир қолган катта ўғли шаҳарга келиб қолди, кампир эса қолган умрини қишлоқдан ҳеч қаёққа жилмаган кичик ўғли Михаилнида ўтказаётганди, кампир иложи борича ўрлининг оиласида кўзга тушган хас бўлмасликка ҳаракат қиласарди.

Бу сафар эса кампирнинг қишидан эсон-омон чиқишига умид йўқдай эди. Ёздан бошлабоқ кампирнинг мазаси қочиб, тез-тез ҳушидан кета бошлади, бундай пайтларда Нинка чопқиллаб бориб айтиб келаётган фельдшер аёлнинг уколларигина кампирни нариги дунсга жўнашдан олиб қолаётган эди. Кампир ҳушига келгач, ўзига хос бўлмаган ингичка овозда ихраб-сиҳарди, кўзларидан ёш думалаб тушарди, шунда у йиглаб дерди:

— Ахир мен сизларга бир неча марта айтганман, менга тегманглар, қўйинглар, тинчгина жойи ростонимга кетай деб. Агар анави фельдшерларинг бўлмаганда ҳозир мен, эҳ-ҳе, қаёқларда юрган бўлардим-а.— Шундан кейин кампир Нинканинг қулогига қуярди:— Энди сен уни чақириб келмагин, бормагин. Агар ойинг сенга айтиб кел деб буюрса, сен мўрчага кириб беркин, бирпастдан кейин келиб, уйида йўқ экан, дегин. Мен сенга конфет — жуда ширин конфет бераман.

Сентябрнинг бошларига келиб, кампир бошқа дардга чалиниб қолди: у уйқудан бошини кўтара олмасди. У энди на ерди, на ичарди, фақат ухларди. Агар уйғотиша, у кўзини очарди, паришонлик билан хира кўзларини тикарди-ю, яна уйқуга кетарди. Кампирнинг тирик ёки ўликлигини билиш учун тез-тез уни қимирлатиб кўришарди. Кампир чўлдай озиб кетди, ой охирига келиб сарғайиб, мурданинг ўзи бўлиб қолди, фақат танасидан жон чиқмаганди, холос.

Кампирнинг бугун-эрта кетиб қолиши жуда аниқ бўлиб қолгандан кейингина Михайл почтага бориб, акаси ва опа-сингилларига, келинглар, деб телеграмма юборди. Шундан кейин у кампирни қимирлатиб огоҳлантириб қўйди:

— Шошмай тур, ойи, акам, опа-сингилларим келишади. Улар билан кўришиб, рози-ризолик тилашинг керак.

Энг олдин, эртасига эрталабоқ кампирнинг катта қизи Варвара келди. Унинг келиши осон эди, район олис эмасди, бор-йўги эллик километр эди, йўловчи машинага тушса бўлди, келаверарди. Варвара дарвозани очди, ҳовлида ҳеч кимни учратмагач, бирдан овоз солиб йигини кўтарди:

— Вой ойижон,вой ойижон!

Михайл отилиб пиллапояга чиқди:

— Э, овозингни ўчир! Тирик ҳали, ухлаяпти. Лоақал кўчада бақирмасанг-чи, бунақада бутун қишлоғни тўплайсан-ку.

Варвара унга қарамасдан ичкарига кирди, кампир-нинг каравоти ёнига гурс этиб чўккалади-да, бошини сарак-сарак қилиб яна ув тортди:

— Вой ойижон, вой ойижон!

Кампир уйғонмади, унинг юзида сира қон қолмаганди. Михаил онасининг ичига ботган юзларига секин-секин урди, шундан кейингина юмуқ қовоқлар ичидағи кўзлар ҳаракатга келди, очилишга уриниб қимирлади, аммо очиломмади.

— Ойи,— деди Михаил қимирлатиб.— Кўзингни оч, Варвара келди.

— Ойижон,— уни гапга солишга ҳаракат қилди Варвара.— Бу мен, катта қизингман. Мен сени кўргани келдим, сен бўлсанг ҳатто менга қарамайсан ҳам-а. Ойи-жо-он!

Кампирнинг қовоқлари худди тарози паллалариdek лип-лип этди-ю, тўхтаб қаттиқроқ қисилди. Варвара ўрнидан туриб йиглагани стол ёнига кетди — шу ер қулайроқ эди. У бошини столга тўқ-тўқ уриб, ўксеб, юм-юм йиглади ва анчагача ўзини босиб ололмади. Унинг ёнида беш яшар Нинка ғимирлаб юрар ва нега Варваранинг кўз ёшлари полга томмаяпти деб энгашиб қарап эди. Нинкани ҳайдаб юборишарди, аммо айёр қизча биқиниб кириб яна стол олдига келар эди.

Кечқурун уларнинг тахмини тўғри чиқиб, ҳафтада фақат икки марта қатнайдиган пароходда шаҳарликлар — Илья билан Люса келди. Михаил уларни пристанда кутиб олди ва ўзлари туғилиб-ўсган уйга бошлаб келди. Улар йўлда чурқ этишмади: Люса билан Илья тахтадан қилинган энсиз, лопиллаб турган йўлкадан, Михаил уларнинг ёнида, лой гудда-гудда бўлиб қуриб қотиб қолган ердан келарди. Қишлоқдагилар Люса ва Илья билан саломлашишарди-ю, аммо уларни гапга тутишмасди, одамлар ўтиб кетишар ва қизиқиб орқала-рига қайрилиб қараашар эди. Деразалардан кампирлар ва болалар келганларга бақрайишарди, кампирлар эса чўқиниб қўйишарди.

Варвара укаси билан синглисини кўргач, ўзини тутиб туролмади:

— Ахир ойижонимиз... Ойи-жо-ни-миз!

— Э, бас қилсанг-чи,— деб уни Михаил яна тўхтатди.— Улгурасан ҳали!

Ҳаммалари кампирнинг каравоти олдига тўпланди — Михаилнинг хотини Надя ҳам, қизи Нинка ҳам шу ерда эди. Кампир қимир этмай ётарди, ё ҳаёти-

нинг охири бўлгани учунми, ё ҳозиргина жони узил-
ганмиди — бадани совиб қолганди. Варвара дод деб
юборди:

— Жони чиқибди-ку.

Ҳеч ким унга жим бўл демади, ҳаммалари қўрқиб
қимирлаб қўйишиди. Люся шоша-пиша кафтини кампир-
нинг очиқ оғзига тутди ва унинг нафас олаётганини сез-
мади.

— Ойна тутиш керак,— деб эслаб қолди у.— Ойнани
беринглар.

Надя столга қараб югурди, йўл-йўлакай ойна парча-
сини этагига артиб, уни Люсяга узатди: у наридан-
бери ойна парчасини кампирнинг қони қочган лабла-
рига тутди ва бир минутча ушлаб турди, ойна сал реза-
ланди.

— Тирик,— деб енгил нафас өлди у,— ойижонимиз
тирик.

Варвара гўё бу гапни эшитмагандай яна йиглашга
тушди, Люся ҳам кўз ёши тўкиб, бир четга кетди. Ойна
Нинканинг қўлига тушиб қолди. У кейин нима бўлар-
кин деб ойнага қараб пуфлайверди, бироқ ўзини қизиқ-
тирадиган бирон нима тополмагач, пайт пойлаб туриб,
уни кампирнинг оғзига тутди. Михайл қўриб қолди-да,
Нинкани ҳамманинг кўзи олдида туртиб-туртиб, хона-
дан ҳайдаб чиқарди. Нинканинг жариллаши Варвара-
нинг йигисини босиб кетди, шунинг учун у жим бўлишга
мажбур бўлди. У хўрсаниб:

— Эҳ, ойижонимиз, ойижонимиз,— деб қўйди.

Надя, қаерга — шу ерга, столга дастурхон ёзайми
ёки ошхонага жой қиласми, деб сўради. Ҳаммалари
оийм безовта бўлмасин, яхшиси, ошхонага олиб бора
қол дейишди. Михайл бир шаша ароқ, бир шаша порт-
вейн олиб келди, ароқни ўзи билан Ильяга, портвейнни
опалари ва хотинига қуиди.

— Татьянамиз бугун келмайдиганга ўхшайди,—
деди у.— Уни кутиб ўтирамаймиз.

— Ҳа, бугун кўз тутмасак ҳам бўлади, тўгри,— деб
унинг гапига қўшилди Илья.— Агар кеча телеграмма
олган бўлса, бугун самолётга чиқади, шаҳарда бошқа-
сига тушади. Ҳозир районда ўтирган бўлса ҳам ажаб
эмас, кечаси эса бу ёққа машина бўлмайди, тўгри.

— Еки шаҳарда.

— Эртага келади.

— Эртага албатта келади.

— Агар эртага бўлса, улгуради.

Михаил уй эгаси сифатида биринчи бўлиб қадаҳни кўтарди.

— Қани, олинглар, дийдор кўришганимиз учун олайлик.

— Уриштириб ичса бўладими? — Варваранинг капалаги учиб кетди.

— Бўлади, бўлади, ахир бу поминки¹ эмас-ку.

— Унақа деманглар.

— Энди гапирсанг ҳам, гапирмасанг ҳам...

— Анчадан бери мана шунақа тўпланишиб ўтирмағандик,— деди тўсатдан Люся маъюсланиб.— Фақат Татьяна йўқ-да. Агар Татьяна келса, ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмагандай бўлиб қоламиз. Ахир биз доимо мана шу стол атрофида тўпланишиб ўтирадик-да, хонада эса фақат меҳмонларга дастурхон ёзиларди. Мен ҳатто илгари ўтирадиган еримда ўтирибман. Варвара эса ўз жойида әмас. Сен ҳам, Илья.

— Қаёқда, ҳеч қаёққа кетмагандай әмиш-а! — Михаил хафа бўла бошлади.— Қораларингни бутунлай кўрсатмай қўйдиларинг-ку. Варвара бўлса-ку: картошками ёки яна бирон нима керак бўлганда бир кўриниб қолади. Сизлар бўлсанглар, гўё бу ёруғ оламда йўқдай.

— Ҳа, энди Варвара яқин-да.

— Ҳа, сизлар нақ Москвадан келасизлар, ахир,— деб Варвара узиб олди.— Бир кунда пароходда етиб келасизлар. Бизни жигарлиқдан чиқариб қўйғанларингдан кейин лоақал жим ўтиранглар бўларди. Шаҳарлик бўлиб кетдинглар-да, энди қишилөқдагиларни назарларинг илмайди!

— Сен, Варвара, бунақа дейишга сира ҳақинг йўқ,— деди Люса қизишиб.— Шаҳарлигу қишилөқликнинг нима алоқаси бор бу гапга? Нима деяётганингни ўйлаб гапир.

— Ҳа, тўғри, бунақа дейишга Варварани ҳақи йўқ. Варвара одам әмас. У билан гаплашиб нима баҳра топардинг? Шунчаки юрибди-да. Сингиллари-ю, укаларига опа бўлмай қолган. Қани, ўзинг айт-чи, уйга охирги марта қачон келувдинг ўзи? Варвара одам әмас, Варвара келиб ойисидан хабар олиб турибди, гарчи Варваранинг рўзгори сеникidan катта бўлса ҳам йилига бир неча марта келиб кўриб кетади. Энди ким айбдор, Варвара айбдор.

— Кўпдан бери келганинг йўқ, нимасини гапирансан! — деб Михаил Варваранинг ёнини олди.— Сен ке-

¹ Поминки — русларда марҳумни хотирлаб қадаҳларни чўқишишимай ичишади. (Ред. изоҳи).

либ-кетганингда ҳали Нинкамиз туғилмаган ҳам эди. Илья бўлса-ку, охирги марта шимолдан кўчиб кетаётганида келувди. Ушанда Надя Нинкани энди кўкрагидан ажратган эди. Эсингдами, ўшанда сийнасига горчица сурган эди, роса кулган эдинг?

Ильянинг эсида бор эди, бош иргаб қўйди.

— Иложи бўлмади, шунинг учун келолмадим,— деди Люся хафа бўлиб.

— Истасанг, келардинг,— деди Варвара ишонмай.

— Иложи бўлмади деганимдан кейин келардинг дейишингга бало борми? Соглигимни мазаси йўқ, agar отпускада қараттирмасам, кейин йил-ён икки ой касалхонама-касалхона югуриб юраман.

— Ҳа, энди нима кўп, баҳона кўп.

— Баҳонанинг бунга нима алоқаси бор?

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да. Сизларга гапириб ҳам бўлмайди. Катта одам бўлиб кетгансизлар.

— Бас қилинглар,— деди Михайл.— Яна биттадан олайлик. Айниб қолмасин тағин, а?

— Э, бўлди,— деб огоҳлантириди Варвара.— Сиз, эркакларга ичкилик бўлса бас. Ойимиз ўлим тӯшагида ётибию булар бўлса кайф-сафо қилиб ўтиришибди. Мабодо ашула айтманглар тағин.

— Ҳеч ким ашула айтмоқчи ҳам эмас. Аммо ичиш мумкин. Қачон мумкину қачон мумкин эмаслигини ўзимиз ҳам биламиз — ёш бола эмасмиз.

— Вой-буй, сенларга гапирсангу қочиб кетаверсанг.

Улар бундан эллик йилча бурун марҳум оталари ясаган узун ёғоч стол атрофида мана шу хилда гаплашиб ўтиришарди. Улар алоҳида-алоҳида ватанли бўлиб кетгандаридан кейин бир-бирларига жуда кам ўҳшар эдилар. Агар Варварага қарасанг, у буларнинг онасига ўҳшарди, бўлмаса-ку ўтган йили элликдан ошган эди, аммо башараси жуда қари кўринарди, ўзи ҳам кампирга ўҳшаб қолганди, уларнинг зотида ҳеч ким бунақа сеемиз, йўғон, тепса-тебранмас эмасди. У бир жиҳатдан онасига тортганди: у ҳам бирин-кетин туғиб ташлайверди, аммо Варвара туға бошлаган вақтга келиб болаларни ўлимдан сақлаб қолишини анча ўрганиб олишганди, бу пайтда ҳали уруш-пуруш деган гап ҳам йўқ эди. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси соғ-саломат эди, фақат бир ўғли турмада ўтирганди. Варвара болаларнинг роҳатини жуда оз кўрди: улар ўсиб-улгайгунча унинг она сути оғзига келди, бир кунгина тинчлик йўқ эди, болалар-ку, ҳозир вояга етган, аммо ҳозир ҳам ўша-ўша

қийналиш, уриш-жанжал бор. Ана шу болаларнинг орқасидан у бемаҳал қариб қолганди.

Кампир Варварадан кейин Ильяни, кейин Люсяни, Михайлни, энг охирида эса ҳозир Киевдан келишини кутишаётган Татьянани туққан эди.

Ильяни бўйи пастлиги учун то армияга олишгунларича Илья пакана дейишарди, ҳолбуки қишлоқда баланд бўйли бошқа Илья йўқ эди, шу-шу бу лақаб унга ёпишиб қолди. У шимолда ўн йилдан ортиқроқ яшагани учун сочи жуда кўп тўкилиб яйдоқ бўлиб қолганди, боши ҳаво яхши бўлган кунларда худди артилган тужумга ўхшаб ялтираб турарди. У ўша ерда, шимолда уйланди, аммо хотиндан унча бахти йўқ экан, чуви чиқиб қолди, у эс-ҳушли, оддийгина, бўй-басти ҳам ўзига мос хотин олди, бирга тура бошлаганларидан кейин хотини ўзига нисбатан бир ярим баравар келадиган бўлиб семириб кетди, шундан кейин хотиннинг тили чиқиб қолди, ҳатто қишлоққа ҳам хотини Ильяга жуда зугум қидармиш деган гап етиб келди.

Люся ҳам қирқдан ошиб қолганди, аммо ҳеч ким уни қирқдан ошган демасди: у бу ердагиларга қараганда бошқачароқ — юзи тиниқ, тоза, силлиқ, худди фотосуратидагига ўхшарди, кийимни ҳам пала-партиш киймасди. Люся уруш тугаши билан қишлоқдан кетганди, орадан ўтган шунча йил ичida шаҳарликлар сингари ўзига қараб юришни ўрганиб олганди, албатта. Ҳа, шуни ҳам айтиш керакки, болалари бўлмагандан кейин бошқа қанақа ташвиши ҳам бор дейсиз? Худо Люсяга фарзанд бермаганди.

Михайл эса Ильяга сира ўхшамасди — соchlари лўлиларникуга ўхшаш қалин, жингалак эди, соқоли ҳам гажак-гажак бўлиб буралиб турарди. Унинг юзи ҳам қора эди, аммо бу қоралик офтобдан, қишида совуқдан эди — ёзда дарёда юқ ортарди, қишида эса ўрмонда дарахт кесарди — йил-ён икки ой у очиқ ҳавода юрарди.

Мана шундай қилиб улар узун стол атрофида жони узилаётган оналарига халақит бермаслик учун гаплашиб ўтиришарди, улар шу оналарини деб келган ва бир неча йилдан бери қадрдан уйларида биринчи марта йиғилишган эди. Фақат Татьяна камлик қилиб турарди. Михайл билан Ильянинг ичадиган нарсаси бор эди, аёллар қадаҳларини нари суреб қўйишида-да, аммо туришмади — улар бу учрашув, гап-сўзлардан, бугун кўриб турган барча нарсаларидан бўшашиб, эртага бошларига тушадиган ҳодисадан қўрқиб ўтиришарди.

— Биратұла Володькага ҳам телеграмма жүнатсам бұларкан,— деди Михаил.— Ҳозир ёнимизда ўтирган бўларди. Ҳозир қанақа бўлиб кетганикин, жуда кўргим келяпти.

— У ҳозир қаерда?— сўради Илья.

— Армияда, иккинчи йили ҳам тугай деб қолди. Езда отпускага бораман деб ваъда берувди, аммо бирон гуноҳ қилиб қўйди шекилли, жавоб беришмади. Бўлинмамдан биттаси постни ташлаб кетиб қолибди, командир бўлганим учун мени жазолащи, деб ёзибди, балки ўзи бирон бало қилиб қўйганми, бирон иш қилиш қийин эканми у ерда. Сен нима дейсан, бувимнинг тоби йўқ экан, деса, жавоб беришармикин-йўқмикин?

— Жавоб беришлари керак.

— Кечак телеграмма берсам бўларкан. Жуда аҳмоқлик қилибман да. Қандай ёзсан, қилдан қийик қидирмасдан жавоб беришаркин деб ўйлајпман. Нима бўлгандаям набира да, ўғил эмас.

— Бувингни аҳволи ёмон, тез етиб кел, деб ёсанг, бўлаверарди,— деб маслаҳат берди Варвара.

Ўғли кетиб ҳаловатини йўқотган Надя ҳозир ўғлини шундоққина олдида кўргиси келиб, аъзойи бадани тортишиб кетди.

— Мен унга шунақа дегандим, аммо у кошки гапга қулоқ соладиган одам бўлса?

— Бир оз сабр қилинглар энди,— деди Люся.

— Ҳа, кутган маъқулроқ. Бўлмаса ҳамма ишни расво қилиб қўйиш мумкин. Кейин дарров гап шундай-шундай, деб ёзасизлар. Кўмиш маросимига жавоб беришлари керак.

— Вой-вой, вой-вой-ей,— деб хўрсинди Варвара.— Шуни ўйламабсизлар, ақлларингга келмабди. Ахир ҳаммамизнинг онамиз биттагина-ку, мана оқибати.

— Сенга нечта она керак ўзи?— деди ҳим-ҳимлаб Илья. Варвара хафа бўлди.

— Тавба, худди ўгайга ўхшайсан-а! Гапингни турган-битгани пичинг-а! Мени жинни қилмоқчи бўляпсан шекилли. Аммо мен сенчалик аҳмоқ эмасман. Пичинг қилмасанг ҳам бўлади.

— Мен ҳали ҳам сени аҳмоқ деяётганим йўқ. Намунча сапчимасанг?

— Ҳа, демайсан-а!

Люся Надядан секингина сўради:

— Тикув машиналаринг борми?

— Борликка бор-а, аммо тикадими-йўқми билмайман. Кўпдан бери тутганим йўқ.

— Бугун у ёқ-бу ёқни титкиладим, аксига олгандай биттаям қора кўйлагим йўқ экан,— деб тушунтириди Люся.— Гизиллаб бориб магазиндан газлама олдиму аммо тикишга сира вақт бўлмади, фақат бичиб келдим. Шу ерда тикишга тўғри келади.

— Бугун биткизолмайсиз-ов.

— Битказаман, мен тез тикаман. Кейин, ҳамма ётгандан кейин, шу ерда — ошхонада тикаман.

— Хўп, бўпти, олиб келай, ўзингиз кўрарсиз.

Улар ётишдан олдин яна оналари олдига тўпланишили, улар аниғини билиб ётишмоқчи эди. Люся кампирнинг қон томирини бир амаллаб топиб, ушлаб кўрди — кампирнинг жони билинар-билинмас эди. Михайл чидаб туролмай, онасини елкасидан ушлаб қимирлатди, шу пайт ногаҳон кампирнинг ичидан инграш бўлиб инграш әмас, хуррак бўлиб хуррак әмас, гўё умуман оналарининг әмас, бегона бир овоз чиқди, гўё ўз иши билан кампирга чаңг солиб турган ажал уларни жеркиб бергандек эди. Ҳаммалари Михайлга қараб жим дейишди, аммо бу овоздан ҳаммаларининг ўтақалари ёрилиб кетди, ҳатто Нинка ҳам онасининг пинжига кириб, писиб қолди.

— Лоақал эрта чошгоҳгача турсаям майлийди,— деди пиқиллаб Варвара ва жим бўлиб қолди.

Улар ётишга тараддуд кўра бошлиашди. Хона кенгмўл эди, аммо қишлоқ одатига кўра ўртасидан иккига ажратилганди: бир томонида кампир ётарди, иккинчи ярмида Михайлнинг оиласи яшарди. Надя ўзи билан Михайлга полга ўрин солди, ўзининг каравотини эса Люсяга берди. Варварага эса буклама каравот топилди, уни, онамиздан хабардор бўлиб ётсин, деб кампирнинг бўлмасига қўйишиди. Ильяга ҳам ўша ерга ўрин солиб беришмоқчи бўлишиди-ю, аммо у мен мўрчада ётаман деди. Михайлнинг мўрчаси озода эди, қурум босган, сассиқ әмасди, ўзи ҳам гов ёнида эди. Ильяга остига тўшашга пўстин, фуфайка, устига эса кўрпа беришиди, у агар бирон гап бўлса дарров уйғотинглар, деб чиқиб кетди.

Кампирнинг бўлмасидаги электр чироқни ўчиришиб, лампа ёқишиди. Лампа кечаси билан ёнишини назарда тутиб, пилтасини пасайтириб қўйишиди.

Надя машинани тониб келди-да, уни ўзлари ўтирган ўша стол устига қўйди, шундан кейин Люся аввал бир

парча латта қўйиб, унинг юришини текшириб кўрди, машина яхши тикарди.

— Энди ёт,— деди Люся Надяга.— Иложи борида ухлаб ол. Ким билади кечаси нималар бўлади.

Надя кетди. Михайл пичирлаб ундан бир нимани сўради, у ҳам пичирлаб бир нима деб жавоб берди.

Машина қаттиқ тиқир-тиқир қилди, шу боисдан Люсянинг ўзи ҳам қўрқиб кетди-да, тутқичини қўйиб юборди, машинанинг тик-тики худди отишма овозидай туюлди. Эсхонаси чиқиб кетган Варвара оёқ яланг югуриб кирди, аммо Люсяни кўриб, сал ҳовуридан тушди.

— Ўзингга шукур, эй худойим! Нима экан деб ўйлабман. Аъзойи баданим титраб кетди. Намунча сенга шунчалик зарур бўлиб қолди?

Люся жавоб бермай тикаверди.

— Нима бало, азага мўлжаллаб қора тикяпсанми?

— Сенга ҳам тушунолмай қолдим, наҳотки кўриб туриб шуни сўраш керак бўлса?

— Хўп, нима бўпти, мен нима дедим сенга?

— Ҳеч нима.

— Тикавер, бир нима деганим йўқ-ку сенга. Ёнингда бирпас ўтирай, кейин кетаман. Сенга халақит бермайман.

Варвара курсини яқинроқ сурини, унинг ёнига ўтириди. Варвара ечиниб ўтирмади, у шунчаки пайпогининг ҳалқасини бўшатиб тушириб қўйди, оёқларига ёпишиб турган пайпоқлари тиззасидан пастда осилиб турарди.

Қаердадир—олисдаги дарёда пароход кетма-кет бир неча марта бўғиқ гудок берди.

Варвара бошини кўтариб диққат билан қулоқ соларкан, афти бужмайиб қетди:

— Нега ҳадеб чинқирияти?

— Билмасам. Битта-яримтага сигнал бераётгандир-да.

— Сигнал берадиган бошқа жой қуриб қолибдими. Ҳамма ёқни бузиб юборди-ку.

У яна бирпас ўтириди-да, истар-истамас ўрнидан турди:

— Борай энди. Сен ҳали кўп ўтирасанми?

— Тикиб бўлиб ётаман.

— Бугун ётмасак ҳам бўларди, уҳ, ётмасак бўларди,— деди Варвара бошини чайқаб.— Гаплашиб ўтирсак бўларди, зерикмасдик. Кўнглим сезяпти: бир гап бўлмасайди ишқилиб.

Варвара кетди, аммо кўп ўтмай қайтиб келди, Люсяни қўрқитиб, деворга суниди.

— Нима гап?— сўради Люся.

— Е менга шунақа туюлди, ёки рост. Бор, бориб қара-чи.

Люся ишонмади, аммо ишонмайман, деб айтишга оғзи бормади, онасидан хабар олгани кетди. У онасининг қўлини ушлади, аммо орқасидан Варваранинг хириллаб оғир-оғир нафас олаётганини эшитди. Варварани ҳайдаб юборишга тўғри келди, шундан кейингина, шунда ҳам анчадан сўнггина у кампирнинг қон томири худди бир неча юз километр нарида юз бериб, яна йўқ бўлиб кетган турткига ўхшаб жуда секин ураётганини аранг пайқаб олди. Назарида ўтган сафаригига қарагандা бу сафар қон томирининг уриши яна ҳам заифлашиб, шунда ҳам бир текисда кетма-кет эмас, аҳён-аҳёндагина ураётган-дек эди.

— Сен бориб ёт,— деди Люся опасига ачиниб.— Мен то тикишимни тугатгунча хабар олиб тураман, кейин сени уйғотаман.

— Э, ҳозир уйқу келарканми?— деди Варвара болалар сингари зорланиб.— Илья айёр экан, билганларингни қилинглар дедиу кетди-ворди. Э, энди уйқуга бало борми? Энди нима қилиш керак, нима қўйинш керак деб ўйлайвераман. Яхшиси, сени ёнингда ўтира қолай.

— Ўтиранг, ўтиравер.

— Миқ этмай ўтираман.

У яна Люсянинг ёнига ўтирди-да, хўрсиниб, газмолни ушлаб кўрди, унинг тикишини томоша қилди.

— Кейин бу кўйлакни қайтариб олиб кетасанми-йўқми?— сўради у.

— Нима эди?

— Агар олиб кетмасанг, менга бера қол демоқчи-ман.

— Бошингга урасанми? Ахир бу кўйлак сенга сиғмайди-ку.

— Ўзимга эмас. Қизимнинг бўйи сенга етай деб қолди. Унга жуда лойиқ келарди.

— Нима, қизингни киядигани йўқми?

— Ҳа, очигини айтсам, йўқ ҳисоби. Кўйлаги бор эди, аммо ҳаммаси ҳам жуда эскириб, тўзиб қолди. Ўзинг биласан, қиз бола ясан-тусанин яхши кўради.

— Қора кийим ясан-тусанга бўларканми?

— Қизим унақа инжиқ эмас. Ёғин-сочинда кийиб юрарди. Ёғирда гулли кўйлакда юрмайсан-ку ахир.

Люся ваъда берди:

— Қетаётганимда бераман.

— Унга холанг берди деб айтаман,— деди хурсанд бўлиб Варвара.

— Нима десанг, ўзинг биласан.

Улар жим бўлиб, Люся машинани тўхтатгач, Михаилнинг бўлмасидан бироннинг хуррак отгани эшитила бошлади. Варвара дикқат билан қулоқ солди:

— Ким бўлдийкин?— хуррак кучайгандан кейин жаҳли чиқди:— Вой уятысиз-ей. Зап вақтини топибдида. Одамларда на шарм-ҳаё, на инсоф бор. Яна ўғил эмиш-а.— Варвара жим бўлди ва тўсатдан ялиниб-ялворди:— Юр, яна бир хабар олайлик. Бир ўзим қўрқаман.

Кампир бояги-боягидай эди: на ўлигу на тирик. Унинг аъзойи бадани совиб қолганди, фақат узоқ умр кўришга ҳиддатли куч олган юраги ҳали базур тепиб турарди. Аммо унинг кўпга бардош беролмаслиги шундоққина кўринниб турарди. Нариси билан эрталабгача етиши мумкин эди. Люся то кўйлагини тикиб бўлмагунча Варвара ётмади. Шундан кейин ҳам Люся ўз каравотини опасига беришга мажбур бўлди, ўзи эса буклама каравотда ётди — шундай қилмаса Варвара бари бир уни ухлагани қўймас эди.

2

Фурсат етиб тонг ҳам отди, атроф ёриша бошлади, аммо қуёш чиқмасдан олдин дарё томондан қуюқ, қалин туман босиб келди-ю, туманда ҳамма нарса ғойиб бўлиб, кўринмай қолди. Қишлоқда сигирлар аянчли маърашарди, хўрзлар кекирдакларини йиртиб қичқиришарди, одамларнинг худди балиқ сувни шалоплатаётганига ўхшаш қисқа, бўғиқ овозлари эшитиларди — ҳаммаёқ оппоқ, ҳавонинг заҳри томчилаб турарди, бундай ҳавода ўзингдан бошқа нарсани кўролмайсан. Ҳаво ўзи анча кечикиб ёришди, бунинг устига туман тушди-ю, расво қилди, пайпасланиб юришга мажбур этди.

Кампирнинг уйида ҳаммадан олдин Надя турди. Яқин-яқингача ҳам қайноаси сигирнинг маъраганини эшитиб, уни уйготарди, шунинг учун Надя гарчи уйғоқ бўлса ҳам бари бир қайноаси ўз каравотида ётиб уни чақирганидан кейингина ўрнидан турарди. Мана, ҳозир ҳам у дарров ўрнидан тургани йўқ, аксинча, гарчи у кампирнинг чақирмаслигини билса-да, унинг овозини кутди. Кампирнинг овози эшитилмади, аммо соғилмаган сигир чўзий мўътарарди, шу боисдан Надя туришга мажбур бўлди. Кампирни бир зум ҳам эсидан чиқармаган, аммо унинг тирик ё ўликлигини билишдан қўрққан

Надя секингина кийинди ва биңниб хонадан чиқди-да, даҳлиздаги михдан сут соғиладиган идишни олди.

Унинг кетидан эрта туришга ўрганиб қолган Варвара ҳам турди. Қараса Надя йўқ, бошқалар эса ухлаб ётибди, у полда ухлаб ётган Михайлни уйготиш учун кетма-кет беш мартача қаттиқ-қаттиқ ва оғир-оғир хўрсинди, у ҳар хўрсинганда охирини чўзиз инграб қўярди. Аммо Михайл ҳатто қимирламади ҳам. Шунда Варвара яна хўрсинди, аммо хўрсинганини ўзи ҳам пайқамай қолди, тириклар гўё тил бириктиришгандай донг қотиб ухлаб ётган уйда уни вахима босди. У битта-яримтасига ўзини сездириб қўймасликка ҳаракат қилиб, оҳиста, ҳадиксираб, кампир ётган иккинчи бўлмага ўтди ва эшик олдидা тўхтади. Уйда кириш эшигидан бошқа эшик йўқ эди, фақат эшик ўрни бор эди. Варвара ним-қоронги хонага чўчиб тикиларкан, шу ерда туриб қолди. У кампирнинг юзини кўра олмади, уни каравот суюнчиги тўсиб турарди, аммо адёл остида тирикми-ўликми бир нима бор эди, лекин юриб боришга, унга қараашга Варваранинг юраги дов бермади, шу сабабдан у бош қашишга қўл тегмай қолган пайтда шошиб қолмаслик учун аввал ҳовлига чиқиб бўшаниб келиш керак, деб ўйлади-да, орқасига қайтди. Варвара ташқаридан Надя билан бирга қайтиб келди. Надя ошхонада сутни докадан ўтказишга киришди, Варвара ҳам шу ерга кириб Надяниг атрофида ивирсиб юрарди. Стол устида машина Люся қандай қолдирган бўлса, шундайлигича турарди, шунинг учун Надя шивирлаб сўради:

— Кечаси тикдими-йўқми?

— Тикди,— деб жавоб берди Варвара ҳам шивирлаб.— Баъзи икир-чикири қолди шекилли.— Шундан кейин у ортиқ чида буролмай ялинди:— Юр, бориб уйготайлик уни, сира бўлмаяпти.

— Ҳозир, сутни элтиб қўяй.

Варвара даҳлизда Надяниг кетидан худди соядек әргашиб юрарди, Надя яна ошхонага кирди, чунки бир банка қолиб кетибди, уни олиб олиш эса Варваранинг эсига ҳам келмаганди, у шунчаки у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Ниҳоят Надя бўшади ва қўлини латтага артида, биринчи бўлиб кампирнинг бўлмасига кирди.

Люся ухлаб ётарди, ухлаб ётганни шундоққина кўриниб турарди, аммо кампир хусусида ҳеч ким бунаقا деб айтольмасди. Надя қайнонасига нигоҳ ташлади-ю, дарров кўзини бир четта олди, Варвара эса қараашга қўрқиб, Люсяни қимирлата бошлади. Люся дарров

қўзини очди-ю, шу ондаёқ сакраб турди, унинг турткисидан бувлама каравот бир томонга сурилиб кетди.

— Нима гап? — сўради Люся. — Нима гап?

Варваранинг ўпкаси тўла бошлади: — Билмайман. Үзим ҳам билмайман. Сен ўзинг бир қара.

Люся ўзига келиб, қўллари билан сочларини силаб, тартибга солди, ёнидаги курсида ётган халатини кийиб олди ва онасининг олдига келди. Жон бор-йўқлигини аниқлашни ўрганиб олган Люся кампирнинг қўлини кўтарди-ю, шу ондаёқ туширди ва орқасига тисарилди; кампир ногаҳон аянчли ингради-да, яна жим бўлиб қолди. Варвара саннашга тушди:

— Ойижоним, жон ойижоним! Кўзгиналарингни очсанг-чи!

Михаил иштончан югуриб келди. Уйқусираф нима гаплигини тушунолмасдан сўради:

— Узилдими? Эҳ, онажон, онажон... Володъкага телеграмма бериш керак.

— Нималар деяпсан?! — деб уни тўхтатди Надя. — Нега бунақасан-а?

Люся онасининг қон томирини ушлаб кўрди-да, енгил тортиб деди:

— Тирик.

— Тирик?! — Михаил Варварага ўгирилди-да, қизишиб деди: — Ундай бўлса нега сен ув тортиб, аза тутяпсан? Бор, кўчага чиқ, Нинкани уйғотиб юборасан! Запнагманни бошлапсан-да.

— Секинроқ! — деди Люся. — Ҳаммаларинг бу ёққа келинглар.

Унинг ўзи эса ионуштагача, Надя картошка қовуриб келгунича ўтириб, янги кўйлагининг ёқасини чатиб, тугмасини қадади, тугмаларни ҳам шаҳардан ўзи билан олиб келганди.

Варвара кўз ёши қилиб мўрчага борди, Ильяни туртиб уйғотиб:

— Ойижонимиз тирик, тирик, — деди.

Илья тўнгиллаб:

— Тирик бўлса, нега уйғотдинг? — деди.

— Сени хурсанд қиласай дедим-да.

— Калла пишгандан кейин ҳам айтсанг бўларди-ку. Сен бўлсанг каллайи саҳарлаб уйғотиб юрибсан.

— Каллайи саҳар қолдими. Бу туман-ку.

Туман анчагача, то соат ўн бирларгача тарқалмади, кейин қандайдир бир куч уни юқорига кўтарди. Шу заҳоти қуёш ловиллаб, чараклаб кетди. Ҳаммаёқ пурга

тарқ бўлиб, борлиқ жилва қилди. Сентябрь бошланган бўлса ҳам, аммо ҳали куз ҳиди келмасди, ҳатто полизлардаги картошка палаклари кўм-кўк эди, ўрмонда эса унда-бундагина жазира маисиқ куйдирганга ўхшаш жигарранг доғлар кўзга кўриниб қоларди.

Кейинги йилларда ёз билан куз худди ўрин алмаштиргандек эди: Июнь, июль ойларида ёмғир қуяди-ю, кейин эса Покровгача¹ ҳаво очиқ, кунлар ёруғ бўлади, ҳавонинг бунаقا бўлиши бир жиҳатдан яхши, чунки очиқ, ёруғ, аммо иккинчи томондан ёмон, сабаби — ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши-да. Мана энди хотин-халажлар картошкани қачон қазиб олишни ўзларинг билиб олаверинглар: эски ҳисобга қараганда қазиб оладиган вақт бўлган, аммо бошқа жиҳатдан эса ҳозирча ҳаво яхши бўлиб турганида кўз қиймайди, яхшилаб етилиб пишсин дейди киши. Картошка ёзда, худди сувда сузган балиқдек сув ичидан ётганида қаёқдан ҳам етилиб пишади дейсиз. Бордию кутишса, бирдан ҳаво айнисада, шариллатиб ёмғир қўйиб қолса, кейин билч-билч лойнинг ичидан қазиб олиб бўпсиз. Бир қазиб олгилари келади, бир кутиб тургилари, нима хаёну нима зиёнлигини ҳеч ким билмайди. Пичан ўриш ҳам шунақа: баъзилар эски ҳисобга биноан пичан ўриб қўйди-ю, аммо ёмғирда ҳаммасини чиритиб юборди, баъзилар эса ана чиқаман, мана чиқаман, деб ичиб олиб маст-аласт бўлиб юрди-ю, қайтанга фойда қилди. Ҳаволар ҳам эсини еган кампирга ўхшаб айнаб қолган шекилли. Одамлар об-ҳавонинг бу аҳволга тушишига, денгизлар сабабчи, чунки қайси бир дарёга қараманг, денгиз қуриб ташланган, дейишарди.

Эрталаб Надя ҳозиргинá қазиб келинган янги картошкадан қовуриб келди, унинг ёнига чуқур товоқчада тузланган рижикдан² қўйди, уни кўриб Люсянинг кўзи ўйнаб кетди-да:

— Вой рижик! Асил рижиклар-а! Мен бўлсам бу ёруғ оламда шунақа нарса борлигини ҳам эсимдан чиқариб юборибман, емаганимга юз йилча бўлди ўзиям. Ҳатто ақл бовар қилмайди,— деди.

— Рижик — асил нарса-да ўзи,— деди Илья лабини чўпиллатиб.— Бу сизларга анов-манов нарса эмас. Агар шу рижикларнинг ёнида яна бир нимаси бўлганда эди, унда кўраверардинглар!

¹ Даастлабки қоргача (*Тарж. изоҳи.*)

² Йўзиқориннинг бир тури. (*Тарж. изоҳи.*)

— Нега буни кеча қўймадинг-а,— деб Михаил Надяга ёзғирди.— Ичкилика жуда кетарди-да. Ҳа, аттанг-а, аттанг! Надя қизариб, меҳмонларнинг кўнглини топганидан суюниб, тушунтириди:

— Мен кечака қўймоқчи бўлдиму аммо ҳали яхши туземаган бўлса керак деб ўйладим, ахир ўзини ҳам яқинда тузловдим-да. Эрталаб кириб татиб кўрдим, қарасам бинойидай. Кейин кел, олиб борай, битта-яримтага маъқул келар-ку, деб ўйладим. Агар ёққан бўлса, олинглар, енглар.

— Таги мўлми ўзи?

— Озгина бор. Теришга вақт йўқ, иннайкейин ким ҳам терарди. Одамлар ташигани-ташиган, ҳар куни кўраман, мени бўлса қўлим сира тегмайди, гоҳ у, гоҳ бу иш чиқиб қолади. Шу ёз бор-йўғи икки марта бордим, шунда ҳам шу яқин атрофга чиқдим.

— Илгари фақат Татьянамиз рижик теришни яхши кўтарди,— деб эслади Люся.— Қаерда борини биларди. Мен бир марта у билан бирга борувдим, унда ҳали кичкина қизча эди, қарасам, ҳаш-паш дегунча бір челак териб қўйибди. Мен ундан: «Буларни қаердан тердинг?»— деб сўрасам, у: «Шу ердан»,— дейди. Мен унга: «Булар нега сенга кўринади-ю менга кўринмайди»,— десам, у:— «Билмасам»,— дейди. Мен унга: «Сен буларни бирон ердан олдин териб, яшириб қўйгансану энди менга кўрсатяпсан-да»,— дедим. Татьяна хафа бўлиб ёнимдан кетиб қолди. Шунда уйга бошқабошқа қайтиб келдик, у бир челакни тўлдириб олиб келди, менини челакнинг таггинасида.

— У сирайм бир бошдан териб кетавермасди,— деб изоҳ берди Михаил.— Агар майдада бўлса — қолдиарди, эртанисига бориб қарасаки катта бўлиб қолибди. Ҳаммаси эсида туради. У мени ҳам бир марта жон-ҳолимга қўймай олиб борувди. Мен кўринганини тезроқ терсаму уйга жўнасам, дедим-да, теришга тушдим. У бўлса майдаларини ҳам тераётганимни кўриб қолди-ю, менга ёпишиб кетди. Бир куни ўрмонда айтишиб қолдик. Мен кўпроқ подосиновик¹ теришни яхши кўтардим—тез терасан, улар тўп-тўп бўлиб ўсади-да.

— Ҳаммамиздан ҳам ичимизда Илья қўзиқоринци яхши терарди,— кулди Люся.— Челакка босиб ўт соларди-дә, устидан бир нечта қўзиқорин ташлаб қўярди, гўё челак тўла қўзиқорин.

¹ Қўзиқориннинг бир тури (*Тарж. изоҳи.*)

— Ҳа, шунақа бўлувди,— деб бажонидил тан олди Илья.

— Эсларингдами, ойим бир куни ҳаммамизни юқори дарёнинг нариги ёғига сассиқ пиёз тергани юборган эди? Уша ерда аллақандай ботқоқ бор эди, пиёз эса ботқоқ дўнгликларида ўсарди. То териб бўлгунимизча шалаббо бўлиб, балчиққа қорилиб кетардик — кўрган кишининг кулгиси қистарди. Қопларни қуруқ ерга қўярдик-да, дўнгликдан дўнгликка сакрардик. Тағин, ким кўп теришга мусобақалашардик-а, ҳатто бир-биrimизникини ўғирлардик. Саримсоқ пиёз тергани эса ўша ерда юқори дарё рўпарасидаги оролга сузиб ўтардик...

— Қорақарағайзорга,— деди Михаил.

— Ҳа. Қорақарағайзорга,— ўша ерда колхозга пиchan ҳам ўриларди, ўрим пайтида бутун қишлоқ қўчиб борарди ўзиям. Пичанни қандай тўплаганим ҳали ҳам өсимда: иссиқ эди, ўргимчаклар чақарди, соchlарим орасига, ичимга хашак кириб кетарди...

— Ўргимчак эмасдиру сўна бўлса керак,— деб тўнғиллади Варвара.— Ўргимчак бурчак-бурчакларга ин солади, аммо чақмайди.

— Сўна бўлса бордир. Бари бир уларнинг номи қандайдир бошқача, бу ерда шунақа дейишади. Узимиз учун биз бошқа оролдан пиchan ўрардик... Ўша оролнинг нима деб аталишини ҳозир эслайман, унинг ҳам номи дарахт номида эди.— Тилоғоч.

— Ҳа, Тилоғоч. Эҳ-ҳе, у ерда қорағат жуда кўп эди-да! Мевасининг кўплигидан буталари ерга ётиб қоларди. Еяверасан, еяверасан, кейин ҳатто тилларинг оғриб, тишларнинг қамашиб кетарди, қорағатлар йирик-йирик, ширин эди. Бир соатда бир чепак терардинг. Ҳозир ҳам у ерда қорағат кўп бўлса керак.

— Э йў-ўқ, қаёқда дейсиз!— Надя қўй силтади.— Ўша буталар қолмади ҳисоби. Леспромхоз бўлгандан кейин ҳаммасини олиб кетишиди. Гоҳо кўнглинг тусаганда, қидириб-қидириб аранг топасан...

— Афсус, афсус!

— Тепаликдаги четанлар озмунча мева қиласизларни! Улар ҳам йўқ. Моллар топтаб юборди, одамларнинг эса сира парвосига келмайди.

— Нега шунақа қиласизлар ахир?

— Ким қиласиди? Худди қайтиб бормайдигандай олиб кетишапти. Бутаси билан бўлса бутаси билан, барги билан бўлса барги билан олиб кетишапти.

— Хайр, рижик бор деяпсизларми?

— Бу йил рижик бор, одамлар олиб келишяпти.
— Бориб лоақал рижик олиб келиш керак экан.
— Рижикка борса-ку бўларди-я, аммо телеграмма-
сиз келиш керак эди-да,— деб Варвара узиб олди.

Бу гапдан Люсянинг жаҳли чиқиб кетди.

— Сен, Варвара, сира гаплашиб бўлмайдиган бўлиб
қолибсан-ку. Бирор бир нима деса, дарров гапидан қийинқ
топиб, ундоқ эмас, бундоқ дейсан, сира гап тўғри кел-
майди сенга. Катта бўлганинг учун ҳар бир сўзимиздан
қийинқ топиб, бунақа деяверишинг яхши эмас-да, ахир.
Ҳаммамиз ҳам кап-катта, кап-катта бўлиб қолдик,
шуни унумта, қолаверса, нима қилаётганимизни тушун-
сак керак. Нима деган гап ахир бу?

— Сенга ҳеч ким ҳеч нима деяётгани йўқ, билма-
дим, нега мендан жаҳлийг чиқади.

— Яна менинг жаҳлим чиқармиш-а!

— Нима, бўлмаса менинг жаҳлим чиқдими?

— Қўйинглар, овқатдан олинглар,— деб Надя ил-
тижо қила бошлади.— Бўлмаса картошка музлаб қола-
ди. Совигандан кейин маза қоладими унда. Рижикни
бўлса мақтадинглар, мақтадинглару ўзларинг олмайсиз-
лар, олинглар, тушликка ҳали узоқ.

— Татьяна келиши керак. Яна бир тўпланамиз-да.

— Ҳа, тушга етиб келиши керак.

— Агар райондан бўлса, вақтлироқ ҳам келиши
мумкин.

— Мехмонхонадами ёки бирорникидами ётиб қол-
ган-да, бизнига кирмаган, ҳазар қилган,— элдан бу-
рун шикоят қилишга тушди Варвара.

— Йўқ, Татьяна албатта киради,— деди Михайл.—
Татьянамиз жуда содда.

— Содда эди, қани келсин, кўрайлик-чи, қанақа
бўлиб кетганийкин,— деб гапида туриб олди Варвара.—
Неча вақтдан бери уйга келгани йўқ.

— У ҳаммамиздан олисда турари, у ёқдан келиш-
нинг ўзи бўладими.

— Уша ёққа бор деб бирор буюрибдими унга? Агар
унга ҳарбий керак бўлса, шу яқин ўртадан топса ҳам
бўларди, ҳозир ҳарбийлар ҳамма ерда ҳам бор. Худди
эр уругига ўт тушгандай ҳеч қаёққа қарамай кетди-
қолди.

Люся секингина бошини сарак-сарак қилди.

— Яхшии Варварамиз билан баҳслашмайлик. У
доимо ҳақ.

— Ана шунақа, тўғри гапни ёқтирмайсизлар.

— Мана кўрдингларми, шу-да,— Люся столдан турди, миннатдорчилик билдири:— Раҳмат, Надя. Рижикларни маза қилиб едим-да.

— Сиз унга деярли қўл ҳам урмадингиз-ку. Раҳмат айтишнинг ҳожати ҳам йўқ.

— Менга шу ҳам кўп. Бунақа нарса эсимдан чиқиб кетгани учун ошқозонимга тўғри келмайди, шу боис бундай нарсани кўп ейишдан қўрқаман.

— Рижик ичкетар қилмайди,— деди Варвара бўғимига тушиб.— Бу қоринга сира зиён қилмайди. Ўзимдан қиёс-да, болаларим ҳам рижик еб юғурганини билмайман.— У Люсянинг нега оҳ-воҳ қилиб туриб кетганини тушунолмади, шунинг учун иниларидан сўради:— Нега унақа қилиб кетди?

— Ким билади.

— Чурқ этиб оғзингниам очолмайсан-а.

— Сен у билан бунақа эмас, шаҳарчасига, интеллигентчасига гаплаш-да,— кулиб маслаҳат берди Илья.

— Мен шаҳарчасига муомала қилишни билмайман, умрим бино бўлиб шаҳарга бор-йўғи бир марта борганман, хўш, у-чи, ўзи ҳам қишлоқдан чиққан-ку, мен билан қишлоқчасига гаплашса ҳам бўларди.

— Балки эсидан чиқариб юборгандир.

— У эсидан чиқарған бўлса, мен ўргана олмадим, хўш, энди нима қилайлик, бир оғиз ҳам гапирмайликми?

Нонуштадан кейин Михаил билан Илья чеккани пиллапояга чиқиб ўтирди. Ҳаво очилиб кетди, осмон туман билан бирга чекиниб, борган сари юқорилаб борарди, увада булатлар орасидан кўринаётган мовий кўкка энди инсон кўзи етмасди, бу тубсиз гўзалликдан қўрққан кўзлар дам олиш учун яқинроқдан бирон нимани ахтарар эди. Қуёш ардоқлаётган ўрмон кўм-кўк товланиб, қишлоқнинг уч томони ва тўртинчи — дарё томондан борган сайин очилиб, кенгайиб борарди. Ҳовлиларда, музыкларнинг кўзлари олдида, товуқлар шундоқ, ўзларидан-ўзлари қақағлаб, қанотларини қоқишарди, жўжалар чириқ-чириқ қиласарди, полиз гови ёнида ағанаб ётган ахта чўчқа иссиқдан ҳузур қилиб чиъилларди. Нинка чиқди, уйқудан энди турган қизчанинг кўзлари офтобда қамашиб кетди, у қўлинин кўзига соябон қилди, афтини бужмайтириди, кейин кўзлари кўнижандан сўнг, лип этиб тахлаб қўйилган саржинлар орқасига ўтиб ўтирди. Бир товуқ орқа томонидан хираки қилиб келаверди, Нинка товуқни кишишлаб қўв-

лаб бехосдан саржинлар ортидан чиқиб қолди. Михаил унга қараб бақирди:

— Нинка, менга қара, мен сени худди мушукчадай бурнингни ерга ишқаб қўяман, шуни билиб қўй. Саржинлардан нарироқ юр, деб сенга неча марта айтиш керак ўзи!

Нинка чекинди, хафа бўлиб:

— Товуқлар еб кетади,— деб баҳона қилди.

— Мен сенга товуқларни кўрсатиб қўяман.

Эрталабки юмушлардан сўнг қишлоқ тинчиб қолди: ишга кетадиганлар — кетишди, мол-ҳолларини саранжом-саришта қилган бекалар энди уйларида жимгина ғимирлашиб, ишларини қилишарди, болалар ҳали кўчага ёпирилиб чиқишимаганди, ҳаммаёқ сув сепгандай эди, фақат аҳён-аҳёндагина моллардан биронтаси маъраб қўядри ёки бирон эшик гижирлаб қоларди, ёки бирон ердан туйқусдан одам овози эштиларди, булар одатдаги овозлар эди, бу овозларни эштиш, уларга жавоб қайтариш шарт эмасди, булар қишлоқ бутунлай ҳувиллаб қолмаганидан тирик жон борлигидан дарак берарди. Эрта билан туш орасидаги бу тинчликда шовқинсурон, ҳаракат эштилмай қоларди, тиник, очиқ осмондан тушиб жимирлаётган ҳарорат тундан кейинги қишлоқни иситиб, унга оҳиста, зимдан шукуҳ бахш этарди.

— Ҳарқалай онамиз чакки эмаскан,— деди Михаил, ёқимли, жозибали жимлиқдан ийиб кетиб.— Ойимизнинг кўнглига боқиб кун ҳам ажойиб бўлди-да. Ҳар кимга ҳам бунаقا кун насиб этавермайди.

— Ҳа, ҳаво очилиб кетди,— деди унга жавобан Илья.

— Аммо биз бир ишни қилиб қўйишимиз керак. Ҳозирча магазинда оқи бор, ўшандан олиб қўйишимиз керак. Бўлмаса, эртага пул олиб келишса, ҳаммаси қўлма-қўл бўлиб кетади. Кейин югуриб юрасан.

— Нима, ароқми?

— Ие, оқ деяпман. Анави қизилни хуш кўрмайман. У мен учун на бору на йўқ. Ўшандан, ўша жин ургурдан бош эрталаб оғрийди-да.— Михаил бош оғриқни эслали билан аъзойи бадани жимирлаб кетди.— Куни билан ўлат теккан одамдай караҳт бўлиб юрасан.

— Бари бир хотин-халажларга олишга тўғри келади.

— Озроқ оламиз, ўша етади. Кўп олиб нима қиласан? Ҳозир хотин-халажлар ҳам уни кўн ичавермайди. Кўпроқ оқидан олади.

— Ҳамма жиҳатдан баравар бўлиш талаб этиларканда, а?

— Бўлмаса-чи.

Улар бир-бирларини тушунишиб, қувлик билан жилмайишиди, аммо эркакларнинг teng ҳуқуқлилик тўғрисидаги бу қувноқ сұхбатини давом эттириш фурсати эмасди, шунинг учун улар бу гапни бир четга йиғиштириб қўшиди, Илья ундан:

— Нечта ароқ оламиз? — деб сўради.

— Билмасам, — деди Михайл елкасини қисиб. — Камида бир яшик керак. Ундан ками озлик қиласди. Қишлоқнинг ярми келади-я. Шармандалиknинг нима кераги бор, ойимиз ҳам хасис эмасди чоғимда.

— Ҳа, бир яшик оламиз.

— Ёнингда унча-мунча пулинг борми?

— Эллик сўм бор.

— Мен ҳозир Надядан оламан. Етиб қолар.

— Опа-сингиллардан ҳам оламизми?

— Варварадан нима ҳам олардинг. Люсядан сўрасак бўлади, унинг пули кўп бўлса керак. Майли, берсин. У ҳам ўз қизи-ку, ўгай эмас, уни қанақасига ажратиб қўясан? Тағин хафа бўлиб юрмасин.

— Ҳозир бориб келамизми?

— Ҷўзиб нима қиласан? Мен Надяни топай, кейин борамиз. Йўқ, олиш керак, бўлмаса уни эртага, ойликни олиб келишса, битта ҳам қолмайди, бу аниқ. Мен биламан, бизда шунаقا. Сал анграйсанг, бўлди, кунинг сувга қолади. Бошқа пайт бўлса-ку чидаса ҳам бўлади, аммо ҳозир, бошимизга бунақа иш тушиб турганда, шарманда бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Йўқ, ойимизни иззатхурматини ўрнига қўйиб кузатамиз, ойимиздан иолийдиган еримиз йўқ. — Михайл биринчи бўлиб ўрнидан турди, гапидан тўхтамай деди: — Бундай қилайлик: мен хотинимнинг олдига борай, ахир ўзимизга ҳам озгина қолиши керак-да, сен эса опамнинг олдига бор, менинг мезбон сифатида ундан пул сўрашим ноқулай. Кейин у ёқса борамиз. Зап ақлимизга келиб қолди-да, олиш керак, олиш керак, энди кутиб ўтириннинг ҳожати йўқ.

Кўп ўтмай улар ичкилик олгани, олганда ҳам кўп олгани кетаётгандаридан ҳовлиқишиб йўлга тушишиди, ахир шунчани бир киши олиб келолмайди-да. Магазин олис эмасди, ойлик олиш олдидан магазинда ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун улар у ерда кўп тўхташмади, шишаларии жиринглатиб, яшикни кўтариб келишиди-да, омборчага қўйиб қўйишиди.

— Мана бўлди,— деди Михаил,— жойида туреа, кўнгил тўқ-да. Тураверсин, бу ерда жин ҳам урмайди. Анави портвейнни истаган пайтда олса бўлаверади, унга ишқибозлар йўқ ҳисоби.

Ногаҳон хонада Нинка чинқириб қолди, Михаил қизига ўшқирмоқчи бўлиб эшикни очди, аммо уни учала хотин ўртага олиб сўроққа тутаётганини кўрди-да, қулоқ солди.

— У ўзи,— деди Нинка чўзиб.

— Нима ўзи? Нима?— дерди Люся қизчани жон-ҳолига қўймай.

— Мен э-мас, у ўзи-и...

— Хўш, нима у ўзи? Айта қолсанг-чи? Тилинг борми?

— У кўзини очиб, мени кўрди...

— Хўш, нима бўпти?

— Ўзи буни кўрганиши-а,— деди Надя Нинкани қалака қилиб.— Мен ўзим кўрдим-ку сени, нега унинг чамадонига тегдинг? Сени бирор ўша ерга боргин дедими? У ерда ниманг бор эди?

— У ўзи менга кўрсатди-да,— деди Нинка қичқириб.

— Сен кўрганинг йўқми, бўлди, гапирмагин.

— Вой тавба, она билан ҳам шунаقا гаплашарканми. Вой одатинг қурсин. Кимдан ўрганяпти-а, бунаقا одатни.

— Шошмай тур, Надя,— деб уни тўхтатди Люся ва яна Нинкага энгашди.— У сенга қаёқни кўрсатди?

— Қаёқни... қаёқни... Каравот остини.

Надя тушунтириди.

— Кампир каравот остидаги чамадонида шу эркатоинга конфет сақлаб юради.

— У сенга қанақа қилиб кўрсатди?— деди Люся ўсмоқчилаб.— Бизга бир бошдан айтиб бергин. Қандай кўрсатди? Хўш?

— Мен унга қарадим, у бўлса менга қарамади, кейин кўзларини очди-да, менга қарай бошлади. Кейин кўрсатди.

— У сенга ҳеч нима демадими?

— Ҳеч нима демади.

— Вой тавба-ей,— деб Варвара оғир хўрсанди.— Охири нима бўларкин-а?

— Умуман ўзи ёмон эмас,— деб Нинканинг ёнини олди Михаил.— Бунаقا қилганини сира кўрмаганмиз. Эҳтимол, ўлим олдидан ойим ҳушига келиб, кўзи равшанлашиб кетганми, шунда Нинка дуч келиб қолганми?

Ўлимнинг эсга олиниши уларни ҳушёр торттириб, ҳовурларидан тушириб қўйди, ҳатто улар гўё нариги дунёнинг аччиқ, қўланса ҳавоси бу томоннинг ҳавосини ҳам заҳарлагандек, ҳадиксираб нафас ола бошлашди. Кейин оёқ учида юриб, кампирнинг каравотига яқинлашишди, улар кампирдан бирон ўзгариш топишга ҳаракат қилишди, аммо топа олишмади: энди, кун эрталаб-кига қараганда ёп-ёргу бўлганда кампирнинг юзлари баттар оқариб мурданикига ўхшаб қолгандай кўринарди, аммо юраги аввалгидек уриб турарди, уни одамлардан жудо бўлишга қўймас эди.

Михаил ташқарига, Ильянинг олдига чиқди, у шу вақт ичиде нонни увоқлаб товуқларга бериб ўтирган эди. Михаил Ильяга:

- Нинка бувим кўзини очди деяпти,— деди.
- Уни қара-я! — деб ажабланди Илья ва хўрозни оёғи билан ҳайдаб юборди.— Нима демоқчи бўлганийкин?
- Билмасам.
- Тирикми ахир?
- Тирик. Кўрдик.

Куннинг бунчалик яхши бўлиши бежиз эмасди, бу бежизликнинг кампирга даҳли бор эди, албатта, ҳаво мулојим, оромбахш бўлиб, нақ қишлоқ тепасида, қолаверса, кампирнинг уйи устида жимиirlаб турарди. Вақт тушга яқинлашиб қолса-да, бирон ҳодиса юз бермади, кун жимгина кечмоқда эди, гўё у кимнидир фалокатдан асрар, ўз паноҳига олгандай эди. Эрталабданоқ осмон бетини хиёл булут қоплади. Сентябрда кунлар ҳам эскириб, баҳордан бери кўп нарсани кўра-кўра ийжиқ бўлиб қолади, аммо бу кун эса ердаги барча нарсани билиб тургандай, бирон жиҳатдан кампирга ёрдам бермоқчи бўлаётгандай, кампирнинг кўзига ортиқ даҳшатли кўринмасликка, қиёматни эслатмасликка уринаётгандай эди. У фақат сездирмасдан кампирни ё у ёқлик, ё бу ёқлик қилиб аросатдан чиқариб қўйса бўлди эди.

Михаил билан Илья ароқни келтириб қўйишдию энди нимага қўл уришларини билмай ҳайрон эди: бошқа ишлар бу иш олдида бир пулдек эди. Шунинг учун улар ҳар лаҳзани юз азобда ўтказаётгандай эди, улар Татьянадан ҳамон дарақ йўқ, ҳолбуки бу вақт ичиде ўн марта келиб-кетса бўларди, деб гапиришди. Илья Михаилдан қачон ишга борасан, деб сўради, у уч-тўрт кунга жавоб олдим, деди,— сўзлар ҳам тузсиз, кераксиз, бир-бирига қовушмас эди. Ака-ука ҳозир энг муҳими кутиш эканини билишарди, аммо кутиш ҳам турлича бўлади-да, шу-

нинг учун улар киши билмас ташвишга тушиб қолишганди — улар кераклигича кутишяптими ёки вақтларини беҳуда ўтказишяптими. Ўлаётган она мияларидан сира нари кетмасди, аммо ортиқ дараражада уларни қийнамасди ҳам: нимаики қилиш лозим бўлса, улар шу ишни қилиб қўтишди — бири хабар қилди, бошқаси келди, мана, ароқни бирга олиб келишди — энди қолган ишларнинг ҳаммаси оналарига ёки яна бирор зотга боғлиқ эди, аммо буларга боғлиқ эмасди, ўлмаган одамга гўр қазилмайди-ку ахир! Уларнинг доимо ишлари бор эди, энди бўлса тўсатдан бу ерда бекорчи бўлиб қолишди, чунки остоная келиб тикилиб турган мусибат олдида бошқа ишга қўл уриш яхши эмас-да ахир, аммо ўша мусибатнинг ўзи ҳали-ҳозирча тикилишдан нарига ўтмаяпти.

— Ҳарқалай шуни айт менга, а,— деб яна гап бошлади Михайл.— Ахир, абадий яшамаслигини, пишиб қолганини билардик-ку. Ахир кўникиб боришимиз керак эди, биз бўлсак, ич-этимизни еб ётибмиз.

— Ие, бўлмасам-чи,— деб унинг гапини маъқуллади Илья.— Она-да.

— Она... бу тўғри. Отамиз йўқ, мана энди онамиз ҳам кетади, кейин ҳаммамиз ҳам етим қўзи бўлиб қоламиз. Ёш эмасмиз-ку, аммо ёлғиз қоламиз. Айтайлик, кўпдан бери ойнимиздан ҳеч қандай наф йўқ эди, аммо аввал навбат уники, кейин бизники деб юрадик. Худди бизни шикасту рехтдан тўсиб тургандай эди, қўрқмасдан яшайверсак бўларди. Энди қадамингни ўйлаб босасан.

— Э, буни ўйлаб нима қиласан? Ўйласанг-ўйламасанг...

— Ўйлашни-ку ҳожати йўқ-а, аммо бари бир. Худди тақирип ерга чиқиб қолгансану ҳамма сени кўриб тургандай.— Михайл жингалак сочли бошини буриб, жим бўлиб қолди.— Мана, яна шу ўз болаларимизни олайлик. Бувилари тирик пайтида улар кичик боладай, ўзинг ҳам ёшдаисан, бордию бувилари ўлиб-нетиб қолгудай бўлса, ҳаммаси сенга ёпишиб олади, сенга орқа қилади. Бу жин ургурлар кунда бир яшайди, уларни тўхтатиб бўларканми.

Михайл гапини тугатишга улгурмади — уйдан Надя отилиб чиқди, галати бир овозда эркакларни чақирди:

— Хой, эркаклар, тезроқ келинглар, тезроқ.

— Нима гап?

— Ойим...

Улар то етиб келгунларича кампир яна ҳушидан кетган эди, аммо ҳушидан кетишидан олдин тўсатдан гўлди-

раб қандайдир бир сўзни айтди, лекин қанақа сўзлигини яхши эшитишолмади, Люся билан Варвара югуриб келганида эса кампир рўпарасига қараб ётарди, аммо энди кўзлари юмуқ эди. Гарчи кампир энди қимир этмаса ҳам, унда қандайдир бир ўзгариш юз берадётганди, ичиди бир нима ишлай бошлаганди — кампирнинг мана ҳозир тўхтаб қолган жойидан қўзгалиши шундоққина кўриниб турарди, ҳатто юзларида ҳам ўзгариш бор эди: юзлари яна ҳам ичига тортиб кетганди, унинг қаърида қолған-қутган куч ҳаракатга келиб, кампирнинг юмуқ кўзларини пирпиратарди.

Улар оналарини ўраб, нима деб ўйлашларини ҳам, нимадан умид қилишларини ҳам билмай қўрқиб қараб туришарди, бу қўрқув шаҳар ва қишлоқ ҳаётида бошларидан кечирган барча илгариги қўрқувларига сира ўхшамасди, чунки бу қўрқув ҳаммасидан даҳшатли бўлиб, ундан ўлимнинг ҳиди келиб турарди, бу ўлим уларнинг ҳаммасини юзидан бирма-бир таниб олиб, уларни энди сира унумтайдигандай эди. Унинг қандай юз берадётганини кўриш ундан ҳам бешбаттар даҳшатли эди. Улар бир кун эмас бир кун бошларига тушадиган ажал худди мана шу эканини билишар, шу сабабдан доимо ажални ўйлаб юрмаслик учун унга қарашни истамас эдилар, лекин ҳар ҳолда нарига кетишга ёки тескари қараб олишга қурбилари етмасди. Улар яна шунинг учун ҳам кета олмасдиларки, оналирига чанг солаётган ўлим улардан ранжиши мумкин эди, унинг эътиборини яна бир бор ўзларига қаратишни эса ҳеч ким истамасди. Шу боисдан улар қимирламай туришарди.

Нимадир лип-лип этиб, кампирнинг кўзларини қимирлатди, шундан кейин кўзлар жуда секин, аранг бўлса ҳам ҳар нечук очилди, ёруғ оламни кўришга ҳаракат қилди, бўлмади, юмилди. Кўзлар бир неча минутгача жимгина турди, кейин яна қимирлаб очилди, бу сафар улар дадилроқ боқар эди, шу сабабдан хира нурлари билан нимавидир кўрди, ўша кўрган нарсаси ҳам хира, чаплашиб кетган, босириқ тушга ўхшарди, кампирнинг юзида тушкунлик ва дард-алам ифодалари пайдо бўлди. Кампир мудҳиш шарпаларни ҳайдаб юборишга уриниб кўзларини пирпиратди, аммо ҳайдаб юборолмасдан, яна кўзларини юмди, эҳтимол ўзи юмилгандир. Бироқ кўзига кўринган нарсалар сира кампирнинг миясидан чиқмасди — текшириб кўришга даъват ётарди, чамаси, ўзининг тириклиги эсига тушиб қолганга ўхшарди, шунинг учун ҳозир ўзининг қаердалигини, эс-ҳуши жойидами-йўқми, билишни

истарди. Кампир оқиста күзларини очди, очишга ўзида куч топа билди ва атрофига нигоҳ ташлади, йўқ, шарналар гойиб бўлмабди, кампир уларни яқиндан кўриб таниди — энди жим ётишга унинг сабри чидамади, унинг ичидан заиф, қуриллаганга ўхшаш қалдироқ овоз чиқа бошлади.

Варвара,вой, деб юборди-да, кафтлари билан юзлари-та урди ва қичқириб юбормаслик учун томоғини ушлаб, ўзини тийди.

Кампир гўё рамақда қолган жонидан ҳам ажралган-дай жим бўлиб қолди, силласи қуриб, кўзлари истар-истамас юмилди, бироқ нафас олиши дадил эди, шундан кампир титраб ётарди, кейин нафас олиши ҳам сусайди, лекин бутунлай йўқ бўлиб қолмади, кампирнинг усти-даги адёл қимирлаётгацидан ҳам бу аниқ кўриниб ту-рарди.

Улар ўзлари кампирнинг ўғил-қизлари эканликлари-ни жуда яқиндан ҳис этиб, унга ачиниб, ҳаммадан кўра кўпроқ ўзларига ачиниб кутиб туришарди, чунки кампир ияк қоқса, оналари туфайли бошларига қайғу-кулфат тушади, бу қайғу-кулфат тезгина тугаб қўя қолмайди. Боз устига улардан ҳар бири ўзича янги, илгари ўзлари сира туймаган туйғудан — шу ерда, она қошида, унинг охирги соатида ҳозиру нозир бўлиб турганидан ичидан мамнун эди, ахир жон бераётган сна-отанинг қошида ҳо-зир бўлиш ҳар бир ўғил-қизга ҳам қарз, ҳам фарз-да, уларнинг ҳар бири ана шу билан маъзур бўлади, аммо бу кечиримнинг инсонга, онага деярли алоқаси йўқ эди, ле-кин ҳарқалай ҳаётда зарур эди. Бу — қўрқув ва дард-алам эди. Оналарининг узоқ жон талапиши буларнинг назари-да, ҳеч кимнинг назари тушиши мумкин эмас бир ҳодиса бўлгани учун ҳам уларни жуда қўрқитиб юборганди, шу туфайли улар ўзлари ўзларига ишонмай, ичларида, қани энди тезроқ тугаб қўя қолса, дейишарди.

Кампир ҳамон нафас оларди.

Илья чидаб туролмасдан Михайлга бир нима деб пи-чиirlади, кампир гўё бу пичиrlашга жавобан тўсатдан яна кўзини очди-да, юммасдан тикилиб ётаверди. Кампир йигламоқчи бўлди, аммо йиглай олмади, кўзларида ёш қолмаганди. Варвара жонҳолатда унга ёрдамлашишта шошилди, дарров узвос солиб йигини бошлади, кейин ке-ракли овоздан далда топган кампир қолди, узилмади, у деярли тилдан қолган эди, лекин ҳар қалай, тилининг учидаги турадиган ўша қадрдан сўзларни эслади.

— Лю-ся,— деди кампир кучаниб.— Илька, Вар-вара,

— Биз шу ердамиз, ойи, шу ердамиз,— деди Люся уни тўхтатиб.— Ёт, биз шу ердамиз.

— Ойи-жон!— деди Варвара тўлиб-тошиб.

Кампир ўзига ҳам, овозларга ҳам ишонди, сўнгги қувонч ва изтироблар ичида жимиб қолди. Кампир уларга қараб ётарди-ю ўзи назарида аллақандай чўқурга тушиб кетаётгандай бўлаарди. Кейин ногаҳон ўни бир нима тўхтатиб қолди, у қайтиб чиқди, юзлари буришиб, кўзлари кимнидир қидира бошлади. Варваранинг йигиси унга халақит берарди, шунинг учун уни йиғидан тўхтатишиди.

— Танъчора,— деди кампир илтижо билан.

Улар бир-бирларига қарашди-да, оналари Татьяна-ни шунаقا деб аташини эслалиб, бараварига жавоб беришиди:

— Ҳали келгани йўқ.

— Ҳали замон келиб қолади.

— Ҳадемай келади.

Кампир тушуниб, бошини хиёл қимирлатиб қўйди. Унинг юзидаги тиришлар ёзилиб, кўзлари юмилди. Кампир яна уйқуга кетган эди.

Болалари ҳам нари кетишиди — дам олиш керак эди. Кампирнинг ёнида ёлғиз Варвара қолди, у секингина йиғлаб ўтиради, унинг йигиси ҳеч кимга халақит бермасди. Агар Варвара йигидан тўхтаса, ҳаммалари алланечук бўлиб қолишарди.

3

Бу бир мўъжиза билан бўлдими ёки мўъжизасиз, ҳеч ким айтиб бера олмасди, аммо кампир болаларини кўриши билан тирила бошлади. У яна икки марта миёнга ҳеч кимга билмас қаергадир, остидаги қоп-қоронги чоҳга тушиб кетгандай бўлди ва ҳар сафар яна ҳушига кёларди-ю, қўрқа-писа инграб, болаларим шу ердамикин ёки менга шундай туюлдимикин, деб кўзини хиёл очарди. Болаларидан кимдир албатта ёнида бўларди ва бошқаларини чақиради — кампир уларни танирди-да, кўнгли жойига тушиб, йиғлашга уринарди. Кейинги марта у пича кўз ёши ҳам қилиб олди, унинг ўзи ҳам ўзининг заиф, адойи тамом бўлган овонини эшитди, бу овоз афтидан қайтиб ташқарига чиқишни истамаганидан бўлса керак, бир азобда чиқди.

Кампирнинг аъзойи баданига аста-секин жон кириб, ҳатто унинг оёқ-қўли қимирлай бошлади. Кечга бориб

кампир шунчалик ўзига келиб қолдики, ҳатто Надяни чақириб, ундан:

— Сен менга бўтқа пишириб берсанг бўлармиди... Нинканинг ёшлигига пиширганингдан. Ёрмадан. Суюққина қилиб,— деб илтимос ҳам қилди.

— Манийданми?

— Ҳа-ҳа. Ўшандан, томоғимни ҳўллай, суюққина бўлсин.

Үйдагилар оёқларини қўлларига олиб югуриб қолишиди. Ҳудога шукур, Надяда манка бор экан, аммо тушдан кейин шу вақтга келиб пеъ бутунлай совиб қолган эди, шунинг учун бўтқани электроплитада пиширишмоқчи бўлишди, уни анчагача қидириб, зўрга топишди, бундоқ қарасаларки ҳали электр ёнмабди. Михайлни ҳовлидаги ўчоққа ўт ёқишга юбориши, бўтқани нимада пишириш хусусида Люся Варвара билан тортишиб қолди, чунки Варвара биратўла катта қозонда пишириб беришига, Люся эса бирдан кўп бериш мумкин эмас, зиён қиласди, яхшиси, керак бўлса яна пишириш керак деб туриб олди, Илья бўлса Михайлнинг атрофига ивирсиб нуқул:

— Ойимизни қара-я? Қойил-е! — дерди.

— Уругимиз-да, — дерди Михайл унинг гапига қўшилиб. — Бизнинг уругимизни осонлик билан гўрга элтиб тиқавермайсан.

— Ҳа, бўтқа егим келяпти, дейди-я, кўрдингми? Мен бўлсам, тўғрисини айтсам, ишонмагандим, ҳаммаси таом бўлди, деб ўйловдим. У бўлса, бўтқа ейман, менга бўтқа пиширинглар, дейди-я. Демак, оч қолибди-да, оббо сен-е!

— Умуман кампирлар узоқ яшайди ўзи. Кампирлар қанча кексайса, шунча кўп яшашади — мана, масалан, ойимиз қартайиб, буқчайиб, қилтиллаб қолишиса ҳам ғимирлаб юраверишади. Куч-ғайратни қаёқдан олишаркин-а.

Илья ажабланиб нуқул ўз гапини маъқуллади:

— Аммо сиймиз, ойимиз ажойиб-да ўзи! Ким шунаقا бўлади деб ўйлабди! Биз бўлсак, худойисига деб ароқ олиб юрибмиз-а, у бўлса: «Ҳой яхшилар, шошманглар, ҳой қизларим, ўғилларим, мен ҳали бўтқага тўйганим йўқ», — дейди-я. Илья кулиб такрорлади: — «Бўтқага, — дейди, — ҳали тўйганим йўқ, бўтқа бўлмаса ҳеч нарсани билишни ҳам истамайман».

— Заифлашиб қолган, — анча босиқлик билан жавоб берди Михайл. — У шунча кундан бери оғзига нон увоги ҳам одгани йўқ-да ахир. Хоҳлаган одамингдан суринтиравер.

Банкача-ю, шишачалар күтариб аёллар югуриб келинди, печка атрофида кичик кастрюлкада оддий маний бүтә эмас, худо билсин, қандайдир антиқа овқат пиширишмоқчи бўлгандек, олти қўл бир-бирига тегмасди. Нинка ҳам шу ерда — оёқ остида ўралашиб юради. Надя уни ҳайдардио сира нари кетказа олмасди. Нинка қандайдир муҳим воқеа юз берганини тушунардию бу ёғидан бехабар қолишдан қўрқарди. Варвара печь олдиндан онаси олдига, у ёқдан-бу ёққа гизиллаб бориб-кела-вериб терлаб кетганди, у бориб-келаркан худди ҳомила-дор хотинлар сингари қорнини ушлаб, онасига далда бериб дерди:

— Ойижон, озгина сабр қил, сабр қил, ҳозир пиширамиз.

Бўтқани кампирга Люся берди, ойим устига тўкиб юбормасин деб кружкани ўзи ушлаб турди. Кампир овқатни оз-оздан, оҳиста-оҳиста ҳўплади: икки марта ҳўплайдио дам олади, яна ҳўплайдио яна нафасини ростлайди. У овқатни ҳам кўп эмас, худди эмадиган боладай ичди, кейин ўзини орқага ташлади, обдан мадори қуриди, олиб кетинглар дегандек кружкага қараб қўл силтади ва анчагача нафасини ростлолмади.

— Вой-ей, ҳаммаёғим қақшаб кетяпти, ишлагандан баттар-а. Ичим ҳам шундоқ тугун-тугун бўлиб кетганга ўхшайди. Энди уни қанақа қилиб ёзади киши?

— Ҳечқиси йўқ, ойи, ҳечқиси йўқ,— деди Люся.— Ҳозир шуниси ҳам тузук. Бирдан кўп овқат еб бўлмайди. Тағин бирон кор-ҳол бўлмасин. Аввал шу ҳазм бўлсин, кейин яна ичаверасан.

— Ичим шундоқ тугун-тугун бўлиб қолган-да ахир, — деди кампир заҳархандалик билан такрорлаб.— Э, Анна Степанна, янги фатерингга¹ кетдинг дедими. Кетдим-а, кетдим!— Кампир нафасини ростлаб олгач, шифтнинг қаеригадир шуурсизалик билан тикилди. Шунинг учун у алаҳлаётганга ўхшаб кўринарди.— Мен, ҳимонсиз бўлсан уни алдадим, изига қайтардим, мана энди бўлса калака қилгандай бўтқа тиқяпман. Бўтқани ҳазм қила олардимми, қаёқда дейсиз.

Ҳаво етишмаганидан кампир йўталди, Люся шоша-пиша деди:

— Сен кўп гапирмаслигинг керак, ойи. Ҳали жуда бақувватсан.

— Нима, чурқ этмай ётаверайми?— сал керилиб жа-

¹ Фатера — квартира сўзининг бузиб талаффуз этилиши, (Тарж. изоҳи.)

воб берди кампир.— Неча йилда болаларимни бир кўр⁴ саму индамай ётаверайми?— Болаларнинг ҳаммаси шу ерда, кампирнинг атрофида эди. Кампир кўзига ишонмай, шундай бўлса ҳам фахрланиб уларга нигоҳ ташлади, кейин кўнгли анча жойига тушиб, кучанмасдан, хотиржам давом этди:— Кимдир биқинимга туртиб, болаларнинг келди, дегандай бўлди. Мен ҳам йўқ, мен аввал болаларимнинг дийдорига бир тўйай, кейин bemalol сёғ чўзиб кетаверсан ҳам майли, деб ўйладим.

Ҳарқалай кампир ҳали гапиришга қийналарди, шу важдан у иоилож жим бўлди. Аммо болаларини ўз олдиди кўриб турганидан курсанд бўлиш туйғуси уни дам олгани қўймади, бу туйғудан юзи титради, қўллари қимирларди, кўкраги кўтарилиб тушарди, томоги тиқиларди. Фарзандларнинг бари оналари атрофида эди, онамиз бизга жавоб қайтариб ўтирасин деб улар ҳам жим туришарди, уни авайлашарди. Кампир бир неча бор йифламоқчи бўлди, ҳовлиқиб, сабрсизлик билан уларга қарарди, биридан кўзни узиб, иккинчисига тикканида муштдеккина боши қалтиради, аммо болаларни адаштирмади: бу Илья, бу Варвара, бу Люся дерди, лекин кўз ёшиданми ёки кўзларининг ўзи хираклашиб қолганмиди, ҳарқалай кампир уларни яхшилаб кўра олмасди, шунинг учун ўзидан жаҳли чиқар эди. Ногаҳон миясига яна атрофимда кўринаётганларнинг барчаси ёлғон туш ёки хаётот, ўтган умримнинг сўнгги хотиралари, шу саббдан кўз олдимда туман турибди,— деган фикр келди.

Кампир ўзича фол боқиб, қотиб, жим бўлиб қолди.

Хона ичини ҳаво очиқ кунлари қуёшнинг ботиш олдидан таратган шаффофф нурлари ёритиб турарди. Кампирнинг боши дераза томонда эди, шунинг учун қуёш унинг сёғига тушиб турарди, рўпарадаги деворга тушиб турган нур гўё девордан ўтиб нариги ёғидан чиқиб кетаётгандай хираклашиб совиб борарди. Шундагина кампир қуёшни кўриб қувониб кетди: узоқ вақтдан бери эси киравли-чиқарли бўлиб ётганидан кампир шу ондаёқ исиб кетди, бу иссиқлик унинг нафаси билан ичига кириб, баданига ёйилар, қонини юришишар эди. Бу туш эмасди: тушда ҳатто қуёш ҳам исита олмайди, аёз ҳам совқоттирмайди. Қулоқлари ҳам худди олисдан эшитилгандек майин, ёқимли шингиллаб қўйди, бу шингиллаш қандай пайдо бўлган бўлса, яна шундай тўсатдан тиниб қолди. Кампир бу овоз қаёқдан қулогимга чалиндиндайкин деб эслай бошлади-ю, кейин, ҳа, бу ёшлигимда қулогимга ўрнашиб қолган овоз экан, деб кўнглидан

кечирди,— ўша пайтларда у бу овозни тез-тез эшишиб, бир умр эслаб қолган эди. Бу овоз уни алдамасди.

— Э худо,— деб шивирлади кампир.— Э худо.

У ўзини зўрлаб кўзини очди. Болалари шу ерда эди, улар аввалги жойларида кутиб туришарди, аммо кампирнинг назарида улар яқинроқ келгандай эди. Энди кампир уларни равшанроқ кўради.

Энг чеккада, нақ эшик ёнида худди бегонага ўхшаб, Надя, унинг ёнида эса Илья турарди.

Кампир Ильяга ўтган сафардан бери, у шимолдағ қайтаётуб йўл-йўлакай ўйга кириб ўтганидан буён кўнига олмасди. Унинг тақир боши, юзи сира ўзига ўхшамаётгандек, суратга монанд эди, гёё Илья ўз бошини сотган ёки қарта ўйинида бирорга ютқазиб қўйгандек эди. У умуман бутунлай ўзгарган эди, анча шалдиршулдир бўлиб қолибди, аслини олганда ёшига қараганда қўйилиб қолиши лозим эди, афтидан Илья яшаб турган жой дилига унча ўтиришмайди шекилли, шундан бўлса керак. Илья сира ўзига келолмайди чоғи.

Кампир Ильяга узоқ, то кўзлари тингунича тикилди, у ундан ўзи туғиб ўстирган, эсида сақлаб қолган ўз Ильясини қидирарди-ю, гоҳ ҳозирги туриш-турмушини кўради, гоҳ яна йўқотиб қўярди. У бор эди, аммо жуда узоқда. Этига эт қўшилибди, қанча-қанча одамлар унинг ёнида кампир ўрнига юрибди, у шу Ильямикин деб гоҳ ишонарди, гоҳ ишонмасди, гёё унинг Ильясини катта, чаққон балиқ майда балиқни ютиб юборгандек ютиб юборгану энди улар бир вужудда яшаетгандек эди. Агар уни чақирсанг, эҳтимол, у дарров жавоб бермаслиги ҳам мумкин, атрофга аланглаб, мени чақиришаптими ёки бошқами, ким чақиряпти-ю, қаёқдан чақиряпти, деб ўйлаши мумкин. Кампир у ерда, ўғли кетган ерда унинг аҳволи яхши эмаслигига ишонарди. Қишлоқда яшайверса бўлмасмиди ахир... Люся тўғрисида бунақа деб ўйлаб ҳам бўлмайди, у шаҳарликнинг ўзгинаси, аслида уни қандайдир шаҳарлик аёл туғиши керак эдику-я, аммо янгилишиб шу кампир туққан, лекин барибир кейин Люся шаҳарлик бўлиб кетди. Илья эса йўқ. Илья на шаҳарликка, на қишлоқликка, на бегонага-ю, на ўзига ўхшайди. Ўғлининг чеҳраси хушнуд, аммо кампир унга қараб юраги ачишар, нега ачишганини эса ўзи ҳам билмас, ақли ҳам етмас эди.

Чиндан ҳам Ильянинг оғзи қулогида эди. У кампирнинг тириклигидан ажабланиб ҳамон ўзига кела олмасди, шунинг учун ҳузур қилиб, ўзидан ҳам Михаилдан

ҳам, опа-сингилларидан ҳам: «Ойим бизни роса лақил-латди-я, оббо кампири тушмагур-ей! Яшасин ойим-е, қандини урсин-е!» — деб куларди. Тушлик олдидан ҳам уларнинг ҳаммаси ойимиз жон талвасасида қийналяпти деб ишонишган эди, кампир эса тирик қолиш учун азоб чеккан экан. Илья ҳаммадан кўра кўпроқ ўзидан куларди: кеча у ишдан жавоб олаётib гаражда ойимни кўмгани кетяпман деб эълон қилган эди, ўзи ҳам заррача шубҳаланмасдан, ҳа, худди шунга кетяпман, деб ўйлаганди. Ҳўш, энди у уларга нима дейди? Мана шуниси бор-да. Ильянинг кўнглига ойимиз бизни лақиллатибди, ҳаммазини ёнига йигиши учун ўзини ўладиган қилиб кўрсатибди, деган гап келганди, аммо у бу гап бемаънилигини, буни ўзи тўқиганини билса ҳам, ҳар қалай у худди мушиук сичқон билан ўйнагандек ичиди шу гапни эрмак қилиб, миясидан чиқариб ташлашга ошиқмас эди. Кампирнинг ўзи бўтқа сўраши, худди болага ўхшаб, фақат сўрғичдан эмасу бошқатдан овқат ейишини ўрганиши Ильяни қувонтириб, ийдириб, унча-мунча ғурурлантариарди, шунинг учун у яна қанақа қаромат кўрсатаркан деб онасига синчковлик билан қараб-қараб қўярди.

Кампир кўзларини дам олдиргандан кейин, оёқ томонида ўтирган Варварага қаради. Варвара онасининг нигоҳини пайқаб шоша-пиша олдинга энгашди. «Ойижон! Бу мен, катта қизингман, мен сени кўргани келувдим, сен бўлсанг менга қарамайсан ҳам», — деб кеча гангиг қичқирганди Варвара. Мана кампир катта қизини ҳам кўрди, Варвара ниятига етди. Кампир уни кўрган заҳоти юзи учди, бошини билинар-билинмас иргади ва хўрсинди: бош ирғаши — қариган чоғингда тинч бўл, деган дуога, Варвара эришиши мумкин бўлган ягона баҳтга ишора эди, хўрсиниб қўйгани эса Варваранинг бу баҳтга эриша олмаслигини, бу тўғрида ўйлашнинг фойдаси йўқлигини билдирарди. Кампир Варварага қаараркан, йиглаб юборишдан аранг ўзини тутиб турарди. Кампирнинг ўзигаку, энди ҳеч нима керак эмас, ҳаммаси ўтди-кетди, бўлари бўлди, қолари қолди, Варвара эса ҳали яшаши керак, кошки эди бундан бу ёғига жони роҳатда ўтса.

Кампир гарчи Михайлни ўзидан ҳам яхши билса-да, уни ҳам кўздан қочирмади. Кампир уни бир ўзини эмас, бошқа фарзандлари ёнида қандай кўринишини билишни истарди. Кампир қарияларнинг: биринчи ўғил худога, иккинчи ўғил шоҳга, учинчи ўғил ўзингга қарашга, деган маталини тез-тез эслаб турарди. Худо билан шоҳга жуда кўп берди, энди уларни санайсану кўз ёши қиласан, хо-

лос. Аммо тириклари ҳам бўйи чўзилиб, қўлидан иш келиши билан бирин-кетин ҳар қаёққа кетаверди, худди бирор кучукчаларни онасидан айриб, бошқаларга бериб юборгандай-а. Ёлғиз Михайл қолди, шунинг учун кампир уни қолган умримни ота-бобомдан қолган эски уйда ўтказиш ниятида ўзим учун туққанман, деб айтишга бемалол ҳаки бор эди. Чунки кампир яна қаердадир яшаши ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди. У Михайлни бошқа фарзандларидан афзал кўрмасди — йўқ, пешонасига ёзилгани шу экан: Михайлнида яшайдио бошқаларини ҳар йил ёзда кутади, кутади, кутади...

Агар Михайлнинг армияда юрган уч йилини инобатга олинимаса, у онасининг ёнидан жилгани йўқ, шу ерда уйланди, эр йигит бўлди, бошқа эрқаклар сингари ота бўлди, куч-куватга тўлди, мана энди кўз олдида секин-аста қариб боряпти. Кампир унга ўрганиб қолди, кўзлари кўниди, паст-баландига чидади, шу боисдан Михайлда юз берган барча ўзгаришлар кампирга билинмай кетаверди. Кечаки ҳам Михайл эди, бугун ҳам ўша Михайл эди. Илья энди бошқа гал шимолга кетаётгандга сочи бор эди, мана, келди, соч деган нарса йўқ, ҳатто кўр одам ҳам билади. Ҳатто деярли ҳар ойда келиб турадиган Варварада ҳам бирон ўзгариш борлигини пайқарди: янада семириб кетибди-ю, аммо кампир, ларга ўхшаб бўлар-бўлмасга кўз ёши қиласидан бўлиб қолибди, сочига оқ оралабди. Илья, Люся, Варвара, Таньчоралар қанчалик ўзгариб кетганимизни ойимиз пайқасин, деб оналари ёнидан кетишганга ўхшайди-да, улар ҳар келганларида оналарига қанча сувлар оқиб ўтаётганини беозоргина эслатиб қўяр эдилар, кампир бунисининг охирги марта келганига мунча бўлди, бунисига мунча, бунисига мунча, дер ва ҳар келиб-кетганидан кейин умрдан яна бир неча йил ўтганини пайқаб қоларди. Кампир ўз умрига қараб эмас, болаларининг келиб-кетишига қараб қариётгандек эди, агар ўзи бўлса-ку то вақт-соати етгунча бир ерда секин-аста гимирлаб, имирслилаб юраверардику-я. Аммо кампир бу ҳақда ўйлай оларди дейсизми? У болаларини кутарди, айниқса ётиб қолганидан кейин уларнинг йўлига кўзи тўрт бўлиб, бўғилиб кетарди, болалар эса кейинги пайтларда жуда кам келадиган бўлиб қолишиди. Уларнинг ҳар бирининг ўз оиласи, турмуши бор, улар ҳам ёш эмас, йиллар энди уларнинг бошини силаб ардоқламайди, кемиради. Кампир буни тушунарди.

Кампир Люсяга бирров қаради-ю, дарров кўзини олиб қочди, кейин унга оҳиста, яширинча, худди зимдан қара-

гандай назар солди. Шундай қариб, заифлашиб, қоқсуюк бўлиб қолгани учун Люсянинг олдида ўзидан уяларди, кампирнинг назарида қизи ҳам ундан уялиши керак эди — қаранг, ахир, қандай чиройли, илмли, ҳатто гапирганда ҳам бу ердагиларга ўхшаб гапирмайди: сўзлари танишу аммо уларни тушуниш учун қулоқни динг қилиб туриш керак. Ундан нимани сўрама, ҳаммасини билади: хўп юриб, кўпни кўрган-да. Хўш, кампир ўз умрида нималарни кўрибди жуда? Куну тун, ишу уйқуни-да. Худди жувозкашнинг отидек шу ўртада айланиб, ғимирлаб юраверди, у билан ёнма-ён яшаганлар ҳам ундан афзал эмас, ҳаёт шу экан, деб юраверишди. Люсянинг ҳаёти қандайдир бошқача, кампир тушунмайдиган, билмайдиган ҳаёт эди, бу ҳаётда кўпгина ишлар янгича қилинади, ҳатто ўлсалар ҳам бошқача ўлади — бу томони кампирга қоронги. Кампир учун тарки одат — амри маҳол эди — у худо қандай раво кўрган бўлса шундай ўлиб ҳам кетаверади, керак бўлса юраги тўлганда йиғлаб ҳам олаверади, шундай бўлса ҳам кампир ҳарқалай Люсянинг олдида ўзини тутишга, Люсянинг жаҳлинини чиқармаслик учун ортиқча бирон сўз айтмасликка, ноўрин иш қилмаслика ҳаракат қиласади.

Кампир юраги тўқилиб, шоша-пиша, ўнгайсизланиб болаларига қарагани-қараган эди-ю, аммо қараб сира тўймасди, қанча боқса шунча кам эди.

— Ўзингни бос, ойижон,— деди Люся.— Ўзингни бос, дамингни ол.

— Келдингларми-а,— кампир қўллари билан юзини беркитиб, йиғлаб юборди.

— Келдик, ойижон, келдик,— деб ҳаммасининг ўрнига дадил жавоб берди Илья.— Ҳаммаси жойида.

Варвара титраб кетди, тўнгиллаган овозда пичирлаб унинг гапини бўлди:

— Намунча бақирмасанг. Нима бало, кўрмаяиссанми?

— Келдингларми-а,— деб хотиржам бўлиб такрорлади кампир ўзича.— Кўзларим тешилиб кетди-я,— кампир бу гапни бир неча йилдан бери қадрдан бўлиб қолган иккни кекса киши гаплашайтгандек қилиб содда, кўнгилни енгил тортирадиган овозда айтди ва жим бўлиб диққат билан қулоқ солди, кейин ҳарқалай кўзини очмай, овозини ўзгартирмай давом эди:— Мана, мен уйғондиму аммо ҳеч нимага ақлим етмаяпти, шу ўзиммани ё йўқмабилолмайман, мен сира ўзимни билмай қолдим-да, на қўлу на сёқ бор. Фақат жоним қилтиллаб турибди, у ҳам ора йўлда. Мен энди ўлдим, шунинг учун ҳаммаёқ қоп-

қоронғи-да, деб ўйладим. Худойимга шукур, азобдан қутулибман, деб бундоқ қарасам, худди қундузгидай ҳаммаёқ ёп-ёргүр. Шунда күзларим ўзидан-ўзи очилиб кетган әкан. Ўзим бўлсам ҳеч нимани билмайман.— Кампир кўзларини очди, ҳеч кимга қарамай то кўзлари офтобга кўникунча индамай турди.— Шунчалик ёргу-а, бундан ҳам ёрг эди. Ким ҳаммаёқни шунчалик ёритдийкин деб ўйлайман. Сизларни кўрдиму ишонмадим, гумоним яна ошди. Ахир шундай бахтга эришишни ўйловмидим? Ҳамманглар шу ерда, фақат Танъчора йўқ... Ўзим ётибману: «Демак киши ўлгандан кейин ҳам охирги марта хурсанд бўлиш пешонасида бор экан-да. Киши ўзидан кейин нима қолаётганини, кимлар деб уззукун жони ҳалак бўлганини бир кўраг экан-да»,— деб ўйлайман.

— Э, ойижон, ажойиб онасан-да, ўзи,— деди Илья севиниб ажабланаркан бош чайқаб.— Кўпдан бери бир оғиз ҳам гапиролмай ётувдинг, мана, булбулигўё бўлдинг қолдинг. Гапларинг жуда бурро.

— Рост, ойижон, кўп гапирма, сенга мумкин эмас,— деб яна огоҳлантириди Люся, лекин аввалгидек дадил өмасди, у нимадандир ҳадиксиради.

— Эй, қўявер, гапиролса, гапираверсин. Мен шунчаки дарров бурро-бурро гапираётганига ҳайрон бўляпман, холос. Худди әртаклардагидек-а, ҳа.

— Ҳаммасига сизлар сабаб,— деб жўнгина тушунтириди кампир.— Сабаби — сизлар. Ахир мен нариги дувёга ҳам бориб келдим. Ўша ёққа, ўша ёққа, биламан. Сизлар келдинглару мен ҳам қайтиб келдим. Ўликманми-тирикманми, орқага, бу ёққа, сизларнинг олдилалингта қайтиб келавердим.— Унинг овози узилай-узилай деб турган ингичка ипга ўхшаб чўзилиб чиқар ва тоҳ йўқолиб, тоҳ пайдо бўлар эди.— Худо ёрлақади. Худо менга сал одамга ўхшасин деб куч ҳам ато этди. Болаларининг капалаги учиб кетмасин, деди-да.

— Гапларинг ҳам ажойиб-да, ойи.

— Қайси онанинг кўнгли болалари ичида тогдай кўтарилмайди? Буни нимасини гапирасан! Устига яна уларни шунча кўрмаган бўлса. Ахир мен ҳам ўлар чотимда сизлар билан икки оғизгина гаплашай дейман-да. Мен қўлдан, оёқдан қолсам ҳам майли, фақат тилдан қолмасам бўлгани. Тилим ўзидан-ўзи ҳам гапираверади. Бир бошлаб олсан бўлди, сайрайверади, тўғри, фақат бошлаб олишшим қийин. Худди аввал баланд тепага чиқиб олишдай бўлади. Кейин нафасим қисиб туради. Мана ҳозир ҳам. Сал шошмай туринглар.

Кампир нафасини ростлаб олиб, офтоб тушиб турган деворга узоқ қаради: кундузги ёруғ нурдан девор дилкаш, аниқроқ кўринарди, кампирнинг юзида секин-аста хотиржамлик ифодаси равшан пайдо бўла бошлади, одатда кексалар кеч бўлгандада бунақа хотиржамликни яхши ҳис этадилар. У ўзини ҳам, болаларини ҳам унутганга ўшшарди, ҳеч нимани, ҳатто ўзининг нафас олишини ҳам сезмасди, лекин бари бир қандайдир бошқа куч билан нафас оларди, девордаги офтобдан бўлак ҳеч нимани кўрмасди, лекин девордаги бу дод кенгайиб, унинг очиқ кўзига ўзи қўйиларди ва ўз ҳукмини ўтказиб юмилгани қўймасди — бари бир бу кўзлар сўнмасди, қамашмасди, балки равшанроқ, тийракроқ кўрарди, илгаригидек дунёга тўймай, очкўзлик билан йирилиб-йиртилмасди, ҳаётнинг ишончли паноҳида йилтираб турарди.

Болалар кутиб туришарди, кетиши мумкин эмасди. Ҳатто ўзаро гаплашиш ҳам ноқулайдай туюларди — улар оналари буорганидек унинг оғзини пойлаб туришарди, бир-бирларига қарамасликка ҳаракат қилишарди.

— Ҳозир мени худди бирор қўлида кўтариб тургандай,— деди кампир уларга қарамай.— Остимда гёё ҳеч нима йўқдай. Сира чўчиётганим ҳам йўқ — худди ўзи шунақа бўлиши керакдай.

Кампир қимирламасдан яна бирпас жим ётди, кейин хаёлини йигиб олди. Қўзлари ҳоргинлик билан пастга қаради, юзида кекса одамларники сингари табиий бир сабр-тоқат ифодаси пайдо бўлди, аммо у болаларини кўриши билан бу сабр-тоқат ўрнини мулойим, илиқ кувонч эгаллади. Кейин кампир яна ўзига ишонмади, Люсядан оҳиста сўради:

— Сизлар қачон келдинглар?

— Биз Илья билан кеча кечқурун келдик.

Кампир муддаосини дарров айтмади, қутиб турди-да, сўнг:

— Менга ҳеч қанақа қанд-қурс олиб келмадингларми? — деди.

— Жуда шошиб қолдик-да, ойи, қўлимиз тегмади, — Люся ўнгайсизланиб, ҳаяллаб жавоб берди.— Аранг улгурдик. Пристанда оёғимизни қўлимизга олиб югуриб-елдик.

— Э, мен ўзимга деяётганим йўқ,— деди кампир.— Менга ҳеч нима керак эмас. Манави гирдикапалагим Нинкага деяпман.— У қўлинин Варваранинг ёнида турган Нинкага чўзди, аммо қўли етмади — Нинка чўчиб

үзини орқага тортди. Қампир ҳафа бўлмади.— Мен чамадонга солиб яшириб қўяман, кейин битта-битта бериб юраман. Мен ҳам курсанд, у ҳам. У аллақачон ҳид олибди. Олдимга келиб: «Кел, бувижон, қарайлик-чи, чамадонингда нима бор»,— дейди. Мен унга: «Ҳеч нима йўқ»,— дейман. У яна қистайди. Мен ўзимни ҳеч нимани тушўнмаганга соламан. Ҳудди ёш боладай шу билан ўйнайман. У мени қанду асалим, доимо бувижони билан. У билан гаплашсам, анча ғубордан чиқаман. Нимасини айтай, қарию ёш бола — бирдек.

— Эрталаб магазинга бориб, бирон нима олиб келаман,— деб ваъда қилди Люся.

— Э, овора бўлиб нима қиласиз,— деди Надя хижолат тортиб,— нима Нинка очмиди, шириналик кўрмабдили? Ўзи шундоқ ёпишқоқ-да, ўргатиб қўйишган.

— Борақол, борақол,— деди кампир.— Аммо ҳаммасини берма, озгина бергин. Қолганини келтириб менга бер, яшириб қўяман. Мен бергандай бўламан. Умримнинг охирида сийлаб турай.

Люся эслаб туриб:

— Мен сенга, ойи, узум жўнатгандим, ўшандан еб кўрдингми?— деб сўради.

— Анави кўм-кўк меваларними?

— Ҳа. Узум деб ўшани айтишади-да.

— Жин урсин ўшанингни. Есам, ичиди уруғи бор экан, уни ажратиб ўтиришга тоб-тоқатим бор эканми. Нинкага бердим. Нинка уруғ-пуруғи билан курсиллатиб курсиллатиб еди. Ёқса, еяверсин, дедим. Мен уни еб шохим чиқармиди? Менга, Люся, ҳеч нима керак эмас. Ҳудойи таоло мени шундай ҳам суюнтириб ўтирибди-ю: ўлимим олдидан сизларни етказди. Нима, мен тушунмас эканманми?

Кампир яна йиги бошлади — кўзларидан ёш чиқмади, у хотиржам, қисқагина йиглаб, енгил тортди ва тинчид, қуруқ кўзларини артди.

— Ҳечқиси йўқ, ойи. Ҳечқиси йўқ,— деди Люся.— Аввал бир тузалиб олгин, кейин ҳаммаси ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетади.

Кампир жавоб бермади, у яна девордаги офтобга қаради. Охирги пашшалар ўша ерга ёпишиб турарди, у шу туриш-турмушида ҳудди сеҳрлаб қўйилганга, тахта бўлиб қолганга ўхшардики, гўё у ҳеч ким тушуна олмайдиган нарсаларни кўриб, эслаб қолиши керакдай эди. Уй ичи жимжит бўлиб қолганди, ташқаридан эса ҳеч қанақа овоз эшитилмасди. Яхшиямки бу сафар у узоқ жимиб

қолмади ва хаста, сирли хабар берувчи, унинг иштиро-
кисиз ичидан чиқаётган бир овоз билан — кампир ҳатто
кўзларини девордан узмади ҳам, деди:

— Мен-чи, Варвара, кечаке тепамда ҳўнграб йиглагага-
нингни эшитдим. Сенинг овозинг эди, сеники эди, эсимда
бор. Мен фақат мен ўлиб қолибману шунинг учун йигла-
яптиякан-да, деб ўйлабман. Ҳа. Мен илгари, эсим ҳали
жойидалигида ётардиму: «Мен ўлсам, Варвара келиб,
дод-вой қилиб йиглайди, ҳа, шунисига ҳам шукур-да», —
деб ўйлардим. Умидим ҳам сендан эди ўзи, кейин эшит-
сан: сен. Шунинг учун йигингни жон таслим қилаёти
эшитгандай бўлдим, ҳа, шунақа.

Варвара тахта бўлиб қолди, оғзини очганича онасига
қараб бошини лиқиллатарди, у на гапира оларди, на йиг-
лай оларди. Илья Михаилнинг ёнига келдида таажжуб-
ланиб шивирлади:

— Ойимиз ажойиб-да. Сенга ҳам шунақа туюляти-
ми?

— Қани, ким айтади, киши ўлгандан кейин яна қан-
чагача эшитади, — деб қўшиб қўйди кампир. — Ким ай-
тади? Ҳеч ким айтольмайди. Кўзларини-ку, беркитиша-
ди-я, аммо қулоги очиқ бўлади-да.

— Сен нималарни гапиряпсан, ойи? — деб қаттиқ сў-
ради Илья. — Нималарни гапиряпсан?

— Нималарни? — кампир овозига қараб Ильяни топ-
ди ва жавоб беролмади, уялди, — мен сизларни кўриб
хурсанд бўлганимдан, нима деяётганимни ҳам билмай-
ман. Шунчаки лақиллаяпман-да, сизлар мен қариядан
хафа бўлманглар тагин. Мен бутунлай эсимни еб қўй-
ганман.

— Гапингни қара-я, ойи! Нима, сен тузук бўлсанг,
биз хафа бўлар эканмизми? Қўй бу гапларни, энди тез-
роқ тузалгин, сен билан меҳмонга борамиз, ҳа. Уйда ўти-
риб ҳам нима қилдик! Ҳаммамиз гаплашиб меҳмонга
борамиз. Агар бормасанг, қўллимизда кўтариб борамиз.
Кимсасиз әмассан, қўлда кўтариб юрадиганларинг
бор.

— Яна озгина ич, — деди Люся бўтқали кружкани
онасига узатиб. — Энди бўлади, ошқозонинг ишляяти.

Кампир бошини кўтармоқчи бўлди, Люся унга кўмак-
лашиди. Кампир бу сафар кўпроқ ичди ва нафасини
ростлагач, ўзидан-ўзи ажабланиб деди:

— Қаранглар-а! Худди ўпирилган ўрага тушгандай
кетди-я. Тан озиги жонга малҳам, деб тўғри айтишади.

— Ҳа, мана энди яхши бўлади. Кейин яна ичасан.

- Вой-бўй, энди сиғмайди.
— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, сигади.
— Мен энди Танъчорани кўриб ўлсам майлийди,—
деди кампир гамгинлик билан.— Нега у бунчалик ҳаял-
лаб кетдийкан-а? Ё бирон нима бўлдимикин?
— Келади, ойи, хавотир олма. Уни йўли олис. Ал-
батта келади.

Кампир илтижо қилиб:

- Ишқилиб ўзларинг кетиб қолманглар,— икки-уч
кун ёнимда бўлинглар. Танъчора келса, мен сизларни
ушлаб турмайман. Ўзим ҳам биламан: кўп туриб қол-
санглар бўлмайди.

- Ҳозирча ҳеч ким кетмоқчи ҳам эмас.
— Майли, пича туринглар. Мен сизларниң жонла-
рингга тегмайман, тинчгина ётаман. Ётганим-ётган. Узоқ
вақт кўрмаганимга тилим қичиб гапирдим-да ҳозир.
Хурсандлигимдан ўзимдан кетдим қолдим. Кейин чурқ
этмай ётаман. Сизлар кўнгилларингга ёқсан ишларингни
қиласверинглар, сизларни кунда бир марта кўрсам менга
шу кифоя.

- Ойи, бу «жонларингга тегмайман», «чурқ этмай»,
деганинг нимаси?— деди Люся кампирга писанда қилиб.

- Вой, ойи, бирор эщитса уят! Нималарни ўйлаб топ-
япсан ўзи! Бизда узр сўрайдиган ҳеч қандай гуноҳинг
йўқ сени, буни тушунсанг-чи, ахир, ойи.

- Унақа дема, ойижон,— деди Варвара гапни илиб.
— Унақа дема, бўлмаса йиғлаб юбораман.

Илья ҳам чидаб туролмади:

- Ҳа, ойи-я, ҳа, ойи-я...

- Кампир ичида қувониб жим бўлди, аммо хурсандли-
гини яшира олмади:

- Кўзимни очдим дегунча сизларга тушади, ёним-
да сизлар, ҳозир қани энди бир қуш бўлсаму баландга
чиқиб, бирон ёқларга борсаму одамларга айтсам... Минг
марта шукр...

- Кун борган сари оғиб, пастлаб борарди, аммо хона
ичи ёруғ, равшан эди: ботаётган қуёш нури тўгри дерава-
га тушиб турарди, кампир шу дераза остида ётарди.
Қуёш нури энди шифтга тушарди, шифтдаги нур акси
атрофга ёйларди. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси
кампирнинг болаларига таниш бўлган нарсалар эди, шу-
ларнинг ҳаммаси сезгирилик билан онанинг гапларини
такрорлаётганга ўхшарди. Ҳаммаси гўё кампир билан
баравар гапиран ёки жим бўлиб қолар, ҳам меҳр, ҳам
фаҳр билан уларга тикилар, кампирнинг ўзи каби меҳ-

рибон ва ювош боқар эди. Уй кампирдан кейин ҳам жо-
йида туравериши мумкинлигига кишининг ишонгиси
келмасди, чамаси уй ҳам, кампир ҳам деярли бир хилда
кўп йилларни бошидан кечирди, охир-оқибатда бир-би-
рига суюниб қолганга ўхшашарди. Онага озор бермаслик
учун полда оҳиста юриш керак эди, кампирга айтган
гаплари эса деворларда, уй бурчакларида — ҳамма ерда
бирдек акс-садо берарди.

Уй ҳавоси ҳам улар болаликларида нафас олган ўша
ҳаво эди, бу ҳаво уларнинг хаёлини ҳув ўша болалик
йилларига олиб қочарди, чорларди, аммо унда ҳам кам-
пирга ўхшаб куч йўқ эди.

Дераза чўкиб, дарчага айланиб қолганди. Эшикдан
ўтиш учун бошни ҳам қилишга тўғри келарди. Сувал-
маган, оқланган ёғочлари дўппайиб чиқиб турган девор-
ларни кўриш ғалати, гайритабии туюларди. Харида бу-
рунгидек беланчак ҳалқаси осилиб турарди, илгари бе-
ланчак деярли бўш қолмасди: бири катта бўлса, бошқа-
си туғиларди.

Остига стол қўйилган деразанинг икки томонидаги
деворда икки рамкага суратлар зич ёпиширилганди.
Уларнинг ҳаммаси шу ерда эди: Илья билан Михаил
армияда — хизмат қилишган жойларидан салом йўл-
лашган, мана Илья шимолда, машина рулида, Варвара
эри билан, иккови тощдай қотиб, бир хилда кўзларини
чақчайтириб туришибди, иккови ҳам гўё йиқилиб ту-
шишдан қўрқандек стул суюнчигини ушлаб олган,
Люся қаердадир курортда, катта гаройиб дарахтлар
орасида: ҳали қишлоқилиги қолмаган Татьянанинг юзи
чўзинчоқ эди, чўчиб қараб турарди, гўё у ўлимдан қўр-
қиб суратга тушганга ўхшарди.

Ўнг бурчакдаги бут қўйиладиган жойга энди лампа
қўйиб қўйишганди. Шу кеча лампа иш бериб қолди, бўл-
маса уни турган жойидан ойлаб ҳам қўзгатишмасди,
кампир унга қарамай чўқиниб қўярди. Ўндан сал ўнг-
роқда, кампирнинг деразасига яқинроқ жойда бурноғи
йили Леспромхозга олиб келинган плакат осиглиқ ту-
тарди. Суратда бел ушлаган бир бола ўрмондан чиқиб
келаётганди. Сурат остига: «Қанча кўп дарахт ўтқаз-
санг, шунча узоқ яшайсан» деб ёзиб қўйилганди. Сурат-
даги ўрмон аввалига кўм-кўк бўлиб, кейинчалик паш-
шалар уни саргайтириб юборганди, дарвоҷе, шу йиллар
ичида бола ҳам анча қариб қолди, аммо хонадондагилар
ҳамон суратга тоқат қилиб, уни олиб ташлашмасди.

Энди кампир болаларига анча хотиржам боқарди, бо-

лалари түсатдан, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ чўчиб, го-
йиб бўлиб қолмаслигига ишонарди, шунинг учун кампир
энди қийналмасдан, керакли сўзни дарров топиб эрикн,
бемалол гапиради. У ҳали ҳам кўп гапиришдан толи-
қиб қоларди, лекин энди ўзини-ўзи эпларди: дам олиш
лозим бўлса, дам оларди, у яна ҳозирги бўлаётган ишлар
учун жон чекмасдан келажакда бўладиган ишларга ўзи-
ни сақлаб қолишини ўрганди.

Кечки ёргулик ҳам поёнига етиб, уй ичи, на фақат
уй ичи — ҳаммаёқ совиб, қоронги бўлиб қолди.

Люся онаси устидаги адёлни тўғрилаётни, уни қайир-
ди-да, ногаҳон имиллаб қолди-ю, чақирди:

— Михаил, бу ёққа кел.

— Нима гап?

Кампир ҳеч нимага тушунмай, чўчиб, уялиб, оёғини
ўша ердан тортиб олди.

— Ўзинг қара, Михаил,— деб кўрсатди Люся зарда
 билан.

— Қаёққа?

— Манави ёққа, бу ёққа.

— Хўш, нима бўпти?

— Нега «нима бўпти?» Яна сўрайди-я! Наҳотки она-
миз қанақа чойшабда ётганини кўрмаётган бўлсанг?
Ахир қоп-қора-ку. Ўзиям бир йилдан бери алмаштирил-
маганга ўхшайди. Касал, кекса онанг шунақа чойшабда
ётса майлими? Уялмаганингни қара-я!

— Нега ҳадеб юзимга «соласан? Нима, мен энди чой-
шабларга ҳам қараб юрайми?

— Аммо қарасанг бўлармиди ахир? Буларни ювив
қўй десанг бўлармиди ахир? Бу осон-ку ахир. Ёки она-
мизнинг қандай аҳволда ётгани барибирми сенга? Ахир
бу ерда сен хўжайинсан-ку.

Люся ўзини қаёққа қўйишни билмай лавлагидай қи-
зарib кетган Надяга қарамади ҳам, уни кўрмади ҳам.

— Люся, Люся!— деб унинг гапини бўлди кампир ва
ниҳоят тўхтади. Люся унга ўгирилди. Кампир қўллари-
ни беҳолгина силтади:— Сенга бақиравериб ҳам адойи
тамом бўлдим. Нега мендан бир оғиз сўрамайсан? Зап
гапирадиган гап топибсан-да. Чойшаб эмиси! Оқ чойшаб-
ни мен бошимга ураманми? Бутун умрим шусиз ҳам ўт-
ди, ўлмадим. Энди шунақа расм чиқаришибди: остига
оқ нарса ёзив ётишармиш. Бу зормандаларни ювгунча
қўлдан жудо бўласан-ку.

— Ойи, мен ҳозир Михаил билан гаплашяпман, сен
 билан эмас,

— Сенга мен гапиряпману Михаилни нима қиласан ё гапингни маъқулламоқчимисан? Мана, кўриб турисизлар, овозим хаста, сизларга бақиришга куч борми менда. Надя алмаштирай, алмаштирай, деявериб кўнглимга зигир ёғдан баттар урди, Мени тинч қўйсин деб унга гапиравериб-гапиравериб чарчадим. Ётибманми-ётибман, мени қўзғатиб нима қиласизлар. Ўлсам, баригиб мен жин ургурни, ювиб-тозалайдилар, бусиз гўрга қўйишмайди.

— Нега яна бу тўғрида гап очиб қолдинг?

— Бу гап ҳам ёқмади! Нега дейди-я,— кампир ўкиниб жим бўлди, аммо узоқ чидаб туролмади: — Жонпонимни чиқариб юбординг, ҳалигача ўзимга келолмайман. Тагимда нима кўрдийкин, мен бирон бало қилиб қўйибманни деб ўйлабман. Э, мени нимамдан хафа бўласизлар? Ёш боладан баттарман. Нима қилганимни ўзим билмайман.

— Аммо ўғлинг билиши керак, ўзини унутмайдими, сени ҳам унумасин,— Люся ўжарлик қилиб гапида туриб олди.— Шунинг учун ўғил-да. Сен бизнинг онамиз, қанақасига шунақа чойшабларда ётишингни сира-сира ақлимга сифдиролмаяпман. Бу билан ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, ҳаммаси ҳам, ҳа энди, шунақасиям бўлади-да, дейди шекилли. Бемаънилил-ку бу!

Шунчадан бери девор ёнида қўққайиб турган Надя оҳистагина хонадан чиқди. Ҳамма ўнгайсизланиб, миқётмай тургандада Михайл тўнғиллади:

— Зап баҳона топдинг-да ўзинг ҳам.

— Бекорга, Люся, бекорга Надянинг олдида гапирдинг,— деди кампир бошини чайқаб.— Унда ҳеч гуноҳ йўқ. Менга бир неча марта айтган. Мени эса сира қимирлагим келмасди, ҳа, қимирлагим келмасди, иннайкейин қўрқардим ҳам

— Аммо мен унга ҳеч нима деганим йўқ-ку.

— Унга айтмаган бўлсанг ҳам, баригиб ўшанга тегади-да, яна кимга тегсин? Менга ўша қараояти-да, Михайл эмас.

Варвара хўрсиниб қўйди-да:

— Ҳа, шўрим қурсин! Нима дейишимициям билмай қолдим,— деди.

— Билмасант — индама,— деб узиб олди Илья.— Шуям гап бўлди-ю!

— Мен сенга ҳеч нима деяётганим йўқ-ку.

— Мен ҳам сенга гапирганим йўқ.

Бу кўнгилсиз гап-сўзларни босиш учун кампир сўради:

— Ҳушсиз бўлиб ётганимда мени кўргани Мирониха келмадими мабодо?

— Келмади шекилли,— деб жавоб берди Михайл.

— Келади. Тузалиб қолганимни эшитса, ғириллаб келади, бирон нимани гапириб беради. Агар ўша бўлмаса ҳандай кун ўтказардим, билмайман. Ўша билан гаплашсам яйрайман, келади, албатта келади,— деди кампир бош ирғаб.— Келади-ю: «Ҳой, қизи тушмагур, нега сен ўлмайсан-а?»— дейди. Ҳандай ҳазилкаш бўлса, шундайлигича қолди. Қара-чи, даҳлизизда ҳеч ким кўринадими-йўқми? Шу ердан, деразадан қара.

Варвара ўрнидан туриб, дераза токчасига тиранди.

— Йўқ. Эшик қулфланган шекилли.

— Бирон ёққа кетгандир. Сира бир ерда ўтиромайди, югуриб юргани-юрган. Майли, то оёқдан қолгунча юриб олсин. Ҳали кўп ётади. Ҳа, жонига ҳам тегади ётиш. Мен иложи бўлса, ҳозир унинг кетидан югурадим, қаёқда... Тамом бўлдим.

— Ойи,— деб кампирнинг гапини бўлди Илья ва Михайлга кўз қисди.— Ойи, бордю Михайл икковимиз сенинг соғайиб кетишинг учун озгина исчак йўқ демайсанми?

— Вой, эркаклар-ей, вой, эркаклар-ей,— деб Варвара бир сесканиб тушди.— Шусиз кунларинг ўтмайди сизларни.

— Ҳа, ўтмайди,— деб унинг гапига қўшилди Илья оғзининг таноби қочиб.

— Ичкиларинг келса, ичаверинглар,— деб кампир рухсат берди,— аммо бу ерда, менинг олдимда эмас. Ҳидига тоқатим йўқ.

— Ҳўп бўлади, кетсак ҳам бўлаверади. Ахир, биз, ойи, сен учун ичамиз. Қайтиб касал бўлмагин деймиз-да, да.

— Э, менга десанглар, шайтон учун ичинглар. Бу ўшанга хуш келади.

— Сен ҳам шайтон учун деб қотирдинг-да...

— Бўлмаса-чи, ўшани деб-да. Уни нимаси яхши экан, бирон маза топармиди киши? Агар мени бошимдан зар тўксанг ҳам оғзимга олмасман уни. Булар бўлса тагин шу савилга пул сарфлашади-я. Ҳўш? Худди мен ичманглар десам, сизлар қулоқ соладигандайин-а... қаёқда. Ичкиларинг келибдими: ичинглар, аммо бадмаст бўлгунча эмас. Сен ичганингда ҳандай бўлишингни бил-

майману, аммо Михаилимиз чатоқ, у маст келганида шўринг қургур Надя қаёққа қочиб қутулишини билмайди.

Хурсанд бўлиб кетган Михайл пинагини бузмай жавоб берди:

— Энди, сен, ойи, қанақа айб бўлса менга ёпиштираверасан шекилли.

— Мен сира беҳуда гапирмайман.

— Э, йўқ, ойи, қиттаккина ичамиз. Шунчаки, иштаҳа очиш учун-да.

— Менинг Надядан шикоят қиласидиган ерим йўқ,— деб давом этди кампир эркаклар кетгандан кейин. У гўё ёлгиз унга гапираётгандай Люсяга қаради.— Ахир Михайл ўз туққан ўғлим, у бўлса келин, аммо мен бирорга келиним ёмон деб айтмолмайман. Ахир менга қарашиб учун ҳам сабр-тоқат керак. Худога шукр, у ҳали менга бирон марта ҳам қаттиқ гапиргани йўқ. Агар ёмонлик қилмаган бўлса, мен уни қандай қилиб ёмонлай. Об-овқатимни беради, грелкага сув қуийб келтиради. Совуқ бўлса, мен шу грелка билан тирикман-да, ахир. Ҳаммаёғим музлаб, кесак бўлиб қолади, ҳеч нимани сезмайман.

— Яхшилаб ўраниб ётиш керак,— деб маслаҳат берди Варвара билармонлик қилиб.

— Яна қанақа ўранасан, Надя қўлига илингани билан шундай ўраб ташлайдики, ҳатто қимиirlаб бўлмайди. Устим зилдай бўлса ҳам оёғим қалтирайди. Шундан кейин Надяни чақираман ё Нинкани уни айтиб келгани юбораман. У келиб, сув иситади — енғил тортгандай бўламан. Агар Надя бўлмаганда мен аллақачон тамом бўлардим, э, нимасини гапирасан? Михайл ҳушёргида, баъзан ичмаганида — одам, ичдими, бас, жинни бўлади қолади, ҳеч кимда тинчлик йўқ. Менга ҳам, Надяга ҳам ёпишаверади. Унинг дастидан дунёнинг нариги бошига қочиб кетгинг келади.

— Қанақасига ёпишади?— деди Люся сергакланниб.

— Қанақасига... Шундай ўзи. Зўрга оёғида турадию хотинини вино олиб кел деб қистайди. Ўлсанг ҳам топиб келасан деб туриб олади. Бечора Надя қаёқдан олади, қайси шимилдириғига олади? «Сен ўша ерда ишлайсан, сенга беришади»,— деб магазинга жўнатади, вассалом. Ахир у магазинда бор-йўғи супуриб-сидиради, холос, ўша винога яқин ҳам йўламайди. Ўзиям сал ўйласа бўлади. Бошингни деворга уриб ёрсанг ҳам, айтганини қилдира-

ди. Мен уни қайириб қўяй десам, менга қараб: «Сен, ойи, ётибсанми, индамай ётавер», — деб ўдағайлайди. Кейин тилимни тишлайман-қоламан. Худо кўрсатмасин, мен ундан маст бўлганида қўрқиб қолдим. Ҳа, кайфи тарақ бўлса, Нинкани ёнимда олиб ётаман.

— Э, гап бу ёқда дегин, — деди Люся вазминлик билан.

— Унда на шарм-ҳаё бор, на виждон, — деб газабланди Варвара эшикка ўгирилиб қааркаркан. — Ўз туқан онасига шунаقا муомала қилиш учун ўтакетган сурбет бўлиш керак!

— Баъзан келиб ўтиради-ю: «Қани, ойи, бир гаплашайлик», дейди. Мен у билан, маст билан ниманиям гаплашардим, ўзи эси жойида йўғу. Кейин: «Ҳа, мен билан гаплашинг келмаяптими? Мен сени едиряпман, ичиряпману сен мен билан гаплашишдан ҳазар қиляпсанми?» дейди. Мен унга нега ҳазар қиларканман, эс-ҳушинг жойида пайтида кел, гаплашавер, бунаقا маст келма дейман. Йўқ, билганидан қолмайди, бай-бай-бай!

— У билан ўзим бир гаплашиб қўяман, — деб ваъда қилди Люся. — У билан гаплашиб, попугини пасайтириб қўяман. Рост-да, нима деган гап бу, ахир?! «Едиряпман, ичиряпман...» Бир қами шу эди ўзи.

— Сен у билан кайфи борлигига гаплашма тагин, кераги йўқ. Қулогига гап кирмайди, қайтанга жаҳли чиқади. Ичса, расво бўлади, фирт расво бўлади, ҳеч ким уни яхши демайди. Ухлаб тургандан кейин яна ҳеч нима кўрмагандай бўлади. Агар мана шу қуриб кетгур виноси бўлмаса-ку, бутунлай бошқача одам бўларди-я. Мана шу вино расво қиляпти уни.

— Ичмаслик керак, — деди Варвара.

Кампир унинг гапини маъқуллаб бош иргади, хўрсаниб қўйди:

— Ҳа, ким унга ич, деб айтади? Ҳозирги замонда ичиб, эс-ҳушини йўқотмаган киши тилла одам бўлади. Оғзига ичкилик олмайдиган одамни бошингда кўтариб юранг арзийди. Унаقا одамни манави мўъжизани кўриб қўйинглар деб одамларга пулга кўрсатиш керак. Бизнинг Михаил оғзига тегса бас, кейин тешик бочкага ўшнаб қанча қуисанг ҳам кўрдим демайди.

— Билмабман-да, Михаилимизнинг шу даражага етганини билмабман-да, — дерди ҳадеб Люся таажжубланиб.

— Расво бўлиб қолган, расво бўлиб қолган, — деб қувватлади Варвара. — Ойимиз ёлғон гапирмайди.

— Нега энди ёлғон гапиарканман? — деди хафа бүлиб кампир. — Ўз ўғлимни беҳуда сизларга ёмонлаб гапиришнинг нима кераги бор экан менга?

— Шунинг учун ойим ёлғон гапирмайди, деяпман-да.

— Аммо ойим негадир ҳаммасига чидаб келяпти, — деди Люся унга монанд қилиб. — Михайл бўлса қўлидан келганича ойимизни хўрляяпти, тагин ойимиз унинг ёнини ҳам олиб қўяди. «Ухлаб тургандан кейин яна ҳеч нима кўрмагандай бўлади» эмици... — деди у кампирнинг жигига тегиб. — Мана энди қачон ухлаб тураркин деб кутиб ўтираверасан. Кутуб бўпсан. Уйдан ҳайдаб юборма-гунича кутиб ўтирасан.

— Қачон мени ҳайдабди, бекорга гапириб нима қиласан.

— Ҳайдамаса, ҳар сафар бўш келаверсанг, ҳайдаб чиқарадијам. Ҳайдашига оз қолибди ўзи.

— Үруғимизда ҳеч ким онасини уйдан ҳайдаб чиқаргани йўқ.

— Үруғингда ҳеч ким онасига сенинг ўғлингга ўхшаб муомала қилмаган бўлса керак ахир.

— Ҳеч ким, ҳеч ким, — унинг гапини маъқуллади Варвара. — Мен бино бўлибманки, ҳеч ким бунақа қилгани йўқ, фақат шу.

— Мана, сизлар хафа бўляпсизлар, — деб секин гап бошлади кампир бир оз жим тургандан кейин. — Хафа бўляпсизлар, кошкни мен билан бирга турсанглар эди. Бошга битган бир бало бўлдим — нима, ўзим тушумлас эканманми? Гоҳ уни олиб кел дейман, гоҳ буни, баъзан шундай йўтал тутадики, ёруг олам кўзимга кўринмай кетади: уҳ-ҳу-ҳу-ю, уҳ-ҳу-ҳу. Тащарига ўзим чиқолмайман. Бундан ҳам ёмони борми? Аллақачон сёғимни узатиб кетишим керак эди, ўзимни ҳам, одамларни ҳам қийнаганим бас-да, аммо ажалингдан олдин ўласанми, Михайл ҳушёр юрганида ҳаммасига чидайди, ҳеч нима демайди. Турган гап, маст одамнинг ихтиёри ўзида бўлмайди. Аввалига хафа бўламан, кейин ичимда ўйлаб: нимага хафа бўласан, кимдан хафа бўласан? Шунча йил чидадинг, бу ёғига ҳам чида. Худонинг иродаси шу экан, дейман. — Кампир дамини олгач, қийналмай гапира бошлади. Худонинг эсга олиниши унга тасалли берди. У бемалол нафас олиб Люсядан илтимос қилди. — Унга ҳеч нима дема. Қўявер. Ахир мен ҳам тинчгина ўрай дейман-да, тобутим кетидан бирор кесак отмасин дейман. Ўшанда ажал ҳам елдай келиб, селдай олиб кетади. Ҳа-

да, бўлмаса-чи? Кейин менинг орқамдан бир-бирларинг билан жанжаллашиб юрманглар. Мен учун энг ёмони мана шу. Мен ўлиб кетаман, аммо сизлар ҳали кўп яшашларинг керак. Бир-бирларинг билан кўришиб тура-сизлар, борди-келди қиласизлар. Ахир ўгай эмассизларку, бир етадан-ку. Тез-тез борди-келди қилинглар, ака-укалар опа-сингилларни, опа-сингиллар ака-укаларни унутманглар. Бу ерга ҳам келиб туринглар, жами уруг-аймогимиз шу хокда. Мен ҳам шу ерда бўламан, ҳеч қаёқса кетмайман. Тепамга бориб туринглар, келган-ларингни сезяпман, деб бирон-бир ишора қиласаман, арво-ҳимни юбораман.

Хонага оҳиста Надя кирди ва халақит беришдан қўр-қиб эшик олдида кампирнинг каравоти орқасида тўхта-ди. Надяни кўришиб, унга ўгирилиши, шундан кейин у келиб стол ёнига ўтири, ишдан кейин оғирлашиб қол-ган қўлларини тиззаларига қўйди. У бир зумда ўзгариб кетди: ишда олов, ўтири дегунча қулогига ҳеч нима кирмайди, гўё кўзи очиқлигича ухлаб қолади, бу кўзлар қачон яна туриб, югуриб-елиш кераклигини пойлаб тур-ганга ўхшайди.

— Саранжом-саришта қилиб бўлдингми? — деб сўра-ди кампир Надяни гапга солиш учун.

— Саранжом-саришта қилдим. Сигирни кейин чиқа-риб юбораман, шу.

— Эркакларни кўрмадингми?

— Улар мўрчада.

— Ишқилиб кўп ичишмасин-да.

— Меҳмоннинг олдида-я, ўзини тияр.

— Ахир Михайл бир ўзи эмас-ку, меҳмони олдида.

Надя ниҳоят нима учун келганини айтди:

— Кечки овқатни шу ерда еймизми ё ошхонадами?

Ҳаммасини тайёрлаб қўйдим.

— Шу ерда ўтира қолинглар, — деб жавоб берди кампир. — Бир ўзим қоламанми. Ҳали кўп ёлғиз ётаман.

— Унда чироқни ёқай бўлмаса.

— Ёқа қол, ким сенга ёқма деб айтди. Қоронгидаги ов-қат еб бўларканми?

— Эркакларни чақирайликми-йўқми?

— Нима, улар ўша савил қолгур билан тўйишарми-ди? — жиддий жавоб берди кампир. — Ҳеч нима еганла-ри йўқ-ку. Вино қорин тўйдирармиди. Чақир, келиш-ке-масликларини ўзлари айтишар.

— Мен уларга кейинроқ сузайми девдим,

— Икки марта овқат сузиб овора бўлиб юрасанми? Куни билан югуравериб шундоқ ҳам оёқдан қолдинг.

— Юрақол, Надя, мен сенга қарашиб юбораман,— деди Люся. Ҳарқалай у чойшаб хусусида Надянинг олдида анча хижолатга тушиб қолгани учун бирон нима билан унинг кўнглини олмоқчи бўлаётгани кўриниб турарди.

— Ўтираверинг, ўтираверинг, ўзим қиласман. Мен овқатни ҳали иситмоқчиман, совиб қолган бўлса керак. Ўтираверинг, мен ўзим бирпасда иситиб қеламан.

Люся қолди.

Эркаклар худди буғхонадан чиққандай қип-қизариб келишди, шу важдан ҳам улар бир-бирига жуда ўхшарди. Ҳозир уларни кўрган ҳар қандай бегона одам ҳам: булар ака-ука, дерди: ёноқларининг бир хилда тутиб чиқиб туриши, қуюқ қошлигининг ҳурпайиб туришидан тониб бўларканми? Унисининг ҳам, бунисининг ҳам бўйни қизариб кетганди. Ильянинг қони қал бошига тепганидан боши чўғга ўхшаб кўринарди.

Улар тарақ-туруқ қилиб стол ёнига ўтиришди, Михаил бағириб сўради:

— Хўш, ойи, ишларинг қалай?

— Қалай бўларди?— унга Илья жавоб берди: улар ҳаммомда иккви гаплашишга ўрганиб қолишганди.— Ажойиб онамиз бор-да. Ўлимга панд берди, мана, кўриб турибсан-ку.

— Ўлимга панд бериб бўлмайди.— Кампир норози бўлиб уларга қаради-ю, дарров ичидагини айтмади.

— Алладинг, ойи, алладинг, йўқ дема. Аммо тўғри қилдинг. Нима, сендан бошқа ўладиган одам қуриб қолибдими? Топилади, ҳа. Оламда яхши одамлар кўп.

— Бўлмаса-чи,— деб ҳаҳолади Михаил.

— Сен, номуссиз, индамай ўтиранг яхшироқ бўларди,— Варвара Михайлнинг оғзини пойлаб туриб тўсатдан уни тўхтатди.

— Э, нима гап?

— «Индамайин ўтиранг, куёв жилмас қошингдан»,— деб Илья болалигидаги тез айтишни эслади-ю, ҳали ўзи ҳеч нимани тушунмасдан ҳарқалай Варваранинг гапини ҳазилга айлантиришга ҳаракат қилди.

— Уятси!— деди тўрсиллатиб яна Варвара ва ёнимни ол дегандай Люсяга ўгирилди. Люся гапни давом эттиришга мажбур бўлди:

— Агар мен сенинг ўрнингда бўлсам, Михаил, яхшиси индамай қўя қолардим.— У сўзларни дона-дона қи-

либ, Михаилнинг кўзларига тик қараб гапиради.— Сенинг онамизга қилган муюмаланг сира ақлга сифмайди. Шуни билиб қўй: биз онамизни хафа қилдириб, сенга хўрлатиб қўймаймиз.

— Нима бало, эсларингни еб қўйдингларми?! Ким уни хўрлаяптиякан?

— Сен-да!

— Мен-а?! Қизиқ, мен унга нима қилибман? Бошландингми, гапиравер энди, гапиравер.

— Люся, Люся,— деб ялинди кампир.— Сен нега бунақасан-а? Худони шафе келтириб илтимос қилдим-ку сендан. Жанжаллашманглар, менга раҳмларинг келсин.

— Йўқ, майли, гапирсин.

— Яхши, ойи, ҳозир гапирмаймиз,— ночор кўнди Люся.— Аммо әсингда бўлсин, Михаил. Сен билан ҳали гапимиз тугагани йўқ.

— Анавиларни қара-я,— деди Михаил Ильяга қарап-кан, арз қилиб.— Талашларини-я. Яна туғишган опалар эмиш-а. Чакки эмас.

— Айтдим-ку, бу тўғрида сен билан кейинроқ гаплашамиш,— деб ваъда берди Люся.

— Утакамни ёрма, ҳеч ким сендан қўрқмайди.

— Сен, Михаил, онамизни хафа қилма,— деди Илья.

— Онани хафа қилиб бўлмайди.

Михаил Илья билан баҳслашиб ўтирмади:

— Бу гапинг тўғри. Онани хафа қилиб бўлмайди. Гуноҳ. Мен ойимни сира хафа қилган эмасман.

— Онамиз бизга ҳаёт бахш этди.

— Бу гапни жуда тўғри айтдинг.— Михаил кайфдан ўшовлаган кўзларини артди.— Ахир ҳаммасини тушунаман-ку. Мен улардан кўпроқ тушунаман.— У опаларига қараб бош иргади.— Улар мени нима учун талашаётганини ўйлаб кўрдингми? Чунки алам қиляпти: мен уларнинг иссиқ жойини совитдим, телеграмма жўнатдим, онам бўлса, мана, ўлмади, мана энди мен уларни беҳуда чақирган, бекорга алдаган бўлиб қолдим. Мен ҳам тушуна-ман.

— Нима деяётганингни ўйлаб кўряпсанми ўзи? Ёки ҳеч нимага ақлинг етмай қолдими?— деди Люся дагдага қилиб.— Қайси юз билан шундай дединг-а?!

— Бунақа дейиш ҳам, Михаил, яхши эмас,— деди яна Илья силлиқлаб.

— Яхши бўлмаса, айтмайман-қўяман-да,— деди Михаил унинг гапига қўшилиб.— Сен мендан каттасан, сени ҳурмат қилишим керак.

— Гап бунда эмас.

— Тушунаман, гап бунда эмас.

Надя келди-да, шўрва қуя бошлади. Барибир икки марта стол тузашга тўғри келди: аввал эркаклар овқатланишиди, шундан кейингина Варвара билан Люся ўтириди. Кампирга ўша кружкада озгина сувидан беришиди. Индамасдан овқатланишиди.

Эркаклар лампани олиб кетишиди. Уларнинг кетидан камнир оғир хўрсиниб қўйди:

— Нима бало, анавидан яна борми дейман у ерда? Бу қандай кўргилик! Э, худо, ўзинг паноҳингда асра. Нималар қилишяпти-я?! Нималар қилишяпти-я?!

4

Кампир яна тонгни кўрди.

У кун ёришишини кутиб, кўзларини очганича анча ётди: чунки у атроф кўрина бошласа, ўрнидан туриб ўтироқчи эди — орқаси ва эти устихонига ёпишган биқинлари сирқираб оғрий бошлаганди, аксига олгандай кун ҳам ҳадеганда ёришмасди, қоронгига қимирилашга эса ҳеч нимани кўрмай йиқилиб тушаманувой дея олмай ҳам қоламан, деб қўрқарди. Ниҳоят, тонгга яқин дераза бўзара бошлади, кампир деразадан ташқарини кўра бошлади, кейин иккинчи дераза ҳам бўзарид, турган ери билинди, шундан кейин икки томондан хонага тонгтотардаги совуқ, гира-шира ёруғлик туша бошлади.

Кампир кўпроқ ёруғ бўлишини кутди, кейин, ухлаяп-тими-йўқми деб Люсядан кўзини узмай, бош томонига чўзилди, сал нафасини ростлади ва қўллари билан охис-та оёгини суриб полга туширди. Кампирнинг боши айланаб кетди, шунинг учун у худо кўрсатмасин, тағин ўмба-лоқ ошиб тушмай деб, каравотни маҳкам ушлаб олди, ўзини тутиб қолди, ўзига ўзи ҳайрон қолди, бошини чайқади: уни қаранг-а, ким ўйлабди дейсиз — ўтирадиган ҳоли йўқ, қуруқ суюк, аммо ўтириди-я. Кампир оёқларининг қанчалик озғинлигини бирор кўриб қолмаслиги учун устидан адёл тортиб қўйди.

Кампир ўзини ўзи эплаб ўтирганидан бениҳоя хурсанд эди, узоқ ётаверганидан увишиб, деярли қотиб қолган орқалари, қўллари, оёқлари ёқимли симиллаб жи-мирлай бошлади. Энди кўзлари ҳам қийналмасдан боқарди, бу кўзлар рўпарасига қаарди, аланг-жаланг қилишга ҳам ҳожат йўқ эди, кечак кўзлари нақ қинидан чиқиб кетай деди, у шунчалик кучаниб у ёқ-бу ёқка қараганди. Кўп ўтмай кампир яланг оёқлари полда совуқ

еяётганини сезди, шунинг учун у оёқлари остига адёлнинг бир четини түшади — мана, оёқларида ҳали жон бор экан, қон юришиб, бориб турибди.

Эрталаблари хонага қуёш тушмасди, аммо қуёш чиққанини кампир деразасиз ҳам биларди: унинг атрофидаги ҳаво худди бирор бир томондан пуфлаётгандай жимирларди.

Кампир нигоҳини күтариб, осмонга қаради. Қуёшнинг ҳали ерга тушиб улгурмаган ўйноқи нурлари осмоннинг у четидан бу четига кўпприк солганди. Кўрган киши ундан оёқ яланг юриб ўткиси келиб кетарди. Кампир кўнгли яйраб шивирлади:

— Э худойим...

Кампир сигирнинг бўкирганини эшилди, аммо Надяни чақирмади: Қўй-е, ўзи ҳам туришга одатлансин-да, кампир эса бу ёруғ оламда уч-тўрт кунлик меҳмон. Айтгандай, чақирса, Люсияни ҳам уйғотиб юбориши мумкин. Люся ўз шаҳрида чошгоҳгача ётишга ўрганиб қолган, қўйавер: ётаверсин, туриб ҳам нима қиласарди. Кампир ўтирганича Надянинг кийинаётганига қулоқ солди, кейин эшик гижирлаб очилиб-ёпилди, яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, аммо кампир энди уй ошдай қайнашини биларди.

Ростдан ҳам кимдир шап-шап қилди — бу Нинка. У ҳозир ташқарига чиқмайди, албатта, туваги эса шу ерда, кампирнинг каравоти остида. Кампир энгашиб, шивирлаб Нинкани чақирди. У уйқусираб пилдираб келди-да, кўзларини ҳали очмай ёзилиб олди ва кампирнинг каравотига чиқди — илгари ҳам шунақа эди. Нинка эрталаблари югуриб бувисининг ёнига келишни яхши кўрарди, аммо ҳозир кампир худо уни яна бир хурсандчиликка етказганидан, марҳаматини дариг тутмаганидан йиглай-йиглай деб ўтиради. Нинка ҳарқалай ўзининг қаердалигини эсларди. Чунки у уйқу аралаш шундай деб ғўлдираб қўйди:

— Агар сен ўлсанг, мен доим шу ерда ётаман.

— Ётавер, ётавер,— деб суюниб шивирлади кампир, унинг устидаги адёл четларини остига тиқиб бостириб қўяркан.— Бу ерда, печка ёнида иссиққина ётасан, тўғри-да, ҳадемай қиши келади. Бу ерда сен худди онангни қорнида ётгандай ётасан, совуқ емайсан, қийналмайсан. Вой менинг ширин-шакарим! Худди катталардай ҳамма нарсани тушунади-я.

Нинкадан кейин уй яна жим бўлиб қолди, аммо ташқаридан, бошқа ерлардан ҳар хил овозлар эшитила

бошлади. Шунинг учун кампир қулоқ солиб, кимнинг сигири бўкираётганини, бекалардан ким бугун ухлаб қолганини билди. У Мирониханинг сигири бўкиришини кутди, шундан кейин диққат билан қулоқ солиб, Мирониханинг овозини ҳам эшитиш мумкин эди, у сигир соғса, доимо уни қарғаб, вайсарди. Агар жойида турмаса, қанақа сигир бўлди ўзи? Курсичасини кўтариб, сигир кетидан ҳовлида юришу бақириш Миронихага зарур кептими? Сотиб, бошқасини олиш қийин эканми? Ёки унинг ўзи шусиз туролмасмикин?

Йўқ, на Мирониханинг, на сигирнинг овози эшитиларди, худди икковини ҳам ер ютгандай. Бордию ростдан ҳам шунақа бўлса-я? Кеча у бирон ерда қолиб кетганимикин, келмаганмикин? Бир ўзи туради, ҳеч ким уйига бош суқмайди. Кампир Мирониханинг эшигини кўриш учун бўйинни чўзди, аммо кўзлари томдан у ёғига ўтмади, каравотдан туриб нарироқ боришга эса юраги бетламасди, шунинг учун уҳ тортиб яна жойига ўтириди.

Ташқарига маҳлиё бўлиб қолган кампир Варваранинг кирганини пайқамай қолди ва унинг:

— Туриб ўтирибсанми? — деган овозидан сесканиб кетди. Варвара буни кутмаганди.

Кампир ўзига келиб мақтаниб қўйди:

— Кўряпсан-ку, ўтирибман.

— Туриб ўтирисанг бўлармикин ахир?

— Бўладими-йўқми деб кимдан сўрайин энди? Ўтирибманми, ўтирибман.— Кампир шу ўтириши қанчалик катта гаплигини Варвара тушунмаётганидан хафа бўлди.

— Кўзингга қара, тагин йиқилиб тушмагин.

— Кўп камситаверма. Нега йиқиларканман? Йиқилсам, сени йўғингда ҳам аллақачон йиқилиб тушардим. Мана, ўтирибман-ку.

— Сени каравотдан Нинка суриб чиқаргандир-да?

— Мени ҳеч ким суриб чиқаргани йўқ, бекорчи гапларни қўй. Мен у келмасдан олдин туриб ўтиргандим.

Уйқусираб турган Варваранинг кўзлари ёмон боқарди, соchlари ҳам бир-бирига ёпишиб кетганди. У ҳомузга тортиб деди:

— Тушимда нима балоларни кўрибман, ухлаб қолиб, нима кўрганим эсимда йўқ. Қандайдир ёмон тушэди.

— Эсингда бўлмаса ёмонлигини қаёқдан биласан?

— Үйғонганимдан кейин таъбим хира бўлди. Сенга бир гап бўлдими, деб наридан-бери кийиниб, бу ёқиа келдим.

— Ҳозирча ҳеч нима бўлгани йўқ,— кампир безов-таланиб қолди.— У ёқ-бу ёғингни тузатиб, Мирониханикига бориб кел. Унга бирон гап бўлмаган бўлсин тарин? Ахир бир ўзи. Улсаям кўзлари чақчайиб ётаверади-да.

— Нега ўларкан энди у?

— Гапини совуқлигини-я! Нега дейди-я... Одамлар нега ўлади? Нима, курсандлигиданми? У жуда чаққон, куйди-пишди эди, аммо киши юзга чаям чопқиллаб юрмайди-ку. Бугун сигири ҳам маърамади. Мен жуда кўп қулоқ солдим. Йўқ. Бошқа кунлари то уйига етиб келгунча бўкиравериб бутун қишлоқни бузиб юборарди, бугун худди ер ютгандай жим. Ўзим яхши бўлсан-ку ҳолидан хабар олиб турадим-а...

— У ёқ-бу ёгимни тузатай, бориб келаман.

— Ҳа, бир бориб кел. У менга бетона эмас, бир умр бир-биримиздан жудо бўлганимиз йўқ. Гоҳ мен борардим, гоҳ у келарди. Ўшани ўйласам юрагим туздай ачишади.

Люся, эҳтимол, олдин, Варвара ҳали шу ердалигидан уйғонган бўлса керак, аммо Варвара кетганидан кейин-гина қимирлаб, кўзини очди.

— Шангиллаб сениям уйғотиб юбордик,— деди кампир гуноҳкордек.— Бемалол ухлайвер, мен энди гапир-майман. Уларгаям секин юринглар деб айтиб қўяман.

— Ўйқуга тўйдим.— Люсианинг юзи уйқудан кейин ҳам силлиқ, беажин, таранг эди.— Бугун жуда яхши ухладим.

— Туш-пуш кўрмадингми?

— Йўқ.

— Варвара ёмон туш кўрибди, аммо нималиги эсида йўқмиш. Мен унга Мирониханикига бориб келгин, дедим— туши ўшанга тўғри келмасин тагин, а? Устига Танъчорадан ҳалиям дарақ йўқ.

— Ҳовлиқма, келади. Бугун албатта келиши кера!

— Кечаям менга шунаقا девдинглар, қани келгани? Кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Ҳаммамиз тош қотиб ухлаб қолсак, Танъчора келиб эшикни тақиллатиб қолса-я, деб ўйладим. Ётибману қулоқ соламан, ётибману қулоқ соламан. Кечқурун одамлар юришувди-да, ўшаларга қулоқ солдим. Кейин Михаилимиз келиб қолди. Вой-бўй, то ётгунича шунаقا иҳраб-сиҳради, шунаقا оҳ-воҳ қилдики, худди бирор бўгаётгандай. У ўзи эмас,

уни гингшитган анави вино, чамаси кечүурун аичамунча ичишганга ўхшайды. Худога шукур, кейин тинчид қолишди. Тағин бир ўзим қолдим. Ҳеч ким кирмайди-чиқмайды, гапирмайды, ётибман, ўзимга-ўзим қулоқ соламан. Назаримда, кеча жуда узун, худди бир йилдай бўлди-да. Э, нималарни ўйламадим дейсан? Онам билан ҳам гаплашдим, ҳадемай ёнингга бораман дедим. Худодан Танъчоранц илтижо қилдим, қаердан бўлсаям ўзинг етказ, кўрмаганимга кўп бўлди, дедим. Ишқилиб, бугун келсин-да, бўлмаса кўролмай қоламанми. Ҳа, ўзимга маълум, пишиб қолганман, худойи таоло сизларни деб умримни чўзиб турибди, ахир ҳадеб чўзавермайди-ку, охири бор-да. Нега бўлмаскан — бор, ҳа.

Шунгача Люся ўринда ётиб эшилди, кампир чўзилган умр ҳақида гап бошлиши билан ўрнидан тура бошлади. Кампир гаплашадиган одам топилганидан суюнди, кечаси билан дардини бирорвага ёролмади.

— Мен тонг отишидан ҳам умидимни узиб қўювдим — тун ўтиши қийин бўлди. Нима бало, энди тунлар ҳам тонг отмай, бир-бирига уланиб кетаверадиган бўлгану мен бундан бехабар қолганман шекилли, деб ўйладим. Э йўқ, қарасам, одамлар ухлаб ётишибди, уйғонишмайди. Мен эса бўларимча бўлдим. У ёғини сўрасанг, уйқу қаёқда, жуда тўйганман, аммо кўз, барибир юмилаверади. Кечалари юмилишга ўрганиб қолган шекилли — бир нима деб бўладими? Мен бўлсам юмилгани қўймайман, ухлаб қолсаму қайтиб уйғонмасам-а, деб қўрқаман. Уйқу нима-ю, ўлим нима. Кейин хўрозларнинг қичқирганини эшилдим, гира-шира бўляпти. Ҳа, етдим, дедим. Кейин ёриша бошлади, қани бир туриб ўтирай-чи, дедим. Сира чидаётмай кетдим, ахир қуруқ суюкман-да, ётавериб, ҳаммаёғим тешишиб кетди.

— Бугун туриб ўтирдинг, эртага юрасан,— деди босиқлик билан Люся ўрнини йиғишириётуб.— Туриб юриб кетасан. Кейин қайтиб бирорвинг умри билан яшаяпман демайсан.

— Бирорвники бирорвники-да,— деб кампир гапини такрорлади.

Люся баҳслашиб ўтирмади, буклама каравотни йиғишириди-да, ўзини силаб-сийлаб дераза олдида тўхтади. Кун жуда яхши бошланди, ҳаво мусаффо бўлиб, чараклаб турган қуёш қишлоқ устига заррин нурини сажийлик билан таратиб, уни бошдан-оёқ кўз-кўз қилиб турарди. Дарё живирлаб товланарди, дарёнинг нариги

Егидаги, тоғ ён бағридан юқорига қараб күтарилиб кетген ўрмон аслидагидан күра яқинроқ күринарди, аммо унинг bemavrid күм-күк ранги офтобда хирароқ товланаради. Ҳаммаёқ тинч бўлиб, бир меъёрдаги нурда чўмишларди, фақат қишлоқда соялар бир хилда қорайиб турарди, аммо уларни ҳатто итлар ҳам қоқилиб кетишдан қўрқандек айланиб ўтишарди.

Кечаки нега туман тушганини тушуниб ҳам, фахмлаб ҳам бўлмасди, бугун эса шунчалик сокинки, тиқ этган товуш эшитилмайди. Люся рижик тўғрисидаги кечаги гапни эслади-ю, бугун айни ўрмонга борадиган вақт деб ўйлади. Фақат ойиси яхши бўлса бас.

Люся Варваранинг осто наданоқ қичқиришини эшитиб, дераза олдидан қўзғалди, Варвара худо билсин, ҳандайдир бир хушхабар олиб келгандек:

— Эсладим, ойжон, эсладим,— деди.

— Нимани эсладинг?

— Тушимни! Тушим ростдан ҳам яхши эмаскан. Мен сенга шу заҳоти яхши эмас девдим-ку — ҳакиқатан ҳам шунақа экан, эслаб олдим.

— Хўш-хўш? — деб кампир уни шоширди.

— Биз, хотинлар, давра олиб ўтиришган эканмиз, хотинлар ҳандайдир нотаниш эмиш, биронтасини ҳам билмасмишман, ўтирибмиз экану чучвара тугарканмиз. Биласанми, хамирга нима ўрайпмиз экан?

— Мен қаёқдан билай? Нега мендан сўраяпсан?

— Лой.

— Нима дейсан?

— Лой, оёғимиз ости лой экан, биз ўша лойдан олиб, гўшт ўрнига солармишмиз. Яна чучвара лойдан ҳам бўлар экан, деб шундай хурсанд эканмизки, асти қўяверасан. Хурсандлигимиздан нуқул куларканмиз, мен яна: «Ҳой хотинлар, нега ёмон лойдан оляпсизлар, қанақасига бу чучвара бўлсин? Мазаси чиқмайди. Манави мени лойим серёғроқ, шундан олинглар», дермишман. Улар мени лойимдан ола бошлишибди. Эслашим билан аъзойи баданим титраб кетяпти.

— Кейин бирон нима бўлдими-йўқми, ахир?

— Йўқ, бошқаси эсимда йўқ. Чучваралар ҳозир ҳам кўз олдимда турибди: бирим чиройли, оппоқ, яхшилаб терилган, яхши туш эмас, дарров айтдим-ку, ёмон туш деб.— Варвара қўрқиб бошини чайқади-да, сўради.— Буни таъбири нимайикин-а? Тавба! Агар билганимда, бунақа туш кўрмаслик учун ухламай қўя қолардим. Энди нима қилсан экан-а?

— Тушингни айтмай қўя қолсанг ҳам бўларди,— деб унга насиҳат қилди Люся.

— Нима, шунаقا туш кўрсам кўрмадим деб айтишим керакмиди?

— Чучвараларингни ўзинг еяверсанг бўларди. Оймининг кўзи ўша чучвараларингга жуда учиб турибдияканми, наҳотки шуни тушунмасанг? У шундоқ ҳам бироннинг умри билан яшаеман, деб ўйлаб ўтириби, буни устига сен чучварангни гапирасан. Шундай сезгирсанки, одам нақ ақлдан озай дейди.

Люся жаҳл билан чиқиб кетди, унинг кетидан эшик охиригача ёпилмади ва ёқимсиз фижирлаб, яна орқасига қайтди.

— Эшикни ёпиб қўй,— деб кампир илтимос қилди, аммо Варвара тушунмасдан нолиб, тўнғиллай бошлади:

— Тавба, биронга бир нарса деёлмайсан-а. Э худойим-эй, нима бўлса Варвара айбор, фақат Варвара, бошқа ҳеч ким эмас. Энди уни туш кўришгаям ҳақи йўқ. Ўзим ухлаб ётган бўлсан қанақа қилиб кирмагин тушимга дейман. Ахир мен атайлаб шундай туш кўрмайман-ку. Нима, энди бутунлай ухламайинми?

— Сен ким нима деса, қулоқ солавермагин-да.

— Олдимда гапириб тургандан кейин қанақасига қулоқ солмайман? Кар эмасман-ку, ахир. Улар гапиргандан кейин қулоқ соламан-да.

— Эҳ, Варвара, Варвара! Кимга ўҳшадинг-а, намунча содда бўлмасанг,— деб кампир унга ачинди ва эслаб ўз гапини ўзи бўлди:— Мен сенга Мирониханикига бориб келгин девдим, бориб келдингми-йўкми?

— Ҳали борганим йўқ.

— Нега бормадинг?

— Ҳозир бораман.

— Бориб кел, Варвара, бориб кел. У эрталабдан бери сира хаёлимдан кетмаяпти. Унга бирон гап бўлмадимикин? Шундоққина йўлни кесиб ўтсанг бўлди. Агар омон бўлса, айт, кампир йўқлади дегин. Ахир уни кўпдан бери кўрганим йўқ.— Варвара шап-шуп қилиб эшик томонга юрди, кампир кетидан қичқириди:— Эшикни ёпиб кет, ташқаридан ғуриллаб совуқ киряпти. Тағин оёғим шамоллаб қолмасин.

Кампир одатланмаганидан чарчаб қолди, аммо шувакт Нинка каравот ўртасида талтайиб ётганидан, у сабр қилишга мажбур бўлди. Нинкани қимирлатишга кўзи қиймади. Кампир бели қақшаётганига қарамай энгашди ва қўллари билан қорнини ушлаб, икки букил-

ди, оғриқ сал босилгандай бўлди. Кампир сал нафасини ростлади, аммо узоқ вақт шу алпозда икки буқчайиб ўтиришни ҳам ҳавфли деб ўйлади, мункиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди, шунинг учун у яна қоматини кўтариб, қаддини ростлади. Ўрнидан бир чайқалиб хўрсийди.

Варвара ташқаридан деразани тиқиллатиб қичқирди:

— Ойижон, эшитяпсанми, ойижон, Мирониханг уйида йўқ. Надя уни әрталаб паст маҳаллага югуриб кетувди, деяпти

— Ҳа-ҳа,— тушунди кампир ва бирпас жим тургач, ўзига-ўзи деди:— Яна бирон ёққа жўнаб қопти-да. Войвой-ей, бу юримсак кимга ўхшади-я?

— Ҳалиям ўтирибсанми?— сўради Варвара.

— Ҳа, ўтирибман.

Нариги хонада Михаил тимирскилана бошлади, инқи́ллаб-синқи́ллаб, қоқиниб-суқиниб даҳлизга судралиб чиқди, чўмични жаранглатди. Гўё у уйда бир ўзи яшайди-ю, бошка ҳеч ким турмайдигандай эшикни ёпмади, албатта, кампир оҳ-воҳ қилди, аммо Михаилни чақиришга бўйни ёр бермади-да, оҳиста энгашиб, оёқларини адёлга ўрай бошлади. Лекин совуқ бари бир адёлдан ўтиб оёқларини музлатаверди. Эҳтимол, бу бошқаларга совуқ бўлмаса ҳам кампирга совуқ эди.

Кампир қунушиб, жим бўлиб қолди.

— Ерни туш кўрсанг, бу ёмон эмас, албатта,— деди у кейин ишонқирамай ва атрофига аланглади.

Кун одамларнинг айни муддаоси бўлиб, вақт билинмасдан тез ўтарди.

5

Михаил бир чўмич сувни ичиб бўлиб нафасини ростлади. Сув томогидан қуиилаётганида у сувнинг муздаклигини, жони кираётганини сезиб турди, энди яна кўнгли айний бошлади. Михаил бир ўқчиб қўйди, сув қорнида беҳуда қулқуллади, у энди сув эмас, ювинди эди. У яна исчаммикин деб ўйлади-ю, аммо ичмади — барибир фойдаси йўқ, фақат қорнинг шишиб кетадио ортиқча даҳмаза бўлади, кейин у икки қўли билан қорнини ушлаб, пиллапояга чиқди. Ҳозир унга офтоб ҳам, исий бошлаган ҳаво ҳам ёқмасди — ёмғир ёки шамол бўлса ҳарқалай яхши бўларди, нимадир ҳаёлинни олиб, чалғитарди, бунаقا қуруқчиликда ўзингта дарров келмайсан албатта. Михаилнинг устида майка бўлиб, оёқяланг эди, у ҳатто ичкари билан ташқарини ажратол-

масди, кўзига ҳамма нарса бир хилда чучмал, гиравшира кўринарди.

Михаил қаққайиб турмаслик учун бир поғона тушди-да, ўтири, аммо шу ондаёқ дик этиб ўридан турди: заиф, элитувчи фикр ҳарқалай унинг эсига кечаги ароқни туширди, ароқлар қазноқда интизор бўлиб турарди. Қизиқ, уни шу чоққача бир мартаям ўйламабди-я, бу энди одати бўйича бўлса керак, ахир унда ҳеч қачон бирданига шунча ичкилик бўлмаганди-да, иннайкейин, умуман кўпдан бери әрталабга қитдай ҳам қолмасди-да. Михаил бирпас имиллаб турди: у кеча Илья билан иккви бир яшик ароқ олиб келганини-ку аниқ билади-я, юз қилишса ҳам бир ўтиришда ҳаммасини ичиб тугата олишмайди, аммо шундай бўлса ҳам ҳарқалай у ўзига ишонмасди; э, тушингни сувга айт... У эшиги даҳлизга қараган қазноққа кирди-да, бурчакдаги эски-тускиларни оҳиста кўтарди, курсандликдан афти буришиб кетди — нимқоронғи қазноқда оғзи берк шишалар қандайдир бошқача, ҳавасни келтириб ялтираб турарди. Яшикдаги катаклардан фақат учтаси бўшабди, қолганлари эса магазиндагидан ҳам яхшироқ турганди, қаранг-а, кечаси билан турибди-я, жин ҳам урмабди-я. Михаил яна бир шиша олиб, наридан-бери шиммининг чўнтағига тиқди.

У яна туриб келган жойига бориб дам олгани ўтириди. Кўнгли беҳузур бўлиши ҳали босилмаган эди — йўқ, ҳали-вери босилмайди ҳам, аммо таниш ва кўнгилга ёқадиган хумордан аъзойи баданига жон киргандай бўлди. Сезади-да ахир, сезганда қандоқ! Энди бемалол ўтириб кўнглингдаги хумор дардию фикрини бирпасги на ҳайдасанг ҳам бўлади. Шунда дунёни кўзингга шунчалар қоронғи қилиб юборган лаънати хуморнинг жазоси бир қултумгина ютум эканини яққол сезасан-да, ана шу номсиз азобдан қутулиш нашъасини сурib, ҳузур қиласан. Инсон табиатан шунаقا ўзи. Ўзингни ўлгудай чарчаганингни сезиш жуда яхши, нақ ухлаш олдидан, ҳеч нимани эслаш лозим бўлмаган пайтда яхши-да. Бу ҳам қувликка киради. Нима бўлгандаям қувлик-да.

У яна бирпас ўтириши мумкин эди-ю, аммо полиздан Надянинг овозини эшишиб қолди ва кўзига кўринмай қўя қолай деб жазм этди. Кўришар ҳам. Ҳозир хотини унга нима дейишини шундоқ ҳам билади. У уйга кириб пойафзалини киймоқчи бўлди-ю, аммо чўнтағига шиша билан кийинишининг ноқулайлигини кўз олдига келтирди, бунинг устига, кейин Надягами ёки опаларидан биронтаси билан тўқнац келиб қолиши ҳам мум-

кин, шу боисдан уйга кирмасдан шу туришича, оёқяланг аввал бошда қаёқни мүлжаллаган бўлса, ўша ёқقا — мурчага, Ильянинг олдига жўнади.

Илья ҳеч нима кўрмагандек ухлаб ётарди. У на ташвиш, на ғам-ғурбатни биларди, худди кечаси алла-маҳалгача буғдой янчган одамдай ётарди. Михаил унинг олдига, кеча ҳовлидан олиб кирган пастгина ғўла-га ўтириди ва шишани товуқ катаги орқасига тиқиб қўйди. Қишида товуқ сақлайдиган катак ҳам шу ерда, мурчада турарди, ўрни келганда ундан стол сифатида фойдаланишарди. Мана, кеча ҳам шунда ичишди, бинойидай, шикоят ҳам қилишмади. Икки шиша шундоққина кўриниб турарди, учинчи шиша эса қандайдир бир мўъжиза билан катақка тушиб қолибди, бўлмаса-ку эшиги берк, ёнбошига ағанаб ётибди. Бу шишани тезроқ йўқотиш керак — агар битта-яримта кириб қолгудай бўлса, кўнглига ҳар хил гап келади. Ахир бу шишани товуқлар ичиб бўшатмаган-ку. Михаил шишани олмоқчи бўлди, аммо бунинг учун ўрнидан туриши, Ильянинг устидан ҳатлаб ўтиши керак эди, шунинг учун у туриди: бўшми, бўш, майли ётаверсин, кейин бир гап бўлар.

— Илья! — деб чақирди у. Бу унинг бугун айтган биринчи сўзи эди, аввал синааб кўрмагани учун овози ғализ хириллаб чиқди. Вой-бўй, ичи ўзиям роса жизганак бўлиб кетибди-да, ҳатто сўзни ҳам тўгри айтольмайди-я. Михаил йўталиб овозини тўғрилади: — Менга қара, Илья!

Илья бу овозни уйқусида эшитди, нафас олиши ўзгарди.

— Тур, шунча ётганинг ҳам етар.

— Ҳали эрта-ку, — деб тўнгиллади Илья кўзини очмай, жойидан қимирламай. Агар Михаил индамай ўтираса ёки имиллаб гапирса, Илья яна ухлаб қолини мумкин эди, чунки у бутунлай уйғонмаганди ва уйғонишни ҳам истамасди, у худди кечқурун ётқизиб, эрталаб турғизиб бўлмайдиган бола сингари бошини уйқудан кўтارомасди.

— Э, эртангга бало борми! Кун ёйилиб кетди-ку.

— Нега ухламайсизлар-а? Кеча Варвара уйғотувди, бугун сен. Алламаҳалда ётдик-ку, ахир.

— Хўш, қалайсан? — деб сўради Михаил унинг гапига қулоқ солмай.

— Ҳозирча билмайман. Тирикка ўхшайман, — ҳарқалай Илья кўзини очди.

— Мен эса аъзойи баданимни майдалаб ташлашган-дайман. Қўлим қаёқдаю оёғим қаёқдалигини ҳам би-

долмаяпман. Бир бало қилиб әмаклаб келдим бу ерга.
Үшандайм дам олиб-дам олиб келдим.

— Ҳа, кече күп отворибмиз.

— Эрталаб ҳали күзимни очмасымдан абжағим чи-
қиб кетганини билдим. Ётишга ётолмайман, турсам ёт-
гим келади. Мана сен ухлаб ётибсан, сенга ҳеч гап әмас.
Мен эса, йў-ўқ!

— Мен эрталаб уйқуга тўйишим керак. Ҳа. Мен худ-
ди ҳеч нима бўлмагандай маза қилиб ухлайверишм
мумкин. Ана шунаقا! Ишқилиб безовта қилмасанг
бўлди.

— Шунаقا де! — Михайлнинг ҳаваси келди. — Одам-
мисан ўзи ё бошқа нарса? Ахир, туғишган ака-укамиз-
ку — фарқимиз бўлмаслиги керак чамамда.

— Ака-уками, йўқми, ичкиликка барибир.

— Йўғ-е! Аммо омадимиз бор экан ўзи, нуқул оқи-
дан урибмиз-да. Агар анависидан бўлса, роса расво бў-
лардик-да, бугун мен ўрнимдан ҳам туролмасдим. Ту-
ролмасдим, турган гап, туролмасдим. Ўзимни биламан-
ку, ахир.

— Кизили менга ҳам ёқмайди.

— Жин урсин, касални ўзингга сотиб оласан.

— Нима?

— Касални сотиб оласан, — Михайл бошини кўрсат-
ди. — Нақ пулга-я.

— Ҳа, бу аниқ.

— Беш йилча олдин жин ҳам урмасди менга. Ич-
дим нима-ю, ичмадим нима, эрталаб туриб кетаверар-
дим. Энди эс-ҳушиңг жойидалигига ётсанг ҳам олдин-
даноқ эрталаб қанақа қилиб турарканман деб юрагинг
така-пука бўлиб туради. Бу ярамасни стаканлаб ичаса-
ну аммо бир томчидан бўлиб чиқиб кетади-да. То пок-
покиза бўлмагунча одам бўлмайсан. Тупурасану камроқ
қолгандир деб ўйлайсан, қаёқда, минг тупурсанг ҳам
фойдаси йўқ. Умр бўйи мана шунаقا қийналиб юраве-
расан.

— Шунаقا бир латифа бор, — деб әслади Илья. —
Она қизини отасини қидиргани юборади. Ҳа. «Бор,—
дейди онаси, — газакхонага, отанг унақа, отанг бунақа,
ўша ерда бўлса керак». Турган гапки, отаси ўша ерда,
бошқа қаергаям борарди? Қизи бориб: «Дадажон, юр
уйга, онам айтди», — дейди. Отаси эшитиб турибди,
ароқли стаканини қизига тутқазибди-да: «Ич!» — дебди.
Қизи йўқ дебди, мен ичмайман, / истамайман дебди.
«Ич, — дебди отаси. — Мен сенга айтлямсан!» Қизи ста-

кандан бир ҳўплабдию йўталибди, қўлларини силкитибди, кўкариб кетибди-да: «Вой-бўй, жуда заҳар экан-ку!» дебди. Шунда отаси қизига: «Хўш, каллаварамлар, нима, онанг билан икковинг мени бу ерда асал ичади деб ўйловдингларми?» деган экан.

— Ана,— деб кулди Михаил.— Улар бизни асал ичади деб ўйлашади шекилли. Жон-дилимиз шу ичкилик деб ўйлашади-да.

— Бу латифани эшитмовдингми?

— Йўқ, эшитмовдим. Жуда тўғри латифа экан. Ҳаёттий.— Михаил индамай қолди, айтилган гапларга бошини сарак-сарак қилди, кейин чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлади.— Шунинг учун, Илья,— деди у ва товуқ катаги орқасидан шишани олди.— Ўзимизга келиб олмасак бўлмайди.

— Олиб келибсан-да,— Ильянинг овози шундай титраб кетдики, унинг қўрқанини ҳам, суюнганини ҳам тушуниб бўлмасди.

— Ўтиб келаётиб, ола келдим. Кейин бориб юрмай дедим.

— Балки ҳозирча ичмаганимиз маъқулдир? Сабр қилиб турамизми?

— Сен ўзинг биласан, мен эса ичаман. Бўлмаса кечгача ҳам етиб боролмайман. Бош оғриқ қилсак, ёзиб юбориши мумкин. Шундоқ ҳам аранг нафас оляпман. Шундоқ қилмасам онамнинг ўрнига мени кўмишларинга тўғри келади.

— Хўш, ойим қалай?

— Билмайман, Илья. Ҳеч нима дея олмайман. Олдига кирганим йўқ. Тузук шекилли, бўлмаса аёллар гизиллаб келиб айтишарди.

— Да, тўғри, айтишарди.

— Хўш, қалай, қуяими-қўймайми?— деди Михаил шишани очиб.

— Хайр, майли, қуя қол. Шерик бўлиб турай.

— Бу гапнинг тўғри.

— Ие, газагинг йўқми ҳали?

— Йўқ. Агар истасанг, ўзинг бор, мен эса ҳозир бормайман. Қўй ўшаларни! Улар бизни бу ерда асал ичяпти деб ўйлашади.

— Бориб газак қидириб юришим жуда ноқулай-да.

— Нима, сен бегонами? Керакли нарсани олу кела-вер.

— Бўлти, шундай олаверамиз. Бўлади.

— Бўлади, албатта. Ичсанг ҳам ўласан, ичмасанг

ҳам. Үладиган бүлгандан кейин ичиб ўлган яхши,— худди дуо ўқиётгандай гапирди Михаил ва ичиб юборди, то ароқ жойига етиб боргунча диққат билан кутиб турди, шундан кейингина стаканин катак устига охиста қўйди,— улар бизни асал ичяпти деб ўйлашади.— У нафасини юта-юта тўхтаб-тўхтаб, қалбини илитаётган ўша сўзларни яна қайтарди.

Илья ўрнида афтини буриштириб ўтиаркан, Михаилни кузатарди.

— Хўш, қалай?— деб сўради у қизиқиб.

— Кетди, жин ургур. Қаёққа борарди? Ич, чўзиб ўтирма, бўлмаса кейин томогингга тиқилади ўтмайди. Дастлабкисини шартта кўтариб юбориш керак.

Ниҳоят Илья ҳам иди. Ичди-ю, яна худди хайрлашаётган одамдек кафти билан оғзини елпиди. Унинг одати шунаقا экан ўзи. Кечак, унинг бу қилиги Михаилни қизиқтириб қолганди, кейин ўзи ҳам акасига тақлид қилиб ароқнинг кетидан хайрлашгандай кафти билан икки-уч марта оғзини елпинди, майли-да, кейин бирорта келишмовчилик бўлмасин девди, лекин сира нафини кўрмади. Бундан ташқари ўз одатидан қолмади — биринчи бўлиб ичаверди, ичгандан кейин эса бунаقا хайр-хўшларни унутиб қўйди, эҳтимол, буни Илья учун бутунлай бошқача аҳамияти бордир. Михаил сўрамади, иннайкейин қанақа қилиб ҳам буни сўрайсан?

Мўрча, у ёқ-бу ёғига қаралса, кўпроқ ошхонага ўкшарди, бу товуқхонаси борлиги учун эмас албатта. Бу мўрча ростакам мўрча эмасди, полиздаги ростаками эса бундан уч йил бурун ёниб кетганди. Шундан кейин Михаил четдаги қазноқни вақтингча мўрча қилиб қўйганди. Буғланадиган супа аввал йўқ эди, ғиштин печка ўрнига чўян печка ёқишарди, шунда сув иситишарди, фақат номи мўрча эди. Аммо чакки эмас, амал-тақал қилиб туришарди, буғлангиси келса, Михаил қўшниси Иванниги борарди. Унинг янги мўрча қуриш ҳаракати ҳам йўқ эди. Иннайкейин ёлғиз бир одамнинг мўрча қуриши осон эканми? Лекин ёниб кетган мўрча ўрнида, мана уч йилдирки, сурункасига шунақангни йирик-йирик картошкага бўляптики, кишининг кўзи ўйнаб кетади. Бутун қишлоқда картошкага энди нўхотдай-нўхотдай бўлганди, Надя шу ердан овқатга картошкага қазиб оларди. Яхшиликка ёмонлигу, ёмонликка яхшилик деб жуда тўғри айтишаркан.

Михаил дарча олдида ўтиарди, шунинг учун у биринчи бўлиб Варваранинг худди танкка ўхшаб тўғри

мүрчага келаётганини кўриб қолди. У сўкиниб, шиша-
ни кўздан нарига олиб қўйди. Варвара остона ҳатлаб
ўтди-ю, кўзини қисди — ташқаридан кирган одамга
ҳаммом ичи бутунлай қоронги кўринарди.

— Ҳой, сенмисан? — деди у Михайлга тикилиб қа-
раркан.

— Йўқ, мен эмасман, Исо пайгамбарман.

— Э, қўйсанг-чи ҳазилингни! Сен шу ердами-йўқми
мен қаёқдан билай. Мен Ильянинг бир ўзи дебман. Мен
унга онамиз туриб ўтирадиган бўлиб қолганини айтга-
ни келувдим.

— Туриб ўтирибди?

— Ўтирибди, ўтирибди. Кўрдиму кўзларимга ишон-
мадим. Туриб қараб ўтирибди. Оёқларини пастига осил-
тириб олибди...

— Бошини кўтариб ўтирибдими?

— Сен, Илья, мазах қилма, нима кераги бор,— деб
Ильяни уришиб берди Варвара.— Онамиз тўғрисида-
ям шунаقا дейдими киши. Ахир у онамиз-ку, бегона
эмас-ку.

— Мазах қиляпсан деган гапни қаёқдан олдинг?

— Юринглар, ўзларинг кўрасизлар, ўтирибди. Ким
ўйлабди-я? — Варвара ҳозир инилари оналарини кўриб,
уларнинг ҳам курсанд бўлишларини истарди, шунинг
учун яна деди: — Мана, боринглар, қандай ўтирганини
бориб кўринглар. Бўлмаса, бу гапни Варвара ўйлаб
тоғлан дейсизлар.

— Нимасини кўрамиз, майли ўтиражерсин,— деб
важ кўрсатди Михайл.— Ҳадеб жонига тегавериш ҳам
бўлмайди. Ишқилиб, қараб туринглар, тагин йиқилиб
тушмасин.

— Йўқ, йўқ, жуда яхши ўтирибди.

— Биз кейинроқ, сал туриб борамиз,— деб ваъда
берди Илья.

Варвара атрофга синчиклаб қаради, гапиришга би-

Сен бора тоғолмай бурилиб кетмоқчи бўлди, аммо
бора тоғолмай уни тўхтатди:

— Надя уйдами-йўқми?

— Уйда. Ҳамма уйда. Люся ҳам, ойимиз ҳам уйда.

— Ойимиз ҳам уйда дейсанми?

— Ҳа, сенларни-ю! — тушунди Варвара.— Сенларга
гапиргину қочавергин. Хўп, мен кетдим.

— Бора қол, бора қол. Ойимизга қараб тур, тагин
бирон ёққа қочиб кетмасин, кейин қидириб юрмай-
лик.

Варвара омбор даҳлизидан юрагини ҳовучлаб чиқди, омбор баланд бўлиб, остонаси олдига биронта ғўла қўйиш ҳеч кимнинг эсига кёлмас эди, кейин у энди қаёқ-қа борсамикин деб, тўхтади-да, ўйланиб қолди. У ука-лари билан бўлган гап-сўздан кейин улардан анча ҳаф-саласи пир бўлган эди, шунинг учун у безовта бўлиб қолганди. Агар инилари оналари олдига боришса, бу бошқа гап эди: у ҳам бирга кираарди, инилари оналари-ни кўриб қандай ҳайрон бўлишларини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди, ахир оналари куни кеча ўлим тўшагида ётувди-да, бугун бўлса туриб ўтирибди — ҳудди соғ одамдай. Аммо инилари мўрчада қолишиди, гўё бу мўр-ча уларнинг ҳақи маҳрига тушгану оналаридан азиз-роқдай эди, шунинг учун Варвара энди нима қилишини билмас эди. У чучварани туш кўрганини эслади-ю, юра-гига ғулғула тушди. Яхши туш эмас,вой, яхши туш эмас. Энди у кимдан сўрасайикин, таъбирини ким айтиб бераркин? Люся билан гаплашиб бўлмайди — у Варва-рага шундай тўнғилладики, асти қўяверасиз, Надя бўл-са қўли ишдан бўшамайди, вақти йўқ. Варвара турган жойидан қўзгалди-ю, нари бориб тўхтади, гангиг атроф-га аланглаганича ивирисиб турди, фақат шундан кейин-гина дарвозадан ташқарига чиқишига жазм этди — у ёқ-да одамлар бор.

Варвара остона ҳатлаб ташқари чиқиши билан Михайл шоша-пиша шишани катак орқасидан олиб, яна катак устига қўйди, ҳатто фурсатни сезиш учун дўқ этиб қўйди, у шу ерга келганидан бери сезиларли даражада хушчақчақ бўлиб, юзларига ҳам қон юргурган, кўзлари тийраклашган эди.

— Хўш, Илья,— деди у чаққон,— ишлар юришиб кетганга ўҳшайди. Айни қўшимча қиласидан пайт. Ке-чикиб қолмаслик керак, кейин қувганинг билан етолмайсан.

— Газаги бўлмаса энди ололмайман,— деб рад этди Илья.— Ҳидлаш учун лоақал бир тишлам нонинг ҳам йўқ — ҳа, ўша бўлсаям майлийди. Бунақада расво бўла-миз. Бир-иккита оласану таппа тайёрсан-да. Сира қизизи йўқ.

— Бўлмаса полиздан пиёз олиб келайми?

— Пиёз билан иш битмайди. Бу турган гап. Бу ерда ҳатто туз ҳам йўқ.

— Газак бўлса-ку зўр бўларди-я, албатта,— деб унинг фикрига қўшилди Михайл ва маъюсласиб жим бўлиб қолди.— Начора, кутамиз! У ёққа боришга ҳозир сира

оёгим тортмаяпти. Яна ғалва бошланади. Агар Надя бирон ёққа чиқса, ғизиллаб бориб келаман.

— Күнглинг тортса, сен ичавер.

— Шошиб нима қиласман, бирон ишим қоляптими. Бир ўзим сира ичгим келмайди. Ўнда, жин ургур, жуда ошириб юборади. Яхшиси, киши ёлғиз ичмагани дуруст, мен күп синааб күрдим.

— Умуман, киши ичмаса яна ҳам яхши дейишади.

— Дейишади, Илья, дейишади, мен ҳам эшитганман. Одамлар оғизларига келганини гапиришпти, қайси бирига қулоқ соласан, кимки ичмаса ичмагани маъқул, шундай ўтиб кетаверади, кимки бунга айланишган бўлса, демак ҳаваси бор-да, тағин билмадим... Михайл анчагача бошини чайқади.— Билмайман, Илья, билмайман. Бари бир тортиб туради — мен шундай деб ўйлайман. Зўр нарса-да, жин ургур, қани энди қўлингдан келса удалаб кўр. Дабдала бўлиши мумкин. Мен энди умидимни узиб қўйганман. Ёшлигимда бир неча бор тавба қилдим, кейин ийғишириб қўйдим, ўзимни ҳам, одамларни ҳам алдаб нима қиласман, дедим. Фойдаси йўқ. Энди бўлса, шу ишим яхшими-ёмонми, бари бир уни ташлолмайман деб ўйлайман. Одамларга кулги бўлмаслик керак. Ҳар қандай бошқа иш сингари ичишни ҳам билиш керак, албатта. Биз бўлсак худди сув ичгандек то бурнимиздан чиқмагунча ичаверамиз.

— Ичишни билиш керак — бу аниқ.

— Ўзинг ҳам тез-тез ичиб турасанми?

— Мен машинадаман, тез-тез ичиш тўғри келмайди менга. Шаҳарда бу масалада қаттиқ туришади — ҳа, иннайкейин хотиним ҳам сира ёқтирмайди. Аммо агар хотин, машина бўлмаса албатта отаман. То кекирдакка етгунча.

Михайл, шу ердамикин дегандай шишага кўз қирини ташлади, кейин сўради:

— Эҳтимол, ичарсан? Кейин устидан бостириб бирон нима ерсан.

— Йўқ, ичолмайман. Сен ичавер, менга қарама.

— Лекин мен озгина ичаман, яна тортиб қолди.— Учиндан ҳам стаканга озгина қўйди-да, тўхтамасдан, худди заҳар ютгандай шартта кўтариб юборди.— Мана бўлди,— деди у пишиллаб.— Үлдирса ҳам ароқ ўлдирсин. Ичганинг қолади.

— Қани энди устига қулинг ўргилсин бир овқат бўлса. Ҳа.

— Хўш, аслида, нима учун ичамиз? — деди Михаил алаҳсимасдан ва ўзича бошини қимирлатиб, Илья бирон нима дермикан дегандай кутиб турди. Илья индамади. — Одамлар аламдан ичади, ундан-бундан дейишади. Йў. йўқ. Бу бўлмаган гап. Одамлар бу одат дейишади, одатни эса тарк этиш қийин, тўғри, худди нонга одатлангандек одатланиб қолганимиз, ахир нон бўлмаса столга ўтириш майди-ку: аммо бу ҳам эмас, чунки одатланишнинг ҳам бирон-бир сабаби бўлиши керак-ку. Эндиликда ичиш зарурати туғилди, шунинг учун ичяпмиз, мен шундай деб ўйлайман. Илгари биринчи навбатда нима керак эди? Нон, сув, туз. Энди шуларнинг ёнига бу жин ургур ҳам қўшилди. — Михаил шишага қараб бош иргади. — Турмуш ҳозир бутунлай бошқача, ҳаммаси ўзгариб кетди деявер, ана шу ўзгаришлар инсон насибасига қўшимча қилишни талаб қилиб қолди. Биз қаттиқ чарчаймиз, мен сенга айтсан, аммо ишдан эмас, албатта, нимаданлигини ким билади дейсан. Мана мен бир ҳафта ичмадим, аранг оёғимни судраб юрдим, қийналиб кетдим. Ичдиму худди ҳаммомда ювениб чиққандай бўлдим, елкамдаги юз пуд юкни ташлагандай бўлдим. Эл-юрт олдида гуноҳкорлигимни биламан: уйда хотин билан жанжаллашдим, охирги пулни совурдим, ишгаем чиқмай қолдим, қишлоқда эшикма-эшик тиланчилик қилдим, уят албатта, бош кўтариб юролмайсан. Аммо бошқа жиҳатдан эса яхши бўлди. Бир томондан яхши, иккинчи томондан ёмон. Гуноҳингни ювиш учун яна ишга борасан, бир кун, икки кун, беш кун ишлайсан, уч кишининг ишини қиласан, қаёқдантир куч ҳам пайдо бўлади. Хўш, кейин тинчигандай бўласан, юзинг сал ёруг бўлади, яшаш мумкин. Фақат ичмасанг бас. Йўқ. Энди бир ёқдан осону бошқа ёқдан қийин, қийналаверасан, хумор қиласи. — Михаил қўлини силтади. — Яна қўзиб қолади. Чидолмайсан. Бошқатдан бошланади. Демак, чарчабман. Вужудим дам олишни талаб қилиб қолади. Буни мен эмас, вужудим ичяпти. Вужудимга нон билан бирга бу ҳам керак экан, чунки вужудимда шунақа эҳтиёж пайдо бўлган. Хўш, сен нима дейсан?

— Эҳтиёж — бу аниқ, — деб унинг фикрига қўшилди Илья. — Ичгандаям кўтаришимиизга эҳтиёжимизга қараб ичамиз, сиққанича-да.

— Қанақасига ичмайди киши? — деб давом этди Михаил. — Бир кун, икки кун, боргинкіл бир ҳафтаем бўлсин — чидаш мумкин. Бордию бутунлай, то ўлгунича ичмаса-чи? Ўзинг ўйлаб кўр, ахир. Келажакда пешонанг

мундоқ йилт этмаса, кунларинг бир хилда ўтаверса. Ишу уйга боғлаб қўйилганимиздан кейин дод демайсанми, ахир, фалон ишларни қилиш керак эди, қилмадинг де йишади, ҳаммасини қилишинг керак, керак, керак, борган сари кўпроқ қилишинг керак — ер ютсин, шу ишлариниям. Ичдингми — озодликка чиққандай бўласан, ёркин бўласан, ҳеч нима қилмайсан ҳам, нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилгансан. Нимани қилмаган бўлсанг, демак қилмаслигинг керак, ўша ишни қилмай тўғри қиласан. Жуда яйрайсан, ўзига яхши бўлишига юрмаган одам ахмоқ эмасми ахир? Агар меъёрини билсанг, ичкилик аввалига жуда жонингни киритади.

— Агар меъёрини билсан, мана шунаقا расвойи жаҳон бўлиб юрмасдик.

— Ҳа, бўлмасдик, албатта. Бошқа томондан эса, агар сен ҳозир менга: бас, бўлди қил, десанг, мен бас қиларканманми? Аслини олганда балки шу ҳам етар, мана, анча енгил тортдим, энди турган гап, бошқа биқинимга тушади. Бари бир менга керак, табиатим ўзи шунаقا. То қусурим қонмагунча, бирор мени шаштимни қайтармаслиги керак. Томоғимни қисиб, ортириб қолиш мижозимга тўғри келмайди, то йиқилиб қолгунча мириққим келади. Ишда ҳам, ичища ҳам. Ўзинг биласан.

— Ойига қанча оласан?

— Нима ойига? Виноми?

Илья кулиб юборди:

— Винони-ку сен бухгалтериясиз ичасан, буни биламан. Мен сендан ойлигинг қанча, ҳа, ойига қанча пул оласан деб сўраяпман?

— Ойлик... гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ, Илья. Агар билишини истасанг, ойлик энди илгариgidай эмас, ҳозирча бизда механизаторлар шипиришяпти, бизни, ўз оёғида юрганларни эса қисиб қўйишиди. Менга олдингига қараганда, дастлабки йилларда тўлашганини деярли ярмини беришади. Илгари икки-уч баржага юқ ортсанг, тинчгина қорнингга чертиб ётаверардинг. Тўғри, ишни ҳам қотирадик-да. Эҳ-ҳе, ана ишу мана иш, ҳозирги иш иш эканми. Ёғочларни қўлда думалатардик-да. Энди нима, энди кран. Боглайсан — ечасан, босиб қолмаслиги учун кўзингга қарасанг бўлди. Ҳамма ердаям шу, қаёққа қарасанг одам ўрида машина, техника.

— Ўша билан, техника билан осон-да, ахир.

— Осон албатта, ким йўқ деяпти. Анча осон. Жон узиб ётмаймиз.— Михайл бир зум хаёлга чўмди-да, ногаҳон сал ийиб деди:— Ўшандада ҳарқалай қизиқарли эди,

Масалан, ўша баржаларни олайлик. Мен юк ортишни яхши күрардим, ҳатто пули учун ҳам эмас, ўша пули ҳам чакана эмасди, ишига қизиқардим. Икки кунлаб қирғоқдан кетмасдик. То ортиб бўлмагунча ҳаммамиз ўша ерда бўлафдик. Овқатни болалар котелокда олиб боришарди, ердигу яна ишга тушардик. Гайрат ҳам бор эди-да, олол, бўл-бўл. Куч қаёқдан келарди-я! Ишни севиб, уни жонли нарсадай деб билардик, кун ўтказиш учун қўл учида ишламасдик.

— Унда ёш, бақувват эдинг.

— Ҳа, ёш, ёш эдим... Гап бунда эмас. Ҳў, колхозда яшаганларимизни бир эсла. Мен қанча пул олишимизни айтаётганим йўқ. Баъзан, жин урсин, сувдан салом бўлиб қолаверардик. Ўшанда аҳил яшардик демоқчиман, азобдаям, роҳатдаям ҳаммамиз бир жону бир тан эдик, ўшанда колхоз колхоз эди. Энди ҳар ким ўзича. Нимаям қилиардинг: ўз одамларинг кетди, ўрнига бошқалар келишиди. Энди туғилган қишлоғимдаги одамларнинг кўпини билмайман, назаримда ўзим ҳам бегона бўлиб қолганга, нотаниш ерга кўчиб борганга ўхшайман.

Уй эшиги гижирлаб очилди, Михайл бошини кўтариб қаради. Надя эмас, Нинка чиқди. У атрофга аланглади— ҳеч ким йўқ, саржин ёнида гимирлаб турди-да, кейин лип этиб саржин орқасига ўтди. Михайл то Нинка ишини қилиб бўлгунча кутиб турди, кейин эшикдан бошини чиқариб:

— Нинка, бу ёққа кел,— деб чақирди.

— Ни-ма-га? — деб қўрқиб кетди қизча. У мени битта яримта мўрчадан кузатиб туради, деб сира ўйламаганди.

— Кела қол, кела қол, жажжигинам, кейин билиб оласан.

— Энди сира бунаقا қил-май-ман.

— Калтакламасимдан кел деяпман сенга.

Нинка кўзларини жавдиратиб, пишиллаб ёни билан ҳаммомга кирди.

— Борадиган жойни билгин, деб сенга неча марта айтиши керак ўзи? Нима, ўша ёққа борсанг, оёгинг узилиб тушадими?

— Энди қил-май-ман.

— «Қил-май-ман» эмиш. Топиб олган гапини-я. Сенга айтавериш ҳам жонимга тегди. Эсингдан чиқмаслиги учун ҳозир сени яхшилаб савалайман. Сенга ёқадими-йўқми, Илья амакинг бир кўриб қўйисин. Биламан: кўпдан бери елканг қичиб юрибди ўзи. Ке, яхшилаб бир қашлаб қўяй-чи.

Нинка баттар пишиллади.

— Хүш, нега индамайсан?

— Унда бу ерда вино ичиб ўтирганингни ойимга айтиб бераман,— деди Нинка бидирлаб ва қочиб кетмоқчы бўлиб эшикни мўлжаллади.

— Мен сенга айтишни кўрсатиб қўяман! — деди Михайл тутоқиб.— Айтиш қанақа бўлишини шундай кўрсатиб қўяманки, туққан онангни ҳам таниёлмай қоласан! Ҳали сен ўз отангга гап қайтаришни ўргандингми? Ойисига айтармиш-а! Вой ярамас-ей! — Ильяга қараб арз қилди.— Муштдай бўлиб туриб гапирган гапини қара-я!

— Унда уришмагин-да.

— Ҳеч ким сени уришаётгани йўқ — овозингни ўчир. Бунақа қайсарлигинг учун эсдан чиқмайдиган қилиб адабингни бериш керак эдибу-я.

— Майли, бу қизалоқни қўйиб юбор, — деди Илья Нинкага раҳми келиб.— Энди у бунақа қилмайди.

— Энди қилмайсанми?

— Қилмайман,— деб чаққон ваъда берди Нинка ва бошини кўтарди. Кўзлари ўйнаб, кирганида пайқашга улгурмаган нарсаларни илғаш учун атрофга аланг-жаланг бўла бошлади.

— Жуда шумтакасан-да. «Қилмайман» деб қутулиб кетасан-да. Хўроz ҳам тонг отмасаям қичқиравераркан, сен ҳам худди ўшанинг ўзи. Шунақами? Тўхта, шошилма. Борасан, бирон нимадан қуруқ қоляпсанми. Мен сени-ку роса савалардим-а, аммо Илья амакинг қўймаяпти-да. Сен бунинг учун Илья амакинг билан икковимизга газакка бирон нима олиб келишинг керак. Тушундингми?

— Тушундим.

— Ҳеч балони тушунмадинг.

— Мен ойимга айтаман, ойим беради.

— Яна ўша гап экан-да. Яна ойимга айтаман дейди-я. Нима, ойинг аралашмаса ўзинг тўғрилаб келолмайсанми? Ойингни қўй. Сира оғиз очма, сен шундоқ олиб келгинки, ойинг билмасин ҳам, эшитмасин ҳам. Энди тушундингми?

— Энди тушундим.

— Столни ёки қазноқни қарагин-да, секингина олиб келгин. Кейин мен сенга шиша бераман.— Михайл кечаги бўш шишалардан бирини четга олиб қўйди.

— Ҳа-а,— деди Нинка ҳушёр тортиб,— олдинига берасану кейин яна ўзинг тортиб оласан.

— Тортиб олмайман, тортиб олмайман. Югар,

— Ҳу, унда тортиб олдинг-ку,

— Унда тортиб олувдим. Ҳозир олмайман. Ҳозир ўзимда бор. Мана, Илья амакинг гувоҳ, олмайман.

— Мен гувоҳман,— деди Илья кўкрагига уриб.
Нинка тураверди.

— Хўш, тагин нима дейсан? Югур тезроқ.

— Менга иккита керак,— деди Нинка иккинчи бўш шишага бирров кўз ташлаб.

— Бўпти, иккита бераман, фақат тезроқ бор, худо хайрингни бергур,— деди Михаил биринчи шиша ёнига иккинчисини ҳам қўшиб.

Нинка кўйлаги ичига яшириб булка нон олиб келди, бошқа ҳеч нима, чунки у стол атрофида айланишиб турганида онаси ҳайдаб юборди, булка олиш эса осон эди, нон даҳлизда турганди, Надя уни нонуштагача шу ерга қўйиб қўйганди. Ҳеч нарса йўғидан кўра нон борлиги яхши, албатта, аммо эрталабки ичишга бир ноннинг ўзи ҳар ҳолда камлик қиласарди. Шу пайт Михаил мўрчада, боши тепасида икки ёки учта товуқ тухум туғиб юриши ни эслаб қолди. Нинка чиқиб этагида мояк билан бешта тухум олиб тушди, мояк кўкламдан бери ўша ерда турган бўлса керак ўзиям, барини бетига қарамай ютишга ўрганиб қолган Михаил ҳарқалай ароқдан кейин суринтирмай моякни ютиб юборди. Гарчи оч қоринга бўлмаса ҳам, барибир, унинг кўзлари қинидан чиқаёшиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади, энди томогини чайиш учун газак устидан яна ароқ ичишга тўғри келди. У туфлаб сўкинди ва қайтиб тухум ютмади-да, нондан ушатиб еди.

Тухум учун Нинкага товуқ катагидаги думалаб ётган учинчи шишани беришди, туз келтиргани учун унга тўртинчи, ҳали бўшамаган шишани беришга ваъда қилишди. Қиз шишани пойлаб мўрчадан кетмади. Уйга боришининг ҳозир унга қизиги йўқ эди, бунинг устига Надяning нонни қидираётгани шу ердан ҳам эшитилиб турарди, нон худди сигир ямлаб ютгандай йўқ эди. Нинка беғубор, маъсум кўзлари билан эркакларга қараб жимгина ўтиради, у ўзини бу ерда бутунлай тинч сезарди. Тақдир энди уни эркакларга маҳкам бοғлаб қўйган эди, шунинг учун Михаил ташвиш тортмаса ҳам бўларди: Нинка уни чақмасди. Кўп ўтмай бу шишани ҳам бўшатиб беришди, Нинка шишани олиб бориб, ўша ерга, саржин орқасига яшириб қўйди. Кейин гов ёнида ғимирлаб юриб, одатдагидек айланиб-айланиб уйга яқинлашди, қорни очган шекилли.

Ароқдан кейин эркакларнинг сұхбати яна ҳам қизиди. Улар фақат бир мартагина чалғишиб, бўшашиб қолиц-

ди, шунда Илья бемаврид ичиб ўтирганлари учун кимниңгидир олдида ўзини оқламоқчи бўлгандай:

— Нима қилиш керак? Энди ойимизнинг олдида ўтиришимизнинг ҳожати йўқ. Ҳа. Ўзинг кўриб турибсан, туриб ўтирибди. Ҳадемай қарабсанки чопқиллаб ҳам кетади,— деди.

— Ҳа, шунақаям қиласди,— деди Михаил бошини лиқиллатиб.

— Тавба, уни қара-я! Сира-сира ўйламовдим. Тайёр бўлиб ётувди, ахир, ҳеч қандай умид қолмаганди, бир нима унга таъсир қилди-ёв. Вой, ойи-е! Ойи!

— Ойимиз кўзбойлогичнинг ўзгинаси.

— Тўғри, ажалгаям фириб берди.

— Мен сенга бир гапни айтами, Илья: шу иши чакки бўлди. Ҳозир ўлгани яхшироқ эди. Бизга ҳам, ўзига ҳам яхши бўларди. Бу гапни фақат сенга айтапман — бир-биримиздан яшириб нима қиласми? Барибир ўладику, ахир. Ҳозир айни пайти: ҳаммамиз йигилдик, тайёргарлик кўриб қўйдик. Ҳаммамиз йигилгандан кейин чўзиб нима қиласди, бизни лақиллатиб. Мен унга ишонибман, сизлар эса менга. Мана энди оқибати.

— Нега унақа дейсан? — деб эътиroz билдириди Илья.— Ажали етганда ўлаверсин. Бу унга боғлиқ эмас.

— Мен ҳозир айни пайти эди, демоқчиман-да. Ўлсанг ҳам ўл, ўлмасанг ҳам ўл, қорангни ўчир бу ердан, кўринма деб талаб қилолмайсан-ку ахир. Бу шунақа иш. Мана, сизлар кетасизлар, кейин уч-тўрт кун ётадиу бари бир бандаликни бажо келтиради. Шу гапим эсингда бўлсайн. Бекорга у шунақа бўлмади, беҳуда шунақа бўлмайди. Кейин мен яна сизларга телеграмма юборишм керак, сизларнинг кайфиятларинг ҳам аввалгидек бўлмайди. Ким келади, ким келмайди. Ҳамма иш бешбаттар расво бўлади. Ўлеми олдида дийдорига шундоқ ҳам тўёлмай қоласан.

— Нега келмас экан киши?

— Ҳар нарса бўлиши мумкин. Мана, Татьяна, ҳалигача дараги йўқ.

— Татьяна — ҳа. Бисса керакки шошилмаётгандир-да.

— Гап шунда-да, билмайди, шунинг учун шошилмаяпти. Агар бугун ҳам келмаса, ойим жинни бўлиб қолади. Ойим Танъчорам деб шундоқ ҳам жонимиздан безор қиляпти: гоҳ туш кўради, гоҳ яна бир балолар. Сен бу ерда турмайсан, билмайсан-да.

— Келади. Шунақа телеграмма олсаю келмаса, билмадим буни нима дейишаркан.

— Ҳа, агар келса, ичамиз, иззат-ҳурматини жойига қўйиб кутиб олиш керак. Синглимиз ахир.

— Ичамиз — ҳа, илож қанча?

— Келмаса ҳам, барибир ичамиз,— деб йўлинни тонди Михайл.— Бари бир ичамиз, Илья. Сен билан бизга қийин.

— Энди нимаям қилардик?— деди хаёл суриб қувонаркан, унинг галини маъқуллаб Илья.— Энди уни тўкиб ташламайсан-ку.

— Уни тўкиб ташлашимизга ким қўйиб қўяркан? Бу давлат или. Бу шунаقا иши.

— Энди истасанг ҳам, истамасанг ҳам ичиш керак.

— Гапларинг жуда қизиқ-да, истамасанг ҳам эмиш. Масалани бундай қўйиш ҳам мумкин эмас. Ичамиз — нега истамас экансан? Керак бўлгандан кейин ичамизда,— деб туриб олди Михайл.— Зиммамизга шунаقا мажбурият ололамизми? Ахир биз сен билан ҳар куни кўришмаймиз-ку.

— Ололамиз. Нега ололмас эканмиз?

— Бу бошқа гап.

Шундан кейин гап яна ҳар икковига яқин, ёқимли, қизиқарли мавзуга кўчди. Бу, албатта, эркакларни баттар жўшдириб юборган эди. Яна ичклиари келиб қолди, боз устига ароқ шундоққина ёнларидаги эди, чўмилишса ҳам бўлаверади, пули олдиндан тўлаб қўйилган. Михайл пояфзалини кийиш баҳонасида қазноққа яна бориб келмоқчи бўлди. У шипиллаб жўнаб қолди, бу вақт ичидаги Илья эрталабдан бери турмай чўзилиб ётган ўринни думалоқлаб ўраб қўйди, ташқарига чиқиб ёзилди.

Бу сафар этик кийишга ҳам Михайлнинг қўли тегмай қолди. У аввал қазноққа кирди. Кирдию кўзи тиниб кетди: яшикнинг деярли ярми ҳәсизлик билан талон-торож қилинганди. Шундай бўлгач, унинг эсига этик келармиди? Михайл енгиллашиб қолган яшикни кўтариб гириллаб орқасига қайтди: сақлаб қолиш мумкин бўлган нарсани сақлаб қолиш керак эди, йўқса бир минутдан кейин шу ҳам қолмаслиги мумкин.

У мўрчада роса сўкиниб ичини бўшатди. Шишаларни уйдагилар яшириб қўйиншгани кундай равшан эди, аммуларни қайтариб олиш осон эмасди. Ҳозир бер, вассалом, деб томсигига пичоқ тираб турадиган пайт эмасди. Ароқни кеча бошқа сабаб билан олишганди, ўртадаги пулга олишганди. Ароққа кўпроқ эркакларнинг меҳнати сингтан, шунинг учун ҳам эркак-да, аммо ҳушёр бўлган пайтда ҳақини пеш қиласа бўлади, лекин маст одамда бунақа

хұқуқ бўлиши гумон. Шунинг учун энди гўё ҳеч нима бўлмагандай, ҳаммаси ўз жойида тургандай қилиб кўрсатишга, кўз-қулоқ бўлиб, қулай фурсат келишини кутишга тўғри келади.

Улар энди янги шишани очишган ҳам эдикни, йиглаб кўзлари қизарган Нинка келиб осто на даёқ шундай деди:

— Ойим ёмон.

— Ойингни осса ҳам кам,— деди унга жавобан ҳали ҳам жаҳлидан тушмаган Михаил.

— Майли, кел, дада, уни осиб бир томоша қилайлик.

— Мени-ку туким ҳам ғам емайди-я, аммо ойинг жуда баобрў бўлиб кетади-да.

— Ойинг сени нима қилди?— деб сўради Илья Нинкадан.

— Э-э, ионни сен ўғирлагансан, дейди. Ўзи ҳеч нимани кўргани йўғу, кўрдим дейди.

— Ойинг жўрттага сенга шунаقا деган. Бўйнингга олма,— деб уни огоҳлантириб қўйди Михаил.

— Мен ҳам шунаقا қилдим. Бўлмаса дадамдан ёки Илья амакимдан сўрагин, дедим.

— Бу гапинг чакки бўлибди, бизни айтмаслигинг керак эди. Бизни ҳозир уларга бир тийинлик ҳам обрўмиз йўқ, буни тушуниш керак. Бекорга айтибсан. Шунга ақлининг етмабди-да.

— Ойим ёмон,— деди Нинка тўмсайиб.

— Нима ҳам дердим энди. Ундан гина-кудуратим сенинидан кўп бўлса ҳам ажаб эмас.

— Улар сизларни, жуда худо берди уларга дейишиди. Иннайкейин-чи, энди ҳали-вери бас қилишмаса керак, дейишиди,— деб чақиб солди Нинка.— Сени-чи, дада, ароқ-хўр, бошқа нарсага ярамайди, дейишиди, ҳаммасига сен айбдор эмишсан.

— Қизчанинг олдida сайрашганини-я,— деди Михаил заҳархандалик билан бошини чайқаб.— Нима мумкину нима мумкин эмас, сира тушунишмайди. Сен қулоқ солма,— деди у Нинкага.— Улар вайса шаверади-да. Хўш, ўзинг қимга ишонасан: бизгами, уларга?

— Сизларга.

— Ҳа, гап бундоқ бўпти. Бизни этагимиздан ушлай-вер, дар қолмайсан. Уларни эса, гапларига қулоқ солма.

Эркаклар яна шишага ёпишишиди. Отасининг гапидан дадилланган Нинка шу ерда суйканиб ўтиради, у отасининг ароқли стаканини олди-ю, ҳидлаб пишқириб қўйди, кейин бўш стаканини ҳидлаб яна пишқирди, худди тенгдай гапга аралашиб, эркакларни кўпроқ қуийишга қистаб,

улар шишани қандай бўшатаётганини зийраклик билан кузатди. Михаил унга ачиниб, олдидан ҳайдаб юбормади. Кейин ҳайдаб юбормай тўғри қилганини билди.

Нинка сўради.

— Дада, тўкиб ташланмаган шишаларни магазинда оладими-йўқми? — у бу саволини уч-тўрт марта берди, чунки Михаил Илья билан гаплашаётганди, шунинг учун Нинканинг бу бемаъни гапига қулоқ солмаганди.

— Бу яна қанақа тўкилмайдигани бўлди? — деди у ниҳоят.

— Ҳу, анави тўкилмайдиганлари-да. Мен уларни ағдарувдим тўкилмаяпти.

— Қизиқ, уларнинг нимасини тўқдинг? — деди Михаил ҳали гапга унча ётибор бермай.

— Винони.

— Қанақа вино?

— Менга нонни сен ўғирлагансан демасин-да, кўрмагандан кейин гапирмасин-да.

— Сен қанақа винони тўқдинг? — Михаил Нинканинг устига энгашиб, уни ушлади, аммо қўрқитиб юбормаслик учун оҳиста ушлади.

— Қанақа, қанақа! Шунақа. Шишалар-да. Аммо шишалари сира очилмайди.

— Уларни сен қаёқдан олдинг? — деб сўради Михаил ва Илья билан кўз уришириб олди.

Нинқа яшириб ўтиromoқчи ҳам эмасди, бугун унинг отасига ихлоси жуда баланд эди.

— Ўзинг бердинг-ку, ахир, — деб гапириб берди у. — Ойимдан эса ўзим олувдим, иккинчай мендан кўрмайди. Кўрмаган бўлсанг, гапирма.

— Шундай де. Хўш, ўзинг ундан олган ўша шишалар ҳозир қаерда?

— Унда.

— Қаерда?

— Унда. Уларни қазноқча яшириб қўйишувди. Ойим яширган. Ойим тополмайди, деб ўйлади-да, мен эса ундан олдинроқ топиб олдим. У ерда катак бор, улар шу катакда турувди. У ерда яна бор.

— Тушунарли, — деди Михаил томоқ қириб. — Энди ҳаммаси тушунарли. Тўкилмаяпти дейсанми? Тўкиб юбориши ҳеч гап эмасди, — деб ингради у. — Сен уларни қаерга тўқмоқчийдинг? Полгами? — у сўрадио оғриқдан кўзлари юмилиб кетди, у ароқнинг бирон-бир ардоб син-

гари чайқалтириб сепиб юборилишини, тахталарга сингиб кетишини кўзи олдига келтирди.

— Йўқ, мен унга сепмоқчи эдим. Ойим полнинг ҳўл бўлганини кўриб қолмасин дедим-да.

Бекинмачоқ ўйнашга Михайлнинг ортиқ тоқати қолмаган эди. У титраб турган бармоғи билан Нинкага пўписа қилиб, деди:

— Бу шиshalарни биронта ҳам жон зоти билмасин. Тушундингми?

— Тушундим.

— Ҳеч ким билмасин,— Михайл гапини йўқотиб қўйди.— Тушундингми?

— Тушундим.

— Ҳа, билиб қўй. Агар айтсанг ёмон бўлади.

— Улар тўкилмаган, барибир қабул қилишмайди,— деди Илья Михайлни қаҳридан сал туширишга уриниб.

— Тўкиб ташлагандан бўлса ҳам уларни қабул қилишмайди. Улар фақат ичиб бўшатилганини олишади. Тушундингми?

— Тушундим.

— Жуда тез тушунадиган бўлиб қолибсанми, а? Одамни ҳаваси келади-я, жуда ҳушёр қизсан-да. Энди бора қол. Бора қол, бора қол,— Нинкани отаси чиқариб юборди.— Бориб ўйна. Эркакларни олдида нима қиласан. Айтган гапларим қулоғингда бўлсин. Ҳеч ким билмасин. Вой шишафуруш-е! Қўғирчогингни ўйнайвер, шиша билан ишинг бўлмасин.

У Нинканинг кетидан эшикни ёпди-да, нафасини ростлади.

— Ахир у, жин ургур, чиндан ҳам элтиб топшириши мумкин-да. Бола нимани билади. Тўкилмаган эмиш-а! У ерда ўша ўн икки тийинга жон-жон деб жонингни ҳам сотиб олишади. Тўла мол билан ўн икки тийиндан олаверишади. Уларга нима, олиб борсанг бас. Вой жин ургурлар-е, жин ургур-е. Қидириб топганини-я, ўзиям бир балойи азим бўляти-да. Калласини сапчадай узиб ташласанг-да.

Бу орада Нинка у ёқ-бу ёққа аланглаб ҳовли ўртасига борди-да, ўша ердан, қувса етолмайдиган масофадан туриб, мўрча томонга қараб дўқ қилиб қўйди:

— Дадам ёмон.

У шундай деди-ю, ойисининг олдига кетди.

Люся әрталабданоқ кампирнинг аҳволини билиш учун унинг олдига кирди ва у ёқ-бу ёқдан гаплашиб бўлиб, ўрмонга бориш ҳаракатига тушди. Нинка тургандан кейин кампир ўрнига чўзилди ва уйқуга кетди, аммо у шитир этган ҳар бир товушдан дарров кўзини очарди. Бугун кампирнинг аҳволи анча яхшилиги кўриниб турарди, шунинг учун ундан хавотир олмай у ёқ-бу ёққа борса бўларди.

Люся тоққа боришни унчалик истамасди, аммо яна қандай ишга қўл уришини ўзи билмасди. Ахир кун бўйи уйда ўтириб бўлмайди-ку. Люся аввалига ўйламасдан Надяни бирга борайлик деб кўндириди-ю, аммо кейин уни яна ўзи айнитди, чунки биринчидан, Надя билан бирор хусусда гаплашишга мажбур бўлади, ҳолбуки ўзи бекорчи гапларни хуш кўрмас эди, бундан ташқари онасини бир Варваранинг ўзига ташлаб кетиш хавфли эди — опаси бирам ландовур хотинки, қўлидан ҳеч иш келмайди. Эркакларга-ку сира ишониб бўлмайди, улардан хабардор бўлиб туриш керак, тагин бир балони бошлаб, оналарига тиргилиб юришмасин. Мастиларга кампирнинг тоқати йўқ эди, тагин шулар туфайли баттар бўлиб қолмасин.

Люся узоқ йиғиширинди. Шундай кийиниц керакки, ўрмонда юриш ҳам қулагай бўлсин, ҳам яхши кўринсин, рўдапо хотинларга ўхшаб қолмасин. Бу, албатта, одамлар учун эмас — у ўрмонда ҳеч кимни учратмаслиги ҳам мумкин, ўзи учун эди, у бир умр шинам кийинишига одатланиб қолганди. Кишининг кайфияти ҳам, ҳатто иши ҳам шўнга боғлиқ. Люся омадсизликнинг кўзи-борлигига ишонарди, чунки бирорвга рўпара бўлишдан олдин бу кўзлар ўша одам ўзини қандай тутишини, унинг нимага арзиш-арзимаслигини, ҳатто сиртдан қанақалигини кўради. Ўзига пухта, бардам одамни бало ҳам урмайди.

Люсябоп тўқранг кофта Надядан топилди: яна нима кийиниши ўйлаб, боши қотиб қолди. Надя унга ўзининг чоловори билан этигини келтириб берди, аммо Люся уларни бир четга қўйди, булар унга муносиб эмас. Қани энди ҳозир шими билан шаҳар атрофига бориб-келиш учун атайлаб сотиб олган туристларнинг ботинкаси бўлса, роса иш берарди-да, бу ерда қўзиқорин теришга бориши мумкинлигини ким билибди дейсиз. У бу ёққа келётганида бошқа нарсани ўйлаган эди. Диидаги кийими бўлмагани учун ўрмонга боришга ҳам кўнгли йўқ эди, аммо

шу пайт қайтиб келаётган Варваранинг овозини күчадан эшишиб қолди, Варвара кун бўйи ёнида ғимирлаб юришини, ҳиқиллайвериб жонини ҳалқумига келтиришини тасавур қилди-да, ўзи Надядан илтимос қилиб унинг оёғидаги кедини ечдириб олди. Шундай бўлса ҳам майли, ишқилиб чиқиб кетса бўлгани. Уйда қолишни сира истамасди, бирорни кўришни ҳам, бирор билан гаплашишни, бирорга ачиниш, далда беришни ҳам истамасди. Туғишгандари-я, жондай туғишгандари-я, барча бошқа одамларга қараганда уларга бошқача муомала қилиши керак Люся, у эса улар билан ўзининг қони бир эканини асло ҳис қилмас эди, у фақат оғиздагина ўзини қариндош билар эди, шунинг учун ҳам ўзини ўзи ёмон кўриб кетарди. Улар билан сидқидилдан муомала қила олмаслиги ҳам, бу учрашувдан қувониб, очилиб-сочилиб уларга қўшилиб кета олмаслиги ҳам шундан эди. У қариндош-уругларини, ҳатто онасини кўргандада ғаши келар — ахир, онасини деб бекорга овора бўлиб келди-ку. Ҳа, ҳа, беҳуда келди. У яна бу ерда қанча туради, ҳеч ким билмайди, бир кунми, икки кунми, уч кунми? Эҳтимол, кўпроқдир?

Люся қишлоқдагилар билан учрашиб қолмаслик учун кўчани четлаб полиздан ўтган сўқмоқдан қишлоқ билан ёнма-ён бўлган биринчи тоққа кўтарилиди, у аввал бошданоқ шошилмасликка жазм этди, унинг учун муҳими ўрмонда айланиб, тоза ҳаводан нафас олиш эди,— шуни деб у дам олиш кунлари ҳам шаҳардан бир неча километр узоқдаги жойларга чиқиб кетарди. Бу ерда эса ўрмон шундоқ ёнида. Бегам-беташвиш, шундоқ тугилган қулай фурсатдан фойдаланмаслик кўрнамаклик бўлур эди: машина хусусида бирор билан келишиб ўтирмаисан, ўзинг билан овқат ҳам олмайсан, уриниб юрмайсан — турасану кетаверасан. Қўзиқоринлар-чи, қўзиқоринлар ҳам гап бўлибдими, улар бир эрмак-да. Ўрмонда бекорга санқиб юриш қишлоққа тўғри келмаганидан кейин нима қилсин. Йўлдан чиқса, териб олади, чиқмаса садқаи сар.

Люся тоққа чиқиб, дам олгани тўхтади. Назарида у бу ердан кетганидан бери тоғ кичрайиб, яссиланниб қолгандай эди. Люся ростдан ҳам менга шундай туюлаётган бўлса керак, деб ўйлади, чунки у шу ерда тугилиб-ўёди, балогатга етди, улугворлик тўғрисидаги тасавурлари ҳам ўзгарди: илгари кўзига катта, аҳамиятли бўлиб кўришган нарсалар энди ўз асл ҳажмига эга эди. Йўқ, тог чиндан ҳам анча чўкиби. Люся бир вақтлари болалар

билан то қишлоқ дарвозасигача осонгина сирпаниб тушганларини эслади. У орқасига қайрилиб, дарвозанинг қийшайиб қолган икки ёндорига қаради, кейин чамалаб кўрди: энди сирпаниб тушолмайсан, йўқ. Дарвозага нима бўлганийкин-а, нега дарвоза йўқ? Ҳа-я, экин экишмайди, ер ҳайдашмайди, демак, молдан бекитишнинг ҳожати ҳам йўқ, тўрт томон қибла. Юқори ва Куйи дарёнинг нариги ёғидаги дарвозалар ҳам бузиб ташланган, қўра ҳам бузиб ташланган.

Шундан кейин Люся нима учун тоғ кичрайиб қолганини тушунди: уни суришибди. Тоғ жуда баланд, катта эмасди-ю, аммо тик, машиналар учун хатарли эди, халақит берарди. Шунда бу ерга бульдозерни ҳайдаб келишган бўлса керак. Мана, чап томонда билинар-билинмас зовур кўзга ташланарди; бу икки одам бўйи келадиган ўша зовур худди жарга ўхшаб турибди, баҳор пайтлари бўтана сув шовуллаб оқарди, шу оққанча полизларга ёйилиб кетарди. Ўтирилаётган зовур ёнлари шунақа гумбурлардики, олислардан акс-садо берарди. Оналар болаларига уйдан жавоб беришар экан, аввало зовурга яқин йўламанглар, тагин бир-бирларингнинг кўзларингни ўйиб олманглар, деб тайинлашарди. Чиндан ҳам зовурнинг болалар учун ташвишли, номаълум, кўзга кўринмайдиган хатарли сир-асори бор эди. Қишлоқ атрофига тақиқланган жойлар кўп, аммо болалар энигаям, бўйигаям тимирскилаб чиқмаган ерлар кам эди, лекин улар зовур билан, гарчи унга тушиб-чиқиши унча қийин бўлмаса ҳам, ҳазиллашмасликка ҳаракат қилишарди, кимдир, қачонлардир зовурнинг ўзани умуман ўзан эмас, алдамчи бир нарса, унинг ости нақ жаҳаннамга элтадиган бўшилиқ деб гап тарқатган эди, улар шу миши-мишни эслашарди. Эҳтимол улар унчалик ишонишмасди, аммо эсларида турарди.

Мана, энди зовурни ҳам, шу зовур билан боғлиқ бўлган ваҳимали мишишларни ҳам кўмиб, текислаб ташлашибди. Яна бир сирли жой камайибди, илгари бу ерни одамлар қўрққанларидан ҳурмат қилишарди — бу ёруғ оламда бунақа жойлар борган сари кам қоляпти.

Ариқнинг нариги ёғида, сал чапроқда, қичитки қорашиб турган ерда, колхоз бўлган вақтида силос ўраси бор эди, дарё қутурган баҳор пайтлари кечқурунлари оғзи очиқ ўрадан тарқалаётган ғашга тегувчи куйинди ҳиди қишлоғини тутиб кетарди.

Одатда силосни ҳашар қилиб босишарди. Иш гавжум, қизғин бўларди: қичитки ва бошқа ўтларни ўриб келиб,

ўрага ташлашарди; кейин биронта болани от билан ўрага туширишарди, бола от билан ўтларни босиб, тепкилаб, борган сари юқорига күтарилаверарди, ўра атрофида эса болалар чувиллашиб, ишга халақит бериб, ўралашиб юришарди. Болаларни ҳайдаб юборишарди, улар кетишардию яна қандай қилиб ўра лабига келиб қолишганини билиб бўлмасди. Шу куни озмунча ўйин-кулги бўлмасди-ю, озмунча кўз ёши тўкилмасмиди! Қизишиб кетган эркаклар болаларга мушт тушириб қолишарди, болалар қўлларига қичитқи олиб бир-бирларини қувлаб ўйнашишарди, анграйиб қолганларни қичитқи қалин бўлиб ўсган жойларга итариб юборганда қавариқ пайдо бўларди, Люся эслади: қавариққа тупроқ сепиб, устидан тупурраб, ишқашарди, шунда баданда оқиши дод кўриниб, ачиштира бошларди. У яна бир нарсани, уни жилмайишга мажбур этган бир ҳодисани эслади: унинг тенгқурларидан Колька Комаровнинг тупуги зўр дори ҳисобланарди. Колька ҳатто тупук ҳақи оларди, шунинг учун қишлоқнинг ярим боласи ундан қазрдор бўлиб юради. Аслида, Колькага мурожаат қилишларининг сабаби ўз тупугидан кўра унинг тупуги чиндан ҳам ёрдам бергани учун эмас, балки ҳар қандай эмчилик сингари бегона қўлнинг тегиши болани ҳаяжонлантириб, сеҳрлаб қўшишдан бўлса керак, боз устига Колькадан бошқа ҳеч ким бу ишга сира журъат этолмасди.

«Қизиқ, Колька Комаров ҳозир қаердайинин, у нима бўлдийин?» — деб ўйлади Люся ва уйга борсам, уни суриштираман деб дилига туғиб қўйди. Бир вақтлари Колька унинг кўнглини овлаб юради, ким билади, агар у бу ердан кетмаганида, балки тақдири Колькага қўшилиб кетармиди.

Шу заҳоти унинг эсига бошқа бир нарса ҳам тушиб кетди. У бу хотирага алоқадор бўлган жойга яқинроқ бориши учун олдинга қараб юрди. Илгари йўлнинг ўнг тарафидаги адирда чоққина, бир гектардан камроқ ер бор эди, лекин Люся ақлини танибдики, бу ер ҳайдалмасди — оворагарчилиги кўпу фойдаси кам эди, шунинг учун кузги похолларни келтириб шу ерга босишарди. Болалар қишигача бу похолларнинг тит-питини чиқариб юборишарди. Улар кун бўйи шу ерда ўйнаб, похол ичидан йўл очишарди, махфий жойлар, уйчалар қилишарди, қоронги тушгандан кейин каттароқ болалар тайёр уйчаларга ўз қизларини олиб келишарди. Аммо қоронғилик ҳам унча ёрдам бермасди, чунки похоллар устида юксалиб турган қайинларга чиқиб олган болалар ким кимни бошлаб кел-

ганини билиш учун то хўроллар қичқиргунча пойлаб ўтиришарди. Бу ҳам етмагандай болалардан энг довюраклари йигит билан қиз ўтирган жойга юқоридан сакрашишарди — ҳазилнинг совуқлиги-ей! Аммо бунинг учун отнинг калласидай юрагу чаққон оёқ керак эди, бўлмаса безовта қилинган йигит туриб олиб, таъзирини бериб қўярди.

Бу хотиралар Люсияни ҳаяжонлантирмади, аксинча, ҳавасини келтирди: бу ишлар жуда ғалати, бир замонларда бўлгандай, ўз бошидан кечган, умуман кўз ўнгидаги рўй берган эмасу то унгача бирорвнинг бошидан ўтгандай тууларди. Люся бу хотираларни атайлаб эслагани йўқ, улар ўзлари сўрамасдан, кўзлари таџиш нарсаларга тушганидан хаёлига ёғилиб кела бошлади.

Чўзилиб кетган иккинчи тоғ олдида машина йўли чапга бурилиб, айланиб ўтарди,— бу тоғни суриш осон эмасди. Люся эски, икки четида баланд бўлиб ўт ўсиб, сўқмоққа айланган йўлдан тўғри кетди. Люся ўт-ўланларнинг бошоқларига қўлни теккиздиради, ўтларнинг уруғлари кафтини қичишитириб, оҳиста шилдирраб ерга тушарди. Тогда ўрмон сийраклашиб, экин ерларигача бориб тақалганди, энди ҳар қадамда тўнка-тўнкачалар учарди, йўл ёқасида бемаврид тайёрлаб қўйилган ходалар қорайиб, дарз кетиб ётарди, ҳар қандай босқинчилик вақтидагидек ўтлар гуркираб ўсиб бир-бирига чирмашиб кетганди, орасидан худди скелетга ўхшаб қуриб қолган шохлар қайилиб турарди — илгари қишлоққа яқин жойларда буларни ўтинга йиғишитириб олишарди, ҳозир эса булар ҳеч кимга керак эмас; Люся кеча юклаб кетилганидан қолган ёғоч-тахталар дарё қирғорида уюлиб турганини, ҳар бир уй олдида гўлалар ётганини кўрувди. Ҳа, энди уларни бензин билан ишлайдиган арраларда ала-мана дегунча арралаб ташлашади, илгаригидек эмас, илгари ҳашар қилиб арралашарди. Ҳашар ҳашарда: бир оиласининг кучи етмаса, кўичилик бўлишарди, болаларни ҳам олиб боришарди, уларга ўзларига яраша иштопиб беришарди, Люся саржин тахлашни яхши кўришини эслади, у сарик қарағай палёнларини кўзни қувонтирадиган қилиб чиройли тахларди-да, ҳузур қиласарди, қарағайларнинг учи томонида пўстлоги юнқа, мағин бўларди. Ўтин тайёрлаш мавсуми йилда бир марта — баҳорда бўларди, кейин ёзи билан бу палёнлар қурирди, энди бўлса истаган вақтингда ҳар ерда пала-партиш сочилиб ётган ёғочлардан таилаб арралаб олавер.

«Иўқ, ўша ҳашарларнинг ҳарқалай файзи бор эди,—
кутилмаганда маъюсланиб афсусланди Люся.— Одамлар
ҳам бажону дил боришарди. Агар битта-яримтани
айтишмаса, ўша одам хўжайнилар бизни ажратиб қўй-
ибди-да, ёқтиришмаскан-да, ишонишмаскан-да, деб ўй-
ларди».

Ишга ҳамма бирдан ёпишарди, жон-жаҳди билан иш-
ларди, арраларнинг зув-зуви, болталарнинг гуп-гупи,
ағдарилган дараҳтларнинг қасир-қусури ҳаммаёқни ту-
тиб кетарди, одамларнинг юраклари ҳаприқиб, албатта
бир-бирларига ҳазиллашишарди, тегажоғлик қилишарди,
ичлари таталаб, овқат олиб келиш учун олдинроқ уйга
жўнатилган беканинг йўлига кўзлари тўрт бўлишарди.
Қишинадан кейин ўрмонда қилинадиган дастлабки иш эди
бу, бунинг устига иш ҳам оғир эмасди, шу боисдан бу
ишини ҳамма севарди. Қуёш ҳам, ўрмон ҳам, жон кириб
қолган ердан тараалаётган кишини маст этувчи ҳидлар
ҳам — ҳаммаси ёшу қарини бир хилда қўзғаб қўярди,
бу ҳаяжон анчагача, то улар сулайиб қолмагунча ву-
жудларини тарк этмас эди. Ерлар янгиланиши билан
туйгулар ҳам ўзгаргандай бўларди, улар қандайдир
галати йўллар билан олис, киши анча тетик бўлган, кўп-
роқ эшитиб, кўпроқ кўриб, ҳамма нарсанинг фарқига
етиб юрган пайтларидағи туйгулари билан бирлашиб ке-
тарди. Қадимий туйгулар тушуниб бўлмайдиган бир
қунт билан яхшилаб қарашга, ҳидлаб кўришга, оёқ ости-
дан ҳам, ҳаводан ҳам унутилган, йўқотилган, аммо бу-
тунлай йўқ бўлиб кетмаган бир нимани қидириб топишга
мажбур этарди.

Сув ўрнига қайин шарбатини ичишарди, вужуди ҳам
уни худди доридай авайлаб, диққат билан, кўп ўтмай
шифобахшлигини кўрсатишига ишониб сингдиради.
Шарбатни болалар йигиб келишарди, дастлабки сарана-
лар¹ни ҳам шу болалар кавлаб келишарди, уларнинг са-
риқ пиёзи оғизда худди асалдек эриб кетарди, одамлар
юзларини бужмайтириб, чанқоқларини босиш учун эмас,
балки бир-бирларидан қолишмаслик учун оқ қарагай
япрогини шимар эдилар. Пасха бўялган тухумсиз ўтма-
гандай бу кун ҳам тилоғоч елимисиз ўтмасди, уни ҳатто
эркаклар чайнашарди, кейин эса милкларини абгор қил-
гач, елимни сўкишарди-да, чекишга тушишарди.

Тог тиккалиги тугаган жойдан далалар бошланиб
кетганди. Люся очиқ ерга чиқди-да, ҳайрон бўлиб атроф-

¹ Сибирнинг қизил нилуфари. (Тарж. изоҳи.)

та аланглади: нима бало, адашиб қолмадимикин? Қиншоқдан уч қадам нарида қанақасига адашиб қолиши мүмкин? Йўқ, албатта: ана Касаловка — чап томондаги далалар, нақ Қуйи дарёга бориб тақалади, Касаловка деганлари шу-да. Ҳу рўпада Яқин яланглик, хирмоннинг бир тарафида қолган гов кўриниб турибди, у ёғида эса Тепалик, ўнг томонда эса йўл Олис ялангликка олиб боради. Бу номлар Люсянинг эсига шундай осон келдики, гўё бу номларни ҳар кун айтиб юргандай эди, ҳолбуки бундан олдинроқ қишлоқ рўпарасидаги орол номини айта олмаганди, шунинг учун Люся ўзига ҳайрон қолди: нега бунақа бўлдийкин? Унга қандайдир овоз — ўтларми ёки шамолми бу ердаги сўзларни айтиб пичирларди-ю, қулоқлари буни илгаб олиб, тили такрорлагандай туроди.

Люся кўзига кўринган ерларни билиб-билмай йўлдан секин олдинга қараб бораради. Агар юқоридан туриб қараса, мана, Касаловка, анавиниси Яқин яланглик, ундан у ёғида Тепалик. Пастда эса ҳаммаси бир хил, бир нотаниш, кенг ҳаробазорга ўхшарди, бунга одамнинг кўзлари ишонмасди. Тоққа олиб чиқувчи тор йўл-сўқмоқ бу ерга келиб яна машина йўлига қўшилиб кенг бўлиб ёйилиб кетганди. Далаларни ўт босиб кетганди, ер этагида эса бир-бирига тиқилиб тоғтераклар ўсиб ётарди, улардан берироқда, ўртароқда қарагай буталари алоҳида эди, унда-бунда қамишлар кўзга ташланарди. Дала билан уватларни ажратиб бўлмасди, бир-бирига қўшилиб кетганди, шу пайтларда анқиб турадиган буғдой ҳидидан аллақачон асар ҳам қолмаганди; ҳозир ўрмондаги қариб қолган ўтларнинг аралаш-қуралаш ҳиди-ю, кейин ташландиқ ерларнинг чучмал, қуруқ иси келарди.

Люся ўзини тўхтатолмай чапга бурилди ва даладан юриб кетди. Ерлар ҳали қўриққа айланмаганди, серкесак, кулранг эди. Буғдой етиштиришга одатланиб қолган ер қандайдир бир мўъжизага ишониб, кучи борича ўзини экин-тикин учун асрар келарди, аммо чумолилар ёш навниҳол қарагайзорнинг баргларини пайқабми унинг атрофида уймалашарди — демак, улар бу ерда ҳеч ким безовта қилмаслигига ишонган.

Колхознинг бу ердан кетганига неча йил бўлдийкин? Етти йилми, саккиз йилми, тўққиз йилми? Люся аниқ билмасди, ҳарқалай шунга яқин эди. Колхозни кетмади, деса ҳам бўлади, ўрнида йўқ бўлиб кетди, фақат машиналарни машиналар унча кўп ҳам әмасди — яна бальзи бир асбоб-ускуналарни олиб кетишиди. Далаларни олиб

кетолмайсән, мана ўша далалар, одамлар ҳам қолишиди, ўрганиб қолган, қариндош-уругларинг кўмилган жойни ташлаб, номаълум ерларга кетиш жўнгина, осон эмас. Кўчиб келганлардан фақат уч оила кетди, улардан бири кейин яна қайтиб келди.

Колхоз «Чапаев хотираси» деб аталарди, Люся ўзини зўрламаса ҳам эндиликда ҳеч кимга керак бўлмаган бу ном қаёқдандир лип этиб эсига осонгина кела қолганига яна ҳайрон бўлди, бу ном лип этип эсига келди-ю, мунгли бир сасдек далаларга тарашиб кетди. Агар у бу ерларга келмаса, ўтмиш хотиралари билан боғлиқ бўлган ерларни кўрмаса, Люся буларни сира-сира эслолмасди. Дарвоқе, кейин, Люся кетганидан кейин колхоз номини бир неча марта ўзгартиришди, аммо у бошқа номни билмасди.

Аранг учини учига етказиб келаётган «Чапаев хотираси» колхозининг омади икки томонлама юришмади. Биринчидан, шундоқ ёнида, қишлоқнинг ўзгинасида бой, серпул леспромхоз бор эди, леспромхоз пулни худди эртаклардагидек ҳар ўи беш кунда канда қилмай тўлаб туарди, ёшлар турли ёлғон-яшиқ баҳона билан колхоздан қочиб қоларди. Бунинг учун жойидан қўзгалишининг ҳам, ўз ҳаётини ўзгартиши ҳам керак эмасди, ҳам маси шу ерда эди. Леспромхозда кам деганда уч ҳисса пул ишлашини ўз кўзи билан кўриб турган яхши механизаторни колхоз тутиб тура олармиди. Тутиб туришга тутиб туришарди-я, аммо дўқ-пўписа, қонун билан тутиб туришарди-ю, охири бахайр бўлмасди.

Колхоз бир ишқалнинг олдини олишга уриниб ётганида бошқа ишқал ҳам чиқиб қолди — колхозларни бирлаштириш бошланди, шундан кейин «Чапаев хотираси»ни ўзига ўхшаган ночор бир колхозга тиркашди, ўша колхозга деярли әллик километр тайгадан ўтиб бориш керак эди. Энди нафақат ёшлар, балки деярли бутун қишлоқ ёпирилиб леспромхозга кирди. Иш шу даражага етиб бордики, мол-ҳолга қарайдиган одам қолмади, нариги колхоз молларни, қўйларни ҳайдаб олиб кетди, ерларга ҳам, гарчи ўзларида одам етишмай турган бўлса-да, одамларини бу ёқса ёрдамга юбориб, икки йилгача қараб юрди. Колхоз азоб торта-торта ниҳоят қолган-қутган нарсаларни ўзига олиб кетди. Далалар эса қолаверди. Мана улар, ўшалардан қолган ерлар.

Люся яна атрофга бир бор аланглади, кейин уни шу ерда ногаҳон тугилган бир туйғу — гўё далаларга бирон

жиҳатдан нафим тегиши мумкин эди-ю, аммо тегмади, деган бир ёзиқ юрагини жизиллатиб юборди. «Э, анави бемаъни гапни-я,— деб қўл силтади у.— Бунга мени сира алоқам йўқ. Мен олдин, бу ўзгаришлар бўлмасдан анча олдин кетганман, мен бу ерда бегона одамман». У леспромхоз деб ерни ташлаб қўйган қишлоқ одамларида бу туйгу кучли бўлса керак, агар уларда заррача виждан бўлса, ўзлари куйиб-пишенин, мен эса бу ерга чиндан ҳам тасодифан келиб қолдим, бу ерга яна қачон келишимни худо билади, деб ўйлади. У ўрмонга жуда дадил бўлиб борган эди, бу дадилликдан энди ном-нишон ҳам қолмади, сайр қилиб қайта кайфияти бузилди, қандай, нима билан бузилганини унинг ўзи ҳам тушуна олмасди. У уйда колмаганига афсусланди, энди бўлса, ўзи истаган тақдирда ҳам уйга қайтиб кета олмасди; уни истак-хоҳишидан ташқари бошқа бир мавҳум нарса олдга бошлаб бораётганди, у шу нарсага бўйсунниб, итоаткорлик билан қадам ташлаётганди. У анча олиедан кўрган, эски уватда турган, ёмғир ва қуёшдан ялтираётган кундага ўтироқчи, дам олмоқчи, бир оз ўзига келмоқчи бўлди-ю, аммо негадир ёнидан ўтиб кетаверди, у қандай ўтиб, нари кетганини ҳам эслолмасди. У орқамга қайтқайта олмаслигини биларди, аммо қайтмаслигини, ни қилолмаслигини тушунарди.

Ногаҳон миясига келган фикр Люсяни гангитиб қўйди. У ўзи ҳис этаётганидан ҳам кўпроқ алам чекиши керак, деб ўйлади, чунки у ўзи билган вақтдан бери қаровсиз қолган бу ерларни биринчи марта кўриб туриши эди. Аммо на алам, на ачиниш бор эди, шунчаки гангид қолган эди, бу гангид қолиш секин-аста тушуниб бўлмайдиган ваҳимали ташвишга айланадиганди, ер гўё унга: мен сени эслайман, қани сен узил-кесил бир фикрингни айт, ахир, сен, Люся, илгари бу жойларга бир неча марта келгандинг, ҳатто ишлаган ҳам эдинг, деб уни хавотирга солиб қўйган эди. У ўзини оқламоқчи бўлиб: «Ҳатто ишлаганман», деб такрорлади-ю, бу сўзлар замирида нималар борлигини ажабланиб пайқади.

Хотиралар уни тўхташга ва яна бир бор атрофга яхшилаб қарашга мажбур этди — у кўринган барча нарсанни, юқорини — осмонни шонилмай кўздан кечирди, у нима қидираётганини биларди ҳам, билмасди ҳам, шундан кейин пастга, сийрак, дараҳтлар орасидан ёргуллик тушиб турган ўрмонга қараб бурилди. Ўрмон ортида кичик, Қуйи дарёга қараб чўзилиб кетган дала кўздан

пана бўлиб туарди, бу дала ҳаяжонланган Люся хоти-расида бошқа барча нарсалардан алоҳида ажралиб ту-арди. Люся дала чакалакзор бўлиб кетгандир, энди уни сира тополмасам керак, дер ва гўё бу дақиқалар бир нимани ҳал қилиб берадигандай шошилар эди. Қаерда-дир, пастда, ўша далага элтадиган йўл борлиги Люся-нинг эсида бор эди, аммо ўша йўлга тушиб олиш Люся-га олисдай туюлди, шунинг учун у тўғри ўрмондан кета қолди. У аввал далага бир четда туриб ўгринча қарамоқчи, бу ўша даламикин, адашиб қолмадимикин, дала нима бўлганийкин, шуни билмоқчи бўлди, йўлдан борса элдан бурун ўзини сездириб қўярди. Ҳамон унинг кўнгли ғаш эди. Назарида кимdir унга аввал бошдан мўра-лаётгандай, ҳар бир қадамини кузатиб юргандай эди, шунинг учун у яширинишга, очиқ ердан юрмасликка ҳа-ракат қилди.

Ниҳоят олд томон бутунлай ёп-ёруғ бўлиб кетди, ке-йин Люся ўша далани кўрди. У ўрмондан чиқмай туриб, дарахтлар орқасидан далага қаради. Кенг, эски марза сақланиб қолибди, энди у сўқмоққа ўхшаб кўринарди, заранг бўлиб, ўт босиб кетган марза дарахтларнинг уру-ти униб чиқишига қўймабди, аммо марзанинг шундоқ ёнидан, ҳайдалган ердан тоғтераклар ўсиб, тог этагига қараб кетибди. Нариги ёқда, тоғтераклар тугаган жойда, сал пастроқда худди мўъжизага ўхшаб полиз кўринарди — кимгadir ўша ер ёқиб қолиб картошка экибди. Картошка палаклари офтобрўяда қишлоқдагидан ҳам баттар қовжираб кетибди, аммо ерга ётиб қолмаганди, Палаклар одатда далада бўладигандек паст ўсиб, қадди-ни кўтариб турса ҳам, остида ҳеч нима йўққа ўхшарди, Аслида эса, бу ерда картошка әкилини гайритабиий кў-ринганидан шундай туюларди.

Люсяни бу ерга бошлаб келган хотира урушдан ке-йинги очарчилик йилларидан қолганди. Бу воқеа ё қирқ олтинчи, ё қирқ еттинчи йилда бўлганди. Кўкламда, әкиш олдидан Люсяни шу далани сихмола қилишга юбориши. Ундан олдинроқ ёмғир ёққанди, ер лой эди, сихмолага ёпишиб қолавериб, Люсяни адойи тамом қили-ди. Яхшиси то ер селгигунча кутиб туриш керак эди, аммо ё кутиб туришга вақт йўқ эди, ё кутишни хоҳлаш-масди. Бундан олдинги йил эса шудгор қилиниб, дам бериб қўйилганидан жуда ўт босиб кетганди, ўтган йил-ти ўтлар сихмола тишига тикилиб, тишлар ер бетини аранг тиrnаб ўтарди. Шунинг учун дам-бадам сихмолани ағдариб, тишларини тозалашга тўғри келарди. Люсяга

бир қари, қирчанги от тегди, ўша йили баҳорда ҳамма отлар ҳам зўрга оёғини судраб босарди, бу отнинг эса умуман сурати қолганди.

Мана, яна, нечанчи мартадирки, керакли сўз Люся-нинг қулогида янгради. Игренъка. Отни Игренъка дейишарди, қулогида ҳамон янграб турган бу сўз эсига бошқа нарсаларни ҳам равшан келтирди. Люся шундай ориқ, ҳатто туёқлари ҳам қуриб қолганга ўхшаган, ёли кулранг, пешонаси қашқа жийронни ҳам, унинг кетидан тизгинни силтаб, бир оёғида сакраб, иккинчи оёғи билан сихмолани ерга босицгага ҳаракат қилиб кетаётган нозиккина, юпунгина кийинган қизчани — ўзини кўз олдига келтирди. Орқасида эса иланг-биланг, галати излар қоларди.

Игренъканинг кураги оёғи билан бирга олдинга-орқага баробар бориб келарди. Юқоридан пастга тушаётганда от бир амаллаб сихмолани тортиб келарди-ю, аммо орқага бурилиб, то юқоридаги марзага етиб боргунча камидা ўн марта тўхтарди. От олдинга интилиб оёқ босаркан, ҳансираарди. Люся энди отни қийин-қистовга олиб ҳайдамасди-да, сихмола тишларини тозаларди, кейин тизгинни силтаб биқинига уриб қўярди. Игренъка жойидан қўзғалишдан олдин бир чайқалиб оларди, бирданига тортиб кетолмасди. От кўпинча издан чиқиб кетарди: чамаси юқоридаги марзагача қанча қолганини кўрмаслик учун кўзларини юмиб сихмолани тортарди. Ўшанда қизалоқ от билан, чим бўлиб кетган ўт-алафдан, лойдан жуда қийналиб кетди, унинг ҳам худди от сингари тинка-мадори қуриган эди, шунинг учун Люся ҳозир ўша пайтдаги кўйга тушдю сиқилиб кетди. У ўзини шунчалик латтадай бўшашиб, ожиз ҳис этдики, далага ҳам етмай шу ерда шундоққина ўтга ўтириб қолди.

Ўшанда ниҳоят Игренъка бир қоқилди-ю, ағдарилиб тушди. Люсянинг жон-пони чиқиб кетди. У тизгинни силтаб отни турғизишга уринди, ҳеч нима чиқмагач, нўхтасидан ушлаб, отнинг бошини кўтарди, от эса бошини лиқиллатиб, унинг ўзини пастга торта бошлади. Люся отга қараб бақирди, у жаҳли чиққанидан эмас, қўрқиб кетганидан бақирди, у капалаги учиб кетиб, отнинг ичига тортиб кетган биқинига тепа бошлади, калтак зарбидан отнинг аъзойи бадани титраб, уча бошлади, аммо от ҳатто ўрнидан туришга ҳам интилмади. Люся у ёқ-бу ёққа аланглаб, отдан нари кетди, кейин чопқиллаб келиб, отни ағанаган томонидан, биқинидан ушлаб тортишга тушди, аммо унинг халта бўлиб осилиб қолган терисидан

беҳуда тортарди. Шундан кейин Люся оёгини қўлига олиб қишлоққа югарди.

Худога шукур, онаси уйда әкан. Улар ясланиб ётган Игренъка ёнига юргилаб келишди. От энди оёқларини йигиб қорни билан ётганди, атрофи ўйдим-чуқур эди, чамаси от Люся йўқлигига бир фалокатни сезгандай туришга ҳаракат қилибди-ю, аммо туролмабди, шундоққина кўриниб турибди, энди бўлса ердан ором олиб, тақдирига тан берид, тинчгина ётарди. Онаси отнинг олдига чўккалади-да, унинг худди рандалангандага ўхшаш ингичка бўйини силай бошлади.

— Игреня,— деди у әркалаб.— Нима хаёлга бординг-а, Игреня? Вой жиннивой-еї, вой жиннивой-еї. Мана, ўтлар кўкариб қолди, сен бўлсанг ўлимни кўзлабсан. Кўп ёмас, бир ҳафтагина сабр қилсанг, жонинг киради-қолади, қаердан бўлсаям қорнинг тўяди. Шошилма, Игреня, бўш келма. Қишданки ўлмай чиқдингми, энди жин ҳам урмайди, бу ётига чидашни худонинг ўзи буюрган. Ахир озгина... Э худойим... озгина қолди-я ахир. Қиши нима эмиш, шунча уруши вақтида ўлмовдик-ку. Сен шўрлик, уруш даврида тахта-ёғоч ташийвериб адойи тамом бўлдинг, э, ўша ишлар олдида шу ҳам иш бўптими? Ташигансан, кучингни кўрсатгансан. Бунақа ишга орият учун ҳам чидаласа бўлади, мана мен ҳам ор-номус зўридан юрибман.

От қушникига ўхшаб ингичка тортиб кетган тумшуғини унга буриб, лабларини унинг қўлларига теккизди.

— Ҳеч вақом йўқ,— деди онаси қўрқиб кетиб.— Ҳеч вақом йўқ, ҳеч нима олиб келмовдим, Игреня. Жуда ҳам эсим йўқ-да. От бўлса ҳам ҳаммасини тушунади. Келиб келиб Игреня тушунмас эками,— у отнинг тумшуғини силаб-сийпалади, пепноасига тушиб турган ёлини таради.— Бу баъзи одамларга қараганда ўн баробар зийракда ўзи. Бурноги йили ёғоч тушиб Игренъканинг оёғи синганида уни гўштга топширишмоқчи бўлишди, шунда уч оёқлаб тайгага қочиб кетган қайси от эди? Мана шу Игренъка-да. То суюги ўсиб битиб кетмагунча тайгадан чиқмади, ўша ерда ётди. Шундан кейин ҳам анчагача оқсаб юрди. Мен эса сени ҳеч кимга бермадим, сен чўлоқда малоканкага сув ташиганман, оёғингга тагии зиён қилмасин деб бочкани сувга тўлдирмасдим.

От бошини кўтариб ингичка овозда гуноҳкорлардек кишинаб қўйди. Люсянинг онаси отнинг бўйини сийпалади, от ҳам бу меҳрибончиликка жавобан иккичи марта кишинади ва остидаги оёқларини қимирлата бошлади.

— Шошмай тур, Игредя,— Люсянинг онаси шошиб қолди ва отни абзалларидан бўшата бошлади.— Шошма, ҳозир. Ҳозир мен сени тургазиб қўяман. Ҳа, ётганинг ҳам бўлар энди, хўп ётдинг.— Игредя Люсянинг онаси қаёққа ўтса, бошини ўша ёққа бурав ва заифлиги учун қўрқиб, сабрсизликдан титрар эди. Люсянинг онаси юганни томоги тагидан ушлагач, от олдинги оёқларини шартта чўзиб юборди, аммо узоққа, ноқулай чўздӣ, шунинг учун у яна оёқларини яқинроққа тортди, кучаниб, кейинги оёқларига тираниб интилди-ю, аммо уддалай олмади, қайтиб ўтириб қолди. От аёлдан бошини буриб яна кишинади, унинг овозида туролмайман, кўриб турибсизлар-ку, туролмайман, деган умидсизлик оҳангি бор эди. Аёл уни яна тинчиди:— Шошилма, Игредя. Шошилмай дамингни ол. Дарров эмас-да, сен бўлсанг, дарров турмоқчи бўлдинг. Ўтириб қолдингми, майли, ҳечқиси йўқ. Ҳозир дамингни оласан, кейин турасан. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Вой сен Игредя-ей, Игредя-ей.

У Люсянинг ишига кўз югуртириб чиқди-да, унга таъна қилди:

— Бўйига қараб юриш керак эди, сен бўлсанг энига юрибсан. Тепаликка тушиб-чиқишга манаман деган от ҳам дош беролмайди. Бунга-ку йўл бўлсин...

— Ҳа, ўзи энига ҳайдалган экан-да.

— Хўш, нима бўпти? Секин-аста бориб-келаверардинг, ҳеч ким сени тез бўл қилгани йўқ-ку, ер битта-ку, хоҳласанг узунасига, хоҳласанг кўндалангига-да. Қанча бўлса, шу-да. Кўпаймайдиям, озаймайдиям.

У тизгинни Люсяга берди-да, ўзи отнинг ёнига ўтиб, сағрисига шапатилади ва остидан ушлади. Игредя гўйиқилган жойидан тезроқ нари кетай дегандек, олдинги оёқларини босди, кейинги оёқларини чўзиб, сўнгги бор жон-жаҳди билан ростлади-да, азод ўрнидан турди. От тўрт оёғида чайқалиб турарди, она эса уни суюб, белидан қучоқлаб курсандлик билан деди:

— Мана бўлди. Мана бўлди. Ахир мен сенга айтувдим-ку. Сен бўлсанг, ўлимни кўзлаб юрибсан. Гуноҳ эмасми ахир бу? Агар бировга айтсанг, дизентир деб устингдан кўлади. Қанақасига сен дизентир бўларкансан, Игредя? Эй худойим, қанақасига дизентирсан? Агар ҳозир чивин қўнса ҳам аганаб тушасан. Ана шунаقا дизентирсан-да. Ҳозир сени ишга тайинлаб бўларканми? Юр, дизентир, юра қол.

У юганни ушлаб, отни етаклади. От чайқалиб, ўрнидан қўзгалди, қўзгалди-ю, деярли шу заҳоти тўхтади ва

гүё яна ағдарилиб тушишдан қўрқандай оёқларини судраб босди.

Люся ўрнидан турди ва у ёқ-бу ёғини қоқиб, далалар ўртасидаги полизга яна бир бор қаради, гүё бу воқеа ҳозир эмас, бир вақтларда, бундан йигирма йил олдин бўлганига ишонч ҳосил қиммоқчи эди. У кўз олдида турган Игренъка манзарасидан қутулиб, ҳали ўзи тушиб келган тепаликка қараб секин-аста кўтарила бошлади, аммо хотира хаёлидан сира ўчмасди. Назарида бу воқеанинг нимасинидир тушунмасди, бу воқеа аслида қандай оғир, аламли бўлганини кўрсатиш учунгина эсига тушгани йўқ, унинг яна қандайдир ўзига хос, сирли, эски ярани янгиловчи жиҳати ҳам бор эди, бу жиҳатини эса Люся тушунмасди, Люся ўзининг синчковлиги билан қўрқитувчи қандайдир нотаниш ҳис-туйғуга берилгани ўзига нашъя қилиб ўзидан ранжиди-да, бу туйғудан қутулиш учун тез-тез юришга жазм этди.

«Ҳатто ишлаганман ҳам», — бундан ярим соат олдин шу далани қидириб топишга мажабур этган фикр яна эсига келди. Ҳа, эл қатори ишлаган. Ҳа, пичан ҳам ўрган, йигиштирган ҳам, сихмола қилган ҳам, ўтоқ ҳам қилган, йигиб-терган ҳам — айниқса колхозда одам етишмай ётган йилларда колхозда иш кам эди дейсизми. «Ҳатто ер ҳайдагансан», — деб унга кимdir қўшимча қилди, чиндан ҳам у ер ҳам ҳайдаган эди, буни у қандай қилиб эсидан чиқардийкин-а? Рост, фақат икки кун ҳайдади, чунки у плугнинг орқасидан юришга юарди-ю, аммо уни бир эгатдан иккинчи эгатга олиб қўйишига кучи етмасди. У нимжонгина бўлиб ўси, ишга ҳам ўз тенгқурларидан кейинроқ, фақат урупнинг сўнгги йилларида чиқди. Унгача онаси раҳми келиб уни уйда Танька билан — ҳозир Киевда юрган Таньчора билан қолдирив кетарди.

«Кошкийди Татьяна бугун кела қолсайди», — деб кўнглидан кечирди Люся бошқа нарсани ўйлаш имконияти тугилганидан суюниб. — Бўлмаса онаси Таньчора, Таньчора деб ҳеч кимга тинчлик бермайди. Агар шу бўлмаса, онасининг нима бўлиши тайинку-я. Ҳозир онаси фақат шу Таньчорасини кутиб ётиби.

Ўрмон тугади, Люся яна баландга кўтарилиб кетган далаларга чиқиб қолди. Бу ердан, очиқ ердан исиб кетган кунда ястаниб ётган атроф аниқ-таниқ кўринарди; агар олисга нигоҳ ташланса, ҳаво қуёшда сезилар-сезилмас, майин жингирларди, юқорида жингирлаб турган бу ун эса ягона бўлиб туволарди-да, пастда, Люсянинг оёқ-

лари остида жимиб, эштилмай қоларди. Оёқлар остида-
ги ердан садо чиқмасди, тошдай қотиб жим турарди; куз
шарофати туфайли илиңлик ва түйингарчиликдан тогда-
ги ўрмон жилва күргизиб оқиста қимирлаб құяр, оқиши-
симон, қайинворий ҳовур билан билинар-билинмас на-
фас оларди. Ўрмон ортидаги осмон сокин ва бир текисда
үфқа томон туташган әди; осмон жуда баланд, шаф-
фоғ, аммо ундағы мөвийлик хира тортиб, қаъридаги фу-
сункорлик сусайган, синоатида ҳорғинлик пайдо бўл-
ганди.

Люся даладан кетаётib яна ҳам чапроққа, дарё то-
монга қараб бурилди. У гарчи ҳаммаёқдан барадла кў-
риниб турган бўлса-да, ўгринчасига жуда авайлаб қадам
босарди. Қаердадир ўша ерда йўл бор, Люся анча айлан-
сан ҳам майли, йўлдан кетганим маъқул — хатарсиз, деб
жазм этди. У бу ерларда қўрқадиган ҳеч нима йўқлиги-
ни жуда яхши биларди, аммо у қаёқдандир пайдо бўл-
ган, кимдир мени пойлаб, кузатиб юрибди, деган туйгу-
дан ҳарқалай сира қутула олмасди, бу бундан буён қан-
дай воқеа юз беришидан далолат берувчи шунчаки бир
туйғу бўлмасдан, балки қандайдир ғалати бир тарзда
ўтмиш билан, қандайдир унтулиб кетган, эндиликда
жавоб бериш талаб этилаётган хотира билан боғланиб
кетарди. Назарида у ўрмонга келаётганида бирорнинг
ҳийла-макрига енгилтаклик билан учгандай, уни бирор
алдаб бу ерларга бошлаб келгандай әди, аммо энди орқа-
га қайтиш мумкин эмасди — унда уни нима мақсадда
уидан алдаб олиб келишган бўлишса, ўша иш шу заҳоти
шу ернинг ўзида рўй беради. Шунинг учун у қўрқиб шу
ишнинг рўй беришини чўзарди, пайсалга соларди, уни
эргаштириб борган сари олисга олиб кетарди.

Ҳарқалай, у йўлга чиқди, аммо бу билан енгил торт-
мади. У йўлдан паастга қараб югуриш, то қишлоққа ет-
гунча оёғини қўлига олиб югуриш васвасасига қарши
курашиб, аста-секин, гўё йўлни текширмоқчи, унинг
қаттиқлигини, хавф-хатарсизлигини синааб кўрмоқчи бўл-
гандай юқорига қараб кетди. Йўқ, югуриб етиб ололмайди,
югуриш эсидан чиқиб кетган. Йўлни ўт-ўланлар
босиб кетганди, кесаклари тошдек қотиб қолганди, наза-
рида ҳаво ҳам қуриб битганди, шунинг учун Люся кўп
ўтмай нафаси қайтиб кета бошлади. У бир кўнгли дала-
дан ўтиб кетақолай ҳам деди-ю, аммо йўлдан чиқмади,
у қулоқ қоқиши мумкин бўлмаган бирорнинг иродасига
бўйсуниб йўлдан бир қадам четга оёқ босолмасди, ни-
ҳоят, шундан кейин Люся айнан шу йўлга бекор чиққа-

нини, бу йўл энди унга бамисоли икки томони ошиб ўтиб бўлмайдиган, чиқиб кета олмайдиган баланд шаффоф деворли, тор, узун йўлак эдики, бу йўлак уни қандайдир кутилмаган, эҳтимол даҳшатли бир нимага олиб боришини тушуниб қолди. Қиррали кесаклар кедили сёғига қаттиқ ботарди, аммо у оғриққа эътибор бермасди, унинг бутун ўй-хаёли ишқилиб бундан бошқа, баттарроқ, қалтис хавф-хатарга йўлиқиб қолмаслик билан банд эди.

Люся кетаверди-кетаверди, ниҳоят, тўхтади: йўл ўртасида худди типратиконга ўхшаб чумоли ини ётарди, у анчагача мана шу жонли, қўмирлаб турган дўмсага ҳайрон бўлиб қараб тураверди. Чумолининг ини нега бир четда эмасу бу ерда, ўртада? Люся қандай ўтиб кетади? Энди нима қилсин? Эҳтимол, энди уйига қайтиб кетса бўлар? У орқасига қайрилди, аммо орқа томондан ҳеч нима кўрмади. Ҳамма нарса қуёш нурида чўмиларди, унинг нури Люсянинг кўзини ҳам қамаштириб юборди. У деворга урилиб кетмаслик учун қўлларини ёнига ёзив чумоли ини четидан очиқ йўлга оҳиста ўтди ва ҳеч нима бўлмаганига севиниб кетди. У шунчалик севиндики, ҳатто беихтиёр жилмайиб ҳам қўйди.

«Нима бўлди ўзи менга?!— деб ўзидаи гина қилди у.— Намунча латта бўлиб кетяпман ўзи? Бу атрофни, бир неча километр наридаги ҳар бутани биладиган мендай одамга бирон гап бўлармиди ахир? Бўлмаган гап! Айлангани, тоза ҳаводан нафас олгани чиқдим, вассалом, мен бўлсам қандайдир ваҳимага тушиб, болалардай қўрқиб юрибман-а. Бу ҳаммаси асабдан-ку, асабдан, асабни даволатиш керак. Ҳозир ҳу анавиларга бораманда, қўзиқорин тераман, кейин уйга жўнайман. Бу ерларнинг ҳаммаси менга таниш, буларнинг нимасидан қўрқади, киши? Узим ҳам гирт аҳмоқман-да!»

У кўйгли ёзилиб, дадилроқ кетди, ўрмонга етишига озгина қолди.

Шу пайт ногаҳон унинг дадиллигини маъқулламай, уни босиб, ҳавода ингичка, чўзиқ, чинқирган, аммо ҳамон эшитилиб, қўрқувдан тугамаётган овоз янгради:

— Минька-а-а-а!

Люся титраб, ўрнида қотиб қолди, у бу овозни таниди, бу ўзининг овози эди, у гўё устидан юк босиб турган бошини секин-аста чап томонга бурди: шумурт бутаси ўша ерда, аввалги жойида, ер ўртасида турганди, кимдир қачонлардир раҳми келиб, плугни атрофидан айлантириб ўтганди, бундан фойдаланган шумурт ўсиб,

кападай бўлиб кетганди, атроф-теварагига ёйилиб ҳосил бера бошлаганди. Люся беихтиёр уйғонган дастлабки туйғуга бўйсуниб, шумуртга томон қадам ташлади ва кутилмаганда йўлдан чиқди, йўл уни қўйиб юборди. Люся ажабланмади, у қаёққа боришини бугун ўзи танламаётганини, балки шу атрофда яшайдиган, унинг сирасоридан хабардор бир бегона куч бошлаб юрганини тушунди.

Капа бўлиб кетган шумурт атрофи ҳаддан ташқари тўзиган эди. Кесилган, қуриб қолган шохлар ерда думалаб ётарди, омон қолган шохларининг барги яккам-дуккам бўлиб, ўргимчак ини босиб кетганди, хунук қўринарди, энг яхши, бақувват шохлари кесилганди. Энди фақат ён шохлари, сийрак новдалар қолганди, шундоқ қўл чўзсанг етади, ўртадагиларини эса олиб кетиб бўлишганди, энди уларнинг ўрнида одамнинг кўкрагигача келадиган яланғоч тўнкалари чиқиб қаққайиб туарди, омон қолган майда шохлари эса атрофга осилиб туарди. Унда-бунда меваси кўринарди. Люся мевалардан бир неча донасини узиб олди, мевалари юмшоқ, ширин, муздек, худди ўша вақтдагидек ялпиз мазаси келарди. Шунинг учун бир неча йиллардан кейин ҳам ўша чинқирган овоз яна янграб, Люсянинг юрагини қисиб юборди. У чўчиб атрофга аланглади — ҳеч ким йўқ, шундай бўлса ҳам у, ҳар эҳтимолга қарши, дарё томондан ҳеч ким кўрмасин, деб бута ортига ўтди.

Бу воқеа ҳам урӯш тугаши билан юз берган эди — ҳаёт ўшанда, лаънати тўрт йилдан кейин ҳали изга тушмаганди, ҳаммаёқ алғов-далғов эди: очлик-яланғочлик, босқинчилик, суд қилишлар, кўз ёшлари беҳисоб эди. Икки ёздан бери шимолнинг қаеридандир қочган власовчилар дарё бўйидан ўта туриб қишлоқ одамларининг юрагини така-пука қилиб кетишарди. Фалон ерда сигирни сўйиб кетишибди, фалон ерда бир хотинни зўрлаб, ўлдиришибди, магазинларни талашибди, дори бериб бутун-бутун оиласларни ухлатиб қўйиб, қоққан қозигигача пақъос олиб кетишибди, деган хабарлар тез-тез қулоққа чалиниб туарди. Эркаклар ҳатто кечаси қоровуллар ҳам қўйишиди, лекин қоқъолар кутилмаганда бостириб келиб, билганиларни қилишиди. Тўғри, қўйи оқимда қаердандир иккитасини тутиб олишибди, уларни районга қандай олиб келишганини Люся кўрган эди. У шуни эслади. Қоқъолар аравада бир-бирига орқа ўгириб ўтиришарди, қўллари боғлиқ эди, соқол-мўйловлари ўсиб кетган, кийимлари жулдуру, юзлари қаҳрли, одамларга

хорғинлик билан қараашларыда ҳали сизларга күрсатиб құямыз дегандай писанда бор эди.

Власовчилар одатда ёз бошланиши билан қочишарди, охирiga келиб улар түгрисидаги гап-сўзлар тиниб қоларди, қишлоқлар ҳам тинчирди, хотин-қизлар чўчимасдан яна ўрмонга боришарди, колхоз иши биланми ёки бошқа иш биланми дарёнинг нариги ёғига сузиб ўтишарди. Худди кананинг ўз мавсуми бўлгандай, қочоқларнинг ҳам маълум бир мавриди бор эди, шу мавриддан кейин ҳеч ким улардан қўрқмай қўярди.

Августда, ой ўрталарига яқин оналари Михайл билан Люсяни шу бутага юборганди. Кампир бу бутани илгари, чаман-чаман бўлиб гуллаганидаёт кўз остига олиб қўйган бўлса керагу кейин текшириб кўриб, ёқасини ушлаб қолгандир. Шумуртлар ҳосил бермайдиган йили бу бута азбаройи меваси кўплигидан шохлари ерга тегиб қолганди. Йўлдан туриб, буғдойзор орасидаги бутани кўриб бўлмасди, у ҳосили кўплигидан ерга ётиб қолганди — шунинг учун бўлса керак, сақланиб қолди-ю, ҳосили обдан пишиб етилди.

Мевасини териб киши ҳузур қиласарди. Ҳатто мева теришга сира тоб-тоқати йўқ, бир иши минг бор қайта-ришга сабри чидамайдиган Михайл ҳам бу меваларни кўрди-ю, қизиқиб қетди. Мевалар йирик-йирик, савори узун-узун бўлиб, тоза, баргсиз эди, боши катта-катта эди, фақат кафтигни тутиб, узиб олсанг бўлди. Михайл кетидан челакни кўтариб олиб юрди. Люся эса қулай бўлсин деб белига этак боғлаб олди, этаги тўлиб оғирлашиб қолганидагина бўшатиб оларди. Аммо челакка ағдарганингда бирданига бир қарич, ҳатто ундан юқорироқ кўтариларди, уларни бармоқларнинг орасидан ўтказаётганингда худди қўлингни муздек сувга тутиб тургандек ҳузур қиласардинг. Мевалар ҳил-ҳил пишган, вақти анча ўтиб қолган бўлса-да, эзилмасди, худди қўл билан териб қўйгандек бир-бирининг устида турарди. Қандайдир икки соат ичиде Михайл билан Люся челакларини лимлим қилиб тўлдиришди, аммо бутанинг эса лоақал ярми ҳам териб олинмади.

Улар уйга бориб, яна қайтишмоқчи бўлишди. Меваси маржон бўлиб турган бутани эртага қолдиришни исташмасди, энди, унга олиб борадиган йўлни билиб олишгач, назарларида истаган одам хоҳлаган пайтда бориб териб оладигандек туюла бошлади. Тушдан кейин ҳаво қизиб кетди, Михайлнинг ялқовлиги тутиб, тоқقا зўрга судралиб чиқарди, у Люсядан анча орқада қолиб қетди. Люся

еса уни кутишга сабри чидамай, бир ўзи яқин йўлдан юриб, буғдойзорлар орасидаги билинмай кетган, бута турган марзага чиқди. Бутага яна йигирма қадамча, балки ундан сал кўпроқ масофа қолганида бута бирдан қимирлаб кетди-ю, ундан худди бир арвоҳга ўхшаган, қулоқчанининг қулоқлари кўтариб боғлаб қўйилган, даҳшатли, шундай дим ёз куни қулоқчин кийиши билан киши ўтакасини ёрадиган одам сакраб тушди. Бу кутилмаган шундай бир пайтда рўй бердики, Люся тахта бўлиб қолди, ундан қочиб кетиш ўрнига турган ерида қоққан қозиқдай туриб қолди. Ҳалиги одам бир асабийлашиб, бир қувониб кулди ва бармоги билан имлаб уни чақирди. Люся уни яхшилаб кўришга улгурди; нотаниш киши паст бўйли, норғил, юзлари қора, соқол-мўйлови қирилмаган, ёши номаълум, кўзлари телбанамо йилтиради.

У мана шу ерда, нақ мана шу ерда этик кийган оёқларини қулай кериб туарди, у қиз қочиб кета олмаслигига шунчалик ишонардики, ҳатто мушук сичқон билан ўйнашгандек қиз билан ўйнашмоқчи, обдан қусурини қондириш учун у билан кўнгил очмоқчи бўлди, у қусурини қондиришдан олдин ҳирсини роса қўзгатиб олмоқчи эди. Шунинг учун ҳозир Люся худди ўша пайтдаги учрашув туфайли юз берган даҳшатли аҳволни бошидан кечирди ва аъзойи бадани титраб кетди. Люся у ёқ-бу ёққа қараб, бутадан далага қараб тисарилди, аммо ҳозир барибир бу одамдан бутунлай қочиб қутулиб кета олмаслигини, уни осонликча қўйиб юбормаслигини эслади.

Нотаниш одам кулиб, бармоги билан уни бери кел деб имлагандан Люся орқасига тисарилиб кетаверди. Ҳалиги одам бу нағмангга бало бормиди, дегандай, афтини буриштириди ва қўлларини ёзди. Люся орқасига тисарилиб кетаверди. Ниҳоят, эркак чираб туролмади-да, уни чўчитиб юбормасликка ҳаракат қилгандай, оҳиста унга томон юрди, унинг бузук ниятдан буришган юзи учibusиб қўярди. Шундан кейингина Люся ниҳоят оёғини қўлига олиб қочиб қолди.

У ўқдай отилиб йўлга чиқиб олди ва пастга, қишлоқ томонга чопиб кетди. Юмшоқ шудгорда этиги ботиб, буғдойларга ўралашиб қолган ҳалиги одам энди уни қувиб етайде беб қолган эди. Люся кетидан унинг пишиллаб, ҳансираф нафас олишини эшитди. Люся қўрқанидан эси чиқиб, челягини ҳавода ўйнатиб югуриб борарди. Елкасига бегона қўл тирмаша бошлади, лекин сўнгти дақиқа-

да Люся бу қўллардан чиқиб кетишга улгурди ва чеганини тушириб юборди, чеълак кетидан даранг-дурунг қилиб йўлда думалаб бораради.

— Минька-а-а!

Люся бақирди-ю, шу заҳоти рўпарасида укасининг жуссасини кўрди. Укаси шошилмасдан, лапанглаб келаётганди, у опасининг чинқирганини эшитди-ю, бутунлай тўхтаб қолди. Лекин кейинги лаҳзадаёқ опаси томонга отилди. Бегона одам ҳам Михайлни кўрди ва шартта тўхтади, ў йўлда яна бирор кишини кўриши мумкинлигини сира кутмаганди, шунинг учун гангиг қолди. Люся Михайлнинг ёнидан чопиб ўтди, аммо хатарсиз ерга бориб олгач, тўхтади, укасининг ташвиши уни тўхташга мажбур этди. Люся яна қичқирди. Бегона одам рўпарасида бир мишиқи бола турганини кўриб, энди унга томон эҳтиёткорлик билан кела бошлади.

— Минька-а! Қоч! Қоч! Минька-а! — деб бақирди Люся жонҳолатда.

Михайл ердан тош олиб шайланиб турди. Нотаниш одам ҳам сакрашга тайёрланаётгандай чўнқайди, чўчиған Михайл дик этиб кетига сакради. Нотаниш одам заҳархандалик билан ҳиҳилаб кулди. У яна Михайлни қўрқитмоқчи бўлди, аммо бу гал Михайл жойидан жилмади, қўлидаги тошни маҳкам қисиб кутиб тураверди. Шундан кейин нотаниш одам чиндан ҳам унга қараб югурди — югурди-ю, шу заҳоти бир четга бурилди, у атайлаб оқсоқланиб, беҳуда ишлар билан шугулланишни истамаган кучли одам сингари далани тикка кесиб Қўйи дарёга қараб югуриб кетди. Люся жуда қаттиқ қичқирди, шунинг учун у одам вақт ғаниматлигига яшириниш керак деб жазм этди.

Қичқириқ тўсатдан қандай пайдо бўлган бўлса, яна шундай кутилмаганда тиниб қолди ва қуёши нурида кўмилиб ётган атроф сув сепгандай бўлиб қолди. Люся хотира тугаганини, энди йўлида давом этавериши мумкинлигини фахмлади, кейин у бўшашиб, каловланиб ўрнидан қўзголди, ҳарқалай у ўша бўш ётган ерга рижик тергани жўнади. У рижик териш тўгрисида шунчаки бирров, аммо ҳарқалай шу ваҳималардан қутулишининг ягона йўли деб ўйлади: агар бир дона, жимжилоқдекканини юлса ҳам ҳаммаси ўтиб кетади, деб умид қилиш мумкин эди. Хўш, нима ўтиб кетиши керак ўзи? Маълум эмас, ҳеч нима маълум эмас. У бу ерда қўрқиши керакми йўқми, билмасди, бу ҳақда хаёл суришга ҳам қўрқарди, унинг назаридаги гапларни ҳам бит-

та-яримта эшитиб қолиб, тескарисига йўядигандай эди. У чарчади, оёқлари чалишиб кетаётиди, аммо юришдан чарчамади, у юрган бўлса ҳам арзимаган йўл, нариси билан уч-тўрт километр йўл юрди-да, у қандайдир бошиқа, анча аҳамиятли, муҳим нарсадан чарчади, эҳтимол хотиралардан бўлса керак, бу хотиралар жуда равшан, аниқ бўлиб, худди тил бириктиргандай ҳар бир қадамда уни пойлаб юрди ва ўзининг қандайдир яширин мақсади учун яна уни ўша кўйга тушишга мажбур этди. Назаридага ўша кунлар яна бошига тушгандай эди, чунки у, Люся, бу ерда бир нимасини унубиб қолдирганди, ўзи учун жуда қимматли, шусиз яшаш мумкин бўлмаган зарур нарсани йўқотганди, аммо ўша, ўтмишда, бир вақтларда бўлиб ўтган ишлар такрорланди-ю, бутунлай ғойиб бўлиб кетмади, аксинча, такрорлангандан кейин унинг қандайдага тушганини, унда нима кўпайди-ю, нима озайганини, ҳис-туйғулари шунга жавобан уйғондими ёки умрбод сўниб битдими, ана шуни кўриш учун бир четга чиқиб томоша қилиб турди холос, мана энди ўша нарсалар уни ўраб олиб, у қаёққа борса, ўша ёққа кетяпти, ўнг томонида очликдан силласи қуриган қирчангни Игренъка баҳорги лойгарчиликда сихмолани аранг тортиб кетяпти, чап томонида қулоқчин кийиб олган анави нотаниш бадбашара одам сакраб шумуртдан тушяпти, кейин яна бошиқа гаплар.

Люся тўхтади. Нотўғри. Бу ерда ҳеч ким йўқ, ҳадиксирайдиган жон зоти йўқ, у бир ўзи. Жазирама ёз куни анави нотаниш одамнинг қулоқчин кийиб юриши қандай бемаънилик бўлса, унинг ваҳимага тушиши ҳам шундай бемаънилик, бу ташвишлар беҳуда: онаси тўғрисида телеграмма олганидан кейин асаблари шунчаки кулфатга, изтиробга кўнига бошлагану энди бекорга ҳаяжонлангани эвазига товои олмоқчи бўляпти.

У атрофни қайта-қайта кўздан кечирди. Ҳа, ҳеч ким йўқ; қуёш чарақлаб турибди, ҳаммаёқ сув сепгандек жимжит, тинч. Қуёш жудаям чарақлаб турибди-да, жудаям тинч, жимжит-а, киши хавотир олмайдими ахир. У танҳо ютиб юбораман деган сирли сукунат ичиди бир ўзи келган эди, ҳамма ёргулук унга томон тушиб, бутун мавжудотнинг дикқат-эътибори унга қаратилган. У ҳеч қаёққа яширина олмайди, ҳамма уни худди кафтдагидек кўриб турибди. Йўқ, бу ердан қочиб қолиш керак. «Қочиши керак, қочиши керак», — дерди у нуқул. Қишлоқдан чиқиб нима қиласарди-я? Ким уни бу ерга қувладб келди? Бу ерда у нимасини эсидан чиқарип қолдириби?

«Эсдан чиқариб?! Люсянинг ўй-хаёли шу сўзлар билан ўралашиб қолди-ю, уларни яқинроққа суриб қўйди. Эсдан чиқариб... Ҳа, мана ўша деярли аввал бошданоқ сирлигича қолиб, индамасдан жонини суғуриб олаётган бир вақтлардаги айби энди ошкора бўлиб, ундан жавоб беришни талаб этётганди. Люся ҳаммасини — баҳор фасли ҳашар қилиб ўтин тайёрлашганларини ҳам, ўзи ишлаган далаларни ҳам, ағдарилиб тушган Игренъкани ҳам, шумурт бутаси ёнидаги воқеани ҳам, бошқа, илгари бўлиб ўтган талай ҳодисаларни ҳам бутунлай унугтанди, улардан ном-нишон қолмаганди. У бир вақтлари сихмола қилгани, ер ҳайдаганини унугтанди... Уни қаранг-а, сихмола ҳам қилибди, ер ҳам ҳайдабди-я! Қизиқ, ўйламай-нетмай шуни ҳам миясидан чиқариб ташлабди-я, лоақал шу иши билан керилиб юрса бўларди-ку, ахир шаҳарда ортирган дугоналаридан қайси бири плуг кетидан юрибди дейсиз. У кўпдан бери қишлоқни ўйламай қўйганди, қишлоқ ҳақидаги хотиралари тош бўлиб қотиб, худди ис босган олис бурчакка улоқтирилган эскистускилар бўғчаси сингари бир ерда думалоқланиб ётарди.

Мана энди ўша хотиралар ногаҳон бугун лоп этиб эсига тушиб кетди.

7

Ниҳоят кампирнинг кўзи тўрт бўлиб турган Мирониҳа келди.

Кампир каравотда пардеккина бўлиб ётганидан остидаги сим тўр хиёл бўлса ҳам чўкмасди, кампирнинг фаяқат кўзи йилтираб турарди, каравотда чўзилиб, қимир этмай ётган гавдаси эса на тўлганарди, на безовта бўларди — худди биронникига ўхшарди. Бу гавдани безовта қилишининг ҳам ҳожати йўқ эди: кампир кўпдан бери бир ўзи ётарди, у, гўё, ўзини йўқотиб қўйгану энди қидириб сира топа олмасди. Тушга яқин ташқаридан қуёш уй ичига мўралади, кейин кампир қуёшга қараб, унинг жимиirlаб турган оромбахш нурида исиниб ҳузур қилди, ахир бир ўзи ётавериб юраги қон-зардоб бўлиб кетди-ку — дод деб йиғласа ҳам бўлади.

Меҳмонлар келганини билган Мирониха уйнинг жимжитлигига ҳайрон бўлиб хонага кирди, тўсик ортидан ҳайиқиб қаради, аммо кампирнинг бир ўзи ётганини кўргач, пилдираб олдига келди-да, чапак чалиб деди:

— Ана холос! Сен, кампиршо, ҳалиям тирикмисан?

Кампир Мирониханинг келганига шунчалик курсанд бўлдики, кўзларида ёш йилтиради, туришга уриниб, каравотда қимирлади, аммо туриш учун анча овора бўлишини эслади-ю, чиллакдай бўлиб қолган қўлини Миронихага узатди.

— Кўриб турибсан-ку, тирикман. Бугун икки кундан бери тузукман. Наҳотки сенга айтишмаган бўлишса?

Мирониха кампирнинг қўлини олди-ю, тушириб юборди, аммо кампирнинг қўлига жон кириб, ўзи иккинчиси — чап қўли устига бориб тушди-да, уни сийпалади.

— Сени ажал нега олиб кетмаяпти-а? — Мирониха шундай деди-да, каравотга, кампирнинг ёнига ўтириди ва энгашиб унинг қулогига деди: — Мен энди ўртоқжонимнинг жанозасига боряпман-да, худо раҳмат қилгур, нариги дунёга йўртиб қолгандир, деб ўйловдим, сен бўлсанг, ҳалиям шу ерда экансан. Илгариям ёмон эдинг, шундайлигингча қолибсан. Жонимгаям тегиб кетдинг ўзи.

— Ойимқиз, сени кутиб ётганимни билмайсан шекилли-а, — деди кампир дарров ҳазилга қўшилиб. — Бир ўзим ётсам зерикаб қоламан, фақат сенга интиқ бўлиб ётибман. Икковимиз бир тобутда ётсак дейман-да.

— Мен, сен кампиршони бир тепиб тушириб юбораман. Оёқларим бақувват, бир умр юравериб пай бўлиб кетган.

— Сен тепиб юборишдан ҳам қайтмайсан, бу қўлингдан келади.

— Ҳа-а... Сен мени кутма, ўзинг кетавер. Ҳозирча чопқиллаб юрибман. Оёғимдан тортма. Сен билан гўрда ётгандан кўра, яхшиси биронта чолни топиб оламан. Ана кейин, қарабсанки, фарзандли ҳам бўламиз.

— Сен, ойимқиз, тургичингни қуритиш учун мендан олдинроқ дорга ёйиб қўйдинг шекилли.

— Менда бошқаси, эскисидан яхшироги бор. Мен уни ёзда шаҳарлик бир аёлдан мевага алишириб олганман. Шундоқ келишган шаҳарлик бир жувон экан, ўшандан али-бали қилиб авраб олдим. Сен, кампиршо, энди мен билан тенглаша олмайсан.

— Кўп алжийверма. Ёлгон-яшиқ гапларинг билан жонимга тегиб кетдинг.

— Ўзинг-ку жонимга тегиб кетган. Кўнглимга зифирмойидан баттар ургансан. Тезроқ ўла қолсанг нима қиларкин-а, Сендан қутулиб қўя қолардим.

— Үлсам, ҳали кўё ёши ҳам қиласан, ойимқиз.

— Нима, йиғласам, сенга ачинганимдан йиғлармидим?

— Бу гапинг ҳам түғри,— деб унинг фикрига қўшилар әкан кампир Миронихани тұхтатди, худо кўрсатмасин, тағин бир шаккоклик қилиб қўймасин деб ўйлади кампир. Миронихага бас келаман, десанг гуноҳга ботишиңг ҳам ҳеч гап эмас, нима деганини ўзи ҳам билмайди. Ёшлигиде ҳам ҳеч кимга гап бермасди, ҳозир ҳам тили түқмоқдай, оғзидан боди кириб, шоди чиқади.

Мирониха кейинги йиллардагина сал қўйилиб, босгани ундаи бўлиб қолди, бўлмаса жуда шаддод эди, текканга тегиб, тегмаганга кесак отарди. Гарчи у оёғидан зорланниб юрса ҳам, ҳозир ҳам шундай елиб-югурадики, ёшлар кетидан йўртиб юрса ҳам, унга етиб оладими-йўқми, буниси номаълум ҳали. У иш деган жойда ўзини томдан ташларди-ю, ҳарқалай ўзини асраб қолганди, ишга ўзини олдириб қўймаганди. Кампир билан уни тенглаштириб бўлмасди: Мирониха дум-думалоқ, эпчил-чаққон эди, энг муҳими оёқдан қолгани йўқ. Қаёққа боргиси келса, ўша ёққа пилдиллаб кетаверарди. Калта, қора қўллари ҳамиша олдида ҳар ишга ҳозиру нозир бўлиб турарди, юзлари ҳам қора, кенг эди, овози бўғиқ, аммо бошига одам шунчалик гапирса, аллақачон овоздан айриларди, Мирониханинг эса овози фақат мана шундай сал бўғишиб қолган. У кампирдан бор-йўғи тўрт ёш кичик эди, аммо афтидан анча ўш кўринарди.

Мирониха келгандан кейин кампир анча жонланиб қолди: кўзлари равшанлашиб, сўниб қолган кўз қора-чиғлари анча билиниб қолди, юзида ҳам қизиқиши ифодаси пайдо бўлди, Мирониха бир гап топиб келгандир, у нимани гапириб бераркин? Кўришмаганларига ҳам анча бўлиб қолди, ҳаёт эса олдинга қараб тўхтамасдан кетаверди, ҳаёт шундай бепоёнки, бир текисда улашилган. Ўтган йилгача ҳам кампирининг тумбочкаси устида радио турарди, кампир радионинг қоп-қора, тугмага ўхшаган ғилдиракчасини ўзи айлантиради; бир ерида ашула айтишса, бир ерида йиглашарди, учинчи ерида эса бегона бир тилда ғўлдиради, тўртинчи ерида бўлса, бизнекига ҳам, анавинга ҳам ўхшамаган тилда гапиришарди, тилига сира тушунмайсан, булар эса вайсагани-вайсаган. Кампир қадимий ашулаларни яхши кўярди, шунинг учун у бирга әшитиш ниятида тез айтиб кел, деб Нинкани Мирониханикига юборарди, аммо эски ашулаларни камдан-кам айтишарди, кўпроқ нималарни дир тингиллатишарди. Қадимий, чўзиб айтиладиган ашулаларни әшитганда кампир қанот чиқарив ҳавога кўтарилишадай,

кенг, равон доира олиб учиб юргандай бўларди, ўзининг ва ҳамон ором тополмаган одамлар тақдиридан ташвишланиб, кўз ёши қилиб оларди. Ана шундан кейин кампир ўлса ҳам майли, деб сира ғам емасди. Унинг назарида бу ашулалар тобутни ерга қўйиб келишгач, марҳумнинг жанозасида айтилаётгандай тувларди, шундан кейин кампир ўзича ўшаларга қўшилиб ашула айтар, озод бўлган руҳни кузатиб қўяр эди, марҳумни нариги дунёда ҳам мана шунақа эски ашулалар билан кутиб олишади, деб астойдил ишонарди.

Ўтган йили радио бузилиб қолди, энди кампирнинг ягона эрмаги Мирониха билан гаплашиш эди.

— Нега қўпдан бери дарагинг йўқ-а? — деб гина қилди кампир унга.— Мен, бориб қара-чи, қаердайикин, деб әрталаб Варварани ҳам юбордим. Сен, шамол бўлсанг, қаёқларда изғиб юрибсан. Ўйингда қачон бўласан ўзи? Қани энди худо тезроқ оёғингни олсайди-я.

— Мен шундоқ ҳам оёқдан қоляпман, кампиршо,— Мирониха каравотни қимирлатиб, нақ кампирнинг юзи га әнгашиб деди.— Мана, ҳозир ёнингда ўтирибману оёқларим қақшаб кетяпти. Неча кундан бери оёғим тиним билмайди, сигиримни қидириб юрибман. Сигирим йўқолиб қолди, уйга қайтиб келмаяпти.

— Э, шунақа де! Мен ҳам әрталаб шунча қулоқ солдиму аммо овозини эшитмадим. Хайр, сигиринг қаерда экан?

— Қаердалигини билганимда сенга айтардим-да, кампиршо, билолмай гарангман. Ҳаммаёқни қараб чиқдим, ҳаром ўлгурдан дарак йўқ, энди бошим қотиб юрибман, ахир адашиб қолиши биринчи марта эмас-ку, аммо кўнглим жуда безовта-да. Айиқ Голубевнинг бузогини бўғизлаб кетибди, эшитмадингми?

— Ҳеч нимани эшитганим йўқ,— деди кампир шаша-пиша ва қимирлаб, хаста овозини кўтарди.— Эшитдингми-йўқми, деб нега мендан сўрайсан? Мен қаёқдан эшитай, ким менга айтарди? Айиқ Голубевнинг бузогини бўғизлабди дейсанми?

Ана, Мирониха шунақа-да: кўнглингни муз-муз қилиб юборадиган бунақа хабарни ундан бошқа ким ҳам олиб келади, ахир? Кампир унинг йўлига беҳуда кўз тутмади, у Мирониха бир гап топиб келишини биларди. Кампир Миронихага шунақанги диққат билан тикилиб қарадики, гўё Мирониханинг ўзи айиқни Голубевнинг бузогига гиж-гижлагандай әди-ю, ҳозир у буни қандай қилганини айтиб берадигандай эди.

— Бўғизлаб кетди, бўғизлаб кетди,— деб тасдиқлади Мирониха,— Голубев гунажини келгуси йил сигир қилиб олишни мўлжаллаб юрувди, сигири қарид, сутдан қолганди. Мана, айиқ бўғизлади кетди. Ўтган куни Генка ўнбоши ўрмондан келаётib қараса, ўтлар қип-қизил эмиш, шундоқ янчиб ташланганмиш, у ёқ-бу ёқни қарабди, қараса бузоқ буталар ичиди, шундоқ Генканинг ёнида ётганмиш, устига хазон уюми йифиб қўйилганмиш, у айиқ бузоқ қонини сўриб ичгану ўзини сасигани қолдириб кетган-да, сасиган гўштни жон-дилдан яхши кўради. Генка кўрибди-ю, оёғини қўлига олиб бу ёқса зин-ғиллабди. Ўзиям уйига учиб келибди-да,— Мирониха яна кампирга энгашиб, овозини ўзгартириди.— Айтишила-рича, Генканинг хотини эри ўрмонга кийиб кетган иштонни кеча куни билан дарёда ювганмиш, бугун ҳам чайиб ётганмиш, дарё этагидаги хотинлар энди сув олгани шу бизнинг қирғоққа келишаётганмиш.

— Сен кулма,— деб уни айблади кампир.— Агар ҳозир ўзинг тўқимаган бўлсанг, ундан кулиб нима қиласан. Бошингга тушса, кўрардик ўзинг нима бўлардинг.

— Мен бўлсам, жойимдан бир қарич ҳам нари жилмасдим. То айиқ яна қайтиб келгунча, жойимда қимирламай ўтираверардим. У бузоққа ёпишарди, мен эса унга ўшқириб,— сен, гўреўхта, мунча Голубевнинг молига кўз олайтирмасанг, деб роса таъзирини берардим. Айиқ менга ташланишни хаёлига ҳам келтирмасди, мени ажал қувлаб келибди деб ўйларди. Шундай юрагини ёардимики, ҳеч қанақа ургочи айиқ ҳам тозалаб ололмасди.

— Сенинг чўпчакларингни эшитавериб, қулоқларим аллақачон битиб кетган. Нега сен одамларга ўхшаб тўғри гапирмайсан-а? Айиқ бузоқни қаерда, қайси ерда бўғизлабди?

— Сен, кампиршо, гапиргани ўзинг қўймаяпсан-ку. Гапимни бўлмасанг, ҳалигача ўн марта айтган бўлардим. Қўйи дарёдан тоққа бурилиб кетадиган жой эсингдами?

— Нега энди эсимдан чиқар экан? Ҳа, мен ҳали эсимни еб қўйганимча йўқ.

— Айиқ бузоққа ўша ерда, шундоқ қишлоқ ёнида дуч келиб қолибди. Яқинда айиқлар қишлоққа ҳам тушиб келишади. Ҳозир тайгада овқат қолгани йўқ, ўлдирсанг ҳам уни инига ҳайдаб юборолмайсан. Ана шунинг учун қишлоқ атрофида изғиб юради-да.

— Юради, юради,— деди кампир бош иргаб.— Нимасини айтасан, юради.

— Мен бу ҳаром ўлгурни қаердан қидиришимни ҳам билмайман. Нима бало, бир ойгача оёқдан қолиб қидирсин деб ўйлаяптими. Шундоқ ҳам қидиравериб адойи таомом бўлдим. Тирикми-ўликми, билмайман... Мужиклар тоғнинг нарёғида бироннинг иккита сигири юрибди дейишияпти, тоғнинг у ёғига ўтишга оёқ борми менда. Шу жуссамга яраша оёқларим ҳам эпчил-чаққон бўлганида эди, ғизиллаб бориб кўриб келардиму бу савил қолгуруларга ишонолмайман, нари борсам, тоққача бораман, кейин яна қайтиб келавераман-да.

— Сен, ойимқиз, тог ортига ўтма. Ўша ерда қолиб кетасан, кейин мен сенсиз нима қиласман?

— Ҳа, мени сендан бошқа ғамим ҳам йўқ ўзи,— деди Мирониха бўш келмай.— Мен унга сигирдан гапирсан, у нуқул ўзини гапиради.

— Сигиринг энди юз қилсанг ҳам барибир сут бермайди.

— Э, сутини ўйлаб қайғуряпманми, кампиршо. Мен сигиримни бир кўрсам бўлди, армоним йўқ, ҳеч бўлмаса уни айиқ еб кетмаганини билардим. Кейин бўлса, истаганича юравермайдими.

— Вой, ойимқиз-эй, ойимқиз-эй. Шу сигир ҳам бoshингга бир бало бўлди-да, мен бўлсан ўлсан ҳам бунақа сигирни сақламасдим, ўзимни қийнамасдим, жонимни ҳалак этмасдим. Сен ундан ташвишдан бошқа нима кўрдинг? Пичан ўришга одам ёллайсан, олиб келишга одам ёллайсан, қишида хашак етмайди — сотиб олиш керак. Хўш, бундан ташқари ҳам ташвишларим озми? Мана шунинг учун эртадан қора кечгача юрганинг-юргурган. Нима, бир этак боланг бормиди, овқат-овқат дейдиган. Эй худойим-ей, агар сенга сут керак бўлса, Надямизнинг олдига келавермайсанми, у сенга ҳар куни бир бањка қўйиб бермайдими, ахир ундан ортиқ ичмайсан-ку. Анави савил қолгурингни сотиб, оёғингни узатиб маза қилиб ётмайсанми, ахир сотсанг, пул ҳам беришади-ку. Агар мен бўлсан, текинга бериб юборардиму кетидан бунақа азоб чекиб ўтирасдим.

— Во-о-ой,— деди заҳархандалик билан жавраб Мирониха.— Анавини қарапнглар-а. Сигирни сотармишу пул олмасмиш-а. Ўзинг ҳам ғалатисан-да, сен, кампиршо, эсимни танибманки шу сигир билан келяпман, ундан қандай қилиб жудо бўлай ахир? Кейин мени ўлди дейвер. Менга унинг сути ҳам керак эмас, фақат қўрада мўъраб турса бўлди. Менга нима жин урибдики, битта сигирни эплолмасам?

— Э, ўша сиғириң билан қўшмозор бўл, менга нима.

Улар бу гапни биринчи марта сўзлаётган эмасдилар, шунинг учун кампир ичиди Мирониханинг гапига қўшилди: кимки сиғирга ўргангандан бўлса, у шусиз туролмайди. Иннайкейин сиғирсиз хотин хотинми? Кампирнинг ўзи ҳам сўнгги пайтларгача, қилтиллаб юрган кезларида ҳам мол-ҳолга қарабарди, то энди соғманг демагунларича чеълакка ёпишарди, шунинг учун у Мирониха билан ҳам азбаройи хафа бўлганидан, деярли рашик қиласётгани туфайлигина баҳслашарди: мана, Мирониха молга қарайди-ю, ўзи эса йўқ. Агар Мирониха сиғиридан қутулса, иккалови ҳам истаса-истамаса бир аҳволга тушишарди, шунда кампир ҳам енгил тортади. Кампир ўзининг нотавонлигига тан бериди қўйган, аммо ана шу аҳволида ҳам унга ўртоқ керак, керак бўлгандаям ана-қа-бунақаси эмас, бир умр қадрдан бўлиб келган худди мана шу Мирониха керак.

Кампир Миронихага ҳеч нима демай, туриб ўтиришга уринди, эрталабкига қараганда қийналмасдан туриб ўтирди, бу сафар у ўзига ишонган эди. Мирониха жойидан қимирламади, ҳатто ёрдам бериш учун қўлини ҳам узатмади, ёрдам бераман деса, кампир уни жеркиб ташлашидан ҳам тоймаслигини биларди. Энди улар ёнма-ён ўтиришарди, кампир аввалгидан баттарроқ мункиллаб қолгандай эди: икки букилиб ўтирганидан кураклари чиқиб туар, ҳозир уларни силтаб учиб жетадиганга ўхшар эди. Мирониха ён томондан унга кўз қирини ташлади-ю, чидаб туролмасдан деди:

— Тамом бўлиб қолибсан, кампиршо.

— Тамом бўлдим,— деди кампир ўзига қарамасдан, у адойи тамом бўлганини шундоқ ҳам биларди.

— Болаларинг-ку келишди, нима дейишяпти?

— Нима дейишарди? Мени кўргани келишди.

— Улар, чамаси, сени кўмгани келишди чоги, кампиршо.

— Кўмишади-да ахир, оналари бўлгандан кейин кўмишмайдими,— кампир гёё ташқаридаги бирор билан гаплашаётгандек кўзларини деразадан узмай Мирониханинг гапига хотиржамлик билан қўшилди.

— Индама! Нима, улар қачон худо сени жонингни олишини кутиб туришадими?

— Мени кутиб ўтириб ҳам нима қилишарди,— деди кампир қандайдир бошқача, тақдирига тан берган оҳангда ва Миронихага юзланди. Кампир ҳамон йиқилиб тушишдан қўрқиб, қўллари билан каравот четини маҳкам

ушларди.— Мен уларни тұхтатиб ўтирумайман. Уларнинг ҳам уйи, рүзгори бор, уларнинг ташвиши бир менми ахир. Нима, мен тушунмас эканманни. Таньчорани бир күрсам дейман, Таньчора келиши билан мен ҳам йўл тадорикини кўраман. Мен осонгина жон бераман, ўзим сезяпман. Рози-ризолик тилашамизу кейин шундай кўзимни юмиб жон беравераман. Тирикми-йўқми, деб олдимга Варвара келади, қарасаки жон таслим қилганиман, таппа-тайёрман. Кейин Варвара уларга айтади. Фақат Таньчорани бир күрсам бўлгани. Негадир жуда ҳаяллаб кетди, бирон гап бўлмадимикин унга. Кеча бугун келади дейишганди — йўқ. Кейин әртага келади дейишди, яна дараги йўқ. Ўзимни қўйигани жой тополмаяпман, нима деб ўйлашимни ҳам билмайман.

— Сен, кампиршо, кўп ич-этингни еяверма, ҳали вақт бор, Таньчоранг келиб қолади. Бекорга қайгуриб нима қиласан?! Балки у ёқда самолёт учмаётгандир. Эндиgilар ҳаммаси самолётда юришади. Ўзимизда-ку учапти, эшитияман, қизинг яшаётган ерда эса, балки, ҳаво ёмондир, балки унга самолёт етмагандир. Бу сен билан биз йўлни кесиб ўтамизу бир-биримизникига кириб-чиқаверамиз, бирорниям кутмаймиз, у ёқдан эса, ўзинг биласан, йўл олис.

— Энди улар мени ортиқ кутишмайди,— деди яна кампир бошини чайқаб.— Йўқ, йўқ, кутишмайди. Бу дунёда ортиқ юролмайман. Яхши эмас. Мен шундоқ ҳам бир ўлиб, гўр оғзидан қайтган одамман. Болалар келишибди, худоям билди-ю, кимнингдир умридан менга жиндек қўшиб берди, болаларини кўрсин, сен билан охирги марта гаплашиб олсин деди. Энди жойи ростонимга кетишм керак. Яна бир амаллаб бир кунгина чидайман, вассалом, ҳозирлигимни кўраман. Вақт-соатим етди. Майли, расм-русмини қилиб болалар элтиб қўйишин, оналари учун йиглашин, бекорга келиб-кетишин-да ахир. Нима бўлгандаям она-да — ачинишади. Эсимда, ойим ўлганда шундоқ ўкраб йиглаганманки, асти қўяверрасан, ахир мен ҳам ёш эмасдим, ёшим анчага бориб қолганди. Бўлмаса-чи? Ҳеч қайсимиз дунёга устун бўлмаймиз, ҳаммамиз ҳам ўламиз, сен, Мирониха, ўлганимдан кейин уларга қарашиб юбор, мени ювишга ёрдам бер. Гарчи сен мени ёмон десанг ҳам, мен қанақасига ёмон бўларканман? Умрим ёмонликни билмай ўтди.

— Сенга бир гапни айтиб ҳам бўлмайди.

— Гапиравер,— деди кампир ийиб.— Сира афсусла-наётганим йўқ. Нима, сен мендан жаҳли чиқди деб ўй-

лаяписанми? Биз умримизда бир-бirimizغا озмунча қаттиқ-қурум гап қилдикми, мана ҳеч нима бўлмагандаймиз. Энди бир ками сендан хафа бўлишими қолувдими, ойимқиз. Сен бўлмасанг мен нима қилардим? Мен сени кечадан бери қутиб ётибман. Сен эртага ҳам кел, бирпас гаплашиб ўтирамиз. Қара-я, шунча йил яшабмизу кўнгилдаги гапимизни бир-бirimizга айтиб адо қиломабмиз-а. У ёқда ҳам сенсиз жуда зерикаман-да.

— Ким билади, кампиршо, эҳтимол сендан олдин ўларман.

— Гапини қара-ю! Мендан олдин ўлармиш-а. Сен жуда кўп гапирасану гапингни тутуруги йўқ-да. Нима бало, ҳозир сенга айтган гапларимни эшитмадингми? Ахир мен деворга гапираётганим йўқ-ку, сенга бор гапни айтдим. Сен мени чалғитма.

— Ҳалиям чалғитганим йўқ сени.

— Бўлмаса жим ўтири, мен билан тортишаверма.

— Энди, гап бундай,— Мирониха ўрнидан кўтарилиб кампирнинг устидан чўзилиб деразага қаради.— Мен, аммо, ғизиллаб бориб кўриб келай, анави ҳаром ўлгур балки келгандир. Кўраману изимга қайтаман, сен бинан яна бирпас ўтираман. Ҳозирча ўзинг ўтира тур.

— Борсанг бора қол, йўлингни тўсмайман.

— Тағин кўнглингга бошқа гап келмасин, тез қайтаман.

— Бора қол, ойимқиз, кўп писанда қилаверма.

Кампир яна бир ўзи қолди, шу пайт уни ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ бирров ғам босди, кўнгли бузилиб кўзла-рига ёш келди, аммо ёшини оқиздирмай, гўё гуноҳдан фориг этувчи дуо ўқигандай дарров ўзини босиб олди, полда, кампирнинг шундоқ ёнида қуёш нури ўйнарди, кампир оёқларини ўша ерга тутди, нур оёқларнинг озгинлигидан қўрқмай, уларни силаб-сийпалаб, сую克拉рини иситгач, меҳри товланиб, яна йиглагиси келди, на-зарида у оёғидан эриб, чўкиб қолаётгандай эди. У дадилланиб, қўлларини каравотдан олди, уларни бўшатди ва бордию йиқилсам, офтобга йиқиламану унга ёпишиб оламан, кейин Мирониха келиб тургазади, деб ўйлади. Аммо у йиқилмади ва шу заҳоти йиқилиб тушишини ҳам унубиб, деразадан ташқарига қаради, ташқаридан кун чарақлаб, тушга яқинлашиб қолганди, оқара бошланган баланд осмон камон сингари әгилиб турарди. Уни қуёш мафтун қилиб қўйганди, аммо анави осмонда ча-рақлаб турган оловли шар эмас, балки ундан ерга тушиб уни иситаётган нарса сеҳрлаб қўйганди, мана, икки кун-

дирки, кампир зўр бериб ана шу нарсадан иссиқлик ва ёруғликтан бошқа яна бир нимани қидирияпти-ю, ўша нарса нималигини эслолмаяпти, тополмаяпти. Кампир бундан ташвишланмади ҳам: очилиши лозим бўлган сир, бари бир очилади-да, мавғиди келмагани учун ҳалихозир, эҳтимол мумкин әмасдир. Кампир ўлаётисб фақатгина бу әмас, балки кўплаб бошқа сирларни — қайсики тириклик чогида билиш мумкин бўлмаса-да, билиб олишига ишонарди; булар охир-оқибатда унга асрий сирасорни — унга нима бўлганини, кейин нима бўлишини айтиб беради-да, ахир. У бу тўғрида фол очишга қўрқсада, ҳарқалай кейинги йилларда қўёш, ер, ўт-ўланлар, қушлар, дарахтлар, ёмғир ва қор — хулласи қалом инсон билан ёнма-ён яшаётган, унга шодлик бағишлаб, уни охиратга ҳам тайёрладиган, овунтириб, унга ёрдам беришга ваъда этган ҳамма нарсалар ҳақида тез-тез ўйладиган бўлиб қолган эди. Буларнинг ҳаммаси ўзидан кейин қолиши кампирни хотиржам қиласади: уларнинг такрорланувчи, чорловчи овозларини эшитиш учун бу дунёда яшаш шарт әмас, бу овозлар гўзалликни ва эътиқодни йўқотиб қўймаслиқ учун такрорлашади, ҳаёт ва ўлимга бир хилда чорлаб туради.

Шоша-пиша Мирониха кириб келди ва каравотга, кампирнинг ёнига гурс этиб ўтирди, ташвишга тушиб қолган кампир деразадан кўзини узиб, эс-ҳушини йигдида, Миронихани таниди. Мирониха қўл силтади, шундан кейингина кампир Мирониха сигирини, шу кетганича ҳанузгача қайтиб келмаган сигирини назарда тутаётганини эслади. Мирониханинг сигири қаердайкин, қайси очиқ мозорда қолиб кетдийкин? Кампир йўқотиб қўйган гапини топиб олиш ва суҳбатга шайланиш учун шу ҳақда ўйлади, Мирониха ўша гапни ҳозир давом эттиради, унга бирон нима деб жавоб бериш керак-ку, қаққайиб ўтиравермайди-ку ахир.

Мирониха:

— Мўрчаларинг, кампиршо, шундоқ урсиману гурсиман,— деб гап бошлади.

— Мўрча? — Кампир хаёлида мўрчани дарров ўз жойига қўйди-ю, аммо нега мўрча урсиману гурсиман бўлишиний ҳадеганда англаб етолмади.

— Югуриб келаётувдим, мундоқ қарасам, мўрча гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб қоляпти, гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига айланяпти,— деди Мирониха қувлик қилиб.— Нима, у ерда бирор туратими, бирон-бир испидиция келганими?

— Қанақа испидиция бўлсин, ойимқиз, нималар деб алжираяпсан? У ерга болаларим киришгандир.

— Ҳаммасими?

— Нега ҳаммаси бўларкан? Люся эрталабданоқ тогга кетди. Варвара бўлса, қаёққадир қишлоқни айлангани жўнаб қолди. У ерда эркаклар—Илья билан Михаил бор.

— Қундузи ювинишнинг нима зарури бор экан уларга?— деди Мирониха мўрча тўғрисида гапни айлантириб.

— Ювиниш? Сен, ойимқиз, ёш болага ўхшайсан, худоурсин!— кампирнинг жаҳли чиқди.— Ювиниб нима қиласди, келишганига энди икки кун бўлди-ю. Ювинишга-ку ювинишмайди-я, аммо ичиб ўтиришибди. Томоқларини ювишантси, ўша, томоқлари битиб қолибди, нон ўтмаётганмиши.

— Нима, вино ичишяптими?

— Йўқ, Надя уларга бир тогора сув иситиб берган, ўшандан стакан билан олиб ичишяпти, кўнглихушлик учун уриштириб ичишяпти. Шунчалик ширинки, хурсандликлари ичларига сигмаяпти. Сен билмайсанми ҳали: худойи таоло бандасига пул бергану шайтон — тешик. Мана шунинг учун худо берган пул шайтон берган тешикка-қараб кетаверади.

— У ердагилар-ку сени болаларинг-а, кампиршо, аммо бир ўзлари эмас-да. Мен Степка Харчевниковнинг овозини ҳам эшитгандай бўлдим.

— Степка Харчевниковни?

— Ўшанинг овози эди шекилли.

— Э, буни нимасига ажабланасан, ойимқиз?! Степка бирон жойдан қуруқ қолганмиди? Аммо у ҳам отиб туради шекилли?

— Ҳа, шунақа, кампиршо. Ҳозир отмайдигани камдан-кам топилади.

— Ҳа, кам, кам. Қачон қарамайин, ҳаммаси кўчада тажак бўлиб юришади. Бу ёруғ оламда нималар бўляпти ўзи-а, ойимқиз? Нега шунчалик ичишаркин-а? Уларни нима маъбур қиласкин? Улар ўзларини ҳалок қилишяпти холос, бошқа гап йўқ, хотин-қизлар-чи, хотин-қизлар ҳам эркакларга эргашяпти, худони берган куни ичишади. Нима, илгари замонларда шунақа бўлармиди?

— Қўйсанг-чи, илгариги замонни гапириб нима қиласмиз?

— Эсингдами, Данила тегирмончи ичарди, шунинг учун уни одам қаторига қўшишмасди. Ароқхўр эди, вассалом. Данила — ароқхўр деб аташарди. Ахир у бир ўзи

ичарди-да, бошқа ҳеч ким. Ҳозир бўлса бутун қишлоқда фақат Голубев ичмайди, энди уни ичмайди, деб ҳеч ким одам ҳисобламайди, устидан кулишади.

— Ҳа, кампиршо, шундай. Агар бир-икки марта қинн-қистовга олишганида-ку, қарабсанки, уни ғултилла-тишдан одамларнинг ҳам ҳафсаласи пир бўларди-я. Ҳозир уларни ҳеч ким тергамайди, уларга жазо кўрмайди. Нимани исташса, шуни қилишяпти. Баъзиларнинг ҳадейишга ҳоли йўқ-ку, нақ савдогарларга ўхшаб ичиб, айш-ишрат қилишади. Мана, шунинг учун қишлоқда тентишгани-тентишган, кекирдагига келмагунча ичишади. Ўзи оёқда туролмайди-ю, олиб кел деяверади, бари бир кам.

— Эй, йўқ, ойимқиз, мен радиуни эшишиб юрган пайтларимда,— деб кампир радио турган тумбочкани кўрсатди.— Ундаям ароқхўрларни қўшиқда азиз, тўрвада майиз қилишмайди, уларни мақташмайди, уриб чиқишиади.

— Ҳа, мақташса-мақташмаса уларга нима. Улар бунақа гап-сўзларга қўл силтаб кетаверишади. Улар жуда қулоқ солиб ўтиришармиди? Уларга гапиришнинг ҳожати йўқ, улардан талаб қилиш керак, уларни тергаш керак, шунда бирон наф чиқиши мумкин. Ўзингникими, биронникими, яхшими-ёмонми, ҳаммасини баравар тергаш керак, шундагина булар талтайиб кетишишмайди.

— Гапинг тўгри, ойимқиз, тўгри. Бўлмаса юз қилганинг билан ҳам ҳеч иш чиқмайди.

— Мен ҳам сенга шуни айтапман-да.

— Илгарилари гуноҳ деган нарсани билишарди, энди гуноҳ деган нарса эсларидан ҳам чиқиб кетган.

— Гуноҳни ҳам, кампиршо, унутишган, шарм-ҳаёни ҳам унутишган.

— Тўгри, шарм-ҳаёни ҳам унутишган.— Кампир айбситиб хўрсиниб қўйди-да, бир оз жим қолди...— Мана, менинг ўғлим ҳам шундай ичадики, қани энди, кўзим шуни кўрмаса. Эрталаб туради-ю, наридан-бери улфатларини йигади, кейин яна бошлашади. Кейин ҳеч нима кўрмаган одамлардай кулишади, кеча ким нима қилганини бир-бирига айтишади. Уларга бу — кулги. Агар уларнинг ўрнида мен бўлсам, уятдан ерга кириб кетардим.

— Улар, кампиршо, уятдан кўра винодан ерга киришни афзал билишади.

— Ҳа, мен сенга бир гапни айтами, ойимқиз. Сен эсимга шарм-ҳаёни солдинг.— Кампир узоқ ўтмишдаги

ҳаётида юз берган воқеанинг таниш, бўғиқ акс-садоси бўлган хотираларини эсига тушириб олгунча кутиб турди.— Бу ҳў ўша очарчилик йили бўлган эди,— деб тушунтирди кампир.— Варвара ўшанда тевадай қиз эди, ёрдамлашарди, Илья ҳам каттагина эди: у ердан-бу ердан қорнини бир амаллаб тўйғизиб юрарди, мана, шукр, сог-саломат. Аммо Люся, худо кўрсатмасин, дардчил бўлиб ўси: қўл-оёқлари ингичка, худди чиллакдай, рангида қони йўқ, қараб туриб юрагинг туздай ачишиб кетарди, устига чўп бўлиб озиб кетаётганди. Унга қарапаш, парвариш қилиш керак эди, аммо нима билан? Ўша пайтларда Минька чопқиллаб юрарди, Танъчора эса ҳали әмакларди. Ё йўлга кирганими — ҳарқалай эсимда йўқ, ҳаммаси овқат дейди, йиғлайди, ахир уларни тўйдириш учун озмунча нарса керакми? Юрагим лахта-лахта қон бўларди. Э, бу гапларни сенга айтиб нима қиласан, мен айтмасам ҳам ўзинг биласан, иккитасини суюгини қотирдинг ахир.— Кампир ўз ҳикоясидан чекинди ва гапни бошقا ёққа бурди, кейин эсдан чиқарип қўймаслик учун:— Сеникилар борамиз дейишмаяптими?— деб сўради.

— Ҳеч нима ёзишмаяпти.

— **Балки** хат-хабар юбормасдан келишар?

— Билмайман, кампиршо. Ўлсам келишар.

— Мана шунинг учун сенга булар билан қийналиб кетдим деяпман-да, вой-бўй! Ўшанда отаси колхоздан ба-зага қандайдир юк таширди, уйда аҳён-аҳёнда бўларди. Урушда ҳалок бўлган Витя ўглим районда курсда ўқирди, ундан ҳам ҳеч қанақа наф йўқ эди. Болалар билан бир ўзим эдим. Биттасини тинчитсанг, биттаси сурнайни чалади. Худди аксига олгандай ўша йили сигиримиз ҳам қочмай қолди, сут ҳам йўқ, сигирни сўйяй десанг, одамни ичи ачиди, кейин қандоқ тирикчилик қиласмиз? Бир амаллаб сабр қиласлик, аммо кейин оғзимиз оқариб қолади, деб ўйладим. Зоръкамиз колхозда эди. Зоръкамиз эсингда борми — жуда яхши сигир эди-да, тўқол, ҳали-ҳали ичим ачиди. Колхозга кирмоқчи бўлганимизда колхознинг қўрасига отаси ўзи элтиб берувди, ўшанда роса йиғлаб-сиқтадим-да! Ҳа, Зоръка бўлса ҳовлимизни эсидан чиқармаган экан, нуқул уйга келарди, мен очарчилик вақтларида ҳам унга гоҳо ювинди бериб турардим, баъзан бир бурда нонга туз сепиб берардим. У ерда шунақа парвариш қилишармиди, э, нимасини ганирасан. Озмунча мол бормиди ахир. Шунинг учун очарчиликда ҳам нуқул ҳовлимизга келарди. У ерда кечқурун

согиб олишарди-ю, ҳайдаб юборишарди, устига яна чи-вин-чиркай таларди, мол ўзини у ёқдан-бу ёққа ураддӣ, бўкирарди-да, думини хода қилиб қочарди. Зоръка бўлса өшигимизга келарди-ю, мўърагани-мўъраган эди. Мен раҳмим келиб тўсиқни олардиму Зоръканни киритардим. Чиркайларни ҳайдаш учун тутатқи тутатардим, елинини ювардим, елини ифлос юришини ёқтирасди. Бир куни елинини илиқ сув билан ювдим, кейин қани қарай-чи, сути бормикин-йўқмикин деб тизиллатиб қўрдим. Кейин, ойимқиз, уни ҳар куни согиб ювдадим. Колхоз қўрасида чала согишар экан. У ерда оқшом согилганидан кейин мен ҳам яна бир банкача согиб олардим. Шу бир банкага ҳам хурсандман, болаларга бир ҳўплам-бир ҳўпламдан қўйиб бераману худога шукр қиласман. Бер-бер дегандан шукр қиласман яхши-да.

Шу десанг, ойимқиз, бир куни яна Зоръкамизнинг, энди бизники ҳам эмас, колхозники, Зоръканнинг тагида ўтириб эшикнинг тарақлаганини эштиб қолдим. Мен сигирни қўрада соғардим, шунинг учун эшикни ёпиб қўярдим. Бошимни буриб қарасам — Люся. Кўзларини бақрайтириб менга қараб турибди. Кўзлари у ёқ-бу ёгимдан тешиб ўтиб кетди-да. Ахир ақли кириб қолган қиз эди-да, Зоръка энди бизники эмаслигини биларди-да. Ўтирибману туришга юрак қани энди — қотиб қолдим. Э худоё худовандо, сени кўзинг қаёқда эди, биринчи марта шунақа қилганимда нега жонимни ола қолмадинг, деб ўйладим. Шундай ўсал бўлдим, шундай ўсал бўлдим — қўлларим шалвиллаб осилди-қолди. Ана шундай қилиб, ойимқиз, гуноҳкор бўлдим-қолдим, анчагача Люсянинг кўзларига қарабўлмай юрдим. Ҳозир ҳам эсида бормикин-йўқмикин деб ўйлайман. Назаримда эсидан чиқмагану ҳалиям мени айблётгандек тумолади. Мен билан турмай кетиб қолгани ҳам балки шундандир.

— Алжира, кампиршо. Қаёқда эсида туради дейсан? У пайтда ҳали бола эди.

— Бола бўлса ҳам эс битта-ку. Ўрнашиб қолса, тамом.

— Хўш, эсидан чиқмаган бўлса нима бўпти? Нима сен Зоръканнинг елинини ювиг юбораверсангу қизинг очидан ўлиб кетса яхши бўлармиди? Ўшанда озмунча бола ўлдими? Сен эса болаларингни асрар қолдинг.

— Одан ўлса яхши бўлмасди, албатта, аммо бу ишми чакки эди-да. Испод, уни ювиг бўларканми, умрим бино бўлиб ўғирлик нималигини билмовдим, бу эса ўғирликдан ҳам баттар бўлди.

— Бетимнинг қаттиқлиги, кампиршо, жонимнинг ҳузыри. Бўлди энди. Ҳадеб шуни вайсайверма — зап гапни топибсан-да ўзинг ҳам.

Кампир итоаткорлик билан жим бўлди, ҳаяжонини босди ва ҳоргинлик билан каравотга ёнбошлади, бошини ёстиққа қўйди, ётиб олгандан кейин оёғини йигиштириди. Мирониха унга яқинроқ сурилиб, яна деразадан қаради.

— Кўринмаяптими? — сўради кампир.

— Кўринмаяпти. Агар келса, бу ҳаром ўлгурнинг суюкларини майдада-майдада қиласман. Нима, у мени жоним тошдан деб ўйлаяптими?

+ Сен уни, ойимқиз; келмай туриб ўтакасини ёрмагин-да. Балки сендан қўрққанидан ҳам келмаётгандир.

— Мен бу сабил қолгурга қўрқиши кўрсатиб қўяман. Ўрмонда айиқдан қўрқмас экану мендан қўрқармишми. Агар шу сафар ҳам айиқ еб кетмаган бўлса, худонинг қайтиб бергани шу менга. Ўшани деб адойи тамом бўлдим, ўшани деб одам бўлмай қолдим.

Кампир Мирониханинг охирги сўзларига ёпишиб олди:

— Хўш, нега энди одам бўлмай қолдинг? Мени шунақа деса бўлади, мана ётибман.

— Алжирама, кампиршо.

— Мана, сен ёнимда ўтирибсану кўчадан учиб кирганинг шундоққина кўриниб турибди. Мен бўлсам, мана қанчадан бери кўча бетини кўрганим йўқ. Шу бир жойда ётганим-ётган.— Кампир Миронихага қарамай, ўзи ва дугонаси ҳақида гапирди:— Сен билан биз узоқ яшадик, ойимқиз.

— Нега узоқ яшарканмиз?

— Шунча яшашимизнинг нима кераги бор эди? Аввалроқ ўлганимизда жуда яхши бўларди. Сен ҳозир сигирингни қидириб юрмасдинг, мен эса манави ерда ётмасдим, ишқилиб, Мирониха кетиб қолмасин-да, яна зерикиб ўламан деб ўйламасдим ҳам. Сени менга худонинг ўзи етказди, Мирониха. Ҳа, ҳа. Сен бўлмасанг қандай кун кўрардим-а?

Кампир кўзини юмди, ўз гапини ҳам, Мирониханинг гапини ҳам маъқуллаб бош иргаб қўйди. Кампирнинг кўзлари очилмади, у оламдаги барча нарсани унугтиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолди, у ё уйқуга, ё пинакка кетганга ўхшаб, дардни даф этувчи ором қўйнида эди, ё ором олиб мудраётганди. Мирониха уни пойлаб ёнида ўтирас, қани энди мен ҳам кампир билан бирга ўлақолсам,

орқасида қолмасам, жуда яхши бўларди-да, деб ўйларди. Мирониха яна анча — то Варвара келгунича кампирнинг ёнида ўтирди.

8

— Айтиб бер, Степан, қайнонангни қандай алдаганингни айтиб бер,— деб Михаил баланд бўйли, сариқ музик Степан Харчевниковни авради. У ҳаммомда Михаил ва Илья билан ичишиб, улфатчилик қилиб ўтирган эди.— Ильяга айтиб бер, у эшитгани йўқ.— Михаил бошини туширди, кулгидан афти буришиб кетди.— Ҳа, Степан, бошла.

Степан туфайли янги шиша очишди. Газак масаласи энди осон эди. Михаил энди на шайтону на хотинидан қўрқарди, у уйга икки марта бориб келди, ҳатто шўрва ҳам келтирди, энди бу шўрвани қошиқсиз кастрюлка четидан ҳўплаб ичишарди. У Нинка ун ичига яшириб қўйган шишаларни ҳам олиб келди ва уларни ўтии тахлагандай печка ичига териб қўйди, ароқни печка ичидан қидириш кимнинг ҳам хаёлига келади дейсиз, яшикни әса остига қўйиб ўтириб олди. У ҳамон оёқ яланг эди, у муҳим иш туфайли пойафзалини кийишни ҳам унугиб қўйганди, шунинг учун ҳозир оёқларини кечаси Илья ёнган кўрпа остига тиққан эди. Ҳозир косагуллик қилишни қўлига Илья олиб, даврага бош-қош бўлиб ўтиради.

— Бўла қол, Степан, айтиб бер,— деб қистади Михаил.

— Мен Илья келибди дейишганини эшитиб қолдим,— деди Степан, гарчи у Илья билан ичишга улгурган бўлса ҳам, келганига важ топиб,— Ильяни бир кўриб қўяй деб ўйладим. Тенгқурмиз ахир, қишлоқ кўчаларини чангитиб, тўполон қилиб юрардик.— Степан Ильяни кўрмасам сира бўлмайди дегандек қўлларини ёзиб юборди. Унинг овози дағал, зўрга чиқаётганидан у айтмоқчи бўлган гапларини қўйл ҳаракатлари билан ҳам тушунтиради.— Шунинг учун келавердим, аммо ўтиб кетишинга сал қолди. Мен ахир, тўғри уйга ўтиб кетаётувдим-да, ҳаммомга қарамовдим. Нодон одаммизда, сўнгти дақиқада қани бир қарай-чи, бу ерда қанақа йигин экан, деб ўйлаб қолдим.

— Келиб жуда тўғри қилибсан,— деб унинг гапини маъқуллади Илья.— Бизни, ўзинг биласан, ойимиз ётибди, уни ташлаб кетолмайсан. Шунинг учун ойимизга

бирон кор-ҳол бўлса ёнида бўлайлик деб шу ерга жойлашиб олдик.

— Бу, сен Степан, жуда тўгри қилгансан,— деб унинг гапини тасдиқлади Михаил.— Ичувдик, яна ичамиз. Сен ғам ема, ичадиган нарсамиз бор, ана, печка тўла. Ҳаммаси мана шунаقا оқ, зўр.

— Аммо сенга шуниси ҳам етарли,— деди Степан Михаилни гапидан илинтириб изза қиларкан.— Кайфинг ошиб қолмасин яна.

— Йўқ, Степан, нега унақа дейсан? Сен келдинг, сени меҳмон сифатида кутиб олдим. Сен акам Ильянинг ўртоғисан, менга ҳам ўртоқдайсан, бир қишлоқда турамиз. Сен билан сира уришганимиз йўқ, сирайм, аксинча, ҳатто бирга ичганмиз. Сен бўлсанг, менга ўринисиз гап қилияпсан. Гёё мен гирт мастман. Йўқ, Степан, мен ҳали ичаман, меъёrimни биламан. Хоқласам, меъёридан ҳам ортиқ ичавераман, нега ичмасканим? Мана, сизлар учрашдинглар, сизлар билан ўтиришга, гаплашишга мен ҳам қизиқаман-да, сен бўлсанг, мени ётқизиб, аллала-моқчи бўляпсан. Гёё мен ўтира олмайдигандай.

— Э, ўтиравер, ўтиравер. Бу ерда хўжайнин — сен, қанақасига мен сенга бир нима дейман?

— Сен, Степан, қайнонангни қандай боллаганингни айтиб берсанг, яхши бўларди,— деб Михаил яна эслаб қолди.— Яъни масалан, сен, қайнонанг Лизавета ҳолани қандай алдаганингни айт.

— Э, нимасини айтасан! Деярли қишлоқнинг ҳаммаси билади.

— Қишлоқ билса билар, аммо акам Илья билмайди. У шаҳардан келди, унга айтиб бер.

— Айтсам айтавераман-да, тилимга тирсак чиқармиди,— Степан гўё малол келиб, истар-истамас рози бўлгандай ва кутилмаганда Ильяга қараб хушчақчақлик билан кўз қисиб қўйди:— Агар шунаقا бўлса, қулоқ сол, Илья.

— Қулоғим сенда, қулоғим сенда, ҳа.

— Айтишга арзигулик жойи ҳам йўқ. Билмайман, одамларга бунинг нимаси қизиқ экан. Оддий бир воқеада, рўзгор бўлғандан кейин шунаقا гаплар бўлмайди дейсанми. Бу воқеа ёзда бўлган эди. Бир куни Генка Суслов билан мана шунаقا ичдик, аммо ҳаммомда эмас, йўқ, унинг полизида, хотини уни картошкани чопгани юборгаи экан. Биз бўлсак, уватга ўтириб олдигу чопиқни бошладик. Шишани мен олиб боргандим, қишида ундан пичан олувдим, қарзим бор эди. Мен пул олиб борсам,

бари бир олмайди, яхшиси, иккита яримталиқ ола қолай деб ўйладим. Олиб бордим, уйидагилар, Генка полизда, дейишди. Полизда бўлса полизда-да, менга нима фарқи бор. Ўша ёққа бордим. Генка яримталикларни кўрди-ю, чопқининг сопини ерга санчди. Шишаларни нима мақсадда олиб борганимни дарров тушунди. Албатта-да, картошка чопган яхшими ё ичган? — Степан қўлларини керди-да, биз бу масала устида ўйлаб ўтирамадик ҳам дегандек силтади. У дарров берилиб, ҳузур қилиб гапира бошлади. — Хўшки бўлса ўтиридик. Қўшнининг ўғилчаси ни стаканга юбордик, Генка пуштадан бодринг тугунчакларидан узиб чўнтағига солди, кейин яна борди — хуллас, — ҳамма нарса бор. Ўтирибмизу стакан контокдай қўлдан-қўлга бориб келяпти. Нодон одамлармиз-да. Но-дон одамлармизу аммо мазза қилиб ўтирибмиз. Мен-ку уйдан астойдил ичаман деб чиққанман-а, — аммо Генка, тўгри, картошка чопаман деб келган, унинг мақсади бошқа эди. Хайр, майли, картошка қочмайди. Шишага зўр бердик, Генка бўлса: «Мен ҳозир яна озгина чопиб қўяй, эртага хотин яна гумонсираб юрмасин, кейин қишлоққа кетамиз», деди. Хўп, бўпти, чопавер, мен то-моша қиламан, дедим. У менга яна: «Сен ўтиргандан кўра яхшиси, янтоқларни уватга олиб чиқ, тез қутула-миз», деди, мен ўрнимдан туриб қарасам, янтоқни картошкадан ажратолмай қолибди. Ҳаммасини ёппасига илдизи билан чопиб кетяпти-да. Мен унга: «Бу ишинг учун хотининг эртага сочингни битталаб юлиб олади», дедим. Ҳарқалай гапимга кирди. «Юр, қишлоққа кета-миз, кечқурун, иссиқ пасайгандан кейин чопаман», деди, кейин кетдик, чўнтағимда ҳали пулдан бор эди. — Степан гапини йўқотиб қўйган одамдек бир оз чайналди-да, ҳузурланиб деди: — Ҳар ҳолда, кейин нима бўлганимиз эсимда йўқ.

— Шунақасиям бўлади, — деб бошини силкитиб тасдиқлади Михаил хурсанд бўлиб куларкан. — Бу ўзи шунақа иш. Сен, у ёғини, кейин ҳима бўлганини айт. Сен, Илья, бу ёғини эшиш.

— Кейин нима бўларди! Нима бўлгани маълум, худди атом бомбаси тушгандан кейин турган одамдай уйгон-дим, ҳали кўзимни очганим йўгу ичимда бу қанақа кун, биз Генка билан картошка чопган ўша кунми ё бошқа кунми, қаерда ётибман, уйдами ё бошқа жойдами деб ўйлаяпман. Ҳай, майли. Секин кўзимни очдим, хотиним ёнимда ётибди. уни дарров танидим. Бошқа каравотда болалар — улар ҳам менини. Нариги бурчакдан қайно-

нам еб қўйгудек бўлиб қараб турибди-да. У ёқ-бу ёқиға қарадиму аммо турмасам бўлмайди, деб ўйладим. Шу қимирилашимни биламан, қайнонам печка устидан жудди мушукдай сакраб тушди. Мен унга сира эътибор бермай ўрнимдан тура бошладим, нима мақсадда у мендан олдин турганини мен кейин фаҳмлаб қолдим. Бу мараз, менга бир ёмонлик қилмаса куни ўтмайди, биз иккозимиз ўртамиизда ўша биринчи кундан бошлаб партизанлар уруши кетади. Агар ўзига қўйиб қўйсам-ку аллақачон бошимни болта билан чопиб ташларди-ю, ғам ҳам емасди. Жуда жоҳил-да.

Ўрнимдан турдиму қани, бориб билай-чи, кечадан бери ҳоли нима кечдийкин, деб Генканикига кетдим. Генканинг хотини мени дарвоза олдида кутиб олди-ю, Генка йўқ, деди. Билиб турибманки, хотини ёлғон гапираётибди, менинг қайтиб кетишимни кутиб турибди. Ҳа, ўша Генканг билан қўшмозор бўл, менга нима! Ўзига қийин. У «бошогриги»га сени ютармиди, буни тушуниш керакда, дедим.

— Сен унга жудям тўғри айтибсан, Степан,— деди Михаил ҳайрон бўлиб.— Жуда тўғри, Яшавор...

— Кейин Петъка Сорокиннинг ҳам олдига кирдим, у ўзини умрида ичмаганликка солди. «Йўқ,— деди,— пул ҳам йўқ». Гўё мен унга бермагандай. Ҳарқалай уйга қайтишга тўғри келди. Ўзим эса ертўланинг қаеридадир самогон борлигини биламан. Хотин бўлса ишда, уйда ёлғиз қайнонам қолган. Уйга келдим, қарасам, ўзим ўйлагандай: қайнонам йўлни тўсиб эшиқ олдига курси қўйибди, курсига эса чархни қўйиб, бир қоп бўлиб ип йигиряпти. Қаёққа киришимни қайнонам мендан олдинроқ пайқаган экан. У фақат менга ёмонлик қилиш учун бу дунёда юрибди-да, бундан бошқа қиласдиган иши йўқ буни. Хўп, майли, барибир ўрнингдан қўзгаласан-ку ахир, ишқилиб ертўлага кириб олсан бўлгани, кейин мени у ердан кўтарма кран билан ҳам олиб чиқолмайсан, дедим ичимда. Ўзим бўлсан, ҳеч қандай иложи йўқ одамдай қилиб кўрсатдим ўзимни, у қувлик қилса, мен ҳам қувлик қилдим. Қўчага чиқиб кутиб турдим. Қанча кутиш мумкин, ахир? Бошим бўлса тарс ёрилай деяпти. Қани, қачонгача жигимга тегаркинсан, деб ўйладим. Бир разведка қилдим — қоқсан қозиқдай ўтирибди. Мен унга мулойимлик билан: «Хўш, қайнонажон, ахир бу йигирганингиз-йигирган, чарчаб ҳам қолгандирсиз, бирон ерга бориб айланиб дамингизни олсангиз-чи»,— дедим. У бўлса аввалгидай қўполлик қилиб: «Менга шу ер ҳам

яхши», — деди. Ичимда, қани энди башаранға тортиб юборсам, бундан ҳам яхши бўларди-я, дедим. Нимаям қилардинг уни энди? Шу ерда ўлса ўладики, кетмайди, бу аниқ. Чарх-пархи билан кўтариб, бошқа жойга олиб бориб қўйай десам, шундай дод-вой қиладики, худди мен уни сўймоқчидаи, ўзинг ҳам чидолмайсан, борди-ис, бирон ерига қаттиқроқ тегиб кетсанг, жавобгар ҳам бўласан. Бўнти, ўтирасанг ўтиравер, қимиirlамай ўтиравер, сен шунақа ўлаксасан, дедим ичимда,— Степан зардаси қайнаб олачипор бармоги билан полга қараб пўписа қилди.— Шу ночор аҳволга тушиб қолганимни пайқаганимдан кейин бирдан эсимга келиб қолди. Э, бу нотўгри, мен ҳам анои эмасман дедим. Бир ками менга сиёсатини ўтказиши қолувдими дедим. Мен саройдан белни олдим-да, Иванниги бордим. Бизни уйимиз бараксимон, ўзинг биласан, ярмида мен тураман, иккинчи ярмида Иван. Ертўламиз ҳам шунақа, менинг ертўламни орқаси уники, ўртадаги девори юпқа, омонат, сал маҳкамроқ бўлсин деб ўтган йили тахта ҳам қоқиб қўювдим, бўлмаса бутунлай нураб кетувди. Хўшки бўлса, Иванниги бордим дегин, шу томондан деворни кўриб қўйай деб баҳона қилдиму ертўласига тушдим. У ер нима — икки марта бел урувдим, очилди-қўйди. Шу ердан ўзимзинг ертўламизга ўтдим, худди шу ерда тургандайман. У ёқ-бу ёғимни қоқиб, атрофга қарадим, қарасам, дорили банка турибди. Газаги ҳам бор, менга тагин нима керак? Қулоқ солсам, қайнонам пишиллаб ўтирибди. Ичимда, ўтиравер, ўтиравер, мана ҳозир жуда бакор келдинг, лоқал бирорни бу ёққа киритмайсан-ку, дедим. Шунинг учун шошилмадим ҳам.— Степан хурсанд бўлиб, нима дейишаркин дегандек кўзини қисди.— Кейин шу ертўлада ўтириб «Водийлардан, адирлардан...» деб ашулани бошлаб қолдим-ку, шу, қайнонам аўлдан озишига сал қолди-да. Шу дегин, учди-қўнди, йўқ бўлди-қолди. Фақат чархнинг тарақлаганини эшитиб қолдим.

Илья синчковлик билан Степанга тикилиб қарапкан, кулиб юборди, кейин у дарров Степанинг гапига ишона қолмаганидан эмас, балки ўзи ҳам, Степан ҳам ҳузур қилиши, Степанинг ертўлага ўтишидек ажаб манзарани дарров кўз олдидан кетказмаслик учун сўради:

— Ўша ерда ичдингми?

— Ўша ерда, ўша ерда,— деди Михайл мамнун бўлиб Степанинг ўрнига, бу воқеа Ильяга ёқиб қолгани-

дан суюниб.— У, демак, юқорида пойлаб ўтираверган, бу эса пастда,чувалчангга ўхшаб бир ертўладан иккинчисига ўтган. Кейин мириқкан. Бу шунаقا иш ўзи. Мана шунинг учун ҳам Степани ҳатто жуда ҳурмат қила-ман-да.

— Унда нега ашула айтдинг?

— Шундай, ўзим.— Мугамбирона кулгидан Степанинг оғзи қулогига етди.— Бир маза қилай дедим-да. Ахир у, оёғи гўр лабига етиб қолган бўлсаям, ертўлада айтилган ашулани эшитмаган-да. Нодон одам.

— Сизлар бу ерда бўш келмайсизлар,— таажжубланаб, ҳаваси келиб бошини чайқади Илья ва яна кулиб тоборди.— Ҳа, бўш келмайсизлар.

— Ахир, бир бало қилиб яшаш керак-да. Мана, мана шунаقا қилиб яшаемиз. Турмушимиз ранг-баранг бўлсин деймиз-да.

— Кейин, ертўладан чиққанингдан кейин қайнананг нима, деди сенга?— деб суриштириди Илья.

— Кейин менга нима дерди? Кейин нима деса деявермайдими?

— Хотининг ҳам ҳеч нима демадими?

— Мен-чи, Илья, хотинимга қаттиққўлман, мен уни жудаям ўз майлига қўйиб қўймайман. Хотиним ўрганиб қолган, у уйқусида ҳам ўзининг хотин эканини, мен эса эркак эканимни эсидан чиқармайди. Эркак эркак-да, у бир погона баландда юриши керак.— Степан ҳамон ўз гапларига ўзи маҳлиё бўлиб, очилиб-сочилиб, узундан-узоқ гапирди.— Ёлғон гапириб нима қиласман, гоҳо-гоҳо у ҳам сасийди, албатта. Ҳа, сасийди, айниқса, ўзингдан қолар гап йўқ, мана шу ичкилик хусусида. Баъзан эрталаб нақ кўзимга тикилиб сасиб қолади, агар кўзим юмуқ бўлса, қулогимга шангиллайди, шундай шангиллайди, шундай шангиллайдики, худди «қўлингни кўтар!» дегандай бўлади. Ҳа, энди мен ҳам бу хусусда эркакчасига жавоб қайтараман, албатта. Мен унга адидади қилиб ўтираслик учун тушунарли товушда айтаман, кейин яна ҳаммаси ўз қолипига тушади.

— Йўқ, Степан,— деди Михаил сўзларни қийналиб айтаркан, улфатининг гапига қўшилмасдан.— Хотин хотинлигидан ташқари яна аёл-да. Уни уриб бўлмайди. Сенинг хотинингми, менинг хотинимми барибир у, бундан ташқари, сеники бўлса ҳам, менини бўлса ҳам яна давлат а-ё-ли. У судга бериши мумкин.

— Нима, мен сенга уриш керак деяпманми?— Степан ҳим-м деб қўйди.— Сен, Михаил, аммо бошқача эши-

тибсан. Уриб нима қиласан? Уриш — бу энг сүнгги чора. Отишдай гап. Агар хотин менга билиб муомала қиласа, мен ҳам унга билиб муомала қиласан. Ҳарқалай, мен ҳам давлат одами, қандайдир бир ибтидоий одам эмасман. Биз эр-хотин давлатимизнинг одами ҳисобланамиз.

— Сен бу гапни ҳатто, жуда тўғри айтдинг. Сен шунақа деганингдан кейин, мен сенинг бу гапингга ҳатто жудаим қўшиламан.

— Мен, Михаил, сен билан бизнинг хотинимиз давлат миқёсида эканини, булар аёл эканини тушунаман. Буни менга гапириб нима қиласан. Мени ҳам унча-мунча саводим бор, газета оламан, ўқийман.

— Биламан, сен ўқийсан, Степан, ўқийсан.

— Мен учта газета оламан,— деди Степан Ильяга қараб. Илья зерикиб бош иргаб қўйди.— Битта кичик, районимизники, иккита катта — биттаси областники, биттаси марказий газета — «Правда». Ҳаммасини ўқиб чиқаман. Қоғоз ўрнига, хўжалик эҳтиёжи учун газетага обуна бўлганлар ҳам бор, аммо мен бошидан то охирига чиқмасам, уйдагилардан биттасиям ҳатто қўл ҳам теккизолмайди. Марказий «Правда»ни узлуксиз, ҳар куни чиқаришади, мен эса халқаро ва ички аҳволдан хабардор бўлиб туриш учун, барибир эринмай ўқиб чиқаман. Қаерда қанақа ҳокимият тўнтириши бўлганини ёки меҳнаткашлар иш ташлашганини биламан.

— Сен бу гапни ҳатто жуда тўғри гапирдинг,— зўрга тили калимага келиб деди Михаил.— Тўнтиришлар ҳам бўлади, иш ташлашлар ҳам. Мен ҳам биламан. Бизнинг мамлакатимизда эса хотин, хотин бўлишидан ташқари, бари бир аёл. Уни хотин деб аташ ҳам унча яхши эмас. Бу уни, ҳа онайгни деб сўккандай ҳур-мат-сиз-лик бўлади.— Михаил адашиб кетмаслик учун қийин сўзларни бўлиб-бўлиб нима айтилди-ю, энди нимани айтиш кераклигини аниқлаб олгандан кейин тўхтаб-тўхтаб айтарди.— Шунинг учун сен, Степан, анави мамлакатлар билан ўзимизнинг мамлакатимизни чалкаштириб юборма. Сен билан биз ўз мамлакатимизда яшайпмиз.

— Мен бошқа мамлакатда деб ўйлабман.

— Йўқ, йўқ, Степан, чалкаштирма.

Степан Ильяга имлаб, кўзи билан Михаилни кўрсатди-да, тамом бўлди, нима деяётганини ўзи билмай тўлдираяпти, бизни гаплашишга ҳам қўймаяпти, деган маънони уқтириди. Михаил борган сари энгашиб боши тиззасига тегиб қолди. Степан унинг гапига жавоб бермай қўйди, унинг овозларни эшитмай бутунлай тинчид қоли,

ши учун эҳтимол бирор минутча вақт керакдир, шунда улар уни ўринга қопдай ётқизиб қўйишади-ю, гапларини давом эттираверишади. Степан энгашиб, гўё кўз ўнгларида камайиб кетмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун шишада қолган ароқса тикилди, ҳар нима бўлиши мумкин — шишанинг оғзи очиқ, ҳар бало шишанинг ичига кириб, худди ўзиникидай ялаб тугатиши мумкин. Унинг виждан очилган, аммо ичиб бўшатилмаган шиша олдида азоб чекаётганди, унинг учун бу чалажон ҳайвоннинг қийналишини томоша қилиб туришдай бир гап эди, мондомики ўлдиришга жазм этдингми, бир уру ўлдир, чўзиб ўтирма. Степан бечора шишани таҳқирлаганимиз ҳам етар энди, деб шама қилиш учун Ильянинг нигоҳини тутишга уринди, аммо Илья бошқа томонга қараб ўтиради.

Илья ҳам ароқдан, ҳам гапдан анча чарчаб, бўшашиб қолган эди, аммо Михайлга нисбатан ҳали ўзини тетик тутарди. Ичишини тўхтатиш лозим бўлган ўша ширин, қисқа фурсат аллақачон ўтиб кетганди, энди бу тўғрида афсусланишнинг ҳожати йўқ эди. Энди нима қилиш керак? Энди нима қилиш кераклигини ростдан ҳам бирор киши ўргатиши керак. Илья Степан келмасдан олдин онасининг олдига кирган эди, онаси мудраб ётарди, шунинг учун унинг кирганини эшитмади ёки ўзини эшитмаганликка солди, ўзи эса, эҳтимол, зимдан ўғлини кузатгандир, шу боисдан Илья онаси билан гаплашмаганига хурсанд бўлди, чунки у нима дейишини ўзи билмасди: у ҳаммасини бир бошдан гапириб берадиган даражада маст эмасди. Гўё ароқ унга таъсир қилмагандай, фақат таъсир кейин — эртага, индинга билинадиган лоҳасликка яна лоҳаслик қўшадигандай эди, холос. Степан келгандан кейин эса суюниб, жон кириб қолди. Аммо энди, дастлабки учрашув пайтида сўраладигани сўралиб, жавоб бериладигани жавоб берилиб, гап ҳали хотираларга бориб тақалмай туриб, яна латтадай бўшашди қолди, ўзини аранг зўрлаб, атрофида бўлаётган ишларни кузатарди, у гўё шу одамлар билан, шу жумладан Степан билан ҳам кўпдан бери ўтиргандай, шунчалик кўпдан берики, бир-бирининг жонига теккандай эди. У ҳозир жон-жон деб кўзини юмиди ухларди-ю, аммо уни Михайл ҳушёр тортириб қўйганди, у Степаннинг олдида укасининг кўйига тушиб ўтиришни истамасди, шунинг учун ўзини тутишга ҳаракат қиласади.

Тушдан кейин қўёш ён томонга ўтди-да, мўрчанинг чоққина деразасидан мўралай бошлади, шунинг учун

иңкари бирпасда исеб, дим бўлиб кетди. Ҳеч нима: то-
вуқ ҳам, ит ҳам, одам ҳам кирмасин деб эшикни очиқ
қўйишини исташмасди, шу боисдан иссиққа чидашга тўғ-
ри келарди. Степан терлаб кетди, Ильянинг ялтироқ
бошини ҳам майда тер доналари босди, фақат Михаилга
ҳозир жазирама иссиқми ёки қаҳратон совуқми, бари
бир эди.

Степан Михаил иккови ўртасида ўтган гапни эслаб,
хафа бўлиб тўнғиллаб деди:

— Агар гап шунақа бўладиган бўлса аёллар жуда кў-
пайиб кетади-ю, хотинликдан ҳеч нима қолмайди. У би-
лан фақат кинога бориш эмас, у билан яшаш ҳам керак.
Масалан, мен учун ҳаётда кўпроқ хотин маъқул. Қўли-
дан ҳамма иш келади, эрим қачон сменадан келади-ю,
менга бир чеълак сув келтириб беради, деб кутиб ўтира-
майди. Хотин ҳаммасини ўзи қиласди. Чидайди, ҳар
нарсага хархаша қиласвермайди, рўзгорда нималар ўт-
майди, нега энди рўзгорда ўтган гапни бутун қишлоқ,
шаҳарда бўлса, бутун шаҳар билиши керак? «Мен —
аёлман, мен — аёлман», — у масхара қиласди. — Ҳа, эркак
эмассан, ҳамма кўриб турибди-ку. Нима, бунинг учун
сени қўлда кўтариб юришу бошингни силаб-сийпалаш
керакми? Сен аввал қўлда кўтариб юришга арзидиган
иш қилиб қўйгин-да, кейин сўрагин. Сен ҳам оддий одам-
сан-да, фақат жинсинг бошқа, танамиздаги фарқимиз
ҳатто бургага ҳам маълум, бунинг учун дод-вой қилиб
юришнинг сира ҳожати йўқ. Ўшаларсиз кунимиз ўтмайди,
албатта, бўнга ҳеч ким баҳслашмайди, ҳаёт ўзи шу-
нақа яратилган. Ҳўш, хотинлар ҳам бизсиз яшай олар-
канми, ахир? Ҳар ҳолда бизга қараганда уларга қийин-
роқ. Ҳўш, Илья, сен нима дейсан бунга? Мен, бизсиз
яшаш уларга қийинроқ деяпман, уларнинг табиати шу-
нақа ўзи. Иккинчидан, эркакнинг хотинидан ташқари,
бўш қолган пайтида бошқа ишлари ҳам бор, хотинда эса
йўқ деявер.

— Бу аниқ — ҳа, — қисқагина деб қўя қолди Илья.
Эркакнинг аёлга муҳтоҷ бўлишидан кўра аёлнинг эр-
какка кўпроқ муҳтоҷ бўлиши тўғрисидаги фикр кўнгли-
га ёқиб, уни анча тетиклаштириб қўйди, ҳали ҳеч ким
билимаган ажойиб фикр миясига келган кишидек Илья-
нинг юзида айёллик, қувлик ифодаси пайдо бўлди.

Степан шишага кўз қирини ташлади, баихтиёрми-
беихтиёрми уни кўрсатиб, эркакнинг бекор қолган пайт-
даги энг муҳим иши, ҳали айтиб ўтганимдек, мана шуни
ичишдан иборат, дегандек писанда қилиб қўйди.

— Мен ўтган йили ёзда шаҳарга бордим,— деди у гапини давом эттириб.— Ўша ерда аёлларни кўриб роса мириқдим. Чиндан ҳам қаёққа қарасанг аёл, кейин мен атайлаб эти-пўсти бор, пружина билан эмас, ўз оёғида юрган бирон жонли хотинни кўраманми деб разм солдим. Бирон ерда учратсанг, кўнглинг қувнайди, ҳа, бор экан дейсан, бўлмаса ҳадемай биз уларни қадим замонлардаги мамонтларни қидиргандай қидиришга тушамиз. Қарасам, биттаси келяпти. Ўшанга қараб, ҳа, бунинг онаси ҳам хотин экан, ҳаётда шунақаси ҳам бор экан, деб қўйдим, бўлмаса манави аёллар, айниқса ёшроқлари, ҳаммаси бураб қўядиган қўғирчоққа ўхшайди, бир-бира га шунчалик ўхшайдики, қаери қанақалигини ҳам ажратиб ололмайсан. Уларни оналари туғишмаган, фабрикада ясашган...

— ДАСТ бўйича,— деб гап қистирди Илья.

— Нима дединг?

— Мен ДАСТ бўйича, давлат стандарти бўйича деяпман.

— Ҳа, шунақа, худди ўзи, фақат баъзилари бежири-му баъзилари мундайроқ, бошқа ҳеч қанақа фарқи йўқ. Юрганда ҳам, мана мен қанақаман, бир кўриб қўйинглар, деб соллана-соллана юришади. Мана, менинг оёқларим, буниси ўнг, буниси чап, гўё уники оёғу бошқаларники эса қўлтиқтаёқ. Мана, менинг қўймичим, у ёнбу ён, у ёнбу ёнга бориб келаверади, кўрдингми қандай чиройли, бу нарса нима учун ато этилганини гўё ҳеч ким билмайди. Унинг қўймичини эса, беркитиш керак, у бўлса ширдайтириб юрганига хурсанд. Мана мен бошимга қанча соч қўндириб олдим, кўзимга қаранглар, қанақа-я, рўпарамда турганларинг билан мен сизларни кўрмайман, сизлар эса менга қаранглар, томоша қилиб колинглар деб туради. Унинг учун яшашдан мақсад ҳам ўзини кўз-кўз қилишдан иборат. Ҳеч ким уни кўрмаган пайтда қандай нафас олишини билмайман, албатта. Сал нарсагаям,вой, асабим, асабларим чатоқ дейди, унинг қўллари ҳам асаб, оёқлари-ҳам асаб, ўша оёқлари ўсиб чиққан ери ҳам, ҳаммаёғи асаб. Унга зинҳор оғиз оча кўрма — балога қоласан. Божамницида тўрут кун ётдим, унинг ҳам хотини шунақароқ аёл. Божам хотинининг кўнглига сал ёқмайдиган иш қилиб қўйса бас, аёли дарров касалхонага жўнайди. Менинг боримда ҳар куни эрталаб касалхонага чопарди. Мен қизиқиб қаеринг оғрийди деб сўрадим. «Асабим бўшашган»,— дейди. «Бўшашгани-ку аниқ, хўш, қаеринг оғрийди?»— деб сўра-

дим. «Умумий заифлик, сиз буни тушунмайсиз», — дейди. Мен қаёқдан тушунай... Ҳеч қанақа заиф-паиф эмас, эркаланиб кетган. Қиладиган иши йўқ, ноз-фироқ, эриға иинжиқлик қиласди. Аёллар мана шунақа. Гап уларнинг аёл, аёл эмаслигига эмас, гап шундаки, қўлларидан ҳеч иш келмайди. Меҳнат қилишга ўрганишмаган. Ҳадемай тувишни ҳам эсларидан чиқариб қўйишади. Билолмай қолдим... Степан ташвишланиб бошини чайқади.— Бордио уруш бўлиб қолса-чи? Унда бу аёллардан нима кутади, киши? Кўз ёши қилиб ўлиб кетаверишадими? Анави уруцда галаба қозонишимизда хотин-қизлар жуда катта ёрдам берди. Энди бўлса, хотин ҳам қолмаяпти. Тўгрими, Илья?

— Мен нимаям дердим? Тўгри.

— Манави,— деди у гужанак бўлиб ўтирган Михайлга ишора қилиб,— уларни хотин деб бўлмайди дейди, бу уларнинг шаънига ҳақорат бўлармиш. Хўш, нега ҳақорат бўларкан? Бу сўзнинг нимаси ёмон экан? Менга, ҳой киши, дейишса, нега менинг жаҳлим чиқаркан? Ҳатто аксинча, агар бирор мени номард деса жаҳлим чиқади, бу менга ярашмайди, яхши эмас, хафа бўламан, худди мен эркак бўлолмайдигандай, ишга ёки рўзгорга ярамайдиган туюлади менга. Эркакманми, эркакман, менга яна нима керак? Хотин ҳам шунақа. Қара-я, уни хафа қилишганмиш! Мана, оналаринг, Анна хола, бутун умри хотин бўлиб ўтди, ҳеч кимдан хафа ҳам бўлгани йўқ. Қани энди бошқалар ҳам шунга ўхшаган хотин бўлсин-чи. Анна хола тўғрисида бирор киши бирон оғиз ёмон сўз айтолмайди, ҳақи йўқ. Тили айланмайди. Ноғаҳон Степан бир нима томогига тиқилгандай йўталиб, жим бўлиб қолди, хаёлига «ялт» этиб бир фикр келди.— Кел, Илья, оналаринг учун бир йчайлик,— деди у шошилмай, худди моҳирлик билан отиб, ўқи хато кетмаганини билган овчи қушнинг қулаб тушишини кузатаётгандек ҳузур қилиб ва ўзидан курсанд бўлиб.— Кел, Илья, Анна хола учун иссан арзиди.

— Мана бу гапинг жуда ҳам тўгри,— улар кутилмаганда Михайлнинг овозини эшитишиди. Михайл тиззасига тираб ўтирган бошини кўтарди-да, қачон хизматнинг ўтайсан ахир, дегандек шишага тикилди.— Она миз учун ҳатто ичиш жу-да арзиди,— деди у яна.— Қуй, Илья.

— Биз сени ухлаб қолди, деб ўйловдик,— деб Степан унга кўз қирини ташлади.

— Мен, ухлаётган бўлишним ҳам мумкин, аммо она-

миз учун ухлаган жойимда ҳам ичавераман. Шунақа, Степан. Биз буни бошқа ниятда эмас, онамиз учун ичамиз деб олганмиз. Мана, Илья айтсин.— Михайл чайқалиб хириллаб кулди.— Эсимиздан чиқарип қўйганимизни-я. Сен, Степан, эсимизга солиб жуда тўғри қилдинг. Бўлмаса эсимиздан чиқиб қолувди. Унтувдик, вассалом. Қўлингдан нима келади? Ичиш учун одам қуриб қолгандай шунчаки ичиб ётибмиз. Ҳа, шу хусусда битта янглишибмиз. Биз тириклиги соғлиги учун ичамиз деб ўйламовдик. Бу шунақа иш. Мана, Илья айтсин.

— Бўлди, ҳадеб бир гапни чайнайверма!— деб унинг гапини бўлди Илья.

Михайл тилини тишлади-да, кайфдан қисилган кўзларини Ильяга тикди ва шошилмай деди:

— Хайр, агар бўлди бўлса бўлди-да. Демак, ёқмабди.

— Ойиларинг жуда яхши,— деди Степан.

— Ўлмади,— деди Михайл ғамгин бўлиб, унинг шикоят қилаётгани ёки мақтанаётганини билиб бўлмасди.— Шундай қилиб, ўлмади. Тирик. Агар менга ишонмасанглар, бориб ўзларинг кўринглар.— У шундай деди-ю, стаканга чўзилди, Степан Михайл ағдарилиб тушади, деб қўрқиб, ўзиникини узатди ва ўзига товуқхонадан бошқа стакан олди.— Ойимиз учун охиригача олинглар!— деб қистади Михайл ва одатдагидек биринчи бўлиб ичиб туғатди. Кейин стаканини полдан Ильяга қараб думалатиб юборди. Илья стаканини олди, кейин улар Степан билан индамай уриштиришди.

— Унутиб юборишга тўла ҳақинг бор сени, ёш эдинг,— деди кейин Степан Михайлга қараб. Михайл эшитмади, у яшиги устида яна гужанак бўлиб ўтиради, шунинг учун Степан Ильяга юзланди.— Эсингдами, Илья, оналаринг бу учун қандай ўч олгани? Нега эсингдан чиқаркан, эсингда бор, албатта. Денис Агаповский, нариги дунёда қон қусгур, колхоз нўхотзорида Минъкаларингни кўриб қолиб, туз солинглан ўқ билан отганди, эсингдами? Бу ҳайвон Денис ўшанда колхоз нўхотини қўриқларди —вой қаҳрамон-эй! Минъка рўпара бўлиб қолибди-да. Бутун орқаси ўйилиб кетувди, кўрган одам қўрқиб кетарди. Ойиларинг ҳам қараб турмади, у ҳам иккита патронга тузни жойлаб, Дениснинг олдига борди, иккала ўқни ҳам думбасига отди, шундай бопладики, кейин Денис анчагача на ўтиrolди, на ётолди, эмаклаб юрди. Эсингдами?

— Эсимда. Ҳа,— деб жилмайди Илья.— Ойимизни

суд қилишмоқчи ҳам бўлишиди-ю, тагин босди-босди қи-
либ юбориши.

— Мен уларга судни кўрсатиб қўярдим! Шу Дениси-
ни деб-а! Агар у одам бўлса ҳам бошқа гап эди.

— Ҳадеб нимани мингирилаяпсизлар? — уларнинг га-
пини эшитди Михайл ва талаб қилди: — Ашула. Қани,
ашула айтамиз.

— Жуда жонинг қаттиқ-да, Мишка,— деди Степан
таажжубланиб.— Сенга яна қанақа ашула айтайлик?
Ё анави айиқлар кетини қозиққа ишқалагани тўгриси-
даги ашуланими, ёки бирон бошқа ашулани айтайлик-
ми? Яхши ашула. Сен билан бизга жуда мос-да.

— Йў-ўқ,— деди Михайл рад этиб.— Бошқасини.
Мен севгани. Рус халқ қўшигини.— У бошини кўтариб,
аранг тутиб турди-да, бошлади:

— Гар берсалар бизга ҳам ичардик қона-қона...

Унинг боши шилқ этиб тушди-да, тиззасига тирагиб
қолди. Михайл ҳўнграб тугатди:

— Беришмади, на чора, қолдик биз ёна-ёна.

— Кўрдингми, нимага шама қиляпти,— деди Степан
мийигида кулиб.

Михайл шу ашуласини яна такрорлади, бошқа сўзла-
рини билмасди, кейин бурилиб, худди бирор уни олиб
қўйгандек яшик устидан осонгина, шовқин-суронсиз
ўрин устига думалади. Илья билан Степан ҳаваси келиб
унга қаради. Кейин Степан таклиф қилди:

— Чиндан ҳам ашула айтсан-чи?

— Бўлти. Йчгандан кейин роса битинг тўкилсин-
да.— Сўнгги ароқ Ильяни шер қилиб юборганди, унинг
кўзларида газаб учқунлари ёнарди.

— Фақат манави, ҳозир радиолардан эшиттирадиган
ашулалардан айтмаймиз,— деб огоҳлантириди Степан.—
Мен буларни ёқтирмайман. Улар қандайдир... Аввалига
ёққандай бўлади-ю, ёққандай ҳам әмас, бирор сени худ-
ди ёш болани қитиқлагандай қитиқлайди-ку, кейин га-
шингни келтиради. Эсингдами, болаларнинг «эшитган
одам аҳмоқ» деган ашуласи бўларди. Булар ҳам ўша-
нинг ўзгинаси. Эшитасану, ўзингни аҳмоқ дейсан, бошқа
ҳеч нима. Кел, яхшиси, ўзимизнинг юракни ўртаб юбо-
радиган ашуламизни, ростакамини айтамиз.

— Эҳтимол, сен яхши кўрган ашулани айтармиз?

— Қайси у, мен яхши кўрадиган?

— Ху, сен ертўлада, қайнонангга айтганингни-да.

Степан кулиб юборди:

— Нима бўлти, шундан бошласак бошлайверамиз-да.

Улар жүр бўлишиб, жанговар, эътиборга сазовор бўлган «Водийлардан, адирлардан» деган ашулани гумбурлатиб бошлишди. Михаил гўлдираб уларга қўшилди.

9

Оналаридан бошқа ҳаммалари Татьянадан умидларини узиб қўйишганди. Келса шу чоққача келарди, Америкада турмайди-ку, ахир, уч кунда ҳатто Америкадан ҳам етиб келса бўлади. Кейин хат келса керак, хатда ундоқ эди, мундоқ эди, боролмадим, уйда йўқ эдим ёки шунга ўхшаш важ кўрсатилади. Қизиқ, у онаси тирикми-ўликми, билмай туриб, онаси тўғрисида нимани сўраши мумкин? Ундоқ бўлса ҳам, бундоқ бўлса ҳам хат ёзишга, яиманидир сўрашга тўғри келади, бундай пайтда дамингни чиқармай юролмайсан, онани тилга олмай туриб, қариндош-уругларга, таниш-билишларга салом дейиш билан қутулиб кетса олмайсан. Аммо бу унинг иши, модомики келишни лозим кўрмадими, кейин қандай қилиб қутулиб кетса кетаверсин. Унга у ерда яна нима бўлиши мумкин? Албатта, ҳеч ким билмайди, оқлаш ҳам, қоралаш ҳам қийин. Бир нарса аниқ: у бу ерда йўқ, на номи-ю, на нишони бор.

Фақат кампир кечасию кундузи унга илҳақ эди. У ташқаридан эштилган ҳар қандай товушдан титраб кетарди, эшик олдида шитирлаган овоздан қотиб қоларди, кампир қизининг бирон-бир ножӯя қилиги борлигини эслолмасди, аммо назарида Танъчора уйга киргач, оҳиста биқиниб келиб қараётгандай, шундан кейингина ўзини маълум қиласигандай эди, шу сабабдан кампир қизи эшикдан мўралай бошлагандаёқ билиб олиш учун доимо эшикдан кўз-қулоқ бўлиб ётарди. Кампирнинг кўзлари яхши эди, шу ёшида кўздан шикоят қилиши гуноҳ албатта, аммо бир ерга тикилавериб бу кўзлар ҳам чарчаб қолганди, кўзлари худди оғир юкни кўтариб тургандай эди. Кампир эса уларни ўз ҳолига қўймасди, кўришга мажбур этарди — энди уларни авайлаб нима қиласди, нима учун асрайди? Танъчорани кўришга ҳали ярайди, унга бошқа ҳеч ниманинг кераги йўқ. Кўзлари толиқиб, оғриқдан ёшлана бошлагач, кампир уларни юмарди, аммо кўриб туриш учун кўзларидан гоҳ унисини, гоҳ бунисини навбат билан хиёл очиб ётарди ва шу йўл билан дам берарди.

Вақт шу оғир, беҳуда интизорликда қанчалик кўп ўтаетган бўлса, кутиш учун шунчалик оз қолаётган эди. Кампир Танъчора фақат бугун келиши мумкинлигини,

бу ато этилган сүнгги мұхлат эканини, әртадан бошлаб вакт измидан чиқиб, бутунлай бошқа томонга қараб кетишини тушунарди. Эртага нима бўлишини кампир билмасди, билишга ҳаракат ҳам қилмасди: ҳозирча умид бор, умидини узмасдан Танъчоранинг етиб келишига, сўнгги марта онаси дийдорини кўриб қолишидан бенасиб этмаслигига ишонарди. Агар ҳозир келмаса, хиёл кейинроқ келади. Ҳали вакт бор, бекордан-бекорга ичэтини емаслиги керак, келади, келмай нима қиласди. Вакт асрға етганда, бир маҳал кампирнинг юраги қаттиқроқ ура бошлади, кампир буни Танъчорани сезганга йўйди, гўё у яқинлашиб, ҳозир кириб келадигандай эди. Кампир ёшлардай ҳовлиқиб, шошиб қолди, у биринчи қарашдаёқ бутунлай хароб, ҳеч нимага ярамайдиганга ўхшаб кўринмаслик учун туриб ўтириб қизини кутиб олмоқчи бўлди, кампир шошилиб ўзидан бекабар қолди ва сал бўлмаса ағдарилиб тушай деди, фақат бир мўжиза билан каравотдан ағдарилиб тушмади ва ерпарчин бўлмади. Унинг нўноқлиги учун ўзини койишга ҳам вақти йўқ эди, у ҳали ўрнига ўтирмасидан ҳам бошини эшик томонга буриб шайланиб турди. Ростдан ҳам қадам товушлари эшитилди. Парда қимиirlади — Варвара кирди. Васвасага тушган кампир Варвара Танъчоранинг келганини хабар қилгани кирди, деб ўйлади, аммо у худдӣ жўрттага онасининг жигига тегаётгандай ўзининг туши тўғрисида қишлоқдагиларнинг нималар дейишаштганини гапирди. Қизига нима ҳам десин, Варвара ўша Варвара-да. Кампир унинг гапига қулоқ солмай, эшик томон энгашди, мана ҳозир, ҳозир бошқа оёқ товушлари, бошқа овоз эшитилади... Мана ҳозир, ҳозир. Аммо бу овоз эшитилмасди, ном-нишон йўқ эди.

Кампир гоҳо ўзини ҳам унутиб, қулогини динг қилиб узоқ ўтирди, шунда назарида гўё ўзи эмасу ўрнида бошқа одам ўтиргандай, ўша одам учун эса Танъчора келадими-келмайдими, бари бирдай эди, шунинг учун ўша одам ҳеч нимани эшитмайди-да, шундан сўнг кампир яна ҳам диққат билан қулоқ солишга ўзини мажбур этарди. Конфетдан оғиз-бурни булганиб кетган Нинка кириб-чиқиб юарди, Варвара эса пол тахталарини гижирлатиб, уй ичидагизмин-вазмин қадам босиб, бир нималар деб гўлдираб юарди, шунинг учун кампирнинг булар мени эшитишга қўйишишмаяпти, керакли овозни илғаб олишга халақит беришяпти, деб улардан жаҳли чиқарди. Кейин тогдан Люса қайтиб келди ва бирон еринг оғримаяптими деб онасидан сўради. Кампир бо-

шини сарак-сарак қилди, у Люсянинг тезроқ чиқиб кетишпини истарди. Чиндан ҳам Люся кўп ўтмай бошқа жонага чиқди-да, у ердан Михайлнинг каравотига чўзилди, чамаси одатланмаганидан оёқлари қақшарди, шунинг учун у оёқларига дам бермоқчи эди шекилли.

Ахири кампир толиққанини, ортиқ ўтира олмаслиги ни сезди, зўр бериб қулоқ соловерганидан боши гувиллай бошлади. У курсандлик ҳам, хафалик ҳам, худди томдан тараша тушгандай, тўсатдан келса яхши кўришини эслади-да, намунча шунчалик кутмасам, Танъчоранинг йўлига ўзим ғов бўлдим, деб ўзидан ўпкаланди. Аҳмоққа худога сифин десанг, пешонасини уриб ёради, деганлари жуда тўғри-да. Хўш, Танъчора кўзга кўринишдан олдин бирон ердан секин мўраласа-ю, унинг ётганини кўрса-чи? Бу билан у, кампир бир нима бўлиб қолмайди. Аммо қизи келади-ку, кампир ҳам қизини ўз олдида кўради ва уни алқаб, дуо қилиб сўнгти кўз ёшларини тўқади. Шунинг учун шошилма, шошилиб нима қиласан, барибир ўрнингдан сакраб туриб, қўлларингни ёзиб кутиб олгани чопқиллаб боролмайсан-ку. Нимасиниям гапирасан буни... Қўлингдан бошқа ҳеч иш келмагандан кейин ётибсанми ётавермайсанми.

У ўзига қулоқ солиб, яна жойига чўзилди. Энди ҳеч нимани ўйламаслиги, худди оғриқни босгандай кутишдан ҳафсаласини сал совутиши, аъзойи баданини холи қўйиши, ҳадемай етиб келадиган курсандлик учун ўзини асраб ором олиши, мизфиши керак. Кампир ўз оғирлигини заррача сезмаслик учун ағдарилиб, қулайроқ ётиб олди ва ардоқловчи, чорловчи тинчликда роҳатланишга ҳаракат қилди, бу тинчлик уни, енгил бўлиб қолган вужудини каравотдан секингина кўтаради-да, олис-олислардаги вижирлаш билан сеҳрлаб қўяди.

Қуёш ҳали кўриниб туради, унинг заррин нури хира, илиқ эди, шунинг учун кампир ундан исиди, исиб олгач, эси киарли-чиқарли бўлиб, бу сокин-очиқ кун окирида ўзига нима кераклигини билиб-бilmай секин-аста тиншиб қолди. У бугун бир неча марта пинакка кетди, аммо жуда хушёр ётди, айниқса ҳозир исталган лаҳзада кўзини очишга тайёр бўлиб мудраётганини яхши тушунарди, унинг юраги вужудини қимиirlатиб пойлоқчилик қиласди. Шунинг учун унинг ҳар бир уриши-туртиши кампирни қаттиқ уйқуга кетишга қўймасди. Шу боисдан ҳам олдида Танъчора пайдо бўлганида кампир ишонмади: эс-ҳуши унга, кўзларинг юмуқ, шунинг учун Танъчорани ростакамига кўра олмайсан деб турар-

ди. Аммо бу түш эмасди, чунки у астойдил тош қотиб ухламаганди, аксинча, у доимо уйқусираң ётарди, йўқ, бу заифлашиб қолган, адойи тамом бўлган хаёлот Таньчоранинг шакл-шамойилини назарида намоён этган эди, беҳуда кутиб ҳафсаласи пир бўлгач, чарчаган бошининг гувиллаши ҳам босилди-да, кампир тинчиб қолди. У шу ерда, тонг ғира-шираси сингари мудрого ичида яна Таньчорани ўйлади ва равшан, ёқимили садо бериб турган бу фикрлар ўз-ўзидан туғилиб, гўё тайёр ҳолда қаёқдандир келаётганини, уни азобламасдан, тасалли берайдтганини тушунди. У бу фикрлардан Таньчора нега ушланиб қолдийкин, деган саволга жавоб қидирди ва топди. Таньчора бир ўзи келмаётган бўлса керак, эри билан шекилли, уни, шу эрини олиб келмаслиги лозим эди. Эри ҳарбий одам, худо эса ҳарбий одамни ёқтирамайди. Худойи таоло икковини бирон ерда бирга кўргану тўхтаган-қўйган, шу ҳарбий одам бегона эмас, Таньчоранинг эри эканини ҳам, улар бунинг, кампирнинг олдига шошилиб келишаётганини ҳам суриштириб ўтиргмаган. Кейин, эсига тушиб қолгану икковига ўша жойдан жавоб бериб юборган бўлса керак, аммо барис бир ушланиб қолишиди, нимаям қиласдинг. Бу ишда Таньчоранинг айби йўқ, ҳаммаси ўша эри туфайлидан. Лекин энди улар яқинлашиб қолишиди, ҳадемай етиб келишади.

Кампир анча енгил тортди, унинг қалби эркин нафас ола бошлади, кейин кампир тебранган кўйи гафлат хаёлини тагин баландроқ кўтарди, энди унга ёт товушларнинг етиши мушкул эди.

У кўпдан бери Таньчорани кўрмаганди, аммо қачондан бўён кўрмаганлигини у билмасди. У вақт ҳисобини йилларга қараб эмас, ўз оналик ҳис-туйгуси билан олиб борарди, уч йилми, беш йилми, ўн йилми, унинг учун фарқи йўқ — бояги-боягидек эди: узоқ вақтгача ҳаммадан кўп уйга келмагани, ҳаяллаб кетгани шу Таньчора. Таньчорадан кейин Люся келиб кетди, шимолдан сўнг Илья ҳам қорасини кўрсатди. Варварани гапирмасаям бўлади, ҳар ойда келади, Таньчора шу кетганича кетди, шу ҷоққача бирон марта ҳам келмади. Бир марта хат ёзиб, эримни янги жойга хизматга ўtkазишяпти, у жойга уйга яқин ердан ўтиб кетамиз, йўл-йўлакай албатта уйга кириб ўтамиз, деди. У пайтда кампир ҳали зингиллаб юарди, қизини яхшилаб кутиб олиш, ҳали бирон марта ҳам бўй-бастини кўрмаган куёви олдида юзи шувут бўлиб қолмаслик учун у ёқ-бу ёққа елиб-югурди. У қизи билан куёвани кутар экан, тўсатдан келиб уял-

тириб қўйишимасин, деб ҳар куни пол ювди, ҳар хил оққатлар тайёрлаб қўйди, ҳатто Надяни қисталанг қилиб, магазиндан икки шиша вино ҳам олдиртириб келди, уларни Михайлдан яшириб, анчагача ёстиқлари остида сақлаб юрди. Кейин барибир бу шишаларни Михайлга беришга тўғри келди, чунки Танъчора келмади. Тўғри, куёвини бошқа ёққа юборишди, аммо улар ҳаракатларини қилиб турган ерга эмас, бошқа ёққа — Киевга юборишди, улар ҳозир ҳам ўша ерда туришади, бошқа сафар, энди Киевдан куёвини қаёққадир чет элга юборицмоқчи бўлишди, Танъчора яна чет элга жўнашдан олдин куёвингга отпуска беришади, шунда бориб хайрлашиб келамиз, деб хат ёзди, аммо бу сафар ҳам кампирнинг куёвини жойидан негадир қўзгатишмади, отпуска ҳам беришмади. Кампир қизимни яна кўрмадим-да, деб бир жиҳатдан хафа ҳам бўлди, иккинчи томондан, қизим ундан ҳам нарига, ҳатто одамлари бизникига ўхшамаган бошқача тилда гаплашадиган бутунлай бегона юртга кетиб қолмаганига хурсанд ҳам бўлди, ахир бегона юртда қизи жуда қийналиб қоларди-да. Мана, ишлар охирги кунгача ҳам шу алпозда давом этиб келяпти.

Танъчора аҳён-аҳёнда ёзарди, аммо бошқаларга қаранди, тез-тез хат ёзиб турарди, унинг хатлари ҳам тўғри кампирнинг қўлига келиб тегарди. Фақат Танъчорагина онаси номига хат жўнатарди, кампир чиройли, қизил, кўк ҳошияли конвертни қўлига оларкан, фурур ва умиддан серрайиб қоларди: мана ҳозир у Танъчора унга нима деганини билиб олади. Аммо кампир шошилмасди, хатни анчагача ёруққа солиб айлантириб кўтарди, конвертдаги сурат ва штампни томоша қиласди ва шундан кейингина конвертни жуда авайлаб очарди-да, ичидан ёзилган варақни оларди. У ўзи ўқий олмасди, хатни ҳам ўқимай эрталабдан-кечгача асраб юриши, мазмунни яшириллигидан завқланиши ва уни қалби билан сезиб олишига уриниши мумкин эди, аммо кейин ўқиш пайти келарди. Уни ўқишга Надяни ҳам, Михайлни ҳам, яна битта-яримта кириб қолса, уни ҳам мажбур этарди, у бир хатни турли одамлар турлича ўқиб беришидан қўрқарди. Хатдаги сўзларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ тўғри келганидан кейингина кампирнинг кўнгли тинчиб, қувониб юриш ва Танъчорани тушида ҳам кўриш учун хатни ёстиғи остига яшириб қўярди.

Люся ва Ильядан келадиган хатларга эса кампир бунақа хўжайнлик қила олмасди, уларни бир мартагина ўқиб беришарди, баъзан эса сира ўқиб беришмасдан хат-

ларда нималар ёзилганини икки-уч оғиз қилиб айтиб қўя
қолишарди, шу билан тамом эди, кампирнинг эса шу
эшитганлари билан кифояланиб қўя қолишдан бошқа
чораси ҳам йўқ эди. Кампир ҳатто ҳамма хатлар тўгри-
сида ҳам унга гапиришмасликларини пайқаб юарди,
улар айтишни истамаганликлари учун эмас, балки эслা-
ридан чиқариб қўйиб, нимани айтишни билмаганликлари
учун гапиришмасди: бу хатлар шунчаки ёзилган бўлиб,
уларда онага айтилиши зарур бўлган ва она учун атай-
лаб ёзилган гаплар бўлмасди. Люсия одатда ойимни
эҳтиёт қилинглар деб панд-насиҳат қиласди, Илья бўлса
наридан-бери, худди ҳазиллашаётгандай ойим қалай
юрибди ёки ойимнинг ишлари қалай, деб сўрарди, она-
нинг ҳол-аҳволини сўраб-суринтириш кўпинча шу билан
тугаб қўя қоларди, шу боисдан буни қайтадан айтиб
бериш ростдан ҳам осон эмасди. Баъзан Люсядан, агар
у кўпдан бери ҳеч қандай хат-хабар қилмаган бўлса,
узун, батафсил ёзилган хатлар ҳам келарди, бу хатларда
онасига кўп ўрин бериларди ва бордии кампир таблег-
ка ичган билан киши ёшариб қоларканми, деб ичмай
қўйганида: «Ойимга айтинглар, бу дори ҳар қандай ёш-
даги одамга ёрдам беради» ёки онаси совуқда ёздагидай
енгил кийиниб юриш мумкин эмаслигини билмайдиган-
дай: «Хабардор бўлиб юринглар, ойим қишида яхши
кийиниб юрсин»га ўхшаш гаплар ёзиларди. Худога шу-
кур, Илья ҳарқалай маслаҳат бермасди. Кампирга улар-
нинг бунақа гаплари керак эмасди, у болаларининг
ўзлари қандай яшаётганларини, қотиб қолмаслик учун
совуқда қандай кийинаётганларини, мөдомики сигирлари,
товуқлари, чўчқалари бўлмагандан кейин нималар еяёт-
ганларини билишни истарди: кампир оҳир-оқибатда ша-
ҳардаги одамлар ҳам оч қолмаслигига ўзини ишонишга
мажбур этди, аммо у одамларнинг мол-ҳолсиз қандай
яшашларини, умуман шуларсиз қандай яшаш мумкин-
лигини сира тушуна олмасди. Люсия билан Илья ўзлари
тўгрисида шунчалик кам ёзишардики, кампир хатни
ўқиб берган Надяга ёпишиб, гўё Надя ундан бир нимани
яшираётгандай ёки эътиборсизлик билан ўтказиб юбор-
гандай ҳар хил саволлар билан унинг тинкасини қури-
тиб юборарди, Надя эса нима деб жавоб беринини бил-
май гангриб қоларди, хатда бори шу бўлса, у қаёқдан
олиб қўшиб-чатади? Ильядан бир йилда бир марта қис-
қа, кафтдеккина хат келса, унинг учун Надя бичиб-тўқи-
майди-ку. Илья билан Люсядан келган хатни кампирга
ўқиб бериш бир азоб эди, бу азобни Надя чекарди, Ми-

хаил эса онасининг нима деб ёзишибди деган гапига, ҳа, ҳеч гап йўқ, деб қўл силтаб кетавериши мумкин эди. Балога қолган Надя эди.

Танъчорадан келадиган хатлар ҳам ҳадеганда кампирни қониқтира олмасди, аммо кампир уларни кўп жиҳатдан кечирарди, уларга нисбатан меҳри бошқача эди. Бу хатлар кампирга маҳсус ёзилган бўларди, уларни Танъчора ёзишга атай киришар ва ёзарди ҳам. Хатларни кампир учун атайлаб элтиб ташлашарди, аллада азиз, тўрвада майиз қилиб етказишарди, йўқолиб қолмасин деб Танъчоранинг қўли билан онасининг исми ёзилган конвертга аломатли муҳр босиларди. Танъчора айтмоқчи бўлган гапини бирор орқали етказмасдан, «ойимга айтинглар» деб ёзмасдан, ўзи, тўппадан-тўгри худди онаси олдида тургандай «менинг ойижоним» деб ёзарди, эрка-лаб-ийдириб юборадиган ана шу «менинг ойижоним»-нинг ўзиёқ кампирни бахт ва қўрқувдан тахта қилиб қўярди; ана шу сўзлардан муздек инаалар баданини жимиirlатиб ўтаётганини ҳис этарди. Кампир Танъчора ўйда уни шунаقا сўзлар билан ардоқлаганини эслолмасди — йўқ, хотирасидан кўтаришганлиги учун эслайламаяпти эмас, қизи авваллари бундай сўзларни айтмасди: бунаقا сўзларни энг паришонхотир она ҳам унумтмайди. Демак, қизи бу сўзларни унинг учун ўша ёқда, мусоғир бўлиб юрган жойларида топибди-да. Кампир пичирлаб, лабларини қимирлатиб, ўзига қаратилган «менинг ойижоним»ни такрорларди ва ундан мунгли бир инграш, бир дард-аламни илгарди-да, алланечук бўлиб кетарди ва ўзи ҳам сезмай кўзига ёш оларди, қачон кўзимга ёш олганим эсимда йўқ деб ўйлар, ўзига-ўзи бу ёшлар бутунлай бошқа важдан тўкилди дер эди. Ўз ихтиёрича йиглаши — ўз ваҳималарини тан олиш демакдир, бу эса бундан ҳам ёмонроқ эдики, унда нажот то-пиш қийин бўлиб қоларди. Нажот, умид худодан келади, деб ўйларди кампир, чунки нажот, умид тортинчоқ, уятчан, раҳмдил. Қўрқувни эса кўнглига шайтон солади, у хира, дағал бўлади, шунинг учун унга берилишининг нима кераги бор? Ёки у буларнинг қаёқдан пайдо бўлишини билмайдими?

Ногаҳон кампирнинг кўнгли ёришиб, юпқа лабларининг учӣ билан айнан ўша сўзларни айтарди ва улардан Танъчоранинг мулойим, меҳр тўла овозини эшитарди. Кейин бу сўзлар усиз, кампирсиз, унинг лабларисиз такрорланди — фақат Танъчоранинг яқингинадан, худди кўз ўнгидагидай аниқ-таниқ жаранглаб турган овози

Эшитилади, аммо бу овоз борган сари секин эшитиларди, ниҳоят бу овозлар тиниб бутунлай эшитилмай қолар, лекин кампир шундан кейин ҳам бу сўзларнинг жозибали сехри ва кучидан аввалгидек кўнгли ёришиб, хурсанд бўлиб юрарди: кампир бу сўзларнинг асил мөхиятини тушумай, қулогига бошқача чалингани учун ўзини ўтакетган гуноҳкор ҳисоблаб, анча вақтгача кулиб ўзини койиб юрарди ва қулоги оғирлиги учун қизи олдида гойибона мулзам бўларди.

Нима у, кампир, Танъчора бошқа опаларига қараганда меҳрибонроқ бўлиб ўстанини билмас эканми? Кампир Люсидан ҳам, Варварадан ҳам асло шикоят қилмасди, албатта, шикоят қилишининг ўрни ҳам йўқ эди, аммо Танъчорани бошқача кўрарди. Ҳарқалай у кенжаси, тўрвақоқдиси эди, шундан кейин кампир бошқа фарзанд кўрмаганди,— шунинг учун кампирнинг кўзига бошқа, катта болаларига қараганда шу кўпроқ кўринарди, қоловерса, ёш боласиз яшашга ўрганмаганидан уни ўзидан йироққа жўнатишни истамасди. Ҳамиша шунаقا эди: ҳали биттаси оёққа турмасидан бошқаси пайдо бўларди, шунинг учун она ўша билан овора бўлиб қоларди, олдингисини эса бир четга ўтиргизиб, хоҳласанг эмаклаб, хоҳласанг юриб, истаган томонингга боравер, бошинг тошдан бўлсин, урилсанг-йиқилсанг бақирма, энди сендан бошқа бақирадиган одам бор, дер эди. Танъчорани кетидан шошилтирадиган ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун у онасининг эркаси бўлиб қолди, онасига соядек эргашиб, кетидан ойижон, ойижон деб юргани-юрган эди. Мана сенга «ойижон»— бу сўзни қаёқдан топдийкин? Қишлоқда бунақа сўз йўқ эди шекилли, у бу сўзни ё бирордан ўрганиб олган ёки бўлмаса тушида бирон овоз ўргатдимикин? Кейин, катта бўлганидан сўнг Танъчора уни бошқалар қатори ойи деб атай бошлади-ю, аммо болалигини тез-тез эслаб, кулиб «ойижон»лаб онасини жон-ҳолига қўймасди. Қизининг бу ҳазил, шўхликлари, минг қилса ҳам кампирга хуш ёқарди. Мана энди янгиси «Менинг ойижоним!» пайдо бўлибди. Хўш «ойижон» дегандан кейин бу сўзларнинг нимаси ташвишлики, кампир ўзини қийнаб, ич-этини ейди? Ҳадеб қуийб-пишгунча, шукр қилиб ўтирса бўлади-ку.

Аммо гап Танъчоранинг кенжака бўлиб ўсишида эмасди, албатта. Кенжадан ҳам ҳар балони кутиш мумкин. Ўшани деб кўпроқ ташвишланасан, бор меҳр-мажолингни қўясан, у эса ўл аҳмоқ дегандек, яхшиликка ёмонлик қайтаради. Бунақа воқеалар оз дейсанми. Йўқ,

Танъчора табиатан онасига меҳрибонроқ әди. Агар табиат тўғрисида гапириладиган бўлса, феъл-автори жиҳатидан Люся кўпроқ онасига тортган әди. У ҳам шаддод, мағрур, анов-мановга бўш келмасди, унинг шаддодлиги, мағрурлиги уйдагиларнинг учтасига етиб-ортарди. У қизчалигига бир тумшуғини осилтирса, уч кунгача ҳеч кимга қарамасди, ҳеч нима билан уни ийдириб бўлмасди. Люсянинг ҳозир қанақалигини кампир билмасди, эҳтимол, одамларга аралашиб, ўзига ўхшаганларни кўриб ўзига келгандир, қўрслиги ҳам камайгандир, паст-баландни билиб олгандир. Хулқинг совуқ бўлса яшашинг ҳам қийин — у бўлса саводли, эс-ҳушли, буни тушунган бўлса керак, юриш-туришига қараганда ёмон яшалти деб бўлмайди. Кампирнинг эса сўрагиси келмайди, сўраганинг билан «яхши» деб қўя қолади, қандоқ тушунсанг-тушунавер. Уларнинг ҳаммаси ҳам гапдан қутулиш учун шунақа дейишади, лекин Варвара ёғ еб, ячмол ичида яшаса ҳам, ҳеч қандай ғами, ташвиши бўлмаса ҳам, бари бир, нолиган бўларди. Ахир, туғишган опа-сингиллару аммо бир-бирларига сира ўхшамайди-я. Варвара қизлигидаям Люсядан, иниларидан гап эшитиб, ҳатто арзимаган нарсага ҳам йиглаб юрарди. Ёшлигидан мижғов бўлиб ўси, шундайлигича қолди, ишни бошқалар қиласди-ю, гапни бу эшитарди, тағин ҳар ошга қатиқ бўлаверарди.

Танъчора опаларидан биронтасига ҳам ўхшамасди. У ўзининг қандайдир бошқача — юмшоқ, хушчақчақ феъл-хўйи билан опаларидан ажралиб турарди, одамша-ванди әди: у жаҳли чиқса, яна бирпасда жаҳлидан тушарди, бирордан хафа бўлса, шу заҳоти хафалигини унутарди, агар бордию йиглагудай бўлса ҳам... кўзидан ёш чиқарди-ю, киприги нам бўлмасди, ҳа, бу гап шунга, бошқага эмас, шунга тегишли әди. У қаерда одам бўлса, ўша ерга борарди, на кексалардан, на болалардан тортинарди, ўйин-кулгини яхши кўрарди, аммо фақат ўзини курсанд қилиш учун эмасди, ўрни келганда, пайтини тоғиб ҳаммани хурсанд қиласди. Ёшларнинг бирон ўйин-кулгиси деярли Танъчорасиз ўтмасди, агар у уйда ушланиб қолса, қизлар дарров кетидан гизиллаб келишарди, йўқ, у қизларга бош-қош бўлиб юргани учун эмас, йўқ, аксинча, лекин у бормаган йигин қизимасди, паст-баланд гаплар ўтарди, йигитлар тегажоқлик қилишганда, уларга жавоб берадиган одам бўлмасди, Танъчора бўлса шундай жавоб берардики, кейин ҳаммага гап то-пилиб қоларди, ёшлар биридан-бири ўтказиб ҳазил-мутони

йиба қилишарди. Ёки кечқурунлари ёш-яланглар йиги-
ладиган қишлоқ совети олдидаги майдончада ётган ха-
ридан киши билмас жұнаб қолған сабрсиз йигит-қызни
күрганида Таньчора секингина кулиб құя қоларди. Қул-
гандан ҳам йигит билан қызы кетиб, ғойиб бўлган томонга
бошини буриб худди ўзи, шунчаки кулгандай куларди,
аммо бу беозор кулги бир ишора эдики, бунга бошқалар
ҳам қўшилиб, бутун қишлоқ ларзага келарди. У бошлаб
бермаса ҳеч ким ашула ҳам айтмасди, унинг кучли ово-
зи билан янграган ашула харилар ортидаги майсазор-
лардан ўтиб, ўз шодлиги ва қайғуси билан қишлоғни у
бошидан-бу бошигача тутиб кетарди. У онаси пакки би-
лан бошини қашлаб қўйишларини ёқтиришини билгани-
дан кампирга: «Кел, ойи, бошининг тут», — дерди-да,
соchlари оппоқ бошини қашлаб қўярди, ҳеч ким, ҳатто
кампирнинг ўзи ҳам бошининг қичиган жойини Таньчо-
радек топиб қаший олмасди, Таньчора худди ўша қичиб
турган жойни топиб қаширди, силаб-сийпаларди-ю, бир
мўйинни ҳам бежо қилмасди. Ҳамма қизлар ичидаги
Таньчорагина мана шу хилда ойисининг кўнглини олар-
ди. У паккини тез-тез қимирлатиб, унга: «Сен ойи, жуда
ажойибсан-да», — дерди. Ойиси эса ажабланиб: «Нега
энди?» — дерди. «Чунки сен мени туққансан, мана энди
мен яшаяпман, агар сен бўлмасанг мени ким тугарди,
мен ҳам ёруғ олам юзини кўрмай ўтиб кетаверардим».
Таньчора куларди ва кампирнинг сочини силаб тўғрилаб
қўярди. «Э, қўйсанг-чи! — дерди кампир жўрттага жаҳли
чиққан бўлиб. — Эзмаланасан, эзмаланасану гапингнинг
бурди йўқ, нима деганингни ўзинг ҳам билмайсан». —
«Йўқ, биламан, сен бизнинг чиндан ҳам ажойиб онамиз-
сан, қандай ажойиблигинингни ўзинг ҳам билмайсан, сен
ҳаммадан яхвисан. Қани, ўзинг айт-чи, бизлар яхшими-
ёмонми?» — «Мен ёмон деяётганим йўқ-ку», — «Демак,
яхши эканмиз. Мана, кўрдингми, ҳаммасининг сабабчи-
си сен, ҳеч ким туғиб, болаларини шунчалик яхши
одамлар қилиб ўстира олмайди, ҳеч ким, шуни бир би-
либ қўй. Биз жуда бахтлимиз-да, бизнинг ойимизга
ўхшаган ойи яна кимда бор? Ҳа, ана шунақа». Кампир
бу гаплардан юраги шувиллаб, гангиб қоларди, у бу гап-
ларни эшиттириб айтиш мумкинлигини билмасди, буна-
қанги меҳрибонлик эриш кўринадиган қишлоқда бу гап-
ларни яна битта-яримта айтган бўлиши гумон эди. Шун-
доқ ҳам тушунарли-ку, ҳеч ким, ундан бошқа ҳеч ким
унинг болаларини туғиб бермайди-ку, ахир, аммо бу
тўғрида гапириб бўларканми? Нима кераги бор? Она-

нинг юраги орқасига тортиб, бошини Танъчоранинг эта-
гига янада пастроқ туширади. «Сен, ойи, ҳали узоқ
узоқ яшайсан, ҳаммадан кўп яшайсан, чунки сен
ҳаммадан яхисан, шунинг учун сени ҳеч кимга алиш-
тирмаймиз, қаригани қўймаймиз». — «Кўп алжима!» —
деб онаси унинг гапини бўларди. «Мен алжиётганим
йўқ, бир куни келиб сендан ажралиб қолишимизни мен
ҳатто тасаввур ҳам эта олмайман». Мехр тўла бу сўзлар-
дан кампирнинг кўзига ёш келарди, шунинг учун шоша-
пиша ўрнидан тураркан: «Бугунга шу ҳам етади, хўп
ўтиридик, ишлар ҳам қолиб кетди», — дерди.

Бунаقا гаплар кампирни чўчитарди, аммо бундай
гаплар аҳён-аҳёнда, бор-йўғи бир неча марта бўлганди,
холос, шунинг учун бу чўчиш худди никоҳ кечаси ке-
линнинг куёв олдида чўчиб туришига ўхшаш ёқимли,
юракни орзиқтирадиган чўчишлардан эди. Кампир ке-
йин, гўё тасодифан, ногаҳон эсига тушиб қолган бу сўз-
ларни ўйлаб, анчагача ҳузур қилиб юарди, аслида у
истаган пайтида кўнглини кўтариб, хурсанд бўлиб юриш
учун бу сўзларни ҳафсала билан миясига жо қилиб
оларди. Тўғри-да, бунаقا гапларга қайси она эриб кет-
майди?! Ахир Танъчора унга доимо меҳрибонлик билан
илиқ муомала қилса, ҳар қандай онаға ҳам ишониб
айтиб бўлмайдиган гапларини худди ўз дугонасига айт-
гандай у билан ўртоқлашиб турса, унга ишонмасдан
бўладими? У ҳатто турмушга чиқаётгандан ҳам хат ёзib,
она розилигини сўради, фотиҳа тилади, шунинг учун она
йўқ дея олмади, гарчи унга алам қилса ҳам, қизига ким
уйланаетганини билмаса ҳам йўқ дейишга оғзи бормади.

Мана энди унинг Танъчораси шу кетганича зим ғо-
йиб бўлди-кетди.

Кейинги пайтларда кампир бу учун қизини эмас,
ўзини айблашга ҳам тайёр эди. Унинг айби нима, ўзи
ҳам тушунмасди. Танъчоранинг олдига жўнашга эса ўзи-
нинг ҳоли келмасди, қизи жуда олисда, кампир у ерга
йўл бу ёқда турсин, ақл югуртириб ҳам етиб боролмас-
ди, аммо кампир бошқа нарсани тушунарди: она ўз қи-
зини шунча вақт кўрмай юриши мумкин эмас — ўзига
огир, одамлар олдида ноқулай, қизи олдида эса уят. Бун-
дан чиқадики, агар у шунчалик айрилиққа чидаса, қа-
нақа она бўлди ахир? Танъчора билан дийдор кўришиш
учун у нима қилди? Кутишдан нарига ўтмади. Лоақал
пинаги бузилмади-ку. Хўш, бирон нафи тегиши учун
нимага қилиши керак эди? Э, худо, кошки бирор айтиб
берсайди. Кампир Люся деб куйиб-пишмасди, у ўзини

хафа қилдириб қўймайди — у бунақа одам эмас, Варвара эса аксинча, уни ҳар ким хафа қилиши мумкин. Лекин Варвара ёнида, деярли кўзи олдида, Илья мужик, ўзини-ўзи ҳимоя қила олади, фақат Танъчора тушмагурини тақдир шамоли узоқ-узоқларга элтиб ташлагани учун кечаю кундуз бу ҳолат кампирга тинчлик бермас, юрагини ҳаммадан кўпроқ эзардад. Қани энди узоқ юртда, бегона одамлар ичиде онасиз қандай яшаётганини лоақал бирон-бир тирқишидаң бир мартағина кўрсаю билса. Ахир юзидан, сўзсиз ҳам, кўп нарсани билиб олиш мумкин, шунда кампир қизи учун худога илтижо қиласмиди ёки шукронга айтармиди, биларди. У яна қизини узоқ вақт кўрмай юриб орттирган гуноҳидан соқит бўлиб, худо олдига пок бориш, кейин, хотиржам, ёруғ юз билан даргоҳида, мана мен, банданг Анна, барча губордан мусаффоман дейиш учун ҳам ўлими олдидан бирровгина бўлса ҳам Танъчорани кўриши керак эди.

Аммо бугун сўнгти муҳлат эди: агар Танъчора қоронги тушгунча келмаса, демак, ортиқ умид қилмаса ҳам бўлади.

Кампир Танъчора албатта келади, фақат сабр қилиш керак, борган сари яқин келиши учун халақит бермаслик кераклигига ўзини ишонтириб, енгил тортида-да, кўзи илинди — у аввалига ташқаридан эштилаётган ҳар бир овозга қулоқ солиб, мудраётганини унутмай ҳушёр ётди, кейин, одатда ҳамиша бўладиганидек бехосдан изн ихтиёрини қўлдан берди-да, қаттиқ уйқуга кетди, караётда одам ўрнига бўш қоп қолди. У қаерларга борди, нималар қўлди, ҳеч ким билмасди.

Овозлар уни қайтариб келди, у бу овозларни ҳали олисда туриб эшитарди, нималар дейишаётгандарини тушунмасди. Энг олдин кампирнинг қулоги ишлай бошлиди, аммо жуда суст ишлаганидан жуда ноаниқ, узуқ-юлуқ, гўлдираган, худди бирон сувга тош ташлаётгандаги булуқ-булуққа ўхшаш овозни илғаб олди. Кампир энди илгариги кампир эмасди, илгари тиқ этган товушни эшитган заҳоти уйғониб кетадерарди, ҳозир бўлса инсонга лозим бўлган барча нарсаларни — қулоқни ҳам, кўзни ҳам, эс-ҳушни ҳам йиғиштириб олиш учун вақт, куч керак эди, бу аъзолар ухлаб ётганида гўё бирбиридан ажраб кетиб, ўз бурчини ўташни унутиб қўйгандек эди.

Кампир кўзини очди-ю, аммо дарров бирон нимани ажратса олмади: хона ичи ғира-шира эди, аммо бу гиравирилик борган сағин қуюқлашаётганди. Дераза фақат

ташқаридан, ҳовли томондан оқариб турарди, аммо ойнадан ёргулик кам тушарди. Люся қисти-бастига олиб, дона-дона қилиб кимгадир шундай дерди:

— Уялмайсизларми?! Она ўлай-ўлай деб ётса-ю, булар жинни бўлиб ўтиrsa!

Кампир ҳам бирданига қўрқмади, у аввал стол устига бошини энгаштирган Михайлни яхшилаб кўриб олди, столнинг бошқа томонида Илья ўтиради. У Люсяга жавоб бермоқчи бўлиб, қимиirlаб қўйди, шундан кейин кампир мужикларнинг ҳали ҳам ароқхўрлик қилишаётганини, қизиқтириш учун қаймоқ қўшилган заҳарга ёпишган пашшадек ичкиликка ружу қилишганини кўриш ва тушунишдан кўра кўпроқ ҳис этди. Кампирнинг оёқ томонида Варвара чуқур уҳ тортиб, хўрсиниб қўйди. Люся кўринмасди, унинг овози ўнг томондан, бут қўйиладиган токча остидаги тумбочка томондан келарди.

Бирдан кампирни ваҳима босди. У каравотда буқчайиб, тиришиб, ҳозир қизимни топиб берасизлар, дегандек қилиб жонҳолатда қичқирди:

— Танъчора!

Варвара кампирнинг устига энгашишдан олдин маълум қилди:

— Ойижонимиз уйғонди.

— Танъчора! — яна чақирди кампир, ҳатто нафас ҳам олмай, бутун вужуди қулоққа айланиб.

— У ҳали келгани йўқ, ойи,— виключатель шиқиллади, хона ичи худди кундуздагидай ёп-ёрут бўлиб кетди. Виключатель ёнида Люся турарди.— Танъчора ҳали келгани йўқ,— деб такрорлади у, кампир тушуммаганини кўриб.

Хонадагилар кафтлари билан нурни тўсиб, кўзларини қисишиди, кампирнинг назарида улар бекинишаётгана ўжшарди, чунки улар унга ҳақиқатни айтишни исташмасди, шунинг учун кампир уларга ишонмади: кампир бошини чайқаб илтижо билан мўлтиллаб уларга кўз югуртириди, худди тик тоққа чиққандай, ортиқ бир қадам ҳам босицга кучи қолмагандай бўғилиб кетди, бу нигоҳга фақат Люся бардош бера олди. Танъчора бу ерда йўқ эди, кампир буни аввал бошда, уйғонган заҳотиёқ тушуниши керак эди: Танъчора бўлса, бошқа нарсалар тўғрисида гапиришарди, ахир. Ухлаб қолибди-да. Бир оғиз ҳам сўз айтишга ҳоли қолмаган кампир ўзига ҳам, уларга ҳам ишонмай, ҳамон бошини чайқар эди, унинг боши ёстиқда худди бир бурда ион деб ялиниб-ёлбориб турган

тиланчиларники сингари қалтирар әди, томоги бўлса ҳамон қисиб турар, кўзини хаёл бўлса-да очишга, Таньчорани кўришга қўйимас әди. Сиртидан қорарапт сурилганга ўхшаб турган деразада худди кўзгудагидек электр нуридан чароғон бўлган хона акс этиб турарди, ташқари зим-зиё әди. Кампир тирсагига таяниб, кўтарилди ва қарвотдан думалаб тушгудек бўлиб олдинга энгашди, тоқатсизлик билан тамгин сўради:

— Қани? Қани у?

Кампир қотиб қулоқ солиб турди, у ким жавоб бериншини билмай қолмаслик учун кўзларини бақрайтириб ҳаммасига баравар қараб турарди.

— Агар унинг қаердалигини билсак, сендан яшириб нима қиласдик,— хотиржамлик билан деди унга Люся.— Тушунсанг-чи, ойи, биз ўзимиз ҳам ҳеч нимани билмаймиз.

— Худо ҳаққи, ойижон, уни кўрганимиз йўқ,— Варвара кампирни ишонтириш учун қўлларини кўксига босди.— Сенга ёлғон гапириб нима қиласман.

— Келади,— деди Илья дадил ва ҳатто курсанд бўлиб гапини илиб кетди. У ҳаммасидан ҳам ўзи билан Михайл тўғрисида бораётган гап бошқа мавзуга кўчганидан курсанд әди.— Бугун келмади, эртага келади, ҳа.

— Менга кеча ҳам шунаقا дегандинглар, қани у?

— Энди бунисини айтиб беролмаймиз. Келса ўзи айтиб беради.

— Менга кеча ҳам шунаقا дегандинглар, қани у?— кампир алаҳисираётгандай бир гапни такрорлади ва овозини ўзи эшитмасди, чунки бу сўзлар биринчи марта айтилгандаёқ жавобсиз қолганди, энди бўлса миясига ўрнашиб олиб, гуноҳкорона тарзда акс-садо берарди. Энди буни сўраб нима қиласди? Нима кераги бор? Энди кампир биларди: йўқ, келмайди. Унга ато этилган вақт тугади. Энди кутишнинг фойдаси йўқ. Таньчора келмади. Келмади, кампир уни кўролмай кетяпти-я.

Кампир бошини ёстиққа қўйиб йиглаб юборди.

— Ҳа, мана,— деди Илья ҳим-ҳим қилиб.— Бошлиянити.

— Ойижон! Ойижон!— деди Варвара безовталаниб.

Дабдурустдан кампирнинг ич-ичидан нимадир узилиб кетгандай бўлди, нимадир босиқ инграницаш туфайли ва бу босиқ инграницаш ҳали тинмай туриб, кутилмаганда ўзгарди-да, кечаги жарангга айланди, у бу овозни қизлик пайтидаёқ эслаб қолганди, майнин жинг-жинглаган бу овозлар узилиб қолмасди, аксинча бир-бирига қўши-

либ кучайиб борарди. Нимадир кампирни шу овоз сари шунчалик қаттиқ судраб борардики, у ҳатто қаршилик кўрсатишни ҳам ўйлаёлмай қолди. Аввалига озгина юрса шундоққина ёнида турган шу жарангга етиб оладигандек эди, аммо кейин бу овоз узоқлаша бошлади, кампирни эргаштириб борган сари олисларга олиб кетди, аммо кампир унга ишончини йўқотиб қўймаслиги ва қаёққа қараб юришини билиши учун бу овоз ҳамон тиниқ, аниқ-равшан янграб турарди. Кампирнинг аранг эсида бор: бундан сал олдин қандайдир бир жудолик суяқ-суягидан ўтиб, йиглаб юборганди, энди бўлса оғриқ босилди, овоз кетидан бориш осон, қувончли эди, энди кампир ҳаммасининг охири бахайр бўлишидан суюниб йигларди.

Кампир юзини бекитмай, икки ёнида ётган қўлларини қимиirlатмай йигларди. Унинг кўзлари очиқ эди, кўзларидан аҳён-аҳёнда аччиқ ёшлар чиқиб, секин юзларига оқиб тушарди. У қимиirlамай, овоз чиқармай жимгина йигларди. Фақат кўз ёшлари юзларидан думалаб-думалаб тушарди. Унинг юзи деярли хотиржам эди, шу боисдан кулгили кўринарди. Бу шунчалик бир-бирига қовушмаган, шунчалик гайритабиий, ваҳимали эдики, онаси ёнида ўтирган Варварани эсанкиратиб қўйди: у эс-ҳушини йигиб олиб, қичқириб юборди, ўзини кампирга ташлаб, кучи борича уни қимиirlата бошлади. Икки ҳатлаб Люся келди, Илья ҳам келиб, опа-сингиллари елкасидан кампирга мўралади. Михайл ўрнидан турди-ю, яна жойига ўтириб қолди.

Кампир ихради. Люся ниҳоят Варварани кампирдан ажратиб олди, шундан кейин кампир менга тегманглар деб ялингандай бошни у ёқ-бу ёққа қимиirlатди. Эси оғиб қолган Варварани онасидан сал четлатиш учун Люся кампирнинг ёнига ўтиреди, кампир ўзи қимиirlаб, ўзи ҳаракат қилиб қизларидан сал нарига, девор томонга сурилди, кўзларидан жимгина оқиб чиқаётган ёшларини кафти билан артди.

— Ойи, намунча бизнинг ўтакамизни ёрмасанг?— деди Илья стол ёнига қайтаётиб.— Мен сенга айтапман-ку, бугун келмаса эртага келади, деб. Ҳа. Кутиш керак-да.

— Бирон иш чиқиб, ушланиб қолгандир-да,— деб гапни илиб кетди Люся ва афти буришиб кетди: у ўзи айтган гапга ўзи ишонмасди, аммо шундай бўлса ҳам гәпида давом этди:— Нима бўлсаям кутиб турайлик, энди шошилиб қаёққа ҳам борардик.

Кампир бу гапларни эшитарди ҳам, эшитмасди ҳам:

кампир унга далда беришга ҳаракат қилиб айтишаётган сүзларни эштарди, ким айтганини, кимнинг овози эканини ажратиб оларди, аммо бу сүзлар замираиди нималар борлиги унинг онгига етиб бормасди. Улар бу қулогидан кириб у қулогидан чиқиб кетаверарди. У рўпарасига қараб ётган бўлса ҳам ҳеч нимани кўрмасди, ўз дардида ўзи қовурилиб, ўлмагани учунгина шу ерда ётганини эсларди. Аммо энди уни бу ерда тутиб турдиган ҳеч нима, ҳеч қандай илинж йўқ эди. Энди фақат шунча вақтдан бери илҳақ, умидвор бўлиб келган кўнгли яна равшанлашиб, жудоликка кўникунча, уни азоб-уқубат, қайғу-гамдан халос ётгунча, жонидан бўлак ҳеч нима қолмагунча сабр қилиш керак. У биратўла халос бўлишни истамасди, кампир ҳаммаси пешонасига қандай ёзилган бўлса шундай бўлишини, умри шундоқ ҳам чопқиллаб ўтиб, ўз нуқтасига, энди тўхташи лозим бўлган жойга етиб келганини биларди.

Фарзандлар бизнинг гапларимиз билан ойимиз яхши бўлиб қолди деб ўйлаб, тинмай гапиришарди, кампир уларга жавоб бермасди, аммо Танъчоранинг тез-тез эсга олиниши уни итариб-туртиб, ўзи ёлғиз қолган оламдан бу оламга қайтариб олиб келди. Электр нури ҳайратга солди, аммо бу нур унга Танъчора кўринмаган ёргуликни эслатарди, энди Танъчорани ҳеч қанақа электр билан қайтариб ёки топиб келиб бўлмайди. Кейин шу заҳоти кампирнинг аъзойи-баданида оғриқ турди. Заррача тоқат қилишга тоби қолмаган кампир ташвишланиб, сесканниб кўзини очди ва фарзандларини ёнида кўрди: мана Люся, мана Варвара, Илья, Михаил... Танъчора йўқ эди. Унинг бу ерда бўлиши мумкин ҳам эмас.

— Унга бир нима бўлган,— деди кампир, у бу гапни бирорвнинг кетидан такрорлагандай бўлди ва энди, такрорлаб бўлгач, қўрқиб кетди.— Унга бир нима бўлган,— деди у қаттиқроқ, қатъириқоқ,— сизлар менга айтмаян-сизлар. Сизлар мени алдаяпсизлар, биламан.

— Вой, нималар деяпсан, ойи?!— таажжубланиб, хафа бўлиб каравотдан турди Люся.— Нималар деяпсан?! Биз сенга нимани айтишимиз керак экан?! Биз сени нима деб алдаяпмиз экан?!

— Алдаяпсизлар, алдаяпсизлар,— кампир ҳам ғимирлаб туриб ўтира бошлади, бошидан рўмоли сиргалиб тушиб кетди, калта, сийрак, оппоқ соchlари очилиб қолди.— Биламан, алдаяпсизлар. Билмасин, деб мендан яширяпсизлар. Нуқул эртага, эртага дейсизлар, энди тамом. Энди эртага деган гап йўқ, ҳаммангиз ҳам мени

жинни бўлиб қолган, ҳеч нимани тушунмайди, деб ўйлаяпсизлар.— Сочлари тўзиб, юзлари титраб турган кампир чиндан ҳам жиннига ўхшарди.— Агар Танъчорага бирон гап бўлмаганида эди, у ҳаммангдан олдин қанот чиқариб учиб келарди. Мен бўлсан ёш болага ўхшаб кутяпман, кўзларим тешилиб кетди...

— Қўйсанг-чи шу гапларни, ойи!— деб ўшқирди Люся.— Нима деяётганингни ўйлайсанми сира? Ҳеч ким сени алдайтгани йўқ, шуни тушунасанми-йўқми? Танъчоранг қаердалигини биз ўзимиз ҳам билмаймиз.

Люсянинг айтган гали, унинг овози ҳаммани итоат этишга, қотиб туришга, кампирни гапдан тўхташга мажбур этди: кампир ҳайиқиб жим бўлиб қолди, очиқ оғзи титрарди, лаблари юмилишга ҳаракат қиласади-ю, юмила олмасди.

— Агар унга бир гап бўлган бўлса, мен гўримда ҳам тинч ётолмайман,— деди у зорланиб.

— Биз унга бир гап бўлган-бўлмаганини билмаймиз.

Кампир остидаги қўлларини суғуриб, оҳиста каравотга, ёнига қўйди. Кампирнинг юзидан қон қоча бошлади, юзи ҳамманинг кўз ўнгига борган сари оқараверди. Жимжитликда Варваранинг питиллаб нафас олиши яхши эштилар эди.

— У ерда, у ҳозир яшаб турган жойда уруш бўлганми-йўқми?

Кампир ҳайиқиб Люсяга кўз қирини ташлади ва қисиниб, ўриннинг ичига кириб кетди.

Унга Илья жавоб берди:

— Киевдами? Киевни немислар оловди — ҳа. Бу аниқ эсимда.

— Ҳа, мана шу-да,— алам билан бошини қимиirlатди кампир ва саннаб йиглай бошлади:— Вой, болам-ей! Нега шунақа қилдинг-ей?! Нега одамлардан сўраб-суршитирмадинг-ей?! Мен бўлсан у ёқса борармидим-ей? Бу саёқ кимга ўхшадийкин-ей?! Мен бўлсан, унга кўзим тўрт бўлиб ётибман-ей! Энди у ёқдан келиб бўларканмай?! Вой, кўра-била туриб, ўзингни-ўзинг балога гирифтор қилибсан-ей!

— Шошма, ойи, шошма,— деб тўхтатди Илья.— Нима бало, ойдан тушганмисан?! Ахир урушнинг тамом бўлгани қачон эди?

— Барибир.

— Нима «барибир»?

— Хўш, бўлмаса у қани, қаерда? Нега у бу ерда иўқ?

— Яна «қаерда» дейди-я. Кар эшитганини, күр күрганини қўймас экан-да, ҳа.

— Ҳўп, бўпти,— деб Михайл кафти билан шап этиб столга урди-да, гандираклаб ўрнидан турди.— Танъчораларинг келмайди, кутишнинг ҳожати йўқ. Мен унга келмагин, деб телеграмма жўнатганман.

Кампир титраб кетди.

— Нима деяпти у?— кампир ишонмади.

— Мен келмагин, деб унга телеграмма юборганман деяпман. Бу ерга келиб нима қиласди.

— Вой, ишинг қур-си-ин!— деди оҳ тортиб Варвара.

— Унга телеграмма беришга қачон улгурдинг?— дарров сўради Люся.

— Ойим сал тузук бўлгандан кейин берганман.

— Үндай бўлса нега шу чоққача бир оғиз индамадинг?

— Ароқхўрлик қиласвериб бутунлай эсимдан чиқиб кетибди. Унугибман.

— Телеграмма берганинг ҳозир эсингда аниқ борми?

— Аниқ эсимда.

— Эҳтимол, бу ҳам ўзинг айтгандек, ароқхўрлик қилганингда тушингга киргандир?

— Йўқ, туш эмас. Почтага бориб текширсаларинг ҳам бўлади. Ҳозир шу ҳақда гап кеттанидан телеграмма берганим эсимга тушиб қолди.

— Мана кўрдингми, ойи, Танъчорангга ҳеч нима бўлмабди,— Илья севиниб кетди.— Соғ-саломат, бизнинг ҳам соғ-саломат бўлишимизни тилаб юрибди — ҳа. Сен бўлсанг, ўшани деб жинни бўлаёздинг, бизни ҳам қийнаб юбординг. Мен айтувдим-ку, ахир, шошилмаслик керак, ҳаммаси маълум бўлади деб. Ўзи ҳамиша шунаقا. Энг муҳими, шошилмаслик керак, кутиш керак.

Кампир унинг гапига қулоқ солмади.

— Нега у бунақа қилдийкин-а?— деб шивирларкан юзида илтижо, умидсизлик ифодаси пайдо бўлди.— Нега у бунақа қилдийкин-а?— деб сўради у ва гўё ҳамон Михаилнинг гапига ишонмагандай ундан илтижо қилиб, Танъчорага ҳеч қанақа иккинчи телеграмма юборганим йўқ, ҳазиллашдим дегин, шуни бўйнингга ол, деб ёлбораётгандай бошини чайқади.— Нега бунақа қилдинг-а, Михайл?

— Нега, нега... Анча тузук бўлувдинг, бекорга сарф-чиқим қилиб, келиб юрадими деб ўйладим-да.

— Ахир мен уни бир кўрмоқчи эдим. Нега шунаقا қилдинг-а? — кампир йўталди, қайғу-алам унинг томогини қисди. — Мен уни ёнимда ўтирасин, девдим. Менга бирон нима десин, девдим. Ахир мен унинг туққан онасиман-ку, бегона эмасман-ку. Мен у билан рози-ризолик тилашмоқчи эдим, мен энди уни қайтиб кўрмайман. Сен қанақа одамсан ўзи?! Менга унинг ҳеч нимаси, совға-саломи керак эмас, ҳеч нимаси, мен ҳозир унинг бўйи-бастини кўриб, дийдорига тўймоқчи эдим. — Кампир энди йигламасди, аммо овози аянчли бўлиб, худди гингшиётганга ўхшарди. — Сен нима қилиб қўйдинг-а? Сен мени охирги қувончимдан маҳрум этдинг, нуридийдамдан жудо этдинг. Сен мени ўлимим олдидан Таньчорасиз қолдирдинг. Раҳминг келмабди. Ўшанга интиқлигимни кўриб билмадинг, кутавериб адойи тамом бўлдим.

— Ростдан ҳам, Михаил, биз билан маслаҳатлашмай туриб, Таньчоранинг келиш-келмаслигини бир ўзинг ҳал қилишга қандай ҳаққинг бор эди? — Титраб-қаҳшаб сўради Люся. — Сен, гапингга қараганда, ўшанда ҳушёр экансан, демак, нима иш қилаётганинг тушишинг керак эди.

— Бунда на уят, на виждон бор! — деб Люсянинг гапини қувватлади Варвара.

Қизлари қўллаб-қувватлагандан кейин кампирнинг ҳам жаҳли чиқди.

— У жўрттага шунаقا қилган, — деди кампир шопшилмай, худди аламини олаётгандай ва туриб ўтириди. Унинг очиқ соchlари яна тўзіб кетди, озгин, қалтираб турган қўллари каравотга ёпишди. — Сен жўрттага қилгансан, биламан. Атайлаб мени куйдирмоқчи бўлгансан. Ўлаётган бўлсанг ҳам тинч қўймайман, бир куйдирай дегансан, мени куйиб ўлсин деб Таньчорани йўлдан қайтаргансан.

— Қаёқдаги бўлмағур гапларни қўй, ойи. Нега мен жўрттага шунаقا қиларканман, нималар деяпсан ўзи?!

— Жўрттага, жўрттага, — кампирнинг нафаси қисилди, шу боисдан у кўкрагини ушлаб, тинчланиш учун оҳиста у ёқ-бу ёққа қилиб сийпалади. — Нима, сен мени индамайди деяпсанми? Йўқ, гапираман — энди қўрқадиган одамим йўқ. У кўпдан бери мени ўлимимни тилайди, мен кампир, унинг жонига тегиб кетдим. У мендан нима тاما қиласарди? Ҳеч нима, менга эса бериш керак — ана шунинг учун аламиг чидаёлмай, менга ҳар хил найранг қиласарди.

— Эсингни йиг, ойи, нега алжираисан?!— Михаил кампирнинг каравоти томон қадам ташлади.

Варвара қичқириб юборди:

— Яқинлашма! Ойижонимизга яқинлашма! Сени қара-ю! Яқинлашишга ҳаққинг йўқ.

— Алжираисан, дейсанми?— деди кампир аччиғи келиб ва гўё Михаилни баҳслашишга даъват этатгандай жим бўлиб қолди. Михаил энди хона ўртасида чай-қалиб турарди.— Мени қандай қўрқитганинг ёсингдан чиқдими?

— Ҳеч нима эсимда йўқ.

— Бир куни мана шунаقا маст келди-да: «Ётибсанми, ойи?»— деди. «Ётибман, ажалимни кутяпман», дедим. У бўлса: «Биласанми, бизда эндиликда фақат етмиш йилдан яшашади, ортиғи мумкин эмас!»— деди. Мен унга: «Нега мумкин эмас? Ҳамиша одамлар то куни битгунча яшашган-ку, ҳеч кимни ҳайдаб юборишгани йўқ-ку»,— дедим. У бўлса: «Илгари шунаقا эди, энди мумкин эмас, мен ўзим газетада ўқидим»,— деди.

— Бу мамлакатимизда одамларнинг ўртача ёши шунаقا,— деди Люся гап нимадалигини фахмлаб.— Михаил ўшани гапирган бўлса керак.

— Бу қанақаси бўлди?

— Қанақа бўларди... Ким қанча яшаса, ойи, шунча яшайверади, бирор кўпроқ, бирор камроқ, шуни ҳисоблаб чиқиб қарашсаки, мамлакатимизда одамлар ўртача етмиш йил яшар экан. Мана, масалан, сен тўқсонга кирасан...

— Менга сенинг тўқсонинг керак эмас — бошимга ураманми?

— Мен мисол учун айтдим-да. Дейлик, сен тўқсонга кирасан, бошқа бирор фақат эллик йил умр кўради. Икковингизнинг ёшингизни қўшиб тақсимлаганда етмишданга тўғри келади, энди гапимни тушундингми?

— Нега энди тушунмас эканман? Агар у менга мана шунаقا деганида мен сизларга гапириб ўтирасдим. Ахир мен Мирониханинг ҳам миясини ачитиб юбордим. Мен унга шу гапни айтувдим, у бўлса: «Сен, кампиршо, алжираама», деди. Ўзи бўлса, мундоқ қарасам, қўрқиб кетди. Қўрқиб кетди, жон-пони чиқиб кетди — нимасини айтасан, икковимиз ўтирибмизу даг-даг титраймиз. Мен унга: «Сени оёғинг бор, Егорканинг олдига бориб кел, у ҳам шу газеталарни кўради, балки эшитгандир», дедим. У бориб келди. Э, шу Егоркадан бирон бамаъни гап

чиқармиди? Егорка унга: «Сен, Мирониха, магазинда қора совун йўқлигини биласанми?» дебди. «Ҳа, тўғри, йўқ», дебди Мирониха. «Мана энди бўлади. Энди ҳамма кампирларни қора совунга ишлатисин, чунки бекалар кир ювгани совун тополмаяпти, деган буйруқ чиқди», дебди. Мирониха унга: «Сен, Егорка, кўп тилимни қиҷитма, мен сенга Натальяңг эмасман. Мен қараб турмайман», дебди. Егорка уни баттар қўрқитибди: «Ишонмасанг,— дебди,— ишонма, ҳадемай ўзинг кўрасан. Ана Ключада илгариги куни кампирларнинг ҳаммасини ёғини эритиб олиб қора совун ишлаймиз, деб бир-бирлаб бўғиб ўлдиришибди, яқин ўртада бу ерга ҳам келишади». Ҳа. Бу гапни қара-я. Буни нимасини мақтайди, киши, нега энди мен тўғри гапни айтмас эканман? Мирониха иккимиз — иккита кампир, на тирикмизу на ўлик, у энди уйга ҳам келмай қўйди. Бўғиб ўлдиришини ким истайди? Биз чўқинтирилганмиз, бизни худомиз бор:

— Вой, бунинг қилган ишларини-ю, қилган ишларини-ю,— деди Варвара қарс уриб ва ҳиқиллаб йиғлади:— Ойимизни шунчалик ҳам хўрлашадими — бу ёруғ оламда нималар бўляпти ўзи!?

— Ойи, мен сенга қачон шунақа дедим? — Михаил чайқалиб кафти билан юзидағи терни артди. У зўрга оёқда турарди, ҳатто четдан қараган одам ҳам унинг кўнгли беҳузур бўлаётганини пайқарди. Кечаги ва бугунги ароқдан кейин еганлари ҳаммаси кекирдагига келиб турарди, у сал пастга тушириш учун зўр бериб ютинарди. У букчайиб оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига соларди, энди у ушлаб туриш мумкин бўлган столдан ўзи турдими ёки уни зўрлашиб хона ўртасига келтириб қўйишдими, эслолмасди. Онаси унинг кўзлари олдида гоҳ арвоҳга ўхшаб қимирлаб турарди; гоҳ гойиб бўлиб қоларди, у онасининг соchlари ёйилиб ётганини сира кўрмаган эди, шунинг учун ундан қўрқарди, аммо у опасингилларидан биронтасига кўзи тушиши билан хона яна ўз ҳолига қайтарди-да, юракни шувиллатиб жимжит бўлиб қоларди, онаси ҳам итоаткорлик билан каравотига ўтиради, аммо кейин яна қаёққадир гойиб бўларди, ҳавога кўтарилади, хона эса бурчаклари гижирлаб айлана бошларди. Лекин кампирнинг гаплари уни лол қилиб қўйгандай эди, шунинг учун у олдин Варварага қаради, хонани гир-гир айланиши тўхтагач сўради.— Қачон мен сенга шунақа дедим, ойи?

— Уни эсида ҳам йўқ. Ҳеч нима эсида йўқ. Айтишга айтиб, унутибди. Ҳа, мен эса, жинни бўлаёздим.

— Рост, эсимда йўқ.

— Бу қанақаси бўлди, Михайл? — Люся аввалига гапини мулойимгина бошлади-ю, кейин кутилмаганда, бирдан овозини кўтарди: — Бу қандай бедодлик?! Мен сендан сўраймсан. Роса ҳаддингдан ошибсан-ку! Онамнинг бошига шунча кўргиликларни солиб юрган сенек кимсани нима деб аташни ҳам билмайман. Ахир бу зўравонлик-ку, зўравонликнинг ўзгинаси! Ҳатто ундан ҳам баттар. Уни таҳқирлашга ким сенга ҳуқуқ берди?! Ким? Нега, сен, ойи, унинг бу қилиқларига чидаляпсан? Нима, сени ҳимоя қиладиган одаминг йўқми? Пешонангда факат шу биттами? Мен бўлсам, ҳеч нимадан бехабар, булар тинч, эсон-омон деб юрибман.

— Эшит, ойижон, эшит, — деб Варвара ойисини қимирлатди, — Люсямиз тўғри гапиряпти. Үлгудай сурбет бўлиб кетибди бунинг! Нима, у жиловимни тортиб қўядиган одам йўқ деб ўйлаяптими? Топилади, айланай, топилади. Сендан баттарларига ҳам топилган.

— Ахир унинг бунаقا қилиқларига, муомаласига чида бўтирмасдан бирон киши орқали хабар қилиш керак әди-да. Ким-киму аммо сен қариған чогингда тинчгина яшашга арзийсан, шунинг учун биз сени ҳеч кимга ҳўрлатиб қўймаймиз, айниқса ўглингга.. Агар уйида туришинг унга малол келаётган бўлса, майли, керак эмас, бир чорасини қиласмиз.

— Хўш, нима бўпти? — Ногаҳон Михайлники тутиб кетди. — Хўш, нима бўпти, балки. битта-яримталаринг олиб кетарсизлар, а? Майли, олиб кетинглар. Ким олиб кетса, сигиримни бераман. Хўш? — у қўлини чўзиб кампирни кўрсатди ва заҳархандалик билан кулди. — Нега индамайсизлар? Сигиримни бераман. Қани, қайси биттангиз онамизни кўпроқ севаркансиз? Олиб кетинглар. Нега хаёл суриб қолдинглар? Мен ёмонман, ёмонман, сизлар эса яхши. Хўш, ичингизда қайси биттангиз яхши? — у Люсяга қараб юрди. — Балки сендири? Ойими сен олиб кетасанми? Сен унга қарайсанми? Сигирни сотсанг — пул бўлади. Ойимга кўп нарса керак эмас — кўряпсан-ку, деярли овқат емайди. Битта сигир унга етиб-ортади. Унга сенинг одиллигинг керак. Ойимнинг отдай бўлиб юриши учун уни қандай парвариш қилишини биласан. Унга тоза чойшаб солиб берасан, лекция ўқиисан. Тезроқ олиб кет, тагин битта-яримта олиб кетиб қолмасин, нега қараб турибсан?!

— Эсингни еб қўйибсан! — деди Люся бўгилиб. — Ғирт жинни экансан-ку!

Қаёқдаандир Надя пайдо бўлиб, Михаилга ёпишди:

— Бас қил, бас қил деяпман сенга! Бизни шарманда қилма. Кет бу ердан!

Михаил уни итариб юборди:

— Ҳа, бир ками сен эдинг.

— Унга қулоқ солманглар, қулоқ солманглар! — деб бақириди Надя. — Унга ишонманглар.

Михаил яна кулди ва боядан бери кўнглини беҳузур қилаётган кайф энди баданини қиздириб, уни қувонтириб, қонини кўпиртираётганини сезди.

— Тўғри, мен жинниман. Онанинг эса жинни билан туриши мумкин эмас. Унда, балки сен олиб кетарсан? — хушчақчақлик билан сўради у Варварадан. — Аммо сенга сигирни сира зиёни тегмайди. Сени оиласнга ойим зерикмайди. У ерга борса анча тинчиди қолади, қиз билан ҳамиша яхши бўлади, қизи ичмайди, хафа қилмайди. Хўш? Хўп дея қол, хўп дея қол — нега индамайсан?

— Бизникида жой йўқ-да, — деди Варвара эсанкираб. — Олиб кетардиму аммо Соњкамиз ҳадемай кўз ёради-да.

— Туришга жой йўқ дейсанми? Демак, сигир сақлайдиган жойинг ҳам йўқ экан-да?

— Йўғ-е, сигирга жой бор. Қўрада тураверади.

— Сигирга жой бору онага жой йўқ. Онани қўрага жойластириб бўлмайди — анави, — у Люсияни кўрсади, — беш йилдан кейинми, ўн йилдан кейинми келади-ю, жуда ҳаддингдан ошибсан-ку, дейди. Мен ҳам унга қўшиламан. Умуман мен онамнинг қўрада яшашига қўйиб қўймайман. Мен ҳам унинг одамга ўхшаб яшшини истайман. — У Ильяга юзланди. — Сен-чи, Илья, бу ишга сен қандай қарайсан? Ойимизни, балки, ўзинг олиб кетарсан? Хотинингни олдига олиб кетасан, хотининг унга қараб юради. Ахир, сен эртаю кеч ишдасан, у ерда хотинингни икки оғизгина чақчақлашадиган одами йўқ. Бизнинг ойимиз эса, ўзинг кўриб турибсан, камгап, хотинингга жуда маъқул тушади. Меникidan кетгандан кеинин сизларникоида яйрайди.

— Кўп ичиб қўйибсан, Михаил, — деди Илья асабийлашиб. — Нима қилаётганингни ўзинг ҳам билмайсан — ҳа.

— Наҳотки, сен ойимизни ҳозир жойидан қўзғатиб бўлмаслигини тушунмасанг? — деб қичқириди Люся.

— Демак, ҳеч ким хоҳламас экан-да? — Михаил турган ерида айланди-да, алоқ-чалоқ кўзларини ҳаммага яна бир марта югуртириб чиқди. — Ҳеч ким. Тушунар-

ли.— У чуқур нафас олиб пишиллади:— Ундаң бүлса, ҳаммаларинг туёқларингни шиқиллатиб қолинглар бу ердан... Кейин менга унақасан, бунақасан ҳам деманглар. Ойи, ётиб уйқунгни уравер. Улар сени шу ерда ётган пайтингда күпроқ яхши күришади.

У эшикка қараб отилди.

Үртага чўқкан оғир, қалтис, киши юрагини әзувчи жимликда кампир илтижо қилди:

— Э худоё худовандо, сарсон қилма, кета қолай. Жонимни ола қол. Мен тайёрман.

Михайл мўрчага бориб, титроқ қўллари билан қоронгида печка ичидан шишани олди, пайпаслаб товуқхонадан стакан топди. У стакан лабига бармоғи билан босиб, унга тўлиб-тошиб четидан оқмагунча ароқ қўйди, кейин қолганини полга сепиб юборди-да, бир кўтаришда ичди ва илгари Илья ётиб юрган ўринга думалади.

10

Шу кечаси кампир пайсалга солмай ўлишга жазм этди. Унинг бу ёруғ оламда ҳеч қандай илинжи қолмаганди, ўлимни кечиктиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Ҳозирча болалар шу ерда, майли, элтиб кўмишсин, иккинчи марта яна шу ташвишни тортиб ўти rmsдан, эл қатори кузатиб қўйицсан. Шунда, қарабсанки Танъчора ҳам келади, Михайл унга кел, деб яна телеграмма беради, шундай қилмаса бўлмайди, бундан қочиб қутулиб бўлармиди. Кампир энди Танъчорани ўйларкан, барибир уни кўра олмаслигига ақли етиб, қайғурмади, у бекорга умидвор бўлди, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнади. Мана ҳозир тинчгина гўрда ётарди-ю, ўзининг бу ёруғ оламда бўлганини, яшаганини унутарди, ҳаммасини унтарди. Агар у Танъчорани кўрганида дили равшан бўларди, пок кетарди — у ана шунинг илинжида эди. Э, бўлганича бўлар, энди жонни қийнашнинг нима кераги бор, уни қийнамаслик керак, тавба қилиб топшириш лозим, учиб кетаверсин. Вақт соати етди.

Кампир каравотда ётар экан, хонанинг тинчишини кутди, чунки у ажалнинг ҳурраклигини, шовқин-суронда келмаслигини биларди. Уйдагилар шу куни кечқурун вақтли ётишди, Михайл уларни шарманда қилганидан кейиноқ ётишди, аммо ҳеч қайсисининг кўзига уйқу келмасди, у ёнларидан бу ёнларига ағдарилишиб, хўренишарди. Михайлнинг гапларини миядан осонгина чиқариб ташлаб бўлмасди, унугаш — бу әлектрни ўчириб ёқадиган кнопка әмас: боссанг ёруғу боссанг қоронги, фақат Нинка ухлаб қолди шекилли, аммо у ҳам уйқуси-

да лабини бир чапиллатиб қўйди — ё оғзида конфети билан ётиб қолган, ё куни билан шириллик еявериб, тилини шунчалик уринтирганки, тили ҳозир ҳам ором ололмаяпти шекилли.

Кампир ўлимни кўп ўйларди ва уни худди ўзини билгандек биларди. Кейинги йилларда улар жуда иноқлашиб қолишганди, кампир у билан тез-тез гаплашиб турарди, ўлим эса бир чеккага жойлашиб олиб, унинг шивир-шивирларига қулоқ солар ва тушунгандай хўрсиниб қўяр эди. Улар келишиб олишди: кампир кечаси оламдан ўтади. Кампир чақчайган кўзлари билан ажални қўрқитиб юбормаслик учун бошقا одамлар қатори аввалига уйқуга кетади, кейин ажал секингина келади-да, бу дунёдаги қисқагина уйқусини олади-ю, ўрнига абадий уйқу беради.

Ҳамма одамнинг ажали бир, скелетга ўхшаган қоқсуюк, елкалари қинғир-қийшиқ ёвуз кампир, дейишлари нотўғри. Болалар ва аҳмоқларни қўрқитиши учун кимдир шуни ўйлаб топган. Кампир эса ҳар кимнинг айнан ўзига ўхшатиб яратилган ўз ажали борлигига ишонарди. Улар эгизакка ўхшайди, одам неча ёшда бўлса, у ҳам шунча ёшда бўлади, улар бир кунда бу дунёга кёлган бўлса, яна бир кунда нариги дунёга қайтиб кетишади: ажал кишини қутиб туриб, уни қабул қилиб олади, кейин улар бир-бирини сира бирорга бермайди. Инсон бир марта яаш учун туғилганидек, у ҳам бир марта ўлиш учун пайдо бўлади, илгари яашани ўрганмаган инсон эртанги янги кунидан бехабар, палапартиш яшаганидек, у ҳам ўз ишида тажрибаси бўлмагани учун одамни тез-тез ёмон аҳволга солиб қўяди, билмасдан одамга азоб бериб, уни қўрқитиб хафа қиласди.

Аммо кампир ўзининг осонгина жон беришини биларди. Бошқаларнинг қандай яшashi, ўлишини кўп кўриб, билиб олиш учун уларнинг вақти бор эди ва ниҳоят, бир-бирини қийнашнинг ҳожати йўқ эди, бунақага уларнинг ҳоли ҳам қолмаган эди. Кампир қаршилик кўрсатмайди, у эса, бошқаси, мени жуда кўп лақиллатдинг, деб кампирдан жаҳли чиқмайди: у атайлаб шундай қилаётгани йўқ, у ўлимдан ҳам сира қўрққан эмас, ёшлигида бемаънилик қилиб қўрққан бўлса қўрққандир, бошқа пайтда эса доимо уни азоб-уқубатлар, шармандаликлардан халос этувчи деб ҳисобларди. Модомики, у шу пайтгача ажални йўқламаган экан, келган чоғида уни ҳайдаб юборгани ҳам, бошқалардан кўпроқ яшамоқчи бўлгани ҳам йўқ — борига барака қилиб яшайверди. Энди эса йўқлайдиган пайт келди. Бас.

Кампир фақат нима учун ёш болалар ўларкин, деб ҳайрон бўларди, у ота-оналарнинг ўз болаларини қабрга қўйишларини гуноҳ деб биларди, у бу гуноҳни худога тўнкашга ҳам тайёр эди. Ёш боланинг ўлими ҳам ўзига ўхшаган кичик, ақлсиз бўлади, у бола билан ўйнашиб туриб эсидан чиқариб қўяди-да, бехосдан тегиб кетади — нима қилганини ўзи ҳам билмайди. Хўш, у-чи, худо-чи, у қаёқда эди, кўзи қаёқда эди? Гуноҳ, эндигина туғилган бола нима бўлганига, нега кўзи ёруғликни кўраётганига, қорни оч қолаётганига ақли етмаган бола заррача гуноҳ қилмай, бекордан-бекор оламдан ўтиб кетавериши гуноҳ-да, ахир. Бўлмаса уни нега алдашади — туғиши? Нега унга ёруг оламни кўрсатиб, инсоний тушунчани беришади?

Кампирнинг ўзи болаларидан бештасини кўмди, алоҳида-алоҳида ётиб бир-бирини согиниб қолмасин деб уларни ёнма-ён қўйди. Тўрттаси-ку, унча-мунча касал бўлди, аммо бешинчиси, ўғилчаси ҳеч нима бўлмасдан, бекордан-бекорга ўлиб кетди. Кечқурун ҳам соппа-соғ, бус-бутун эди; тинчгина ухлади, ярим кечага бориб, бирон нима керак бўлиб қолса чинқирадиган болалар сингари чинқириди ва онасини уйготди. У ўғилчасини белан-чакдан қўлига олди, оч қолиб уйғонгандир деб кўкрак тутди, ўзи ҳам тепасида мудради. Кейин у боланинг боши «шилқ» этиб тушганини сездию аммо қаттиқроқ ӯхлай қолсин, деб яна бирпас багрига босиб ўтирди, кейин ўрнидан турмоқчи бўлувди, бирор биқинига туртгандай бўлди: нега бадани иссиқ эмас? У типирчилаб қолди — аммо боланинг тиши аллақачон гирих бўлиб қолганди. У болам эммоқчи шекилли, деб ўйлабди, бола эса бир ўзи ўлмай, онаси қўлида ўлиш учун унга талпинганди. Нима учун, қайси гуноҳи учун ўлди? Ҳали йўлга кирмаган бўлса, бошқаларнинг юришини томоша қилиб, ўтиrsa, ҳатто гапира олмаса, бошқалар унга яхши гапиряптими, йўқми, шуни тушунишдан нарига ўтмаган бўлса, унда гуноҳ нима қиласди? Ахир у бир парча эт-ку, фақат ейишу ухлашни билса, буни ҳам онасининг қорнида беихтиёру бедую ўрганган бўлса. Шу ҳам инсофданми?

Кампир ўз ҳаётида бир неча марта фарзанд доғида куйдию аммо худонинг ўзи берди, яна ўзи олди, деб ўзини-ўзи овутди. Аммо бу мақол фарзандга нисбатан сира тўгри келмасди. Агар мундоқ яхшилаб суриштириб кўрилса, ҳали бермасдан фақат ваъда қилиб, кўрсатган нарсасини қанақа қилиб олиши мумкин? Бундан ҳам

Ёмонроғи — ўзини таниган ёш болага салгина ақл беріб, ухлаб турганидан кейин күпроқ нарсани ўрганиш ва билиш истагида күз очадиган, ҳозиргисига қараганда яна да каттароқ бўлишни ҳоҳлаган мургак болани; ҳали илдиз отмаган ниҳолни юлиб олиб қандай қилиб оёқ остига ташлаш мумкин? Гуноҳ, гуноҳ.

Кампир яна учтасидан жудо бўлди, аммо уларни қў ма олмади, улар урупда ҳалок бўлди. Кампир уларнинг ўлигини кўролмагани, қабрининг қаердалигини билолмагани учун бошқа азобга чидашга мажбур бўлди: доймо назарда эҳтиётсизлик қилиб бу болаларини ўзи қўлдан бериб қўйғандай бўлиб юрарди. Уларни асраб қолиш учун у нима қилиши керак эканлигини ҳозир ҳам билмасди, аммо нимадир қилиш керак эди, қўл қовуштириб, беҳуда кутиб ўтираслик лозим эди. Мана, кутиб оқибати нима бўлди — ҳар биттасига биттадан учта қорахат келтириб беришди. Кетишаётганида соғ-саломат, бақувват, бир-биридан қолишмайдиган эди, энди бола әмас, йигит бўлиб қолишганди, энди бўлса улардан учта қотозча қолди.

Шунинг учун кампир буларнинг олдидан кетса, олди га борадиган одамлари бор эди. Болаларидан ташқари у ерда отаси, онаси, опа-сингиллари, ака-укалари бор. Отасининг шундай катта оиласидан бу ёруг оламда бир ўзи қолди, кенжа укаси бурноги йили қазо қилди. Ўзининг чоли ҳам урушга кетди, аммо ўшандай нобоӣ замонда чолига ўз ажали билан ўлиш насиб этди: уни меҳнат армиясига олишганди, у ўша ерда касал бўлиб қолди, дардни енга олмади, аммо ўша пайтдаги шароитга қараганда омади бёр экан, уйига етиб келди, ёз эди.

Кампир чолнинг ўлимини худонинг ёзмиши деб қўя қолди, холос. Бу пайтга келиб у чолсиз ҳам рўзгорни тебратишга ўрганиб қолган эди. Чол-кампирни бутунлай ёмон турарди, деб бўлмасди, чунки улардан бешбаттар ёмон яшаётгандар ҳам бор, аммо яхши ҳам деб бўлмасди, йўқ, у ичмасди, агар ичса, эҳтимол, яхши бўлармиди: инсон юрагида худди қозон қасмогига ўхшаб кўп бемаъни нарсалар тўпланиб, қат-қат бўлиб қолади, уни ҳам нима биландир кетгизиш керак, шунинг учун ароқ, агар меъёридан ошмаса, кўп одамга дорилик қиласди: ичасан, ашула айтасан, ёзиласан, ройиш бўлиб қоласан, яна ишингга қараб кетаверасан. Аммо чолнинг жазаваси тутса, бир ойлаб жаҳлидан тушмасди, ана шунда кампирни кўз очирмай қўярди, ўтиrsa ўпоқ, турса сўноқ, дерди. У нима иш қилмасин, барибир чолга ёқмасди,

У эрининг кечасио қундузи ёғилиб турган таъна-маломатларига қандай чидаб келаётганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб ёқасини ушларди. Кейин эри бирдан тескарисига иш тутиб қоларди: тиқ этмай қоларди, ярим йилгача ҳам бир оғиз гапирмай юраверарди. Яхши ҳам эри уйда кўп бўлмасди: гоҳ овга кетарди, гоҳ пул ишлагани бирон ёққа кетарди, гоҳ қишида шаҳардан сельпога юк ташувчи бўлиб ишга киради, ўша пайтларда, урушгача, юкларни отларда ташишарди, узоқ юришарди.

Эри қазо қилди, аммо кампирга ҳаммасидан ҳам кўпроқ эрининг урушнинг шундоққина ёнида юриб, ўлим ҳаммага баравар чанг солиб турган ердан уйига қайтиб келиб, тинчгина, хотиржамгина ўз ажали билан ўлгани ажабланарли эди. Эрининг шундай бўлишида бир сир борлиги кўнглига аён бўлди-ю, дарҳол чолнинг қилмишларини дилидан чиқариб ташлади. «Э худоё худовандо, бизнинг гуноҳларимизни ўзинг кечир...»— деб ибодат қила бошлади у эри оламдан ўтганини кўргач. У эримнинг гуноҳини демади, бизнинг гуноҳларимизни деди. Шунинг учун кампирнинг кўз ёшлари ҳам, қайгуҳасратлари ҳам сидқидилдан эди. Нима бўлганда ҳам у болаларининг ўлганларининг ҳам, ҳалок бўлганларининг ҳам, тирикларининг ҳам отаси эди-да, ахир. Тўрими-тўғри: буларнинг олдидан кетса, олдига борадиган одами бор.

Кампир қулоқ солди: қаердадир ташқарида нимадир жаранглади, хона ичиди эса одамларнинг нафас олишидан ҳаво тўлқинланиб турарди. Улар ухлашяптими ёки йўқми, билиб бўлмасди. Йўқ, ҳали эрта, яххиси, шопшилмаслик керак.

Кампир гўё бир неча бор ўлиб-тирилгандай қандай ўлишини жуда яхши биларди. Аммо гап шундаки, у ўлиб-тирилмаганди, лекин негадир у бутун манзарани кўз олдига келтириб, ҳаммасини аниқ, равшан кўриб, билиб турарди. Эҳтимол, бу кейин, ўлеми олдидан ҳали эс-ҳуши жойидалиги пайтида умрининг бошидан охиригача яхшироқ кўриб олиши учун ҳар бир кишига шундай кўринар. Инсон туғилганидан кейин, то у паст-баландни билиб оладиган бўлгунича бўлган ишларни бошибалар унга айтиб беришади, хўш, шундай экан, одам ўзининг сўнгги дамлари қандай ўтганини билмай кетса ахир бу ақл бовар қилмайдиган адолатсизлик-ку.

У ухлаб қолади, аммо одатдагидек ўзи ҳам сезмай қоладиган даражада қаттиқ эмас, балки ҳушёр, ҳар бир нарсани эслаб қоладиган даражада ухлайди, гўё у зина

погоналаридан қаёққадир пастга тушиб боради-ю, ҳар бир погона түхтаб, яна неча погона қадам босишини яхшилаб кўриб, билиб олади. Нихоят у ерга, устига сариқ сомон тўшалган жойга тушади-ю, умрбод ухлаб қолишини тушунади, рўпарасидаги зинадан эса унга томон худди ўзига ўхшаган кампир тушиб келади ва унга қўлини чўзади, бу ҳам унга қўл узатади. Кампир сира бошидан кечирмаган қўрқув ва шодликдан тили калимага келмай, бедана юриш қилиб узатилган қўл томонга боради, шу пайт тўсатдан ўнг томонида ёмғир ювиб ўтган ерларга ўхшаш бепоён, топ-тоза, тиқ этган товўш эштилмайдиган ёп-ёруг кенглик пайдо бўлади. Жони эса кампирни шошилтиради, шунинг учун у тез юради. Кампир шундоққина яқин жойга боради ва деярли шу ондаёқ етиб келганини кўради. Сўнгги дақиқаларда кампир ё орқага қайтиши, ё оёқлари бошлиб келган ерни айланиб ўтишини истаб қолади, аммо кампир на унисини, на бунисини қила олади ва нақ лозим бўлган ўша ерда тўхтайди, кейин эса у ўзини тутолмай, сўрашиш учун гуноҳкорлик билан қўлини беради ва қўли худди қўлқоп йичига киргандай, бошқа, енгил, ёқимли куч билан тўлиб-тошиб турган қўлга киради, бундан эса унинг заиф вужудига жон киради. Шу пайт ўнг томондаги кенглика қўнғироқ чалинади.

Аввалига қўнғироқ худди қадимги замонларда узоқ вақтдан бери кутиб юрилган ворис тугилганини хабар бергандек қаттиқ, дабдаба билан чалинади, кейин ортиқча даранг-дурунглар ғойиб бўлади-ю, кампирнинг боши устидан қўнғироқчаларнинг майин жиринглаши сузуб ўтади. Кампир тушунмасдан ҳаяжонланиб, атрофга аланглайди ва бир ўзи эканини, анави, бошқа кампир эса ғойиб бўлганини кўради.

Шундан кейин у ҳеч кимдан тап тортмасдан, хушхурсандчилик, сидқидил билан ўнгга, қўнғироқлар жаранглаб турган ерга боради. У юриб бораверади, ўрнида қолган бирор эса унинг қандай кетишини қўзлари билан кузатиб туради. Уни тиниб бораётган қўнғироқ овози эргаштириб кетади.

У ғойиб бўлиши билан қўзлар похолга тушади-ю, ичиди йўқолиб кетади. То янаги сафаргача зина ҳам ғойиб бўлади. Ер теп-текис бўлиб қолади, тонг отади, дақиқий тонг.

Йўқ, у ўлимдан қўрқмайди, ҳаммасининг ўз ўрни бор. Бас, ёшини яшаб, ошини ошади. Энди сарфлайдиган ҳеч нимаси қолмади, ҳаммасини сарфлаб бўлди —

юраги бўм-бўш. Ҳеч ҳақи қолмади, югурга-югурга етиб келган жойи шу бўлди. Ҳўш, бир сўраб кўрилсин-чи, у ўз умрида нима кўрди? Кўрган-боққани шу бўлди: болаларни едирди-ичирди, кир-чирини ювиб-таради, эртага едириб-ичириш учун олдиндан тайёрлаб қўйди. Саксон ёш, кўриниб турибди, агар киши адойи тамом бўлиб, сурати қолган бўлса, ҳарқалай одамга кўплик қилар экан, аммо у ҳозир ўлим остонасидан орқасига ўгирилиб қарап экан, ўтган йиллар ўртасида катта фарқ кўрмади, бу йиллар бир-бирини қувиб, шоша-пиша бир хилда ўтиб кетди: кампир қуёш қаердалигини кўриш учун кунига ўн марта бошини кўтариб осмонга қаради ва типирчилаб қоларди — қуёш наизага келиб қолибди, пастга тушиб кетибди, у эса ишларини ҳали саранжом-саришта қилолгани йўқ. Ҳамиша шу аҳвол: болалар бир нима деб хархаша қилишарди, мол бўкирарди, полиз кутиб турарди, даладаги, ўрмондаги, колхоздаги ишлар-чи, умри шу зайлда ўтди, бундоқ bemalol нафас олишга, атрофига қарашга, ер ва осмон гўзаллигини кўриб завқланишга вақти бўлмади. У «тезроқ, тезроқ,— деб ўзини қистарди ва гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга уради, қанчалик елиб-югурмасин, ишнинг охири сира кўринмасди. Умри шу алпозда ўтиб кетди, йилига қарсанг, кўпга, ҳар хилга ўхшайди, кампир яшашга-ку узоқ яшади-я, аммо бундоқ ўйлаб қараса, деярли ҳеч бало йўқ: бири бирига, йили йилига, ташвиши ташвишига ўхшайди. Кампирнинг эсига яна қора чироқда ўтирганлари ҳам тушиб кетди, керосин лампага ҳам шунинг замонида ўтишди, энди бўлса кўпдан бери электрини шиқиллатишади, айтишларича, булар дарровгина бўлгани йўқ, аммо буларнинг ҳаммаси, кундуз куни етмай қолганда унинг югур-югурларини бири хира, бири ёругроқ ёритди. Катта рўзгорда бошқа бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат кампир ётиб қолгандан кейингина, қариллик енгиги қўйгач, йиллар ҳам ўзини сездира бошлиди, мудроқ босган узоқ қишлоари боши тепасида изиллади — менга қара, кампир, менга қара, йиллар бири биридан узун, демагин, бу йиллар сенда кўп эди, холос, деди.

Аммо кампир ўз умридан шикоят қилмасди, йўқ. Ахир бу умр бировники эмас, сеники бўлса, бировга эмасу сенга муносиб кўрилган бўлса, нима деб шикоят қиласан? Қандай ўтган бўлса, ўтди, шунисига ҳам шукр, умр икки марта берилмайди. Шунинг учун инсонга бир умр кифоя қилади, чунки ўзи битта, иккита бўл-

са етмасди. Кампир эса оддийгина яшади: тугди, ишлади, янги кун олдидан бирпас ўзини ўринга ташлади, яна иргиб турди, қариidi — булар ҳаммаси ўша ерда, түғилган ерида бўлди, ўрмондаги дараҳт ҳеч қаёққа кетолмагани сингари у ҳам ҳеч қаёққа бормади, у ҳам худди онаси қилганидек, одамга хос ишларни қилди. Бошқалар эса у ёқ-бу ёққа боришди, кўришиди, янги нарсаларни ўрганишди — пайти келиб қолганида кампир ҳам ўшаларнинг гапларини әшитди, уларнинг ҳикояларидан ажабланди, қолаверса, ўзи ҳам туғди, болалари бошқалардан қолишимай, у ёқ-бу ёққа кетишяни, лекин бошқалар сингари кўпроқ кўриш ёки ўшалар каби ҳар бир ишни осонроқ қилиш учун у ўзини уларнинг ўрнига қўйиб кўришни сира-сира хаёлига ҳам келтирмаган эди. Илон әмассанки, пўстингни ташлаб кетаверсанг. Шу боисдан бирор киши қанчалик яхши яшамасин, қанчалик келишган, чиройли бўлмасин, у бунақа одамини сира орзу-ҳавас қилган эмас, ахир бу онанг туриб бошқа бировни она қилиши ёки етти ёт бегона болаларига ўзининг она бўлишини истагандай бир гап әди-да. Инчунин, ҳар умрнинг ўз гашти бор. Ҳа, у ҳам ўзига яраша яхши-ёмон кунларни кўрди, бу кунлар олисласиб кетган сайин унга қимматли, азизу жонажон бўлиб борарди, агар ўша кунлар бўлмаса, у шу югур-югуру шу ташвишлардан аллақачон ўзини ўзи йўқотиб қўярди: у ҳар бир баҳтсизликдан кейин гўё мурда бўлиб қоларди, обиҳаёт пуркаб яна тириларди-ю, ўзига далда берарди, бўла қол, тирикчилигиндан қолма, сен бўлмасанг, ҳеч ким сени ўрнигни босолмайди, ҳеч ким сен бўлолмайди. То танангдан жонинг чиққунча гимирлайверасан, бошқа чора йўқ. У кун кечирав экан, бу кунлар унга гоҳ шодлик, гоҳ азоб-уқубат келтиради. Қай бири азобу қай бири шодлик; улар қаерда бир-бирига қўшилган, қачон ажralишиб кетган, улардан қайси бири ўзи учун фойдали бўлди, буни билмасди, ўзининг келажаги деб уларнинг сирли оташидан дилини ёритиш учун ҳаммасини бирваракай ичига ютиб юрди.

Кампир қулоқ солиб чўзилиб ётарди — у юлдузларнинг жимир-жимир фусункор нурларидан ёришган хонанинг тунда қандай нафас олишига қулоқ соларди, у шу уй турган мудроқ ернинг беихтиёр бўғиқ хўрсиннишига, уй тепасидаги баланд осмоннинг чарх уришига, атрофдаги шитир-шитирга қулоқ соларди, бу нарсаларнинг ҳаммаси ўзини, жисмини енгиллатиб ва ҳувилла-

тиб, бепоён тун қучогига абадий чиқиб кетаётган жонини эшитиш, ҳис әтишга ёрдам берарди.

Шундан кейин бирдан ўз ҳаёти ҳам кўзига яхши, силлиқ, бароридан келгандай кўриниб кетди. Шунчалик бахтли эканки, ҳеч ким бунчалик әмас. Агар инсон олам одамларсиз ғариб бўлиб қолмаслиги, болаларсиз қариб қолмаслиги учун бу дунёга келган бўлса-ю, ўзида борини болаларига багишласа, бундан ҳам шикоят қилиши керак эканми?

Кампир Михаил тўнгич ўғли Володька туғилганида айтган гапни эслади. У винодан маст эмасди, йўқ, у ўзи ҳали ёшгина бўла туриб ота бўлиб қолганига ҳайратланганидан маст әди, ахир у инсон зотининг давом этишида иштирок этди-я. Шунда у шундай деган әди:

— Қара-я, ойи, мен сендан, у эса мендан, ундан эса яна битта-яримта туғилади.— Кейин пинҳона бир алам билан башорат қилиб қўшиб қўйганди:— Ҳаммаси мана шу зайлда кетаверади.

Ана шундагина у то ер юзида ҳаёт тугагунича ҳаммаси шу зайлда абадий кетаверишини, шундай бўлиб келганини, бундан кейин ҳам шундай бўлишини тушунди, бу оддий, ҳеч кимни четлаб ўтмайдиган ҳақиқат унда ҳам тўхтамай, ўзининг тугаңмас занжиридан бир янги ҳалқани унинг бўйнига солди. У ана шунда ўзи ёлғиз қолгач, катталардек мулоҳаза юритиб бу бебаҳо оламда ер ва ҳаводан ташқари барча нарса ўткинчи бўлганидек, ўзининг бошида ҳам ўлим бор эканлигини тушунди. Шундан кейин онаси олдига бориб, кампир қўпдан бери билиб келган ва ўғлим ҳам билади деб ўйлаган гапни айтди.

Кампирнинг назарида бир лаҳзагина кичик деразалари ичидан беркитилган эски, хароб бир уйда юргандай, кишини мафтун этувчи чараклаган юлдузларнинг нурлари эса деворлар, томлардан ўтиб ичкарига тушаётгандай бўлди. Деразачалардан ҳар бири болаларидан бирортасини эслатарди: мана буниси Люсядан, буниси Варварадан, буниси Ильядан, Михаил ва Танъкорадан бир хотира. Юқорида эса яна бир қатор михлаб беркитиб ташланган жуда кичик деразачалар бор, уларга тегишининг сира ҳожати йўқ,— бу деразачалар аллақачон оламдан ўтиб кетганлардан хотира. Кампир ойпаастлар сингари ўзидан асар қўлдирмай, у деразачадан-бу деразачага ўтиб айланарди ва улардан қайси бирини очиб, қаёққа қарашини, кимни танлашини билмасди.

Ҳа, бутун ҳаёти шу ерда, деразачаларда. Шу деразачаларни очгану сен кампир, қанақа давлатинг борлигини, сақланиб қолган қайси бир хотира сендан кейин дарё соҳилидаги сўлим мевали буталарни, ўрмон четидаги қайнинларнинг шохларини қимиrlатишни, битта яримтасининг юзига урилиб, бесабабдан-бесабаб унинг кўнглига ғулғула солиб қўйишини кўриб қўйгин. Ҳозиргина дарахтнинг баланддаги шохидан мудроқ бир қушча нимадандир чўчиб ерга ағанаб тушай деди, аммо бу ҳали сени жонинг эмас, сенинг хотираларинг эмас, ноаниқ шитир-шитир, шивир-шивирларга айланиб, бу қушчанинг уйқусини бузган ҳаёт сеники эмас, бошқаларники.

Кампир қотиб қолган қаддини ростлаш учун қимиrlаб қўйди, кимдир нариги хонада ҳам унга жавобан мени ҳам унугиб қўйма, дегандай қимиrlаб қўйди. Негадир кампир қимиrlаган кимсани Илья деб ўйлади — бугун у хонада ётган эди.

Мана, Илья... Узоқ умр кўрган она ўглининг нимасини эсласину уни ҳам, ўзини ҳам ранжитмаслик учун нимага нигоҳ солсин? Бугун хотиралар ҳам беозор, равшан, ҳамоҳанг бўлиши керак, илгари рўй берган заррача гам-алам, бирон-бир ўринсиз бақириқ-чақириқ бу сўнгги видолашув тунида ташвишга қўйиши яхши эмас-да, ахир. Ҳадемай, ҳадемай вақт бўлади.

Мана, Илья... Илья довдирроқ бўлиб ўси: ўз полизида ҳамма нарса тўлиб-тошиб ётарди-ю, у бирорларнинг полизига тушарди, ўзларининг ейдиган нарсалари йўгу у қўлидаги бир бурда ионини дуч келган одамга берарди. Бир минутдан кейин унинг яна қандай каромат кўрсатишни сира билиб бўлмас эди. Бир куни болалигида унни тортиш учун тегирмонга олиб бориладиган бугдой ортилган аравага қараб тургин деб қўйишмади, бир маҳал одамлар уриш, ўқ овозларини эшитиб қолишиди. Бу Илья эди, у гаврон билан товуқларни ҳайдаб, арава устида ўтириш ўрнига омбор томига чиқиб олибди-да, ўша ердан туриб товуқларга қараб ўқ ота бошлабди, ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ, бир чўчқа билан икки боласини отиб қўйибди. Яна бир куни, энди каттагина йигит бўлиб қолганида ундан баттар ҳунар кўрсатди. Колхозга қаёқдандир текширгани бир комиссия келди, Илья билан яна икки йигит юқори дарёning нариги ёғида шудгор қилишаётганди, комиссия кўрининиши билан Илья қип-ялангоч бўлиб ечинди-да, ҳуштагини ча-

либ, плуг қулоғидан ушлаб кетаверди. Комиссия ичиде хотин-қизлардан бор эди, улар унинг ёнига яқинлашгани қўрқишиди, улар йигитлар ерни яхши ҳайдашяптиими-йўқми, кўролмасдан икки қўлларини бурунларига тиқиб қайтишиди, кейин чамаси улар раисни роса олиб бориб олиб келишибди шекилли, чунки у қип-яланғоч бўлиб ер ҳайдашни ўғлингга сен ўргатгансан деб кампирга ёпишиди.

Аммо кампир ҳозир бошқа нарсани эслади. Ильяни ҳам урушга олишди, аммо тугай деб қолганда олишди, шу боисдан у жанг қила олмади: уни у ерда у-бу нарсага ўргатгунларича уруш, худога шукр, тугади. Уни кузатишашётганларида ҳали бу ҳақда билишмасди, албатта.

Қиши яқинлашиб қолган бўлса ҳам ҳаво очиқ, шамол эсиб туар ҳади; тайёр арава гов ёнида маҳтал ҳади, юк халталари ортилганди, дарвоза ланг очиқ — фақат хайрлашиш қолувди. Рухи тушган, айни пайтда урушга кетаётганидан керилаетган, энг муҳими, сўнгги дақиқада бегонадай бўлиб қолган паст бўйли Илья онаси-нинг олдига келди. Онаси уни чўқинтириди. Илья индамай онасининг дуосига қулоқ солиб турди, йўқ демади, кампир яхши эслайди, ўғли дуони онасида ачинганидан қабул қилмади, йўқ, у дил-дилидан рози бўлди, бу розиликни унинг кўзларидан билиб олса бўларди, кўзлари ўйнаб, бир лаҳзагина умид билан ёришиб кетган ҳади. Шунинг учун кампир шу заҳоти ундан анча хотиржам бўла қолди.

Ўғлининг жўнаб кетиши тўғрисидаги хотира бошқа нарсаларни ҳам эсга тушириб юборди — булар бир-бирларига ўхшамасди, лекин, ҳарқалай, кампирниң хотирасида, афтидан, ёнма-ён турарди.

Люся шаҳарга ёзда, сувдан кетди. Пристанга барвақт, ҳали пароход келмасидан анча олдин келишибди-да, худди лўлилар сингари соҳилга ўрнашиб олишди, ўша вақтларда кўз очгани қўймайдиган чивин-чиркайлардан сақланиш учун ўт ёқиб тутатиб ўтиришиди. Люсяни ўртоқлари ўраб олишганди, унга гоҳ ҳаваслари келарди, гоҳ ачинишарди. Танъчора ҳам ўшалар атрофида ўралашиб юрарди, кампир эса қизлардан сал нарироқдаги пастаккина тўйнкада орол устида қачон пароход тутуни кўринаркин, деб тақдира тан бераб, маъюс пойлаб ўтиради. Ниҳоят тутун кўринди, аммо кўзи ўткир қизлар аллақачон бу тутунни кўрган, гала-говур қилишиб, қичқиришиб, Люсяни тортқилашиб, бир-бир-

ларининг гапларини бўлишиб, унга бир нималар дейишга тушган эдилар. Кампир индамай эзилиб ўтиради.

Пароход тўхтади, шундан кейин Люся шоша-пиша дугоналарига қўлини узата бошлади, энг охирида қўлини онасига берди. Кампир унинг титраётган иссиқ қўлини қисди ва борақол дегандек елкасига туртди, сўнг ўзи ҳам яхши кўриниб турадиган ерга, оломондан нарироқ-қа кетди. Бир зумда трапни олишди, пароход ғилди-раклари айланиб, қирғоқдан жилди, Люся ҳам пароход билан бирга қирғоқдан жилиб, сузаб кетди. У бортда, оппоқ темир панжара орқасида туриб, дугоналарига қараб қўл силкитди, гарчи кампир унга қараб икки-уч марта қичқирган бўлса ҳам негадир Люся онасини кўрмади, кейин кампир қизининг кўзига кўриниш учун телбалардек сакраб қўлини кўтариб тушираверди.

Пароход бир томонига қўйшайиб, бортидан сув ошиб ўтай-ошиб ўтай деб қойди, йўловчиларни бошқа томонга ҳайдашди, шулар ичиде Люся ҳам кетди... Кампир йиғлай-йиғлай дерди. Шу пайт тўсатдан Люся охирги марта соҳилга қарап экан, уни кампирнинг кўзидан тўсиб турган матрос майкасидаги йигитни итариб юборди-да, орқасига томон отилди, кейин жон-жаҳди билан бошидан рўмолини юлқиб олди ва кўнгли бузилиб онасига қараб силкитди. Унинг юзлари қўрқувдан оппоқ оқариб, шу заҳоти кўзларидан ёш чиқиб кетган эди. Кампир Люсяга томон отилди, тиззасигача сувга кирди, аммо пароход энди сузишини тезлатиб, бор кучи билан сувни шалоплатиб, олға интиларди, унинг орқасидан ёса кўзни қамаштириб, пароходни қувлаб, уни ялтироқ ўйинчоққа айлантириб қуёш, тушиб турарди.

Ўшанда кампир энди қизим билан қайтиб дийдор кўришмасак керак деб кўнглидан ўтказганди.

Ногаҳон унинг болалари тўғрисидаги хотираларини тўзитиб, бир вақтлардаги бир кун ялт этиб кўз олдига келди, бу хотира ҳам дарё билан болғиқ эди.

Ҳозиргина худди ёздагидек қаёқдандир бир парчагина булат пайдо бўлди-ю, шариллаб қисқагина ёмғир ётиб ўтди, кейин яна дарров кетидан қуёш чараклади, далалардан буғ кўтарилаарди, дарахтлар ва буталардан оғир-оғир томчилар чак-чак томарди, у ер-бу ердаги ўтлардан қўнғизга ўхшаб томчилар думалаб тушарди, дарёда ҳам пуфакчалар сузарди, кўпиклар оқарди — ҳаммаёқ тоза, ярақларди, муаттар ҳидлар анқирди, қушлар навоси яиграрди, сувлар шалдирарди. Ёмғирдан жони кирган ер бор гўзаллигини намоён этиб, чар-

чоги чиқаётгандай ҳузур қилиб нафас оларди, унинг тепасидаги осмон яна тиниқ мовий тусга кирган эди.

У кампир әмасди — йўқ, у ҳали қиз эди, унинг атрофидаги барча нарса яшнаб, ярақлаб, жилва қилиб турар эди. У ёмғирдан кейинги дарё қирғогидан илиқ буғланниб турган сувни шалоплатиб борарди, кетида қолаётган тўлқинларда пуфакчалар чайқалиб ёрилар эди. Соҳилдаги ғалвирак қум қорайиб турарди, соҳил паст эди, унинг рўпарасида орол бор, қаердадир, бурунда сув шовилларди. Шохобча узун, кучли, тиниқ эди, шохобчалардан ёйилиб тўғри оқаётган сув яхши кўриниб турарди.

У қаёққа, нима учун, нимани деб бораётганини ҳам ўзидан сўрамай ҳамон санқиб борарди, кейин, ҳарқалай қирғоққа чиқади, чайир, яланг оёқларини қумга қўйиб, изини чуқур ўйиб туширади, кейин бу излар қаёқдан пайдо бўлиб қолганини билмасликка ўзини ишонтириб, уларга ажабланиб узоқ тикилади. Устидаги узун юбкаси ҳўл бўлиб баданига ёпишиб қолади, шунда у юбкасининг этагини кўтариб белига қистиради-да, яна сувга тушади. Ўзи эса, э, аттанг, мени ҳозир ҳеч ким кўрмаяпти-да, деб оҳиста кулади. Шу лаҳзада бу ёруғ оламда яшаш, унинг кўркамлигини ўз кўзлари билан кўриш, бу жўшқин, ҳушчақчақ, бутун ҳаракатлари мутаносиб бу мангуда ҳаёт ичида бўлиш унинг учун нақадар соз, қувончли эди, бундан унинг боши айланиб, ҳаяжонланиб, юраги орзиқарди.

Ўша кунни эсласа, ҳозир ҳам кампирнинг юраги бир шувилларди: ўшандада шунақа бўлувди, рост, бўлувди, худо ҳозир.

Кампир наҳотки ўша гўзаллик ҳозир одамларга ўшандайича кўринса, у шунча йил яшаган бўлса-ю, шу вақт ичида бу гўзаллик сира ҳам ҳазон бўлмаган, сўлмаган бўлса, деб ўйларди. У ўшандада ўзи борган қишлоқ рўпарасидаги нариги қирғоққа сузиб ўтиб, бу гўзалликни ўша ҳолида, ўшандай беғубор, шод-хуррам ҳолида кўриб бўлармикин? Ер юзида озмунча ўзгаришлар бўлдими, наҳотки шу гўзаллик аввалгидай ўзгармай қолган бўлса?

Кампир маъюсланиб хафа бўлди, лекин шу заҳоти у агар сен бу ёруғ оламдаги барча нарса қарив, сен билан бирга йўқ бўлиб кетишини истасанг, жуда ҳам яхши экансан-да, деб ўзига-ўзи дакки берди.

Бир вақтларда, Варвара ҳали қизчалик пайларида,

кампир бир куни уни бир тор күчада чўккалаб олиб чўпча билан ерни чуқурлаётганини кўриб қолди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? — деб сўради ундан онаси.

— Қазияпман.

— Нега?

— Бу ерни товуқ титаётган экан, ит келиб уни ҳайдаб юборди. Мен бўлсам кўриб қолдим. Сен мени ҳайдаб юбормайсанми?

— Йўқ, ҳайдамайман.

— Ундей бўлса, яна бирпас ўтириб чуқурлайман.

Онаси ичидаги кулиб йўлига қараб кетди. Варвара уйга қайтиб келгандан кейин онаси қизиқиб сўради:

— Ўша кавлаб ўтирган ерингдан бирон нима топдингми-йўқми?

— Мен ҳеч нима қидирганим йўқ, шундоқ ўзим кавладим. Аммо мени бир дайди ҳўқиз қувлади. Сен бориб ўша ҳўқизни ҳайдагину қазиб кўргин.

— Нимага?

— Шундоқ, қазисанг бас, кўрасан.

— Нимани кўраман?

— Билмасам. Бирон нимани-да. Жуда қизиқ.

Мана нима учун энди, кўп-кўп йиллардан кейин, кампирда ногаҳон даланинг бирон ерида чўнқайиб ўтириб, худди Варвара сингари ерни кавлаш, ернинг қанақалигини дикқат, ҳаяжон билан яхшилаб кўриб олиш, ҳали ҳеч ким билмайдиган нарсани қидириб топиш истаги туғилди. Одамлар киши қариса ёш болага ўхшаб қолади деб кулишарди, бунда улар қарининг ақли заифлашиб қолганини-ю, боланинг эса ҳали эси кирмаганини назарда тутишади. Дарҳақиқат, кекса билан ёш боланинг қўлидан фақат шұлар: ўз мавжудлигини сезишу ҳар бир қадамда атрофни ўраб олган муҳитдан қаттиқ ажабланиш келади.

Кечаси ҳаво совиб, иззиллата бошлади, унинг бегубор, совуқ ёғдуси дeraзадан тушиб, деворда ўйнарди. Бундай пайтларда ҳавонинг чирсиллаб, совуқ ўз кароматини кўрсатишими, юлдузларнинг қандай эҳтирос ва ваъдалар билан даъват этиб ёниб туришини ва янги ойнинг шундоққина тепада виқор билан сузишини кампир унутмаган эди. Ерда эса ҳеч нима қимир этмайди, ҳаммаёқ сув сепгандек, жимжит, уйқуда, фусункор сеҳр оғушида.

Шундан кейин кампир бир титраб, вақт бўлди, деб қўйди. Ҳозир айни пайти, тун яримдан оғган, энди ор-

тиң кутиш мумкин әмас. Ҳозир ҳамма қаттиқ уйқуда, ҳеч ким әшитмайди, ҳалақит бермайди. Тун сутдек ойдин, бу ҳам яхши, ана шу тун уни кузатиб құяди.

Кампир ҳовлиқмай-нетмай, қүркмай, хотиржамлик билан ҳозирлік күра бошлади. Кампир ишни нимадан бошлашни ўйлаб адёлни оқиста күкраги устидан нари сурди, шовқин чиқармаслик учун каравот устида секингина силкиниб күрди ва ортиқча ҳеч нима қолмаганини, барчаси тамом бўлганини пайқади. У ўзининг пардек енгиллигига, гавдаси худди ҳавода учиб юргандек, жуда енгил ҳаракат қилаётганига хиёл ажабланди-ю, яна шу ондаёқ бу ажабланнишдан ном-нишон қолмади. Бу вужуд ҳали шу ерда, у билан бирга әди, шунинг учун кампир юраги алдаб бу вужудга қувват бериб турганини әшитаётганди. У оёғини узатиб, қулайроқ жойлаштириди, мана, ҳадемай оёқлари ҳам аъзойи бадани билан бир хилда бўлади-ю, хизмат қилишдан ҳаммасидан олдин мен бош тортганман, деб изтироб чекиб юрмайди. Ахир кампир шу оёқларига бир неча марта сизлар айбдор эмассизлар, мен ўзим югар-югор қиласвериб қийнаб қўйдим деб айтди-ю, аммо оёқлари тушунишмади-да. Энди тушунишади, тушунмай қаёққа боришади.

Кампирнинг кўзлари ҳамон очиқ әди, унинг кўзлари бўзариб турган тун ёруғлигини акс эттириб турарди — у кўраётган сўнгги нарса шу әди. Майли, ана шу бўзариш қуюқлашсину илгари кўринган нарсаларнинг ҳаммасини тўсиб қўя қолсин, ана шунда, юқоридан тушадиган қоронгиликни осонгина қабул қиласди. Кампир тўсатдан деярли саксон йил яшаб, вақти ҳамиша ошибтошиб юриб, эндиликда жони қил устида турганини фаҳмлаб қолди-ю, алланечук бўлиб музлаб кетди. Шу лаҳзада келажакдан заррача ҳам умиди қолмаганди, унинг бутун умри бир бўлиб, ўтмишга айланганди, кейинги лаҳзада эса на ўтмишу, на келажак бўлади. Ундан кейин бу ёруг оламда болалари қолади, кампирнинг ўзида эса ҳеч ким, ҳеч нима, ҳатто ўзи ҳам қолмайди. Қизиқ, унинг ҳаёти қаёққа гойиб бўларкин? Ахир у яшади-ку, яшагани эсида бор-ку, яқингинада ҳам яшаб юрувди, унинг ҳаёти кимга қоларкин? Ахир у умрини иш сингари яхшими-ёмонми охирига етказди-ку. Э, ахир ундан енгча тиколмайсан-ку — бу ҳақ гап. Тилга олишади, унга томон бош иргаб қўйиншади, вассалом. Шунақа одам ўтган әди дейишади-ю, эсларидан бутунлай чиқариб юборишади, кейин ҳаёлларига ҳам көлтиришади.

майди. Бу ҳам рост. Хўш, унга яна нима керак? Нима учун, нимани деб яшаганини-ю, ҳар қандай юкни тортиш учун тиркиш бўлиб чийралгани ва елиб-юргурганларини лоақал билиб қўйиш учунми? Нимага? Фақат ўзи учунми ёки яна бирон-бир фойда учунми? Кимга нима учун, қандай манфаат учун у керак бўлиб қолди? У ўзидан кейин бир неча зурриёт қолдирди — бу яхши-ми ё ёмонми? Ким айтади? Ким тушуниради? Нимага? Унинг ҳаётидан, чанқоқ далага ёғадиган, кўпдан бери кутилган ёмғирдай бирор заррача барака топармикин?

Шу пайт уйнинг узоқ қоронги бурчагидан бир нарса ғизирлаб, гўё ноаниқ, мубҳам жавоб бергандек бўлди, шу боисдан кампир тилини тишлаб қолди: мана, унинг ажали келяпти.

Мана энди бўлса, жони узилай деб турган пайтда назарида кампир бундан олдин ҳам бу ёруғ оламга бир келиб-кетгандай эди. Қанақа эди, нима эди, әмаклармиди, юрармиди ёки учармиди, у буни эслолмасди, фаҳмламасди, лекин нимадир унга ерни биринчи марта кўраётганинг йўқ деб айтиб турарди. Мана қушлар ҳам икки марта туғилади; аввал тухумда, кейин эса тухумдан чиқади, демак, шунаقا мўъжиза бўлиши мумкин экан, шундай деса худога шак келтирмаскан. Бу бир вақтларда бўлувди, кечаси осмонда момақалдироқ ҳам гулдураган эди — чақмоқ чақиб, гулдираб, шариллаб ёмғир ёгувди, ҳаммаёқ гулдиради, чақмоқ ёмғир че-лаклаб қуяёган осмонни тилиб, ялт-юлт қиласарди. Бу ёруғ оламда ўшандагига ўхшаган қўрқинчли ҳеч нима бўлганий йўқ сира: ўша момақалдироқ уни ўлдирган бўлса ҳам ажаб эмас, чунки кампир бошқа ҳеч нимани, унгача бўлган ишларни ҳам, ундан кейин бўлган ҳодисаларни ҳам эслолмасди, фақат момақалдироқ эсида бор, аммо бу манзара ҳам қандайдир олдинги, бошқа бир хотира акс-садосидай кўз олдига бирров келдию кетди.

Кампир оҳиста чўқиниб қўйди: агар бирор нима ножёя бўлса, худонинг ўзи кечирсин, у ўзидан-ўзи эсига тушиб қолгани бу гап билан бирорнинг газабини қўзгамоқчи эмас, бу хотира қаёқдан пайдо бўлганини, эсига қандай тушиб қолганини кампирнинг ўзи ҳам билмайди.

Шундан кейингина кампир атрофига сўнгги видолашув нигоҳини ташламай кўзини юмди. Унинг юмилган кўзлари олдидан чапдан ўнгга қараб тутун ҳалқалари буралиб ўта бошлади, гўё шу заҳотиёқ бирор бухур тута-

тиб причастие¹ олдиан унга тутатаётгандай эди. У чўзилиб, ажалнинг дастлабки қитиқловчи нафасини зўр бериб кутиб, қимир этмай ётди, бу нафасдан кейин вужудини қайгули, оромбахш бир туйғу қамраб олади. Мана у ёруғ дунёга келиб, унинг паст-баландини кўриб ҳам бўлди. Омин. Кампир ақли заифлашиб, қўллари увушаётганини сезди. Ёки унга шундай туюлдимикин, ўзи шуни истадимикин? Мана қўнғироқлар ҳам ер узра садоларини янгратаман деб, шай туришарди.

Минутлар ўтиб кетди, яна ўтятти — аммо ҳеч нима ўзгармаяти. Кампирнинг эс-ҳуши аввалгидек жойида эди: ўзининг кимлигини, қаердалигини, нимага ётганигини биларди. Ажал негадир шошилмасди, ниманидир кутарди.

Кампир диққат билан ўзига-ўзи қулоқ солди. Барча аъзолари аввалги жойларида ўз хизматини ўтаётганга ўхшарди.

Кампир нега жони узилмаётганига тушунолмай, мен шу ердаман, шу ердаман, деб оҳиста, бўғиқ ингради. Балки ажал уни ҳали тайёр эмас, деб ўйлаб шошилмаётгандир-да. Кампир ажалда ишонч ҳосил қилиш учун аянчли, чорловчи бир овозда тун жимлигини бузиб, қўрқма, келавер, мен сенга интиқман, дегандек бир марта инграб қўйди.

Кампир алланечук бўлиб кетди, кўнгли ғаш бўлди. Нима бало, кампир ўз ўлимини тилайвериб унинг тинкасини шунчалик қуритиб юборди-ю, энди у бу ерга келишга ҳоли қолмадими? Ахир у шунча йилдан бери ўлимни эргаштириб юрди, ҳатто эргаштирмади ҳам, чопқиллатиб юрди деса ҳам бўлади, бунақада уни бутунлай сулайтириб қўйиш ҳеч гап эмас. Ростдан ҳам ажалнинг кампирга, кампирнинг эса ажалига етишига ҳоли қолмаган бўлса-я. Демак, энди у ўлмас экан-да? Йўқ-йўқ, бунақаси бўлмайди. Тугилмаган одамгина ўлмайди. Ҳа, қолаверса бунинг бошқа сабаби борга ўхшайди. Ўлим ўзишини билади, қандай уддалаш йўлини топади, шунинг учун ҳам бу оламда бор-да.

Кампир ташвиш ичida қолиб, ҳансираф нафас оларди. У ҳозиргина бутун инсоний ташвишлардан қутулдим деб ўзини ишонтирган пайтида ол-а, мана, ҳаммасини қайтадан бошлишга тўғри келмоқда.

Кампир фикридан қайтди: тинчланиб, ҳовурдан тушиш керак. У ўлимга ҳозирлик кўраётсиб, ниманидир

¹ Причастие — диний маросим.

хато қылғанга ўхшайды. Ўлим ундан чекинмади, аксинча, ўлимга ўзи халақит берди, унинг ишини ўз гарданига олди-ю, халақит берди. Хўш, бу кимга ёқади? Ажал узоқ саксон йил давомида ўзининг қувончли дақиқасини кутди, нима қайси тартибда бўлишини ўн марталаб мўлжаллаб чиқди — унинг ўз режалари бор. Ахир бу режаларга аралашиб бўларканми? Мана оқибати.

Кампир ухлашга жазм этди. Тун ҳам ухлаш учун-да. Ана шунда, кампир кўрмай, эшитмай ётганида ажал ҳам дадилроқ бўлиб келади, одамлар ва бу ёруғ олам билан боғлаб турган энг асосий ришталарни ўз қўлига оливолади, ана шундан кейин эҳтимол, кампир, эс-ҳүшингни йиғиб, омонатингни топшир деб уйғотди. Тун охирлаб қолди, аммо ҳали ҳам кеч эмас, эрталабгача улгурса бўлади.

Кампир одатдагидек ухлаш учун қимирамай каравотда ётарди, ахир у умрида минг марталаб шу хилда ухлаган-да. У кўзларини очмади, уларни қийнамасдан ўз ҳолига қўйди. Кампир аста-секин каравотда ўз-ўзини тебратса бошлади. У болани аллалагани каби оҳиста ҳиргойи қиласди. Унинг кўзи бирров илинди, назаридан уни юмшоқ кулранг матога ўрашаётганмиш, у бу юмшоқ ёқимли матонинг сеҳрловчи шилдирашидан ҳузур қилиб, борган сари чуқурроқ ботармиш, аммо нимадир у ботган жойидан қайтарди, кейин бир неча бор итариб, тутиб қайтариб юборди.

Ўйқу келмасди. Кампир гап нимадалигини тушунарди: шу пайтга келиб ўйқу гўё, тошдек қотиб қолгану уни қимирилатиб ҳам бўлмайди. Энди на ухлай оласану на бедор ўтира оласан. Ўйқу шундай бедаво нарсаки, истаганингда дарров кела қолмайди. Бошқа бир йўл тутиш керак. Чамаси, ётишдан бошқа ҳеч нимани кўнглига келтирмай, ҳеч нимага тирғилмай шунчаки ётавериш керак шекилли, шунда эҳтимол, бекорчиликдан ўзидан-ӯзи уни элитар, бошини айлантирас ва бехосдан босиб қолар, ўйқу ҳатто унинг кимлигини ҳам билмай қолади-ю, ўз одами деб ўйлайди. Шундай бўлса кошкийди. Шошилмаслик керак, ўзини шундай тутиш керакки, вақти ҳали тўлиб-тошиб ётибди, тун эса эндигина бошланяпти.

Кампир ҳозирлик кўра бошлади: секин-аста нафас олиб вужудини ўз ҳолига қўйди, гупиллаб ураётган юрагининг тинчишини кутди ва қўлларини кўкраги устида чалиштирди. У ўзи умид қылғандек иши ўнгидан келди, шу заҳоти уни ёқимли, ширин мудроқ босди, уни тебрат-

ди ва арши аъло тоғон бошлади, арши аълого жуда яқин, бор-йўғи бир неча лаҳза қолганида. Қишлоғнинг қаериадир бир хўроз уялмай-нетмай ҳаммаёқни бузиб қаттиқ қичқириб қолди. Бу шунчалик кутилмаган, шунчалик ноўрин эдики, кампир бўғиқ овозда инграб юборди ва кўзлари очилди, у шу ондаёқ кўзларини юмди, аммо кечикканини, бефойда эканини тушунди. Ҳаммаси расво бўлди. Нажот тополмади. Гарчи нажот шундоқ ёнида турган бўлса ҳам энди у олислаб кетган эди. Биринчи хўроздан кейин иккинчиси, уччинчиси, тўртинчиси қичқириди...

Ҳаммаси беҳуда кетди. Энди кампирнинг ҳеч нимадан умиди қолмаган эди.

Кампир энди нима қилаётганини тушуниб, кўзларини очдию қаттиқ уялиб кетди. У бундан баттар шармандаликни билмасди: хайр маъзур қилди, рози-ризолик тилади, сўнгги хотиралар билан ўзига тасалли берди, кўзларини ҳам юмниб ётди, мана, яна қайтди. Ахир ким шунақа қилади? Йўқ. У қўрққани йўқ, у сира бундан қўрққан эмас, ўзига-ўзи фириб бериб нима қилади. Агар гап унинг ўзида бўлса, у ўлиб бўлган, ахир унинг гуноҳкор, қўрқоқ жисми қандай, кимнинг умри ҳисобига, кимнинг нафас олиши ҳисобига яшайди-ю, қимиirlаб туради, бу маълум эмасди.

Тун бўзарди, чараклаган юлдузлар хирадашди; файзи кетиб кўримсиз бўлиб қолди, тонг ота бошлагани шулардан кўриниб турарди. Хўролар қичқира-қичқира жимиб қолишибди, аммо шулардан кейин туннинг нимасидир дарз кетди, қимиirlаб қолди, тун шоша-пиша нишабликка оға бошлади. Бундай пайтда юлдузлар янада баландроқ чиқишади-да, сўник, ҳорғин нигоҳ ташлашади. Буларнинг ҳаммаси кампирнинг миясига беихтиёр келиб қолди. Кампир паришон, ночор, бутунлай карахт бўлиб ётарди, энди бу оламдаги барча нарсадан унинг кўнгли қолган эди.

Кампир шу зайлда узоқ, то эрталабгача ётди. Тонг отиб, кампирнинг хонаси гира-шира бўлгандан кейин у ҳушига келди ва устидан адёлни олиб ташлади, кейин туриб ўтирди. У ўз оёқларига жирканиб қаради-да, пайпоқларини кийиб шиншагини илди. Бу ишларни қилишини кампир кеча қайтадан ўрганиб қўйганди. Аммо бугунги тонг кечагига ўхшамасди. Кечада у отаётган тоигдан хурсанд бўлувди, шу кундан умидвор бўлувди. Танъчорани ўйловди. Аммо орзуладидан биттаси ҳам ушалмади. Ҳатто тун ҳам унга нажот бермади, уйқусиз қолдирди —

ахир бу савил қолғур уйиңу ҳаммага етарди-ку. Кампирга етмай қолди. У ҳамманинг мөъдасига тегди, ҳеч кимга керак эмас — шундай бўлгач ҳеч ким у билан ҳисоблашмагандан кейин, у ўзи билан ўзи ҳисоблашиб нима қиласди.

Кампир каравот суюнчиғини ушлаб ўрнидан турмоқчи бўлди. Унинг оёқлари майишиб кетди, лекин у оёқларига разм қилиб ўтирамади: модомики жон беришни истамадингларми, энди бироннинг айтганини қилинглар, ўзларингни ночорликка солманглар, бари бир ҳеч ким ишонмайди. Кампир қўлларига осилиб, оёқларини ростлади ва жон-жаҳди билан ўринларидан қўзгалишга мажбур этди — қани юринглар. Агар дармонларинг бўлса, сизлар ҳам бошқа оёқлар сингари юринглар, синиб-нетиб кетманглар тағин. Ю-ринг-лар! Оёқларининг ҳар бир суюги қисирлаб, зирқираб кетди, аммо бу ҳам кампирни шаштидан қайтара олмади. Хоҳлаганча қисирлайверинглар, аммо юринглар. Сизларнинг раъйингизга қараганим бас, энди менга қулоқ солинглар. Кампир тахта деворни ушлаб, полда оёгини судраб боса бошлади. Балки четдан қараган кишига кампир девордан эмаклаб кетаётганга ўхшаб кўринарди — у деярли деворга ёпишиб, қўлларини кенг ёзганича пайпасланиб бораради. Кампир остоидан эмаклаб ўтди — бўлмаса ундан ўтолмасди. Пилланоя олдида яна бир пастроқ остоона бор эди, аммо кампир энди қаддини ростламади, шундай, тўрт таянчидан худди итга ўхшаб ташқарига чиқди, истасанг вовилла, истасанг увилла. Кампирнинг дармони деярли қолмаганди, шунинг учун у юз машаққат билан бир амаллаб юқориги погонага ўтириб олди.

Баланд кўтарилиган тоңг шафагидан кўк гумбази тинқ, равшан эди. Осмоннинг, айниқса кампирнинг кўзига кўриниб турган томони қуёш чиқмасдан олдин кўмкўк бўлиб товланиб, тоңгги ғира-шира ҳам шу рангга сингиб кетганди. Ҳали эрта эди, аммо аллақачон уйқудан уйгоған, ўрмон дараҳтлари бир-биридан ажralиб турарди, ҳатто учлари ҳам алоҳида-алоҳида, аниқ-равшан чўччайиб кўзга ташланарди. Омбор орқасидаги қўндоқдаги товуқлар ғимирлаб оғир қанотларини қоқиб пастга учиб туша бошлади. Шоша-пиша силкинишиб, дарров ерга қарашарди, тез-тез юриб ўзларини иситишарди. Чиндан ҳам салқин эди, дарё томондан тунги нам ҳаво эсарди, полизлардаги экинлар япрогида шудринглар совуқ ялтиради. Аммо тоңг ўзгарди, ўз қоидасига биноан ҳаракат қилди: ҳозиргина қимир этмай

безрайиб тургандай туюлган тонг ёришиб, кундузга айланди, жилва қилди, интизорлик билан кутаётган болаларни қутқуга солиб қўйди, осмонда тарам-тарам, ранг-баранг нур пайдо бўлди — шундан кейин чиндан ҳам кўп ўтмай кампирнинг кўз олдида қуёш чиқди ва ерларни яйратиб, сахийлик билан мунаввар этди.

Кампир ташқарига нима учун чиққанини ўзи ҳам билмасди. Балки у юрсам юрагим кўтаролмай жоним чиқиб кетармикин, шу билан юришмаган ишим юришиб кетадимикин деб умид қилгандир. Йўқ, бу ерда ҳам иши бароридан келмади. Ҳеч жин урмади. У бир ўзи совуқ еб қўққайиб ўтирас ва полизларга, ўрмонга — кўзига кўринган нарсага лоқайдлик билан қарап ва ҳеч нимани кўрмас, илгамас эди. У ҳеч кимга керак бўлмагани учун офтобга чиқариб қўйилган шамга ўхшарди. Аммо кампир қуёш чиққанига жон-жон деди. У юпқа ички кўйлақда эди, шунинг учун совуқ ўтиб титраётганди, ҳатто салгина иссиққа ҳам шукр қиласди. Ахир у аллақандай бир тараша эмас, одам-ку, бадани ҳали совуқ билан иссиқни билар экан. Шундай бўлса ҳам бу кун унга ортиқча, биронникидай туюларди, у аввал бошданоқ шу куннинг келишини истамаганди, ундан қўрқанди! Модомики кечаси ажали етмаган экан, демак, яна бир кун чидаши лозим эди. Бу дунёда ҳеч нарса бежиз бўлмайди.

Шунинг учун у кутиб ўтираверди.

Даҳлизда идиш даранглади — Надя чиқди. У кампирни шу ердан топишини сира кутмаган эди, шу сабабдан қўрқиб, ўзини орқага ташлади.

— Ойи! — келини уни ойи дер эди.— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Кампир унинг овозини эшитиб ўгирилди, ўтирибманда, дегандай бош иргади.

— Бу ёқса қандай қилиб чиқдинг?! Ахир тўнгиб қолибсан-ку. Кел, ўрнингга элтиб қўяй.

Кампир унамай, йўқ дегандай бошини кескин чайқади.

— Ахир қандай...

Надя уй ичига отилди, аммо аввал кампирнинг каравотига қаради — каравот чиндан ҳам бўш эди — шундан кейингина у илгакдан фуфайкани олиб кампирга чиқариб берди.

— Бу нима қилганинг-а? — Надя ҳамон эс-хушини йиғиб ололмасди.— Ҳамма ухлаб ётган бўлса, билмаса, Ё уларни уйғотайми?

— Кераги йўқ,— деди кампир.— Сен бориб сиги-
рингни согавер. Мен шу ерда ўтира тураман.

Надя то ҳовлига тушиб боргунича қайнонасига икки
ёки уч марта қайирилиб қаради — ўтирибди!

Қуёш ўрмондан узилиб кечагидек, илгариги кундаги-
дек, ўн йил ва йигирма йил аввалгидек хиёл ўнг томон-
дан мусаффо, бепоён осмонга кўтарили. Қуёш ҳали
равшан, аниқ-таниқ эмасди, кўзни қамаштирмасди. По-
лизлардаги шудринглар кўпайиб кетганга ўхшарди, қа-
ёққа қарама, киши ҳавасини келтириб, ёниб, йилтираб
туради. Қишлоқ уйғонди, томлар устида тутунилар суза
бошлади, кўчада бир мол ерни дурсиллатиб, дайдиб
юради, уйларнинг зич эшиклари очилиб-ёпиларди, эрта-
лаблари яхши эшитиладиган дастлабки овозлар янга-
ради.

Шу маҳал, меҳмонга ҳали ҳеч кимнинг кўзи учиб
турмаган пайтда тўсатдан, худди ер тагидан чиққандай
кампирнинг олдида Мирониха пайдо бўлиб қолди. Ода-
тига кўра тўгрисига эмас, оёғи остига қараб юрадиган
Мирониха кампирга урилиб зинадан йиқитиб юборишига
сал қолди ва таажжубланиб чўнқайди, қарс урди.

— Бу ўзингмисан ё арвоҳингми, кампиршо?

— Менман,— деди унга кампир. У ҳатто Миронихани
кўрганидан ҳам хурсанд эмасди, унинг овози сўник,
заиф эди: Мирониха ҳол-аҳвол сўради, у ноилож жавоб
берди, вассалом!

— Эсон-омон чиқиб олдингми?

— Шу, кампиршо, бугун мен билан бир тоқقا чиқ-
майсанми, а? Икковгинамиз сира зерикмай бориб келар-
дик-да.

— Йўғ-е. Ўзим зўрга шу ерга етдим-а. Бир эмакла-
дим, бир судралдим, ишқилиб чиқдим.

— Мен бўлсам бориб Надядан билай-чи, кампир-
шоим қалай ётганийкин деб оёғимни қўллимга олганча
бу ёққа келянман. Бу бўлса каравотидан бу ёққа йўрга-
лаб қолибди, ташқарига чиқиби.

— Ўлмадим,— деди кампир.

— Илтижо қилдингми?

— Қилдим.

— Демак, вақти эмаскан-да.

— Э, тағин қанақа вақт керак?— аламзадалик билан
деди кампир.— Болаларим шу ерда, улар мени узоқ ку-
тиб туришолмайди. Айни пайти эди. Бўлмади-да.

— Ҳаммамиз ҳам, кампиршо, худонинг паноҳида
юрибмиз, худо нимани ирода этса, шу бўлади.

— Мен энди худонинг паноҳида юрмайтибман, эмакляпман. Шу ташқарига эмаклаб бўлса ҳам чиқай, ўзими ажалга рўпара қиласай, худо эсидан чиқариб қўйди шекилли мени, ўлим бермаяпти, деб ўйладим. Қани энди кўрса!

— Ҳай-ҳай, тавба қил.

Кампир бу нохуш гапни давом этиришни истамади: Мирониха кечаси кампирнинг ёнида йўқ эди, у тушунмайди, киши ўлим пайтида ўзини қандай ҳис этишини ва у тавба-тазарру қилиб бўлгандан кейин ўлим уни алдаб кетгач, ўзини қандай сезишини унга тушунтириб бўларканми, ахир. Шунинг учун кампир гапни чалғитиб сўради:

— Болаларингдан хат-хабар борми?

— Ийе, кечагина сўраган эдинг-ку, буни.

— Кеча кеча эди. Бугун балки хат келгандир, мен қасақдан билай?

— Ҳа-я, кечаси билан мижжа қоқмай бир қулоч келадиган хат ёзиб юборишибди. Энди уни қандай ўқийман деб бошим қотиб ўтирибман,— деди Мирониха гўё ўзини ўзи калака қилгандай, аммо унинг гапларида кесатиқдан кўра ноумидлик кўпроқ эди.— Жинни бўлдими улар менга хат юбориб?

— Илгарилари бошқача эди,— деди кампир,— ким қаерда туғилса, ўша ерда нонини топиб еб юраверарди. Ҳозиргилар бир ерда туришмайди, ҳали у ёқда, ҳали бу ёққа кетишади, хўш, бунинг нима қизиги бор экан?

— Сен билан мен, кампиршо, ҳеч балони тушунмаймиз.

— Эҳтимол, тушунмасмиз. Аммо бу ёруг оламда ошини ошаб, ёшини яшаган кампирлардан сен билан мен — икковимизгина қолдик. Бошқа йўқ, биздан кейинги кампирлар ҳам бошқача бўлишади — хат-саводли, ақлли, бу оламдаги ишларни тушунадиган бўлишади. Эндиликда замон бошқача кетяпти, бизнинг замонимиз эмас.

— Ҳа, ганинг тўгри, кампиршо.

— Нега нотўгри бўларкан? Тўгри-да. Мана, кўрасан.

Улар жим бўлиб қолишиди. Мирониха хўрсиниб, ўрнидан турди:

— Сен билан ўтириш яхши-я, аммо бормасам бўлмайди.

— Бирнасгина ўтириш.

— Сигириим шу кетганича кетди, келмади. Мужиклар тог ортида иккита сигир юрибди дейишияпти. Нимаям қи-
лардим — ўша ёққа бораман-да, энди.

— Тог ортига етиб боролмайсан, ойимқиз.

— Етолсам-етолмасам ҳам бораман. Ўзим бормасам
ким боради?

— Қоқилиб-ийқилиб ўша ерларда қолиб кетма, та-
гин.

— Қолсам-қоларман. Қайси гүрда ётсам ҳам бари-
бир эмасми? У ерда ҳам бир ўзим, бу ерда ҳам бир ўзим.
Барибир эмасми оғзимга сув томизадиган одамим йўқ
бўлгандан кейин.

— Ўзинг уларга ёзиб юборсанг бўларди.

— Нима деб ёзаман? Нима, улар етмиш бешга кир-
ганимни билишмасканми? Йўқ, кампиршо, ёсанг-ёзма-
санг... Сен билан менинг ёзигим бир хил. Улар эса, мо-
домики келишмайдими, ёзишмайдими, яхши туришлари
шундоқ ҳам кўриниб турибди. Агар ёмон яшашса, хат
ёзишарди.

— Ҳа, ёзишарди.

— Гап ана шунда-да.

Мирониха тоқатсизланиб, огирилигини у оёғидан бу
оёғига ташларди.

— Бўпти бўлмаса, кампиршо, мен кетдим. Ҳеч нима-
ни ўйламай ўтириб, қайтиб келдим дегунча яна келаман.
Яна лакиллашиб ўтирамиз.

— Ўзингга эҳтиёт бўл.

Кампир хайрлашаётуб унга қўлини чўзди, шунда
Мирониха ғалати бўлиб кетди, бошини беўхшов лақилла-
тиб кампирнинг қўлини юзларига босди. Кампирнинг
қўзларидан тирқираб ёш чиқди. Кампир ўрнидан тур-
моқчи бўлди, аммо Мирониха қўймади ва дарвоза томон-
га бурилиб кетди. Мирониха ўзича учиб кетяпман деб
ўйласа керак-ку, аммо аслида эса ҳар қадам қўйганида
тиришиб, ҳаммаёғи қақшарди, ҳар қадамини машаққат
билан босаётгани шундоқ кўриниб турарди.

Кампир кўз ёшларини артаркан, бир умр қадрдан
бўлиб қолган ягона дугонаси Мирониха билан рози-ри-
золик тилашмагани учун кечаси жон бермадим шекилли,
деб ўйлади, мана ҳозир кўнгли жойига тушди — кўп
йиллар давомидаги содиқ дўстликка раҳна тушмай, гу-
бор қўнмай бутунлай тугаётгани, ниҳоясига етаётганини
хис этиш туйғуси етишмай турувди.

Улар қайтиб кўришмаслигини кампир биларди.

Яна ортиқча, кераксиз бир кун яшашга тўғри келди.

Кампирни хонага қайтариб Надя олиб кирди, олиб кирди эмас, қўлида кўтариб кирди деса ҳам бўлади. Кампирнинг оёқлари бутунлай ярамай қолганди. У яна ўрнига ётиб жовдираб турган кўзлари билан рўпарасига ғамгин боқарди ва атрофда бўлаётган ишларга оҳиста қулоқ соларди; назарида энди бу оламдаги ҳеч нимага, қарашга ҳам, гапиришга ҳам, нафас олишга ҳам ҳақи йўқдек туюларди — ҳаммаси ўғирлик нарсага ўхшарди. Эрталаб, уйдагилар ўринларидан тургач, Надя уларга кампирнинг ўзи ташқарига чиққанини айтиб берди. Улар ҳанг-манг бўлишиб, оҳ-вой қилишиди, ойимиз кун сайин эмас, соат сайин тузаляпти деб судонишиб, ҳайрон бўлишиди, кейин ҳаммалари секин-аста тарқалишиди-ю, кампирнинг ўзи қолди. Тўғри, кампирнинг олдига гоҳ Люся, гоҳ Илья, гоҳ Надя тез-тез киради-ю, аммо яна шў заҳоти чиқиб кетишарди. Илья қарсак чалиб туришимиз учун энди кампирнинг рақсга тушишини кутиш керак деди, бу ҳазил ҳаммаларига ёкиб қолди, бу гапга ҳатто Люся ҳам жилмайиб қўйди, Варвара бўлса охирги ҳабар — ойим оёққа турди деган гап билан бирга бу ҳазилни бутун қишлоққа ёйиб юборди. Бу вақт ичida Илья анча қизиб олди, унинг калласи қизариб, ловилларди, ялтиради, кўзлари тўсатдан ёниб, шўхлик билан чақнарди. У бирон нима қилсан, бирон нимага қўлимни урсам, деб типирчилаб турарди, аммо қиладиган ишнинг ўзи йўқ эди, шунинг учун у қайта-қайта онаси ёнига бориб, ҳадеб такрорларди:

— Ётибсанми, ойи? Майли, ётавер, ётавер, дамингни ол. Агар ўйин тушгинг келиб қолса, бизни албатта чақир. Бир қўрайлик — ҳа. Биламиз, ойи, ўйин тушмоқчи бўлганингни биламиз, йўқ дема.

Кампир чўчиб, кўзларини мўлтиллатганча унга қараб ётарди. Ҳаммадан кейин унинг олдига Михайл кирди, кампирнинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. У стол ёнидаги ўша жойга, жаңжал олдидан ўтирган ерига ўтирди ва папирос тутатиб, тортиб-тортиб чекди. Унинг юзи одатдагига нисбатан салқиган, қорайиб кетган, кўзлари шишиган эди. У чекаран, зил-замбил бўлиб ўтириб хўрсиниб қўяр, нафасини ростлар, онасидан кўзини узмай ниманидир кутар, нимадандир умидвор бўлар эди. Тутун кампирнинг димогига урилди, шунинг учун у қўллари билан кўксини чангаллаб, бир азобда йўталди, қуруқ, зўрма-зўраки йўтал унинг томогини қириб кетаётгандай

эди. Михаил шоша-пиша папиросини ўчириб, ташқари чиқди. Шу алпозда улар бир-бирларига бир оғиз ҳам гапирмади.

Аммо йұтал босилгандан кейин Нинка кампирнинг олдига киргач, кампир дарров унга талпинди. Кампир қўлини кўтариб, қизчанинг елкасини силади. Ўз набира-сига қўли текканидан эриб, ҳузур қилган кампирнинг кўнгли яйради — гўё унинг ўзини силаб-сийпашаётгандай эди. Ҳатто кампир жуда ҳузур қилган пайтларида-гидек кўзларини ҳам юмди.

Нинка ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ тўсатдан шундай деди:

— Сени Люся холанг қуруқ ваъдабоз экан, холос.
— Нега энди? — кампир қўзини очди.

— Бўлмаса-чи. Менга конфет олиб бераман деб ваъда қилувдими? Ваъда қилувди. Ҳамма эшитган. Ўзи бўлса олиб бермади. Шунинг учун ваъдабоз-да.

— Ундаи бўлса, айт, олиб берсии.

— Ие, мен ундан қўрқаман. Ўзинг айт.

— Уни нимасидан қўрқасан? Ахир у ит эмаски қопиб олса.

— Қопиб олмайди, аммо бари бир. У шундоқ қараса юрагим ўйнаб кетади, унга айт, менга қарамасин, шунда мен ҳам қўрқмайман.

— Бемаъни гапларни алжира ма.

— Кел бўлмаса, ўзини чақирай, ўзинг унга айтасан, — деди Нинка кампирни кўндиришга уриниб.

— Кераги йўқ. Сенга яна конфетми? Сен шундоқ ҳам кўп еяпсан. Кечаси оғзингдан конфет тушмади, эртадан-кечгача шимиб юрдинг.

Нина хафа бўлиб афтини буриштириди-да, юлқиниб кампирнинг қўлидан чиқди.

— Сен ўзинг ундан қўрқасан, — деб у кампирнинг жигига тегди. — Агар қўрқмаганингда, айтардинг. Қўрқасан, тамом.

Кампир жилмаймоқчи бўлди, аммо жилмайиш ўрнига лаблари маъносиз хиёл титради, холос.

Афтидан у сал мизғиганга ўхшайди, чунки Люся келганини эшитмай қолди. Қўзини очса тепасида Люся турибди, унга қараб юзидан бирон ўзгариш қидиряпти. Онаси билан кўзлари тўқнашгач сўради:

— Ойи, аҳволинг қалай?

— Ҳа, ётибман-да, — деди кампир. У нима деб жавоб беришни билмасди, назарида у, киши ўзици яхши ёки ёмон сезадиган чегарадан аллақачон чиқиб кетгандай

әди, қолаверса илгари ҳам бу нарсага унча эътибор бермасди: кўпроқ соғлиқ ва касаллик, ҳорғинлик ва тетиклик, бардамлик ва заифликнинг фарқига бораради.

— Кечагидан тузукмисан ахир? — деб суриштириди Люся.

— Сен, Люся, Михайл билан ярашиб ол,— деб тўсатдан илтимос қилди кампир.— Ярашиб ол. Бир-бирларинг билан жанжаллашишнинг кераги йўқ. Бунга мен айборман, унга ёпишдим. У чидаб туролмади, алам қилиб кетди. Ҳозир ўзи ич-этини еб юрибди.

— Тавба, унга алам қилибди-ю, менга қилмабдида,— деди Люся ҳимлаб.— Жуда қизиқ-а, оғзига келганини қайтармай гапирди-ю, энди мен бориб ундан узр сўрай эмиш. Нималар деяпсан, ойи?

Кампир гангид қолди.

— Мен Михайлни айтмаётибман,— деб тушунтириди у.— Мен уни оқламоқчи эмасман, йўқ. У бошқа одам, сен бошқа одам. Энди нима қилардинг? Нима бўлгандаям бари бир у сени ининг. Мен ҳам нима бўлгандаям, бари бир сенларнинг оналарингман — сенинг ҳам, унинг ҳам. Бунақа тумтайиб юрмасдан муроса қилинглар дейман-да. Яраш, Люся, менга раҳминг келсин, сизлар ярашиб олсанглар, мен ҳам қутуламан. Ҳозир мени шундан бошқа илинжим йўқ.

— Ҳадеб шуни гапириш жонингга тегмадими, ойи? Деярли тузалиб қолдинг, эл қаторисан, ҳатто юряпсану нуқул шуни гапирасан.

Яна Нинка келди, унинг келиши жуда бемаврид эди.

— Бор, ўйна, ўша ёқларда ўйна,— деб кампир уни ўзидан нари сурар экан, жўната бошлади.— Бор, кейин келасан, мен сени кутиб ётаман.

— Сенинг Люся холанг гирт ваъдабоз-ку,— деди Нинка тихирлик қиларкан тўрсиллатиб ва Люсяга кўз қирини ташлади.

Кампирнинг сўрашдан бошқа чораси қолмади:

— Нега энди?

— Бўлмаса-чи. Менга конфет олиб бераман деб ваъда қилувди. Ҳамма әшитган. Ўзи бўлса олиб бермади, алдади.

— Бу қанақа гап бўлди яна?!— деди ажабланиб Люся.— Нега сен мён билан бунақа гаплашыпсан?

— Мен сен билан әмас, бувим билан гаплашыпман.

— Қизиқ: ким сенга мен билан сенсираб гаплашгин деди? Нима, мен сени ўртоғингманми? Нима, сен катта-

ларни «сиз»лаб гапириш кераклигини билмайсанми ҳали? Сенга ҳеч ким ўргатмадими?

— Тавба қил,— деб шивирлади Нинкага кампир.

— Хўп,— деди Нинка ва йифламсираб бурнини тортди.

— Қани йиглаб ҳам кўр-чи,— деди Люся олдини олиб.— Ҳеч ким сенинг кўз ёшларингга ишонмайди. Жуда беадаб қиз экансан. Мен беадабларни ёмон кўраман. Мен билан шу хилда гаплашганларни ёмон кўраман. Қаранглар-а, шунчалик юзсиз бўлиб кетибди-я.

— Энди бунақа қилмайди,— деди кампир охиста.

— Шошмай тур, ойи. Сизлар буни шунақа қилиб талтатириб юборгансизлар-да! Хўш, нима учун бунақа қитляпти, қани, ўзи айтсин. Ҳадемай бу сизларга бошқа нағмасини ҳам кўрсатади, мана кўрасизлар.— Люся Нинкага ўгирилди.— Агар жуда конфетсиз туролмайдиган бўлсанг, майли, олиб бераман,— деди у,— аммо бу энди совға бўлмайди, тамагирлик бўлади.

Нинка шоша-пиша бош иргади: қандай бўлмасин у айтганини қилиб конфет ундириди-ку.

Люся хонадан чиқиши билан Нинка ҳам кетидан оти-либ чиқди. У дарвоза ёнида пойлаб турмоқчи бўлган бўлса керак ёки холасининг кетидан магазинга чопқилла-гандир. У ерда қулай пайт топиб, одамлар олдида бармоғи билан витринани кўрсатиб:

— Люся хола, менга манавиндан олиб беринг,— дейди.

Бу қизи тушмагур, на онасига, на отасига ўхшайди, ерга урсанг, осмонга сапчийди.

Кампир яна хаёл суриб, ўзи билан ўзи бўлиб қолди, у эс-ҳущини йиғиштириб олганида хонанинг ярми қуёш нурига ғарқ бўлган эди. У гарчи дилида қани энди офтоб тезроқ қаравотга ета қолса деб турган бўлса ҳам, қўрқиб уни кузата бошлади. Назарида бугун, яшашга ҳаки бўлмаган шу кун тириклар билиши мумкин бўлмаган нарсаларни билиб оладигандек эди, кампир бирон шакл-шамоилни кўриш ёки нидо эштиш умидида кўзини йириб-йиртиб қуёшнинг полда кенг жойни ёритиб, жимирлаётган нурига қааради, гўё булар унга бир нимани тушуни-тириб берадигандай эди. Ҳозирча ҳеч гап йўқ эди, аммо офтоб деразада тик бўлиб турган ўнг томондан сурилиб, борган сари қаравотга яқинлашиб келарди. Гўё унинг жимгина живирлаб турган нурида аранг тийилиб турган қувноқ, қудратли бир куч бордай эди, шунинг учун бирдан кампирнинг миясига қуёш ҳам мени худди қордан ясалиб, устига эски-туски ташлаб қўйилган одамни эри-тиб юборгандек, эритиб юбориши мумкин-ку, деган фикр

келиб қолди. У офтобда исинади, яйрайди, ўзи эса әриб, борган сари кичраяверади, кичраяверади, то бутунлай гойиб бўлгунча кичраяверади. Одамлар келиб қарашсаки, каравотда ҳеч ким йўқ. Улар кампир яна ташқарига чиқибида-да, деб ўилашади. Ҳа, кампир «одамлар» деб ўйлади, у ўзиники-ю, бегоналарни фарқ қилмади.

Нихоят офтоб каравотга тушди, кейин кампир қўлини тутди, аъзойи баданига исиқлик югурди. Назарида исиқлик билан бирга аъзойи бадани бўшаниб кетаётгандай бўлди, бу ҳолсизлик кишини әлитадиган, ёқимли эди. Кампир фақат ухлаб қолмасам бўлгани, бўлаётган ишларнинг ҳаммасини ўзим билиб ётай дерди.

Қаердадир, нарироқда Варвара бирор билан гаплашаётганди, шундан кейин ногаҳон кампирнинг эсига бир гап тушиб қолди, у бу гапни бутунлай унтиб қўйганди. Кампир ўзини зўрлаб овоз чиқарди-да, Варварани чақирди, аммо овоз жуда секин бўлганидан узоқка бормади, шунинг учун ҳеч ким унга жавоб бермади. Кампир яна чақирди, бу сафар қаттиқроқ чақирди. Варвара эшигиб, ғизиллаб келди.

— Ҳа, ойижон?

— Ўтири.— Кампир кўзи билан каравотни, ёники кўрсатди. Варвара ўтирди.

— Нима гап, ойижон?

— Шошмай тур,— кампир айтадиган сўзларини ўйлаб олди.— Мен ўламан...

— Унақа дема, ойижон.

— Мен ўламан,— такрорлади кампир,— сен эса бoshимда туриб айтиб йиглагин.

— Нима қиласай?

— Айтиб йиглагин. Уларнинг қўлидан келмайди. Ҳозиргилар на алла айтиб болани ухлата олишади, на келишитириб йиглаб одамини чин дунёга жўната олишади — ҳеч ниманинг уддасидан чиқишолмайди. Умидим фақат сендан. Нима деб йиглашни ўзим ўргатаман. Йиглашта ўзинг ҳам йиглайверасану аммо саннаб йиглаш керак. Варвара тушунди, юзида қўрқув ифодаси пайдо бўлди.

— Гапимга қулоқ сол. Мен ойим ўлганда шунақа айтиб йиглаганиман, сен ҳам мени шундай қил, уялма. Улар бунақа қилмайди.— Кампир бир вақтлардаги, деярли унтилган, ҳозир фойдаланилмайдиган сўзларни тартибга соларкан, хўрсиниб, кўзларини юмди, кейин ингичка, чўзиқ овозда бошлади:— Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, ойижоним-еий...

— Ойижон-он-он!— Варвара гўё бу нағмада иштирок

этишдан бўйин товлаётгандек бошини чайқаб йиғлади.

— Э, увиллайвермасанг-чи,— деб кампир тўхтатди.— Тиригимда қулоқ солиб ўрганиб ол. Ҳозир йиғлашнинг кераги йўқ. Мен ҳали шу ердаман. Кўз ёшларингни асра, эртага керак бўлади. Бўлмаса битта-яримта келиб қолади-ю, гапимизнинг белига тепади. Қани, хўш!

Кампир то Варвара сал ўзини босиб олгунча кутиб турди-да, яна бошлади:

— Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, ойижоним-еъ, ойижон...

— Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати ойижоним-еъ,— Варвара кўз ёшларини тўкаркан, кампирнинг кетидан такорлади.

— Мени ташлаб қайларга кетдинг, бағримни доғлаб, лахта-лахта қон этдинг?

— Мени ташлаб қайларга кетдинг, бағримни доғлаб, лахта-лахта қон этдинг?

Кампир каравотда туриб ўтириди ва Варварани юпатар экан, унинг елкасидан қучди. Унинг овози кескинроқ, дадилроқ чиқа бошлади.

Қайси тарафларга сафаринг тушди?

Катта йўлдан аста одимлабгина.

Яшил эманзорни оралабгина,

Қўнғироқ садосин эшитмайин деб,

Ибодат навосин эшитмайин деб,

Муқаддас черковга қадаминг тушди,

Муқаддас черковдан чиқарсан, сўнгра

Борурсан рутубат ерининг қўйнига

Аждод-аждодларинг сари борурсан.¹

Кун борган сари чарақлаб, исирди, ҳамма нарсани ярратарди, ҳавода эса тиниқ куз бошларидаги сингари қандайдир ўзгача тахир-чучмал ҳид бор эди. Осмон аввалгидек ложувард, гумбази эса оч-кўк эди, фақат дарёнинг нариги томонидаги чети, кечқурун қуёш ботадиган ери хирароқ бўлиб, гўё юпқа парда тортилганга ўхшарди, унинг юқорирорғи, чапроғида эса бир парча оппоқ булут осилиб турарди, бу булут гўё томоша учун атайлаб кўкка чиқарилгандай шундай кичик, жозибали эдики, кишини сира ташвишлантирмасди.

Михаил анчадан бери омбор олдидағи супачада кафтини юзига тираб зерикиб ўтиради, кетма-кет папирос чекарди. Илья келиб унинг ёнига ўтириди-да, қизиқиб сўради:

— ¹ Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима қилган.

— Бугун бош оғриқ қилмадингми?

Михаил бошини сарак-сарак қилди.

— Мен қитдай отиб олдим. Сал қизишиб олиш учун.

Эшилдингми, ойимиз оёққа туриб кетди-я?

— Эшилдим.

— Ана-мана дегунча ўйинга ҳам тушиб кетади — ҳа.
Уни қара-я.

У кулиб, таклиф қилди: — Балки, озгина олармиз-а?

Шундоқ ёнимизда, узоққа бориб юрмаймиз.

— Йүқ, — деди Михаил. — Бўлди. Кечә кўп каромат
кўрсатдик, ўшаниси ҳам етади.

— Ҳа, ўзинг ҳам кеча жуда отдинг-да. Ҳаммамизга
ёпишдинг. Ойим билан уришдинг.

— Ойим билан уришганим йўқ.

— Ойим сендан жуда хафа бўлди — ҳа. Айниқса
Танъчора учун. Ойим сени бир савалаб қўймоқчи ҳам
бўлди. Бу аниқ. — У яна кулди-да, тўсатдан сўради:
— Менга қара, сен келмагин деб Танъчорага қачон телег-
рамма жўнатувдинг? Келганимдан бери сен билан
биргаман, ёнингдан жилганим йўқ. Қачон бера қол-
динг?

Михаил папирос қолдигини чертиб юборди, товуқ-
лар папирос қолдигига ташланиши, кейин у акасининг
кўзларига қаради.

— Мен унга ҳеч қанақа телеграмма берганим йўқ.

— Берганим йўқ дейсанми?

— Ҳа.

— Бердим деб айтдинг-ку, ахир? Кечаги жанжал
шундан бошланди-ку. Нима бало, эсингдан чиқдими?

— Нега эсимдан чиқаркан? Эсимда. Агар мен шун-
дай демасам, биласами, ойим нима бўларди? Умидини
узиш учун ёлғон гапирган матькул-да.

— Аммо... Аммо унда Танъчора қани бўлмаса?

— Мен қаёқдан билай?

— Ана холос! Бу ёғи қизиқ бўлибди-ку!

— Фақат сен уларга айтиб қўйма, телеграмма берган
деб ўйлаб юраверишсин, — деди шоша-пиша Михаил,
чунки дарвоздан Люся булар томонга қараб келаётган
эди. Михаил бошини қўйи солди: ҳозир бошланади. Ке-
чаги ва ўтган кунги гапларни, бўлган ва бўлмаган иш-
ларни юзингга солади. Ҳозир уни уялтириш бефойда,
кейин у ўзига ўзи дакки беради, буни фойдаси кўпроқ,
аммо опасининг гаплари кўнглини беҳузур қилади —
ҳе ўргилдим-е, ўшалардан! Шусиз ҳам бошини олиб би-
рон ёқларга қочиб кетай деб турибди-ку.

— Илья! — деди Люся улар ёнига ҳали етиб келмай. Унинг кўриниши жиддий, ташвишли эди. Люся Михаилнинг юраги пўкиллаб турган гапни эмас, бутунлай бошқа нарсани гапирди. — Илья, бугун пароход бўлишини биласанми? Кейингиси уч кундан сўнг келаркан.

Илья гангиб ўрнидан турди.

— Хўш нима қил дейсан?

— У ёғини ўзинг биласан. Аммо мен кетишм керак, ортиқ бу ерда қолишга сираям иложим йўқ.

— Кетиш керак,— деб Илья бош иргади ва Михаилга қаради.— Ойим тузалиб қолди, чамамда.

— Турсанглар бўларди,— деди Михаил ботинолмай.

Унга ҳеч ким жавоб бермади.

Улар уйга биргалашиб киришди-ю, кампирнинг хонасига ўтиб ҳангманг бўлиб қолиши. Уларнинг киришганини ҳеч ким пайқамади. Варвара энгашиб бошини деярли онасининг кўксига қўйиб ҳиқилларди, кампир эса кўзларини юмиб олиб, ўзича қандайдир бир ваҳимали, ҳазин куйни минғирлаб чўзарди. Шу пайт кампирнинг юзи оқариб, қандайдир шукуҳли бўлиб кетган эди. Улар диққат билан қулоқ солиб, сўзларни ажратиб ола бошпашди, бу сўзлар эркаловчи, маъюс ва айни пайтда худди ағдарилган, тескари, ягона маъно берадиган сўзлар эди:

Эман поллардан ҳам юриб бўлдинг сен,
Жажжи дўконларда туриб бўлдинг сен,
Ойна-дарчалардан қараб бўлдинг сен,
Сен, оққуш мисолим, онаизорим.

— Бу ерда нима қиляпсизлар-а? — деб заҳархандалик билан сўради Люся баланд овозда.— Бу қанақа томоша бўлди?

Варвара билан кампир баравар жим бўлиб қолиши. Варвара сакраб ўрнидан турди-да, ойисини кўрсатди:

— Мана, ойижоним.

— Кўриб турибман, дадажонимиз эмас,— деб хахолади Илья.

— Мен ўламан,— кампир ниманидир тушунтироқчи бўлиб аянчили гўлдиради.

— Ойи, ўлим тўғрисидаги гаплар ҳам жонимга тегиб кетди. Чин сўзим. Нуқул шу гап, нуқул шу гап. Нима, сен бу гап болаларимга ёқади деб ўйлаяпсанми? Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор-да, ахир. Ўзингният шундан бошқа гапинг қолмабди. Ҳали кўп яшашинг керак, сен

бўлсанг бир балоларни ўйлаб топасан! Яхши эмас-да, ахир бу.

— Сен юзга кирасан ҳали — ҳа,— деб гапни илиб кетди Илья.

Кампир деворнинг қаеригадир тикилиб индамади.

— Деярли отдай бўлиб кетганингни ўзинг ҳам тушуниб турибсан-ку, ойи. Мазза қилиб яшайвермайсанми. Одамларга ўхшаб юравер, ўлмай туриб ўзингни гўрга тиқиб нима қиласан. Шукур, танингда жонинг бор, билровдан қоладиган еринг йўқ, ҳамиша ҳам шундоқ бўл.— Люся бир оз жим турди-да, яна ўша эркаловчи овозда деди:— Аммо биз бугун кетишимиз керак. Шунаقا бўлиб қолди, ойи.

— Сизларга нима бўлди ўзи?!— деб қичқириб юборди Варвара.

Кампир ишонмай, саросималик билан бош чайқади.

— Шунаقا қилмасак бўлмайди, ойи,— деб такрорлади Люся мулойим овозда, аммо қатъий қилиб ва жилмайди,— бугун пароход бор экан. Кейингиси уч кундан кейин бўлади. Уч кунгача кутиб туролмаймиз.

— Йўқ, йўқ,— деб ингради кампир.

— Бугун ойимнинг олдидан қимирилаб бўлмайди, бўлмайди,— деб Варвара ҳаяжонланди.— Худди ўгайга ўхшайсизлар. Ўзларинг ўйланглар, кетиб бўлмайди.

— Лоақал бир кунгина турсанглар бўларди,— деб Варваранинг гапини қувватлади Михаил.

— Ахир биз, ойи, ихтиёrimiz ўзимизда эмаски нимани хоҳласак, шуни қилсак,— деди Люся уларга жавоб бермасдан ойисига қараб.— Ишдамиз, ахир. Ўзимизга қолса-ку, жон-жон деб бир ҳафта ҳам тураверардим-а, аммо унда, қани энди ўрнингизни бўшатиб қўйинг, дейишлари мумкин. Ахир биз отпускада эмасмизку. Тушунгин, ойижон. Иннайкейин биздан хафа ҳам бўлма. Шунаقا қилиш керак.

Кампир гоҳ Люсяга, гоҳ Ильяга қаараркан, йиғлаб такрорлади:

— Мен ўламан, ўламан. Мана кўрасизлар. Шу бугун. Озгина сабр қилинглар, сабр қилинглар. Менга бошқа ҳеч нима керак эмас. Люся! Сен ҳам, Илья! Шошманглар. Ахир сизларга ўламан деяпман-ку, ўламан.

— Сен, ойи, яна шуни, гапиряисан. Биз сени омон бўл десак, сен ўламан дейсан. Сен ўлмайсан, шунинг учун буни гапирма, илтимос. Сен ҳали кўп яшайсан. Қани энди ёнингда бўлсам жон-жон дердиму аммо энди

кетиш керак. Ёзда яна келамиз. Албатта келамиз. Ваъдамиш шу. Унда ҳозиргидек икки-уч кунга эмас, анчага келамиз.

— Ёзга бало борми? — гапга аралашиб Илья. — Ёзда эмас, ундан олдин дийдор кўришамиз. Ойимиз отдай бўлиб оёқقا туриб кетса, бизларнига меҳмонга боради. Боргин, ойи. От ўйинга тушамиз. Мен циркнинг ёнида тураман. Масхарабозлари бор. Кулавериб ичакларинг узилади.

— Бир кун олдин нима-ю, бир кун кейин нима, — тушунтиришга уринди Михайл. — Фарқи йўқ-ку.

Люся қизишиб кетди:

— Мен сен билан бу масалани муҳокама қилмоқчи эмасман, фарқи бор-йўқлигини сендан яхшироқ билсан керақ. Ёки сен ҳали ҳам ойимни олиб кетишларинг керак, шунинг учун уни кутиб туришларинг шарт, деб ўйлаяпсанми?

— Йўқ, унақа деб ўйлаганим йўқ.

— Э, раҳмат-е!

Люся билан Илья йўл тараддудини кўра бошлаб шоша-пиша ўнгайсизланиб, йигиштиринишди. Кампир бошқа йигламади, у қотиб қолганга ўхшарди, юзлари заҳил, жон асари кўринмас эди. Унга бир нима дейишиди, кампир жавоб бермади. Фақат кўзлари шуурсизлик билан югур-югурни кузатарди.

Чопқиллаб Надя келди, хайрлашув олдидан стол тузатмоқчи бўлди, лекин бунга кўнишмади. Овқат ейишга ҳеч кимнинг қўли тегмасди. Илья Михайлга:

— Йўлга чиқиш олдидан қиттай олмаймизми? — деб сўради. — Қитдай-қитдай — ҳа.

— Йўқ, — унамади Михайл. — Керак эмас.

Варвара ҳарқалай унутмаган экан, Люсага қараб деди:

— Кўйлак нима бўлди?

— Нима?

— Шу ерда тиккан кўйлагингни айтяпман. Бераман деган эдинг-ку.

Люся сумкага жойлаб қўйган кўйлагини олди-да, ижирганиб уни Варваранинг қўлига итқитди.

Сўнгги дақиқаларда Варвара ҳам бирдан:

— Мен ҳам кетаман, — деб қолди. — Ҳаммаларинг кетсаларинг мен ҳам кетаман. Бирга кетсан зерикмаймиз.

— Варвара! — деб эштилар-эштилмас ингради кампир.

— Мени йўғимда болалар уйга ўт қўйиб юборишма-

син тагин, деб қўрқяпман, ойижон. Уйни ўзларига қолдириб бўлмайди-да. Худо кўрсатмасин, бир балони бошлашади.

— Кетавер,— деди Михаил қўл силтаб.— Ҳаммаларинг кетаверинглар.

Улар хайрлаша бошлашди. Люся ойисининг юзидан чўпиллатиб ўти, Илья қўлини қисиб хайрлашди, Варвара йиглаб олди.

— Ишиқилиб тузалгин, ойи. Ўлимни хаёлингга келтирма.

— Ойимиз ажойиб-да, ўзи.

— Мен, ойижон, яқинда келаман. Балки кейинги ҳафтада келарман.

Михаил уларни кузатгани кетди. Кампир дераза ортида қадам товушлари янграганини, Илья бир нима деб кулиб юборганини эшитди, кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, кампир ҳам кўзини юмди.

Уни Нинка қимиirlатди.

— Буви, манавини ол.— Нинка унга конфет узатди. Кампир унинг қўлини нари сурди.

— Улар яхши әмаскан,— деди Нинка кетаётганлар тўғрисида, кампирга ачиниб.

Кампирнинг лаблари қимиirlади — у жилмайдими ёки заҳарханда қилдими, билиб бўлмасди.

Кейин Михаил қайтиб келди ва каравотга, кампирнинг ёнига ўтирди.

— Ҳечқиси йўқ, ойи,— деди Михаил анча жим ўтиргандан кейин ва хўрсиниб қўйди.— Ҳечқиси йўқ. Бир кунимиз ўтади. Қандай яшаган бўлсан, шундай яшайверамиз. Сен мендан хафа бўлма, мен аҳмоқман, албатта, ўтакетган аҳмоқман,— деб инқиллади у ва ўрнидан турди.— Ётавер, ойи, аммо ҳеч нимани ўйлама. Мендан жаҳлинг чиқмасин. Мен аҳмоқман.

Кампир жавоб бермай эшитиб ётарди, аммо энди у жавоб бера олармиди-йўқмиди, билмасди. Унинг уйқуси келиб, кўзлари юмилиб кетаётганди. Кампир кечгача, қоронги тушгунча кўзларини яна бир неча марта очди, лекин бирпастгина, қаерда ётганини эслаб қўйиш учунгина очди.

Кечаси кампир жон берди.

МУНДАРИЖА

Омон бўлсанг, унутма
Сўнгги муҳлат

3
234

На узбекском языке

Библиотека дружбы

Проза народов СССР

Валентин Григорьевич Распутин

Живи и помни.

Повести

Перевод с издания издательства «Молодая гвардия», Москва, 1976

Редактор М. Турсунов

Серия рассказы И. Кирякidi

Рассом Э. Кигай

Расмлар редактори А. Кива


Техн. редактор Е. Потапова

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 2599

Босмахонага берилди 25. 08. 83. Босишга руҳсат этилди 26. 12. 83. Формати $84 \times 108\frac{1}{2}$. Босмахона юғози № 3. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 21,84+0,52 вкл. Шартли л. кр. оттиск 24,68. Нашр л. 23,98+0 85 вкл. Тиражи 30000. Заказ 1584. Ваҳоси 2 с. Рафур Рулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Ўзбек давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаининг Бош корхонаси. Тошкент. 700129. Навоий кӯчаси, 30.





102094

2 220000 901772